ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНВЕРСИТЕТИ
ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ VII-СЪЕЗДИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент, 23-24 ноябрь 2006 йил

****

МАТЕРИАЛЫ VII-СЬЕЗДА ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА

Ташкент, 23-24 ноября 2006 года

Тошкент – 2006

Тўплам география фанлари доктори, профессор АБДУСАМИ СОЛИЕВ ва география фанлари номзоди, доцент АСОМБЕРДИ ЭГАМБЕРДИЕВларнинг умумий таҳрири остида нашрга тайёрланган.

Тўпламда Ўзбекистон География жамиятининг VII-съездида муҳокама қилинган мақолалар ўрин олган. Тўплам 4 бўлимдан иборат бўлиб, уларда табиий география, табиатдан фойдаланиш ва география таълими муаммолари, ижтимоий-иқтисодий география ва демография муаммолари, қуруқлик гидрологияси ва гидрометеорология, геодезия, картография ва кадастр масалалари ёритилган.

Тўпламдан географлар, гидрологлар, картографлар, иқтисодчилар, магистр ва аспирантлар ҳамда олий ва ўрта мактаб ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: доц. **Р.Й.Махамадалиев**

Таҳририят аъзолари: проф. **Т.М.Мирзалиев**
доц. **П.Н.Ғуломов**
доц. **Ш.С. Зокиров**
проф. **Ф.Ҳ.Ҳикматов**
доц. **Х.М.Мубораков**
доц. **М.Т.Миракмалов**
доц. **З.Н.Тожиева**

Съезднинг ташкилий ва дастурий қўмитаси

Ғ.И.Мухамедов - раис, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори
Х.А.Тойчиев – ҳамраис, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори
А.С. Солиев -ҳамраис, профессор, Ўзбекистон География жамиятининг президенти
Р.Й.Махамадалиев - доцент, Ўзбекистон Миллий университети География факультети декани
Ш.А. Азимов –доцент, Ўзбекистон География жамиятининг вице-президенти
А.Э.Эгамбердиев –доцент, ташкилий ва дастурий қўмита котиби
И.Абдуғаниев – доцент, ЎзГЖ Фарғона вилояти бўлимининг раиси
М.К. Боймирзаев –доцент, ЎзГЖ Наманган вилояти бўлимининг раиси
Н.Ҳ.Маматқулов доцент, ЎзГЖ Самарқанд вилояти бўлимининг раиси
И.Қ.Назаров- доцент, ЎзГЖ Бухоро вилояти бўлимининг раиси
Ғ.Р.Пардаев –доцент, ЎзГЖ Тошкент вилояти бўлимининг раиси
Е.К.Умаров – профессор, ЎзГЖ Қорақалпоғистон бўлимининг раиси

СЎЗ БОШИ

Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон География жамиятининг VI съездига (2003 йил, ноябр) ҳам уч йил ўтди. Бу қисқа вақт давомида мустақил республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди, мамлакатимизнинг геосиёсий мавқеи ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузи янада мустаҳкамланди. Шу даврда, бошқа фанлар қаторида, география фани ҳам ривожланиб борди ва у ҳозирги кунда ҳаракатдаги олам сирларини ўрганиб бормоқда.

Кўрилаётган даврда географ олимларимизнинг сафи кўпайди, янги ўқув қўлланма ва дарсликлар, харита ва атласлар яратилди, География жамиятининг вилоятдаги бўлимлари ишлари анча фаоллашди. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро. Сурхондарё вилоятларида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, марҳум устозлар ёдга олинди ва уларнинг руҳлари шод этилди.

Шу билан бирга жамият ва фанимизда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас, зеро ҳар қандай тараққиёт бундай масалаларни, номувофиқликларни бартараф этиш асосида содир бўлади. Ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар География жамияти ишида, география фанининг назария ва амалиётида, пойтахт ва вилоятларда, етакчи университет ва оддий ўрта мактабларда, Давлат тест маркази фаолиятида ҳам мавжуд.

Ўзбекистон География жамиятининг навбатдаги, VII съезди айнан юқоридаги муаммоларнинг муҳокамасига бағишланади. Ушбу тўпламда-съезд материалларида республика табиати (ер-сув, агроиқлимий, минерал хом ашё ресурслари), аҳолиси ва хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари, геоэкология, география таълими ва методикаси, картографияга оид мақолалар ўрин олган.

Албатта, мавзуларнинг долзарблиги, илмий савияси, таҳлилий хулосалари, кўтарилган масалаларнинг асосланганлиги ҳар хил. Таҳририят ҳайъати съездга юборилган барча мақолалар мазмуни ва саводхонлигини имкон қадар яхшилаш борасида беминнат ва холисона хизмат қилишди. Бу ҳақда баъзи муаллифлар ўзларининг мақолаларини ўқиб, ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шу билан бирга истардикки, келажакда География жамияти, фанимиз ва олимларимиз ҳурмат ва обрўсини қадрлаган ҳолда юқори савияда ёзилган мақолалар сони кўпайсин.

Таҳририят аъзолари география фанлари номзоди, доцент *Асомберди Эгамбердиев*нинг ушбу съезд ва тўпламни ташкил этишдаги катта хизматлари учун миннатдорчилик билдиради.

Таҳририят ҳайъати.

ЯЛПИ МАЖЛИС

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ ВА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ СЪЕЗДДАН-СЪЕЗДГАЧА (2003-2006 ЙЙ.)

А.Солиев
Ўзбекистон География жамияти президенти

Ўтган икки съезд оралиғида Ўзбекистон География жамиятида қатор ютуқларга эришилди. Жумладан, жамият гувоҳномаси ташкил этилиб, унга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан мингдан ортиқ географлар (талабалар, магистр ва аспирантлар, ўрта ва олий мактаб ўқитувчилари, мутахассислар) расман аъзо бўлишди.

Уч йил мобайнида География жамиятининг тўртта жилди нашр эттирилди. 24-жилд профессор Али Абдулқосимовнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан Самарқандлик касбдошларимиз ташаббуси асосида тайёрланди. 25-жилд бевосита табиий географиянинг, 26-жилд эса иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий масалаларига бағишланди.

Шу билан бирга жамият ва журнал таҳририяти география фанининг минтақавий муаммоларини ҳам алоҳида жилд доирасида чуқурроқ ва мукаммалроқ ўрганишга эътибор қаратди. Шу мақсадда Ўзбекистон География жамиятининг Наманган вилояти бўлими саъй-ҳаракати билан ахборотнинг навбатдаги 27-жилди тайёрланди ва унда асосий эътибор республикамизнинг ўзига хос, бетакрор минтақаси бўлган Фарғона водийсининг географик муаммоларига қаратилди. Яқин келажакда ушбу янги йўналишдаги жамият ахборотининг махсус жилдларида республикамизнинг Жануби-Ғарбий, Марказий ҳамда Қуйи Амударё минтақалари географиясининг долзарб муаммолари ёритилиб берилади. Айни вақтда умуман мамлакат миқёсидаги ҳозирги замон география фанининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олувчи жамият ахборотини тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Жамият ишининг фаоллашувидан ўтган қисқа вақт мобайнида қатор илмий-амалий анжуманларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳам далолат беради. Шу ўринда алоҳида такидлаш жоизки, айнан бизнинг фанимиз ўтганлар хотирасини ёдлашга, қадриятларни қадрлашга биринчилар қаторида ҳаракат қилди. Бу, шубҳасиз, география фанининг дунёвий ва диний аҳамиятини кўрсатади.

2004 йил 29-30 сентябрда Тошкентда «Табиий ва иқтисодий районлаштиришнинг долзарб муаммолари», шу йилнинг 12-13 октябрида Нукус шаҳрида «Барқарор ривожланишда экологик таълим» мавзуларида илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Шунингдек, Самарқандда

профессор А.Абдулқосимовнинг табаррук 70 йилга тўлганлиги муносабати билан ҳам илмий анжуман ташкил этилди.

Кўриниб турибдики, анжуманлар ўтказишда хусусан жамиятнинг Наманган ва Самарқанд вилоятлари бўлимлари (Наманган Давлат университети ва СамДУ олимлари) катта фаоллик кўрсатишди. Жумладан, Наманган шаҳрида (2005 йил, 5-6 май) «География тарихи: хотира ва қадриятлар» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

География фани, Ўзбекистон География жамиятининг нуфузини кўтаришда айниқса Тошкентда (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2006 й., 30-31 январ) республикамизда ушбу фанни ривожланишига беназир ҳисса қўшган Н.Д.Долимов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт» мавзуида халқаро анжуманнинг ўтказилиши катта аҳаиятга эга бўлди. Бундай миқёсдаги илмий анжуман мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида илк бор ташкил этилди.

Шунингдек, Термизда (2006 й., 20-21 апрел) марҳум профессор А.Н.Рўзиев таваллудининг 70-йиллигига бағишланган «Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши», Самарқандда (2006 й., 31 май-1 июн) профессор С.Н.Нишонов хотирасига бағишланган «География фани ва таълимининг долзарб муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Худди шу йили (23-24 май) Бухорода «География фанинг назарий-амалий муаммолари» мавзуидаги анжуман ҳам ўтказилди. Юқоридаги барча анжуманларнинг материаллари махсус илмий тўпламларда нашр эттирилди.

Қувончлиси шуки, 2003-2006 йилларда географ олимларимиз сони 41 тага кўпайди, шундан 7 нафари фан докторлари, 31 та фан номзодлари. Афсуски, шу билан бирга, бу йилларда бемаҳал ва бешафқат ўлим сафимиздан А.Соатов, М.Асомов, Р.Усмонов, А.Жалилов, М.Зиёмуҳамедовларни олиб кетди (уларни Оллоҳ раҳмат қилсин!).

1-жадвалда республикамизда диссертация ҳимоя қилганларнинг йиллар ва ихтисосликлар бўйича тақсимланиши келтирилган. Масалан, 2003 йилда барча ихтисосликларда 2 фан доктори ва 7 фан номзодлари, 2004 йилда-3 фан доктори ва 9 фан номзодлари ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишган. 2005-2006 йилларда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилган; икки йил мобайнида 2 фан доктори ва 18 та фан номзодлари қаторимизга қўшилишди. Ўртача бир йилда ҳимоя қилганлар сони 2 фан доктори ва 8 фан номзодларини ташкил этади.

Ихтисосликлар миқёсида қаралганда, биринчи ўринни 11.00.07-Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё эгаллайди. Ушбу ихтисосликлар бўйича 2 нафар фан докторлари (Чуб В.Е. ва Трофимов Г.Н.) ва 12 нафар фан номзодлари (Гаппаров Ф.А., Лесник Т.Ю., Глазырина М.Г., Қудратов Т.У., Артыкова Ф.Я., Маҳмудова Д.Э.,

Аденбаев Б.Е., Жакипова А.Ж., Томашевская И.Г., Семакова Э.Р., Карандаева Л.М., Айтбоев Д.П.) ўзларининг диссертацияларини ҳимоя қилишган.

Иккинчи ўринда 11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисослиги туради: 2 фан докторлари (Умаров Е.К., Жумаев Т.) ва 9 фан номзодлари (Мирзааҳмедов Ҳ.С., Қодиров Р.Б., Усмонов М.Р., Мамажонов М., Абдуназаров Ҳ.М., Якубов Ў.Ш., Райимжонов Р.З., Рўзметов Д.Р., Қаюмов А.А.).

1-жадвал

География ихтисосликлари бўйича диссертация ҳимоя қилганлар сони

Йиллар / Ихтисослик ифри	11.00.01		11.00.02		11.00.07		11.00.09		11.00.11	Барча ихтисосликлар бўйича		
	ф.д	ф.н	ф.д.	ф.н.	ф.д.	ф.н.	ф.д.	ф.н.	ф.д.	ф.н.	ф.д.	ф.н.
2003	-	1	1	3	1	3	-	-	-	-	2	7
2004	-	-	1	1	-	4	-	2	-	2	3	9
2005	-	4	-	2	1	3	-	1	-	-	1	10
2006	-	3	-	3	-	2	1	-	-	-	1	8
Жами 2003-2006 йй.	-	8	2	9	2	12	1	3	-	2	7	34

11.00.01-Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси ихтисослигида таҳлил этилаётган йилларда докторлик диссертацияси ҳимоя қилинмаган. Бироқ, бу даврда 8 та фан номзодлари қўшилган. Улар Абдурахманова Ю.Х., Турдимамбетов И.Р., Юсупов Р., Абдуллаев И.Х., Саидкаримова З.С., Абдуреймов С.Ж., Ҳамидов А.А., Қўзибоева О.М.лардан иборат.

География фани таркибидаги қолган ихтисосликлар кўрсаткичлари унча юқори эмас. Чуночи, 11.00.09-Метеорология, агрометеорология ва иқлимшунослик бўйича 1 фан доктори (Мухторов Т.) ва уч фан номзоди (Қодиров Б.Ш., Тлеумуратова Б.С. ва Сатторов О.Б.) диссертациялари ҳимоя қилинган. Айни вақтда 11.00.11-Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ихтисослигида фақат 2 киши фан номзоди илмий даражасига эга бўлишган (Назаров А.А. ва Аманбаева З.).

Ёш географ олимларнинг географияси ҳам кенг. Бу даврда хусусан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Самарқанд, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларининг кўрсаткичлари юқори бўлган. Шу билан бирга Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидан бирор киши докторлик ёки номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишмаган. Жами география фани бўйича илмий даражага эришганларнинг 12 тасини аёллар, қолган 29 нафарини эркаклар ташкил этади.

Диссертацияларнинг тадқиқот предмети сифатида кўпроқ иқлимнинг ўзгариб бориши, геоэкологик муаммолар ва ландшафтлар, аҳоли, саноат географиясининг муаммолари олинган. Айни чоғда янги йўналишлар, жумладан тиббий географик тадқиқотлар, туризм, қўшма корхоналар ҳамда жамоатчилик географиясининг масалалари ҳам ўрганилиб борилмоқда.

Ҳимоя қилинган диссертациялар, илмий анжуманда қўйилган муаммолар география фанининг ривожланишидан далолат беради. Уларда ушбу фаннинг интеграцион салоҳиятидан фойдаланиш, унинг назарий асосларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш масалаларига эътиборқаратилган.

Ўтган йиллар мобайнида ўрта ва олий мактаблар ҳамда коллеж ва лицейларда дарслик, ўқув қўлланма, атлас ва хариталар ҳам нашрдан чиқарилди. Бу борада хусусан Маматқулов М., Ғуломов П.Н., Соатов А., Абдулқосимов А., Қаюмов А., Мирзалиев Т., Ваҳобов Х., Азимов Ш., А.Эгамбердиев ва бошқалар самарали меҳнат қилишмоқда.

Шундай қилиб, икки съезд оралиғида Ўзбекистон География жамияти ва география фани ривожланишида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Шу билан бирга жамият фаолияти, фанимизнинг назарий ва амалий масалаларида баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

1. География жамиятининг фаолиятида ва унинг молиявий жиҳатларини таъминлашда барча вилоятларнинг иштироки бир хил эмас. Ўтказилаётган илмий анжуманлар сони кўп бўлса-да, айрим ҳолларда уларнинг мавзулари мувофиқлаштирилмаган. Фикримизча анжуманлар, хусусан вилоятларда режалаштирилган бундай тадбирлар жойларнинг географик хусусиятлари ва муаммолари, мавжуд илмий мактаб ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Жамият ахборотининг мунтазам ташкил этилиб туриши, шубҳасиз, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бироқ, кўпчилик ундан фақат ҳимоя учун мақола чиқаришни кўзлайдилар, холос; журналдаги мақолаларга илмий ишларда деярли ҳавола («ссылка») қилинмайди, уларга танқидий фикр мулоҳазалар билдирилмайди. Бу эса жамият ахборотларининг илмий аҳамиятига зарар етказади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, анжуман материаллари ва жамият ахборотларидаги айрим мақолалар илмий савияси ўта паст, жиддий таҳрирга муҳтож ҳолда жўнатилади. Натижада, таҳририят ҳайъати жуда катта ва машаққатли ишларни бажаришга мажбур бўлмоқда. Бинобарин, мақола ва тезислар илмий жиҳатдан пухта ишланган, аниқ муаммога ва уни асослашга бағишланган бўлиши керак. Ахборотга мақолаларни эса География жамиятининг вилоят бўлимлари раҳбарининг тавсияси ва

журнал таҳририят аъзоларининг бирини тақризи билан қабул қилинишини йўлга қўйишимиз зарур бўлиб қолмоқда.

3. География фани номзод ва докторларининг сонини кўпайиб бориши, албатта, қувончлидир. Аммо, шу билан бирга, турли хил сабабларга кўра, географларнинг бошқа фан соҳаларига ўтиб кетиш ҳоллари ҳам давом этмоқда. Ачинарлиси шуки, ўзлари географ бўлиб туриб, ундан ор қиладиган ёки уяладиган «янги олимлар» ҳам, афсуски, йўқ эмас.

География-бағри, қамрови кенг, у ўзининг табиатига монанд ҳолда камтар, аммо катта аҳамиятга молик замонавий фандир. Гарчи фаннинг номи оддий, бирмунча эскирган бўлса-да, географик фикрлаш, географик билим ва маданият барча учун ва ҳар доим керак.

4. Сўнгги йилларда баъзи олимларимиз фаннинг назарий асосларини бўшлиги, «қотиб қолганлиги» ёки эскирганлигини ҳар жойда ва ҳар доим таъкидламоқдалар. Тўғри, ҳар қандай фаннинг назарий асослари догма эмас, у мантазам ривожлантириб, такомиллаштирилиб бориши зарур. Бунинг учун мавжуд ғоялар, бутун жаҳон миқёсидаги география фанининг ҳолати чуқур ва танқидий нуқтаи назардан ўрганилиб, аниқ баҳоланиши ва тўғри хулосалар чиқарилиши талаб этилади. Аммо, айрим ҳолларда аллақачон маълум бўлган ёки яратилган илмий тушунча ва ғоялар янгилик сифатида талқин қилинмоқда ёки улар шубҳа остига олинмоқда.

Албатта, география фанининг назарий жиҳатлари, айниқса унинг иқтисодий ва ижтимоий тармоғи ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирилиши зарур. Давлат режалаштириш ташкилотининг барҳам топиши, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келиши, янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазият ушбу фаннинг асосий ғоялари-ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудий ишлаб чиқариш мажмуалари кабилар янгича ёндошувни тақозо этади.

5. Географик тадқиқотларда ижтимоийлашув, экологик муаммоларга эътибор кучаймоқда. Аммо, шу билан бирга, баъзи муҳим илмий йўналишлар, масалан, табиий ресурсларга иқтисодий баҳо бериш, («ресурсшунослик» ёки табиатшунослик), қишлоқ хўжалиги иқлимшунослиги, геоморфология, социал-иқтисодий география, ландшафтшуносликнинг назарий муаммолари ва бошқалар фундаментал тадқиқотларни талаб қилади. Акс ҳолда улар республикамизда умуман йўқолиб кетиши мумкин.

6. Фанимизнинг эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулияти катта. Қолаверса, ўзи яшаб турган жойни, азиз, муқаддас ва мўътабар Ватанни билиш фақат географлар учун керак эмас. Шу боис олий ўқув юртларига қабул қилиш жараёнидаги тест синовлари таркибига (ҳеч бўлмаганда,

тарих, геология, биология, иқтисод фанлари, социология йўналишларига) география фанини киритиш мақсадга мувофиқдир.

7. Жойларда (вилоятларда) география фанининг мавқеи, илмий мактаб ва марказларини ривожланиб бориши ҳам ҳозирги кунннинг асосий вазифаларидандир. Афсуски, қатор олий ўқув юртларида география кафедралари қисқариб бормоқда. Чунончи, Фарғона Давлат университетида иқтисодий география кафедраси ёпилди, Самарқанд Давлат университетида икки табиий география кафедралари бирлаштирилди, Гулистон Давлат университетида ягона география кафедраси аллақачон ўз фаолиятини тўхтатган, Тошкент Иқтисодиёт университетида асосан географлардан ташкил топган, бир вақтлар иқтисодий география номи билан аталган кафедрасининг тақдири ҳам номаълум, Молия институтда эса иқтисодий география ва экология кафедрасининг номини ўзгартириш хавфи бор. Етакчи географ олимларимиз ҳам кўпчилик вилоятларда етишмайди. Сирдарё вилоятида (Гулистон Давлат университетида) умуман географлар тайёрланмайди. Бинобарин, география фанининг бундай географик муаммоларини ҳал қилиниши, География жамиятининг вилоятдаги бўлимлари фаолияти яхшиланиши керак.

8. География фанини умумтаълим, ўрта махсус ва олий мактабларда ўқитилиши, дарсликлар сифати, деворий хариталар туркуми ҳамда Ўзбекистон Миллий атласини яратиш масалаларида ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, география таълими ва методикаси бўйича алоҳида республика миқёсида илмий-амалий анжуман ўтказиш, жамият ахборотининг махсус жилдини айнан ушбу масалага бағишлаш ҳам аҳамиятдан холи эмас.

Юқоридаги муаммоларни изчил ҳал этиш ҳаммамизнинг, аниқроғи-том маънодаги Жамиятимизнинг асосий вазифасидир. География жамияти, география фанини ривожлантириш, унинг нуфуз ва обрўсини кўтариш бевосита географлар бурчи ҳисобланади ва шу йўналишда самарали фаолият кўрсатишда барчага омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

РАЗРАБОТКА ЭЛЕКТРОННОЙ ВЕРСИИ И ИЗДАНИЕ «АТЛАСА ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОД УЗБЕКИСТАНА»

Х.А.Тойчиев, Ф.Х.Хикматов, А.Э.Эгамбердиев,
Д.П.Айтбаев, Г.Х Юнусов, Х.Н.Магдиев, Б.М.Рахматов
Национальный Университет Узбекистана

Поверхностные воды, это воды, постоянно или временно находящиеся на земной поверхности в форме различных водных объектов – рек, саёв, временных водотоков, озер, водохранилищ, болот, ледников и снежного покрова. Гидрологическое картографирование составляющих

поверхностных вод и создание на их основе специального атласа является наиболее рациональным методом завершающего этапа изучения водных ресурсов. Опыт такого рода работ стимулируется гидрологическими атласами Венгрии и Болгарии и составляющимся в настоящее время атласом России.

Целью проекта, выполненного сотрудниками кафедры гидрологии суши географического факультета Ўзбекистон Миллий университети по инновационному гранту ЦНиТ РУз, является разработка электронной версии и издание «Атласа поверхностных вод Узбекистана» с учетом их современного состояния.

Согласно утвержденному проекту атлас состоит из 25 тематических карт (таблица). Первый 5 карт дает общее представление о местоположении Узбекистана в Евроазиатском материке, о физико-географических и других природных условиях (геология, гидрогеология, климат) Республики. Далее в атласе представлены основные карты (гидрографическая сеть, источники питания рек, среднемноголетний сток рек, мутность воды рек, гидрохимический режим водотоков и другие), характеризующие непосредсвенно тематики атласа.

На карте гидрографической сети (масштаб 1:4000000) отражены с достаточной точностью расположение речной сети, крупных озер и водохранилищ, а также ирригационной сети. Содержание данной карты дополнено гипсографическими кривыми, продольными профилями характерных рек Узбекистана. Здесь также представлено распределение число рек и их суммарной длины по крупным бассейнам.

На карте «Источники питания рек» (масштаб 1:2500000), в зависимости от доли участия различных источников в формировании стока реки, согласно классификации В.Л.Шульца и О.П.Щегловой, выделены площади водосборов рек ледникового, снегово-ледникового, снегового и снегово-дождевого типов питания. На карте площади водосборов рек с различным типом питания выделены соответствующими цветовыми фонами.

Карта многолетнего среднегодового стока рек (масштаб 1:2500000) отражает наиболее существенную характеристику режима рек – их среднюю водоносность. Здесь водоносность рек выражена в модулях стока. Приложенные к этой карте специальные диаграммы и графики характеризуют внутригодовое распределение стока рек в разрезе отдельных месяцев, сезонов и полугодий, что имеет существенное значение для целей ирригации. Здесь также приложены основные гидрологические характеристики - норма, многолетняя изменчивость стока главных рек и их крупных притоков.

Карта мутности воды рек (масштаб 1:2500000) характеризует высотные особенности распространения водной эрозии в предгорно-

горной зоне Узбекистана. При картографировании мутности воды рек нами использован площадной метод с выделением зон мутности. При этом использована переменная шкала – градации, предложенной О.П.Щегловой.

На карте гидрохимического режима рек (масштаб 1:3000000) выделено 9 гидрохимических районов (В.Е.Чуб, Ф.Э.Рубинова, 2002). В пределах этих районов минерализация воды рек зависит от их удельной водоносности. Здесь способом картодиаграмм показан гидрохимический режим рек по данным наблюдений на гидрологических станциях и постах.

Тематические карты «Атласа поверхностных вод Узбекистана» и их краткое содержание

Названия тематических карт, масштаб	Содержание
Узбекистан в Евроазиатском материке, 1:80000000	Показано географическое местоположение Республики в Евроазиатском материке, приводятся знаменательные даты о незовисмом Узбекистне.
Физико-географическая карта, 1:4000000	Карта характеризует природные особенности Республики, здесь так же показана, что недра Узбекистана богаты полезными ископаемыми.
Ферганская долина, 1:2500000	
Геологическая карта, 1:4000000	Придставлено геологическое строение территории Республики, приведены разрезы по направлениям север-юг и запад-восток. Выделены сийсмические зоны на территории Узбекистана.
Карта землетрясений, 1:10000000	
Гидрогеологическая карта, 1:4000000	Даны сведения о генезисах подземных вод, их минерализации, а также указаны гидрогеологические бассейны, выделенные на территории Узбекистана.
Климатическая карта, 1:4000000	Показано изменение температуры воздуха и количество атмосферных осадков по территории Республики. Придставлены суммы температур за период со средней суточной температурой воздуха выше Қ10^0С.
Суммы положетельных температур, 1:10000000	
Гидрографическая сеть, 1:4000000	Придставлена естественная и антропогенная гидрографическая сеть. Графики и диаграммы характеризуют распределение число рек и их суммарной длины по бассейнам. Для основных рек Узбекистана построены их гипсографические кривые и продольные профили.
Источники питания рек, 1:2500000	Выделены площади водосборов рек различного типа питания и представлены критерия их выделения по классификации В.Л.Шульца.
Многолетний среднегодовой сток	Показано измениение модуля стока рек с высотой их водосборов, представлены специальные графики,

рек, 1:2500000	характеризуюшие эту закономерность
Внутригодовое распределение стока рек, 1:4000000	Показано внутригодовое распределение стока рек (в процентах от годового) на весенний и летний периоды. Представлены специальные диаграммы, характеризующие этот процесс.
Минимальный сток рек, 1:4000000	За минимальный сток принято значение многолетнего среднемесячнего минимального модуля стока. Графики характеризуют связь минимального стока от среднего стока рек.
Селевые паводки, 1:3500000	Представлены сведения о повторяемости селей на территории Узбекистана. Диаграммы показывают основные причины возникновения селевых потоков.
Мутность воды рек, 1:2500000	Мутность воды рек охарактеризована 9 градациями. В диаграммах показаны годовой ход расходов воды, стока взвешенных наносов и мутности воды рек
Гидрохимический режим рек, 1:3000000	Выделено 9 гидрохимических районов (В.Е.Чуб, Ф.Э.Рубинова). Диаграммы характеризуют изменения минерализации воды во времени и длине рек.
Снежные лавины, 1:1000000	Выделены 6 лавиноопастных зон, для которых показана степень лавинной опастности. Специальные диаграммы и графики показывают распределения лавин по высотным зонам, их повторяемости по месяцам и экспозициям.
Лавиноопастные зоны,1:10000000	
Качество поверхностных вод, 1:4000000	Представлена комплексная характеристика качество поверхностных вод по индексу загрянения. Даны сведения о колечество жетелей, проживаюших в районах с различными показателями качества воды.
Озера и водохранилища 1:4000000	Показаны крупные озеры и водохранилища, приводятся их основные морфометрические характеристики. На специальных графиках представлен уровенный режим водоемов.
Термический режим рек, озер и водохранилищ, 1:3500000	Показана среднемесячная температура рек, озер, водохранилищ в апреле и июле. Графики характеризуют годовой ход температуры водных объектов.
Годовое испарение с водной поверхности, 1:4000000	Представлено годовое испарение с водной поверхности водоемов в миллиметрах. Специальные диаграммы характеризуют распеделение годового испарения с поверхности водоемов.
Батиметрическая карта Аральского моря, 1:2500000	Батиметрическая карта Аральского моря характеризуют отметки глубин (в метрах) за различные характерные периоды. Показана динамика площади зеркала водоема за конкретные годы. Представлены графики площади и объемов моря, динамика поступления речных вод и другие.
Динамика Аральского моря, 1:5000000	
Айдар-Арнасайская озерная система, 1:500000	Айдар-Арнасайские озера и Чардарьинское водохранилище представлена как еденная система. Приводятся исторические сведения о возникновении озерной системы и ее современном положении. Графики показывают ход минерализация воды и уровенного режима озерной системы.

Специальные карты характеризуют внутригодовое распределение стока рек (масштаб 1:4000000) в разрезе отдельных сезонов, т.е. за весенний период (март – июнь) и летний период (июль – сентябрь). Эти сведения имеют существенное значение для целей ирригации.

Для характеристики термического режима водоемов составлена карта «Температурный режим рек, озер и водохранилищ», где отражены вероятность зим с различными ледовыми явлениями, а также вероятность зим с ледоставом (в процентах от общего числа лет наблюдений). Здесь способом картодиаграмм показаны температурный режим рек, озер и водохранилищ. При этом исползованы данные стандартных наблюдений, произведенных на гидрологических станциях и постах Узбекистана и сопределных территорий.

В целом, к каждой карте атласа, в виде отдельных врезок или специальных диаграмм и таблиц приложены основные гидрологические характеристики поверхностных водных объектов Узбекистана.

В атласе также представлена следующая ценная гидрологическая информация: площади оледенения речных бассейнов; динамика стока главных рек – Сырдарьи и Амударьи как по их длине, так и во времени; основные морфометрические характеристики (объем воды, площади зеркала воды, глубина воды) крупных озер и водохранилищ; динамика поступления речных вод в Аральское море; уровень воды и элементы водного баланса Аральского моря; динамика минерализации воды Аральского моря и специальная текстовая часть к отдельным картам.

При разработке атласа основными исходными материалами послужили данные стандартных наблюдений за гидрологическими элементами водных объектов, выполненные на гидрологических станциях и постах гидрометеорологических служб Узбекистана и соседних государств, а также материалы различных ведомственных организаций, как САНИИРИ, ИВП АН РУз, Узгеодезкадастра, специальных гидрологических, гляциологических и лимнологических экспедиций.

Проект реализован коллективом Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека при участии ведущих специалистов Центра Гидрометеорологической службы при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Национального Центра геодезии и картографии, Института Водных проблем АН РУз, НПО САНИИРИ и других.

В целом «Атлас поверхностных вод Узбекистана» содержать фундаментальные количественные и качественные сведения о поверхностных водах Узбекистана и сопредельных территорий. Следует отмететь, что он составлялся впервые. Информация, представленная в «Атласе» будет способствовать, во-первых, оценке современного состояния поверхностных вод Узбекистана и, во-вторых, рациональному регулированию и использованию водных ресурсов ныне действующими

гидротехническими сооружениями и ирригационными системами. Все это в перспективе даст возможность получить большой социально-экономический эффект в различных отраслях народного хозяйства Узбекистана и, самое главное, позволить дальнейшему развитию нового направления в мониторинге поверхностных вод – рек, озер и водохранилищ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АТЛАСИ

Т. Мирзалиев
Ўзбекистон Миллий университети

2003 йилнинг 10-16 август кунлари Жанубий Африка Республикасининг Дурбане шаҳрида Халқаро картография ассоциациясининг 21-чи Халқаро картографик конференцияси бўлиб ўтди. Унда 68 та мамлакатдан 750 дан ортиқ олимлар ва мутахассислар қатнашди. Бу ҳалқаро форумда Россиядан Россия федерациясининг Геодезия ва картографияси хизмати бошлиғи А.В.Бородко раҳбарлигида бир груҳ картографлар қатнашдилар. Лекин бахтга қарши бизнинг республикамиздан ҳеч ким қатнашмади. Ҳаттоки хабарсиз қолдик, чунки Республика Геодезия, картография ва кадастр қўмитаси бу халқаро ташкилот билан алоқа ўрнатмаган. Бу халқаро конференция «Катографик ренессанс» девизи остида ўтди. Конференцияда одатдаги анъанавий мавзулардан ташқари, «Картография ва барқарор ривожланиш» мавзусига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, картография назарияси, миллий атласлар ҳақидаги мавзулар ҳам киритилган.

Конференцияда ривожланган мамлакатларда картография ва геоинформатика соҳасидаги олий таълим муассасалари ва уларни ривожланишига махсус эътибор берилган бўлиб, уни бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам жорий қилиш йўллари кўрсатилиб ўтилган. Конференцияда Россия делегати проф. В.С.Тикуновнинг халқаро картографик интернет курсини ташкил қилиш тўғрисидаги доклади конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда дунё бўйича «Геоинформацион революция» га эътибор беришни, ривожланган мамлакат олимларини компьютер технологиясини ривожлантириш ва шу асосида картографик ахборотни ёрдамида интернет орқали етказиб бериш билан оператив карталар тузишни зарурлиги айтиб ўтилган.

Конференциянинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланган миллий атласлар секциясида 6 томлик Испания атласи, 13 томлик Россия атласи Швейцариянинг 2 томлик атласи, Германияда тайёрланаётган «Европа иттифоқининг статистика атласи» ва Хитой республикасининг аҳоли

атласи, иқтисодий ва географик атласларини электрон вариантлари тўғрисида маърузалар қилинган.

Конференция қарорига асосан 2007 йилда Москвада Халқаро картографик ассоциация конференцияси чақирилиши эълон қилинди. Бўладиган бу конференцияда бизнинг республикамиз номидан ҳам маърузачи қатнашиши зарур деб унда «Ўзбекистон Миллий атласи» тўғрисида маъруза қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Режалаштирилаётган Ўзбекистон Миллий атласи мазмунан комплекс атлас бўлиб, унда мамлакатимизни табиати ва унинг ресурслари, аҳолиси, иқтисодиёти, маданияти ва тарихи ўз ифодасини топиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий атласини дастури, карталар рўйҳати, макет копоновкаси ишлаб чиқилган. Атлас карталаридан юзга яқинроғини дастлабки нусхалари (оригинали) яратилган.

Миллий атласимиз 2 томдан: (22 бўлим, яъни 400 дан кўпроқ карта ва бир қанча варақ матн) иборат бўлиши мўлжалланган бўлиб, 50 босма варақ ҳажмида бўлиши кутилмоқда.

I том. Табиий шароити ва унинг ресурслари деб номланиб, 2 бўлимни ўз ичига олади.

II том. Республикамизни аҳолиси, иқтисодиёти, маданияти ва тарихига бағишланиб, 10 та бўлимдан иборатдир.

Атласда мамлакатимизни табиий шароити ва унинг ресурслари билан бирга, мустақилликдан сўнг республикамизни иқтисодий ва сиёсий соҳада эришилган муваффақиятлар тўғрисида кенг ва тўла маълумот бериш мўлжалланмоқда.

Режалаштирилаётган атласимизни республикамизда (1963, 1982-1985 ва 1999 йиллардаги) чоп этилган атласлардан фарқи шундаки, бунда янги мазмундаги карталар киритилади. Масалан, республикамизни қазилма бойликлари тўлиқ ва аниқ тасвирланиши, ҳозирги экологик вазиятни акс эттирувчи карталар республикамизда олиб борилаётган мелиоратив ишлар ва ҳаказолар.

Аҳоли бўйича янги мазмундаги карталар айниқса демографик вазиятни акс эттирувчи никоҳ ва ажралиш, аҳолини ёши, миллати, ташқи ва ички миграция, аҳолини иш билан таъминлаш даражаси, меҳнат ресурслари ва ҳаказолар киритилиши режалаштирилмоқда. Иқтисодий соҳада: давлат ва нодавлат корхоналар томонидан етиштирилаётган ялпи маҳсулот ҳажми, банк ва молия ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва уларни ер билан таъминлаши, уларга ажратилаётган ҳар хил кредитлар ҳамда ер кадастрлари, ер солиқлари ва ҳаказолар атлас карталарида ўз аксини топиши режалаштирилган.

Атлас дастурида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мавзуига алоҳида эътибор берилиб, қуйидаги карталар: кичик бизнес, савдо,

аҳолини сув, газ ва электр билан таъминлаш ҳамда уларни нархи ва бошқа карталар киритиш мўлжалланган.

Таълим соҳасида ҳам янги карталар бериш режалаштирилган. Масалан, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, ихтисослашган мактаблар ва уларни ўқитувчилар билан таъминланиш даражаси, олий мактабларни республика бўйича жойланиши ва уларда ўқиётган талабалар сони ҳамда уларни ихтисосланиши ва ҳаказолар. Соғлиқни сақлаш соҳасида яратиладиган карталар сони анча кенгайтирилиши кўзда тутилмоқда. Масалан: болалар касалхоналари ва уларни врачлар (хирурглар, терапевтлар) билан таъминланиши, койпалар сони ва уларни фойдаланиш даражаси ва бошқалар.

Маданият бўлимида газета ва журналлар, радио ва телеведения, спорт айниқса болалар спортига алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган.

Атласда Ўзбекистон тарихига бағишланган карталар сони 30-дан ортиқ бўлиб, археологик карталар, ўзбек давлатчилиги билан боғлиқ бўлган карталар, Амир Темур салтанатига тегишли карталарни бериш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Миллий атлааси мамлакатимизни мустақилликдан сўнг эришган мувофаққиятларни кўргазмали равишда ҳам полиграфик йўл билан ҳам электрон вариантда яратиш режалаштирилган.

Бундай йирик асар яратишни мамлакатимиз раҳбарияти қўллаб қувватлайди деган умиддамиз.

ЗАМОНАВИЙ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ФАНЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ

А.Н.Ниғматов, П.О.Саидов
Ўзбекистон Миллий университети

Ҳар бир фан мустақил фан ёки фанлар тизими бўлиши учун, албатта унинг назарий асосининг яратилиши даркор. Назарий асоснинг бош масаласи эса – фан ёки фанлар методологиясидир. Шунинг учун бўлса керак файласуфларнинг мунозара марказида айнан мазкур масала кўндаланг бўлиб туради ва, афсуски, ҳанузгача улар ягона фикрга етиб келишганича йўқ.

“Фан, - дейди, машҳур ўзбек файласуфи О.Файзуллаев, - дунё ҳақидаги билимлар тизими, ижтимоий онг шаклларидан бири”[1]. Ушбу фикрни у ёки бу кўринишда деярли барча файласуфлар эътироф этишади. Лекин билимлар ёки дунёни билиш нафақат фан орқали, балки фанлардан ташқарида – параилмий, ақидали, квазиилмий, антиилмий, псевдоилмий

[1] О.Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ назарияси” нашриёти, 2006. – 16 б.

тарзда ҳам амалга оширилади.[1] *Шунинг учун ҳам фан тушунчасида "илмий билиш" иборасини ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.* Умуман олганда, фан ижтимоий характерга эга бўлган (кишилик жамиятига тегишли) илмий билишлар тизимидир. Айнан тизими, чунки фан ҳар бир ҳодиса, жараён, воқеа ва реалликни оддийдан мураккабга томон узвий боғланган бўлинма ёки қисмлар иерархиясида (қисмлар зинапоясида) ўрганади.

Ўз масаламизни ёритишдан аввал, яна бир масалага ойдинлик киритиб олишимиз зарур. Тизимлаш жараёни нафақат муайян фан доирасида, балки фанлар ўртасида ҳам бўлади. Тизимлаш худди Географияда геотизимлар, ёки Экологияда экотизимларни катта-кичик таксономик бирликларга ажратилганидек, фанлар доирасида ҳам амалга оширилади. Энг катта фанлар тизими[2]- табиий, гуманитар, техника, ижтимоий каби гуруҳларга ажратилади. Табиий фанлар ўз навбатида фан соҳаларига ажратилади: аниқ, Ер билимлари ва ҳ.к. Ер билимлари эса – геологик, географик, биологик, экологик, тупроқшунослик каби фан тармоқларига бўлиниб кетади. Географик фанлар тизими асосида иккитага – табиий ва ижтимоий (чунки иқтисод ҳам ижтимоий категориядир)[3] географик фанлар тизимига бўлинади.

Фанларни тизимлаш шуни кўрсатмоқдаки географик фанлар табиий фанлар ичидан чиқиб келаётган экан, География ижтимоий фанлар тизимига кирмайди. Агарда фанларни тизимлашни давом эттирадиган бўлсак, унда Табиий фанлар - Табиий география, Ландшафтшунослик, Геоэкология, Гидрология, Океанология, Геоботаника каби фанларга ажралиб кетади (Нигматов, Саидов, 2006). Мазкур бўлиниш иерархияси янада майда фанларга бўлиниб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки замон ривожланган ва ўзгарган сари янгидан янги фанлар яратилиши табиий ҳолдир.

Биз ушбу мақоламизда География фан тармоғининг табиий географик фанлар тизимидаги ягона методологик асосга тўхталиб ўтмоқчимиз. ***Методология*** *- юнонча "metodos"- билиш ёки тадқиқ қилиш "logos"-таълимот деган сўзлар йиғиндисидан иборат*. Уни умумилашган тарзда фан нуқтаи назаридан илмий билиш усулларига оид таълимотлар йиғиндиси, тўғрироғи бу ерда ҳам *тизими*, дейиш мумкин. Чунки методологиянинг қуйида санаб ўтиладиган қисмлари айнан муайян бир кетма-кетликда ва иерархияда тизимлаштирилади.

Методология метод эмас ва ундан фарқли равишда шароит ва замонга қараб, ё эволюцион ёинки ноэволюцион тарзда ўзгариши мумкин. Метод ўзгармайди, янгилари яратилади ва улар эскиларини ўрнига илмий

[1] Н.Шермуҳаммедова. Фалсафа ва фан методологиси. – Т.: ЎзМУ нашриёти, 2005 й.
[2] Фанлар. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд. – 182 б.
[3] Ўша ерда. 182-183 б.

билишда қўлланилади, холос. Методларни тизимлаш эса муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий-маърифий ҳолатдан келиб чиқади. Масалан, СССР даврида деярли барча фанлар, жумладан географик фанлар методологияси марксизм-ленинизмнинг утопик коммунизм қуриш ғоясига асосланган сиёсий тизимга мослаштирилган эди (Ю.Г.Саушкин 1976, А.Г.Исаченко 1971). Бундан табиий географик фанлар ҳам четда қолмаган. Режалаштирилган иқтисод, барча кишиларни бир хилда ижтимоий таъминлашга эришиш утопияси, табиий ресурс ҳисобига АҚШни орқасидан қолмасликка йўналтирилган экологик муносабат, ягона миллат ғоясини акс эттирувчи маънавий-маърифий тарғибот методологияси бунга яққол мисол бўла олади. Бундай ҳолатни ҳеч бир олим, инкор этолмаса керак.

СССР парчаланиб, мустақил давлатлар пайдо бўлганидан сўнг табиий географик фанлар қандай методологик асос билан қуролланган эди, деган ўринли савол туғилади. Ҳар бири ўз ривожланиш йўлига кирган мустақил давлатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам кўпгина фанларда бўлгани каби табиий географик фанларда “методологик вакуум” юзага келди ва у ҳанузгача бўшлигича турибди. Чунки СССРдан қутулган Ўзбекистон географлари чуқур назарий ва фанларнинг методологик масалаларига оид изланишлар олиб борган, деб айтолмаймиз. ***Президентимиз И.Каримов*** “*Сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум - бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда четдан ғоя келиб ҳукмронлик қилади. Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади.”* [1] ***ўз вақтида бу борада шундай фикр билдирган эди.***

Шундан келиб чиққан ҳолда Табиатшунослик фанларининг, хусусан Табиий географик фанларнинг мавжуд методологик асосларига муносабат билдириб, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган ўзимизнинг баъзи бир мулоҳазаларимизни ифодаламоқчимиз.

Фалсафада ***табиат*** деб обьектив борлиқни, яъни бизнинг онгимизга, ҳатти-ҳаракатимизга боғлиқ бўлмаган моддий дунёнинг хилма хил шакллари ва турларига айтилади. Амалиётда ёки табиий фанларда уни кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш манбаи бўлган обьект сифатида қаралади. Табиатга нисбатан фалсафий қараш тўғрироқдир. Чунки космик обьектлар – қуёш, юлдузлар, планеталар, осмон ва унинг чексиз кенгликлари инсон иштирокисиз келиб чиққан ва

[1] И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. /Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, "Мулоқот" журналининг 1998 йил 5-сони

табиийдир. Доимо ҳам инсон фаолияти уларга илмий билиш предмети сифатида ета олмайди. Лекин, инсонлар ўзларининг кундалик ҳаётий фаолиятларида табиатдан бевосита ёки билвосита тарзда фойдаланадилар. Фойдаланиш кучайган сари янги-янги фан қирраларини юзага келтиради.

Табиатшунослик – *табиатни илмий билишга қаратилган фанлар тизими.*[1] Унинг мақсади – табиатда мавжуд бўлган, ўзгараётган ва инсон ҳаётига таъсир этаётган ҳодиса, воқеа ва жараёнларни тадқиқ қилиш. Биз профессор, йирик файласуф олим О.Файзуллаевнинг Табиатшуносликка берган таърифига, яъни "Табатшунослик,- асосан, фундаментал фанлар бўлган механика, физика, кимё ва биологиядан ташкил топган. Астрономия, геология, тиббиёт фанлари, қишлоқ хўжалик фанлари, техника ва технология фанлари, экология каби кўплаб билим тармоқлари шу фундаментал фанлардан келиб чиққан"[2] деган гапларига асло қўшила олмаймиз. Чунки *биринчидан,* фундаментал фанларга нимагадир Биология киргану, Геология ёки География каби соф табиий фанлар киритилмаган. Қайси мезон бўйича ушбу фанлар фундаментал Табиатшунослик фанларига ажратилган. Ўзлари Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 9-жилд, 182-183 бетида фанларни табиий, гуманитар, техника, ижтимоий гуруҳларга ажратиб, тадқиқотларни эса 2 та – фундаментал ва амалий тадқиқотларга ажратганлар-ку. Айнан фан эмас, тадқиқотларга "фундаментал" мақомини бериш мумкинлигини эътироф этган-ку.

Иккинчидан, Механика, Кимё, Физика фанлари нафақат табиатни, балки техника ва технологияларни (кишилар учун хос бўлган ижтимоий жараёнларни) ҳам тадқиқ қилмоқда-ку.

Учинчидан, нима учун Геология, Биология каби фанлар билан қишлоқ хўжалик фанлари бир категорияга киритилган. Агарда муаллиф Ер билимлари билан қишлоқ хўжалик фанларини солиштирсалар мақсадга мувофиқ эмасмиди? Қишлоқ хўжалик фанлари тизимига - Агробухгалтерия, Агроиқтисод каби соф ижтимоий фанлар ҳам киради-ку.

Тўртинчидан, энг қадимий Табиатшуносликка оид фанлардан бири География (антик даврда Эратосфен томонидан фанга киритилган, миллоддан аввал 275-195 йй.)[3], муаллифнинг эътиборидан четда қолган. Ахир География доимо табиий фанларга киритилган, у табиат-жамият муносабатларини бошқа табиий фанлардан кенгроқ ва чуқурроқ ўрганади-ку!

Юқорида санаб ўтилган 4 асос бизни Табиатшуносликка нисбатан фалсафий нуқтаи назардан мустақил фикрлашга олиб келди. ***Табиатшунослик – табиатда содир бўлган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган жараён ва ҳодисаларни мустақил ҳамда уларни инсон***

[1] А.Нигматов.Экология нима. –Т.:ТДЮИ нашриёти, 2002. 4-б.
[2] О.Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ назарияси" нашриёти, 2006. – 15 б.
[3] Н.К.Мукетанов. От Страбона до наших дней.- М.:"Мысль", 1985.- 237 с.

ҳаёти билан боғлиқ равишдаги қонунлари ва қонуниятларини илмий билишга қаратилган фанлар мажмуаси. Фанлари тизими эмас, чунки Табиатшуносликка оид тизимлашган фанлар ажратилмайди. Табиатшунослик мустақил фан эмас, балки ўқув курси сифатида таълим жараёнида иштирок этади. Табиатни илмий билишга тааллуқли фанлар эса – табиий фанлар гуруҳига ажратилади.[1]

Аввалambор, фанларни фалсафий жиҳатдан гуруҳлаштиришда География (яна бир бор таъкидлаймиз, География)ни табиий фанлар қаторига киритилади. Савол туғилади Ижтимоий географиячи? У ҳам табиий фанлар тизимида туради. Ижтимоий фанлардан фарқли, Ижтимоий географик фанлар (Иқтисодий география, Геосиёсат, Геодемография, Қишлоқ хўжалик географияси, Социал география ва ҳ.к.) - табиат ва кишилик жамияти ўртасидаги муносабатларни ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар призмасида (ракурсида) талқин қилади. ***Агарда ижтимоий географик фанлар табиатдаги ҳолат, жараён ва ҳодисаларни ўз тадқиқотларидан "асосий омил" тариқасида инобатга олмас экан, улар "соф ижтимоий фанлар" гуруҳига қўшилиб кетадилар, яъни Географияни "тарк этади".*** Ушбу масалани назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш замонавий ижтимоий географик фанларнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Шу ўринда яна бир бор "География назарияси ва таълимотлар тарихи" фанини Географияда мустақил фан ва ўқув курси этиб киритиш зарурлигини исбот қилмоқда.

Табиий географик фанларнинг обьекти – географик қобиқ доирасидаги табиат комплекслари, геотизимлар ёки табиат компонентларидир. Уларнинг ўртасидаги фарқ ё обьекти, ё предмети ёинки иккаласида ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, табиий географик фанлар Географиянинг уч асосий тадқиқот предметида - географик қобиқ доирасида кечаётган табиий ва табиий-ижтимоий ҳодиса, жараён ва ҳолатларни комплекслик, ҳудудийлик ва даврийлик хусусиятларини акс эттирмоғи лозим. Ана шунда тадқиқотлар географик хусусият касб этади.

Табиий географик фанлар тизимини биз ўз илмий мақоламизда (А.Нигматов, П.Саидов 2006) ёритиб беришга ҳаракат қилганмиз. Шунинг учун ҳам унга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб топмадик. Илк бор замонавий табиий географик фанларнинг методологиясини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Фалсафий таълимот нуқтаи назаридан олганда ***табиий географик фанлар методологияси*** *– муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик шароитда географик қобиқда кечаётган табиий, табиий-ижтимоий*

[1] Фанлар. О.Файзуллаев. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд. – 182 б.

жараён ва ҳодисаларни илмий билишга оид методлар тизими. Айрим олимлар (С.Соатов 2001, Б.Тўраев 2003) уни жуда ҳам умумлашган тарзда "билиш методи" деб ҳам атайдилар. Биз эса методологиянинг кенгроқ фалсафий маъносига кўпроқ ёндошамиз ва унда:

√ *ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маърифий шароитни инобатга олиш;*

√ *географик қобиқ доирасидан чиқиб кетмаслик;*

√ *табиий ва табиий-ижтимоий воқеа, жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилиш;*

√ *юқорида санаб ўтилган ҳолатларни илмий билиш учун зарур бўлган методларни танлаш;*

√ *танланган методларни тизимлаштириш.* каби талабларни келтирамиз

Табиий географик фанлар методологиясида *ижтимоий шароит*ни инобатга олишда тадқиқотларни ижтимоийлашувига, яъни инсон томонидан жамиятда яшаш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилишини инобатга олиш керак бўлади.[1] Бу деган сўз Фалсафанинг илмий билишдаги, Социологиянинг ижтимоий уюшмаларнинг ривожланишидаги (масалан, халқлар ва мамлакатлар тараққиёти уларнинг географик жойлашувига бевосита боғлиқлиги[2]), Психологиянинг инсонларнинг руҳий ҳолатидаги, Тарихнинг даврий ўзгаришидаги, Этнографиянинг маҳаллий халқнинг турмушидаги қонун ва қонуниятларни инобатга олиш зарурлигини кўрсатади. Масалан, Чирчиқ-Оҳангарон округини геоэкологик жиҳатдан оптималлаштириш йўлларини илмий билишда тадқиқот методологияси, методлар тизими ва предметини фалсафий жиҳатдан аниқ танлашга, маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини инобатга олишга, ҳудуднинг табиатидан фойдаланишнинг анъанавий тарихий усулларга эътибор беришга, аҳолининг экологик руҳий ҳолатини тадқиқ қилишга тўғри келади. Акс ҳолда, тадқиқот натижалари ўз назарий ва айниқса, амалий самарасини бермаслиги мумкин.

Худди шундай методологик талаб Чирчиқ – Оҳангарон ҳудудининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-маънавий характердаги муносабатларида ҳам намоён бўлади. Бу мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасининг ривожланишидаги 5 тамойил:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислоҳотчилиги ва демократик ўзгаришларнинг ташаббускори эканлиги;
- қонун устуворлиги;
- кучли ижтимоий сиёсат устуворлиги;

[1] Фасафа. Қомусий луғат. –Т.: "Шарқ", 2004. – 147 б.
[2] Ўша китобда. -374 б.

- бозор муносабатларига босқичма босқич ўтишнинг устуворлигини санаб ўтиш кифоядир.[1]

Бундан мустақил давлатимизнинг ички сиёсат соҳасидаги ўзига хос ривожланиш йўли Ўзбекистон ССРнинг марксизм-ленинизм ғоясига таянганлиги, социалистик, режали, идеологиялашган ички сиёсатидан тубдан фарқ қилади. Эндиликда Чирчиқ-Оҳангарон табиий географик округини СССР меҳнат тақсимотидаги "ресурс ўлка" сифатида фойдаланиш тамойилидан қочиб, маҳаллий аҳолининг "яшаш макони" сифатида қарашга ундайди.

Икинчи методологик талаб табиий географик тадқиқотларни географиянинг обьекти бўлмиш географик қобиқ доирасидан чиқиб кетмаслигини таъминлашдадир.[2]

Учинчи методологик талаб табиий ва табиий ижтимоий воқеа, жараён ва ҳодисаларни илмий билиш. Бу деган сўз атмосфера қуйи, гидросфера ва литосферанинг устки қатламида бўлаётган иқлимий, гидрологик ва геодинамик, биологик жараёнларни инсон фаолиятисиз ҳамда инсон фаолияти натижасида ўзгаришини таққослашни тадқиқ қилиш. Чунки илмий-техника революцияси даврида табиатдаги кўпгина ҳодиса ва жараёнларда инсон фаолиятининг таъсири каттадир.

Тўртинчи ва бешинчи методологик талаб юқорида санаб ўтилган талабларни илмий билиш учун зарур ҳисобланган дала-экспедицион, камерал-лаборатория, информацион-коммуникацион усулларни танлаш. Ушбу усуллар ўз-ўзидан танланмайди. Аввалам бор табиий географик фанлар усули ҳуқуқий асос, сиёсий ҳолат, иқтисодий имконият, ижтимоий шароит, маънавий-маърифий даражани инобатга олиши лозим. Масалан, янги картографик метод – геоинформацион усуллардан, яъни Чирчиқ-Оҳангарон ҳудудини рақамли картографик усулларни қўллаш орқали тадқиқ этиш. Бу усул жуда қиммат туради ва у бевосита Ўзбекистонни Ер атрофидаги сунъий йўлдошларга эга бўлган давлатлар билан сиёсий алоқа ва иқтисодий имконият даражасига боғлиқ.

Тадқиқот методларини танлашда тизимлаш ёки тизимли ёндошувни[3] қўллашимиз лозим бўлади. Бу дегани илмий билиш жараёни гипотеза, концепция, режадан бошланиб, назарий асосини ишлаб чиқиш ёки аниқлаштириш ҳамда амалий тадбиқига етиб бориш методларини муайян иерархия асосида олиб боришни талаб этади. Тизим сўзи юнончада

---

[1] С. Холбоев. Тарихнинг методологик асослари ва тамойиллари масаласи. (И.Каримов асарлари мисолида) // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари, -11-сон, .2004. 140-146 б.

[2] Нигматов А.Н., Саидов П.О. Географиянинг объектига оид мулоҳазалар / Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши//Республика илмий-амалий конф. матер. –Термиз, 2006. 11-15-б

[3] Тизимли таҳлил.//Фалсфа: қомусий луғат. –Т.: Шарқ. 2004. -398-399 б.

“systeme” – қисмлардан иборат, бутун,[1] яъни ягона бир бутунликка эга бўлган тадқиқот қисмлари, деган маънони англатади.

Табиий географик тадқиқотларда эса мазкур методологик талаб, масалан, аввал Чирчиқ-Оҳангарон ҳудудига оид ҳолатни аниқлаш методлари, сўнгра –дала-экседицион, камерал-лаборатория методларини, ундан кейин эса аналитик-таҳлил методларини қўллашга ундайди.

Табиий географик фанлар назариясида замонавий методологик асосни тўғри танлаш ва уни тадқиқот ишларида қўллаш, олинадиган натижаларнинг ҳаққонийлиги, асосланганлиги ва амалий аҳамиятлилигини билдиради.

ОЛИЙ ГЕОГРАФИК ТАЪЛИМДА «ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ» КУРСИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ш.С.Зокиров
Ўзбекистон Миллий университети

XVII-XVIII асрларда, фундаментал фанлар эндигина шаклланиб келаётган вақтларда, география Ер юзасининг табиати, хўжалиги ва аҳолиси ҳақидаги бир бутун фан сифатида кишиларни турли жойлар ва мамлакатларнинг табиий шароити, табиий бойликлари, халқлари, шаҳарлари тўғрисидаги зарурий маълумотлар билан таъминланиб турган.

Ўз тадқиқот объектини тавсифлаб ёзиш, яъни бирламчи маълумотларни тўплаш даври ҳамма фанлар тарихида бўлган. Аммо география фанининг тарихида бу давр XX асрнинг бошларигача давом этиб, бошқа фанлардагига нисбатан анчагина чўзилиб кетди. Шунинг учун бўлса керак, кўпчиликнинг тасаввурида «география-бу қаерда, қандай мамлакатлар, денгизлар, тоғлар, чўллар, ўрмонлар ва ҳ.к.лар борлигини тавсифлаб ёзиб берадиган фандир» деган тушунча ўрнашиб қолган эди.

Замонлар ўтиши билан кишилик жамиятининг табиатга, табиий бойликларга нисбатан бўлган талаблари кенгайиб, мураккаблашиб борди. Бу ўз навбатида фаннинг олдида турган вазифаларини ҳам ўзгаришига ва мураккаблашишига сабаб бўлди. Юзлаб йиллар мобайнида кўплаб кишиларнинг меҳнати ва жонбозлиги туфайли Ер юзининг кўп қисмлари ва мамлакатлари кашф қилинди, уларнинг табиий шароити, табиий бойликлари, халқлари ва бошқа хусусиятлари тўғрисида жуда кўп маълумотлар тўпланди. Энди географиянинг вазифаси фақат маълумотлар тўплашгина эмас, балки тўпланган маълумотларни солиштириш, умумлаштириш ва илмий таҳлил қилиш, қонуниятларни аниқлашдан иборат бўла бошлади. Шу асосда география фанининг илмий асослари ва назарияси шакллана бошлади.

[1] Ўша ерда. -398 б.

Географик маълумотлар кўпайган сари географик тадқиқотлар ҳам мураккаблашиб, ихтисослашиб борди. Фаннинг тузилишида ҳам, изланиш методларида ҳам йирик ўзгаришлар юзага чиқа бошлади. Жумладан, маълум жойларнинг табиий шароитини, хўжалигини чуқурроқ ва батафсилроқ ўрганиш эҳтиёжи уларни қисмларга бўлиб ўрганишга олиб келди. Бу ўз навбатида география фанининг табақаланишига сабаб бўлди. Бир бутун фан бўлиб келган география энди географик фанлар тизимига айланди. Унинг таркибида бир қатор табиий ва иқтисодий географик фанлар ривожлана бошлади. Табиий география ҳам ана шу тизимдаги фанларнинг бири сифатида шаклланди. Унинг ҳам, бошқа ҳар қандай фанларда бўлгани каби ўз объекти ва предмети бор. Ўзининг мақсади, вазифалари, тадқиқот методлари ва муаммоли масалалари бордир.

Ҳозирги кунда табиий география фанида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоли масалаларнинг кўпчилиги, асосан унинг ўрганиш объектининг мураккаблиги, ўзига хос хусусиятлари билан, уни тадқиқ қилишда қўлланилаётган методларнинг ўзига хослиги билан ва фаннинг ҳозирги тараққиёт босқичида халқ хўжалиги қўяётган вазифаларнинг серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқдир.

Бундай муаммоли масалалар билан ҳарбир мутахассис географ таниш бўлиши, уларнинг ечимлари билан қизиқиши, ўз билими ва имконияти даражасида уларнинг илмий ва амалий ҳал қилинишида иштирок этмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда университетларнинг «География» йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларига «Табиий географиянинг асосий муаммолари» махсус курсининг ўқитилиши жуда муҳим ва ўринлидир.

Ушбу махсус курс талабаларга битирув ўқув йилида, яъни улар бир қатор умумилмий, регионал, хусусий ва айрим назарий курслардан етарли билимларга эга бўлганларидан сўнггина, якунловчи назарий курслардан бири сифатида ўқитилади. Табиий географиянинг асосий муаммоларидан билим бериш эса юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим назарий асосларидан бири деб эътироф этилади.

Битирувчи талабаларнинг кейинчалик магистратура ва аспирантурада ўз билим ва малакаларини оширишларида, қолаверса кейинги мустақил илмий фаолиятларида ҳам табиий географиянинг муаммоли масалаларидан етарли билимга эга бўлишлари аҳамиятлидир.

«Табиий географиянинг асосий муаммолари» номи билан нашр этилган ўқув қўлланмалар талайгина. Масалан, Ф.Н.Мильков (1967), К.И.Геренчук (1969), Н.А.Гвоздецкий (1979), Г.И.Юренков (1982), В.П.Сайгак (1986) кабиларнинг китоблари география жамоатчилигига яхши таниш. Булардан ташқари яна бир қатор монографиялар (масалан, А.Г.Исаченко, 1953; В.С.Преображенский, 1972; А.М.Рябчиков, 1972; Д.Л. Арманд, 1975; В.Б.Сочава, 1978; В.А.Николаев, 1979 ва бошқаларнинг

асарлари) мавжуд бўлиб, уларда ҳам табиий географиянинг кўпгина муаммоли ва мунозарали масалалари таҳлил қилингин. Аммо уларнинг ҳажми, мазмуни, мавзуларнинг кетма-кетлиги ва ёритилганлик даражаси турличадир. Шуларни инобатга олган ҳолда, мазкур курсни ўқитишда, санаб ўтилган қўлланмалардагидан фарқли ўлароқ, табиий географиянинг объектига хос бўлган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, муаммоли масалаларни табиий географиянинг уч қисмига (Ш.Зокиров, 1998) мос равишда уч гуруҳга, яъни глобал (ёки сайёра) муаммолар, регионал муаммолар ва маҳаллий муаммоларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади. Чунончи, у ёки бу табиий географик муаммо юзага келган ҳудуд ҳам, уни юзага келтирган ҳодиса ва жараёнлар ҳам, қолаверса уларнинг асоси бўлмиш табиатдаги модда ва энергиянинг ҳаракати ҳам ана шу кўламларда ўзига хослиги эътироф этилмоқда.

Табиий географиянинг асосий муаммолари курсининг мазмуни устида ишлаш жараёнида юзлаб турли ҳажм ва мазмундаги илмий мақола ва китобларни кўриб чиқишга тўғри келади. Уларнинг бирламчи таҳлилиданоқ табиий географияга таалуқли муаммоли масалаларнинг айримлари вақт ўтгани сари кегайиб, уларнинг ичидан янгилари юзага чиқаётганлиги, баъзи муаммоли масалалар эса эскиришини, айримлари эса эндигина шаклланаётганлигини сезиш қийин эмас. Шундай бўлиши ҳам керак, чунки ҳар қандай илмий муаммонинг ўз тарихи бўлади. У шаклланади, ривожланади ва муаммолигини йўқотади. Баъзи муаммоли масалалар эса узоқ вақтларгача ўзининг мураккаблигини ва мунозаралилигини сақлаб қолаверади. Ана шундай муаммоли масалаларни уларнинг мунозарали хусусиятларини сақлаган ҳолда ёритишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Масалага бундай ёндашишнинг методик жиҳатдан ижобий томони бор. У ҳам бўлса муаммоли масалаларни тушуниб етишда, уларнинг ечимларини излашда ўқувчи мустақил фикр юритишга, илмий изланишга ва қўшимча Адабиётлардан жавоб ахтаришга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида фойдаланилган Адабиётлар рўйхатини бир қадар кенгроқ келтиришни тақозо қилади.

Табиий география фанидаги кўпчилик ғоялар ва тушунчаларнинг турли-туман ва мунозарали эканлиги, бир курс ҳажмида (32 соат маъруза) барча муаммоли масалаларни таҳлил қилиб, ечимларини ёритиб бериш имконияти бўлмаслиги сабабли талабаларга айрим мавзуларни умумлаштирган ҳолда ёритиб бериш ҳам ўқитувчидан ижодий ёндашишни талаб қилади. Бинобарин, ушбу курсни ўқитишдан асосий мақсад ҳам талабаларни ҳозирги замон табиий географиясининг айрим назарий ютуқлари билан, мураккаб ва тугал ҳал қилинмаган муаммоли масалалари билан таништиришдан иборат эди.

ГЕОГРАФИК КАРТАЛАР МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

И.К.Назаров
Бухоро Давлат университети

Картография доимо география фани билан узвий боғланган ҳолда ривожланиб келган. У бошқа фанларга нисбатан географияга яқин туради. Шу боис картографиянинг ўзагини географик картаграфия ташкил қилади. Ҳатто, антик давр алломаларидан бири, машҳур географ ва картограф Клавдий Птоломей (90-168 й.) "Географиянинг асосий вазифаси Ер юзасини тасвирлаш", - деб ёзган эди. (Исаченко, 1978, 7б.) Таниқли географ Н.Н.Баранский "Карта-географиянинг алфа ва омегаси", яъни географик тадқиқотлар картани ўрганиш билан бошланади ва у карта тузиш билан якунланади, деб давъат қилган эди. Таъкидлаш жоизки бугунги кунда география фанининг ривожланиш тамойилларидан бири ҳам тасвирийликдир, яъни изланишлар туфайли қўлга киритилган натижаларни картографик тасвир орқали ифода этиш демакдир. Ўтган тарихий даврлар ичида картография босқичма-босқич ривожланди, мустақил фан сифатида шаклланди ва ўзининг ҳозирги мавқесига эга бўлди (Салищев, 1990; Мирзалиев, 2002; Эгамбердиев 2001 ва бошқалар).

Бугунги кунда картограф ва тармоқ фан вакиллари томонидан яратилган карталар, атласлар, ўқув ва картографик асарлар маърифий манба ва илмий восита (қурол) сифатида маданиятимиз учун хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, картографик асарларга бўлган талаб эса тобора ортиб бормоқда.

Бунинг асосий сабаблари бор. Биринчидан, табиат-жамият муносабатлари жадал суръатлар билан ортмоқда. Бу ҳол ижтимоий ҳаётни табиий пойдевори бўлган ландшафтларни ҳатто, маъмурий-сиёсий манзарани ўзгаришига олиб келмоқда, бошқача этганда мавжуд карталар маънавий эскириб қолмоқда. Иккинчидан, карталарга бўлган ижтимоий талабнинг турлари ва кўлами кўпаймоқда. Хулосалаш жоизки, айни даврда замон талабларига жавоб берадиган маърифий, илмий карталарни янги авлодларини яратиш ижтимоий заруриятга айланди. Республикамизда бу борада қатор ечилмаган муаммолар борлиги картограф олимлар Т.Мирзалиев, А.Эгамбердиевлар томонидан кундалик матбуотда ва илмий анжуманларда бир неча бор таъкидланган. Шу билан бир қаторда географик карталарнинг янги замонавий авлодларини яратиш бўйича картографлар томонидан истиқболли режа ва тавсиялар ҳам йўқ эмас. Мен шуларга қўшилган ҳолда географ мутахссис сифатида географик карталар мазмунини такомиллаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Гап шундаки, ҳоҳлаган картани тайёрлашнинг икки муҳим томони бор. Биринчиси, картанинг техник жиҳати. Бу учун асосан картограф маъсул. Иккинчиси, картанинг мазмуни, яъни унинг илмийлик, маърифий жиҳати. Бунга асосан илмий соҳанинг вакили, айтайлик географ жавобгардир. Демак, картанинг мукаммал бўлиши учун картограф билан географнинг ўзаро ҳамкорлиги ўта зарур.

"Ҳамма ҳолатларда ҳам картографик тадқиқот усулларининг самарадорлиги ва унинг ривожланиши учун географ ва картографларнинг яқин ҳамкорлиги асосий омилдир", - деб таъкидлайди. Таниқли картограф А.М.Берлянт (1982, 32б).

Баралла айтиш мумкинки географик картографиянинг асосчилари дастлаб картографлар эмас, географлар бўлган (А.А.Борзов; Н.Н.Баранский; Ю.М.Шокальский ва бошқалар) Н.Н.Баранскийнинг "Иқтисодий картография" асари 1940 йилда чоп қилинган эди. Таниқли ландшафтшунос А.Г.Исаченко 1958-1961 йиллар давомида табиий географик карталаштиришга бағишланган уч жилдли асар яратган.

Унинг биринчи жилди табиий географик объектларни карталаштиришнинг назарияси ва усулларига бағишланган. Иккинчи жилди, махсус (тармоқ) карталарни яратишга, учинчи жилди эса ландшафтларни карталаштиришга бағишланган. Бу асарлар географлар, картографлар учун ҳанузгача ўз қимматини йўқотган эмас. Демоқчимизки, ҳозирги кунда ҳар бир географ илмий изланишини картасиз якун қилмаслиги, карталаштиришни ҳамда картани ўқишни мукаммал билмоғи зарур. Келажакда геолог-картограф, тупроқшунос-картограф, ботаник-картограф, гидролог-картограф, табиий географ-картограф, ландшафтшунос-картограф, иқтисодчи географ-картограф, аҳолишунос-картограф каби мутахассис кадрлар шаклланмоғи лозим.

Ўз навбатида картографлар ҳам маълум соҳалар бўйича ихтисосланмоғи, умумгеографик қонуниятларни, табиий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар моҳиятини мукаммал билмоғи, комплекс географик экспедицияларда қатнашмоғи лозим. Географ-картограф ҳамкорлигисиз кўнгилдагидек картографик самарага эришиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтларда кўпчилик изланучилар томонидан тузилган илмий карталар картограф назоратидан тўлиқ ўтказилмайди, натижада бундай карталарни, айниқса диссертация ҳимояларида танқидга учраётганлиги бор ҳақиқат. Бу ўзаро ҳамкорлик тамойилга тўлиқ амал қилмасликнинг оқибатидир.

Яна бир мулоҳаза. Географик карталарни тузишда тизим-таркиб тамойилига, яъни барча борлиқни бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини тасвирда кўрсатишга амал қилишдир.

Бу тамойилни уч маънода тушунмоқ лозим керакдир. Биринчиси, тор маънода (табиий ландшафт доирасида), бу тбиий компонентларнинг

ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо қилиши, яъни компонентлар ўртасидаги коррелиятив боғланишлар картада ўз аксини топмоғи лозим.

Иккинчиси, умумгеографик маънода, бошқача айтганда, географиянинг бир бутунлигини кўзлаган ҳолда иш тутиш. Масалан, 7 синф атласидаги (2005й.) табиий географик район карталарида суғориладиган ерлар--инсон қўли билан яратилган воҳалар чегаралари кўрсатилмаган. Таниқли картографлар "географик картография географиядаги тармоқ фанларни уйғунлашуви (интеграция) учун аниқ имкониятга эга", - деб бежиз таъкидламаганлар (Географическая картография, 1996, стр.3).

Учинчиси, глобал маънода, яъни ҳоҳлаган геотизим, худуд географик қобиқнинг ажралмас бўлаги демакдир. Ҳар бир географик худудни кўламидан қатъий назар, географик қобиқда рўй бераётган модда ва энергия оқимлари таъсирида туриши ва ривожланишини тасвирга олмоқдир. Келажакда тизим-таркиб тамойили картографияда стратегик ривожланиш йўли бўлмоғи лозим. Чунки, унинг мунозара талаб қилмайдиган фалсафий асоси бор.

Қайд қилиш жоизки ҳозирги картографияда замонавийлик-долзарблик тамойили тўлиқ ўз аксини топмаётир. Масалан, Ўзбекистонни истиқлол йўлига кириши билан боғлиқ икки мавзуни қайд қилиш мумкин. Биринчиси, мамлакатимизни дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳалқаро иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларни карталаштиришдир. Бу алоқалар ичида айниқса, иқтисодий ҳамкорлик, яъни алоҳида давлатлар билан товар айрибошлаш, уларни таркиби, кўлами, нафақат ўқувчи, балки кенг оммани қизиқтиради.

Иккинчи мавзу бозор муносабатлари билан бевосита боғлиқ холда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар географияси ва уларнинг моҳиятини карталаштириш долзарб ижтимоий талаблардан биридир.

Яна бир мулҳаза. Содир бўлаётган табиий, иқтисодий, сиёсий, социал жараёнларга бағишланган динамик карталарни яратишдир. Маълумки табиат, жамият доимо ўзгаришда, ривожланишда яъни эволюцион ўзгаришни бошидан кечирмоқда. Бу ўринда табиат, жамият муносабатларини жадаллашиб бораётганлигини алоҳида қайд қилиш жоис. Динамик карталар бир томондан карталарнинг илмийлигини оширса, иккинчи томондан географик башоратлаш учун имкониятлар туғдиради. Масалан, Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг (воҳаларнинг) 1924, 1941, 1991, 2006 йиллардаги чегаралари картада берилса, ўқувчида, изланувчида қатор фикр ва маънтиқий мулоҳазалар туғдиради. Ёки Африка қитъасининг 1913, 1950, 1980, 2006 йилги сиёсий карталари ёнма-ён келтирилса картанинг маърифий қудрати ошади, ўқувчиларда дунёвий-сиёсий жараёнларини башоратлашга оид ғояларни шакллантиради.

Бизнинг фикримизча, географик башорат келажакда география фани учун энг еткчи яъни унинг ижтимоий нуфузини белгилайдиган илмий йўналиш бўлиши лозим.

Табиий ва ижтимоий, сиёсий жараёнларни ҳамда табиий- маъмурий ҳудудаларнинг барқарор ривожланишини башоратлаш учун бошқа фанларга нисбатан географияда нодир имкониятлар бор.

Қайд қилиш жоизки, географик картографиянинг замонавийлиги ва истиқболини космик мониторингсиз тасаввур қилиш қийин. Афсуски, бу борадаги изланишлар кейинги йилларда сустлашди. Картография кафедралар олдида "Космик мониторинг" лабораториялари фаолият кўрсатмоғи даркор. Уларни замонавий техник жиҳозлар ва даврий космик расмлар билан таъмилаш зарур.

Картографияни давр билан ҳамқадам ривожланиши албатта қатор омил ва имкониятларига боғлиқ, лекин фан ижтимоий талаблардан орқада қолмаслиги керак.

Адабиёт

1. Берлянт А.М. Географические принципы использования карт как средства исследования. Географическая картография в научных исследованиях и народнохозяйственной практике. М., 1982, с.38-50.
2. Географическая картография. Взгляд в будущее. М., Изд-во МГУ, 1985. 229 с.
3. Исаченко А.Г. Физико-географическое картирование. Часть 1. -Л.: Изд-во ЛГУ, 1958. 232 с.
4. Мирзалиев Т. Картография. Тошкент, Университет, 2002. 203 -б.
5. Салищев К.А. Картоведение. –М., Изд-во МГУ, -1990. -400 с.
6. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда географик картографиянинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари// Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Тошкент, Университет, 2006. 22-26 -б.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ

Т.Ж.Жумаев
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иқтисодий ва ижтимоий география фани жамият ҳаётини худудий ташкил этишни ўрганадиган фан сифатида бозор муносабатлари шароитида мамлакатнинг ресурс имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва минтақалар ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб беришда муҳим ўринни эгаллайди. Бунда мазкур фан бисотида мавжуд бўлган кўплаб илмий тадқиқот методларидан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ушбу илмий маърузада Ўзбекистон Республикаси

миллий иқтисодиётини худудий ташкил этишни таҳлил қилиш, асослаш ва прогнозлашда иқтисодий-географик тадқиқот методларидан амалиётда фойдаланиш йўналишларини асослаб бериш ва улардан самарали фойдаланишга эътиборни қаратиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Мазкур масалалар мамлакатимизда чоп этилган махсус Адабиётларда етарли ёритилмаганлиги ҳам ҳисобга олинди.

Объектларни илмий билиш жараёни тадқиқотнинг янги методологик ёндошувлари ва методик усулларини тўхтовсиз излаш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Бундай тадқиқотлар тизимлаштириш, классификациялаш, назарий умумлаштириш, тўпланган билимларни синтез қилиш ва тизимли ёндошувга асосланиб амалга оширилади. Айниқса, тизимли ёндошув иқтисодий географияда тадқиқот объектининг яхлит тизим сифатидаги моҳияти ва мазмунини очиб беришга имкон беради, уларнинг кўп шакл ва турдаги ички ва ташқи алоқаларини тадқиқ этишга, тизимнинг барқарор структурасини шакллантириш механизмларини очиб беришга хизмат қилади.

Замонавий иқтитсодий ва ижтимоий географияда шаклланган назарий-методологик ёндошувларга асосланиб миллий иқтисодиётни худудий ташкил этишни тадқиқ этишнинг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин: 1) фактик маълумотларни тўплаш, инвентаризациялаш, объектларни тасвирлаш ва карталаштириш, мамлакат ва унинг минтақавий қисмлари бўйича ахборотлар банкини шакллантириш; 2) мамлакат худудида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва иқтисодий-географик жараёнларнинг моҳиятини очиб бериш ва турли даражадаги худудий ишлаб чиқариш комплексларининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятларини аниқлаш; 3) комплексларнинг ривожланишини прогнозлаш; 4) оптимал худудий боғланмалар ва комплексларнинг конструкциясини (лойиҳасини) ишлаб чиқиш, уларнинг ривожланиши лойиҳаларини иқтисодий географик асослаш.

Иқтисодий-географик тадқиқотларда иқтисодиётни худудий ташкил этиш вазифаларини ҳал этиш қуйидаги уч босқичда асослаб берилади: 1) тармоқларни жойлаштириш; 2) район комплексларини худудий ташкил этиш; 3) иқтисодиётни худудий ташкил этишни районлараро, тармоқлараро миқёсларда умумий хал этиш.

Тадқиқотларда қуйидаги илмий-тадқиқот методлари кенг қўлланилади: бирламчи ахборотларни тўплаш (маълумотларни тўплаш ва тартибга солиш, кузатиш, дала тадқиқотлари, анкеталаштириш ва бошқалар), ахборотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш (тасвирлаш, конструктив ҳисоблаш (баланс, техник-иқтисодий, норматив), иқтисодий-статистик таҳлил (индекс ҳисоблари, корреляция таҳлили), географик таққослаш, тарихий-географик, картографик, график таҳлил усуллари, геоахборот, географик ахборотларни тизимлаштириш (классификация,

таксономия, типология, районлаштириш ва бошқалар) ва прогнозлаш (иқтисодий ва техник-иқтисодий тахлилнинг анъанавий ва энг янги методлари: омиллар таҳлили, мақсадли (норматив), эксперт баҳолаш, экстраполяция (генетик) ёндошувдан фойдаланиш, баланс ва оптимизация (иқтисодий-математик моделлаштиришни ҳам қўшиб ва бошқалар), минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш (дастурий муаммоларни аниқлаш, дастурлар самарадорлигини аниқлаш). Мазкур методлардан фойдаланиш асосида миллий иқтисодиётни худудий ташкил этишни тадқиқ этишнинг турли йўналишлари ишлаб чиқилади (худудий, моддий, синтетик, тармоқлараро баланслар, районлар ичидаги корхоналар жойлашишининг вариантлар бўйича қиёсий самарадорлигини аниқлаш, район комплексларининг ривожланиши ва жойлашиши ва бошқалар).

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ишлаб чиқаришни оптимал (энг яхши) жойлаштиришнинг умумий белгиси – оптимал мезони – назарий жиҳатдан халқ хўжалигининг максимум (энг юқори) самарадорлиги ҳисобланади, яъни имкон борича ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва жамият эҳтиёжларини қондиришнинг энг кўп ўсишига эришиш. Бу мезоннинг аниқ ифодаси (мақсадли функцияси) амалиётда, қоида тариқасида, мамлакат бўйича ишлаб чиқаришнинг белгиланган (прогнозланган) ҳажмига эришишга ялпи харажатларнинг энг оз миқдори (минимуми) шаклида намоён бўлади. Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни худудий ташкил этиш муаммоларини ҳал этишда максимум фойда олиш мезонига (ижтимоий самарани ҳам ҳисобга олиб) устуворлик берилади. Бунда бозорни тартибга солиш механизмлари ёрдамида (масалан, рағбатлантирувчи ёки таъқиқловчи транспорт тарифлари) зарур йўналишларга қулай шарт – шароитлар яратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни худудий ташкил этишнинг мақбул йўналишларини белгилаш давлатнинг билвосита (солиқ, баҳолар орқали) ва бевосита (мақсадли дастур ва лойиҳалар, кредитлар, субвенциялар ва бошқалар воситасида) тартибга солиши орқали амалга оширилади. Лекин кўп ҳолларда бу йўналишлар тадбиркорлар томонидан ҳисобга олинмаётган жиҳатлар – хўжаликни глобал оптимизациялаш нисбатлари ва алоқаларини ривожлантириш бўйича фақат тавсиялардан иборат бўлади.

Миллий иқтисодиётни худудий ташкил этишни асослаш ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади: 1) айрим корхоналар ва тармоқлар ва уларнинг маҳсулотлари бозорларининг жойлашишини асослаш; 2) минтақалар ривожланиши истиқболларини асослаш; 3) худудий комплекслар хўжалиги миқёслари, структурасини оптималлаштиришни асослаш; 4) мамлакат бўйича иқтисодиётни худудий ташкил этишни асослаш.

Бу йўналишларнинг ҳар бири батафсил таърифлашни талаб қилади, лекин мазкур маърузада бунга имконият йўқлиги сабабли биз уларнинг энг муҳим жиҳатларинигина кўриб чиқамиз.

Хўжалик тармоқлари корхоналари минтақавий ва худудий комплекслар шаклланишининг биринчи бўғини (звеноси) ҳисобланади. Корхонанинг жойлашиши ўрнини танлаш уни маълум минтақага боғлаб қўяди. Шунинг учун минтақада хўжалик юритиш ва бошқаришнинг барча даражаларида объектни жойлаштириш ва ривожлантиришни ҳар томонлма асослашга катта эътибор берилади. Корхона ва тармоқлар дислокацияси районларини танлаш дастлаб халқ хўжалик тармоқлари ривожланиши ва жойлашишининг илмий ва давлат прогнозларида белгиланади ва асосланади. (тармоқ схемалари). Кўп ҳолатларда мазкур танлаш тадбиркор-инвестор ёки товар ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади, лекин улар лицензия ва квота хужжатларида акс эттирилади, тартибга солувчи тегишли давлат идораларидан расмий статус олинади. Корхонани лойихалаштириш ва қуришнинг мақсадга мувофиқлиги ва хўжалик жиҳатдан зарурлиги лойихадан олдинги техник-иқтисодий асослаш (ТИА) хужжатида ҳар томонлама асослаб берилади. Корхоналар дислокациясини тармоқ бўйича асослаш вазифаси саноат тармоқларининг жойлашиши омиллари классификациясидан келиб чиқиб, хисоб-китоблар йўли билан ҳал қилинади. Бунда минтақавий бозорларнинг маҳсулотни сотишга таъсири ҳам ҳисобга олинади.

Минтақалар ривожланиши истиқболларини асослаш узоқ муддатли таъсир қиладиган омиллар ва шарт – шароитларни таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланиб ишлаб чиқилади. У табиий ва хўжалик шароитлари ва ресурслари тахлилидан бошланади. Олинган натижалар минтақанинг истиқболда ривожланиши концепциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Навбатдаги босқичда минтақа иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг прогнози (схемаси) ишлаб чиқилади ва минтақа хўжалик комплексининг самарадорлигини шакллантириш бўйича тадбирлар ва бир вақтнинг ўзида минтақавий ривожланишни давлатнинг тартибга солиши механизмлари таъсири ҳам асослаб берилади. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари минтақаларнинг комплекс ривожланиши ва ихтисослашишига, шу асосда мамлакат бўйича хўжалик тармоқларининг жойлашиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатади ва охир оқибатда миллий хўжаликнинг худудий нисбатларининг мақсадга мувофиқ бўлишига ёрдам беради.

Минтақавий комплекслар ривожланишининг умумий йўналишлари асослаб берилгандан сўнг, ишлаб чиқаришнинг тармоқлар ва улар ўртасидаги нисбатлари бўйича суръатлари ва миқёслари прогноз қилинади. Иқтисодий ўсишни прогнозлашда интинсив омиллар, энг аввало, илмий-техника прогресса асос қилиб олинади. Шу мақсадда талаб

(истеъмол) ва таклиф (ресурслар) балансларини ва бошқа минтақавий балансларни тузиш кенг қўлланилади, минтақа хўжалигининг ихтисослашиши ва комплекслигининг умумий самарадорлиги баҳоланади.

Тармоқлар ва минтақалар бўйича ишланмалар охир оқибатда мамлакат бўйича иқтисодиётни худудий ташкил этишни асослашнинг зарурий босқичи бўлиб хизмат қилади. Умуман миллий иқтисодиётни худудий ташкил этишни тахлил қилиш, асослаш ва прогнозлаш ғоят мураккаб вазифа ҳисобланади. Бунда иқтисодиётнинг тармоқлар ва минтақалар иқтисодиёти миқёслари структураси, ўзаро алоқаларини тўла ифодалаш талаб қилинади. Истиқболда бундай вазифа кун тартибига қўйилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ҳолатда тармоқ ва минтақа бўйича ишланмаларни ўзаро мувофиқлаштириш, иқтисодиётни худудий ташкил этиш самарадорлигини аниқлаш, тегишли прогноз ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади.

Мамлакатимиз ва унинг минтақалари ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг узоқ муддатли страгегияси иқтисодий – географик прогнозларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Унинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради: худудий ижтимоий – иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни илмий таҳлил қилиш; табиат ва жамият ўртасидаги ҳозирги ва истиқболдаги ўзаро муносабатларни тадқиқ этиш; ижтимоий – иқтисодий худудий тизимларнинг истиқболдаги ривожланиши имкониятларини баҳолаш; худудлар ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши лойиҳаларини ахборот билан таъминлаш; геотизимларнинг ишлаб туриши ва ривожланишининг вақт – макон қонуниятларини аниқлаш ва бошқалар.

Иқтисодий – географик прогнозлар тизими жамият ҳаётини худудий ташкил этишнинг айрим жиҳатларини ва моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси айрим тармоқлари ривожланишининг истиқболларини тадқиқ этишга йўналтирилган хусусий прогнозлар мажмуасини ўз ичига олади. У тизимли характерга эга, чунки унинг объекти кўплаб функционал кичик тизимлар ва структуравий тузилмалардан иборат бўлган мураккаб худудий тизимлар ҳисобланади.

Узоқ муддатли ижтимоий – иқтисодий прогнозлаш натижалари минтақалар, иқтисодий районлар ва худудий ишлаб чиқариш комплекслари ривожланишининг мақсадли комплекс дастурларини тузишда ўз ифодасини топади. Бу дастурларни ишлаб чиқиш бир нечта босқичларда амалга оширилади: 1) иқтисодиётни худудий ташкил этиш ва минтақавий ижтимоий – иқтисодий муаммалар таҳлили; 2) минтақалар ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг мақсадини аниқлаш; 3) минтақа иқтисодиётининг худудий ва функционал структурасини тадқиқ этиш, худуднинг демографик , ижтимоий – иқтисодий, табиий – ресурс, илмий –

техник ва бошқа салоҳиятини таҳлил қилиш; 4) дастур вариантларини ишлаб чиқиш; 5) минтақа ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг аниқ, оптимал вариантини баҳолаш ва танлаш; 6) танланган вариантга тузатишлар киритиш; 7) минтақа ижтимоий – иқтисодий ривожланиши мақсадли дастурини яхлит хужжат кўринишида расмийлаштириш.

Минтақа ривожланиши дастури структуравий жиҳатдан қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- районнинг асосий халқ хўжалиги муаммоси;
- дастур структураси: мақсадлар дарахти, ресурслар дарахти, маблағлар дарахти, ресурсларни ишга тушириш;
- минтақа ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг дастлабки даражаси;
- альтернатив вариантлар таҳлили: танланган асосий вариант, заҳиравий вариантлар;
- минтақа ривожланиши вариантлари таркиби ва структураси: вариантларнинг техник – иқтисодий ва коньюктура кўрсаткичлари, вариантларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлиги, тадбирларни бажаришнинг график тўри;
- дастурни амалга ошириш.

Минтақалар ривожланиши мақсадли дастурлари худудий–иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим, тўғридан – тўғри тартибга солувчи (регулятори) ҳисобланади. Ҳар бир дастур ресурслар, ижрочилар ва амалга ошириш муддатлари бўйича келишилган ва мувофиқлаштирилган илмий – тадқиқот, лойиҳа, ишлаб чиқариш, ижтимоий – иқтисодий, ташкилий хўжалик ва бошқа мақсадли тадбирлар комплекси бўлиб, у давлатнинг қўллаб – қувватлашида амалга оширилади. Улар умуммиллий, худудлараро ёки муҳим минтақавий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни самарали ҳал этишни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бозор иқтисодиётини тўғридан – тўғри тартибга солиш, давлат, жамоа ва индивидуал манфаатларини ва муносабатларни интеграциялаш, йирик миллий лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятларни ишга солиш, давлатнинг минтақавий сиёсатини ўтказишда энг фаол таъсир кўрсатадиган янги ролни ўйнаши керак.

Минтақавий мақсадли дастурлаш у ёки бу худуднинг бозор иқтисодиётига давлатнинг бевосита таъсир кўрсатиши инструменти бўлиб, минтақалар ривожланишининг ўз – ўзини тартибга солиши ва мақсадга йўналтирилганлиги принципларининг қўшилишини таъминлайди.

Мақсадли дастурларнинг янги моҳияти шундан иборатки, улар “қаттиқ режа” ва “эркин бозор” синтезини ўзида мужассамлаштиради ва унда мақсадга қатъий йўналтирилган хўжалик фаолияти амалга оширилади ва у коммерсия асосида рағбатлантирилади. Ижрочиларни

жалб этиш ва ресурсларни тақсимлаш усуллари ҳозирги вақтда тўла ихтиёрийлик, кўпроқ индивидуал ва жамоавий манфаатдорлик, моддий рағбатлантиришнинг кучайтирилишига асосланган. Адреслилик, барча иштирокчилар томонидан дастурда режалаштирилган тадбирларни бажаришнинг мажбурийлиги директива билан эмас, балки хўжалик шартномаларини (контрактлар) иқтисодий рағбатлантириш тизими билан қўшиб олиб бориш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни худудий ташкил этишни таҳлил қилиш, асослаш ва прогнозлашнинг иқтисодий – географик методларидан самарали фойдаланиш иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий ва амалий аҳамиятини оширади ва жамиятдаги мавқенинг мустаҳкамланишига олиб келади. Шу йўналишда олинган натижалар миллий иқтисодиётни худудий тартибга солиш муаммоларини ҳал этишга ва миллий иқтисодиётни худудий ташкил этишни такомиллаштириш ва яхшилашга хизмат қилади.

Адабиёт

1. Гранберг А. Г. Основы региональной экономики. Учебник М.: ГУ ВШЭ, 2004.

2. Кистанов В.В., Копылев Н. В. Региональная экономика России. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2006.

3. Садиков А. М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Т.: Иқтисод ва молия, 2005.

4. Солиев А. С. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Т.: Университет, 2003.

5. Қаюмов А. А., Назарова Х. М., Эгамбердиев Ф. Т., Якубов Ў. Ш. Минтақавий иқтисодиёт. Т.: Университет, 2004.

6. Шарыгин М. Д., Федоров Н. П. Основы учения о территориально – производственных комплексах. Саранск, 1993.

КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИК ХАРИТАНИНГ ШАЖАРАСИ

А.Эгамбердиев,С.Салохитдинова
Ўзбекистон Миллий университети

Картография – картографик асарларни (харита, атлас, глобус ва б.) ўрганиш, яратиш ва фойдаланиш билан шуғулланувчи фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаси. Картография ҳам бошқа фанлар каби кишилик жамиятининг ҳаётий талаблари асосида вужудга келган ва ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши билан тоборо ривожлана борган. Ҳозирги кунда картография 3 йўналишда:

- ҳариталар воситасида табиат ва жамият ҳодисаларини ҳудудий жойлашуви, уйғунлиги ва ўзаро алоқаларини акс эттириш ва тадқиқ этиш ҳақидаги фан;

- картографик асарларни яратувчи ва фойдаланувчи техника ва технологиялар соҳаси;
- картография маҳсулотларини (хариталар, глобуслар, атласлар ва б.) тайёрлаш ва босиб чиқариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳаси сифатида ривожланмоқда. Картографик тадқиқотларнинг натижаларидан иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилади.

Картографиянинг фан сифатидаги ривожланишида юнон олимлари (Анаксимандр, Эратосфен, Аполлоний, Гиппарх ва бошқалар) нинг ишлари мухим ахамиятга эга. Улар биринчи бўлиб, тасвирлаш асосида математик принцпларни қўллаб, меридиан ва паралеллар тўридан фойдаланганлар. Эратосфен берган маълумотларга кўра, Ернинг илк картографик тасвирини Анаксимандр (милоддан аввлги 610-546 йиллар) яратган. Эратосфен биринчи бўлиб ҳаритага градус тўрларини туширди, Ер меридиан айланаси узунлигини ҳисоблади. Птоломей картографик проекцияларни яратиш усуллари баёнини ўз ичига олган 8 китобдан иборат “Географиядан қўлланма” (қисқача “География”) асарини ёзди. У ўша даврда маълум бўлган маълумотларга асосланиб 90 дан ортиқ ҳарита тузди ва бизгача етиб келган географик ҳариталарнинг энг биринчи системали тўпламини яратди.

9-11 асрларда яшаб ижод қилган Хоразмий, Беруний, Қошғарий, Ҳофизи Абру каби буюк алломаларимиз жаҳон географияси ва картографиясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Хоразмий шарқда биринчи бўлиб, Птоломейнинг “География” асарини танқидий ўрганиб, уни янги маълумотлар билан бойитди ва Шарқ географлари тўплаган маълумотларга таянган ҳолда янги “Жаҳон хариталари” ни яратди. Ушбу хариталар изоҳини у «Сурат ал-арз” асарида баён этган. Абу Райхон Беруний эса Шарқда биринчи бўлиб глобус яратган ва мустақил тарзда меридиан айланаси узунлигини ҳисоблаб чиққан. “Китоб ат-Тафхим» китобида илова тарзида дунё ҳаритасини берган.

13-аср охири ва 14 аср бошларида савдо-сотиқ ва кемачиликнинг ривожланиши, мустамлакаларни кенгайтириш мақсадида денгиз ва океанларда хавф-хатарсиз сузиш эхтиёжи махсус навигация хариталари (портолона)ни яратишга туртки бўлди. Терига чизиқли масштаб асосида туширилган бундай хариталарда қирғоқ чизиқлари, портлар ва улар орасидаги масофалар аниқ кўрсатилган. География харита ва картография тараққиётида 15 аср алоҳида босқич ҳисобланади. Бу даврда китоб нашр этиш кашф қилиниши натижасида хариталарни кўп нусҳада босиш имкони туғилди.

Буюк географик кашфиётлар даврида харитага бўлган эҳтиёж ва муносабатлар ҳам ўзгарди. Хариталар янги маълумотлар билан бойиди, қитъа, орол, денгизлар чегаралари аниқ белгиланди. 15-асрдан хариталар айрим шахслар томонидан эмас, балки махсус ихтисослашган корхоналар

томонидан тайёрлана бошланди. Натижада хариталарни яратиш муддатлари анча қисқарди, сифати яхшиланди ва аниқлиги ошди. Бундай корхоналар дастлаб Италиянинг Генуя, Венеция ва Флоренция каби йирик савдо шаҳарларида вужудга келди. Ўша даврда голланд олимлари Авраам Ортелий (1527-1598) ва Г. Меркатор картографиянинг ривожланишига ўзларининг катта хиссаларини қўшганлар.

Илм-фан ва техника ривожланиши билан хариталарга, уларнинг мазмуни ва аниқлик даражасига бўлган талаблар ҳам ортиб борди. 18-асрда Франция Фанлар Академияси олимлари градусни аниқ ўлчаб, Ернинг шакли ва катталигини ҳамда 1° меридиан ва параллел ёйларининг узунлигини аниқ ҳисоблаб чиқдилар. Ёйларнинг узунлиги голланд олими В. Снеллиус кашф қилган триангуляция усулида аниқланди. Натижада Ернинг шар шаклида эмас, балки айланма эллипсоидга яқин шаклда эканлиги маълум бўлди.

19 асрнинг охири – 20 - аср бошларида давр талаби топографик хариталарда релъефнинг аниқ тасвирланишини тақозо этди. Натижада план олиш ишлари кипрегель ёрдамида бажарилиб, релъеф эса горизонталлар ёрдамида тасвирланадиган бўлди. 19 асрнинг биринчи ярмида фаннинг кўп соҳаларида илмий ва амалий аҳамиятга молик маълумотлар тўпланди. Уларни системага солиш ва атрофлича ўрганиш зарурияти туғилди. Махсус иқлим, тупроқ, геологик, иқтисодий ва бошқа хариталар тузила бошланди. 20 аср бошларига келиб, йирик масштабли хариталар аэрофотосъёмка материаллари асосида яратиладиган бўлди. Сўнгги йилларда географик хариталарни тузишда космосдан туриб олинган суратлардан кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда картография 20 аср бошларидан ривожланди. 1934 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент Картография фабрикаси ташкил этилди. Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларини мавзули, сиёсий-маъмурий, маълумотнома ва ўқув хариталари ва атласлари билан таъминлаш вазифаси ушбу фабрика зиммасига юкланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун топографик, обзор-топографик ва обзор хариталар мавжуд. Улар турли мавзудаги харита ва атласларни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Хўжалик, таълим ва мамлакат мудофаасининг хариталарга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мавзули ва комплекс харита олишнинг турли йўналишлари ривожланди, системали ёндошган ҳолда комплекс харита олиш концепцияси шаклланди. Шу мақсадда аэрофотосъёмка материалларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди ва янги картографик асарларни яратишда турли соҳа мутахассисларининг ҳамкорлигида катта илмий-услубий ахамиятга молик тажриба тўпланди. 1997 йил 25 апрелда “Геодезия ва картография тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди ва амалга киритилди.

Ўтган қисқа муддат ичида республиканинг 1: 1 000 000, 1: 1 500 000, 1: 500 000 ва 1: 200 000 масштабли сиёсий-маъмурий, иқтисодий, экологик, табиатни муҳофаза қилиш, иқлим ва аҳоли ҳариталари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг сиёсий-маъмурий ва тиббий маълумотнома ва бошқа хариталар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг туристик хариталари нашр этилди. Олий ва ўрта махсус умумтаълим муассасалари учун биринчи марта 1: 10 000, 1: 25 000, 1: 50 000 ва 1: 100 000 масштабли ўқув топографик хариталари тузилди, эски топографик хариталар янгиланди. Хозирги вақтда 4-синфдан 10-синфгача махсус ўқув географик атласлари ва 6-синфдан 11-синфгача тарих фанидан ўқув атласлари тузилиб, ўзбек ва рус тилларида чоп этилмоқда. 1999 йили Ўзбекистон Миллий университети география факультети жамоаси умумий ўрта таълим муассасалари учун “Ўзбекистон географик атласи” ни яратди. 2001 йили Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан “Ер ресурслари атласи”, 2005 йилда “Ўзбекистоннинг этно-конфессионал атласи” ва 2006 йилда “Тошкент атласи” тузилди ва чоп этилди.

Адабиёт

1. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. – Тошкент, “Университет”, 2001.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9-жилд, 2005, 704 б.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд, 2006, 712 б.

СЕКЦИЯ №1. ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ, ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИНИ ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А.Н.Ниғматов, Н.Т. Шомуротова
Ўзбекистон Миллий университети

Географик фанларнинг предметидан бири тадқиқот объектини турли мақсадларда районлаштиришдир. Зеро районлаштириш орқали муайян табиий географик комплексларнинг ҳолати баҳоланади, тегишли амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва тавсия этилади, уларнинг оптималлаштириш ҳусусиятлари назорат қилинади, келажак истиқболлари башоратланади. Ушбу ҳудудий табақаланиш ёки қисмларга ажратиш нафақат географияда, балки барча табиий, гуманитар, ижтимоий фанларга ҳам хосдир. Масалан, Конституциявий ҳуқуқда маълум бир давлат ҳудудини унинг катта-кичиклиги, аҳолисининг зичлиги, миллий-этник таркибига қараб турли қисмларга табақалаш асосида бўлинади. Гарчанд бундай қисмлашни ҳуқуқшуносликда “маъмурий бирликларга ажратиш”, тупроқшуносликда эса "тупроқлар классификацияси" деб юритилсада, лекин унинг асл мақсади ва моҳияти районлаштиришдан иборатдир.

Район сўзи амалиётда икки ҳил маъно касб этади. Биринчиси, муайян бўлинган географик, геологик, ботаник, иқтисодий ва шу каби ҳудуд. Иккинчиси - собиқ Иттифоқ ёки ҳозирги Россия Федерациясидаги маъмурий бўлинма.

Географияда эса одатда “район”ни табиий географик ёки иқтисодий-географик бўлинма сифатида ишлатилади. Лекин ушбу географик таксономик бирлик айнан шу икки кўринишда бўлиши керак, деган сўз эмас. Чунки географик фанлар тармоғи жуда кенг ва уларнинг ҳар бирида ўзига хос бўлган районлаштириш ишлари олиб борилади. Масалан - рекреацион, геоэкологик, геоморфологик, геодемографик, геополитик, геокартографик, геоботаник районлар ва ҳ.к.

Ўзбекистон учун янги фан соҳаси - экологик туризм (экотуризм) жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Унинг ҳозирча ҳеч бир умумэътироф этилган фан тизимига кириши кераклиги ҳақида ягона фикр йўқ. Лекин, Экотуризм бевосита географиянинг уч асосий предмети табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларининг, ҳудудийлик, даврийлик ҳамда комплекслик ҳусусиятларини тадқиқ қилиш нуқтаи назардан қарашни тақазо этади. Чунки сайёҳларнинг экологик йўналтирилган туризми - табиати турлича номоён бўлган ҳудудларга, уларнинг табиат компонентларидан (тупроқ, сув, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғ жинслари, релъефи) комплекс фойдаланилган тарзда камида 24 соатлик

даврга чўзиладиган ҳаракатидир. Бу ерда географиянинг, хусусан табиий географиянинг уч элементи намоён бўлмоқда ва шунинг учун ҳам уни географик фанлар тизимида кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Экотуристик районлаштириш *- маълум бир ҳудудни унинг экотуристик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболлари нуқтаи назардан бўлинмаларга ажратиш..*

Биз ушбу тадқиқотимизда миллий маъмурий бирликни, яъни Ўзбекистон Республикасини, унинг экотуристик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболларига қараб муайян бир районларга ажратишни мақсад қилиб олдик. Республикамиз амалиётида ушбу йўналишдаги районлаштириш ишлари олиб борилмаган. Лекин, биз экотуристик районлаштиришда миллий давлат чегараси ёки унинг бир қисмида олиб борилган тадқиқотлардан ҳамда амалиёт тажрибаларидан атрофлича фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Географияда одатда икки хил районлаштириш тури мавжуд - регионал ва типологик.[1] Регионал районлаштириш экотуристик мақсадларда жуда қўл келишини тўрт ҳолат билан асослаш мумкин:

> Ўзбекистоннинг муайян табиий географик комплексини сайёҳларга кўрсатиш билан иккинчи бир табиий географик комплексни ҳам таништирдим, дея олмаймиз, зеро туристик жиҳатдан табиат қайтарилмас ва беўхшашдир;

> иқтисодий самарадорлик нуқтаи назардан кўпгина ҳолларда экотуризмни тарихий, диний, маънавий-маърифий туризм билан бирга олиб бориш аниқ бир имкониятдан келиб чиқади ва уни ҳозирча инкор этиб бўлмайди;

> аҳолининг экологик онги ва маданиятини ҳар бир жойнинг ўзида амалга оширган кўпроқ экологик самара беради;

> туризм экологик характерда бўлиши учун албатта сайёҳликдан келган фойданинг маълум бир қисмини экотуристик объектдаги табиатни муҳофаза ишларига қаратиш лозим.

Ўзбекистон ҳудудини регионал экотуристик районлаштиришда унинг ҳудудий бирбутунлик, комплекс ёндошув, генетик ўхшашлик ва индивидуаллик каби қоидаларга амал қилишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга биз яна қуйидаги геоэкологик прицилларга амал қилишни лозим деб топдик:

√ геотизимларнинг антропоген, табиий ва табиий-техноген ўзгарувчанлиги;

√ экотуризмни бошқа туризм турлари билан биргаликда олиб бориш самарадорлиги;

[1] Исаченко А.Г. Ландшафтоведениен и физико-географическое районирование. –М.: Высшая школа, 1991.- 366 с.

√ маданийлаштирилган ландшафтларда агроэкотуристик имкониятларнинг юқорилиги;

√ экологик тадбирларни олиб бориш имкониятининг яратилганлиги ва ҳ.к.

Табиий географик жиҳатдан Ўзбекистон ҳудуди 10 та округга, иқтисодий географик нуқтаи назардан эса 6 та районга бўлинади. Экотуристик районлаштиришда биз қатьиан табиий ёки иқтисодий географик районлаштиришни асос қилиб олганимиз йўқ. Чунки экотуристик районлаштириш, гарчанд табиатни объект сифатида қарасада, лекин сайёҳ кишилар ва уларнинг туристик ҳаракатлари ижтимоий характерга эга. Районларни номлашда бир пайтнинг ўзида ҳам табиий географик атамалардан ҳам иқтисодий-ижтимоий географик атамалардан атрофлича фойдаланишга ҳаракат қилдик. Экотуризмнинг мақсади эса ундан тушган сармояни табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклашга йўналтирилган моддий ва молиявий сарф ҳаражатлардан иборатдир[1].

Экотуристик районлаштиришнинг илмий асоси сифатида қуйидаги геоэкологик таснифий белгилар олинди:

√ ҳар бир табиий географик комплекс қайтарилмас экотуристик имкониятларга, яъни регионаллик хусусиятларга эга;

√ экотуристик объект чегараси доимо ҳам маъмурий чегарага тўғри келавермайди, яъни у табиий географик комплекс таъсир доирасида туради ва шунинг учун ҳам ундан комплекс фойдаланиш имконияти очиб берилиши лозим;

√ табиатга уюштирилган сайёҳлик моҳиятида табиатни муҳофаза килиш, туристларнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш масалалари туриши лозим;

√ экотуристик районларнинг иктисодий самарадорлигини ошириш ва унинг жозибадорлигини намоён этиш учун экотуристик маршрутлар тарихий, табиий, маънавий-маърифий, диний каби туристик саёҳатлар билан бирга олиб бориш имкониятини ҳисобга олиш;

√ экотуристларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятини юзага чикариш ва ҳ.к.

Юқорида айтиб ўтилган илмий принцип ва асосларга биноан биз Ўзбекистон ҳудудини 14 та экотуристик районга ажратдик :

1. Устюрт
2. Орол ва Оролбўйи
3. Амударё
4. Қизилқум
5.Нурота
6. Зарафшон
8. Сирдарё
9. Чирчиқ - Оҳангарон
10. Фарғона
11. Туркистон
12.Қашқадарё
13. Хисор

[1] А.Нигматов, Н.Шомуротова. Экологик туризм – янги фагн соҳаси // Ўзбекистон экологик хабарномаси. 6-сон, 2004 17-19-б.

7. Айдар *14. Сурхандарё*

Ҳар бир ажартилган район ўзининг экотуристик ҳолати, имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради. Масалан, ***Орол ва Оролбўйи райони*** экологик инқирозли экотуристик ҳудуд бўлгани учун ҳам унда юзага келган экологик инқироз ҳолати асосий экотуристик объект бўлиб ҳисобланади. Экотуристик маршутлар бир пайтнинг ўзида ҳам Оролнинг қуриган, ҳам унинг таъсирида турган Орол атрофи ҳудудларини қамраб олиши зарур. Экотурлар нафақт трекинг (пиёда) ёки туя ва отларда, балки самолёт ва вертолётлар орқали ҳам амалга ошириш лозим. Зеро у масофадан туриб катта ва текис майдонни юқоридан туриб визуал кузатиш имкониятини беради.

Аксинча, ***Чирчиқ - Оҳангарон тоғли районда*** халқаро экологик резерват жойлашгани учун ҳам унинг ҳуқуқий мақоми табиатга аралашмаслик принципига мослаштирилиши шарт. Ундаги экотуристик саёҳатда вертолёт ва самолётлардан фойдаланишга рухсат берилмайди. Экотурлар олдиндан белгилаб берилган кичик йўлакчалар орқали, кам сонли туристик гуруҳчаларга бўлинган тарзда, йилнинг ҳайвонот оламини урчимайдиган ва кўпаймайдиган даврларида пиёда ва отларда айланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур экотуристик маршрутларда маҳаллий аҳолининг хизматидан атрофлича фойдаланиш уларни ноэкологик йўналтирилган турмуш тарзини ижобий томонларга ўзгартиради.

Хулоса қилиб айтганда, экотуристик районлаштиришни жойнинг географик ҳусусиятларидан келиб чиққан тарзда амалга ошириш табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга имкон яратади.

ГЕОЭКОЛОГИК ВАЗИЯТЛАРНИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШДА ТИББИЙ АНДШАФТШУНОСЛИКНИНГ РОЛИ

А.Абдулқосимов, А.Равшанов
Самарқанд Давлат университети

Ҳозирги турли хил кескинликдаги геоэкологик вазиятлар вужудга келган бир даврда тиббий география ва ландшафтшунослик фанларининг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида география билан тиббиёт ўртасида предметлараро мустақил фан тармоғи тиббий география вужудга келиб, аста-секин шакллана борди. Бу фаннинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар қайси ҳудуднинг табиий ва социал-иқтисодий шароитини аҳолининг саломатлик ҳолатига таъсирини ўрганиш ва инсон касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ва географик тарақалишини аниқлашдан иборатдир. Бундан ташқари табиати янгидан тубдан

ўзлаштирилган ҳудудларда, тоғ-кон саноати ривожланаётган районларда, магистрал каналлар ва сув омборлари қурилаётган чўлларда кутилмаган ҳолатларда турли хил касалликларни пайдо бўлишини тиббий географик прогнозлаштиришда мазкур фаннинг амалий аҳамияти бениҳоят катта.

ХХ асрнинг ўрталарига келиб тиббий географиянинг ривожланишига Е.Н.Павловский (1939), А.А.Шошин (1962), В.П.Бяков, Е.И.Игнатьев, А.П. Марковин (1960) ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшди. Хусусан 1939 йилда Е.Н.Павловский касалликларнинг табиатдаги манбалари тўғрисида таълимот яратиб, уни ривожлантирди.

ХХ асрнинг 60-йилларига келиб «Тиббий география» фани доирасида тиббий ландшафтшунослик йўналиши пайдо бўлиб, аста-секин ривож топа борди. Бундай илмий йўналишнинг моҳияти, мақсади, предмети ва вазифалари А.Г.Вороновнинг (1961) «Тиббий ландшафтшунослик, унинг предмети ва вазифалари» («Медицинское ландшафтоведение, его предмет и задачи») номли илмий ишида, Ф.Н.Мильковнинг (1970) «Тиббий ландшафтшунослик» («Медицинское ландшафтоведение») мақоласида атрофлича ёритилган. Ҳозирги кунда атроф табиий муҳитининг ифлосланиши натижасида турли хил касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишини, унинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш, бундай вазиятни тиббий-географик таҳлил қилиш ишлари Амударё дельтаси ва қорақалпоғистон Республикаси мисолида И.Р.Турдиманбетов (2001, 2003, 2005) томонидан бажарилган.

Шундай қилиб, тиббий ландшафтшунослик йўналиши ландшафтшунослик фанидаги антропоген ландшафтшунослик, мелиоратив ландшафтшунослик, ландшафт-экологик (геоэкологик), ландшафт кадастри ва ландшафт архитектураси йўналишлари каби янги илмий йўналишдир.

Маълумки, аксарият касалликларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва географик тарқалиши бевосита маҳаллий ландшафтларнинг геокимёвий хусусиятлари, ичимлик сувларининг ифлосланиши, вужудга келган кескин геоэкологик вазиятлар, суғориладиган тупроқлар таркибида пестицид ва гербицид каби заҳарли кимёвий бирикмалар миқдорининг ортиб бориши билан ёки ҳар қайси ландшафт ҳудудида турли хил касалликларни қўзғатувчи ва тарқатувчи манбаларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир.

Тиббиётда қайд қилинган касалликлар ичида зоналлик характерга эга бўлган касалликлар ҳам, интразонал характерга эга бўлган касалликлар ҳам учрайди. Жумладан, кана энцефалити ўрмонлар зонасининг жанубий қисми учун, қайталанадиган кана тифи чўл зонаси учун, тоун (ўлат) эпидемияси чўл ва дашт зоналари учун характерли бўлса, туляремия инфекция касаллигининг географик тарқалиши интразонал характерга эга. Тиббий ландшафтшунослик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқланганки, географик зоналарнинг ва жой типларининг барча

ҳудудлари эпидемиологик жиҳатдан хавфли эмас, балки уларнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи муайян бир типдаги урочишалари ва ҳатто бир типдаги фациялари хавфлидир.

Бинобарин, табиий ландшафт комплексларининг аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсирини тадқиқ этиш ҳозирги даврда тиббий географиянинг, хусусан тиббий ландшафтшуносликнинг энг муҳим илмий йўналишларидан ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида зикр этилганларнинг барчаси шундан далолат берадики, табиий ва антропоген геосистемаларнинг тиббий географик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тиббий ландшафтшунослик фанининг келажакда янада ривож топишига ҳар томонлама асосланган илмий ва амалий база бўлиб хизмат қилади.

Табиатда зоналликка ва интразоналликка оид бўлган касалликлардан ташқари регионал характерга эга бўлган, айниқса географик тарқалиши тоғли ва тоғолди районлари билан узвий боғлиқ бўлган касалликлар ҳам мавжуд. Бунга эндемик бўқоқ касаллиги мисол бўла олади. Эндемик бўқоқ касаллиги Евросиё материгининг Альп, Карпат, Кавказ, Урал, Тяншан, Помир, Олой, Шарқий Сибирь, Ҳимолай тоғлари ва тоғолди районларида, Шимолий Американинг Кордильера ва қояли тоғларида, Африканинг Эфиопия тоғлигида яшовчи халқлар ўртасида кенг тарқалган. Яқин йилларга қадар эндемик бўқоқ касаллиги Ўзбекистоннинг бир қатор тоғли ва тоғолди регионларида, тоғоралиғи ботиқларида, жумладан Фарғона ботиғида, айниқса унинг Сўх конуссимон ёйилмаси ландшафтлари ҳудудида яшайдиган аҳоли ўртасида кўп учраган. Бу касалликнинг келиб чиқиши ландшафтларнинг геокимёвий таркибида, яъни мазкур жойнинг сувида, тупроғида, ҳавосида ва ҳатто овқатида йод моддасининг етишмаслиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Эндемик бўқоқ касаллигини олдини олиш ва унга қарши курашиш учун соғлом инсон организми ҳар куни камида бир грамнинг миллиондан 100-200 қисмигача йод қабул қилиши керак. Агар ҳар бир инсон организми кечаю-кундуз давомида йодни шу миқдордан кам истеъмол қилар экан, қалқонсимон без йодли гармон – тироксинни кам ишлаб чиқаради, унинг функцияси сусаяди. Натижада қалқонсимон без катталашиб, бўйин нервларини ва томирларини қисиб қўяди. Шунинг учун эндемик бўқоқ касаллиги тарқалган жойларда ҳар бир киши ҳафтада бир марта 1 мг йод тузини қабул қилиши ёки овқат тайёрлашда йодланган ош тузидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бундай чора-тадбирлар эндемик бўқоқни олдини олишга ёрдам беради. Ўзбекистонда эндемик бўқоқ касаллигига қарши курашишда ва уни олдини олишда Ё.Х.Тўрақулов, С.А.Масумов, П.И.Фёдоровларнинг хизмати катта бўлган (Саломатлик энциклопедияси, 1985).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тиббий ландшафтшуносликнинг тадқиқот объекти бўлиб турли хил таксономик рангдаги ландшафт комплекслари – ўлка, зона ва провинциялардан тортиб, то урочиша ва фацияларгача хизмат қилади. Унинг асосий вазифаларидан бири ландшафт комплексларини эпидемиологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, мазкур ландшафт, урочиша ва фацияларда инфекция манбаларини мавжудлигини, янги инфекцияларнинг ривож топиш имконига эга эканлигини ва инфекция қўзғатувчи манбаларни кириб келиш эҳтимоли борлигини аниқлашдан иборат.

Типологик ва регионал ландшафт карталар, геоэкологик карталар инсон касалликларининг табиатдаги ўчоқларини, уларнинг географик тарқалишини аниқлашни хийла енгиллаштиради ва ландшафт-эпидемиологик карталарни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Тузилган ландшафт-эпидемиологик карталар ўз навбатида инфекцияли касаллик-ларга қарши курашиш чора-тадбирларни ишлаб чиқишга, юқумли касалликларни тарқатувчи зооген омилларни – кемирувчиларни, каналарни ва ҳашаротларни йўқ қилиб ташлашга ёрдам беради. Буларнинг барчаси вужудга келган геоэкологик вазиятларни тафсилий таҳлил қилишга, ифлосланган географик компонентларни ва ландшафт комплексларни оптималлаштиришга ҳамда эпидемиологик касалликларни олдини олишга шарт-шароит яратади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

И.А.Ҳасанов, Н.Т.Шомуротова
Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон аҳолисининг дам олиш, даволаниш, туризм масканларининг хизматига бўлган талабини қондиришда Тошкент вилоятининг рекреацион имкониятлари муҳим ўрин тутади. Вилоят ҳудудининг хўжалик нуқтаи-назаридан юқори даражада ривожланганлиги ва бу ерда инженер-қурилиш шароитининг ҳар хиллигига қарамасдан унинг ноёб табиий-рекреацион ресурслари на фақат вилоят, балки қўшни худудлар аҳолисини унга бўлган талабини ҳам қондириши мумкин.

Майдони 15,6 минг км^2, аҳолиси 4,5 миллиондан бироз ортиқ бўлган Тошкент вилояти географик ўрнини қўлайлиги, унинг бошқа вилоятларга нисбатан иқтисодий, ижтимоий томондан тез ривожланиши, унинг вилоятлар орасида алоҳида мавқега эга бўлиб қолишида муҳим омилдир. Вилоятдаги дарёларнинг кенг қайирлари ўзига хос маданий ландшафтлари ва тўқайлари билан, мевазор ва ёнғоқзор-арчазорлардан иборат ўртача баландликдаги тоғлари ва яйловлар билан банд баланд тоғлари биргаликда ўзига хос рекреация зоналарини ташкил этади. Бунда тоғлар орасида

Чирчиқ водийсида қурилган Чорвоқ ва Ходжикент сув омборлари, Оҳангарон водийсида бунёд этилган Ангрен ва Тошкент сув омборларининг, каналларнинг ва вилоятда жуда ҳам кўплаб топилган ер ости минерал сувларининг мавқеи алоҳидадир.

Иқлимий жиҳатдан рекреация учун энг қулай шароит вилоятда ўртача баландликдаги тоғларининг ўрмон-ўтлоқ-дашт минтақасига (800-900 метрдан 2500-3000 метр абсолют баландликдаги ҳудудларга) тўғри келса, гидрогеологик жиҳатдан эса чўл (0-300 м) ва тоғ олди чўл-дашт ва қуруқ дашт (300-1200 м) минтақаларига тўғри келади.

Вилоят табиий-рекреацион ресурсларидан рекреация нуқтаи-назаридан қуйидаги 4 та йўналишда фойдаланиш мумкин. Булар аҳолини соғломлаштиришда, спортда, табиатни ўрганишда ва аҳолини даволашда.

Тошкент вилояти табиий-рекреация ресурсларини таҳлили асосида унинг Чирчиқ хавзаси қисмида Чирчиқ-Паргос, Хумсон-Оқтош, Чимён-Белдерсой, Бурчмулла-Нанай, Оқсоқота-Паркент каби рекреация зоналарини ажратиш мумкин. Улар ичида рекреация нуқтаи-назаридан энг қулайи Чирчиқ водийсининг ўрта ва юқори қисмида ажратилган Хумсон-Оқтош, Чимён-Белдирсой ва Бурчмулла-Нанай зоналаридир. Қуйида улар ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Хумсон-Оқтош зонаси. Бунда рекреация учун энг аҳамиятлиси Хумсон қишлоғидир. У Угом тизмаси ғарбий чеккасининг жанубий-шарқий ёнбағриларида, Коржонтоғнинг жанубий ёнбағрида, Угом дарёси бўйида жойлашган бўлиб, майдони 15 минг гектар, аҳолиси 3,3 минг кишини ташкил этади. Аҳолиси асосан ўзбеклардан ташкил тлпган бу қишлоқ 800-1000 м абсолют баландликларда жойлашган. Хумсон-Оқтош зонасининг ўзига хос такрорланмас ландшафтлари, иқлими, этник хусусиятлари, зонада атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг йўқлиги ва республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрига яқин жойлашганлиги (60-90 км) унинг худудини рекреацион зона деб тан олишда муҳим аҳамият касб этади. Хумсон-Оқтош зонасида май-сентябр ойлари оралиғи туристик мавсум ҳисобланади. Бу даврда Хумсонда 10 000, бутун зона худудида эса 120 000 гача аҳоли дам олиши, сайр-сайёҳат, қилиши даволаниши мумкин ва бу даврда улар альпинизм, треккинг (кўп кунлик сайр-сайёҳат), рафтинг (Угам дарёсида оқим бўйлаб сузиш), отда сайр қилиш, балиқ овлаш билан шуғулланишлари, ундан ташқари йил давомида фаолият кўрсатадиган «Хумсон», «Оқтош» санаторийларида, «Хумсон-булоқ» дам олиш уйида ва шуларга ўхшаш кўплаб давлат ва шахсий дам олиш масканларида хордиқ чиқариб, даволанишлари мумкин.

Бурчмулла-Нанай зонаси. Бу зона ўз ичига Чорвоқ сув омборининг жануби-шарқида, Писком ва Кўксу тизмаларининг энг чекка ғарбий тармоқлари этакларида жойлашган, абсолют баландлиги 900-1000 м

атрофида бўлган Бурчмулла, Яккатут, Янгиқўрғон, Юсупхона, Боғистон, Нанай каби қишлоқларни ва улар орасидаги ҳудудларни ўз ичига олади. Бу зонада рекреация нуқтаи-назаридан энг аҳамиятлиси Бурчмулла қишлоғи бўлиб, унинг майдони 15000 гектар, аҳолиси 4,1 минг киши бўлиб, асосан этник тожиклардан ташкил топган. Бурчмулла ва унинг атрофида дам олувчиларни жалб қиладиган объектларга (масканларга) Кўлсой дарасини, Оҳотничий чўққисини, Кўксув водийсини, Чорвоқ сув омборини киритиш мумкин. Бу масканларда дам олувчилар ҳозирги кунда Чорвоқ сув омборида чўмилишлари, кўп кунлик ва бир кунлик сайр-сайёҳат уюштиришлари, қадамжойларни зиёрат қилишлари, отда сайр уюштиришлари, алпинизм, балиқ овлаш билан шуғулланишлари, шахсий секторга қарашли оромгоҳларда ва «Олтин ёмби» дам олиш уйида хордиқ чиқаришлари мумкин. Бурчмулла-Нанай зонасига келаётган туристлар-нинг 80% уюшмаган пойтахт аҳолисидир. Чегара режими, хизмат кўрсатишнинг талаб даражасида эмаслиги кўплаб чет элликларни бу зонага дам олишга жалб қилиш имконини бермайди. Ҳозирги кунда Бурчмулла-Нанай зонасида мавсумда 100-150 минг атрофида аҳоли дам олмоқда. Келажакда уларнинг сонини, юқорида келтирилган муаммолар ижобий ҳал қилинса, 350 минг кишига етказиш мумкин. Бу яна тоза ҳаво, Қуёш нури, сув ва доривор ўсимликлардан фойдаланиб даволаш пункт-ларини ташкил қилишни, Чорвоқ сув омбори бўйида пляжларни, тиббий ва қутқарув хизматини талаб даражасига келтиришни тақазо қилади.

Чимён-Белдирсой рекреация зонаси. Угом-Чотқол миллий парки таркибида бўлиб, унинг ичида рекреация учун энг аҳамиятлиси Чимён қишлоғи бўлиб, у пойтахт Тошкент шаҳридан 80 км шимолий шарқда, Чорвоқ сув омборидан 12 км жанубда, Чотқол тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 1600 метр баланд қисмида жойлашган. Аҳолиси 2250 киши (2005 й) атрофида бўлиб, 90% га яқини қозоқ ва қирғиз миллатларига мансубдир.

Чимён қишлоғи уни ўраб турган тоғлари билан саргузаштли туризм ишқибозларини ўзига жалб қилади. Зонанинг Тошкент шаҳрига яқинлиги, унда атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат корхоналрининг йўқлиги, иқлимининг йилнинг ҳамма фаслларида ҳам қулайлиги (юмшоқлиги), умуман табиатининг мавтункорлиги, хилма-хиллиги, табиий ресурсларга бойлиги, аҳолисини, маданияти ва урф одатлари бу зонада нафақат туризимни балки, экотуризмни ҳам ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради.

Чимён-Белдирсой биз юқорида тахлил қилган зоналардан спорт-туристик инфраструктурани яхши йўлга қўйилганилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унда дам олувчилар сони ёз мавсумида ҳафтанинг иш кунларида ҳар куни 3000 тага, якшанбада эса 10 000 тагача, қишда эса дам олиш кунлари 5000 тагача етади. Агар зонада дам олувчилар,

даволанувчилар учун ҳамма имкониятлар яратилса, унга ташриф буюрувчилар сони йил давомида 350 мингтагача етиши мумкин. Ҳозир Чимёнда меҳмонхона, ресторан, 2 та осма йўл, чанғи учиш трассалари ишлаб турибди, Чимён яқинидаги Белдерсойда эса жахон стандартларига жавоб берадган чанғи учиш трассаси фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошкент вилоятининг тоғ олди ва тоғлик қисмида табиий шароит иқтисодий-ижтимоий омиллар қулай бўлган жойларда табиий жараёнларни кечишини ва сейсмик хавфни инобатга олган ҳолда рекреацион муассасаларни кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш имконини беради ва маҳаллий аҳолини ҳамда хорижийликларнинг дам олиб даволанишлари, сайр-саёҳатда бўлиб, кайфиятларини яхшилашлари учун қулай имконият яратади.

ҚИЗИЛҚУМ ЛАНДШАФТ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ГОРИЗОНТАЛ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАНИШИ

С.Б.Аббосов
Самарқанд Давлат университети

Қизилқум чўли ландшафт комплексларининг маконда горизонтал табақаланиши уни Турон пасттекислигининг катта қисмини ташкил этганлиги, ҳудудининг шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа қараб узоқ масофага чўзилганлиги, географик муҳитнинг хилма-хиллиги, табиий шароитнинг кенглик бўйлаб ўзгариб бориши каби омилларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам Қизилқум чўл ландшафт комплексларининг аксарият қисми ўзларининг макондаги горизонтал табақаланишида икки хил умумий географик қонуниятга бўйсунади. Биринчиси кенглик зоналлик қонунияти бўлса, иккинчиси провинциаллик қонуниятидир.

Қизилқум ландшафт комплексларининг зонал табақаланиши барча табиат зоналари, жумладан чўл зонаси учун ҳам хос бўлган ички зонал ва микрозонал фарқларда, шу билан боғлиқ ҳолда ландшафт комплексларининг зонал хусусиятларини ўзгариб боришида яққол кўзга ташланади. Бундай фарқлар айниқса геосистемаларнинг ҳамда табиат компонентларининг хусусиятларини шимолдан жанубга томон ўзгариб боришида, жумладан ҳаво ҳароратининг кўтарилиб, фойда берадиган ҳарорат миқдорининг кўпайиб, ёғин миқдори ва нисбий намликнинг камайиб боришида, тупроқ-ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёсининг географик зонал муҳитга мослашган ҳолда тарқалишида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, аксарият тадқиқотчилар Ўрта Осиё текислик ўлкасини табиий географик районлаштиришда зоналлик ва азоналлик принципларга асосланиб Қизилқум ҳудудини чўл зонаси таркибига киритсада, унинг доирасида мавжуд бўлган ички зонал

фарқларни эътиборга олиб зоначалар ажратмаганлар. Масалан, В.М. Четиркин (1960) Ўрта Осиё ўлкасини табиий географик районлаштиришда фақат регионал нуқтаи назардан ёндашиб, Қизилқум чўлини Турон геофацияси таркибига киритган. Сўнгра унинг ҳудудини қуйидаги регионал таксономик бирликларга–провинция, провинцияча (подпровинция) ва регионал комплексларга бўлган, лекин зонал ландшафт комплексларида – зоначалар ажратмаган. Л.Н. Бабушкин ва Н.А. Когай (1964) ҳам Ўзбекистонни табиий географик районлаштиришда регионал ёндашишга асосланиб, Қизилқум чўлини табиий географик округ деб қараб, унинг таркибида табиий географик районлар ажратган, аммо зонал табақаланиш қонуниятига эътибор бермаган. Бундай ҳолатни П.Баратовнинг (1996) Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш схемасида ҳам кўриш мумкин. У Қизилқум чўлини табиий географик округ сифатида ажратиб, сўнгра табиий географик районларга бўлган.

Қизилқум чўлини зонал табақаланиши Э.М. Мурзаевнинг (1953, 1958) Ўрта Осиёни табиий географик районлаштириш схемасида ўз ифодасини топган. Бу схемада Қизилқум чўли Шимолий Қизилқум ва Жанубий Қизилқум зоначаларига ажратилиб, уларга ландшафт области сифатида тавсиф берилган.

Ф.Н. Мильков (1964, 1977) собиқ СССРнинг табиат зоналарини ҳозирги ҳолатини ўрганиб, уларга тавсиф берар экан, мўътадил минтақанинг энг жанубий зонаси ҳисобланган чўл зонасини бошқа табиат зоналаридан фарқ қилувчи асосий хусусиятларини, жумладан иқлимини ўта қурғоқчил ва кескин континенталлиги, арид иқлим шароитида шаклланган ўсимликларининг сийраклиги ҳамда уларни бута ва чала буталардан таркиб топганлиги, тупроқ қопламининг сур-қўнғир ва қумоқ чўл тупроқларидан иборат эканлиги ва бошқа хусусиятларини таъкидлаб ўтган. Чўл ландшафтларининг шаклланишида иқлимнинг таъсири бошқа зоналардагига нисбатан ниҳоятда кучли эканлиги ҳам таъкидланган. Бундай ҳолат чўл зонасида иссиқлик ва қуёш нурининг сероблиги, намлик ва намланиш даражасининг жуда камлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ф.Н. Мильков (1964, 1977) Ўрта Осиё ва Жанубий қозоғистон чўл зонасини ички зонал тафовутларига қараб, учта зоначага бўлган: 1) шимолий чўл зоначаси; 2) типик ёки ўрта чўл зоначаси; 3) жанубий чўл зоначаси. Биз ҳам кенглик зоналлик қонуниятига асосланиб Қизилқум чўлини мўътадил минтақанинг чўл зонаси таркибида қараб, уни ландшафт комплексларининг зонал табақаланишини, иқлим хусусиятларини, тупроқ ва ўсимлик қопламини ҳамда ҳайвонот дунёсини шимолдан жануб томон ўзгариб боришини эътиборга олиб учта табиат зоначасига бўламиз: 1) шимолий чўл зоначаси; 2) типик чўл зоначаси ва 3) жанубий чўл зоначаси.

Т.В. Звонкова (1968) Ўрта Осиё текислик ўлкасини ландшафт провинцияларига бўлишда чўл зонасига қарашли бўлган Қизилқум чўлини

Шимолий Қизилқум, Марказий Қизилқум ва Жанубий Қизилқум провинцияларига ажратиб, уларга табиий географик тавсиф берган. Муаллиф томонидан ажратилган бу провинциялар ҳудудий жойлашиш жиҳатдан Қизилқум чўлининг табиат зоначаларига тўғри келади. А.Г. Бобоев ва З.Г. Фрейкин (1977) Ўрта Осиё ва Жанубий қозоғистон чўлларининг табиий районлари схемасида Қизилқум ҳудудини ландшафт шароити бир хил бўлмаган ва ўз навбатида ички фарқларига эга бўлган учта табиий географик районга бўлган. Булар Сирдарё дельтаси ва водийси, Шимолий Қизилқум ва Жанубий Қизилқум районларидир. Шулардан биринчиси ҳудудий жиҳатдан Қизилқумнинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмига, иккинчиси ўрта қисмига ва учинчиси жанубий қисмига тўғри келади. Агар бу районларнинг маконда табақаланиш ва географик жойлашиш қонуниятига эътибор берсак, у ҳолда уларни чўл зонасининг шимолий ва жанубий зоначаларига тўғри келишини гувоҳи бўласиз.

Бинобарин, Қизилқум ландшафт комплексларининг маконда кенглик зоналлик қонуниятига бўйсунган ҳолда горизонтал табақаланиши исбот талаб қилинмайдиган аксиома эканлиги ландшафтшунос-географларнинг кўпчилигига маълум бўлиши керак. Аммо, мавжуд бўлган географик манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Қизилқумни тадқиқ қилишда ва табиий географик районлаштиришда чўл ландшафт комплексларининг ички зонал табақаланишига деярли эътибор берилмаган ва чўл зонаси бу улкан регион доирасида ландшафт зоначаларига ажратилмаган ҳамда уларга алоҳида-алоҳида зонал тавсиф берилмаган. Шундай экан, Қизилқумнинг чўл ландшафт комплексларида ўзининг яққол аксини топган зонал фарқланишларга асосланиб, унинг ҳудудини юқорида таъкидлаганимиздек, учта зоначага – шимолий чўл, типик чўл ва жанубий чўл зоначаларига ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ОСБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ЛАНДШАФТНО-ИНДИКАЦИОННОГО МЕТОДА ПРИ ПОИСКАХ НЕФТЕГАЗОНОСНЫХ СТРУКТУР

И.Абдиганиев, О.Абдуганиев
Ферганский Государственный университет

В настоящее время ландшафтно-индикационные исследования широко используются при проведении поисковых работ. Они включают большое число методов и различных приемов, позволяющих по ландшафтным индикаторам выявлять фиксированные на внешном облике особенности строения Земли.

Эффективность применения ландшафтно-индикационного метода при поисках нефтегазоносных структур может быть весьма различной в

зависимости от природных условий территории. Поэтому изучение и выявление региональных ландшафтных индикаторов имеет большое значение как для определения комплекса рациональных приемов ландшафтно-индикационного метода, так и возможностей использования их на других географических районах.

Разнообразие природных условий Южной Ферганы, определяемое геолого-геоморфологическими и климатическими факторами, оказывает существенное влияние на специфику применения индикационного метода для выявления нефтегазоносных структур. Сформировавшиеся в процессе тектонического развития территории пликативные и дизъюнктивные структуры находят разное выражение во внешном облике ландшафта. Выраженность отдельных локальных структур в ландшафтах и соответственно аэрокосмических снимках определяется главным образом спецификой самых структур, обнаженностью района, особенностями состава горных пород, степенью освоенности, окультуренности, степенью расчлененности рельефа,климатическими условиями территории, а также масштабом и качеством аэрокосмических материалов. Разнообразные сочетания перечисленных факторов предопределяют различную выразительность тектонических структур в облике ландшафта на изучаемой территории Ферганской долины.

Совершенно очевидно, что для таких разнородных по своему характеру территорий, как области новейшей денудации(адырная зона) и области аккумуляции (равнинная зона) характер и степени выраженности тектонических структур на поверхности будет существенно различна.

Адырная зона отличается прежде всего маломощным чехлом новейших отложений, сложенным на поверхности разнообразными породами различного возраста, наличием выходов коренных пород на дневную поверхность, высоким положением их поверхности, энергичным развитием эрозионных процессов, сложным расчлененным рельефом и хорошей дешифрируемостью. Морфологическая структура ландшафтов связана с интенсивностью развития и особенностями расположения тектонических элементов, а также с составом и сложением разреза слагающих их напластований.

Резкое повышение интенсивности тектонических движений в течении новейшого этапа (неоген-антропоген) весьма благоприятствует прямому выражению локальных структур во внешном облике адырных ландшафтов. Однако, в пределах контуров определенных разновидностей адырного ландшафта локальные структуры выражены по-разному, в зависимости от конкретного облика ландшафта, обусловленного особенностями неотектонических движений, геологического субстрата, рельефа и экзогенных процессов. Здесь выходы коренных пород различного литологического состава непосредственно формируют

внешний облик ландшафта. К этой категории выражения в ландшафте локальных поднятий относятся все выявленные геологической съемкой структуры. Здесь над молассовой толшей на глубинах, доступных бурению, залегают нефтегазоносные горизонты. Но именно здесь, в отличие от других разновидностей адырных ландшафтов, проведение геологической съемки встречают наибольшие затруднения, так как обнажающиеся в адырах молассовые толщи однообразны по составу. Поэтому в этих условиях наиболее эффективным методом выявления структур является ландшафтно-индикационный анализ. Локалные тектонические структуры имеют здесь активное отражение в ландшафте, что обусловлено тектонической активностью, ростом структур в новейшее время. Они могут быть опознены в релъефе ландшафта по его новейшим деформациям, амплитуды которых измеряются десятками метров. На деформации земной поверхности и изменение её наклонов чутко реагируют водные потоки. Поэтому здесь для выявления активных морфоструктур должен быть проведен анализ долинных комплексов.

В противоположность адырным зонам, равнинные территории отличаются мощным чехлом новейщих отложений и преобладанием новейщих относительных опусканий.

В последние годы внимание геологов-нефтяников все больше и больше привлекают равнинные пространства долины. Эти равнины в основном приурочены к областям интенсивных и длительных прогибаний земной коры, с мощным комплексом осадочных отложений, с которыми есть все основания связывать перспективы открытия залежей нефти и газа. Характерными осбенностями этой зоны является непрерывное прогибание в течение мезокайнозоя, особенно в олигоценово-антропогеновое время, слабая складчатость, полнота стратиграфических разрезов. В силу этого проведение геофизических работ и глубокого бурения сопряжено здесь с огромными материальными затратами и рядом технических трудностей. При освоении глубынних богатств равнинной части Ферганы остро встает проблемы рационального размещения дорогостоящих видов геолого-разведочных работ. В решении данной проблемы могут сыграть важную роль результаты ландшафно-индикационного анализа.

Однако среди геологов, к сожалению, еще и сейчас распространено представление о том, что в районах, покрытых мощными толщами молодых осадков, изучение поверхности земли ничего не дает для по её глубинного строения. На самом же деле, «несмотря на сглаженний рельеф, поверхность любого участка земли теснейшим образом связана в формах и движениях с жизнью структурных элементов, захороненных в недрах…» (Брод, Мирчинк, 1960, стр.15). Это высказывание подтверждается данными структурно-геоморфологических и ландшафтных исследований проведенных в разлычных равнинных пространствах мира.

Как известно, при наличии мощного плаща покровных отложений и равнинного рельефа возможность непосредственного отражения элементов тектоники в ландшафте практически исключается. Их опознание и картирование ведется по комплексу косвенных индикаторов провляний новейших и современних движений, происхождение, характер и дифференциация которых тесно связано с локальными структурами.

Как известно, одним из приемов, широко используемым в практике индикационных исследованиях, является изучение взаимосвязы складчатых деформаций и русловых процессов, отраженных в истории формирования и особенностях строения физиономического облика долин. Однако, применение данного приема в пределах культурных ландшафтов Ферганы не всегда приносят желаемые результаты, так как более 2-3 тысяч лет речной системой конусов выноса управляет человек. Вся гидрографическая сеть конусов по существу представляет собой густую сеть арыков различной величены, часто заключенных в бетонные русла. Кроме того, также польностью не могут быть подвергнуты индикационному анализу и ландшафты эоловых равнин Ферганы, поскольку для эоловых форм эдесь недостаточно изучено влияние тектонического фактора на их развитие и их морфологию. С другой стороны, мелиорация и освоение песчаных массивов сильно изменили прежний облик ландшафта.

Выше указанные особенности равнинных комплексов затрудняет проведение индикационных исследований. Здесь объем получаемой в результате индикационного анализа информации о глубинном строении территории сравнительно невелик по сравнению с адырной зоной. Однако, ценность этих сведений очень велика, поскольку индикационный метод позволяет здесь наиболее целенаправленно планировать постановку геологических и геофизических исследований.

Таким образом, в тесной связи с региональними новейшими и современными движениями локальные структуры могут проявляться по-разному в генетически разных ландшафтах. Это, естественно, требует применения широкого и дифференцированного комплекса приемов ландшафтно-индикационного метода при изучении взаимоотношения ландшафта с тектонической структурой для целей выявления локальных структур, перспективных на нефть и газ.

ЖОЙ НОМЛАРИ ВА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

П.Н.Ғуломов
Ўзбекистон Миллий университети

Жой номларининг тўғри ёзилиши масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала. Бундан ташқари географик номларни тўғри ёзиш, тўғри талаффуз қилиш кишиларнинг маданий савияси, саводхонлиги меъзони ҳисобланади.

Баъзи бир хил географик номларда бир ҳарфнинг ўзгариши маънони ўзгартириши, бошқа жойни англатиши мумкин. Масалан, Қоракўл ва Қорақўл, Қорақўл-дарё, Қоракўл-шаҳар. “Қ”нинг элементи тушиб қолса, дарё шаҳарга айланиб қолади. Худди шундай Ҳаргўш ва Харгўш маънолари ҳам турлича.

Ҳозирги вақтда лотин графикаси асосидаги ўзбек графикасига ўтилаётгани билан боғлиқ равишда транскрипцияда-географик номларни тўғри ёзишда анча чалкашликларга йўл қўйиляпти. Шу муносабат билан айрим географик ном ва терминларнинг лотин графикаси асосидаги ўзбек графикасида қандай ёзилиши ҳақида баъзи масалаларни кўриб чиқамиз.

Умумий қоидада лотин графикасига асосланган ўзбек графикасида юмшатиш белгиси ёзилмай, ташлаб кетилади. Лекин географик номларни ёзишда, ҳар доим ҳам бу қоидага амал қилиб бўлмайди. Агар географик номларда кирилл алифбосида юмшатиш белгисидан кейин унли товушлар келганда юмшатиш белгиси ташланса, нотўғри бўлиб қолади. Масалан, Вьетнам-Vetnam, Ривьер-River, Пор-Картье-Por-Karte, Фьорито-Forito, Каньон-Kanon, Сьерра-Serra, Стенхьер-Stenxer. Буларни ўқишда талаффуз бузилади. Юмшатиш белги ўрни йўқолиб қолади. Бундай номларни тўғри талаффуз қилиш учун юмшатиш белгиси ўрнига лотин графикаси асосидаги ўзбек графикасида “у” ҳарфи қўйиб ёзилса яхши бўлар эди. Масалан, Vyetnam, Rivyer, Por-Kartye, Fyorito, Kanyon, Syerra, Stenxyer, Sulityelma, Kyeze, Vyen, Vyenna, Vyerzon, Tyer, Sent-Etyen.

Кўпчилик географик номлар ўзбек тилида ёзилганда транслитерация усулидан фойдаланилади, яъни улар аслида қандай ёзилса (қандай талаффузидан қатъий назар), шундай ёзилаверади. Бу усул қайси географик ном ўз мамлакатида қандай ёзилса, шундай ёзишни талаб этади. Бунда хатога йўл қўйиш камаяди. Бу усулдан фойдаланганда географик номларни аслида қандай бўлса, шундай ёзиш керак, деган тамоилга амал қилинади. Масалан, русча Сьдад аслида Sindad, Сантьяго-Santiago, Сьерра-Siyrra, Сьяпа-Siyapa, Гунбьерн-Gunbyern деб ёзилаверади.

Кирилл ёзувидаги “ц” товуши ўрнида ўзбек лотин графикасида баъзан “s”, баъзан “ts” ёзилади. Бу ҳам мураккаблик туғдиради. Бунда қуйидагилар эътиборга олиниши керак. Географик номлар кириллда “Ц”

ҳарфи билан бошланган бўлса, у бевосита “S” билан ёзилаверади. Масалан, Цинцинатти, Цветкова, Цакир, Цимланск, Цхалтубо, Цуман, Цукурино ўзбек графикасида Sinsinatti, Svetkovo, Sakir, Simlansk, Sxaltubo, Suman, Sukurino шаклида ёзилади. “Ц” ҳарфи сўз ичида келганда эса “ц” олдида унли товуш келса, “s” олдига “t” қўшилади, агар ундош товуш келса “ц” ўрнида “s” ёзилаверади. Масалан, Ливец - Livets деб, Дунаец-Dunaets, ненец-nenets, Бабинцы-Babinsi шаклида ёзилади.

“Е” товуши ўзбек тилида икки хил –“е” ва “еэ” шаклида талаффуз қилинади. Масалан, “е” шаклида pechak, mehmon, chekka, terma, voqea сўзларида, “еэ” шаклида yelka, yetuk, yemoq сўзларида қўлланилади. Географик номларда ҳам шундай ҳолларда кириллдаги “е” лотин графикасида ҳам “e”, ҳам “ye” шаклларида қўлланилгани маъқул. Масалан, Етимкалас-Yetimkalas, Ертепа-Yertepa, Ереван-Yerevan, Yevropa, Yelets, Yekaterinburg, Yenisey.

Айрим географик терминлар ўзбек тилида турлича ёзилади ва турли географик объектларни билдиради. Масалан, русчадаги *губа* ўзбекчада *лаб, кўрфаз, қўлтиқ* деб таржима қилинади. Аслида, губа қуруқликка узоқ кириб борган қўлтиқ бўлиб, унга одатда йирик дарё қуйилади. Уни лаб эмас, қўлтиқ деса тўғри бўлади. Яна русча котловина, впадина, желоб терминлари ҳам ўзбекчада кўпинча турлича ифодаланади. Масалан, котловина-қозонсой, сойлик, ҳавза, ботиқ деб, впадина-ботиқ, желоб-чўкма, нов, ботиқ деб, банка-банка, кўтарилма, саёзлик деб, разлом-ер ёриғи, дарз, горст-кўтарилма, узилма, ирғитма, горст деб, грабен-узилма, грабен, плато-плато, ясси қир, ясси баландлик, поднятие-кўтарилма, қир, залив-қўлтиқ, кўрфаз деб таржима қилинади. Ваҳоланки, термин фақат бир маънода ишлатилиши керак. Менимча, котловина қуруқликда сойлик, океан остида ҳавза деб, впадина қуруқликда ҳам, океан остида ҳам ботиқ, желоб-чўкма, банка-саёзлик, разлом-ер ёриғи, горст-ирғитма, грабен-узилма, плато-ясси қир, поднятие -кўтарилма, залив-қўлтиқ, кичик бўлса, кўрфаз деб аталиши керак. Бундай мунозарали терминлар жуда кўп.

Кўпчилик мамлакатларда географик ном ва терминларни тўғри ёзиш, тўғри талаффуз қилишга жуда катта аҳамият берилади. Буюк Британияда Географик номлар қўмитаси, Бельгияда Топонимика ва диалектлар комиссияси, АҚШда Давлат департаменти, Россия Федерациясида Энциклопедия бош таҳририяти, радио, телевидение бошқармалари жой номлари ва терминларни тўғри ёзиш ва талаффузини тартибга солиб туради. Бизда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимиятлар қошида топонимика комиссиялари бор. Улар янги жой номларини бериш, эскиларини ўзгартириш билан шуғуланадилар. Лекин уларда географик номлар ва терминларни тўғри ёзиш, тўғри талаффуз қилиш, тартибга солиш билан шуғулланишмайди. Илгари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тилшунослик институти қошида Атамашунослик қўмитаси бор эди. 2003

йилда у барҳам топди. Шунинг учун ҳам матбуот, радио, телевидениеда жой номлари, терминларнинг қўлланишида хилма-хиллик мавжуд. Ҳозирги вақтда фақат терминлар эмас, ҳатто давлатлар номларини ёзишда хилма-хилликка йўл қўйилаяпти (Германия-Олмония, Туркия-Турция, Франция-Фарангистон, Корея-Қурия, Голландия-Холландия ва бошқалар). Буларни тартибга солиш учун мамлакатда бир илмий-амалий бошқарув ташкилотини тузиш зарур бўлиб қолаяпти.

Бир вақтлар Ўзбекистон География жамияти қошида бир қанча илмий секциялар бўлиб, улардан бири Топонимика ва географик терминшунослик секцияси эди. Унда вақти-вақти билан мажлислар ўтказилиб, топоним ва терминларга оид илмий кенгаш, мунозаралар бўлиб турар эди, бу секция ишини яна йўлга қўйиш керакка ўхшайди.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК МАТНЛАР БИЛАН ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

Ш.М.Авазов, С.М.Матсаидова
Урганч Давлат университети

Табиий географик матнларининг асосий вазифалари ўқувчилар томонидан табиий географик билимларнинг мустаҳкам эгалланишини ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантиришни кўзда тутади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, табиий географик матнларнинг асосий мақсади ўрганилаётган табиий географик объект, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳияти ва мазмунини ўқувчига содда ва лўнда қилиб беришдан иборатдир.

Ўқитувчи томонидан сайқал берилган табиий географик матнларнинг ўқувчиларнинг география фанига қизиқишларини ошириш ва ақлий фаолият билан шуғулланишларига кенг имкон яратади. Матнлар мазмунан оддий, муаммоли бўлиши, улар ўқувчиларни фикрлашга, изланишга ўргатиши керак. Айни пайтда матнлар ўқувчиларнинг мустақил ҳолда савол ёки топшириқлар тузиши учун қулай тарзда бўлиши керак.

Ўқувчиларнинг турли хил табиий географик матнлар мазмуни асосида ўқитувчига муқобил саволлар бера олиши уларда савол ёки топшириқлар туза олиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Табиий география дарсликлари, қўлланма ва бошқа материаллар матнлари асосида табиий географик объектлар, ҳодисалар ва жараёнларни қиёслаш орқали якка тушунчаларни шакллантириш имконияти туғилади. Ҳар қандай мавзуга оид матнларнинг асосий мақсади ўқувчиларда табиий географик тушунчаларни шакллантиришдан иборатдир. Бу эса ўқувчилардан табиий география дарсликлари ва бошқа материаллар матнларидаги тушунчаларни (умумий, якка, мавҳум) гуруҳларга ажрата олиш кўникмаларини талаб қилади.

Масалан, ўқувчилар табиий география бошланғич курсида «Гидросферанинг таркибий қисмлари» мавзусига оид тушунчаларни қуйидаги тартибда гуруҳлаши мумкин (1-расмга қаранг)

Умумий тушунчалар	Якка тушунчалар	Мавҳум тушунчалар
Гидросфера, океан, денгиз, қўлтиқ, орол, ярим ороллар ва ҳ.к.	Дунё океани, Атлантика океани, Шимолий Муз океани, Арабистон денгизи, Қора денгиз, Бенгалия қўлтиғи, Исландия ороли, Таймир ярим ороли ва ҳ.к.	Океан таги, чуқурлик, тўлқинлар, чека ва ички денгизлар, оқимлар, шўрлик, кенглиги, узунлиги ва ҳ.к.

1-расм. «Гидросферанинг таркибий қисмлари» мавзуси тушунчалари

Табиий географик матнларни таҳлил қилиш ва ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, ўртача катталикдаги мавзулар матнида 30-35 та турли хил тушунчалар мавжуд бўлади. Ўқувчилар табиий география дарсликлари ва бошқа таълим воситалари матнларидаги тушунчаларни гуруҳлай олишни ўрганганларидан кейин, уларга хос бўлган муҳим белгиларни ажратиш эса мантиқий фикрлашни талаб қилади.

О.Мўминов фикрича, табиий география таълимида хариталар билан ишлаш ҳам матнларни пухта ўзлаштиришни таъминлайди. Бу ўқувчиларга харитали қўлланмалар воситасида алоҳида ҳудудларга мустақил тавсиф ёзиш, ёзган тавсифини дарсликлардаги матнлар билан солиштириб кўриш ва дарсликдаги маълумотларни харитадан аниқлаб олишга имкон беради.

Натижада қайси маълумотларни харитадан аниқлаб олиш ёки қайси маълумотларнинг харитада акс этмагани аниқ намоён бўлади. Энг муҳими, ўқувчилар харитада акс этган табиий географик билимларни матнларда акс этган табиий географик билимлар билан қиёслайдилар ва ўз хатолари, камчиликларини мустақил аниқлай олиш имкониятига эга бўладилар. Оқибатда ўқувчилар дарслик матнлари харитани қандай билимлар билан тўлдириши ёки хариталар дарсликни қандай билимлар билан тўлдириши мумкинлигини аниқлайдилар. Бу энг ажойиб мантиқий умумлаштириш ҳисобланади.

Табиий географик матнлар билан ишлаш таҳлили шуни кўрсатдики, матнларнинг ранг-баранглиги туфайли улар билан ишлашда маълум бир, аниқ педагогик йўналиш шаклланмаган.

Тегишли илмий-методик Адабиётларни таҳлил қилиш ва амалиётни кузатиш шундай хулосалар чиқаришга имкон берди: дарсларда табиий географик матнлар билан ишлаш масаласи олимлар, ўқитувчилар ва методистлар диққатини ўзига тортган, лекин бу масала табиий география таълими методикаси соҳасида муаммо сифатида махсус ўрганилмаган.

Л.М.Панчешникова, И.И.Баринова, И.В.Душина, О.А.Мўминов, Т.Абдуллаева, М.Набихонов, В.В.Николина, П.Мусаев, Р.Қурбонниёзов

ва бошқаларнинг ишларида география дарслари ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида табиий географик матнлар билан ишлаш масаласининг турли жиҳатлари ёритилган. Бу тадқиқотларда қуйидаги масалаларга эътибор берилган: матнлар билан ишлаш турларини белгилаш, дарс ва дарсдан ташқари пайтларда матнлар билан ишлаш ўрнини аниқлаш, матнлар билан ишлаш мазмуни ва уни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш.

Биз география таълимида табиий географик матнлар билан ишлашнинг аҳамиятини қуйидаги мулоҳазалар билан тўлдиришни лозим топдик:

Биринчидан, табиий географик матнлар билан ишлашдан асосан дарсдан ташқари пайтларда фойдаланилган, дарсларда эса матнлар билан ишлашнинг айрим қисмлари қўлланилган, холос.

Иккинчидан, табиий географик матнлар билан ишлашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни дарсга қизиқтиришдан иборат бўлган. Ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ва умумлаштириш, янги билимларни ўзлаштиришда табиий географик матнлар билан ишлаш масаласига етарлича эътибор берилмаган.

Учинчидан, табиий географик матнлар билан ишлашни география таълими мазмунига боғлаб ташкил этиш, яъни табиий географик матнлар билан ишлаш технологияси кўрсатилмаган.

Айни пайтда табиий географик матнлар билан ишлашнинг имкониятларини ортиқча бўрттириш ҳам ярамайди. Шунга эришиш керакки, матнлар билан ишлаш ўқув жараёнининг таркибий қисмига айлансин. Бунга эришиш учун дарсларнинг қайси қисмида, қандай тартибда ва мавзулар мазмунига мувофиқ ҳолда табиий географик матн турлари билан ишлаш технологияси ишлаб чиқилиши лозим.

Ўқувчилар ижодий фаолиятини ўстиришда табиий географик матнлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Матнлар билан ишлаш жараёнида ўқувчилар турли ҳолатларга дуч келиб, вазиятдан чиқиш йўлларини ўйлайдилар, мулоҳаза қиладилар ва ижодий фикрлашга мажбур бўладилар. Бунинг натижасида қандайдир ўқув топшириғи бажарилади. Бу вазият ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантиради, ўз билимлари ва ҳаракатларини асослашга ўргатади.

География ўкитувчиси бу жараёнда етакчи ўрин тутади ва ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда турли хилдаги табиий географик матнлар билан ишлаш усулларини шакллантиради. Бу усуллар матн режасини тузиш, матндан етакчи билимларни топа олиш, матн бўйича саволларга жавоб бериш, матн асосида гапириб бериш каби қисмлардан ташкил топиши мумкин.

Ўқувчиларда табиий географик матнлар билан ишлаш кўникма ва малакаси шаклланиши ўқув ишларини ташкил қилишда қулай шарт-

шароитларни яратади. Табиий географик матнлар билан самарали ишлашга ўрганмаган ўқувчи уй вазифаларини бажаришда, шахсий мустақил ишларини ташкил қилишда жуда кўп вақт сарфлайди ёки уларни тўлақонли бажара олмайдилар. Ўқувчиларда табиий географик матнлар билан ишлашнинг самарали усуллари шаклланмаганлиги оқибатида одатдаги ўқув топшириқлари ҳам уларни ортиқча зўриқишга олиб келади.

Табиий географик матнлар билан ишлаш усулларига эътибор бермаслик ёки шаклланган усуллардан таълим жараёнида фойдаланмаслик ўқувчиларнинг матнлар мазмунини ижодий ўзгартира олмаслиги ҳамда уларда география фанига бўлган қизиқишларнинг сўнишига олиб келади.

Тадқиқот натижалари ва география таълими методикасига оид Адабиётлар таҳлилига асосан табиий географик матнлар билан ишлашнинг энг кенг тарқалган қуйидаги усулларини ажратиб кўрсатдик (2-расмга қаранг).

2-расм. Табиий географик матнлар билан ишлаш усуллари

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, табиий географик матнлар билан ишлаш психологларнинг махсус тадқиқот объекти бўлмаган, аммо улардан матн билан ишлашда тушуниш, эслаб колиш, ўқувчини ақлий ривожлантириш муаммоларини ечишда фойдаланадилар.

Дидактикада 1-расмда кўрсатилган матнлар билан ишлаш усулларининг муайян турлари махсус ўрганилган. Айниқса матнни тўлиқ, қисқа ёки танлаб ўқиш ва гапириб бериш, матн бўйича саволларга жавоблар бериш, матндан тегишли тушунчаларни топиш, оддий ва мураккаб режалар тузиш, хулоса қила олиш каби усуллар кенгроқ тадқиқ қилинган.

Айрим муаллифлар таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, исботлаш ва шу кабиларни матн билан ишлаш усуллари сифатида ажратиб кўрсатадилар. Шунингдек, ўқувчининг табиий географик матнлар асосида конспект ва рефератлар ёзиши, тестлар тузиши ва аннотациялар тайёрлай олиши ҳам матнни ўзлаштириш усуллари сирасига киради, деб ҳисоблайдилар.

Илғор тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, айрим ўқитувчилар ўз фаолиятида табиий географик матнлар билан ишлашнинг бирмунча мураккаб турларидан фойдаланадилар. Улар табиий географик матнларни харита билан боғлайдилар, матнлар асосида чизмалар, жадваллар тузадилар, матнлардаги рақамли материалларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқарадилар. Ўқувчилар эса уйга берилган вазифаларни дарсликлар ва бошқа манбалар асосида бажараётганларида қуйидаги мазмундаги топшириқларни бажарадилар: табиий географик матнлар асосида режа тузиш, саволларга жавоб топиш, ўқитувчи саволига матндан жавоб топиш, алоҳида географик ҳодиса, жараён ёки ҳудудларни таққослаш, хилма-хил далилларни система, қизиқарли саволлар тузиш ва ҳакозо.

Тадқиқот жараёнида аниқландики, табиий географик матнлар асосида режа тузиш билан тайёр матнлар асосида ишлаш ўртасида деярли бир хил усуллар қўлланилади. Ўқув материалларини (матнларни) танлаш, матнни бўлакларга ажратиш, матндаги асосий ғояни топиш, ундаги фикрларни гуруҳлаш ва шу кабилар бунга мисол бўлади.

Табиий географик матнларнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири уларнинг турли мазмундаги хариталар билан узвий боғлиқлигидир. Матн билан харитани уйғунлаштиришнинг энг оддий усули матнда берилган хилма-хил объектлар ва номларни харитадан топиш ҳисобланади. Харита билан матнни ўзаро боғлашнинг мураккаб усулларидан яна бири матнда берилмаган, аммо унга бевосита алоқадор бўлган билимларни харитадан топа олиш ҳисобланади. Харитада берилган, лекин матнда акс этмаган билимларни матн билан боғлаш бирмунча мураккаб усул деб эътироф қилинган.

Демак, география ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни харита билан матнни боғлай олишга ўргатишдан иборатдир. Матнлар билан ишлаш усулларининг самарадорлиги аввало ўқувчиларда эгалланган билимларни хилма-хил шароитларда қўллай олиш кўникмаларининг ҳосил бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқотчи олим И.В. Душина табиий географик матнлар билан ишлаш усулларининг тўртта асосий гуруҳини ажратиб кўрсатади.

Биринчи гуруҳга табиий географик матнни изоҳли ўқиш, матн бўйича саволларга жавоб бериш, матндаги маълумотларни ёзиб олиш, ёзувсиз харитага тушириладиган объектлар рўйхатини тузиш усуллари киритилади.

Иккинчи гуруҳга табиий географик матнни мантиқий таҳлил қилишга йўналтирилган матнларни саралаш, ундан асосий ғояни ажратиш ва режа тузиш усуллари киритилади.

Учинчи гуруҳга табиий географик матнларни изоҳлашга оид сабаб-оқибат боғланишларини ажратиш, таққослаш ва тушунчаларни аниқлаш усуллари киритилади.

Тўртинчи гуруҳга эса табиий географик матнлар билан ишлашда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришга йўналтирилган матнлар асосида чизмалар, расмлар, жадваллар тузиш, муайян ҳудудга тавсиф бериш, тезислар тузиш каби усуллар киритилади.

Шунингдек, табиий география дарсликлари ва бошқа таълим воситалари матнлари билан ишлаш жараёнида ўқувчилар жамоасини уюштириш ҳам мумкин. Зеро, ўқув жараёнида гуруҳларга бўлиниб ишлаш ўқув топшириқларини биргаликда режалаштириш, ўқув манбалари устида биргаликда фикр юритиш, уларни ҳамкорликда муҳокама қилиш имконияти яралади. Демак, табиий географик матнлар билан ишлаш ҳам фаолият, ҳам восита, ҳам метод, ҳам омил сифатида намоён бўлади.

ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ

Ҳ.Б.Никадамбаева
Ўзбекистон Миллий университети

Бугунги кунда глобал мулоқот макони инсон кундалик ҳаётининг зарур шартига айланмоқда. Зеро, дунё билан эркин мулоқотга киришмасдан жаҳон ҳамжамияти билан ҳамжиҳат тараққиётга эришиб бўлмайди. Глобал алоқада баркамол шахс асосий ўрин тутади. Бинобарин, интенсив мукаммал таълим жамият тараққиётини белгилайди. Бунга таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион педагогик технологияларни қўлланмасдан эришиб бўлмайди.

“Таълим тўғрисидаги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” таълимнинг янги илғор моделини ва жамиятда мустақил фикрловчи, эркин, комил шахснинг шаклланишини таъминловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. “Таълим тўғрисидаги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг туб моҳияти бозор рақобатларига бардош бера оладиган, илғор фан ютуқларини эгаллаган кадрларни тайёрлаш, таълим муассасаларининг моддий базасини кучайтириш, педагог ходимлар малакасини тубдан ошириш тизимини барпо этишга қаратилган.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион педагогик техналогияларни қўллашга бўлган қизиқиш кун сайин эътиборни ўзига қаратмоқда. Таълим жараёнида педагогик технология-лардан фойдаланиш ўқитувчидан таълимга ижодий ёндашувни, талабаларга инсонарварлик ва бағрикенглик руҳида қарашни талаб қилади, талабалардан эса ўз устида кўп ишлашни ва изланишни, қўшимча янги Адабиётлардан фойдаланишни, дарслик билан кўпроқ ишлашни, ҳар бир жараёнга ижодий ёндашишни талаб қилади.

Янги педагогик тизим тушунчаси таълим воситалари, усуллари ва жараёни мазмунига катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир педагогнинг ўз иш услуби ва маҳорати мавжуд. Шу билан бирга ўқитувчи фаолиятида, ижодиётида, янги-янги педагогик усуллар пайдо бўлаверади. Педагогик маҳорат ўсган сари таълимда ҳам оз, лекин сифатли меҳнат сарф қилиб, катта натижаларга эришиш мумкин бўлади. Қобилятли, истеъдодли, доимо изланишда бўлган инсонгина педагогик маҳоратга эга бўлади. Талабанинг дарсга қатнашиши, фаоллиги, ўзлаштиришнинг юқор бўлиши педагогик маҳоратга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шу ўринда инновация ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Инновация (ингилизча “Innovation”)- янгилик киритиш, янгилик деган маънони билдиради.

Олий мактаб ўқитувчисининг инновацион фаолияти олий таълим педагогикасининг бош муаммолардан бирига айланди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти унинг яратувчилик жараёни ва ижодий фаолияти натижаси сифатида қаралади. Бунда ўқитувчидан асосан тўрт нарса, хусусият талаб қилинади:

-гумнистик аксиология-инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қараш;

-акмеологик ёндашув. Бу ўқитувчининг касбий маҳорати чуқурлашишига эришувида унинг шахсий ривожланиш қонуниятларининг очиш имконини беради. Акмеологик-юнонча akme- олий, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши деган маъноларни билдиради;

-креативлик. Бу термин Англия-Америка психологиясидан ўтган асрнинг 60 йилларда пайдо бўлиб, у инсоннинг янги тушунча яратиш ва янги кўникмалр қобилиятидир;

-рефлекция (лотинча reflexid-ортга қайтиш). Субъектнинг психик туйғуси ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаши ва таҳлил қила олиши. Ўқитувчининг қайд этиб ўтилган инновацион фаолияти таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишда жуда зарур ҳисобланади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Инновацион технологиялар маркази” томонидан таълимнинг “Елпиғич”, “Кластер”, “Чархпалак”, “Бумеранг” технологиялари ишлаб чиқилган.

“Бумеранг” технологияси бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етишга, мавзуни мустақил ва эркин эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у турли мазмун ва харакерга эга мавзуларни ўрганишга қаратилгандир. “Бумеранг” технологияси талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли Адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални курсдошига етказиб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш орқали нутқ маданиятини ривожлантириш, бир дарс давомида кўпчилик талабаларни баҳолай олиш имконини беради.

“Елпиғич” технологияси мураккаб, кўп тармоқли, муаммоли мавзуларни ўрганишда қўлланилади. Бу техналогиянинг моҳияти шундаки, бунда мавзунинг турли қисмлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда мавзу қисмларини алоҳида-алоҳида ҳам, паралел ҳолатда ҳам муҳокама қилиш мумкин. Масалан, талабалар қўйилган масала ички вариантларининг ижобий ва салбий, афзаллик ва камчилик, фойда ва зарарли томонлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Бу технология танқидий, тахлилий, аниқ мантиқий фикрларни мувоффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этишга имкон яратади.

“Кластер” (фикрлар тармоқланиши) методининг асосий вазифаси талабалар фаолиятини ўрганилаётган объектни қисмларга ажратган ҳолда ўзлаштиришга йўналтириш, уларда кўп вариантлик асосида тушунча ва ҳодисаларнинг ўзаро ички ва ташқи боғланишларини аниқлаш, кўникмаларини шакиллантириш, мавзу бўйича фикр ва мулоҳазаларини эркинлаштиришдан иборат.

“Чархпалак” сўзининг маъноси “айланиб келиш” демакдир. Ўқитувчи томонидан талабага вазифа берилади, бажарилган вазифани гуруҳ аъзолари ўртасида алмаштирилади. Бу босқич аудиторияда қанча гуруҳ бўлишига қараб бир неча бор бажарилади, охири ўз эгасига қайтиб келади, талаба вазифани қай даражада бажарганлигига ўзи амин бўлади. “Чархпалак” технологияси ҳам талабанинг бирон бир мавзуни чуқур, яъни тўлиқ равишда эсида сақлаб қолишига ёрдам беради.

ДТМ ТОМОНИДАН ГЕОГРАФИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТЕСТ СИНОВИ САВОЛЛАРИ ҲАҚИДА

А.Жабборов
Қўқон Давлат Педагогика институти

Маълумки, ҳозирги кунда абитуриентларни талабаликка саралаб олишда тест синов усули энг одилона ва ишончли йўл ҳисобланади. Бу усул Ўзбекистон ёшларини илмга бўлган интилиши ва қизиқишининг бениҳоя ўсишига сабаб бўлди. Бироқ, тест вариантларидаги айрим хатоликлар ва илмийликка кам эътибор берилиб, юзаки тузилаётган тест саволлари ДТМнинг омма орасидаги обрўсига қисман бўлсада, салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мен география фани бўйича мутахассис сифатида 2005 йил 1 августда қўлланилган тест вариантлари бўйича фикр юритмоқчиман. 2005 йилги тест саволлари 60 вариантдан иборат бўлиб, уларда жами 2160 та савол бўлган. Мазкур саволларнинг 62 тасида (жами тест саволларини 2,8 %) илмий хатолик ва ноаниқликлар мавжуд. Қуйида уларнинг баъзиларини таҳлил қиламиз.

103-вариантнинг 4-саволи:

Яшил сув ўтлари тарқалган акваторияни белгиланг?

А) Қизил денгиз; В) Япон денгизи; С) Бенгал қўлтиғи;

Д) Форс қўлтиғи; Е) Арабистон денгизи.

Бизнинг фикримизча, мазкур саволга тўғри жавоб 2 та, яъни: Бенгал қўлтиғи ва Арабистон денгизи.

Асос: 6-синф Материклар ва океанлар табиий географияси атласининг 34-бети. Т., 2002.

103-вариантнинг 19-саволи:

Денгиз тошбақалари кўп учрайдиган оролларни белгиланг?

А) Маршалл; В) Самоа; С) Галаппагос;

Д) Фиджи; Е) Мариана.

Ушбу саволда ҳам тўғри жавоб 2 та, яъни:

Самоа ва Галапагос.

Асос: 5-синф. Табиий география бошланғич курси атласини 38-39-бетлари. Т., 2002.

106-вариантнинг 2-саволи:

Ҳинд океанига тегишли бўлган денгизни белгиланг?

А) Жанубий Хитой; В) Қизил; С) Филиппин;

Д) Арафур; Е) Тасман.

Бу саволда ҳам тўғри жавоб 2 та, яъни: Қизил ва Арафур

Асос: 6-синф. Материклар ва океанлар табиий географияси атласининг 34-бети. Т., 2002.

118-вариантнинг 26-саволи.

Ҳаёт даражаси ўртача бўлган давлатларни белгиланг?

А) Литва, Польша В) Испания, Литва С) Словакия, Эстония

Д) Хорватия, Албания Е) Португалия, Россия.

Мазкур вариантда А ва С жавоблар тўғри.

Асос: 9-синф. Дунёнинг иқтисодий ва ижтимоий географияси атласининг 17-бети. Т., 2004.

120-вариантнинг 7-саволи:

Катта Фарғона канали қайси йили ишга туширилган?

А) 1940; В) 1961; С) 1936; Д) 1956; Е) 1939.

Навбатдаги саволда ҳам тўғри жавоб 2 та.

Асос: 8-синф Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси атласи 2002 йил нашрининг 22-бети маълумоти бўйича «А» жавоб. 8-синф Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси атласи 2005 йил нашрининг 26-бети маълумоти бўйича эса «Е» жавоб.

127-вариантнинг 14-саволи:

Вилоят марказлари ичида аҳолиси энг кам бўлган шаҳарни топинг?

А) Хоразм; В) Бухоро; С) Термиз; Д) Андижон; Е) Жиззах

Мазкур саволда вилоятларининг марказ шаҳарлари берилган, лекин Хоразм шаҳари йўқ-ку! Наҳотки, бу оддий ҳақиқатни савол тузувчи юқори малакали географ-мутахассис билмаса?

128-вариантнинг 24-саволи:

Қуйидаги экинларнинг қайси бири мойли экинларга кирмайди?

А) кунгабоқар; В) соя; С) пахта; Д) арахис; Е) шакарқамиш.

Қўйилган саволда ҳам тўғри жавоб 2 та, яъни: пахта ва шакар қамиш. Бундан ташқари, арахис сўзи ўзбекчасига ерёнғоқ дейилади.

Шунингдек, тест саволлари ичида оддий, илмийликка кам эътибор берилган ва тасвирловчи характерга эга бўлган саволлар ҳам талайгина.

Масалан, биргина 109-вариантда қуйидаги саволлар мавжуд:

-тальк тоши мавжуд тоғни белгиланг?

-Оҳактош мавжуд тоғни белгиланг?

-Кариб қарағайи мавжуд ҳудудни белгиланг?

-Узунлиги 4444 км га тенг дарёни белгиланг?

-Тасман денгизи билан қўшни денгизни белгиланг?

-Пахта тозалаш саноати мавжуд шаҳарни белгиланг?

-Жанубий Мирзачўл канали қайси йили ишга туширилган?

-Либерия мамлакати пойтахтини белгиланг?

-Бужумбура қайси мамлакат пойтахти?

-Баланд тоғ ўтлоқ даштлари мавжуд ҳудудни белгиланг?

-Ҳиндустонлик тамиллар қайси тил оиласига киради?

-Киши бошига 1-10 кв метр газлама ишлаб чиқарувчи мамлакатларни белгиланг?

Мазкур саволлар 5-6-7-8-9-синф атласларининг шартли белгилари ва маълумотлари асосида тузилган. Шу ва шунга ўхшаш саволлар абитуриентларнинг ўрта мактаб дарсликларини мукамал ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади. Уларда зерикарли психологик ҳолатларни ва юзакичилик кайфиятини келтириб чиқаради. Чунки, бундай саволларнинг жавоблари китобларда йўқ.

Юқоридаги маълумотлар асосида мавзуга қуйидагича якун ясаш мумкин. ДТМ томонидан 2005 йил 1-августда ўтказилаётган тест синовлари давлат аҳамиятига молик сиёсий воқеадир. У қўшни ва жаҳон мамлакатлари мутахассислари, шунингдек, Ўзбекистон халқи нигоҳидадир. Давлат тест маркази томонидан тузилган саволлар шу соҳадаги Ўзбекистон олим ва тажрибали ўқитувчиларининг илмий кўзгусидир. Шунинг учун тест саволларини тузаётган мутахассисларимиз ўз ишларига лоқайдлик билан, панжа орасидан қарамасдан, ўта юқори масъулият, илмийлик, диққат ва эътибор билан ёндошишлари зарур ва шарт.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ХАРИТОГРАФИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н.Султанова
Тошкент Давлат Педагогика университети

Харита-география дарсларида билим олишнинг асосий манбаларидан бири.

Харита географияда ўрганиладиган барча предмет ва ҳодисалар ҳақида аниқ ва лўнда маълумот беради. Мактабда география ўрганилар экан, у билан бирга харита ҳам ўрганилади. Бунда география ўқтувчисининг асосий вазифаси ўқувчиларга харитадан фойдалана олишни, яъни, уни тушуниш ва ўқий олишни ўргатишдир. Харитани билишнинг маъноси шуки, ўқувчилар ундаги шартли белгиларга тушунишлари, шу шартли белгилар орқали кўрсатилган предмет ва ҳодисаларнинг тасвирларини кўз олдига келтира олишлари, харитага қараганларида улар онгида дарёлар, тоғ тизмалари ва музликларнинг манзаралари ҳосил бўлишидир.

Ўқувчи харитани билиши учун аввало жойни ореинтирлашни, уфқ томонлари йуналишларини қоғозда тасвирлаши, масштаб билан ишлашни, жой планини чизишни ва ўқишни билиши керак. Ўқувчилар харитани билсалар шартли белгилар, ёзувлар асосида ҳудудни тасвирлашга, харитада бевосита кўрсатилмаган нарсаларни ҳам айтиб бера олишга ўрганадилар.

Харита билан ишлаш методи география таълимида фойдаланиладиган барча методлар билан боғланган бўлиб, харитани

географик ўйинлар ёрдамида ўрганиш ҳам ижобий натижа беради. Чунки, ўйин ўқувчилар фаоллигини ошириш, фанга бўлган қизиқишини ўйғотиш ва мустақил фикр юритишнинг энг қулай усулидир. Географик ўйинлар мазмунига кўра: кроссворд, чайнворд, ребус, криптограмма, харитада саёҳат, лото, шарада ва бошқа кўплаб турларга бўлинади.

Ўйинлардан географияни ўқитишда фойдаланиш ғояси 60-йилларнинг бошларида Америка ва Англияда пайдо бўлган. География дарсларида ўйинлардан фойдаланиш борасида Л.М.Панчешникова, С.Н.Прослова, П.Мусаев, Р.Қурбонниёзов, В.В.Николина, Ў.Сафаровлар томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Улар географияга оид дидактик ўйинлар, қизиқарли машқ ва масалаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлашган.

Қуйида 6-синф «Материклар ва океанлар табиий географияси» ўқув фанидан «Евросиё» материги бўйича ташкил этилган хартографик ўйинлар ишланмасидан намуналар келтирганмиз.

Ўйин дарсининг мавзуси «Евросиёга саёҳат».

Ўйиннинг мақсади: Ўқувчиларнинг Евросиё материги бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш, харита билан ишлаш малакаларни ошириш.

Ўйин жиҳози: Евросиёнинг табиий, иқлимий, табиат зоналари ва комплекс хариталари, 6-синф атласи, ёзувсиз харита, Евросиё материгига доир расмлар.

Синф ўқувчилари 3 та гуруҳга ажратилади. Гуруҳлар ўзларига ном танлашади. Саёҳат учун қўйидаги 3та ҳудуд эълон қилинади:

1. Рейн дарёси оқими;
2. Ҳиндихитой ярим ороли;
3. Байкал кўли атрофи;

Ўқувчиларга роллар қуйидагича бўлиб берилади:

а) Экспедиция бошлиғи (1 ўқувчи);
б) Хариташунос (2 ўқувчи);
в) Геолог (2 ўқувчи);
г) Метеоролог (2 ўқувчи);
д) Биолог (2 ўқувчи);
е) Гидролог (2 ўқувчи);
ж) Социолог (2 ўқувчи);

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун топшириқ тузиб, топшириқларни конвертларга солиб ёпади ва уни экспедиция бошлиғига ўйин бошланишидан аввал ўқувчилар олдида топширади.

Ҳар бир мутахассис гуруҳ учун қўйидагича топшириқлар берилган:

Экспедиция бошлиғига топшириқ:

1. Конвертни олиб, ундаги топшириқларни мутахассисларга топшириш.
2. Мутахассисларни партага кетма-кет ўтиришини таъминлаш.

3. Топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Хариташуносларга топшириқ:

1.Берилган координаталар бўйича экспедиция ўзининг жойлашган ўрнини аниқлаш.

2.Ҳудуднинг шимолдан-жанубга,ғарбдан-шарққа қанча масофага чўзилганлигини аниқлаш.

3. Ҳудуд чегарасини аниқлаб, уни ёзувсиз харитада белгилаш.

Геологларга топшириқлар:

1.Харитадан туманингиз ер тузилиши ва релъефини аниқланг.

А) Денгиз сатҳидан баландлиги ва қиялигини;

Б) Рельеф турлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини;

В) Фойдали қазилмаларни.

2. Табиатда қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? (зилзила, вулқон отилиши, тоғ ҳосил бўлиши).

Метеорологларга топшириқлар:

1.Ҳудуд иқлимига қисқача таъриф беринг (атлас бўйича). Иқлим типларини аниқланг.

2.Иқлим ҳосил қилувчи омилларни аниқланг.

3.Ҳудудингизда рельеф ва ер усти тузилиши иқлимга қандай таъсир қилган?

Гидрологларга топшириқлар:

1.Дарёлар тизимига тавсиф беринг, ҳавзаларини аниқланг.(Агар дарё системаси бўлса, сабабини аниқланг, нима учун?).

а) дарё ёки кўл;

б) сув манбалари;

в) дарёлар режими;

Биологларга топшириқлар:

1. Сизнинг ҳудудингиз қайси табиат зонасида жойлашганлигини аниқланг.

2. Ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллигини аниқланг.

3. Ҳайвонот оламининг хилма-хиллигини аниқланг.

4.қандай турлар мавжуд?

Социологларга топшириқлар:

1. Сизнинг ҳудудингизда қайси ирқ вакиллари яшашини аниқланг;

2. Тил гуруҳлари;

3. Кишилар қандай меҳнат билан шуғулланади?

Берилган топшириқларга мутахассисларнинг таёргарлик кўриши учун маълум бир вақт ажратилади. Белгиланган вақтнинг тугаганлиги ўқитувчи томондан эълон қилинганидан сўнг экспедициянинг ҳар бир мутахассис гуруҳи ўзларига берилган топшириқлар бўйича хариталар, дарсликлардан тўпланган маълумотлар асосида синфда ахборот беради.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бир ҳаракати, ўйин жараёнида бажарган ишларини инобатга олиб боради, топшириқларнинг тўғри бажарилишини назорат қилиб, йўлланмалар бериб боради. Ечими қийин саволлар ўқитувчи раҳбарлигида синфда ҳал қилинади. Ўйинда қатнашган ўқувчилар баҳоланади, энг фаол қатнашган ўқувчилар эса тақдирланади.

2. «Евроосиёни ўраб турган океанлар ва уларнинг денгизлари» харитада «Ким тез топади» ўйини.

Ўйиннинг мақсади ўқувчиларнинг Евроосиё материги ички сувлари мввзусида эгаллаган билимларини мустахкамлаш, харитадан фойдаланиш малакасини ошириш.

Ўйин уй вазифасини сўраш учун ажратилган вақт (15-20 дақиқа) давомида Ўтказилади. Синф ўқувчилари 3 гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳ учун 10 тадан савол берилади. Тайёргарлик учун 5 дақиқа вақт ажратилади. Саволларга жавоб фақат харитадан кўрсатиш орқали берилади.

1. «Денгизчилар» гуруҳи: қуйидаги денгизлар қайси океанларга таркибида? 1. Кара денгизи, 2. Беринг денгизи, 3. Арабистон денгизи, 4. Лаптевлар денгизи, 5. Каспий денгиз, 6. Сариқ денгиз, 7. Оқ денгиз, 8. Шимолий денгиз, 9. Шарқий Хитой денгизи, 10. Азов денгизи.

2. «Океаншунослар» гуруҳига: қайси океан сувлари қуйидагиларни ўраб туради? 1. қрим ярим ороли, 2. Ҳиндистон ярим ороли, 3. Скандинавия ярим ороли, 4. Сахалин ороли, 5. Буюк Британия ороллари, 6. Филлипин ороллари, 7. Ирландия ороли, 8. Пириней ярим ороли, 9. Исландия ороли, 10. Арабистон ярим ороли.

3. «Географлар» гуруҳи: 1. қайси океан энг катта? 2. қайси океан Буюк Британия ва Ирландия қирғоқларини ювиб туради? 3. қайси океан Евроосиёнинг энг катта ярим ороли қирғоқларини ювиб туради? 4. қайси океан Америка, Европа, Африка, Антарктада қирғоқларини ювиб туради? 6. Куросио илиқ оқими қайси океанда? 7. Қайси океан сувлари Мадагаскар оролини ўраб туради? 8. Ер шарининг энг чуқур чўкмаси қайси океанда жойлашган? 9. қайси океан Евроосиё, Антарктида, Африка ва Австралия қирғоқларини ювиб туради? 10. Ер шаридаги Энг баланд сув ости тоғ тизмаси қайси океанда жойлашган.

Географик ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим даражасини кенгайтиради, ўқув материлларни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради, уларнинг фаоллиги ва ҳозир жавоблигини ошириб, зеҳнини ўткирлаштиради.

К ВОПРОСУ СИСТЕМАТИЗАЦИИ ДАННЫХ ОБ АНТРОПОГЕННОМ ВЛИЯНИИ НА ПРИРОДНЫЕ КОМПЛЕКСЫ НУРАТАУ

И.Т.Муминов
Национальный университет Узбекистана

На современном этапе хозяйственная деятельность человека стала играть существенную роль в развитии современных природных комплексов (ПК).

Примером территории где антропогенный фактор оказывал влияние на ПК как в древности, так и в последующем, вплоть до современности, является Нурата. На этой территории еще в палеолите люди добывали кремний, а в современности из-за появления Арнасайской системы озер, микроклимат изменяется на расстоянии десятков километров.

Изучаемая территория находится в центре Узбекистана, на пересечении нескольких вилоятов: Джизакской, Самаркандской, Навоийской и восточной части Бухарской.

Интерес к району не случайный, (2) эта территория является трансграничной зоной между кочевыми племенами и оседлыми. Район не является эталоном дикой природы, он был освоен еще в древности.

Особенность этого района не ускользнули от внимания ряда исследователей. Так, в работе (4) еще в 1937 году утверждается, что Канимех-Нуратинский узел- это один из самых интересных геохимических узлов Узбекистана, в котором, вероятно, будут открыты все химические элементы. В частности, золото здесь было известно давно. А в работе Гулямова Я.Г.(1) указывается, что « в далеком прошлом доступ в долину Зарафшан был возможен лишь через горное ущелье Илан-Отты у города Джизак и через Нур (Нурата). Поэтому Джизак и Нур были важнейшими торговыми и военно-стратегическими узлами. Именно по этой дороге прошла на Бухару армия Чингисхана, а в мирные времена ею пользовались торговые караваны, послы, путешественники».

В работе Камелина Р.В. (3) содержатся сведения свидетельствующие об уникальности района исследований. «Хребет Нуратау интенсивно использовался человеком. Почти все участки, где было возможно орошение, в течении многих веков осваивались переселенцами из Самаркандского оазиса и Хорезма под лесосады. Древние народы-земледельцы создали в долинах своеобразные и устойчивые антропогенные ландшафты, соседние племена скотоводов - кочевников осваивали богатые разнотравьем горные пастбища».

Таким образом, район является достаточно интересным полигоном для изучения последствий длительного человеческого влияния на ПК, выяснения трансформаций ландшафтов в прошлом и настоящем.

Тема человеческого влияния на ПК не нова, неоднократно обсуждалась в работах, посвященных истории, археологии, экологии и географии.

Задачей настоящей работы является попытка обобщить и систематизировать, разнотипные и разноформатные данные во временном промежутке с начала человеческого влияния (палеолит) и до XXI века.

Выбор нижней временной границы - палеолит, основан на том, что это время характеризуется началом человеческого влияния на ПК изучаемого района. Началом горного дела, разработки открытым способом кремния. Верхняя граница - современный период, когда технологические приемы и большой прирост населения стали более интенсивно воздействовать на изменение ПК.

Важным представляется разработка унифицированной системы накопления материалов и выбор критериев отбора информации для включения его в создаваемую базу. Для систематизации данных по антропогенному влиянию на ПК во временном промежутке нами использовались следующие критерии. Время когда происходило событие (влияние), район (местность) с указанием вида рельефа (долины, горы, пески и т.д.), тип землепользования, то есть, чем было занято население (охота, собирательство, горное дело, скотоводство, земледелие и т.д.), характеристика влияния человека на ПК (например добывал железо, имел соответственно плавильные мастерские), последствия (т.е. как эта деятельность воздействовал на ПК) и источник информации (археологические исследования и т.п., сведения, библиография, автор, название, год, издание, место).

Для более оперативной систематизации, редактирования, визуализации, обмена данными мы использовали программный продукт MS ACCESS. Частично эта работа по систематизации данных уже проведена.

Время	Районы	Тип землепольз-ования	Характеристика влияния	Последствия	Источники
Палеолит	Учтут (южные склоны Каратау)	Горное дело	Мастерские расположенные в месторождениях кремня и кремнистых пород	Локальное нарушение почвенного покрова	17, стр. 29

Ниже приводится фрагмент таблицы с систематизированными данными по изучаемому вопросу.

На настоящее время в таблице систематизированы данные[1] по:

- Палеолит ранний (Сельвунтур-1.5 млн. лет.)

[1] С использонанием методики академика У. Исламова

- Палеолит поздний -40-12 тыс. до н.э.
- Мезолит 10-7 тыс. до н.э.
- Неолит-Энеолит 6-3 тыс. до н.э.
- Бронзовый век - конец 3 начало 2 тыс. до н.э.
- Античность-с середины 1 - тыс. до н.э. до 5в н.э.
- Средневековье: раннее 6-9 вв. н.э.
- Позднее 10-15 вв. н.э.
- Среднеазиатские Ханства соответствуют 16 концу 19 вв.
- Современный период, т.е. XX век, условно разделили на новое время с 1900г. до 1950 г., а с него о до 1999 года пост новое время, а с 2000 года - современное.

Заметим, что систематизированные данные по истории человеческого влияния на ПК изучаемого района имеют обзорный характер, являются далеко неполными и нуждаются в своем дополнении и корректировке. На основе предварительного анализа систематизированных данных можно представить основные этапы антропогенного влияния на ПК района. В палеолите начинается добыча и обработка кремния открытым путем, мезолите – демографический взрыв в Кызылкумах, неолит-энеолит – добыча кремния шахтовым методом, развитие скотоводства, первые опыты по выращиванию полезных растений, появление земледелия, бронзовый век - переход к полукочевому образу жизни с преобладанием земледелия. В античный период расширяется искусственное орошение, высокого мастерства достигло скотоводство и виноградарство, широко велась добыча золота, железа, меди и бронзы. В позднем средневековье (XVII век) идет восстановление ирригационного земледелия. В период среднеазиатских ханств происходят большие оросительные работы, добыча кремния на хозяйственные нужды, лазурь, добыча мрамора.

Причем больше всего литературных данных приходится на палеолит, неолит-энеолит, бронзу, меньше на железный век, античность, средневековье и среднеазиатские ханства. Что касается освещения нового времени, то данные весьма скудны. А начиная с 1950-х по наши дни сведений достаточно много. Условно так называемые белые пятна в систематизации – это средневековье, среднеазиатские ханства и новое время. Начиная с пост - нового и современного периода к систематизации данных можно добавить и данные, полученные по космическим снимкам, а также различных карт природы.

Систематизация показала что, район осваивался длительное время человеком. За этот период времени (с середины палеолита до современности) почти все склоны гор остались обезлесенными, в долинах горных рек, где было возможно орошение, изменились и природные ландшафты. В некоторых районах до сих пор сохранились следы древнего

пребывания человека, это горные выработки кремния, мрамора, золота, а также целый ряд петроглифов, древних оборонительных пунктов и т.д.

Литература

1. Гулямов Я.Г- Нур Бухарский. С. 133//Этнография и археология Средней Азии. АН СССР. Институт Этнографии. Москва. Наука, 1979.

2. Закиров Ш.С., Мусаев Д.А., Каримов Т.К., Едигеев Т., Бенедикт Д., Муминов И.Т. К вопросу оценки антропогенного влияния на природную среду Нуратау и Фаришской степи//Вестник Ўзбекистон Миллий университети, 2004, №1, С. 20-25

3. Камелин Р.В., Коршунова Е.П. Нуратинский заповедник. //Заповедники Средней Азии и Казахстана.-М.: Мысль. 1990. с.233-244.

4. Минеральные ресурсы Узбекистана. Справочник. -Т.: 1937.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Р.Т.Тўлқинов

Тошкент Давлат Педагогика университети

Иқтисодий ва ижтимоий география таълимида ўқитишнинг фаол метод ва усуллари билан бир қаторда географик ўйин дарсларини кенг кўламда қўлланилиши кузатилмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитишда ўйин дарсларини ташкил этиш бир қатор вазифаларни бажаради:

1. Ўқувчининг ижодий фаолиятини шакллантиради.
2. Муаммоларни кўра билишга ўргатади.
3. Мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради.
4. Ўз-ўзини бошқариш ҳусусиятини ўргатади ва ҳоказо.

Умуман педагогика тарихида ҳозирги давр хорижий ва ҳамдўстлик давлатларида дидактик ўйинларнинг таълим бериш воситаси сифатида тан олган бир қатор атоқли педагоглар, ўйин таълимининг ўқувчи табиатига энг мос келадиган таълим воситаси сифатида таърифлайдилар. Бир қатор мамлакатларда география таълими жараёнида ўқитишнинг ўйин шакли ва усулларидан фойдаланиб келинади. И.Пестоллоций, К.Ушинский, М.Монтиссори, М.Давлетшин, Э.Ғозиев каби педагог ва психолог олимлар ўйин фаолияти назариясини ишлаб чиқиб, руҳий педагогик тадқиқотлар ўтказганлар. Бу тадқиқот натижалари ўқиш, меҳнат ва муаммоларнинг, ўқувчи шахсининг камол топишида изчиллик билан намоён бўлишини аниқлаб берди. Дарс жараёнида ўйин усулидан фойдаланиш ҳар доим ҳам бир хил натижа беравермайди ва дарс ўзининг жиддийлигини йўқотади деган фикр, ўйин дарсларининг мукаммал ишлаб чиқилган методикасининг йўқлиги, таълим жараёнида уларнинг тутган ўрни, иқтисодий ва ижтимоий география дарсларида фойдаланиш мумкин

бўлган ҳар ҳил ўйин тўпламларининг кам эканлигидан келиб чиқади. Бундай фикр талабгорлари яъни географик ўйиннинг бошқа воситалар сингари кўп қўллашга қарши бўлган педагоглар ёки ўқитувчи ўқувчининг мустақил ўрганиш ва фикрлаш қобилиятларини ўстириш имкониятини камайишига сабаб бўлади. Санк-Петербурглик тадқиқотчи О.О.Жебровская 1992-1995 ўқув йилларида ўтказган муаллифлик тадқиқотида география дарсларида географик ўйин усулининг ўрни ва аҳамиятини ўрганди. Бу тадқиқотда 125 ўқувчи иштирок этди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, географик ўйин ўқувчи билими сифатини оширади, фанга бўлган қизиқишни оширади ва янги «ўқувчи-ўқувчи», «ўқувчи-ўқитувчи» муносабатларини таркиб топтиради. Бундан ташқари, психологик жиҳатдан дарснинг енгил ва самарали олиб борилишига эришиш мумкинлигини аниқлади. Географик ўйин юзасидан сўровнома ўтказилган 121 ўқувчидан: 33 %и баҳоларни юқори кўтариш имконияти сифатида; 40 %и ўз-ўзини намоён қилиш имконияти сифатида; 15 %и мактаб дастури доирасидаги қизиқишларини қондириш йўли сифатида, 12 %и мустақил ҳаракатланиш имконияти сифатида таърифлаганлар. Бир қатор ўқувчи ва ўқитувчиларни дарснинг ноанъанавий усули, фан кабинетининг ноанъанавий жиҳозланиши ва қўшимча географик билимлар манбаи бўлган географик ўйинлар ўзига жалб қилади. Айниқса, ролли ўйинлар ўқувчининг ўқитувчи билан дарс ва дарсдан ташқари ҳам муаллифликда бўлиш имкониятини беради. Ушбу тажриба биргина дарс жараёнида қўлланган ўйин ёки унинг элементи ўқувчилар фаоллигини, уларнинг фикрлаш даражасини ошира олмаслигини ва албатта, бу усулларни мунтазам равишда турли мавзуларда қўллансагина самараси юзага чиқишини исботлайди.

Шундай қилиб, иқтисодий ва ижтимоий география дарсларида географик ўйин методикасини қўллаш ва таълим жараёнида географик ўйиннинг афзалликлари турли география курсларида турлича мураккабликларда ташкил қилиниши тадқиқот натижаларида аниқланди. Ўйин мажмуи бир жойда қотиб қолиши мумкин эмас. У доимо ҳаракатда бўлиши ва ўқитувчи фаолияти доирасида кенг истиқболларни очиб бериши мумкин. Ҳар бир география ўқитувчиси география курсларини қайси бўлимида ўйинлар тизимидан фойдаланишни ўзи ҳал қилиши лозим. Чунки, бундай фаолият ўқитувчи қабул қилган синфнинг таркиби ўқув дастури ва энг аввало ўқитувчи шахси, синф ўқувчиларининг ўзаро муносабатларининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатадики, ўйиннинг барча турларини қатъий режалаштириш қийин ва бунинг зарурати ҳам йўқ. Мусобақа, жой плани, ролли ўйинлар, катта тайёргарликни, уни олдиндан махсус режалаштиришни талаб этади. Тажриба давомида иқтисодий ва ижтимоий география курсларида фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор ўйин дарслари мажмуи вужудга

келди. Уларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: ролли ўйинлар, брейин-ринг «Нима, қаерда, қачон» ўйинлари, иқтисодий ва ижтимоий географияга «Дебат» бахсли (қораловчи ва оқловчи) ўйинлар, пресс-конференция – масалан: «Орол муаммоси» мавзусида, викториналар ва ҳакозолар.

Дидактик ўйинларда таълим ва тарбиявий имкониятлар яширинган. Дидатик ўйинларнинг таълим жараёнини ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан афзалликлари шундан иборатки, бу ўйинлар таълим сабабларини кучайтиради, мактаб ўқувчиларининг билимлар мажбурий минимумини фаоллик билан ўзлаштиришларини таъминлайди. Биз П.Мусаев, Р.Қурбонниёзов, Г.С.Кулинич, В.В.Николинанинг тадқиқотларида келтириб ўтилган дидактик ўйинларни тасниф этишга доир мавжуд ёндошувлардан фойдаланган ҳолда дидактик ўйинларни икки ҳил турга ажратамиз: дидактик ўйинлар (педагоглар томонидан маҳсус тарзда яратилган) ва эркин-ижодий ўйинлар (мустақил ўйин фаолияти жараёнида болалар томонидан яратилган ўйинлар).

Дидактик ўйинлар ўзининг асосий мазмунига кўра маънавий-аҳлоқий, ақлий-ривожлантирувчи ва билим жараёнига доир ўйинлар бўлиши мумкин. Бундай ўйинларнинг ўзига ҳос ҳусусияти гуруҳий жипслашиш, ижодий ҳамкорлик ва мусобақадир. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ва ҳориждаги методист-географлар узоқ вақтлардан бери ўйинлар назарияси билан қизиқиб келадилар. Улар бу назарияни географияни ўқитиш жараёнида тадбиқ этишга уриниб кўрганлар.

Ўйинларни географияни ўқитишга киритиш ғояси 60-йилларнинг бошларида Америка ва Англияда пайдо бўлган эди. Хозирги вақтда хорижлик ҳамкасабалар тажрибасида имтиацион ўйинларни, шу жумладан компьютер ўйинларини амалда барча синфларда кенг тадбиқ этиш майли аниқ кўзга ташланади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад фанга бўлган қизиқишни ошириш, ижодий тафаккурни ривожлантиришдан иборатдир. Кейинги йилларда география дарсларида дидактик ўйинларни тадбиқ этиш тўғрисида Л.М.Панчешникова, С.Н.Прослова, П.Мусаев, Р.Қурбонниёзов, В.В.Николина, Г.С.Кулинич, У.Сафаров ва бошқаларнинг тадқиқотлари пайдо бўлди. Бу тадқиқотларда ўйинларни тасниф қилиш, уларни дарсларда ва дарсдан ташқари вақтларда ташкил этиш ва ўтказиш методикаси масалалари қараб чиқилган, лекин тадқиқотлардан ҳеч ким география дарсларида ўйинларни тадбиқ этиш ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш муаммоларини маҳсус равишда ажратиб кўрсатмаган. Демак, дидактик ўйинларнинг турларига кўра мавзуларга ажратиш, уларни тузиш, қайсиларини маълум мавзуда қўллашни аниқлаш зарур. Маълум бўлишича, иқтисодий ва ижтимоий география дарсларида ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятларига мувофиқ дарс мавзулари, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг айрим бўлимлари мазмунига мослаб ҳамда

география таълими самарадорлигини оширишни мақсад қилиб, махсус илмий текшириш ишлари олиб борилмаган.

Дарсларда ўйинлардан фойдаланиш орқали инсоннинг табиат билан, уни ўраб турган муҳит билан алоқадорлигини ўқувчилар онгига етказиш асосий мақсадлардан бўлган. Масалан, «Шахтадан кўмир қазиб олиш» ўйинини ташкил этилса, синф ўқувчиларининг ҳаммаси иштирок этадилар. Улардан бири кўмир ҳавзасида туради, иккинчиси кўмирни юқорига узатади, учинчи ўқувчи кўтариш машинаси олдида навбатчилик қилади ва хоказо. Сўнг бир қатор муаммоли вазиятлар ҳал этилади: шахта портлагандан тортиб, портлаш сабабларини аниқлашгача бўлган вазиятлар билан бевосита танишиб чиқади. Бунда ўқувчилар тушунишида ва ишни бажаришида қийинчиликлар бўлса, ўқитувчи ёрдам беради. Юқори синф ўқувчилари билан кам ҳаракатли, зиддиятли, лекин мураккаброқ мазмунли ўйинлардан фойдаланилади. Масалан, маълум бир давлат билан бошқа бир давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларга бағишланган ўйинлар. Бу ўйинда ўқувчилар қуйидаги вазифаларни бажарадилар: бирон давлат вакили, фирма раҳбари, брокерлар, махсулот етказиб берувчилар, ҳаридорлар, бизнесменлар, инвесторлар, биржа вакиллари ва ҳокозолар.

Йиғилиш қатнашчилари, яъни маҳсус вазифага бириктирилмаган ўқувчилар келишмовчиликларни бартараф қилиш ҳар бир масъул ходимнинг фикрларини мулоҳаза қилиб, муросага келтириш учун ҳаракат қиладилар, бунинг учун ўқувчиларда шахар тарихига оид маълумотлар, харита бўлиши керак. Бундай ўйинлардаги вазият бажарувчиси аниқ бўлган ўйинлардан фарқ қилади: ўйинни қизиқарли ва қисман мураккаблаштирувчи айрим қўшимча шартлар киритилиши мумкин.

Ўқувчилар учун дарсларда ҳар ҳил ўйинлардан фойдаланиш қизиқарли бўлади. Шунинг учун дарсларнинг бирида ўйлаш-фикрлашга оид ўйин ташкил этилса, кейинги дарсда аниқ белгиланган топшириқларни бажаришга оид ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Айрим тадқиқотчилар (Касперсон) нинг фикрича, ўйиннинг аҳамиятини аниқлаш қийин: яъни қайси бир ўйин ўқувчиларга нимани ўргатишини олдиндан айтиб бўлмайди. Чунки ўйиннинг имкониятлари кенгдир. Бундай афзалликлар, таълим жараёнини бошқариш самарадорлигини ошириш, вақтни тежаш ва ўқувчилар диққатини марказлаштиришга ёрдам беради.

ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ

Х.Т.Турсунов
Ўзбекистон Миллий университети

Биосфера динамик мувозанат ҳолатини сақлаб қолиш инсониятнинг ҳаёт-мамоти масаласи ҳисобланади. XXI асрда инсониятнинг атроф-

муҳитга таъсири ўзининг юқори даражасига етди. Ҳар йили инсон эҳтиёжаларини қондириш учун Ер юзасида кўчириладиган моддалар массаси 4 триллион тоннадан ортди. Жаҳон иқтисодиёти томонидан йилига ишга солинадиган 120 миллиард тоннадан ортиқ қазилмалар ва биомассанинг фақатгина 7,5 % ишлаб чиқариш жараёнида моддий маҳсулотга ўтказилади. Ҳозирда Ер юзи аҳолисининг кундалик эҳтиёжлари учун 2 млн. тонна озиқ-овқат, 10 млн.м^3 ичимлик сув, нафас олиш учун 2 млрд. м^3 кислород сарфланади. Ер юзида аҳоли сони ўрта ҳисобда, кунига 220 минг киши ва йилига 80 млн. кишига ортмоқда ва ўсиш суръати юқорилигича қолмоқда.

Биосфера барқарорлигини сақлаб қолиш учун инсоният яқин келажакда мислсиз саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарур бўлади. Биринчи навбатда шу кунгача сақланиб қолган табиий ландашфтларни қатъий муҳофазага олиш ва ўзлаштиришга йўл қўймаслик лозимдир. Мавжуд экологик муаммоларни фақат технологик йўллар орқали ечишга уриниш кутилган натижани бермайди. Инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш, ўзига хос ахлоқий уйғонишни таъминлаш керак. Ҳозирги кунда мавжуд экологик инқироз вазиятидан чиқиш учун таълимни ривожлантириш талаб этилади. Кенг маънода таълим ўз ичига тарбияни ҳам олади.

Ривожлаган мамлакатларда таълимни, барча соҳаларни экология-лаштириш 1970-йиллардан бошланган. Бу мамлакатларда узлуксиз экологик таълим ҳаётга жорий қилинди ва XX аср охирига келиб барқарор ривожланиш учун таълимга(БРТ) ўта бошлади. БРТ амалга ошириш учун зарур ташкилий ва молиявий масалалар юқори даражада ҳал қилинмоқда. Бунинг натижаси сифатида айрим ҳудудларда экологик инқироз вазиятлари бартарф қилинди.

Марказий Осиё(МО) мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам Оролбўйи экологик халокат ҳудуди ва яна бошқа экологик инқироз кузатилаётган ҳудудлар мавжуддир. МО ва Ўзбекистондаги экологик таълим даражаси экологик вазиятнинг кескинлик даражасига мос келмайди. Ўзбекистонда экологик таълимни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар етарлича таъминланмади. Мавжуд базавий таълимни экологиялаштириш эътибордан четда қолиб кетди. Ҳозирда бошланғич экологик таълим амалда фақатгина олий ўқув юртларида жорий қилинган. Лекин ажратилган 20-30 соат давомида талабаларда экологик дунёқарашни шакллантириш ва зурур кўникмаларни сингдириш мумкин эмас. Бугунги талабалар эртага халқ хўжалиги, бошқарув органларида иш бошлайдилар ва қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайдилар.

Талабаларда экологик билимларни эгаллашга зарур асосни яратиш учун мактаб география курсларида экологик билимларни етарлича берилишини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Табиат ва жамият муносабатларининг салбий оқибатларини дастлаб географ олимлар ўрганганлари маълум. XIX асрда А.Гумбольдт, К.Риттер, Г.Марш, Э.Реклю ва бошқалар “Табиат ва жамият” коэволюцияси ҳақидаги билимларни ривожлантирганлар. Г.Марш “Инсон ва табиат” асарида(1864) антропоген таъсир ва унинг оқибатида вужудга келаётан экологик муаммоларни биринчи бор илмий асосда ёритиб берган. Г.Марш муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун “янги география” керак бўлади деб таъкидлаган ва геоэкологиянинг асосчиси ҳисобланади.

XX асрда географ –олимлар ҳам экологик муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишга катта ҳисса қўшдилар. Масалан, Россияда экологик таълимни ривожлантириш ва БРТ ташкил қилишда географларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Ўзбекистонда узлуксиз экологик таълимни амалга ошириш концепцияси шу вақтгача ишлаб чиқилиб, жорий этилмаган. Мактаб, коллеж ва лицейларда экологиядан мажбурий предмет киритилмаган. Бундай шароитларда география ўқув предметини экологиялаштириш зарурдир. Мавжуд ўқув китобларида мавзуларни экология билан боғлаш, алоҳида мавзулар киритиш лозимдир. Айнан география предмети доирасида экологик таълимни талаб даражасида берилишини ташкил қилиш кутилган натижаларниберишимумкин.

2005-2014 йиллар БМТ томонидан Барқарор ривожланиш таълимига ўтиш декадаси деб белгиланган. Декада давомида таълим соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда ҳам табиат, ҳам хўжалик, иқтисодиёт ва бошқа масалаларни қамраб оладиган география фани ўз вазифасини шараф билан бажармоғи лозимдир.

ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАДҚИҚИДА ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ УСУЛИ

Т.Эназаров
Ўзбекистон Миллий университети

Мазкур усулда топонимларнинг этимологик тадқиқи жараёнида ҳам лингвистик, ҳам географик маълумотлар биргаликда тадқиқ қилинади. Сабаби, топонимларга оид географик ва лингвистик маълумотлар мажмуи бу усулда маълум бир тамойил билан биргаликда жамлангани учун уни алоҳида бир усул сифатида қайд этилади. Шунинг учун ҳам бу усулни лингвистик усуллар гуруҳига киритиш ўринлилаётган масалага бир томонлама қараш бўлиб қоларди. Лингвистик география усули диалектология фанида шевага оид сўзларнинг тарқалиш ва мавжуд бўлиш чегарасини кўрсатиб берса, топоним-лар тадқиқида эса бу усул топоасос ҳамда топоформантлар ёки топоасос, топоформант ва индикаторлардан шаклланган топонимларнинг тарқалиш ҳудудларини белгилайди. Айни шу

усул билан маълум бир ҳудудга оид бўлган топонимик хариталар тузилади.

Г.П.Клепикова лингвистик география усулига оид далиллардан тарихий-этимо-логик тадқиқотларда фойдаланиш зарурлигини кўрсатган[1]. Ушбу усул воситасида турли тилларга оид топонимларни аниқлаш ва белгилаш осон бўлади. Бу усуллар топонимнинг харитадаги ва қўлланишдаги нуфузини кўрсатишга хизмат қилади. Тилшуносликнинг лингвистик география усулидаги изоморфема, изоглосса, изофонема каби терминларига қиёслаб, топонимикада ҳам изотопоним терминини қўллаш ўринли[2]. География ва лингвистик география усуллари билан топонимик хариталар тузиш мумкин. Бу усуллар-дан бири билан топонимик хариталар тузилганда тайёрланган хариталарнинг мукаммал-лик даражаси камаяди[3]. Мазкур усул билан тадқиқот олиб борилганда топонимларда изоглосса[4] шаклидаги изотопонимлар бўлиши мумкин бўлган қуйидаги терминлар бор: *топоасос, индикатор*. Тўпланган топонимик маълумотларга асосланиладиган бўлса, мамлакатимиз топонимлари тизимида *оқ, қора, қизил, ўрта, юқори* каби изоглоссалар кўп қўлланади.

Оқтепа тоғи топонимидаги *оқ* ва *тепа* апеллятивлари топоасос вазифасида келган. Ундаги *тоғ* сўзи индикатор саналади. Лингвистик география усулида шеваларга оид сўзлар ҳам эътиборда бўлади. Ю. В. Откупшиков шевага оид сўзларнинг қўлланиш имкониятлари ва уларнинг этимологик таҳлилидаги аҳамиятини қайд этган[5]. Аммо ҳамма топонимлар ҳам шевага оид бўлавермайди. Йиғилган топонимлар таҳлил қилин-ганда ўзбек тилига оид қорлуқ, ўғуз, қипчоқ лаҳжаларининг вакиллари яшаётган ҳудуд-лардаги объектларнинг номланишида ушбу лаҳжаларнинг таъсири фонетик жиҳатдан билиниб туради, яъни мамлакатимиз ҳудуди топонимларида тилимизга хос учта лаҳжа-нинг таъсири ўз ифодасини топган.

Бу ҳолни **Булунғур** (Сам. в. т.) топониминиг этимологик таҳлилида кўриш мумкин. Ушбу топоним ҳақида учта фараз бор:

1. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу топоним *койиш* ва *қарғаш* маъносидаги *бўлингур* сўзи асосида шаклланган: *бўлиниб кетгур* > *бўлинибкетгур* > *бўлингур* > *бўлинғур* > *булунғур* > **Булунғур**. Бу ҳолда ў > *у, и* > *у* шаклидаги фонетик ўзгаришлар рўй бериб, бирикманинг *–иб,*

[1] Клепикова Г. П. К проблеме использования данных лингвистической географии в историко-этимологических исследованиях // Международный симпозиум по проблемам этимологии, исторической лексикологии и лексикографии. Тезисы докладов. -М., Наука, 1984. –С. 15-16.

[2] Бу термин топонимларнинг маълум ҳудудда тарқалишини ифодалайди.

[3] Бизнингча, топонимик хариталарни географик ва лингвистик география усуллари билан тузиш мақсадга мувофиқ.

[4] Молчанова О. Т. Роль топонимических изоглосс в разграничении тюркских и монгольских исходных основ в географических именах Горного Алтая // Проблемы этимологии тюркских языков. -Алма-Ата, Гылым, 1990. –С. 348-354.

[5] Откупщиков Ю. В. Диалектный материал и этимологии // Международный симпозиум по проблемам этимологии исторической лексикологии и лексикографии. Тезисы докладов. -М., Наука, 1984. –С. 38-39.

кет кўринишидаги бўғинлари тушган.

2. *Булгурги* сўзи фонетик ўзгаришларга учраб, *олдинги ёхуд аввалги жой* маъносидаги мана шу топоним шаклланган: *булгурги > булунғур >* **Булунғур**. Бундай фонетик жараён бўлмайди. Бу фараз халқ этимологияси.

3. Топонимда иккита маъноли қисм бор: *бурун*[1]*, ғур (кир, хур, хир)*. Икки тополексема бирикканда, *р* ундоши *л* ундошига алмашган[2] (р > л) ва ясама сўз топонимга кўчган: *бурунғғур > бурунғур > булунғур >* **Булунғур**. Б. Ўринбоев бу топонимнинг маъносини *узунасига кетган ясси тоғнинг бурчаги* деб кўрсатади[3]. Ушбу фикрга қўшиламиз: *Булун (бурун, бурунг)* сўзи *«бурчак», «охир», «чегара»* маъноларини ифодаласа, *ғур (кир, хир, хур)* сўзи «*тоғ ён бағридаги тик сойлик», «тоғ этаги», «тоғ қирраси»*[4] деган маъноларни ифодалайди.

Топоним иккита тополексема асосида шаклланган қўшма сўз топонимик деривация жараёни туфайли жой номига айланган: *бурун + ғур > бурун ғур > бурунғур > булунғур >* **Булунғур**. Унинг этимони *булун (булунг)* ва *ғур* сўз шаклидир. Ургут шевасида *бурун – булун – булунг* кўринишдаги изолексемалар *бурчак* маъносини ифодалайди[5]. Ушбу изолексемалар бир марта қўлланган **Булунғур** топоними учун изотопоним саналади. Бу фикрни Жанубий Қирғизистон топонимиясида худди шу маънода қўлланувчи *булунг* тополексемаси тасдиқлайди[6]. Айни шу топоним тўпланган топонимик материаллар ичида бир марта учради. Шунинг учун бу топонимни лингвистик география усулида этимологик тадқиқ қилиш ўринли бўлиб, у бир объектли жой номларидан биридир.

Демак, лингвистик география усули - топонимларнинг этимологик тадқиқи жара-ёнида қўлланиши зарур бўлган усуллардан бири. Бу эса ушбу усулни топонимларнинг этимологик таҳлили ва тадқиқидаги аҳамиятини яна ҳам ойдинлаштиради. Бундай усулларга статистик, тарихий материалларни таҳлил қилиш, географик, лингвистик география усуллари киради. Ушбу усулларнинг мавжудлиги ҳамда илмий тадқиқотларда ишлатилиши амалга оширилаётган топонимлар этимологик таҳлилларининг ҳақиқатга яқинлигини асослаб беришга хизмат қилади. Сабаби, уларнинг тадқиқотларда қўллани-ши топонимларнинг этимологик таҳлилини субъективликдан ҳоли қилади.

Топонимларнинг этимологик тадқиқида бу усулнинг қўлланиши тилшунослик, география, тарих фанларига оид далиллар жой номларининг

---

[1] Дорошевский В. Диалектология и сравнительно-исторический метод языкознании // ВЯ. -М.,Наука, 1956. № 5. –С. 68-73.

[2] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. -Т., Университет, 2001.74-бет.

[3] Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. С., 1997.33-бет.

[4] Юқоридаги асарнинг 33-бети.

[5] Кўрсатилган асарнинг 33-бети.

[6] Конкобаев К. Топонимия Южной Киргизии. -Фрунзе, Илим, 1980. -С.52,142.

этимологик таҳлилида иш-латилиши ўринли эканлигини кўрсатади. Топонимларнинг этимологик тадқиқи жараёни-да лингвогеографик усулнинг ишлатилиши улар этимологик таҳлилининг аниқлиги ҳамда ишончлилигини оширувчи далиллар мажмуини ифодалайди.

Мазкур ҳол топонимлар луғавий асослари этимологик таҳлилининг мантиқий жиҳатдан ҳақиқатга яқинлигини далиллайди. Бошқа усуллар каби лингвогеографик ва тарихий материалларни таҳлил қилиш усуллари топонимлар этимологик тадқиқининг тилшунослик, шунингдек, номшуносликдаги илмий-назарий ва амалий қимматини кўр-сатишга хизмат қилади. Бу эса топонимларнинг этимологик таҳлилида юқорида ўрга-нилган ва амалда қўлланилган усулларсиз илмий тадқиқот ишларини қилиб бўлмас-лигини англатади.

УЗБЕКИСТАНУ НУЖЕН ЗАКОН О НАЗВАНИЯХ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ

А.Х.Арифбаев, С.К.Караев, А.А.Самборский
Национальный центр геодезии и картографии

Географические наименования – топонимы каждого народа формируются в течение веков и неразрывно связаны с его историей и культурой, создаваемые в разные эпохи, как культурно – исторические свидетельства, они являются памятниками своего времени, также как произведения великих мастеров и безымянные образцы народного творчества. Исторические географические названия нуждаются в изучении, каталогизации и охране.

Географические названия – имена наших городов и кишлаков, махалля, улиц и площадей, каналов, рек и других объектов представляют собой коллективное произведение народного гения. Они служат ориентирами во времени и пространстве, создавая историко–культурный облик страны.

Каждое суверенное государство стремится к сохранению и дальнейшему развитию своего материального и духовного богатства, в том числе и национальной топонимической системы как средства формирования национального самосознания, наглядного отражения происходящих в обществе событий. Географические названия административно-территориальных единиц, населенных пунктов, предприятий, учреждений, организаций, многочисленных географических и геологических объектов невозможно представить вне интересов общества, которое ими пользуется. Нужно не только осознать это, но и законодательно закрепить положение о том, что географические названия являются достоянием общества и как другие памятники истории и

культуры должны находиться под правовой защитой и охраной государства.

Ценные в историческом и культурном отношении географические названия до сих пор не имеют статуса памятников, не охраняются государством, не создана до сих пор "Красная книга" особо ценных топонимов.

Исторические названия за время своего существования накапливают в себе уникальные сведения об истории, культуре, языке людей, живущих в местах, обозначенных этими именами.

Утрата исторических названий ведет к деградации народной культурной традиции, к обеднению исторического, культурного сознания, к потере национальной закономерности номинации географических объектов.

Прошедшие десятилетия принесли топонимическую катастрофу, в результате которой исчезли с карты республики многие истинно народные географические названия. Репертуар названий, сформировавшихся в советские годы, вступил в противоречие с действительностью, ибо карта страны была насыщена именами – анахронизмами, отражающими атрибутику времен господства коммунистического режима. Ситуация в этой сфере представляла собой безрадостную однообразную картину. Замена исторических географических названий именами – лозунгами привела к изъятию из обращения и той комплексной культурно – исторической информации, которую несет в себе имя.

За годы независимости возвращены многие исторические имена, упразднены названия - фантомы, нареченные именами деятелей коммунистической эпохи. Много сделано по обновлению карты республики, возрождены прежние названия населенных пунктов, улиц и площадей, появилось большое количество новых географических имен. Таким образом, карта Отечества очищена от идеологизированного топонимического "творения", возрождены к жизни первоимена нашей среды обитания и восстановлены разорванные нити, идущие к нам из прошлого, положен конец посягательству сил, отказавшихся наследовать культурное достояние наших предшественников.

Теперь бразды правления топонимическим хозяйством находятся в наших руках, руках узбекского народа.

В Республике Узбекистан этой проблеме уделялось внимание при рассмотрении, например, языковой политики или принципов административно-территориального устройства республики. Так, например, статья 22 Закона Республики Узбекистан «О государственном языке» говорит, что «Наименования административно-территориальных единиц, площадей, улиц и географических объектов республики воспроизводятся на государственном языке».

Закон Республики Узбекистан «О порядке решения вопросов административно-территориального устройства, наименования и переименования топонимических объектов в Республике Узбекистан» определяет только порядок наименования и переименования административно-территориальных единиц, населенных пунктов и их составных частей, а также предприятий, учреждений, организаций, физико-географических, геологических, природоохранных и других объектов. При этом за рамками законодательства остаются многие другие вопросы, связанные с географическими названиями, требующие соответствующей правовой базы. К сожалению, приходится также констатировать, что претворение в жизнь этих требований часто осуществляется стихийно, под влиянием субъективного подхода привлекаемых для этого лиц.

Актуальность данной проблемы возрастает в наше время и в связи с реализацией Закона Республики Узбекистан «О введении узбекского алфавита, основанного на латинской графике», непосредственно затрагивающего вопросы правописания географических названий не только Узбекистана, но и всех зарубежных стран при издании различного рода карт, других материалов и документов. Отсутствие в данном вопросе научной аргументации может привести к значительным искажениям, что снизит практическую и теоретическую ценность подобной продукции.

Однако, из-за незнания топонимической закономерности, отсутствия официального топонимического центра, на местах практически не применяется научный подход к номинации географических объектов, одни и те же названия на карте республики повторяются не раз; по инерции на обыкновенные нарицательные имена, как «бирлик», «мехнат», «навруз» налагают функции собственных имен, которые не являются топонимами. Среди названий внутри городских объектов по-прежнему превалируют антропонимы – фамилии людей. В вопросах правописания и транскрипции на узбекский язык географических названий мира и республики царят произвол и неразбериха.

Законодательством определены органы, которые наделены функциями наименований и переименований географических объектов. Наименования и переименования названий областей (вилоят), районов (туман), а также их центров, городов (по представлению областей) осуществляются Олий Мажлисом, а названий поселков, кишлаков (кишлачных кенгашей) и сельских населенных пунктов (по представлению районов) хокимами областей. Из-за отсутствия координирующего органа в последние годы в республике увеличилось число повторяющихся названий: Гулистон, Дустлик, Дехконобод, Навбахор, Пахтакор, Янгийул, Янгиобод, Янгитурмуш, Янгихаёт и т.д.

Нет единства написания географических названий, например: Санзар - Сангзор, Равот – Работ – Рабод, Сиргали - Сиргели, Шохрухия – Шахрухия - Шаркия и т.д. Перечни наименований городов, поселков и кишлаков, которые направляются в Госкомземгеодезкадастр из областей и районов, пестрят ошибками, что значительно осложняет составление и издание карт. Нет унификации в написании и произношении географических названий зарубежных стран: Беларусь - Белоруссия, Молдова - Молдавия, Кобул - Кобил, Германия - Олмония, Кувейт - Кувайт и т.д. Все это происходит из-за отсутствия справочной литературы, утвердившихся стандартизированных, общепринятых, нормализованных географических названий. Достаточно сказать, что в Узбекистане до сих пор не издан официальный полный список населенных пунктов республики на узбекском языке. Составление и издание всякого рода справочной литературы - справочников, словарей географических названий Узбекистана и зарубежных стран, топонимических словарей, инструкций по передаче географических имен - все это должно быть сосредоточено в едином центре или хотя бы им координироваться.

Анализ современного состояния законодательной базы геодезической и картографической деятельности показывает, что она требует дальнейшего совершенствования в связи с изменениями в законодательстве, переходом на новейшие цифровые технологии, а также реорганизацией отрасли.

Для установления правовых основ деятельности в области присвоения названий и переименования географических объектов, а также нормализации, установления, регистрации, учета и сохранения названий географических объектов, как составной части исторического и культурного наследия народов нашей страны, нужен Закон о названиях географических объектов.

В Законе должны быть определены основные понятия названий географических объектов, указана сфера его действия, определена государственная политика в данной области. Следует законодательно закрепить, что существующие географические названия охраняются законом, уточнить, кому и как определять порядок установления официального написания географических названий. В поле зрения Закона должны быть вопросы, связанные с созданием государственного каталога географических наименований, «красных книг» исторических географических названий, международное сотрудничество в данной сфере.

С принятием Закона будет положен конец разнобою во всех сферах применения географических названий, наименования и переименования географических объектов, будет обеспечена нормализация, правильное употребление, регистрация, учет и сохранение наименований географических объектов, будет открыт путь к серьезному отношению и

государственной охране географических названий, как составной части исторического и культурного наследия народов страны.

Однако только принятие Закона не решит одномоментно все накопившиеся в данной области проблемы. Нужен четкий и прозрачный механизм его реализации. И здесь все будет зависеть от уполномоченного государственного органа, на который будут возложены координирующие и исполнительные функции.

Статьей 6 Закона Республики Узбекистан «О геодезии и картографии» стандартизация, учет и упорядочение применения географических названий отнесены к картографическим работам государственного назначения.

Специально уполномоченным государственным органом в области управления геодезической и картографической деятельностью является Госкомгеодезкадастр, на который в числе прочих возложена функция обеспечения стандартизации, учета и упорядочения применения географических названий.

Поэтому в составе Национального центра геодезии и картографии, входящем в систему Госкомгеодезкадастра, в свое время была создана топонимическая служба, объединяющая все виды работ по научно-прикладному изучению географических названий. В ее задачи входит своевременная "инвентаризация" всего топонимического "хозяйства" страны, сбор материалов для установления единого стандартизированного варианта каждого названия (обязательного для всеобщего употребления внутри страны и который должен служить основой для международного использования), а также научно обоснованная передача на узбекский язык названий географических объектов всего мира. Службой накоплен опыт по созданию инструкций по транскрипции на узбекский язык географических названий стран ближнего зарубежья, по созданию каталога географических названий Республики Узбекистан. Начаты работы по созданию автоматизированного каталога географических названий Республики Узбекистан.

Сотрудники Национального центра геодезии и картографии регулярно участвуют в работе совещаний и конференций Группы экспертов ООН по географическим названиям, где имели возможность обменяться опытом с коллегами из многих стран мира.

Все это указывает, что в Республике Узбекистан есть организация, имеющая достаточный опыт для реализации Закона о географических названиях.

Однако данная сфера деятельности не охватывается только Госкомгеодезкадастром, в нее должны быть более активно вовлечены многие министерства и ведомства, органы государственной власти на местах, научно-исследовательские, учебные и производственные

учреждения и организации. Поэтому в целях создания механизма реализации закона было бы целесообразно, по примеру многих стран, создать при Госкомгеодезкадастре Межведомственный Совет по географическим названиям.

Межведомственный Совет по географическим названиям будет координировать деятельность по номинации географических объектов, по установлению и подготовке к утверждению единственно правильного варианта написания и транскрипции географических названий Узбекистана и других стран.

Создание Межведомственного Совета позволит также привлечь к решению данной проблемы лучших, высококвалифицированных ученых и специалистов, работающих в различных отраслях науки и производства республики.

ОНИМЛАРНИНГ ЖУМБОҚЛАРИ

С.Қораев
Геодезия ва картография миллий маркази

Бирон нарсани,предметни,шахсни билдирадиган ном *атоқли от* дейилади, атоқли отларни ўрганадиган ономастика фани тилида эса атоқли отни *оним* дейишади.

Атоқли отлар бир неча турга бўлинади; т о п о н и м л а р-географик номлар ёки жой номлари; э т н о н и м л а р –қабила,уруғ,халқ номлари; а н т р о п о н и м л а р-кишиларнинг исм –фамилиялари,лақаблари ва б.

Онимларнинг,яъни атоқли отларнинг энг кўп сонлиси топонимлардир.Топонимлар, ўз навбатида, яна бир қанча турларга бўлинади; г и д р о н и м л а р,яъни сув объектлари номлари; о р о н и м л а р-тоғлар ва рельефнинг бошқа шакллари номлари; о й к о н и м л а р-шаҳар-қишлоқ номлари ва ҳ.

Атоқли отларнинг ўзига хос “ўйини”бор-бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туради ва “кўчиб” ҳам юради;кишиларнинг исм –фамилиялари жой номларига айланади,баъзан топонимлар киши исмлари шаклини олади; **Бухорбой, Тошкенбой**.Шаҳар-қишлоқлар сув ва бошқа табиий географик объектларнинг номлари билан аталади (**Сирдарё, Зарафшон** шаҳарлари) ёки шаҳарларнинг номлари дарё – сойларнинг номларига айланган (масалан,Сирдарё **Хўжанд суви**,**Шош дарёси** деб аталган).

Топонимлар жуда қадимий сўзлар бўлганидан уларнинг келиб чиқишини аниқ айтиб бериш осон эмас. География номларнинг ёзилишида ҳам қанча-қанча чалкашликлар бор.

Биз қуйида географик номларнинг жумбоқларидан мисоллар келтирамиз

Шавкат- антропоним ва топоним .

Ўрта асрларда Уструшона тарихий вилоятида, Самарқанддан Хўжандга борадиган йўл устида жойлашган **Шавкат** шаҳри номини 2005 йилда”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нашриётида чоп этилган “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” номли китобимизда суғдча "Қора шаҳар" демакдир, деб изоҳлаганмиз (77-бет). Чиндан ҳам бундай изоҳ ҳозирги тилимиз нуқтаи назаридан тўғри эмас. *Шон, шараф, шуҳрат, шавкат* каби асли арабча бўлса ҳам асрлар оша ўзбеклашиб кетган бу сўзлар "ҳурмат, обрў, донг " каби ижобий маъноларни билдиради. Масалан, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати " да *шавкат* сўзининг "катта ҳурмат, обрў, салобат, виқор, савлат, дабдаба, ҳашамат" каби маънолари келтирилган.

Шавкат деган исм бу сўзнинг халқимиз орасида кенг тарқалганини билдиради. Ўзбек исмлари бўйича таниқли мутахассис филология фанлари доктори Э.Бегматов ўзининг "14600 ўзбек исмлари маъноси" деган китобида (1988) бу исм ҳақида бундай деб ёзади: "Шавкат (арабча) шон-шараф, шуҳрат; кучли ва қудратли" (486-бет).

Бироқ **Шавкат** (Шовкат) топониминиng бу сўзга умуман алоқаси йўқ. Гап, шундаки, географик номлар-топонимлар кўпгина ҳолларда жуда қадимий бўлади.

Шавкат шаҳри аллақачон йўқ бўлиб кетган. Номи тарихий манбалардагина сақланиб қолган. Унинг қаерда бўлганини ҳам ҳеч ким айтиб бера олмайди. IX-XI асрларда ижод қилган араб географларининг асарларида Шавкат (русча манбаларда Шавкет) шаҳри Собот (Совот) қишлоғидан (хозирги Ховос тумани) бир кунлик йўл деб ёзилган. Илоқ вилоятида (Оҳангарон водийсида) ҳам **Шавкат** (Шавкет) деган қишлоқ тилга олинган.

Бу номнинг ёзилиш шакли ва фонетикаси аниқ маълум эмас. Гап шундаки, араб ёзувида, шунингдек, суғд ёзувида ҳам қисқа унлилар ўз аксини топмаган; мисол учун, "уй", "қишлоқ-шаҳар" маъносидаги суғдча *кат (кад, кас)* сўзи арабчада ҳам, суғдчада ҳам *кт (кд, кс)* шаклида ёзилган.

Шаҳар номининг биринчи қисми- *шоу, шав, шов* суғдшунос олимлардан А.А.Фрейман, В.А.Лившиц, А.Л. Хромовларнинг фикрларига қараганда "*Қора*" маъносини англатади ва Ўрта Осиёда бир қанча топонимлар таркибида учрайди. Жумладан Жиззах вилояти Бахмал туманидаги **Шовқор** (Шавқар) тоғи номи ҳам аслида ўша *шов* "қора" унсуридан, *қор-қар* қўшимчаси эса суғдча *ғар-қар* "тоғ" сўзидан келиб чиққан.

Хозирги Қозоғистон ҳудудида ўрта асрларда **Шовғар** (Шавқар) номли шаҳар бўлган. Академик В.В.Бартольд Шовғар ҳозирги Туркистон шаҳри ўрнида бўлган бўлса керак дейди. Туркистон шаҳри яқинида

Қоратов деган тоғ бор. Бу ном эса ўша Шовғар топониминиг "таржимаси". Бир-бирига яқин бир неча объект бир ном билан аталиши мумкин (Сирдарё дарёси, Сирдарё шаҳри, Сирдарё вилояти).

Ҳозирги Қирғизистоннинг Талас водийсида ҳам **Шовғар** деган шаҳар ва тоғ (тош кони) ҳам бўлган, бу ҳам "Қора тоғ" дегани.

Самарқанд яқинидаги бир туман ва тоғ **Шовдор** деб аталган. Филология фанлари доктори А.Л.Хромов фикрича, Шовдор "қора сланец" (қатлама тош) деган маьнони билдиради.

Ўрта Осиёда , жумладан Ўзбекистонда *шов* унсуридан ташкил топган географик номларни яна келтириш мумкин.

Лекин *қора, оқ* каби рангни билдирадиган сўзларнинг маьно қамрови барча тилларда ҳам узил-кесил аниқланган эмас. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да *қора* сўзининг 17 маьноси келтирилган. Буларга яна "шимол", "катта" (қорамол), "савлатли" (Қора Ботир) кабиларни қўшса бўлади.

Чиғатойми - Чағатой

Чиғатой (туғилган йили номаълум-1242 йилда вафот этган)-Чингизхоннинг иккинчи ўғли.Чингизхон забт қилган ерларни ўзи ҳаётлигидаёқ ўғилларига мулк қилиб бўлиб берган. Мовароуннаҳр, Еттисув,Қашқар-Шарқий Туркистондаги Ғулжа шаҳридан Амударёгача бўлган ерлар иккинчи ўғлига теккан ва **Чиғатой улуси** деб,аҳолиси эса чиғатойлар деб аталган. Академик В.В.Бартольд Мовароуннаҳрнинг кўчманчи аҳолиси ва кўчманчилик анъаналарини сақлаб қолган аҳолиси Чиғатой авлодларидан чиққан хонлар ҳукмронлиги тугагандан кейин ҳам бир неча аср давомида чиғатойлар деб юритаверганлар дейди (энг сўнгги Чингизий хон –Туғлуқ Темур 1359-1370 йилларда ҳукмронлик қилган экан).

Чиғатой номини Ғарб ва Ўрта Осиёдаги ҳалқлар **Чағатай** (**Жағатай**)шаклида талаффуз қилган ҳолда ўзбекчада **Чиғатой** тарзида ёзиб келинади. Академик В.В.Бартольд асарларини нашрга тайёрлаган тарихчилар **Чағатай** деб ёзиш бу сўзнинг талаффуз шаклига мосдир дейдилар.Бу сўзнинг исботи шуки, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубидаги бир катта қавм –ўзбеклар ва тожиклар ўзларини *чағатайлармиз* дейишади. 1924 йилдаги Ўрта Осиёни районлаштириш комиссиясининг экспедицияси иштирокчилари турк(ўзбек) тилли чағатойлар билан тожик тилли чағатойлар аслида бир қавм эканлигини қайд қилганлар.

Умумтуркий **Чаадай** исми ўша *чағатай* сўзидан,бу исм русларга ҳам ўтган (**Чаадаев** фамилиясини эсланг). Қирғизларда **Чағатай** деган исм ҳозир ҳам бор.

Ўзбек этнографияси бўйича мутахассис москвалик тарихчи Б.Х.Кармишева Адабиётларда сартлар деб аталиб келган гуруҳ, мен

ўрганган ҳудудларда тожиклар ёки чағатайлар дейилади, деб ёзилган.*Чағатай* уруғи туркманларнинг сақар қабиласи таркибида, ўзбекларнинг қатағон ва кенагас қабилалари таркибида ҳам қайд қилинган. Б.Х.Кармишевга чағатай этноними Қирғизистонда ва Ўзбекистоннинг баъзи жойларида (Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида) қайд қилинган чағат"кунгай","офтобрўй" сўзидан келиб чиққан бўлиши эҳтимол дейди. Бордию бу сўз Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатой (Чағатой) номидан келиб чиққан бўлса, Зомин туманида чақатай сўзининг "урушқоқ","жангари" маъноси борлигини айтиб қўймоқчимиз (Мусурмонқул чақатай деган жанжалкаш киши ўтган экан).

Олима бошқа бир ўринда "ўтроқ ўзбеклар ўзларини "бизлар чағатайлармиз" деб аташади" дейди (Б.Х.Кармишева.Очерки этнической истории Узбекистана",М.,1976,67 б).

Республикамизнинг жанубида Чағатай деган бир неча қишлоқ бор. Уларни Чиғатой деб ўзгартириш тўғримикан?

Бу сўзни асли чағатай шаклида эканлигини исботлайдиган яна бир мисол келтирамиз.

Таниқли тожик адиби Муҳсин Умаров форсча луғатларда *чағатайи* деган пойафзал тилга олинади дейди.Русларнинг лаптисига ўхшаб кетадиган ибтидоий мўкки(чориқ) ўша мўғуллар давридан қолган бўлса ажаб эмас.

Немис тилшуноси М.Фасмер ўзининг "Рус тилининг этимологик луғати"да Чағатай сўзи ўрта юнон тилидан келиб чиққан ва русча **Чаадаев, Чегодаев** фамилиялари шундан олинган дейди.

РАСПРОСТРОНЕНИЕ ДИКОРАСТУЩИХ БОБВЫХ РАСТЕНИЙ ПО ВЫСОТНО-ПОЯЕНЫМ ЗОНАМ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА

М.Мустафаева
Каршинский Государственный университет

Анализируя поясное распределение видов, относящихся к различным жизненным формам, следует отметить, что многолетние растения изучаемого нами семейства обладают сравнительно узким экологическим диапазоном, чаще они встречаются в 1-2 поясах и очень редко – в третьем поясе. Наоборот, однолетние виды, являясь ингредиентами растительного покрова, нередко рудеральны, более лабильны в экологическим отношении и встречаются, как правило, в нескольких поясах, а некоторые из них – от среднегорий до равнинных пространств (в яйлау однолетники отсутствуют). В таблице 1 приведены спектры жизненных форм бобовых Южного Узбекистана в целом по семейству и для наиболее представительного рода Astragalus. Ее анализ, как и показанный ранее характер эндемизма, свидетельствуют в пользу принятой нами концепции

об автохтонном становлении среднеазиатской флоры с центрами развития этого процесса в горных системах. В таблице виден сдвиг спектра жизненных форм верхних поясов в сторону более примитивных биоморф-фанерофитов и хаметофитов; наиболее распространены во всех поясах продвинутые и пластичные биоморфы многолетних трав-гемикриптофиты и геофиты.

Таблица I

Распределение жизненных форм растений Южного Узбекистана по высотным поясам (числитель - число видов, знаменатель - % видов по поясам)

Жизненные Формы	В целом по Семейству Fabaceae				По роду Astragalus			
	Чуль	Адыр	Тау	Яйлау	Чуль	Адыр	Тау	Яйлау
Кустарники	2 / 3,8	6 / 4,3	14 / 7,1	-	-	4 / 5,3	10 / 9,3	-
Полукустарники	3 / 5,6	66 / 4,3	2 / 1,0	-	3 / 12,0	6 / 7,9	2 / 1,8	-
Кустарнички	1 / 1,9	-	3 / 1,5	4 / 8,0	-	-	3 / 2,8	4 / 16,0
Полукустарнички	-	2 / 1,4	5 / 2,5	2 / 4,0	-	2 / 2,6	4 / 3,7	2 / 8,0
Всего фанерофитов и хаметофитов	6 / 11,3	14 / 10,0	24 / 12,1	6 / 12,0	3 / 12,0	12 / 15,8	19 / 11,6	6 / 24,0
Многолетние Травы	23 / 43,4	75 / 54,0	136 / 69,1	44 / 88,0	7 / 28,0	45 / 59,2	78 / 79,2	19 / 76,0
Однолетние Травы	24 / 45,3	50 / 36,0	37 / 18,8	-	15 / 60,0	19 / 25,0	11 / 10,2	-
Всего травянистых	47 / 88,7	125 / 90,0	173 / 87,9	44 / 88,0	22 / 88,0	64 / 84,2	89 / 89,4	19 / 76,0
Всего	53 / 100	139 / 100	197 / 100	50 / 100	25 / 100	76 / 100	108 / 100	25 / 100

В заключение подчеркнем некоторые общие закономерности высотно- поясной приуроченности видов. Лишь незначительная часть бобовых Южного Узбекистана (19 видов, около 7,5%) распространена от низовьев до высот 2500-2700 м над. ур. м. Число видов, общих для адыра, тау и яйлау, составляет не более 10; для адыра и тау – 105; для тау и яйлау – 42. Для остальной части видов характерна заметная дифференциация по высотным поясам. Так, в равнинных пространствах – чуле – распространено 53 вида (20,5%) общей флоры бобовых. К поясу

предгорий – адыру – приурочено 135 видов (около 53,7%); в горах – тау – зарегистрировано 197 видов (более 76,1%); еще выше – высокогорьях (яйлау) встречаются 50 видов (19,3%).

Из сказанного следует, что флора бобовых в данном районе в основном горная, и комплексы видов в горных фритоценозах отличаются большим разнообразием. Но богатство видового состава резко снижается с возрастанием абсолютной высоты; в высокогорьях (за пределами 2700-3000 м над ур. м.) встречается лишь небольшое число видов.

Еще раз подчеркнем, что данные проведенного нами эколого-географического анализа (наложение признаков на высотнопоясную схему) свидетельствуют об автохтонности (Закиров, Грантов, Мустафаев) и самобытности флоры бобовых как Южного Узбекистана, как и Средней Азии, (Камелин) как части Средиземья в целом. Это положение, выдвинутое М.Г.Поповым (1927) и поддержанное многочисленными авторами, на наш взгляд, не противоречит известному тезису о роли миграции растений и растительности аридных гор Средней Азии. Нельзя сомневаться в том, что становление флоры чуля (Туран) хотя и шло своим путем, но находилось под влиянием флорогенеза горных территорий. Автохтонность же рассматривается в рамках крупных территориальных комплексов, в данном случае Средиземья в целом. Мы целиком согласны с положением Р.В.Камелина (1975,): Флорогенез всегда протекал автохтонно, независимо от автохтонности или аллохтонности слагающих флору элементов, он свойствен определенному пространству, хотя элементы флоры географически и генетически разнородны.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

М.Ж.Матчанов
Ўзбекистон Миллий университети

Цивилизациянинг инсон ва табиат ўзаро алоқалари натижасида юзага келаётган дунёвий муаммоларини бартараф этиш ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган асосий масаладир. Чунки, содир бўлаётган экологик муаммолар жумладан, озон қатламининг емирилиши, дунё иқлимининг кўтарилиши, чўллашиш ва бошқалар келажакда «инсониятнинг яшаб қолиши» га хавф мавжудлигини кўрсатмоқда. Дунё ҳамжамияти олдидаги бу муаммони ечимини топиш инсон ва табиат тизимидаги муаммоларга янгича ёндошишни, экологик хавфсизликни таъминлашни талаб қилади. БМТнинг атроф муҳит ва тараққиёт бўйича 1992 йил Рио Де Жанейрода қабул қилган тараққиётнинг янги стратегияси – барқарор ривожланиш концепциясини инсониятнинг глобал муаммоларни ечишдаги янгича йўналиш сифатида қараш мумкин. Мантиқий жиҳатдан қараганда барқарор ривожланиш тушунчаси ўз

таркибида иккита асосий тушунчани: антропоцентрик ва биосфероцентрик тушунчаларни бирлаштиради. Антропоцентрик йўналишда инсониятнинг яшаб қолиш эҳтимоли ва унинг доимий ривожланишни сақлаб қолиш қобилияти тушунилса, биосферацентрик йўналишда биосферани Ер шаридаги табиий ҳаётнинг асоси ва унинг табиий ривожланиши тушунилади. Бу тушунча моҳиятини очиб берувчи кўплаб илмий назарияларда атроф муҳит ҳолатини биологик жиҳатдан бошқариш яъни биосфероцентрик ёндашувларнинг муҳимлиги исбот қилинади. Бунда табиий муҳитни сақлаб қолиш, космик энергия ресурсларидан фойдаланиш, **экологик хавфсизлик**ни таъминлаш каби ғоялар илгари сурилади.

Экологик хавфсизлик бу организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини табиий ва антропоген омиллар таъсири туфайли турли миқёсда ва тезликда юзага келувчи салбий ҳолатлар ҳамда уларнинг давомийлигидан сақланганлик даражасидир. Экологик хавфсизлик ғояси ўз ичига барқарор ривожланишнинг барча механизмларини шу жумладан, абиотик табиат ва унинг асосида барқарор ривожланишга ўтишни олади. Бу жараён биосферага бўладиган барча антропоген таъсирларни камайтириш орқали амалга оширилади. В.И. Вернадскийнинг ноосфера ҳақидаги таълимотида ҳам айнан шундай ғоя илгари сурилади. Инсоният яқин келажакда экосистема “марказида” туради ва ўз хавфсизлиги жиҳатидан биосферанинг ифлосланишига йўл қўймайди ҳамда биосфера қонуниятларига бўйсунади. Демак экологик хавфсизликни асосида экогуманистик ғоя ётади. Шундан келиб чиққан ҳолда экологик хавфсизликни таъминлаш барқарор ривожланишнинг асосий омилидир.

Айрим ҳолларда қуйидагича савол туғилади: Экологик хавфсизликнинг табиатни муҳофаза қилишдан фарқи нимада? Барқарор ривожланишни таъминлашда бу иккала тушунчанинг қайси бири муҳимроқ? Т.Тилляев (2005) «охир оқибатда инсониятнинг табиатга бўлган муносабати «*табиатни муҳофаза қилиш*» тушунчасини *экологик хавфсизлик* тушунчаси билан алмашинишига сабаб бўлди» деб ёзган эди. Бу иккита тушунча моҳиятан биосферадаги мувозанатни тартибга солиш учун хизмат қилсада, бизнинг фикримизча бу иккита тушунча бир-биридан фарқ қилади. *Табиатни муҳофаза қилиш*да гўёки инсон табиат устидан ҳукумрон бўлиб, табиатдаги муаммоларни бартараф қилишга қодир, ўзи эса табиатнинг унсури эмас. Бу ўринда биринчи даражали бўлиб *табиатни муҳофаза қилиш* қаралади.

Юқоридаги фикрни кўллаб қувватлаган ҳолда машҳур океаншунос олим Жак Иф Кусто «илгари табиат инсонни қўрқитар эди, энди инсон табиатни қўрқитмоқда» деган иборани ишлатади. Аслида инсонни табиатни қўрқитиши шу даражага бориб етдики, бунинг натижасида юзага келган экологик муаммолардан инсоният таҳликага тушиб қолди. Табиат

эса гўёки «*ойна*» вазифасини бажарди холос. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, инсоният ҳозирги кунга келиб ўз хавфсизлиги нуқтаи назаридан табиатни асраб-авайлаши зарур бўлиб қолди. Чунки, э*кологик хавфсизлик*да биринчи даражали бўлиб инсон туради ва у ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ихтиёрий-мажбурий равишда табиатга нисбатан ижобий муносабатда бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда экологик хавфсизлик тушунчаси барқарор ривожланишни таъминлашда муҳимроқ аҳамият касб этади.

Барқарор ривожланишни таъминлаш турли минтақаларнинг табиий шароити, экологик муаммоларнинг мавжудлиги ва уларнинг содир бўлиш имкониятлари жиҳатдан ҳудудий тафовутларга эга. Ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун экологик хавфсизлик қуйидаги даражаларда таъминланиши зарур:

- *Маҳаллий даражада* экологик хавфсизлик кичик табиий географик ўлкалар (округ, воҳа, водий ва ҳ.к.), кичик табиат комплекслари (ўрмон, кўл ва ҳ.к.) миқёсида;
- *миллий даражада* экологик хавфсизлик муайян давлатларда экотизимлар барқарорлигини таъминлаш бўлиб кичик табиат комплекслари-табиий географик зоналар миқёсида;
- *регионал даражада* экологик хавфсизлик муайян минтақаларда экотизимлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар тизимини ўз ичига олиб, йирик табиат комплекслари, табиат зоналари, иқлим минтақалари, қитъа ёки материклар доирасида.
- *глобал даражада* экологик хавфсизлик Ер юзасида экотизимлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган жахон ҳамжамиятининг фаолияти бўлиб, бутун географик қобиқ ва унинг таркибий сфералари доирасида.

Жамиятда давлатнинг кечиктириб бўлмайдиган хавфсизлигини таъминлаш даврида барқарор ривожланиш стратегиясига ўтиш муаммоли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш давлат олдида саломатликнинг табиий асосини ва табиий генофондни ҳозирги ва келгуси авлод учун сақлаш, жамиятнинг барқарор ривожлантириш муаммолари вужудга келади. Жамият барқарор ривожланишининг фундаментал омиллари келгуси авлод ва ҳудудларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфсизлик даражасида акс этади.

Давлат раҳбарларини БМТнинг 179 – атроф муҳит ва тараққиёт бўйича Рио Де Жанейро декларациясида жамиятнинг экологик хавфсизлиги давлатнинг стратегияси, сиёсати ва иқтисодини баҳоловчи бирламчи кўрсаткич эканлигини тан олинган. Европа хавфсизлиги хартиясининг анъанавий ўзгаришида ҳам экологик хавфсизлик кўрсаткичи ҳисобга олинади. Бу шуни англатадики, ҳудудларда инсонларнинг табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи атроф муҳини муҳофаза қилиш

нормаларини сақлаган ҳолда чегараланиши керак. Стокгольмдаги атроф муҳит конвенциясидан кейин дунё ҳамжамиятининг кўплаб мамлакатлари олдида ҳудудларнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш бу давлатлар олдига янги экологик вазифаларни қўймоқда. Шунинг учун табиатдан фойдаланувчи ишлаб чиқаришларда экологик стандартлар «ифлословчи ишлаб чиқариш жараёнидаги барча ҳолатлар учун жавобгардир яъни ишлаб чиқариш-тарқатиш-истеъмол қилиш-чиқиндиларни қайта ишлаш» принципига асосланиши керак. Шу асосда ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш харажатлари зарур минимал даражагача ундирилиши керак.

Бундай ҳолатда ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнини барқарорлаштириш стратегияси ва принциплари давлатнинг миллий хавфсизлик тузилмасига мувофиқтирилиши керак. Ноосферанинг хавфсизлик стратегиясига мувофиқ равишда ва барқарор ривожланишга ўтиш учун давлат бошқарувида қуйидаги учта ҳолат ҳисобга олиниши керак:

√ Мамалакат ҳудудининг табиати ва регионларда биосфера ҳолати. Бу бўлимда ҳудудларни экологик хавфсизлик ва табиатдан фойдаланиш бўйича районлаштириш, ҳудудий тизимларни экологик барқарорлигини аниқлаштириш зарур.

√ Ҳудудлар аҳолисининг ҳолати. Асосан экологик кризисли ҳудудларда аҳолининг ижтимоий, экологик, генетик ҳолатни ва ҳаёт давомийлиги даражасини аниқлаш ҳамда аҳолининг саломатлик даражасини ўрганиш; ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфсизликка таҳдид солувчи ҳолатларни баҳолаш; аҳоли ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги ва келажак авлоднинг ҳаётга мослашувчанлигини анализ қилиш зарур.

√ Ҳудудлар хўжалиги. Бу ҳолатда жамият барқарор ривожланишининг асосий кўрсаткичлари техноген хавф ва хавфсизлик, ресурслардан фойдаланиш, мулк шаклларининг самарадорлиги, ресурслар салоҳияти, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари, давлат сиёсатининг ҳаётийлиги ва бошқалар баҳоланиши ҳамда экологик ҳолат анализ қилиниши керак.

Айрим ҳолларда барқарор ривожланиш концепцияси бўйича бутунлай тескари қарашлар ҳам учраб туради. Барқарор ривожланиш концепцияси дунёни бошқаришнинг янги шакли аммо, у барча давлатлар манфаатлари учун эмас. Унда Ғарб давлатлари ва АҚШ ўзининг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини ривожланаётган давлатлар эвазига қондириши кўзда тутилади. Бу концепциянинг ҳаётийлиги бўйича нотўғри малумотлар тарқатилади. Табиат ресурслари тугаб, экологик хавфли вазиятда қолган мамлакатлар ўзининг стратегик мавқейини йўқотади ва

ихтиёрий равишда бу давлатларнинг **экологик колония**сига айланиб қолади.

Бизнинг фикримизча ҳар бир давлат ўз ҳудудининг географик имкониятлари, табиий ресурсларининг салоҳияти, халқининг интеллектуал даражаси ва миллий, диний урф-одатлари доирасида барқарор ривожланиш концепциясига ўтиши керак. Дунёнинг турфа ҳил иқлимий ва табиий шароитли регионлари мавжуд ва уларнинг ҳаммаси учун ягона дастур ишлаб чиқиш қийин. Барқарор ривожланиш концепциясига ўтиш имкониятлари ҳам ҳар бир регион, давлат учун турли даражададир. Бу борада Республикамиз Президенти И.Каримов «..хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?[1]» каби саволларни жамиятимиз олдига қўяр экан бу муаммонинг нечоғлик долзарблигига эътибор қаратади. Республикамизнинг географик – стратегик имкониятлари, табиий шароити ва ресурслари жамиятимизни барқарор ривожланиши учун замин яратади. Аммо Республикамиздаги экологик вазият барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида тўсиқ бўлиши мумкин. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

√ Республикамизда ер ресурсларининг чегараланганлиги шароитида тупроқнинг шўрланиши, тупроқнинг турли химикатлар шу жумладан, минерал ўғитлар билан ифлосланиши, кон саноати эвазига қишлоқ хўжалик ерларининг камайиши, чўллашиш жараёнининг тезлашаётганлиги ва ҳ.к.

√ Сув ресурсларининг чекланганлиги ва ифлосланганлиги, ичимлик суви сифатининг бузилганлиги, Орол бўйидаги жиддий экологик вазият, ер ости суви сатҳининг кўтарилиши ва ҳ.к.

√ Урбанизациялашган ва саноатлашган шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, атмосферага чанг ва тузларнинг кўтарилиши ва ҳ.к.

√ Табиий мувозанатнинг бузилиши, табиат комплексларининг антропоген таъсирга учраши ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатиб ўтилган экологик муаммолар Республикамиз ҳудудида табиий шароит ва уларнинг антропоген таъсирга берилувчанлик даражаси, табиат қонуниятлари ҳамда антропоген таъсир даражасига боғлиқ ҳолда мураккаб тарзда акс этади. Бу эса Республикамизда барқарор ривожланишни таъминлаш учун мамлакатимиз ҳудудини экологик хавфсизлик жиҳатдан районлаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

[1]Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997й. 7-б.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки ҳудудларни экологик хавфсизлик жиҳатдан районлаштириш жамиятни барқарор ривожланишини таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга тегишли стратегик тадбирлар тизимини ишлаб чиқариш имконини беради.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИЗМЕНЕНИЯ ПРИРОДНЫХ ЛАНДШАФТОВ ЗОНЫ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ЧАРВАКСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА

И.Х.Абдуллаев
Тошкент Давлат Педагогика университети

С началом наполнения водохранилища, в результате интенсификации эрозионных и аккумулятивных процессов в зоне нового уреза воды, начинается процесс формирования гидрогенных ландшафтов Чарвакской зоны. Гидрогенными ландшафтами водохранилища становятся поверхности и склоны пойменных и надпойменных террас, коренные берега, а иногда и искусственные сооружения-дамбы, подпорные стенки и т.д.

Под формированием гидрогенных ландшафтов водохранилищ, понимается процесс переустройства профиля надводной и подводной частей берега у вновь созданного водоема в результате волновой абразии, обвальных, осыпных, оползневых, просадочных, суффозионных, эрозионных и других процессов в зоне уреза воды, а также аккумуляции размытых и обрушившихся пород и перенос наносов береговыми течениями.

Специфика их проявления определяется гидрологическими характеристиками водохранилища и «унаследованными» трансформированными геоморфологическими процессами. При исследовании водохранилищ наиболее распространена типизация Воропаева-Авакяна, которая позволяет широко использовать ее для сравнительного анализа формирования берегов водохранилищ, расположенных в разных природных условиях. Основной таксономической единицей этой классификации служит тип берега. Под ним понимается сочетание форм рельефа берегового склона, обладающего сходным геоморфологическим обликом и геологическим строением, историей склонов до затопления и проявлением современных экзогенных процессов, которые вызваны влиянием водохранилища и закономерно повторяются в пределах определенного берегового участка и в его прибрежной зоне.

Опыт эксплуатации водохранилищ показал, что становление берегов идет при непосредственном воздействии абразии и аккумуляции, которые на фоне современных геологических, геохимических и биологических

процессов создают большое разнообразие их типов. Так формируются обвальные, осыпные, эрозионные, оползневые, плывунные и денудационные типы абразионных берегов. Абразионные и аккумулятивные процессы, протекающие в разных климатических условиях, способствуют формированию характерных особенностей развития берегов. В аридных условиях значительнее проявляются аккумулятивные процессы. Размыву подвергаются в основном лессы, галечник и песчаные породы. На прибрежных отмелях интенсивно накапливаются соли и болотные отложения.

По преобладающему экзогенному процессу береговые склоны обычно подразделяют на обвальные, осыпные, оползневые, закарстованные и другие. Разрушение лессовых берегов протекает путем размокания и оплывания породы при насыщении ее водой, а также при фильтрации с берега. Масштабы гидрогенных процессов, формирующиеся берега и дно водоемов в первую очередь зависит от протяжности береговой линии, площади акватории, силы волнового притока и климатических характеристик.

В современном изменении рельефа существенную роль играют экзогенные процессы, особенно эрозионные и оползневые. Взаимосвязь рельефа и природных факторов, влияющих на эрозионно-гравитационные процессы, чрезвычайно сложна. Так, создание крупных водохранилищ многолетнего и сезонного регулирования стока в горных и предгорных долинах рек вносит существенные изменения в естественные условия и влияет на направленность эрозионно-гравитационных процессов. Водохранилище, представляет собой местный базис эрозии, изменение базиса эрозии способствует усилению эрозионно-гравитационного процесса по площади проточности, как на склонах водосбора, так и существующих гидрографических сетях. Уровенный режим водохранилища влияет не только на процесс преобразования берегов, но и ландшафтов водосборной площади. Колебание уровня воды в водохранилище в связи с разрушением горных пород и с склонов ведет к ослаблению их прочности. Скорость сработки оказывает большое влияние на устойчивость склонов, которая при резких колебаниях уровня воды сильно понижается, так как возрастает уклон подземных вод, фильтрующихся в водохранилище, что влияет на гидродинамическое и гидростатическое давление. При этом развивается сползание грунтов и увеличивается их глубинная ползучесть на склонах в береговой зоне сработки надводной части берегов. Этот процесс усиливается под воздействием климатических факторов. Кроме того, повышение уровня воды в водохранилище способствует активизации глубинной эрозии у ранее существующих оврагов, временных водотоков и саев, а также развитию новых оврагов. В результате нарушается устойчивость склонов

и образуется приовражные оползни. Существенное значение в усилении эрозионных процессов в береговой линии и надводной частях, имеет волновая деятельность, возникшая в акватории водохранилища и имеющая веерообразное направление от центра к берегам. При этом на ослабленных надводных участках образуется обвалы, оползни и прибрежные отмели. Нагонные и сгонные явления способствуют взмучиванию мелкодисперсных наносов и аккумуляция их происходит как в прибрежной зоне, так и на конусе выноса водотоков и оврагов. Конус выноса всех водотоков и оврагов в надводной части в период сработки заливается, а постоянный и временный поток ограничивает ежегодно новое русло, насыщенный наносами, выносится вглубь водохранилища, образуя при этом узкую полосу отмели вдоль берега. Эрозия в надводных частях способствует ускоренным изменениям берегов под влиянием водохранилища. В надводной части после сработки водохранилища часто на поверхности видны борозды, рытвины и водороины. Такой размыв повторяется ежегодно и проявляется сильнее на участках, где имеются легко размываемые грунты аккумулятивной части отмели. Это ярко наблюдается на побережье Чарвакского водохранилища в устьях саев и крупных суходолов особенно в районе между поселками Сиджак и на северо-западном берегу водохранилища, а также в районе поселка Юсупхана на южном берегу, и на восточном побережье Язам поселка Бричмулла. Подпор грунтовых вод создает новое увлажнение береговых массивов, вызывает просадку, усиливает размыв основания берегов, обуславливает образование висячих оврагов. В связи с этим в них активизируются эрозионные процессы. Всяческие образования мы можем наблюдать при понижении уровня водохранилища в июне-июле, когда идет массовый забор воды из водохранилища на поля.

ТИПИЗАЦИЯ ГИДРОТЕХНОГЕННЫХ ЛАНДШАФТОВ ЗОНЫ ВЛИЯНИЯ ЧАРВАКСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА

Б.Халилова, И.Х.Абдуллаев, У.Абдиев
Тошкент Давлат Педагогика университети

В результате изучения трансформации и формирования гидрогенных ландшафтов исследуемой территории были выделены следующие типы антропогенных ландшафтов, сформировавшихся под влиянием строительства и функционирования Чарвакского водохранилища: гидрогенный тип, селитебный тип, дорожный тип, агропромышленный тип, рекреационный тип, промышленный тип.

Гидрогенный тип ландшафта. К данному типу ландшафта относятся само Чарвакское водохранилище, водозаборы, бассейны, крупные саи и арыки в зоне непосредственного влияния водохранилища.

Этот тип ландшафта характеризуется годовой динамичностью, большие изменения наблюдаются здесь во время обильных осадков и массового таяния снега в горах. От динамики этого типа ландшафта зависит формирование и развитие прибрежных типов природных и антропогенных ландшафтов.

Селитебный тип ландшафта. К данному типу антропогенных ландшафтов зоны Чарвакского водохранилища, относятся все населенные пункты, возникшие в связи со строительством и функционированием водохранилища.

По обе стороны от речки Сиджаксай расположен посёлок Сиджак. Посёлок Сиджак по величине один из самых больших населенных пунктов на побережье Чарвакского водохранилища. В самом узком месте водохранилища, где река Пскем впадает в Чарвакское водохранилище, расположен посёлок Нанай. Он считается одним из старых и наименее изменившихся со времени строительства и функционирования водохранилища, так как он находится выше проектного уровня водохранилища. Далее по течению р.Пскем, к югу от посёлка Нанай, между саями Кульченган и Куланстансай расположен посёлок Богустан. Ниже по этому же берегу Чарвакского водохранилища, расположен посёлок Боладала, небольшой по площади, но с огромной площадью садов и виноградников. Далее по левому берегу реки Коксу находится посёлок Яккатут. Его иногда ошибочно принимают как продолжение пос. Бричмулла. На правом берегу реки Коксу раскинулось живописное селение Бричмулла. Это один из самых больших населенных пунктов расположенных на побережье Чарвакского водохранилища.

Посёлок Янгикурган расположен на левом берегу речки Янгикургансай. Это сравнительно молодой посёлок с небольшим количеством домов, но с огромным количеством садов. На правом берегу реки Чимгансай, в нижнем течении, расположено селение Юсупхона. Он попал в зону затопления и был полностью построен заново. Далее следует селение Бакачуль и за самим гидроузлом находится посёлок городского типа – Приморский и небольшой город Чарвак. Город Чарвак возник в процессе строительства гидротехнического сооружения, первыми жителями которого были строители и дорожники. В районе Чарвакского водохранилища это один из самых молодых населенных пунктов. В городе много двух-трехэтажных домов, имеются все бытовые комплексы, работает междугородняя связь. Вокруг города возник своеобразный дачный жилой комплекс с обилием культурной древесной растительности. Сегодня в городе живет около 6500 человек и летом число жителей возрастает в несколько раз. Он является одним из крупных населенных пунктов Бостанлыкского района.

Дорожный тип ландшафта. К дорожным типам антропогенных ландшафтов относятся: дороги (шоссе, грунтовые, проселочные, полевые), мосты, выемки, кюветы, насыпи, откосы.

Вокруг водохранилища построена современная автомобильная дорога, с усовершенствованным покрытием, через населённые пункты Чарвак–Сиджак–Нанай– Богустан – Бричмулла – Янгикурган – Юсупхона–Бакачуль. От посёлка Юсупхона проходит усовершенствованная трасса до посёлка Чимган.

От основной трассы отходят грунтовые и полевые дороги, ведущие в отдельные горные посёлки. От посёлков, выше в горы отходят полевые дороги и тропы, ведущие к пашням, садам, пастбищам. По всей трассе встречается множество железобетонных мостов через горные реки и крупные саи: р.Пскем, р.Чаткал, р.Коксу, Ишаккупрюксай, Чимгансай, Янгикургансай, Наувалисай.

Агропромышленный тип ландшафта. Этот тип ландшафта включает: пашни, сады, виноградники, богарные земли, природные пастбища. Он примыкает или располагается вблизи от селитебных ландшафтов. На исследуемой территории большое количество сельскохозяйственных типов ландшафта. Здесь огромное количество террасированных склонов, занятых под сельскохозяйственные культуры, огромные площади садов и виноградников, посевов зерновых и злаковых культур, пастбищ, загонов для скота и оросительных каналов.

Рекреационный тип ландшафта. К этому типу относятся объекты рекреации: детские лагеря, дома отдыха, санатории, туристические базы. Этот тип ландшафта распространен по всей исследуемой территории. Особенно много объектов рекреации на южном побережье Чарвакского водохранилища, а также вдоль левой стороны среднего течения р.Чимгансай и в зоне курортного места Чимган. Объекты рекреации распространены также и на северо-западной и восточной стороне побережья, но в небольшом количестве. Очень много временных, малых кемпингов и построек типа дач вблизи водохранилища по правому берегу р.Пскем.

Промышленный тип ландшафта. К этому типу относятся горные шахты, выемки, техногенные отвалы, малая перерабатывающая промышленность, строительная индустрия. К ним относятся карьеры вблизи г.Чарвака, малые заводы железобетонных конструкций в пос.Приморском и Ходжикенте, завод по производству пищевой соды в Чарваке, консервная фабрика в Сиджаке, БРУ в Бричмулле и Янгикургане, ремонтная мастерская в Бричмулле.

ЛАНДШАФТОГЕНЕЗ И ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЕ НА ТЕРРИТОРИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ДЕСТАБИЛИЗИРОВАННОГО ПРЕДКЫЗЫЛКУМЬЯ

В.А.Попов
НЦГиК Госкомземгеодезкадастра РУз

Биологическое и ландшафтное разнообразие рассматриваемой территории, расположенной в юго-восточной части Большого Среднеазиатского Междуречья и приуроченной к переходной зоне между обширными пустынными равнинами и грандиозными горными системами Средней Азии уникально и имеет планетарное значение.

В центральной части региона на протяжении последних полутора миллионов лет располагались озерно-аллювиальные равнины с системой вытянутых в субширотном направлении понижений (Арнасай, Айдаркуль), служивших «коридором», по которому в былые эпохи река Сырдарья направляла свои воды в Восточный и Центральный Кызылкум. Днище Арнасай-Айдаркульского желоба занимали ландшафты с галофильной растительностью на луговых и мокрых солончаках, а также типичные солончаки без растительного покрова и незначительные по площади мелководные соленые водоемы, питавшиеся за счет разгрузки потоков грунтовых вод с юга, со стороны горного хребта Нуратау. На север и на юг от желоба простирались бугристые, грядовые и грядово-бугристые пески с пустынной древесно-кустарниковой растительностью с доминированием растительных сообществ белого саксаула (Haloxylon persicum) и джузгунов (Calligonum sp. sp.) на пустынных песчаных почвах и песках. На протяжении многих веков здесь традиционно развивалось пустынно-пастбищное животноводство, преимущественно каракулеводство.

Во второй половине XX века интенсификация антропогенного пресса на природу Предкызылкумья, территории, лежащей между Голодной степью и Кызылкумом, привело к прогрессирующему сокращению ареалов и численности ряда видов животных и растений региона и деградации его ландшафтов.

Весной исключительно многоводного 1969 года в результате катастрофического сброса около 20 км^3 воды из русла Сырдарьи на территорию вышеупомянутой обширной бессточной котловины, расположенной в Восточном Кызылкуме было положено начало образованию Тузкан-Арнасай-Айдаркульской озерной системы – экологического антипода Аральского моря. В настоящее время объем воды в озерах составляет около 35 км^3. На территории Предкызулкумья затоплено более трех тысяч квадратных километров пастбищных угодий.

Существование новой искусственной озерной системы создает подпор потокам подземных вод, движущихся со стороны хребта Нуратау с юга на север, затрудняет их разгрузку и способствует повышению их минерализации. Это ведет к непригодности для дальнейшего использования части колодцев на пастбищах.

Нарушение природного равновесия в регионе заметно повлияло на сложившуюся здесь систему природопользования и активизировало процессы ландшафтогенеза. В связи со снижением общей площади пастбищ заметно возросла нагрузка на сохранившиеся пастбищные массивы вокруг новой озерной системы, что явилось фактором прогрессирующей деградации естественной растительности и усилению роли производных сообществ сорных растений в структуре растительного покрова региона. В регионе наблюдается пасквальная деградация почв, проявляющаяся в увеличении площади толоков, развитии ветровой эрозии почв. Концентрация большого количества скота вокруг действующих колодцев явилось фактором усиления приколодезного опустынивания. Сведение скотом растительности и нарушение им структуры почв привело к формированию эолово-аккумулятивных форм рельефа на наиболее эксплуатируемых участках пастбищ.

С другой стороны, сформированная система Тузкан-Арнасай-Айдаркульских озер и ветландов имеет и свои положительные стороны. В регионе появилась новая форма природопользования – промысловое рыболовство. По берегам озера развивается отсутствовавшие ранее в регионе формы рекреации – спортивная охота (в том числе – соколиная, привлекающая заинтересованных туристов из дальнего зарубежья) и рыбалка, а также экологический туризм.

С 2002 года Лабораторией геоэкологии Национального центра геодезии и картографии Госкомземгеодезкадастра ведется мониторинг изменения природной среды, экологической ситуации и природопользования на территории, прилегающей к Тузкан-Арнасай-Айдаркульских озерной системе.

В результате дешифрирования космических фотоматериалов и проведенных полевых исследований нами были составлены следующие тематические карты рассматриваемого региона в масштабе 1:200 000:

- ❖ Ландшафтная карта;
- ❖ Карта степени антропогенной трансформации ландшафтов;
- ❖ Карта остроты экологической ситуации.

На изучаемой территории выявлены существенные изменения в структуре землепользования, вызванные подтоплением, повышением уровня грунтовых вод и засолением почв.

Результаты мониторинга природной среды с использованием данных дистанционного зондирования найдут свое отражение в проектирующейся интегрированной ГИС «Предкызылкумье: экология, ландшафтогенез и природопользование». ГИС будет служить базой для построения экологических прогнозов в Предкызылкумье, а также может быть использована при проектировании практических мероприятий по борьбе с опустыниванием, рационализации использования земельных и водных ресурсов в исследуемом регионе, устойчивого его развития.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИЛМИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

А.К.Уразбаев

География фани энг қадимги фанлардан бўлгани ҳолда ўзининг тараққиёт босқичида бир неча поғоналарни босиб ўтган. Шу жумладан табиий географияда қадим замонлардан бошлаб табиат компонентлари ҳақида билимлар аста-секин тўпланиши ҳисобига фан тараққий этиб борди. Илмий тил билан айтганда, бу даврларда геокомпонентлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб борди, яъни табиий география фани ўз бошидан геокомпонентлар босқичини босиб ўтди.

А.Гумбольдт (1769-1869) давридан бошлаб геокомплекс босқичи бошланди. Табиий география фанидаги таққослаш усули А.Гумбольдт номи билан боғланган бўлса, иккинчи томондан табиат компонентларини алоҳида-алоҳида эмас, балки уларнинг ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш фаннинг асосий муаммоси бўлиши керак деган таълимот вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда геокомплекс ҳақидаги таълимот тўғридан-тўғри А.Гумбольдт номи билан боғлиқдир.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида В.Б.Сочава фалсафа фанидаги тизимларнинг умумий назарияси ва тизимли усулни табиий география фанига қўллаши натижасида ўзининг геотизим ҳақидаги таълимотини яратди. Геотизим муаллифнинг фикрича табиий географиянинг асосий объекти бўлиши керак ва бу таълимотни тан олиш ҳеч қандай шубҳа туғдириши мумкин эмас деган хулосага келади.

Геотизим таълимоти табиий географияда ишлаб чиқилган бўлса ҳам, ҳозирги даврда ижтимоий ва социал географияда, география йўналишидаги фанларда (тупроқлар географияси, картография, гидрология ва бошқалар) кенг қўйлланиб келинмоқда. Бу таълимотнинг табиий география фанида қўлланилиши оқибатида янги тушунчалар пайдо бўлди, яъни элемент, структура, шакл, симметрия, расм, абстракция, тартиблик ва бошқалар. Геотизим таълимоти ўзининг назарияси билан геокомплекс таълимотидан тубдан фарқ қилади. Бу таълимотга кўра,

объектнинг структурасини ўрганиш асосий муаммодир. Ҳар қандай структурани асосан элементлар ўртасидаги мунособатлар ташкил этади. Агар биз ўрганадиган объектни алоҳида геотизим деб қарасақ, аввалам бор элементларни топишимиз керак бўлади. Мисол учун, Амударёнинг ҳозирги дельтасини ўзига хос геотизим деб олсак, у ҳолда дельтаи ҳосил қилган кичик дельталар объектга нисбатан элемент бўлиб ҳисобланади ва ҳоқазо. Қуйи Амударё табиий география районини ташкил этган Амударёнинг ҳозирги дельтаси, Сариқамиш ва Ақчадарё дельталарни ўзига хос геотизимлар бўлгани ҳолда, улар ўзларининг ички структураси билан бир-биридан фарқ қилади.

Геотизим таълимоти шу ўтган йиллар давомида табиий география фанини янги ютуқларга олиб келади. Бу таълимот кўп мутахассислар томонидан тан олинди ва ривожлантирилди. Жумладан В.М. Фридланд бу таълимотни ва тизим ҳақидаги умумий назарияни тупроқлар географиясига қўллаши натижасида тупроқ қопламининг структураси деган таълимотини яратди. Натижада бу фанда якги тушунча “Оддий тупроқ ареали” пайдо бўлди. Тупроқларнинг рельеф билан боғликлиги тупроқ қопламининг структурасини ташкил этади. Табиий географияда ландшафтларнинг структурасини ўрганиш қанчалик муҳим бўлса, бу фанда ҳам тупроқ қопламининг структурасини ўрганиш шунчалик мухимдир. Тупроқ қопламининг структурасини ўрганишда рельеф шаклларини текшириш аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам В.М. Фридланд рельеф шаклларини ўрганишда асосий манба қилиб аэро ва космос суратларини олади. Лекин бизга тажрибадан маълумки аэро ва космос суратлар доимо рельеф структурасини ўрганишда ижобий нати- жаларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам И.Н.Степанов рельеф шаклларини ўрганишда асосий манба қилиб топокарталарни олади. Топокарталарда рельеф шакллари ифодаланади ва сўнги босқичларда аэро ва космос суратлар билан янада аниқланади ва ягона хулосага келинади.

Сўнги йилларда рельеф пластикаси таълимоти табиий география фанида ҳам ижобий қўлланилиб келинмоқда. Бу таълимотга кўра асосий муаммо бўлиб текшириладиган объектнинг структурасини топокарталарда ифодалаш ҳисобланади. Бизга маълумки ландшафт компонентларининг бир-бирига боғлиқлигини ўрганишда ва объектнинг ички структурасини текширишда рельеф структурасини ўрганиш асосий муаммодир. Сабаб ландшафт компонентлари айнан рельеф типлари билан эмас, балки унинг структураси билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам энг аввалом бор топокарталарда рельеф структураси ифодаланади. Рельефнинг икки элементи бўлган баландликлар ва пастликларнинг бир-бирига бўлган муносабати рельеф структурасини ташкил этади. Рельефнинг структураси эса тўғридан-тўғри объектнинг ички тузилишини ифодалайди. Шу пайгача ишлатилиб келинган рельефнинг орографияси карталарида баландликлар,

яъни тоғ тизмалаларининг сув айирғичлари оддий чизиқлар “линиялар” билан ифодаланиб келинган. Тажрибалар шуни кўрсатдики “сув айирғичлар” фақат тоғли ўлкаларда эмас, балки масштабига кўра ҳамма худудларда мавжуд экан. Бу “сув айиргичлар” ни кўрсатишга биз фақат рельеф пластикаси усули орқали эришдик. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда рельеф структурасига катта аҳамият бериш ва уни тўғри ифодалаш энг кечиктириб бўлмайдилган муаммолар қатторига киради. Ер юзасининг структураси ҳақида бўлган ральеф пластикаси таълимоти геотизим назарияси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мелиоратив географиянинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ландшафт ва тематик карталарни тузишда рельеф пластикаси таълимоти катта роль ўйнаб келмоқда. Табиат компонентлари тўғридан-тўғри рельеф структураси билан боғлангандир. Шунинг учун ҳам бу таълимотга кўра энг аввалам бор топокарталарда рельеф пластикаси картаси тузилади. Рельеф структураси бу карталарда ифодаланганлиги учун ландшафт карталарни тузишда асос вазифасини ўтайди. Рельеф пластикаси таълимоти асосида тузилган барча тематик карталарининг ижобий томони шундаки, кўрсатилган контурлар маълум бир шаклни ифодалаган ҳолда, албатта рельеф структураси билан боғлангандир.

Ландшафтнинг ҳосил бўлишида иқлим, рельеф билан бир қаторда ер усти сув оқимлари ҳам табиий-географик омиллар қаторига киришини С.Д.Муравейский биринчи бўлиб назарий исботлаб берди. А.Ю.Ретеюм ер усти сув оқимларига катта эътибор бергани ҳолда геотизим таълимоти нуқтаи назаридан уларни тизим ҳосил қилувчи омиллар деб қаради. Рельеф пластикаси таълимоти юқорида айтиб ўтилган олимларнинг таълимотларини ижобий ривожлантиради ва рельеф пластикаси карталарида бу оқимларни ифодалай олди. Ер усти сув оқимларини махсус карталарда “чизиқлар” орқали ифодалаш ландшафт қобиғида рўй бераётган табиий – географик жараёнларни ўрганишда ва башорат қилишда ижобий роль ўйнайди. Айниқса геокимёвий жараёнларни ва тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганишда бу тизим ҳосил қилувчи оқимларнинг роли жуда катта. Шунинг учун ҳам рельеф пластикаси таълимоти бу омилга катта эътибор бергани ҳолда грунт сувларининг ҳам катта роль ўйнашини исботлаб берди.

Рельеф пластикаси таълимотининг ижобий томонларидан яна бири шуки коллектор-зовур ҳавзаларини биринчи бўлиб геотизм деб қарашга ва уни тематик карталарда ҳавза сифатида ифодалашга имкон беради.

Коллектор-зовур ҳавзаларини геотизим сифатида ўрганиш шу нарсага олиб келадики, суғориладиган массивларда табиий-мелиоратив шароит тизимли тузилишга эгадир. Кичик дельталар ташкил этган ҳудудларда табиий-мелиоратив шароит маълум бир қонуниятни ифодалаган ҳолда тартибли асосда ўзгариб борар экан. Коллектор-зовур

ҳавзаларини геотизим сифатида ўрганиш яна шу нарсага олиб келдики, объектларнинг ички тузилишига мувофиқ рўй бераётган табиий-географик жараёнлар ҳам ўзгариб борар экан.

ПРИНЦИПЫ МЕЛИОРАТИВНОЙ ОЦЕНКИ ГЕОСИСТЕМ

Н.И.Сабитова
Ўзбекистон Миллий университети

Перспективы географо-мелиоративного освоения территории обусловливают переход на более высокий научный уровень познания гаосистем и их основных компонентов рельефа (почв и грунтовых вод и т.д.). Применяемые ныне климатические поясные и зональные способы членения ландшафтов оказались недостаточными для объяснения многих явлений. В понимании природы исследуемых территории все большее значение приобретает системная ориентация, в частности, выделение на разных уровнях организации симметрично-диссимметричных геосистем, границы которых морфологически совпадают с современными и древними ареалами бассейнов рек, и тектонически подвижных блоков земной коры.

Цель проводимых исследований – оценка мелиоративного состояния геосистем по условиям орошаемого земледелия. Проблема требует разработки основных принципов и методических подходов, как в выявлении границ геосистем так и в обосновании методов их мелиоративной оценки.

1945 йил геоботаник-географ Е.П.Коровин раҳбарлигидаги экспедиция Устюртнинг жанубий-шарқий қисмидаги яйловларни хўжалик мақсадларида ўрганиш учун геоморфологик, тўпроқ, геоботаник, зоогеографик тадқиқот олиб борган. Геоботаник И.Д.Момотов ва Е.П.Коровин унинг тадқиқотларини давом эттириб, биринчилар қаторида Устюртнинг қишки табиатини ўрганган.

1955-56 йиллар Н.Пельт ва В.Червинскийлар Устюртнинг катта қисмида баҳор, ёз, куз мавсумларида чорвачиликни юритиш ва қиш

мавсумида подани қум массивларига ҳайдаш лойиҳасини тузган ҳамда унга амалий таклифлар киритган.

Устюртни тадқиқ этишда археологларнинг ҳам хизматлари катта. С.П.Толстов (1946) қўрғонларнинг Белеули, Аллан, Дев-Кескен қолдиқларини текширган. Барсакелмас шўрхоқлигидаги "Шайтанқала" оролини ҳаводан туриб кўзатган ва у ерда ҳеч қандай инсон излари йўқ эканлигини тасдиқлаган. Тадқиқотлар давомида қадимги хоразмшохлар йўли Хоразм билан Эмба дарёсининг қуйи қисмини боғлаб турганлигини айтган ҳамда шу йўл атирофидаги карвон-саройларда тадқиқотлар олиб борган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан сўнг Устюрт ҳудудида нефть ва газ қидирув ишлари ҳамда чорвачиликни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида кўплаб газ конларининг топилиши, Устюрт ҳудудидан Бухоро-Урал, Бухоро-Марказ газ қувирларининг ўтказилиши, Қўнғирот-Бейнеу темирйўлининг қурилиши натижасида кўплаб аҳоли яшаш пунктлари: Қириққиз, Абодон, Жаслиқ, Бўстон, Қароқалпоғистон, Жанубий Устюрт кабилар пайдо бўлди ҳамда чорвачиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Лекин, шу билан бир қаторда, атроф табиий муҳит ҳолати ёмонлашди. Чунки Устюрт платосини саноат мақсадларида ўзлаштирилиши минглаб йўналишдаги "дайди" автомобиль йўл изларини юзага келтирди, уларнинг зичлиги 23-25 км/км^2 гача етган (П.Тажимуратов, 1995). Натижасида Устюрт яйловлари майдони 15-20%га қисқарди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими табиат фанлари мажмуали институти (КИЕН) олимлари А.Б.Бахиев, Х.З.Зарипов, К.Қойбағаров, К.Турсинбаев, А.Алланиязов, Б.Сарибаев, П.Тажимуратов, Ж.Утепбергенов, П.Халмуратов, Ш.Сапаров, Ж.Сапариязов, М.Аметов, Г.Сабиров ва бошқа олимлар тадқиқотари натижасида Устюрт табиий яйловларида 400 турдан ошиқ юқори даражали ўсимлик турлари аниқланган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақолпоғистон бўлими олимларининг асосий ишлари Устюрт яйловларин яхшилаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Масалан Ж.Сапарниязов ва М.Аметовлар (1993) Устюрт табиий яйловларин геоботаник ва чорвачилик нуқтай назардан 10 қисмга ажратиб тадқиқот қилишни таклиф этадилар. П.Тажимуратов ва бошқалар (1995) Устюрт табиий яйловларин яхшилаш ҳамда Устюрт шароитида маккажўхори, полиз ва сабзовот экинлари етиштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишган. Устюрт ҳудудин ўзлаштиришда Қўнғирот сода заводининг қурилиши мустақиллик йилларида амалга оширилган энг катта ва аҳамиятли ишларнинг дастлабки қадамлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, эрамизнинг то XIX асригача Устюртда махсус хўжалик юритишга оид тадқиқотлар олиб борилмаган. Фақатгина Рус империясининг босқинчилик мақсадидаги Ўрта Осиё ерларини ўзлаштирилиши турли табиий географик тадқиқотларни олиб боришга асос солди. XX асрнинг биринчи ярмида бу жарайн кучайди, лекин улар экологик моҳият касб этмади. Чорвачиликни ривожлантириш, озуқа базасини кучайтириш ва янги типдаги мулкчилик асосида чорвачиликни ташкил этиш Қарақалпоғистон олимларининг шу кундаги долзарб масалаларига киради.

Адабиёт

1. Алланиязов.А., Викторов.С.В., Пельт.Н.Н., Экологические аспекты освоения пустыни Устюрт.- Т.,1984. -128 с.

2. Бижанов Е. Средневековая крепость Давлегирей на Устюрте.- Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР, 1965. №2.

3. Викторов.С.В. Пустыня Устюрт и вопросы её освоения. - М., 1971.-134 с.

4. Левшин.А.И., Описание Киргиз-Казачъих или Киргиз-Кайсацких орд и степи // Известия географического обўества.- СПб. 1832.

5. Первые русские научные исследования Устюрта.- М., 1963.

6. Пельт.Н.Н., Червинский.В.Ф. Пути сельскохозяйственнного освоения Устюрта.- М.: Изд-во АН СССР.- 1956.-136 с.

7. Тажимуратов.П., Аметов.М., Сапаров Ш. Устюрт яйловларидан самарали фойдаланиш (Қорақалпоқ тилида).- Нукус, 1995.- 88 б.

ТЕКТОНИК ЗИЛЗИЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Тожиев, И.Неъматов

Тошкент Молий институти, Ўзбекистон Миллий университети

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг геологик тузилиши иккита катта тектоник плиталардан, яъни Тяньшань эпигерцен ороген ва Турон эпигерцен плитаси блокларидан иборат. Айнан мана шу тектоник блокларнинг ҳаракати натижасида тектоник кучлар ҳосил бўлиб, улар турли хил ҳодисаларни, офатларни, жумладан: зилзилаларни, вулканик ҳодисаларни, ҳамда ер юзида юз берадиган экзоген жараёнларни келтириб чиқаради.

Тектоник кучлар тоғ жинсларига икки йўналишда таъсир этади: а) вертикал йўналишда – бундай таъсир натижаси тоғ жинслари қатламларида узилишлар вужудга келиб, оқибатда ер сатҳининг бутунлиги ўзгаради ва ёриқлар пайдо бўлади; б) горизантал йўналишда - бундай таъсир натижасида тоғ жинси заррачаларининг тебранма ҳаракати кузатилади,бу эса ер устки қатламининг тебранишига олиб келади.

Ер шарида бундай ҳаракатларга мойил бўлган ҳудудларни иккита минтақага ажратиш мумкин: 1. Тинч океан сейсмик минтақаси; бунга Америка қитъасининг тоғли ўлкалари, Аляска, Камчатка, Курил, Янги Гвинея, Япония ҳудудлари киради. 2. Альп-Ҳимолай сейсмик минтақаси; бунга Ўрта денгиз, Карпат, Кавказ, Марказий Осиё тоғлари ва Олтой, Саян, Байкалдан Индонезиягача бўлган ҳудудлар киради.

Хусусан Республикамиз минтақаси ҳам сейсмик фаол ҳудудлар ҳисобланиб, унинг 70 %ида зилзилалар бўлиш эҳтимоли бор.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили ер шарида 100 000 дан ортиқ зилзилалар кузатилиб, улардан 100 га яқини фалокатли ҳисобланади. Кучли зилзилалар бошқа турдаги табиий ҳамда техноген тусдаги фалокатларни; жумладан: ер, қор кўчкилари, сув тошқини, ёнғинларни чиқиши, турли хил авариялярни бўлиши, иншоотларнинг бузилиши, заҳарли кимёвий ва радиоктив моддаларни атроф-муҳитга тарқалиши, турли эпидемиялар тарқалишига сабаб бўлади. Мисол сифатида 2004 йил 26 декабрда Ҳинд океани минтақасида юз берган 9 баллик ер силкиниши оқибатида кучли сув тўфони (цунами) ҳосил бўлиб, у ерда жойлашган деярли 11 та давлатда сув тошқинини юзага келтирди. Бундай табиий офатлар оқибатида 230 мингдан ортиқ одамлар ҳалок бўлиб, кўплаб иншоотлар, қурилмалар, экинзорлар вайрон бўлди.

Шунга ўхшаш вазият 2005 йилда АҚШнинг Флорида штатида юз берган “Катрина” сув тўфони оқибатида янги штампдаги вирусларни тарқалиши ҳам кузатилди. Зилзилаларни иқтисодиётга, атроф-муҳитга ҳамда инсонларга катта зиён келтиришлигидан ҳозирги кунда уларни башорат қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун биринчидан, сейсмологик ва гидрогеологик, геоморфолигик, инженер-геологик маълумотлар асосида сейсмофаол хариталарни тузиш; иккинчидан, Ернинг тавсифли хусусиятларини ўзгариши, тоғ жинслари заррачаларининг тебраниш частотасининг кескин ўсиши, электр қаршилигини ўзгариши, деформацияланиши, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, ер ости сувларида родон миқдорининг ортиши ва бошқа кўрсатгичларга қараб; учинчидан, ҳайвонот оламининг ҳатти-ҳаракатларини ўзгаришига қараб башорат қилинади. Бундай услублар билан Республикамизда ва Марказий Осиё давлатларида рўй берган бир неча зилзилалар ўз тасдиғини топган.

Аммо шуларга қарамасдан ҳозиргача зилзилаларни аниқ жойини ва бўлиб ўтадиган аниқ вақтини олдиндан айтадиган услуб йўқ. Чунки зилзиланинг ўчоғи - “гипоцентр” яширин ҳолатда бўлиб, у доимо ҳаракатда ва ҳар хил чуқурликларда жойлашганлигидадир. Шунинг учун ҳозирги кунда мутахассислар, айнан зилзиланинг ўчоғи - “гипоцентр”нинг аниқ жойлашган жойини топиш устида изланишлар олиб бормоқдалар.

ЕР КЎЧКИ ОФАТИ

М.Х.Тожиев, М.Х.Илхомов
Тошкент Молий институти

Ватанимизнинг табиий-геологик тузилиши, гидрометеорологик ва гидрогеологик ўзгаришлар оқибатида табиий офатлар юз бериб, улар атроф-муҳитга, халқ хўжалиги тармоқларига катта моддий зиён келтиради ва энг ачинарлиси аҳоли ҳаётини ҳавф остида қолдиради.

Шундай ҳавфли офатлардан ер кўчкиси ҳисобланиб, бунда тоғ жинси қатламларини қия сатҳ бўйлаб, ўз оғирлиги, гидродинамик, гидростатик, сейсмик кучлар ва бошқа таъсирлар оқибатида пастлик томон сурилиши кузатилади. Ер сурилиши оқибатида иншоотлар, йўллар бир неча юз метрга ва ҳатто километрга суриб ташланади. Ката-катта экин майдонлари фойдаланишга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади, бутун қишлоқлар, шаҳарлар вайронага айланади, минглаб кишилар бошпанасиз қолади ва халокатга учрайди.

Шунинг учун ер кўчкисининг вужудга келиш қонуниятларини, уларнинг динамикасини ўрганиш катта ахамиятга эга. Чунки ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда, халқ хўжалиги объектларини ҳамда инсонлар ҳаётини сақлашда улар муҳим омиллар ҳисобланади.

Америкалик олим Ф.Жейнснинг маълумотларига кўра, АҚШда ер кўчкилари кучли ёғингарчиликлар ва чўкиш ҳодисалари натижасида кузатилиб, 1925-1971 йиллар мобайнида 75 млд доллар зарар кўрилган, бу эса йилига 1.63 млрд. долларни ташкил этган.

Ер кўчкиси офати Марказий Осиё республикалари ҳудудларида, хусусан бизнинг диёримизда ҳам кўп кузатилади. Жумладан, 1973 йилда Республикамизнинг Оҳангарон водийсида юз берган ва у XX асрнинг энг кучли офати ҳисобланиб Адабиётларда “АТЧИ” сурилиши деб номланади. Бу офтда сурилган тупроқ хажми 700 млн.м³ ни ташкил қилган. Худди шу ҳудудларда 1991 йили Жигаристон қишлоғида, 1994 йилда Қорақшилоқ ҳудудида ҳам ер кўчкиси кузатилган. “Жигаристон” ер кўчкисида ҳажми 30 млн.м³ ғовак тупроқ 7 сек. вақт ичида сурилиб, 50 дан ортиқ аҳолининг уйлари одамлари билан тупроқ остида қолди. Ер кўчки офатининг сабаби, кучли ва сурункали ёғингарчиликларнинг бўлиши, ер ости сувларининг ерга яқинлашиши, кучли сейсмик кучларнинг бўлиши ҳамда инсон томонидан олиб бориладиган ножўя ҳатти-ҳаракатлар оқибатида тупроқ жинслари мустаҳкамлигининг камайиши ҳисобига уларнинг мувозанат ҳолати бузилади ва тупроқ жинсларининг ҳаракати юзага келади.

Республикамиз Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги (ФВВ) нинг маълумотларига кўра, кейинги 15 йил ичида кончилик саноати ривожланган Оҳангарон, Олмалиқ, Олтинтопган ҳудудларида ҳамда

Фарғона ва Наманган вилоятларининг айрим жойларида ер кўчкилари кузатилмоқда.

Шу сабабдан ҳар йили Республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг “Тошқин сувлари, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиниб, ФВВнинг ҳодимлари офат ҳавфи бўлган ҳудудларда муайян вазифаларни бажарилиши талаб этилади. Хусусан, ҳавфли ҳудудларда сурилиш ва уларга боғлиқ бўлган ковлаш ишларини олиб бормаслик; тоғ жинси тўкилмаларининг йиғилишига йўл қўймаслик; темир йўл, транспорт воситалари ҳаракат тезлигини белгиланганидан оширмаслик, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, суғориш, шудгорлаш ишларини олиб бормаслик ва айниқса хавфи юқори бўлган жойлардаги одамларни ҳавфсиз жойларга кўчириш ишлари ва бошқалар.

Маълумотларга қараганда, 2003 йилда 371 та ҳавфли ҳудудлардан 928 та, 2004 йилда 116 та ҳудудидан 640 та, 2005 йил июнь ойигача 1232 та хўжаликлар ҳавфсиз жойга кўчирилди.

Демак, ер кўчки офатини талофатсиз ва қурбонсиз ўтказиб юбориш учун, аҳолимиз ҳам ҳавф-хатарни онгли равишда хис этган ҳолда маъсул ҳодимларга ёрдам беришлари зарур ҳисобланади.

ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШИРАЛАРИНИНГ ВЕРТИКАЛ МИНТАҚАЛАР БЎЙЛАБ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА

М.Юнусов
Фарғона Давлат университети

Фарғона водийси геоморфологиясини ўрганган тадқиқотчилар (Рыжов, 1948; Корженевский, 1953; Акрамов, 1954) водийни марказий (текислик), адирлик, тоғ олди ва юқори тоғ минтақаларига бўлишган.

К.З.Зокиров (1955) қўшни воҳа – Зарафшон дарёси ҳавзасини қуйидаги баландлик минтақаларга ажратган: чўл, адир, пастки тоғ тизмалари ва яйлов.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда А.А.Муҳамедиев (1989) Шарқий Ўрта Осиё ширалаларини ўрганишда тупроқ-иқлим хусусиятлари, аниқ ўсимликлар гуруҳи ва афидофаунага боғлиқ ҳолда мазкур ҳудудда қуйидаги вертикал минтақаларни ажратишни маоқул топди: пасттекислик – баландлиги денгиз сатҳига нисбатан 370-430-600-700 м; тоғ олди – 700-800-1200-1300 м; ўрта тоғ – 1300-1400-2200-2500 м; юқори тоғ – 2500-2600-3200-3500 м.

Минтақаларни шу хилдаги бўлиниши умумий тарзда қабул қилинган бўлиб, унинг асосида биз ҳам Жанубий Фарғона ҳудудида пасттекислик (мутлақ баландлиги 350-700 м), тоғ олди (700-1200-1300 м), ўрта тоғ

(1300-2500 м) ва юқори тоғ (2500 м дан юқори) вертикал минтақаларни ажратдик. Улар бир-биридан тупроқ-иқлим хусусиятлари, ўсимлик қоплами ва афидофаунаси билан фарқ қилади.

Пасттекислик минтақаси.

Мазкур минтақанинг кўп қисми чўл ва воҳалар билан эгалланган. Тупроғи кулранг ва қорамтир қўнғир. Унинг таркибида гумус бор.

Фарғона метеорологик станциясининг маолумотларига кўра пастекисликда январда ўртача ҳарорат – $0,5^0$, июлнинг ўртача ҳарорати + $28,8^0$, йиллик ўртача ҳарорат + $14,6^0$ ни ташкил қилади. Бу ерда йиллик ёғингарчилик миқдори 100-300 мм га тенг бўлиб, асосий ёғин декаббр-март ойларига тўғри келади. Илиқ кунлар 180-200 кунни (май ойидан ноябргача) ташкил этади.

Пасттекислик минтақасида шираларнинг 196 тур озуқа ўсимликларни учраши аниқланди.

Воҳаларнинг дарё қирғоқларидаги типик тўқайзорлар дарахт, бута ва ўтсимон ўсимликлардан иборат бўлиб, бу жойларда жийда, чаканда, юлғун, чинғил, туранғи тераги, тол, ўтсимонлардан қамиш, шувоқ, кендир, қизил мия, савағич (Корженевский, 1960) сингари набоботлар ўсади.

Бу ўсимликлар билан пасттекислик минтақасида шираларнинг 82 турини тарқалганлиги аниқланди.

Тоғ олди минтақаси.

Бу минтақанинг майдоғлари Фарғона водийсида асосан майда шағалли – тошлоқ адирликлардан иборат.

Тупроқ қатлами қорамтир кулранг ва кулранг тупроқлардан иборат, гумусга бой; тоғлар томон кўтарилганда у жигарранг тупроқлар билан алмашинади.

Иқлим шароитига кўра ҳам ўзига хос бўлиб, минтақа + $11,1^0$ ўртача йиллик ҳарорат билан тавсифланади (январнинг ўртача ҳарорати $-2,6^0$, июлда ўртача ҳарорат $+24,7^0$). Йиллик ёғин миқдори 350-400 мм, баланд жойларда ёғингарчилик 500-600 мм гача етиб боради. Ёғин миқдорининг кўп қисми март-май, шунингдек декабрр ва январр ойларига тўғри келади. Ёғин бўлмайдиган давр 2-3 ой (июлдан сентябргача) давом этади.

Тоғ олди минтақасида шираларнинг озуқа ўсимликларини 198 турини ўсиши аниқланди. Пастки тоғ тизмаларда эфемер, қиёқ-ялпиз ёки эфемер-шувоқ ўсимликлари (Poa bulbosa, P.pratensis, Artemisia dracunculus, A.annua, Inula grandis) кўплаб ўсади. Дарахт ва бута вакиллари ҳам кўплаб учрайди.

Тоғ олди минтақаси пасттекислик минтақасига нисбатан шира турларига бой. Бу ерда мазкур ҳашаротларнинг 100 турини тарқалиши қайд этилди.

Ўрта тоғ минтақаси.

Бу минтақа 1300-2500 м мутлақ баландликларда жойлашган. Табиий шароити, ўсимлик қоплами ва фаунистик таркибининг хусусиятлари билан пастки минтақалардан фарқ қилади.

Тупроқ қатлами қўнғир ўрмон-дашт ва тоғ-ўрмон тупроқларидан иборат, юқори қавати таркибида 5% гумус бор (Герасимов, 1948). Қуруқ тоғ тизмаларида сийрак ўрмонлардаги арчалар таги тоғ-ўрмон жигарранг тупроқларга эга.

Мазкур минтақада ўртача йиллик ҳарорат $+8,5^0$-9^0; январдаги ўртача ҳарорат $-3,5^0$-4^0, июлнинг ўртача ҳарорати + 21^0-22^0 ни ташкил этади. Ёғингарчилик миқдори бир йилда 600-800 мм га тенг. Ёзда қуруқ давр (июлр, август, сентябрр) 90-95 кун билан чегараланганлиги, баландликларда (2000-2300 м) ёғингарчилик миқдори ортади ва иқлим янада ҳам совуқроқ бўлишлиги характерлидир.

Минтақа тупроқларининг чириндиларга бойлиги, ёғиннинг кўплиги, мўътадил ҳароратнинг давомийлиги ва бошқа оптимал омиллар кўплаб дарахт ва буталарни ўсишини ва ривожланишини, ўтсимон ўсимликлар қопламини турли-туман ва бой бўлишини таоминлайди.

Ўрта тоғ минтақасида набобатларнинг 241 турини ўсиши қайд этилди.

Ўрта тоғ минтақасининг афидофаунаси бошқалардан бойлиги билан ажраб туради. Бу ерда шираларнинг 133 тури тарқалган.

Юқори тоғ минтақаси.

Тупроқ қатлами қорамтир қўнғир тоғ ўтлоқ чўл ва тошли – шағалли тупроқлардан иборат. Алрп кичик минтақасида тоғ ўтлоқ, ярим торфсимон ва юқори тоғли, каштан хилли тупроқлар ернинг юза қатламини ҳосил қилади. Тупроқлар таркибида гумус кўп бўлиб, баозан унинг миқдори 11% гача етиб боради.

Юқори тоғ минтақасининг иқлими бошқа минтақаларга қараганда совуқ ва ёғингарчиликнинг кўплиги билан тавсифланади. Йиллик ўртача ҳарорат – 1-2^0, январда ўртача ҳарорат – 14^0-15^0 (минимум – 30^0, баози жойларда – 40^0) ва июлнинг ўртача ҳарорати + 12^0-13^0 ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори ўрта тоғ минтақасига нисбатан юқори. Ёғиннинг асосий қисми – қор ва жалалардир.

Юқори тоғ минтақасида шираларнинг озуқа ўсимликларини 13 тури ўсади. Бу, арчаларнинг ҳар хил турларидан ташқари, наоматак, ўтсимонлардан – торон, отқулоқ, ширач, астрагал, Туркистон эчкисоқоли, бўймадорон сингари ўсимликлардир.

Юқори тоғ минтақасида шираларнинг Cinara tujafilina, Euceraphis pilosa, Aphis rumicis, A.craccivora, Eichinaphis pamirica, Dysaphis eremuri, Acyrthosiphon pamiricum, Macrosiphum rosae турлари (ҳаммаси бўлиб 8 та) қайд этилди (1-расм).

8 тур

Шира турлари – 143 та

Ўсимлик турлари – 358 та

13 тур
юқори тоғ
минтақаси (мут-
лақ баландлик
2500мдан юқори)

133 тур ўрта тоғ минтақаси
241 тур (мутлақ баландлик
1300 м – 2500 м)

100 тур
198 тур
тоғ олди минтақаси
(мутлақ баландлик
700 м-1200 м-1300 м)

82 тур
196 тур
текислик минтақаси
(мутлақ баландлик 350 м – 700 м)

1-расм. Жанубий Фарғона вертикал минтақаларида шира ва озуқа ўсимлик турларининг таркибий миқдорлари.

РАЗВИТИЕ РЕЛЬЕФА В РАЙОНЕ КУМЫШКАНА

А.Зайнутдинов, И.Абдуллаев
Ўзбекистон Миллий университети

Современный облик рельефа в районе исследований это результат поэтапных неотектонических движений земной коры. На различных участках они проявились с различной силой и знаками на фоне поднимающеюся Западного Тянь-Шанья, с одной стороны, и опускающейся Ташкентского голодностепской впадины, с другой.

Со среднего олигоцена на территории начинается постплатформенный орогенный этап развития района. До начала орогенеза рельеф здесь был почты равнинным и территория залита мелководным морем с выступающими отдельными островками. В это время платформенный режим накопления осадков сменился орогеническим или молассовым. Таким образом основной структурный план рельефа заложи лал после палеогена.

По определению С.С.Щульца [1948], сущность возникших процессов складкообравания новейшею этапа и отличие их от герцинских заключалось в том, что:

1. Складкообразование развивалось в условиях сформировавшейся платформы;
2. Формирование складок основания большого радиуса сопровождалось глыбовыми перемещениями по глубоким разрывам;

3. Вовлечение в складчатые деформации всей толщи палеозойского складчатого фундамента с покровом мезозойских и кайнозойских отложений.

В результате тектонических движений, возникших в верхнем олигоцене-нижнем миоцене начинается формирование Чаткальского антиклинального поднятия и Сурeньатинской впадины. По данным Ю.А.Скворцова [1949], в начале неотектонического этапа движения имели пликативный характер. В это время более интенсивно начала прогибаться Сурeньатинская впадина. Здесь в это время накапливалась мощная 200 метровая толща миоценовых осадков. Эти осадки имели бассейновый характер. Они представлены глинами, алевролитами с подчиненными прослоями песчаников, общей кирпично-красной окраски. Проявление Чаткальского хребта в рельефе шло очень постепенно, поэтому осадки имеют делювиально-пролювиальный характер. Но в верхней части разреза такой характер осадков меняется на аллювиально-пролювиальный. Появляются прослои песчаника, гравелита, кангломератов. Присутствие гравелитов свидетелеьствуст о небольшом расстоянии переноса обломков.

В плиоцене вся территория переживает активный тектогенез. Пликативное пластичное развитие сменяется глыбово-блоковыми перемещениями. Именно в это время происходит активизация Тешикташского разлома, определяющего границы области поднятия и прогиба. Начинается интенсивный подъем Чаткальского хребта, который за плиоцен поднялся до высоты более 1700 м. Поэтому здесь происходили процессы интенсивного эрозионного размыва. С западных склонов Чаткальского хребта устремляются вниз многочисленные водные потоки, приносящие обильный материал из области сноса и откладывающие его в пределах Сурeньатинской впадины. На северо-востоке впадины мощность плиоценовых осадков достигает 830 м.

Геоморфологический анализ поэтапных поднятий и врезания показывает (таблица №1), что в начале неотектонического этапа скорость поднятия (P_3-N_1^1) ,была очень незначительна и колебалась от 0,007 мм/год по левому борту р.Паркентсай до 0,018 мм/год по правому. Вначале неогена наиболее активным подъем происходил в среднем миоцене, когда скорости подъема достигли 0,025 мм/год по правому борту и 0,13 мм/год на левом. К концу миоцена верховье Паркентсая имели абсолютную высоту около 500 м, а г.Кызылнура подмылась до отметки 800 м.

Данные о нижнем плиоцене нем не известны, в это время здесь происходил региональный размыв и поэтому коррелятивные этому периоду осадки не выделены. В плиоцене возросли. Скорость подъема составила 0,27 мм/год в акчалыльское время 0,50 мм/год в аншероне

абсолютные отметки верховье Паркентсая достигли 1400 м, а г. Кызилнура 1710 м.

В нижнечетвертичную эпоху происходит дальнейшая тектоническая эволюция территории. Чаткальское поднятие в это время развивается конденудационно, а Сурeньатинская впадина имела тенденцию к опусканию. Наиболее активной оказалось вторая половина ниженечетвертичного времени. Скорости подъма в это время достигли 2,6 мм/год по правому борту и 4,1 мм/год по левому борту р. Паркентсай.

В нижночетверточное время кроме Тешикташского надвига значительную активность проявлял Меридиональный разлом. Интенсивно поднималось восточное крыло этого разлома, в результате чего происходило подпруживание Палеопаркентсая и накапливалась мощная 200 метровая толща канглобрекчий. В это время в зависимости от тектонических условий и климата активизируется эрозионное врезание, скорость которого достигает 2,7 мм/год.

В среднечетвертичное время характер тектонического развития территории не изменился. Наиболее активные движения происходили в середине этого времени. Интенсивно воздымалось Чаткальское поднятие. Усилились вертикальные движения по Тешикташскому надвину. Вертикальные смещения по нему составляет от 80 м на севере района до 100 м вблизи д.о. Кумышкан. Скорость подъема в бассейне р. Паркентсай увеличивается с севера на юг с 1,18 мм/год до 4,9 мм/год. В это время начинается постепенное поднятие и расчленение Сурeньатинской впадины. Расчленение сопровождалось активизацией более молодых разломов, как субмеридионального направления параллельных Тешикташскому надвигу, так и широтного, заложенного в долине р.Паркентсай.

Процесс этот продолжался и в верхнечетвертичную эпоху, несмотря на некоторое снижение активности тектонических движений до 0,5-1,13 мм/год. В это время происходит становление современного облика рельефа.

Начало голоценового этапа ознаменовалось новым усилением тектонического подъема всей территории. Глубина эрозионного врезания в верхнечетвертичную поверхность достигает 18-22 м. Средняя скорость тектонического подъема в голоцене достигает 6 мм/год. А пик тектонической активизации пришелся на раннесырдарьинское время когда скорости подъема составляли 10-17 мм/год.

В современную эпоху активность вертикальных тектонических движений не снижается, геоморфологическим подтверждением чего являтся:

1. Интенсивная глубинная эрозия вокруг разломов, появление порогов в саях;

2. Разрастание старых и появление молодых оврагов в районе, особенно в Сурeньатинской впадине;

3.Активное развитие опользневых процессов.

Таблица.№1

Возраст (тыс. лет.)	Долина р. Паркентсай											
	Правый борт						Левый борт					
	A_z м	R м	A м	Z м	V_t мм/год	Vвр мм/год	A_z м	R м	A м	Z м	V_t мм/год	$V_{вр}$ мм/год
Q_4-10	3267	2067	55,8	35	5,58	3,5	3267	2137	61,1	40	6,1	4,0
Q_3-90	102,7	65	1,13	0,72			45,9	3	0,5	0,33		
Q_2^3-110	158	100	1,43	0,90			91.7	60	0.83	0,54		
Q_2^2-200	237	150	1,18	0,75			441,3	290	4,9	3,2		
Q_2^1-190	221,2	140	1,16	0,73			342,9	225	1,7	1,12		
Q_1^2-90	237	150	2,63	1,66			370,5	243	4,1	2,7		
Q_1^1-100	189,6	120	1,89	1,2			203,3	133	2,6	1,3		
N_2^{3-2}ak-1800	900,9	570	0,8	0,51			500,9	329	0,45	0,25		
N_2^{3-1}an-1500	426,7	270	0,28	0,18			414,2	272	0,27	0,18		
N_1^3-6000	316,1	200	0,053	0,033			225,3	148	0,037	0,024		
N_1^2-4000	158	100	0,039	0,025			453,7	298	0,13	0,07		
P_3-N_1-14000	263,9	137	0,018	0,011			116,2	76	0,007	0,0047		

Анализ неотектонического развития территории показывает, что наиболее интенсивно развивалась территория в четвертичный период. Действительно, если за олигоцен- неогеновый этом продолжительностью 24 млн. лет рельеф поднялся на 2000 м, то за четвертичный период продолжительностью около 700 тыс. лет росте рельефа составил более 1500 метров. Средняя скорость подъема территории за олигоцен-неогеновый этом составила 0,057 мм/год, то за четвертичный этап эта скорость составляла уже 1,44 мм/год. Из таблицы 1 видно, что активность неотектонических движений постепенно возрастала от олигоцена к голоцену.

Литература

1. Сковорцов Ю.А. Элементы новейших тектонических движений Узбекистана. Тр, САГУ вып. XII Ташкент, 1949 г.

2. Шульц С.С. Анализ новейших тектоники и рельеф Тян-Шаня. Зап. ВГ РО. нов.сер Том 3. М.1948 г.

ПРОБЛЕМЫ ПАЛЕОГЕОГРАФИИ В КОМПЛЕКСНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ АНТРОПОГЕНА

Х.А.Тойчиев, К.А.Крахмаль, Б.А.Ирмухамедов, Д.Х.Расулова

Ўзбекистон Миллий университети

За последние годы в результате широкомасштабных комплексных, междисциплинарных исследований по фундаментальным направлениям истории антропогена-четвертичной геологии были достигнуты значительные теоретические и практические результаты. Существенное значение имеют данные по изучению генезиса четвертичных отложений. Выполнены фундаментальные исследования, раскрывающие закономерности формирования аллювия, лесса, склоновых отложений, погребенных палеопочвенных горизонтов. Получили развитие новые разработки по четвертичной тектонике, геодинамики, гидрогеологии. Разработка геохронологических, палеомагнитных методов определения возрастных параметров четвертичных отложений, процессов и событий позволила определить достаточно надежные датировки хроностратиграфической шкалы четвертичной системы, которая положена в основу региональных и глобальных сопоставлений.

В настоящее время, в Узбекистане разработана региональная стратиграфическая схема четвертичных отложений. В качестве стратиграфической основы использована новая трехчленная схема, которая разработана на материалах систематизации геотектонических событий региона, с учетом коррекций результатов исследований последних лет. Использование событий, позволяющих определить начало и конец этапов в развитии природных процессов отражает один из главных принципов теоретической стратиграфии - принцип реальности и неповторимости стратиграфических подразделений. В разработанной схеме в качестве реальных стратиграфических подразделений приняты таксоны предложенные Межведомственным стратиграфическим комитетом – комплексы, серии, свиты и подсвиты. Это придает стратиграфическим определениям четвертичных отложений в Узбекистане высокую степень достоверности и точность, позволяет установить жесткую систему временных реперов.

В результате изучения роли тектонических процессов в истории геологического развития в новейшее время весь четвертичный период в регионе рассматривается как единый тяньшаньский орогенный комплекс. Внутри комплекса на основании цикличности осадконакопления, выделены критические периоды импульсного (хроностратиграфического) развития неотектонических событий, которые способствовали за определенное время формированию мощной реперной толщи отложений.

Отложения образовавшиеся в промежутках между этими периодами, выделены как серии. Внутри орогенного комплекса выделено три серии, они представлены как: раннетяньшаньская – Q_1, позднетяньшаньская – Q_2 , и аральская – Q_3. В периоды формирования отложной соответствующих серий выделены более дробные подразделения – свиты. Временной объем

четвертичной системы региона определен на основании палеомагнитных и геохронологических данных путем сопоставления с магнитохронологической шкалой А.Кокса. Установлена продолжительность раннетяньшанской эпохи 1,7 млн. лет, позднетяньшаньской 690 тыс. лет и аральской 10-15 тыс. лет Продолжительность всей четвертичной системы определяется 2, 43 млн.лет

В этом объеме заключены как платформенные, так и орогенные осадки четвертичного времени. Граница четвертичной системы региона в морских отложениях проходит между нижним и средним акчагылом, соответствующей по палеомагнитной шкале рубежу 2,43 млн. лет – концу эпохи Матуяма. В континентальных отложениях под обратно намагниченными алевролитами раннетяньшанской орогенной серии. Граница между раннетяньшанской и позднетяньшанской сериями проводится в речных долинах под толщей конгломератов, соответствующей новой очередной эпохи активизации тектонических движений и началу эпохи прямой полярности геомагнитного поля – эпохи Брюнес. В предгорьях и междугорьях она проходит внутри однородной толщи различных генетических типов четвертичных отложений. Палеомагнитным критерием является рубеж перехода от эпохи обратной полярности к прямой.

По литологическим признакам этот уровень можно выделить только в том случае, когда позднетяньшанские лессовые отложения залегают либо на алевролитах, либо мергелях. Граница позднетяньшаньской и аральской сериями проводится в речных долинах под аллювием второй надпойменной террасы. В предгорьях и междуречьях проведение этой границы, на основе литологических признаков, в толще лессовых отложений сильно осложнено. В данной ситуации используются палеомагнитные и геохронологические данные (Тойчиев, 1996).

В данную хроностратиграфическую схему укладываются периоды раннего антропогена Узбекистана. При наличие единой региональной стратиграфической шкалы, археологические памятники эпох раннего антропогенеза будут описаны и интерпретированы точно и однозначно. Таким образом, чтобы эти описания были понятны исследователям различных направлений из разных стран.

Здесь также необходимо отметить, что в последние годы возникли новые, причем не только частные, но и принципиальные вопросы, заставляющие пересмотреть казалось бы уже давно решенные проблемы. Одна из них связана с разногласиями ряда зарубежных ученых в определении хроностратиграфической границы между неогеном и четвертичной системами. Учитывая данные обстоятельства мы считаем, что необходимым проведение дополнительных фундаментальных исследований в области палеогеографии, биостратиграфии, палеопоч-

воведения, палеоантропологии и археологии, климатостратиграфии, гидрогеологии, геодезии с целью изучения переходного этапа между неогеном и четвертичной системами.

К ИЗУЧЕНИЮ ЭВОЛЮЦИИ ПРИРОДНЫХ ПРОЦЕССОВ В РАННЕМ АНТРОПОГЕНЕ

К.А.Крахмаль, Б.А.Ирмухамедов, Д.Х.Расулова, С.А.Раимкулова
Ўзбекистон Миллий университети

Четвертичный период или антропогеновая «эра человека» определяемая как самый короткий период истории Земли, который связан с появлением человечества. На протяжении большой части четвертичного периода существование человечества, его производственная деятельность мало влияла на ход природных процессов. Положение стало изменяться приблизительно 200-250 лет назад, с началом промышленного развития.

В связи с этим перед наукой встала большая и ответственная задача:

1. Разработать рекомендации для наиболее рационального использования природных ресурсов.

2. Изучить на территории Узбекистана историю развития природы и отдельных ее компонентов, климат, рельеф, растительный и животный мир, появления древнейших следов первобытных обитателей, их социального устройства, хозяйства, материальной и духовной культуры.

3. Реконструировать взаимодействие природы и человеческого общества в прошлом.

4. Выявить определяющие фундаментальные закономерности эволюционных процессов, которые можно рекомендовать для прогнозирования развития системы природа-человек в будущее.

Одной из основных проблем этого направления является восстановление истории социальной и биологической адаптации человечества к меняющимся условиям природной среды происходившей в четвертичном периоде.

Однако необходимо отметить, историко-геологического развития природной среды невозможно изучить, не имея представления о нижней границе, первоначального рубежа с которого начинается летоисчисление антропогена эры человечества.

В связи с этим, возникла актуальная необходимость определения нижней границы между четвертичной и предшествовавшему ему третичного периода.

Граница между геологическими периодами или системами обычно совпадают с крупными природными изменениями преобразующими палеогеографическую обстановку земной поверхности. Здесь необходимо также отметить, что мнение ученых о том, что считать крупными, или

важнейшими событиями не всегда совпадают, поэтому предлагались различать уровни для проведения нижней границы четвертичного периода. В ходе дискуссий, продолжавшихся более 100 лет предлагались основные принципы определкения этой границы. К ним относили:

1. начало сильных похолоданий сопровождавшихся изменением всей природной обстановки; появлением оледенений в равнинных областях.
2. изменение фауны млекопитающих; изменение фауны моллюсков.
3. появление человека как социального существа.

Для более детального анализа предложенных критериев в определении хроностратиграфической границы между неогеном и четвертичной системой, которая является предметом многолетних дискуссий, необходимо рассмотреть историю изучения данной проблемы. Положение этой границы обсуждалось почти на всех конгрессах Международного Союза по изучению четвертичного периода (ИНКВА), а также на международных геологических конгрессах (МГК). На основе решения XVIII сессии МГК в Лондоне (1948) было рекомендовано проводить границу между плиоценом и плейстоценом по признаку первого климатического похолодания, установленного для разрезов морских отложений неогенового возраста в Италии. По базальным горизонтам плейстоцена были определены морские слои калабрийского яруса, в фауне которых впервые появились северные иммигранты, и их континентальный стратиграфический аналог – виллафранк. На XIX сессии МГК в Алжире в 1952г участники конгресса подтвердили резолюцию, принятую МГК в Лондоне.

Особенно заметные изменения в растительности и животном мире происходит в конце третичного периода. Об этом свидетельствуют исследования морских и прибрежно-морских отложений. Эти отложения содержат обильную фауну: пластинчатожаберные и брюхоногие моллюски, фораминиферы, остракоды. Со временем состав фауны в морских слоях менялся. Это происходило в результате эволюционного развития морских организмов и изменения окружающих условий – морские организмы чутко реагируют на изменение глубины, солености и температуры морской воды.

Расчленение и датировка позднетретичных отложений, в частности на юге и юго-востоке Европы, проводились в большей мере на основании изучения видового состава и экологии морских организмов. На основании этих данных были даны выводы относительно изменений климата.

Следует отметить, что сопоставление остатков фауны найденных в геологических слоях в различных частях земного шара вызывает значительные трудности. Земная поверхность всегда отличалась

сочетанием свойств прерывности и непрерывности. Природные изменения имели метахронный характер–одни и те же импульсы вызывали различные ответные реакции в природных зонах. По разному происходит эволюционный процесс у животных и растений.

Однако не подлежит сомнению тот факт, что наиболее резкие изменения внешних природных условий отражались на развитии организмов в самых различных частях земного шара. Необходимость найти и правильно истолковать признаки этих изменений и провести по ним границу между стратиграфическими подразделениями является нашей задачей.

Таким образом, в полученные данные из палеозоологических и климатических источников период, который можно охарактеризовать как конец третичной системы, происходили нарастающее иссушение и похолодание климата, достигшие заметных характеристик 3 – 2 млн. лет назад.

ПАЛЕОГЕОРАФИЧЕСКИЕ И ХРОНОСТРАТИГРАФИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В АНТРОПОГЕНЕ

Х.А.Тойчиев, У.К.Абдуназаров, К.А .Крахмаль,
А.Г.Стельмах, Х.А.Буриева
Ўзбекистон Миллий университети

В результате комплексных исследований четвертичных отложений разрезов Апартак, Кольбулак и археологического комплекса Кызылалма бассейна р.Ангрен, в число которых входили палеомагнитный, палеопедологический и археологический методы, был собран материал, который в значительной степени обновил данные по стратиграфии рассматриваемых образований региона.

1. Палеомагнитные исследования образцов пород из разреза Апартак позволили выявить два обратно и три прямо намагниченных горизонта и два горизонта с переходным режимом геомагнитного поля, жёстко привязанных во времени. Они могут служить реперными уровнями при магнитостратиграфической привязке и корреляции четвертичных отложений в региональном плане. Палеомагнитная характеристика разреза Апартак в корне меняет представление о возрасте террасовых отложений четвертичного периода бассейна р.Ангрен: обратно намагниченные породы относятся к эоплейстоцену (верхи зоны Матуяма), прямо намагниченные породы верхней части разреза к плейстоцену (зона Брюнес). Породы в разрезе Кольбулак имеют прямую намагниченность, за исключением одной зоны обратной намагниченности и двух аномальных зон.

2. Палеопедологический метод позволил выделить пять

полнопрофильных реперных почвенных горизонтов. Было установлено, что породы нижней части разреза имеют красновато-коричневую, а верхней части серую и ещё выше палевую окраску. Особенно эти различия резко заметны в окраске почвенных горизонтов, где более древние почвы бурые и красновато-коричневые, а более молодые, верхние, преимущественно серовато-коричневые и серые. Детальные описания выделенных почв, специфические морфологические особенности каждого почвенного горизонта могут быть рекомендованы геологам съёмщикам в качестве визуальных критериев при выделении различных стратиграфических толщ и границ разновозрастных слоёв.

3. Время существования археологического комплекса Кызылалма и стоянки Кольбулак определяются в основном стратиграфией и находками орудий труда, заключённых в толщах осадков четвертичного периода. Технико–типологическое изучение каменных артефактов в культурных горизонтах позволяет определить хронологические этапы эволюции изготовления их, относящихся к периодам раннего и среднего палеолита. В эпоху раннего палеолита для каменных орудий характерна обработка крайне примитивным раскалыванием куска кремния с целью получения отщепов с острыми режущими краями. Комплекс орудий состоит из расколотых и дополнительно обработанных отщепов. Средний палеолит, по сравнению с предыдущим периодом, необыкновенно богат техническим оформлением каменных орудий. Орудия сохраняют свою постоянную и определённую форму, появляется серийность, стандартизация в изготовлении. Наблюдается планирование в выборе сырья при производстве инструментов определённых размеров и форм. Вместо, так называемой техники ядрища, появляется техника отщепа, а из неё выделяется наиболее развитая техника пластины леваллуа. Раннепалеолитические рубящие орудия исчезают, и вместо них появляются разные типы остроконечников, скребел, проколок, скребков. В верхнем палеолите также появляются новые типы орудий из камня и кости, встречаются резцы, проколоки, скребла, скребки и пластины.

Таким образом, сложная история развития экологических процессов, происходивших в антропогене, нашли свое отражение в горизонтах ископаемых почв, сформировавшихся в определенных ландшафтно-климатических условиях и чередующихся с мощными толщами лессов.

Результаты комплексных палеоэкологических и палеогеографических исследований четвертичного периода в бассейне реки Ангрен, как одного из составных орографических районов Тянь-Шаня, позволяют определить некоторые характерные особенности

динамики изменения ландшафтно-климатических и экологических обстановок. Изучены хроностратиграфические аспекты истории развития природной среды на основе исследования опорных разрезов лессовых отложений четвертичного периода. Значительная информация получена при изучении ископаемых почв, которые являются одними из важнейших экологических компонентов наземных биоценозов.

В понятии почва в данной работе включен объём почвенный геологической формации, границы которой определены её свойством пространственной оболочки и формы. Изменение свойств почвы по вертикали и в пространстве, перекрытие их лессовыми образованиями свидетельствуют о смене экологических обстановок в определенные периоды формирования природной среды.

В районе исследования полученные данные позволяют определить, что смена экологических обстановок в значительной степени обусловлена денудационно-аккумулятивными процессами, периодически повторяющимися со сменами фаз относительной тектонической стабилизации, а также колебаниями климата. Тектонические и климатические факторы приводят к изменению целого комплекса экологических процессов, в том числе к смене свойств и структур почвенного покрова.

Изучение формирования почвенных горизонтов и подстилающихся лессовых отложений позволило выделить ряд реликтовых признаков палеопочв. На основании данного материала получены представления о цикличности формирования почв, что позволяет определить закономерности развития экологических обстановок.

Реконструкция экологических и антропогенных процессов для определенных хронологических эпох в районе исследования, сопоставления их строения и определение закономерностей их географического распространения в Центральной Азии, сравнение с современными почвообразовательными процессами предоставляет чрезвычайно ценные данные для понимания общих законов эволюции палеогеографической среды.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

З.С.Саидкаримова
Ўзбекистон Миллий университети

География дарсларида талабалар фаоллигини ошириш улар олдига аниқ таълим вазифаларини қўйишдан бошланади. Билим олишда талабаларнинг мустақил, ижодий фаол ва ташаббускор бўлишлари улар билим доирасининг кенгайишига олиб келади.

Замонавий география дарсига қўйиладиган асосий талаблардан бири талаба ва ўқувчилар фаоллигини оширишдир. Талаба ва ўқувчиларнинг фаоллиги, биринчидан, таълимда, билим олиш жараёнида намоён бўлса, иккинчидан, билим олиши, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришини яхшилайди.

Талаба ва ўқувчиларнинг билими бутун дарс жараёнида янги мавзу учун замин бўлиб хизмат қиладиган билим ва кўникмаларнинг қай даражада ўзлаштирганлигига, янги мавзуни ўрганишдаги иштироки ва эгалланган билим ва кўникмаларига, дарс жараёнида бажарган мустақил ва амалий ишларининг мазмуни ва салмоғига бевосита боғлиқдир.

География таълимида дарслик билан ишлашга ўргатиб бориш ўқувчилар фаоллигини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Бунда ҳар бир география курсини ўрганишда дарслик ва унинг методика қўлланмаси, илова қилинган харита-схемалар, жадваллар, савол ва топшириқлар, тест саволлари билан танишиб, улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб ҳамда ўргатиб бориш зарур.

Дарсларда талаба ва ўқувчилар фаоллигини оширишда уларнинг мустақил бажарадиган ишларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида»ги (34-сон, 21.02.05) буйруғига асосланиб «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида» намунавий Низом ишлаб чиқилган. Мавзу бўйича мустақил иш бажарган талабада албатта малака, кўникма ва билим шакилланади ҳамда ривожланади. Бу вазифани бажараётган, ўқитувчи албатта ўқув-методик, ўқув-услубий қўлланмаларга, кўргазмали воситалар мазмуни ҳақидаги маълумотларга, замон талабига жавоб бера оладиган, янги педагогик технология усулларини самарали қўллаш тажрибасига эга бўлиши лозим.

К.Д.Ушинский, ўқувчилар мустақил ва фаолликлари туфайлигина билимларни пухта ўзлаштирадилар деган фикрни билдирган эди. Талаба ва ўқувчи ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида ишламаса, билимларни расман эгаллайди, лекин кейинги амалий фаолиятида ундан фойдалана олмайди. Ўқувчиларга тайёр билим бериш амалда кенг тарқалган таълим тарзи бўлиб келган. Таълимнинг бундай тарзи талаба ва ўқувчиларнинг билиш қобилиятини ривожлантира олмайди, бу эса психологлар таъбири билан айтганда: «бундай билим кераксиз юк бўлиб қолади».

Талаба ва ўқувчи ўзи қандай билим олаётганлигини, қандай ўзлаштираётганлигини, билиш усулларини қандай эгаллаётганини тушиниб етса, уни мустақил билим олиш дейиш мумкин. Бундай талаба ва ўқувчини биз иккиланмай фаоллар қаторига қўша оламиз.

Ўқув жараёнини компьютерлар, телекомуникацион жиҳозлар ва

янги техник воситалар билан ташкил этиш, яъни ўқув аудиторияларини компьютерлар, видеокамералар ва зарур дидактик материаллар билан жиҳозлаш, ўқитувчиларни улардан фойдаланишга ўргатиш таълим тизимини замон талаблари даражасида ташкил этишнинг асосий омилларидандир. Компьютер ва телекомуникацион технологияларга асосланган замонавий таълим тизимининг асосий педагогик усуллари анъанавий таълим тизимидаги педагогик усуллардан тубдан фарқ қилади.

Замонавий ахборот берувчи технологияларга асосланган ўқув жараёнида асосий фигура ўқувчи ҳисобланганлиги учун, ўқитувчи асосан ўқувчи ёки талабага берилган мураккаб ўқув ахборотларидан осонлик билан фойдалана олишига ёрдам бериш, талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятига имконият яратиш вазифаларини бажаради ҳамда уларнинг фаоллигини оширади. Шу ўринда замонавий таълим тизимида ўқитувчи ва талабалар орасидаги ўзаро индивидуал муносабат, замонавий ахборот технологиялари имконияти таъсири фаоллашади.

Анъанавий таълим тизимида ўқитувчи асосий вақтини маъруза ўтишга сарфлаган бўлса, замонавий таълим тизимида ўқитувчи ўқув фанининг мазмунини янги педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқиши, талаба-ўқувчига ўқув ахборотларидан фойдаланишга ёрдам бериши ва таълим олувчи билан фаол, индивидуал муносабатга киришмоғи зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, география дарсларида талабалар фаоллигини ошириш, улар олдига аниқ таълим вазифаларини қўйиш, билим олишда талаба ва ўқувчиларни мустақил, ижодий фаол ва билимдон бўлишларига эришиш, уларнинг билим доирасини кенгайишига олиб келади ҳамда ўқув курсини яхши ўзлаштиришларига ёрдам беради. Ўқитувчидан эса, ўқув фанини яхши билиши, замонавий технологиядан ўзи мукаммал билимга эга бўлиши ҳамда зарур бўлган Адабиётлардан кенг фойдаланиши талаб этилади.

ЧИРЧИҚ ҲАВЗАСИНИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳ.Алимуҳамедова, Н.Ғуломова
Ўзбекистон Миллий университети

Шарқ ва Ғарб маданияти туташган Ўрта Осиё ҳудудининг марказида жойлашган Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларда учрамайдиган экзотик табиати, хилма-хил ландшафтлари, флора ва фаунасининг турли-туманлиги, қадимий тарихий обидаларининг ҳозиргача сақланиб қолганлиги мазкур туристик регионнинг жозибадорлигини белгиловчи асосий омиллардандир. Буни кўпгина турист ва сайёҳларнинг танловидан ҳам билиб олса бўлади. Бу ҳудудда туристик шаҳарларга айлантирса бўладиган бир қанча шаҳарлар ва дам олиш ҳамда рекреация учун асос

бўла оладиган тоғли ҳудудлар, водийлар, сойлар, табиат ёдгорликлари мавжуд.

Ҳозирги кунда асосан ички туризм учун хизмат қилаётган рекреация ва туристик аҳамиятига молик бўлган бир неча ҳудудлар борки, бу ҳудудларни халқаро туризмга хизмат этадиган қилиш учун янада атрофлича ўрганиб, рекреация-туристик салоҳиятини кўтариш ҳозирги вақтда долзарб масаладир. Шундай ҳудудлардан бири-Чирчиқ дарёси ҳавзасидир. Бу ҳавза қадимдан энг кўп ўзлаштирилган воҳа ҳисобланади, шу билан бирга бугунги кунда бу ерда халқаро туризм учун зарур бўлган объектлар кўп, инфраструктура ҳам ҳар ҳолда мавжуд.

Чирчиқ дарёси ҳавзаси Ғарбий Тяншан тоғлари ва тоғ олди зонасида жойлашган. Ҳавзанинг асосий дарёси-Чирчиқ Сирдарёнинг энг йирик ўнг ирмоғи. Унинг узунлиги 454 км. Бу дарё Ғарбий Тяншан тоғларидаги қор ва музликлардан тўйинадиган Чотқол ва Писком дарёлари қўшилишидан бошланар эди, лекин бу дарёларга Чорвоқ сойлигида 1963 йилда Чорвоқ тўғони ва ГЭСи қурилиши бошланиб, Чорвоқ сув омбори вужудга келгандан сўнг Чирчиқ дарёси сув омбордан бошланадиган бўлди. Дарё Чиноз қишлоғи ёнида Сирдарёга қуйилади. Чирчиқ дарёси ҳавзасининг майдони 14240 км2га тенг.

Чирчиқ дарёси ҳавзаси ўзида халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларини мужассам этган. Чирчиқ, Янгийўл каби саноат шаҳарлари, катта рекреация ва туристик имкониятга эга бўлган Ғазалкент ва ниҳоят Ўзбекистоннинг энг йирик ва пойтахт шаҳри-Тошкент ҳам айнан шу ҳудудда жойлашганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Чирчиқ ҳавзасидаги деярли барча водийлар ва сойлар экологик туризмни ривожлантириш учун жуда катта табиий имкониятларга эга.

Чирчиқ дарё ҳавзасида 10 та туман мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Бўстонлиқ тумани, маркази-Ғазалкент шаҳри;
2. Зангиота тумани, маркази-Эшонгузар шаҳарчаси;
3. Паркент тумани, маркази-Паркент шаҳри;
4. Тошкент тумани, маркази-Келес шаҳри;
5. Чиноз тумани, маркази-Чиноз шаҳри;
6. Юқори Чирчиқ тумани, маркази-Янгибозор шаҳарчаси;
7. Янгийўл тумани, маркази-Гулбаҳор шаҳарчаси;
8. Ўрта Чирчиқ тумани, маркази-Тўйтепа шаҳри;
9. Қибрай тумани, маркази-Қибрай шаҳарчаси;
10. Қуйи Чирчиқ тумани, маркази-Дўстобод шаҳри.

Бўстонлиқ, Паркент туманлари ҳудуди асосан тоғ ва тоғ олди адирлардан иборат. Шунинг учун бу туманларда дам олиш ва рекреацияни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари айнан шу туманларда туризм инфраструктураси анча тараққий этган. Мисол қилиб

Ўзбекистонда тоғли ҳудудда жойлашган ва барча қулайликларга эга бўлган Чорвоқ оромгоҳининг мавжудлигини, шу билан бирга катта имкониятларга эга бўлган Чимён ва Белдерсой оромгоҳларини келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, Чирчиқ ҳавзасидаги туманларнинг деярли барчасида дам олиш уйлари, санаторий ва пансионатларда халқимиз соғлигини тиклаб келмоқдалар.

Бу ҳудудда тарихий, диний туризмда каттагина аҳамиятга эга бўлган бир қанча жойлар ҳам борки, улар ҳақида гапириб ўтмасликнинг иложи йўқ. Хожикент яқинидаги ғордан топилган тош даврига мансуб одам суягининг қолдиқлари ва қоялардаги суратлар, Зангиота туманидаги XIII асрда яшаб ўтган машхур суфий аллома Ойхужа ибн Тошхужа Зангиота мақбараси, Шавкат ота мозори кабилар бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, хусусан 2000-йилдан кейин Тошкентдан Чорвоқ туристик комплексига, Чимён, Белдерсой дам олиш оромгоҳларига борадиган, Чорвоқ сув омбори атрофи бўйлаб ўтадиган йўлларнинг қайта қурилганлиги, яхшиланганлиги бу ҳудуднинг туристик имкониятларидан янада тўлиқроқ фойдаланишга шароит яратди. Лекин Оқсоқотасой, Нурекота сойларининг такрорланмас экологик туризм имкониятларидан кенг фойдаланишга яхши автомобил йўлларининг йўқлиги тўсқинлик қилиб келмоқда. Бу сойларга ҳам яхши йўллар, дам олиш иншоотлари қурилса, туристлар сонини анча ошириш мумкин бўларди.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ПЕДАГОГИК ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАШ-ДАВР ТАЛАБИ

Б.И.Қаюмов, Г.Р. Пардаев
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

Жамиятимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий йўналишлар ислоҳотини, яъни таълимнинг президентимиз И.Каримов асос солган Ўзбек моделини амалга оширишнинг асосий мақсадларидан бири мустақил фикрловчи, эркин шахс тафаккурини таркиб топтиришдан иборат.

Президентимиз эркин фуқаро ва озод шахс ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборини қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.

Бинобарин, шахснинг эркин тафаккурини шакллантирмай туриб, демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Ушбу ижтимоий зарурат таълим тизими олдига шахс тарбиясида, унинг онги, тафаккурини шакллантиришда катта ижтимоий буюртмани белгилаган. Демак, география таълимида шахснинг мустақил, эркин тафаккурини шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг бош мақсадларидан бири бўлиб, у миллий мафкурамиздаги бош ғоялар билан чамбарчас боғлиқ. Ахир, бунёдкорлик ғоялари эркин, ижодий тафаккур заминида вужудга келиши барчага маълум.

Талабаларнинг ижодий тафаккурини шакллантириш мураккаб, серқиррали жараён бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ушбу босқич поғоналарига эришиш педагогдан ўқитувчи-«Методист» даражасидан ўқитувчи-«Технолог» касбий сифати даражасига эришишни талаб қилади. Айнан, таълим жараёнида ўқувчи ақлий қобилиятини ривожлантирувчи салоҳиятини намоён қилиш педагогик фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Биз ушбу мақолада, таълим жараёнининг ривожлантирувчи хусусиятини таркиб топтиришда педагогик технологияларнинг моҳияти нимадан иборат эканлигига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, эркин, ижодий ўзлаштириш асосан уч омилга: нимани ўқитишга, ким ва қандай ўқитишга, кимни ўқитишга боғлиқ. Педагогнинг дидактик жараённи ташкил этишида таълим-тарбиянинг мазмуни, унинг замонавийлиги, ДТС га мослиги педагог томонидан белгиланади. Бинобарин, таълим-тарбия мазмуни шахс тафаккурини шакллантирувчи асосий мезондир. Бунда ўқитувчининг методик маҳорати, тажрибаси, билими, шахсий хусусиятлари, технологик ёндашиши асосий омилдир. Агарда таълим-тарбия жараёнини икки томонлама жараён деб қарасак, юқорида қайд этилган жараёнлар педагог фаолиятида белгиланган. Аммо дидактик жараёнининг самарадорлиги талабанинг фаолияти, унинг ўзлаштириш кўрсаткичлари Билан белгиланади. Демак, таълим жараёнида ўқувчини ўзлаштириш самарадорлигини ташкил этиш, шунингдек талаба фаолиятидаги аниқ мақсад вазифаларни белгилаш педагогик технологиянинг таркибий қисмларидан биридир. Таниқли психолог Д.В. Эльконин ақлий ривожланишнинг асосий мезонини «Тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти структурасининг, унинг компонентлари, масаланинг қўйилиши, воситаларни ташлаш, ўз-ўзини текширишнинг мавжудлиги, ҳамда ўқув фаолиятидаги предмет ва символик режаларининг тўғри нисбатидир» деб баҳолайди. Педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Дидактик жараёнда мақсад асосий координация вазифасини ўтайди. Таълим-тарбия мақсади ва вазифалари шундай белигланиши лозимки, унда умумжамият, ўқув

мақсадлари ва ҳар бир босқичнинг аниқ мақсад ва вазифалари муштарак боқлиқликни таъминлаши лозим. Белгиланган мақсадларни шартли равишда икки гуруҳга бўлсак, биринчи гуруҳ педагог фаолиятида белгиланган мақсадлардан, иккинчи гуруҳда эса талабалар учун белгиланган мақсад ва вазифалардан иборат. Бу иккала гуруҳ мақсадларнинг амалга оширилиши жараёни таълим самарадорлигини кафолатлайди. Ҳанузгача бизда кўпроқ педагог мақсади, уларни амалга ошириш жараёни диққат марказида бўлиб, ўқув машғулотлари шу асосда баҳоланади. Бундай ёндашиш педагог фаолиятига берган баҳодан бошқа нарса эмас. Афсуски, бугунги кунда машғулотлар тахлилида педагог фаолияти диққатимизни қамраб олган бўлиб, машғулот самарадорлигини кўрсатувчи талабанинг белгиланган мақсадга эришганлиги, вазифаларни бажарганлиги ҳамон машғулот тахлилидан четда қолмоқда. Ваҳоланки, дидактик жараённинг ривожлантирувчи хусусияти, мақсадларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши талабанинг ўзлаштириш натижалари билан қиёсланиб аниқланади. Айнан, таълим жараёнида эришилган натижа дидактик жараённинг маҳсулдорлиги ёки маҳсулдор эмаслигини кўрсатади. Географиядан педагогик технологияга асосланган таълим жараёнини ташкил этишда ўқув мақсадларини белгилаш билан бирга ҳар бир мақсадга эришилган даражани аниқловчи назорат топшириқлари тузиш (тест, саволлар, амалий топшириқлар) ва ҳар бир топшириқ учун талабаларни максимал балл мезонлари билан таништириш лозим. Ушбу топшириқларнинг бажарилиши талабларнинг индивидуал ўзлаштириш даражасини белгилайди. Таълим жараёнинг иккинчи томони бўлган ўзлаштириш фаолиятини тўғри ташкил этиш, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш шахс характерини, унинг «Мен» лигини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, талабада ўқув меҳнатига бўлган эҳтиёжни орттиради. Талабанинг билимини баҳолаш доимо «Нимани баҳоламоқ керак?» деган савол билан боғлиқ. Баҳо ўқитиш ва ўргатиш, мақсад ва вазифаларга эришганлик даражасини акс эттиради. Таълим жараёнининг номаҳсулдорлиги дидактик жараённинг, юқорида айтиб ўтганимиздек, иккинчи босқичи етарли равишда амалга оширилмаганлиги, айниқса, таълим мазмунини ўзлаштиришда алгоритмик асосида таҳлил, умумлаштириш босқичларини амалга оширилмасликги оқибатида юзага келади. Таълим олувчиларда юзаки ўзлаштириш, схоластик асосида қабул қилиш, фан мазмунини диалектик боғлай олмаслик, хотира асосида ўқиш ва таълим мазмунини тез унутиш каби салбий йўналишлар шаклланиб бориб, билимлар бўлади ижодий билиш жараёнидан махрум этилади.

Бугунги кунда географиядан тайёрланаётган маърузалар матнини, семинар, лаборатория машғулотларини блок-модул, яъни қисмларга бўлиш, ҳар бир модулнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда талабаларнинг ўзлаштиришини аниқловчи назорат топшириқлари ва рейтинг мезонлари

ишлаб чиқиш орқалигина юқоридаги мақсадларни амалга ошириш мумкин

АНГРЕН ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК МУАММО

Т.И.Раҳимов, Р.Абдуназаров, О.Ҳакимов
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

Соглом авлоднинг вужудга келиши, ёшларнинг тарбияланишида биринчи галда экологияга эътибор бериш керак. Экологик жиҳатдан тоза тупроқ, сув ва хаво хозирги даврда жуда муаммодир. Чунки ишлаб чиқаришнинг ўсиши, янги технологияларнинг жорий этилиши ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқариш кундан-кунга кўпайиб бормоқда, бу бир томондан ижобий натижа берса, яъни фан ва техниканинг ривожланиши асосида маҳсулдорликнинг ошиши бўлса, иккинчи томони, атроф-муҳитнинг ифлосланишига – экологик ҳолатнинг ёмонлашишига олиб келади. Бунинг таъсирида ҳаво, сув, тупроқ ифлосланади. Лекин ишлаб чиқаришни камайтириш ҳам мумкин эмас, шунинг учун экологик шароитни ҳисобга олган ҳолда кам ифлослантирувчи ашёлар асосида ишлашни талаб қилади.

Ўзбекистонда экология билан дастлаб шуғулланганлардан Д.К.Кошкаров бўлиб, у Ўрта Осиёда экология мактабини яратди, буни Д.К.Кошкаров мактаби деб юритилади. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари бу ишни ривожлантириб бормоқдалар.

Ангрен шаҳри ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг йирик саноат марказига айланган. Саноат кўпайиши натижасида шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан саноат чиқитларининг маълум қисми дарёга тушади, корхона мўриларидан чиқаётган тутун ва чанглар атмсоферани ифлослайди, саноатга яқин жойлашган ерда меваларга салбий таъсир кўрсатади, чанг ва тутунларнинг тупроқларга тушиши натижасида секин-аста унимдорлиги пасаяди.

Шаҳарда экологик ҳолатнинг бундай бўлишида Республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан табиатдан унумли фойдаланиш бўйича бир қанча чоралар кўрилди ва уларни амалга ошириш бўйича ишлар қилинмоқда.

Ангренда ҳозирги кунда 26 та саноат корхонаси ишлайди (Ангрен кулолчилик комбинати қисман ишлаяпти), булар атроф-муҳит ифлосланишининг асосий манбаи ҳисобланади. Булардан энг кўп чиқитлар чиқараётганлари ёки экологик ҳолатни бузаётганлари Янги Ангрен ва Ангрен ДНЭСИ, «Цемент», «Ўзбекрезинатехника», «Темир бетон заводи», «Ангрен кўмир» конидир.

1991 йилда шаҳар корхоналаридан чиққан заҳарли моддалар йилига 77,278 минг тонна йил бўлса, кейинги йилларда анча камайди чунки айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш камайди, айримларида цеҳлар

қисман ишлайди.

Айрим корхоналарда маҳсулотларнинг етишмаслиги сабабли кўп пайтлар ишлаб чиқариш тўхтайди, бу пайтларда шаҳар ҳавоси анча тоза бўлади. Биз буни яхши деганимиз йўқ, ишлаб чиқаришни ҳам ривожлантиришимиз керак, шунда аҳолини иш билан таъминлаймиз, аҳолини саноат маҳсулотига бўлган талабини қондирамиз. Шу билан бирга саноат чиқитларини тозалайдиган технологияни олиб келишимиз керакки, бунда саноатдан чиқаётган тутунларни тозалаш, ифлос сувларни тозалаш мумкин бўлсин, шундагина шаҳар экологиясини яхшиланади.

Саноат корхоналарида кам тутун ва газ чиқарувчи ёқилғилардан фойдаланиш керак ёки заҳарли моддаларни тутиб қолувчи янги ускуналар ўрнатилиши лозим. Нима учун Ғарбий Европа мамлакатларида корхоналарнинг тоза ишлашига катта эътибор берилади. Масалан, Австрия канцлери корхоналардан заҳарли моддалар нормадан ошиқ чиқса, шу корхона эгасига катта жарима солади, бунда янги технологияни сотиб олишга мажбур бўлади ёки корхона бекилади.

Ушбу усул бизнинг Республикамизда ҳам жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ангрен шаҳри тоғ орасида бўлганлиги сабабли заҳарли ҳаво тўпланиб қолиши мумкин, буларни ёддан чиқармаслик керак. Шаҳарда Оҳангарон ўрмон хўжалиги идораси жойлашган бўлиб, бу ерда ўсимликлар етиштирувчи бўлими ҳам мавжуд, бунда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади, баҳор ойида кўчалар атрофига, боғларга ва ўрмон хўжалигига қарашли тоғли жойларга кўчат экилади, бу албатта экологик ҳолатни яхшилайди, лекин айрим жойлардаги дарахтларга ёзги иссиқ кунларда сув қуйилмаслиги сабабли дарахтлар қуриб қолади.

Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш учун шаҳар чеккасида бекорга оқаётган сувларни шаҳар ичидаги ариқларга тараш лозим.

Ангрен кўмир конидан ҳар йили жуда кўп миқдорда устки қатлам жинсларини чиқариб ташланади, булар шамол натижасида ҳавони чанг билан қоплайди ва улар ўз навбатида бошқа жойларга учиб бориши натижасида катта зарар етказади.

Агар шу чиқиндиларни олдин қазиб олинган кўмир конлари ўрнига тўкиб, чуқурларни тўлдириб яна қайтадан шу ерларда боғлар ташкил қилинса ҳар томонлама фойдадан ҳоли бўлмайди. Биринчидан, кўмир кони устидаги чиқиндиларни ташиш яқин масофаларга келтирилади, иккинчидан, чуқурлар тўлдирилади, учинчидан, сув босиш ҳавфидан сақланади, тўртинчидан, бу ерда атмосфера тозаланади ва келгусида бу янги ташкил қилинган ерлардан қишлоқ хўжалигида унимли фойдаланилади.

Дунёнинг кўпигина мамлакатларида фойдали қазилмалар кавлаб олингандан сўнг бу ерларда рекультивация ишларини олиб боришади, масалан, Уралда, Аппалачида ва бошқа жойларда. Шундай ишларни

Ангренда ҳам олиб борилса яхши бўлар эди.

Ҳозирги кунда кўмир устидаги тупроқ-шағал қатлами Ангрен-Лашкерак йўли бўйлаб тўкилиб бир неча километрли сунъий қирларни ҳосил қилган, бу қирлар олдин фойдаланиб келинган ерлар устида бўлиб, ҳозирги кунда бу ерлар яроқсиз ҳолга келишидан ташқари улардан жуда кўплаб чанг-тўзонлар кўтарилиб атроф ҳудудларни ифлослантирмоқда.

Ангрен кўмир конида рекультивация ишларини ҳеч кечиктирмасдан олиб бориш керак.

«УМУМИЙ ЕР БИЛИМИ» ДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ғ.Пардаев, М.Фаёзова
Тошкент Давлат Педагогика университети

Мустақиллик йилларида янги авлодни камол топдиришга катта эътибор берилганлигини инобатга олганда олий ва умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнида ва дарсдан ташқари ишларда кенг кўламдаги педагогик ўқитиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида таълимнинг самарадорлигини ошириш натижасидагина ёшларни мустақил ҳаётга ва фаолиятга тайёрлаш, янги жамият қурувчи онгли авлодларни етиштиришга эришиш имкониятига эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Мустакил ишларни тўғри ташкил этишда ёшларга таълим ва тарбия бериш самарадорлигини оширишда назария ва амалиётда олган билимларини боғлашда, мазмунини тўлдиришда, жамият ва табиат орасидаги ўзаро боғлиқликни диалектик нуқтаи назаридан тўлақонли тушунишда жуда катта ёрдам беради. Шунингдек ўқувчи талабаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиради ҳамда ўқитилаётган курсга нисбатан қизиқишини орттиради ва барқарорлаштиради. Ўқитишнинг самарадорлиги дарсларда турли хилдаги усул ва шакллардан фойдаланишдан, билан бирга предметлар бўйича шакллантирилган ва танланган мустақил иш турлари билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Географиядан мустақил ишларни ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолашнинг жуда кўп шакллари мавжуд. Ушбу мақолада биз «Умумий ер билими» курсидан мустақил ишларни ташкил этиш ва танлашга оид фикр-мулоҳазаларни ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда эътиборга хавола қилмоқдамиз.

Мустақил ишларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида»ги (№ 34 сон, 21. 02. 05) буйруги ва шу буйруқ иловаси «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида»ги намунавий Низом мазмуни асос қилиб олинади. Низом шартига асосан мустақил иш мавзуси танланади, фойдаланиладиган манбалар, услубий кўрсатмалар, иш мазмуни, шакли, баҳолашнинг рейтинг ишланмаси, назорат вақти, тақвим режалар тузилади ва ишчи дастур мажмуасига киритилади.

Педагогика институтларининг таълим йўналиши : - 5140500 – География ва иқтисодий билим асослари бўлими учун намунавий ўқув режасига кўра касбий фанлар бўйича жами 1057 соат; шундан Умумий ер

билимига кузги семестрда 56 соат (маърузаларга 26 соат, тажриба дарсларига 30 соат), 2 семестрда 61 соат (маъруза 29, тажрибага 32 соат) вақт мустақил иш учун ажратилган.

Ажратилган вақтни, «Умумий ер билими» курси мазмунининг бой, серқирра, мураккаб эканлигини ва бошқа хусусиятларини талабаларнинг ўзлаштириш қобилиятларини ҳамда моддий-техник манбаларни, шунингдек, талабаларнинг шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил иш турлари ва шакллари белгиланади. Талабаларга мустақил ишнинг мақсади ва вазифалари бевосита ўқитувчи иштирокида аниқ тушунтирилади. Асосий мақсад - талабада маълум мавзу бўйича малака, кўникма ва билимларни шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга оширишда, яъни мустақил ишларни ташкил этишда ўқитувчининг «актёр» эмас, балки «режиссёр», ролида фаолият кўрсатишлиги, ўқув услубий қўлланма, кўрсатмалар мазмуни хақида тўлиқ маълумотларни билишлиги ва янги педагогик технология усулларини қўллашдан бевосита хабардор бўлишлиги катта ахамиятга эга. Ўқитувчи ёрдамида талабалар мустақил ишларни бажариш давомида, янги билимларни ўзлаштириш учун маълумотлар билан ишлашни, маълумотларни тўплаш, тизимга солишни, керакли усул ва воситаларни самарали қўллаш ҳамда интернет тармоғидан ижобий фойдаланишни, иш мазмунига ижодий ёндошувни, тўғри ва аниқ хулосалар чиқаришни билиб оладилар.

«Умумий ер билими» курсида биз талабаларнинг назарий ва амалий машғулотлар даврида олган билимлари мазмунини бойитиш, дунёвий қарашларини такомиллаштириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини фаоллаштириш ва самарали ишлашларини амалга ошириш учун қуйидаги турдаги мустақил ишларнинг берилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

- назарий ва амалий мавзулар мазмунини тўлиқ ўзлаштириш учун манбалар тўплаш ва уларнинг мазмуни билан танишиш. Манбалар бўйича картотека тузиш, қисқа ва аниқ мазмунда аннотациялар ёзиш;
- баъзи бир маъруза ва тажриба мазмунини қўшимча маълумотлардан фойдаланган холда етарли даражада ёритиш ва уларни уй дафтарларида қайд этиш;
- берилган мавзуга оид ижодий иш тайёрлаш, маъруза матни ёзиш, реферат тайёрлаш, тест топшириқларини тузиш, турли географик ўйинлар ишланмасини вужудга келтириш ва бошқалар;
- географик атама ва ибораларга оид луғат дафтари тутиш ва уни тўлдириб бориш;
- курснинг ҳар бир бўлимига оид илмий, оммавий нашрлар, радио эшиттириш ва телекўрсатув маълумотларини тўплаш ва папкаларда сақлаш.

- мавзулар мазмуни асосида ҳисоб - китоб, расм - схема график ва харита схема, маълумотли жадваллар, мавзули стендлар ишлаш;

- географик номларни ўрганиш, эсда сақлаш ва уларни кўрсата билиш;

_ метеорологик станция ва географик майдончада, дала шароитида кузатиш ишларини олиб бориш, маълумотлар тўплаш ва хисоботлар ёзиш;

- баъзи бир белгиланган мавзулар бўйича мустақил дарс ўтиш учун тайёргарлик кўриш, таълим жараёнини ўтказиш ва бошқалар;

Мустақил иш турлари ва уни бажариш учун ўқитувчи рахнамолигида аниқ кўрсатмалар берилиши мавзу мазмунини тўлиқ ўзлаштиришда самара беради. Ишларни назорат қилиш ва баҳолаш (100 балли рейтинг тизимида) кафедра томонидан тасдиқланган тақвим режа асосида олиб борилади. Бажариладиган мустақил иш турлари ва улар бўйича назорат ўтказиш кунлари ҳамда баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йилининг семестри бошланишида етказилиши мустақил ишларга тайёргарлик кўришга, мавзулар мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга ва ёритишга самарали ёрдам беради.

Шахсий иш режада маъруза ва тажриба дарс соатлари ўқув юкламасида, мустақил ишлар соати эса ташкилий-услубий бўлимда қайд қилинади. Юқорида айтилганидек, курснинг мазмуни кенг қамровли, ер билимига оид қонуниятлар кўп ва мураккаб тушунчага эга. Биринчи курс талабалари учун бу курсни ўзлаштириш кўп меҳнатни, ижодий изланиш ва ёндашувни талаб этади. Мустақил иш турларини педагогик ва психологик тамойиллардан келиб чиққан ҳолда танлаш зарур. Мустақил ишнинг самараси ўқитувчининг иш тажрибаси, талабанинг қобилияти, маъсулиятни сезишлиги ва фаоллиги, таълим муассасасидаги моддий-техника базанинг бойлиги ҳамда вақтдан унумли фойдаланиш билан белгиланади. Мустақил ишларни янги педагогик технологиялар асосида ўтказиш лозим ва зарур. Акс холда «Умумий ер билими» курси мазмунини етарли даражада ўзлаштириб бўлмайди. Ижобий ёндашувлар эса келгусида табиий географик фанлар мазмунини мукаммал ўзлаштиришда етарли даражада ёрдам беради.

ВОҲ ТЕРМИНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА

Р.Ҳолиқов

Фарғона Давлат университети

Арид ўлкаларда инсон хўжалик фаолиятининг асосий йўналиши суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Суғорма деҳқончилик маданияти Ўрта Осиёда бир неча минг йиллик тарихга эга. Дастлабки ўзлаштирилган ҳудудлар эса дарё ва сойларнинг қайир ва қайир усти терассаларида бўлиб, канал ва ариқлари орқали

суғориладиган ҳудудлар воҳалар деб номланган.

Воҳа – Н.Ф.Реймерснинг «Природопользование» словарь-справочниги(1990 й)да «Жазирама чўл ёки чала чўл зонасидаги ҳудуд, табиий ёки сунъий (дарё, артезиан ёки сизот сувлари билан) суғориш орқали дарахт ўсимликлари ўсиши ва деҳқончилик қилиш мумкин, инсон яшаши учун эса муҳит атрофдаги ҳудудларга нисбатан бир мунча қулай» деб изоҳланади. Реймерс воҳа атамасини кўпроқ сунъий суғориш таъсирида ҳосил қилинган маданий экинлар майдонига нисбатан қўллайди. Шунингдек воҳаларни Антарктида қирғоқларидаги қуруқликнинг қояли қисми бўлиб материк музликларидан ҳоли, совуқ ва қуруқ иқлимли шўрланган тошлоқ чўллар қиёфасига ўҳшаш ҳудудлар деб ҳам атаган.

Воҳа сўзининг луғавий маъносини тушунишда «Краткая географическая энциклопедия»(3 том, Москва, 1962)нинг 128- бетидаги таърифни аҳамияти каттадир. Унда ёзилишича воҳа лотинча – Oasis маъносини билдиради. Дастлаб Ливия чўлидаги дарахт ва ўт ўсимликлари ўсадиган ҳудудларни воҳалар деб аталган. Мазкур луғатда воҳаларни ҳосил бўлиши табиий номланиш, сизот сувларининг юқори сатҳи билан боғлиқлиги, шунингдек дарё, кўл, каналлар орқали сунъий суғоришнинг амалга оширилиши билан боғлиқлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси(2 том, 2001 й, 504 бет)да ҳам воҳага юқоридаги мазмунга яқин ҳолда қуйидагича таҳлил берилган. Воҳа – чўл ва чала чўлларда обод қилинган ер. Воҳаларда намгарчилик қўшни районларга нисбатан кўп. Ер ости сувлари юза бўлиб, булоқлар чиқиб ётади, дарёлар вақти-вақти билан тошиб туради. Воҳалар кўпинча дарё, кўл, каналлар ва қудуқлардан сув билан таъминланади. Майдони бир неча ўн км2 дан бир неча ўн минг км2 гача бўлади, деб таъриф берилган.

Воҳалар бизнинг фикримизча суғориш таъсирида ҳосил қилинган маданий ландшафтларнинг дастлабки қиёфаси бўлиб, улардаги динамик жараёнларнинг асосида суғориш ётади. Воҳаларни агроландшафтлар деб ҳам номлаш мумкин, лекин ҳозирги агроландшафтлар замонавий техника, технология, суғориш тизимлари ва юқори агротехникага асосланган ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этади. Агроландшафтлар бошқариладиган табиий – техноген тизимлар ҳисобланади. Агроландшафтларда миграцион жараёнлар жуда кучли кечади.

Воҳаларнинг пайдо бўлиши суғориладиган худудларда бир неча минг йиллик тарихга эга. Африкада Нил, Ўрта Осиёда Сирдарё, Амударё, Зарафшон дарёлари атрофида суғориш каналлари, ариқлар ва сардоба типидаги қудуқлар атрофида дастлабки воҳалар ҳосил бўлган.

Энциклопедик ва луғавий манбаларга асосан воҳаларнинг ҳосил бўлишида нафақат сунъий суғориш жараёнлари балки табиий намланиш иштирок этади деган фикрларни айтиш ҳам жоиз бўлса, сизот сувлари ер

юзасига яқин бўлган чўл ҳудудларидаги пастқамликларда ҳосил бўлган дарахт ёки бутазорни, ўтлоқли майдонларни ҳам воҳа деб аташимиз мумкин.

А.Н.Хожиматов, А.Абдулқосимовларнинг «Ўзбекистон воҳаларининг ландшафт-экологик хусусиятлари» (География ва барқарор ривожланиш. Илмий-амалий конференция материаллари, Самарқанд, 2004, 75-77 бетлар) номли мақоласида воҳалардаги табиат компонентлари ўртасидаги алоқадорликнинг янгича турдаги шаклланиши, ландшафтларнинг тузилма-тадрижий (структурали-динамик) ҳолати инсоннинг суғорма деҳқончилик фаолияти, яъни суғориш билан белгиланади дейилади. Бу фикр ҳам воҳалар суғорма деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар эканлигини исботлайди. Лекин муаллифларнинг воҳаларни ўзгариш ҳолатига кўра табақалаштиришлари жуда юзаки. Биринчидан, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятлар ҳудудларининг бутун майдонларини воҳа деб аташлари нотўғри. Чунки, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари саноатлашган, техноген фаолиятга кучли тортилган, инженерлик иншоатлари, сув омборлари қурилган, жуда ката майдонларни шаҳарлар, қишлоқлар каби селитеб комплекслар эгаллайди. Наҳотки, биз Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа йирик шаҳарлар ҳудудини, яъни урбанизациялашган ҳудудларни ҳам воҳа деб аташимиз ёки воҳалар ҳудудига киритишимиз керак. Буниг устига кучсиз ўзгарган, кучли ўзгарган ва жуда кучли ўзгарган воҳаларни критерияси нимага асосланган. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини 2000-2500 йиллик тарихи бир бутун ҳолда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари воҳаларини даврлаштиришга асос бўла олмайдику. Ваҳоланки, Хоразм, Бухоро, Самарқанд «воҳа»лари Тошкент, Фарғона «воҳа»ларига нисбатан кучли ўзгарганми?..

Кейинги 3-5 йил ичида табиий географ олимларимизнинг аксарияти «воҳа» атамасига ёпишиб олиб, илмий мақолалар ёзмоқдалар. Бу ҳолатга биз ижобий қараймиз албатта, лекин аввало воҳа сўзининг асл маъносини билиб, унинг вақт ва макон чегарасини аниқлаб олишимиз лозим. Айрим ҳамкасбларимиз Фарғона водийсини (сувайирғичларгача майдони 78000 км2) уни турли гипсометрик баландликлардаги қисмларини, адирларини ва ҳатто Марказий Фарғонадаги ўзлаштирилмай қолган бир неча минг гектар майдонларни ҳам бита ном яъни, воҳа номи билан атайдилар.

А.Раҳматуллаевнинг «Воҳа ланшафтлари функционал бир бутун ва динамик геотизимдир» (Ўзбекистоннинг геоэологик муаммолари, конференция материаллари Самарқанд, 2004йил, 23-27-бетлар) номли мақоласида воҳа ландшафтлари бир-бутун динамик геотизимдир, деб айтади ва бу ибора маълум маънода тўғри, лекин инсон хўжалик фаолиятига тортилган айрим компонентлар, кучли ўзгарган ландшафтлар нимага асосланиб ажратилган. Айнан шу мақолада Фарғона ва Зарафшон

воҳалари атрофидаги яъни ўзлаштирилган адирларни 70-80% экин майдонида эрозия жараёни кучайган деб ёзади. Агарда муаллиф Фарғона водийсини водий эканлигини табиий генетик асосларини ҳисобга олганда воҳа атамасини водийга нисбатан қўлламаган бўлар эди.

Воҳа ландшафтлари ҳақидаги қизиқарли тадқиқотлар К.М.Боймирзаевнинг илмий мақолаларида ҳам ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ўзининг «Воҳа ландшафтлари: вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари» (Фарғона водийси воҳалари мисолида) мақоласида (Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 24-жилд, 49-51 бетлар) воҳа ландшафтларига таъриф бериб, Фарғона водийсининг воҳа ландшафтларини географик жойлашиши, генетик, рельеф, тупроқ қоплами каби хусусиятларига кўра 3 гуруҳга ажратади. Бу ерда: 1. Аллювиал текисликларда жойлашган воҳалар; 2. Қуруқ дельталарда ҳосил бўлган воҳалар; 3. Тоғ олди текисликларидаги воҳа ландшафтлари.

Воҳа ландшафтлари атамаси ҳақида гап кетганда муаллиф ўз атрофидаги чўл ва чалачўл ландшафтларидан барча табиий комплекслари ва ўзига хос табиий шароити билан тубдан фарқ қилишини, воҳа ландшафтлари аввало мунтазам суғорилиб турадиган агрокомплекслари, ирригация ва мелиорация тармоқлари, барпо этилган дарахтзорлари, аҳоли зич жойлашган селитеб комплекслардан иборат деб изоҳ беради. Шунингдек воҳа атамасини муаллиф воҳа ландшафтлари ўз атрофидаги чўл ва чалачўл ландшафтларидан барча табиий комплекслари ва ўзига хос табиий шароити билан тубдан фарқ қилади деб фикр билдирди. Шунинг билан бирга айтиш жоизки, тадқиқотчи воҳа ландшафтларини гипсометрик нуқтаи назардан классификация қилишга харакат қилган, масалан, 1.Аллювиал текисликларда жойлашган воҳалар; 2. Қуруқ дельталарда жойлашган воҳалар; 3. Тоғ олди текисликларидаги воҳалар. Мадомики, воҳаларни вужудга келиши суғориш билан боғлиқ экан таъбир жоиз бўлиб воҳа атамаси водий учун ҳам қўлланилса биринчи навбатда воҳаларни таснифлашни табиий географик асосда эмас ўзлаштириш даврлари бўйича таснифлашга тўғри келади ва айни шу ерда агроландшафтми, агроирригацион ландшафтми, ирригацион ландшафтми деган ҳар томонга бурса ҳам мос келаверадиган иборалар ёки атамаларни ҳам мантиқан асослашга имконият туғилган бўлар эди. Мазкур фикр ва мулоҳазалар билан муаллиф юқорида номлари қайд этилган ҳурматли олимларимизга ҳеч қандай шахсий муносабат эмас балки илмий мунозарани назарда тутади ва ҳолис фикр билдиришларингизни илтимос қилади.

ТОПОНИМИК ҚОНУНИЯТЛАР ХУСУСИДА

С.Бўриев
Самарқанд Давлат университети

Тилшунослигимизда шу пайтга қадар тўпланган илмий материаллар асосида аста-секин ўзбек топонимикасининг назарий масалалари билан шуғулланишни яна ҳам жонлантириш лозим бўлади. “Бунга фақат номларнинг маъносини ахтариш билан эришиб бўлмайди, балки жой номлари қўйилишидаги қонуниятларни қидириб топиш... керак”, дейди С.Қораев.

География объектларга ном қўйиш ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг объектив зарурат эканлигини, тарихий ва лингвистик ҳодиса саналишини асослаш; апеллятивнинг атоқли отларга айланишида объектив ва субъектив шарт-шароитларни белгилаш; трансплантацион ва метафорик-метонимик кўчимларни аниқлаш, тополексема, топоасос ва топонимик аниқлагичлардан иборат топонимик қурилишда соддаликдан мураккабликка қараб бориш жараёнини кузатиш; топонимларнинг муайян ҳудудга хос маҳсулдор семантик типларини аниқлаш; ўз ва субстрат топонимлар чегарасини кўрсатиш; топонимик таҳлил методларини белгилаш; номлардаги омиллар каби қатор масалалар ана шу назарий муаммолар сирасига киради. Топонимик қонуниятларнинг ечимини топиш бу каби қатор назарий муаммоларни ҳал этиш билан чамбарчас боғликдир. Бу борада С. Қораев “География номлар маъноси” (Т.,1978) асарида топонимик қонуниятларнинг яна айримлари хусусида сўз юритган.

Маълумки, халқ тилининг аломатларини ўзида мужассам этиш топонимларга хос хусусият саналади. Шунинг учун бир халқ тили қоидалари асосида яратилган субстрат топонимларни иккинчи бир тилга ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қилишнинг, одатда, имкони бўлмайди. қабул қилинган тилнинг фонетик ва грамматик қоидаларига мослашишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам, “топонимистнинг вазифаси,- деб таъкидлайди С.Қораев,- замон ўтиши билан ташқи қиёфаси ўзгариб кетган номларни аниқлаш, уларнинг дастлабки шаклларини топишдан иборатдир”.

С.қораев яна бир қонуният сифатида ҳар бир жойнинг бир неча хусусияти бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда у шу географик объектнинг номланишига сабаб бўлган хусусиятларни назарда тутади ва “ана шу хусусиятлардан қайси бирини танлаш жамиятнинг талабига, унинг тараққиёт даражасига боғлиқ”, дейди.

Навбатдаги қонуният бир жойга бошқа ерлардан фарқ қиладиган хусусиятларига қараб ном қўйишидир. С.Қораев бу қонунни В.А.Никонов нисбий негативлик қонуни деб айтганлигини эслатади ва жойларга ном бериш жамиятнинг, ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасига

боғлиқлиги ҳам қонуният эканлигини таъкидлайди ҳамда буни топонимиканинг асосий қонуни деб аташликларини айтади.

Бу ҳақида С.қораев яна қуйидагиларни айтиб ўтади: “Ер юзида якка-ягона, бошқалардан бутунлай ажралиб қолган ном йўқ, балки жой номлари бир-бирлари билан боғлиқ, бир ном бошқа бир номга нисбат бериб қўйилади”.

“Географик номларнинг кўпгина аломатлари орасида уларнинг ҳаммаси учун асосий бўлган хусусият ажралиб туради, у ҳам бўлса, жой номларини бир-бирларига таққослаш мумкинлигидир” (Оқдарё-қорадарё, Оқтоғ-қортоғ каби). “Топонимларнинг ана-шундай ёнма-ён келишини, уларнинг бир-бирига нисбатан ном олишини В.А.Никонов қатор қонуни деб атади”. Олимнинг таъкидлашича, топонимик қонуниятлардан яна бири номларнинг бир жойдан иккинчи жойга “кўчиб юриши”, бошқа жойларда ҳам шу номларнинг такрорланиши бўлиб ҳисобланади: “Ўзбекистонда такрорланадиган номлар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам бошқаларига нисбат бериб қўйилган номлар дейиш хато бўлар эди. Агар бирон қишлоқ номи кўп ерларда учраса, у аввало этноним, яъни бирон миллат, уруғ, қабиланинг номи бўлади. Масалан, қўнғирот, Манғит, Урганжи, Митан, Араб номли қишлоқлар этнотопонимларидир. Терминлар ҳам жой номлари таркибида такрор-такрор учрайди: работ, булоқ, қудуқ, сой, сув, қум, тош, газа, танги, қопчиғай, тоғ, даҳана, арна, тепа каби терминлар ана шулар жумласидандир. Топонимларнинг ана шундай такрорланиб туриши уларни классификацияга бўлиб ўрганиш ишини осонлаштиради.

Ҳ.Ҳасанов бу ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “…топонимиканинг қонунлари шундайки, жойларга берилган номлар бирон нарсанинг кўплигидангина эмас, балки ўша нарсанинг камлигидан ҳам бўлади”.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, номлар географик объектларга ўз-ўзидан, стихияли тарзда қўйилавермайди. Уларнинг номланишида табиат ва жамиятнинг уйғунлигига мувофиқ келадиган, муайян ҳудудларда яшаган ва яшаётган аҳолининг турмуш тарзи, руҳияти, этнографияси, бир сўз билан айтганда, маънавияти билан боғлиқ бўлган, бундан ташқари, номланиш даврида мавжуд бўлган тилни ўзида акс эттирадиган қонун-қоидалар амал қилди. Ана шу қонун-қоидаларни англамасдан ва уларга амал қилмасдан туриб, топонимик тадқиқотларда мукаммалликни даъво қилиб бўлмайди.

Адабиёт

1. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? -Т., 1970, 9-б.

2. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965.

3. Никонов В.А. Вопросы топонимики Востока // В сб. Топонимика Востока. – М.,1962, с.14.

ТАБИАТ ҚОНУНЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ ҲАМДА ЖАМИЯТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ

А.А.Назаров
Наманган Давлат университети

Ишлаб чиқариш тараққиётида (табиат ва унинг ресурсларини хўжалик муомаласига киритиш жараёнида) жамият қонунлари билан бир даражада табиат қонунларига ҳам амал қилингандагина муттасил барқарор ривожланиш вужудга келиши кўплаб олимлар, жумладан Э.Л.Золотарев (1972), В.М.Легостаев (1975), В.А.Анучин (1978), А.И.Печерин (1978), Ю.К.Ефремов (1978), В.С.Преображенский (1985), П.Ғуломов (1985; 1990), Т.Г.Рунова (1985; 1987),Н.Ф.Реймерс (1990) А.Рафиқов (1997, 2002) бошқалар томонидан ўз вақтида таъкидлаб ўтилган.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни экстенсив усулда ривожлантиришга катта эътибор берилиб, кўпинча табиат қонунларига асосланмаслик оқибатида жамият хўжаликни тубдан тараққиёт босқичига олиб чиқа олмаганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Чунки, юзага келган салбий оқибатлар ҳажми иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли даражада тўсқинлик қилмоқда.

Табиат қонунлари бениҳоя бисёр бўлиб, уларнинг барчасига нисбатан эътиборли бўлиш лозим. Табиатнинг туб қонунларидан бири **мавжуд моддий тизим ва уни ўраб турган атроф-муҳитнинг бир бутунлиги** ҳисобланади. Бир бутунлик қонуни энг муҳим ва устивор характерга эга бўлиб, геотизимда турли омиллар таъсирида ҳудудий (баъзан сифат) ўзгаришлар содир бўлиши қўшни геотизимларда ҳам ўзгаришлар содир бўлишига таъсир этади. Бундай ўзгаришлар ёнбағирлар, ботиқлар, текисликларда юз бериши тез-тез такрорланади. Дарёларнинг юқори террасаларида суғоришнинг ривожлантирилиши, қуйи террасаларда грунт сувлари сатҳининг кескин кўтарилиб кетишига сабаб бўлади ва бошқ. Бинобарин, юқори юзаларда ирригация тараққиётини режалаштириш жараёнида унинг қуйи террасалардаги оқибатларини, яъни сабаб-оқибат занжирини тўғри ҳисобга олиш жоиз, акс ҳолда номақбул жараёнларнинг ҳудудий шаклланиши кузатилади.

Жамиятнинг тезкорлик билан ривожланиши кўп ҳолларда ҳудуд **ландшафтларининг хилма-хиллик** қонунига ҳам боғлиқ. Аниқланишича, ўлка ландшафтларининг хилма-хил бўлиши ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри таъсир этади, чунки, турлича табиий шароит турлича ресурсларнинг мавжуд бўлишига олиб келади. Ўз навбатида ҳар хил ресурслар хўжаликнинг тараққиётига сезиларли таъсир этади. Аксинча, табиий шароитнинг бир хил бўлиши ресурсларнинг ҳам камбағал ва кам турда бўлишига олиб келади. Дарвоқе, ҳудуднинг

ресурслар эвазига ривожланиши суст кечади.

Табиат компонентларининг ўзаро боғлиқлик, алоқа ва ҳамжиҳатлик муносабатда бўлиши қонуни жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бу қонунга асосланиши айни муддао. Одатда, табиий комплекслар барча компонентларининг ўзаро боғлиқлик хусусияти, улардан бирининг ташқи таъсир натижасида ўзгариши билан қолган компонентлар ҳам "акс-садо" тизимида ўзгаришга мойил бўлади. Бу ҳодиса оқибатда табиий комплекснинг ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кўпинча салбий натижа билан тугайди. Демак, компонентларнинг ўзаро боғлиқлик хусусияти ресурсларни муомалага киритишда субъектнинг диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Ландшафтларнинг барқарорлиги ва уларнинг ўз-ўзини тозалаш ва тиклаш қобилияти табиатдан фойдаланишда муҳим амалий аҳамият касб этади. Барқарор ландшафт унинг ресурсларидан фойдаланиш чоғида ўз структурасини ўзгартирмай ривожланиш йўлида бўлади. Бунга унинг ўз-ўзини тозалаш ва тикланиш қобилиятлари ёрдам беради. Тозаланиш одатда табиий комплекснинг инсон хўжалик фаолияти жараёнида ифлосланишга берилмаслиги ёки ифлосланганда ҳам тез муддатда ўз-ўзини тозалаши тушунилади. М.А.Глазовскаянинг (1988) уқтиришича, агарда ландшафт техноген чиқиндилардан тозаланиш хусусиятига эга бўлса, у ҳолда бу ландшафт барқарорлик хусусиятига эга бўлади. В.С.Преображенский ва бошқаларнинг (1988) таъкидлашича, ландшафт инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариб, ўз структурасини ўзгартирса, лекин ушбу таъсир маълум вақтдан кейин тўхтаганда, у яна аввалги структурасини тиклай олса, бу ландшафт ҳам барқарор ҳисобланади. Бироқ табиатда бундай ландшафтлар кам учрайди. Бинобарин, ландшафт ресурслари хўжалик муомаласига киритилганда унинг бу хусусиятига алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки, структуранинг бузилиши нафақат табиий шароит, балки, унинг бойлигига ҳам жиддий путур етказади.

Табиатдан фойдаланиш **геотизимларни ўзгарувчанлик хусусиятига** боғлиқ, чунки уларнинг беқарорлиги мавжуд бойликларнинг ишлатилишини мураккаблаштиради, камбағал-лаштиради. Бундай вазиятда ҳудудда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим, яъни геотизимларнинг ресурсларини муомалага киритиш жараёнида уларнинг ўзгариш даражаси нечоғлик паст бўлишига ҳаракат қилиниши самарали натижа беради. Кучли ўзгарган ландшафтларнинг бойликлари ҳам шунга мувофиқ камайиб боради ҳамда уларнинг ўз-ўзини бошқаруви ҳам сусайиб кетади, шунингдек инсон томонидан кўрсатиладиган бошқарувга қарам бўлиб қолади.

Табиий комплекслар ва жараёнларнинг ўзгариш йўналиш-лари

ҳамда уларнинг динамик ўзгарувчанлиги табиатдан фойда-ланиш пайтида диққат-эътиборда бўлишини тақозо этади. Ҳар бир ландшафт ўзининг структурали динамик ҳолатига мувофиқ маълум ўзгариш ёҳуд тараққиёт йўналишида бўлади. Бунда айтайлик, тупроқ эрозияси ёки шўрланиши, камбағаллашуви ва бошқалар ривожланиши кузатилса, ресурслардан фойдаланиш жараёнида ушбу номақбул ҳодисаларни олдини олиш, албатта, диққат марказда бўлиши, ишлаб чиқаришни узлуксиз хом ашё билан таъминлашни кафолатлайди. Орол денгизи сатҳининг тушиб бориши туфайли Амударё дельтасида кучли тарзда чўллашиш ривожланаётган бир фурсатда ушбу ҳодисанинг олдини олиш тадбирларини қўллаган ҳолда яйлов ёки ер ресурсларидан фойдаланишга киришиш мумкин. Ёки мазкур (Наманган) вилоят тоғ олди ҳудудидаги ерлардан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш бошланган тақдирда энг аввал эрозияни олдини олувчи чоралар негизида ер ўзлаштиришга киришиш лозим.

Табиий муҳитнинг инсон омили таъсирида ифлосланиш даражасини ҳисобга олиш, бойликлардан фойдаланиш жараёнида эътиборга лойиқ. Ҳудуднинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши, шунингдек унинг қашшоқлик тоифаси бойликларни муомалага киритишда мезон вазифасини ўтайди. Бундай вазиятда аввало ландшафтнинг қандай гуруҳдаги технологик чиқиндилар билан ифлосланганлиги устувор аҳамиятга эга, хусусан оғир металлар, нефт маҳсулотлари, органик бирикмалар, радиация элементлари (радионуклидлар) ва бошқалар билан ифлосланганлиги аниқланиши лозим. Шунга қараб уларни тозалаш ва бартараф қилиш йўллари изланади. Одатда ҳудуд техноген ёки биоген ва бошқа чиқиндилардан обдан ҳоли қилингандан сўнг ресурслар муомалага киритилиши иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Умуман жамиятнинг фаолияти табиат қонунларига қанчалик мос келса, жамиятга ҳам шунчали фойда келтиради. Аксинча, табиат қонунларига мос келмаса, жамиятга камроқ самара беради. Демак, табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш мавжуд табиат қонунлари ва қонуниятларини географик хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш орқали амалга оширилса юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Адабиёт

1. Преображенский В.С. и др. Основы ландшафтного анализа. -М.: Наука, 1988-198 с.

2. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. - Т.: Ўқитувчи. 1997. - 110б.

3. Реймерс Н.Ф. Природопользование: Словарь-справочник. -М.: Мысль, 1990.

ВОҲА ЛАНДШАФТЛАРИ ВА АГРОИРРИГАЦИЯ ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ТЕКШИРИЛИШ ТАРИХИ

К.М.Боймирзаев
Наманган Давлат университети

Арид иқлимли ўлкаларда кенг тарқалган ва шаклланиш тарихи замон ва маконда бир неча минг йилларга эга бўлган воҳа ландшафтлари Ўрта Осиё геосистемалари таркибида алоҳида ўрин эгаллайди. Воҳа ландшафт комплекслари Ўзбекистонда, айниқса Фарғона водийсида жуда кўп тарқалганлигига қарамасдан, уларни алоҳида мустақил табиат комплекси сифатида ўрганишга, тадбиқ этишга ва карталаштиришга географлар томонидан анча кечроқ эътибор берила бошланди.

Ўзбекистон ҳудудидаги айрим воҳаларнинг табиатига тавсиф берилганда баъзи маълумотларни Х1Х аср охирида чоп этилган илмий асарларда учратиш мумкин. Бунга М.Н.Богдановнинг 1882 йилда чоп этилган «Хива воҳаси ва Қизилқум саҳроси табиатининг очерклари» («Очерк природў Хивинского оазиса и пустинў Кизилкум») рисоласи мисол бўла олади. Ўрта Осиё воҳа ландшафтлари тўғрисидаги айрим фикрлар Ю.Г.Саушкиннинг «Маданий ландшафт» (1946) илмий мақоласидан ўрин олган, бу ишда Ю.Г.Саушкин инсон хўжалик фаолияти таъсирида янги ландшафт комплекслари вужудга келишини таъкидлаган. Д.В.Богданов (1951) шимолий-ғарбий Помир водийларининг маданий ландшафтларини ўрганиб, уларни тубдан ўзгартириш масаласига эътибор берган.

Ф.Н.Мильков (1967, 1973, 1991) антропоген ландшафт-шуносликка асос солиш билан бирга воҳа ландшафтларини тадқиқ этиш масаласига ҳам эътибор берган. Унингча табиат комплекслари ўзларининг келиб чиқишига кўра қандай генетик қаторлар ташкил этган бўлса, антропоген ландшафтлар, жумладан воҳа ландшафтлари ҳам геосистемалар таркибида ўз генетик қаторига эга. Шундай экан, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва карталаштириш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

А.В.Солопов (1971) воҳа ландшафтлари ва чўлларнинг, унга яқин жойлашган участкалари ўртасида мавжуд бўлган алоқадорликни ўрганган. Унинг фикрича шамол, ер ости ва устки оқимлари туфайли воҳа билан чўл геокомплекслари ўртасида ўзаро алоқадорлик содир бўлади. Бунинг натижасида иссиқлик, намлик ва минерал тузларнинг геотизимлари ўртасидаги ўзаро алмашинув фаоллашади. Бинобарин, воҳа ва чўл табиат мажмуаларининг ўзаро узвий алоқадорлиги туфайли ягона ёки бир бутун термогидродинамик тизим ташкил топади.

Ўрта Осиё воҳа ландшафтларини комплекс тадқиқ этиш, уларни морфологик таркибини аниқлаш, ажратиш, чегаралаш, таснифлаш,

карталарга тушириш каби ишлар А.А.Абдулқосимов (1977, 1989) томонидан амалга оширилган. Муаллиф воҳа ландшафтларини зонал ва вертикал дифференцияланиш ҳолатларини хисобга олган ҳолда уларга тавсиф берган. Воҳа ландшафтларини қайси рельеф типида вужудга келганлигини хисобга олиб, уларнинг бир неча типларини ажратган: тоғолди текислигидаги воҳалар, тоғ оралиғи ботиқларидаги воҳалар, дарё қайирларидаги воҳалар, қадимги ва ҳозирги дельталардаги воҳалар, қумли чўллардаги воҳалар ва бошқалар. Бундан ташқари А.А.Абдулқосимов (1989), Ўрта Осиё воҳа ландшафтларининг ареалларини майда масштабли картасини, Андижон, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Каттақўрғон ва Денов воҳаларининг йирик масштабли ландшафт типологик хариталарини тузган, муаллиф Ўрта Осиё воҳа ландшафтларини шаклланиш тарихини тарихий-археологик услубда тадқиқ этиб, уларнинг асосий шаклланиш марказларини ҳам аниқлаган.

Ўзбекистон табиатининг тадқиқотчилари бу ўлканинг фақатгина воҳа ландшафтларини текшириш билангина шуғул-ланиб қолмасдан, балки воҳаларда минг йиллар давомида суғо-риб деҳқончилик қилиш натижасида вужудга келган агроир-ригацион ётқизиқларнинг ҳосил бўлишини уларнинг хусу-сиятларини, ландшафт комплексларининг шаклланишидаги ўр-нини, хилма-хил таркибларга эга эканлигини, шу билан бирга деҳқончиликни ривожлантиришдаги ва хосилдорликни ошир-ишдаги ролини тадқиқ этиш билан ҳам шуғулландилар. Бу борада ҳам тадқиқотчилар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўрта Осиёда обикор деҳқончилик қилинадиган ерлар жуда кўп бўлиб, минг йиллардан бери узлуксиз суғорилиб келинади. Суғориб деҳқончилик қилиш узоқ йиллар давомида тупроқлар табиий ҳолатини ўзгаришига сабаб бўлди. Чунки обикор деҳ-қончиликда ерга туташиб турган ҳавонинг ҳарорати пасаяди, микроиқлим ўзгаради, нисбий намлик ортади, тупроқдаги нам-лик режими, микрофлора таркиби, чиринди миқдори, грану-лометрик таркиби ва физик хоссалари ўзгаради. Бу омилларнинг барчаси, шунингдек, шудгорлаш ва ўғитлаш каби тадбирларнинг биргаликдаги таъсири туфайли турли қалинликда тупроқнинг ўзига хос алоҳида типчалари пайдо бўлган.

Тупроқда инсон хўжалик фаолиятининг давомийлиги қанчалик узоқ давом этган бўлса, агроирригация ётқизиқ-ларининг қалинлиги ҳам шунчалик ортиб боради. Ўрта Осиё шароитида обикор деҳқончилик қилиниши натижасида бир йилда ўрта хисобда 0,5-1,0 мм қалинликда (Орлов, 1934) агро-ирригация ётқизиқлари тўпланганлиги аниқланган. Демак, су-рункасига минг йиллар давомида деҳқончилик қилинган туп-роқларда бир метр қалинликда агроирригация ётқизиқлари ҳосил бўлади.

Ўрта Осиёнинг қадимий деҳқончилик воҳаларида бу хилдаги тупроқлар айниқса кўп учрайди. Бундай тупроқлар генезисининг ўзига хос

бўлган яна битта хусусияти агроирригация ётқизиқларининг ҳар йили анча кўп миқдорда келтирилиши хисобига тупроқ ҳосил бўлиш жараёнининг доимо янгиланиб туришидан иборат. М.А.Орлов (1937) хисобига кўра, Зарафшон водийси шароитида далаларни суғориш туфайли ҳосил бўладиган ётқизиқлар қатламининг қалинлиги ҳар йили 2 мм га етиб бориши мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек жуда қадимдан суғорилиб деҳқончилик қилинаётган воҳаларда, масалан, Зарафшон воҳасида 3 метр, Туркманистоннинг жануби-ғарбида жойлашган Мессериан воҳасида 4 метрга яқин агроирригация ётқизиқлари ҳосил бўлганлиги аниқланди. Табиий равишда тарқалган бу хилдаги тупроқларни Зарафшон, Фарғона водийларидаги кўп ҳудудларда ҳам учратиш мумкин.

Агроирригация ётқизиқлари мавжуд бўлган тупроқлар Тошкент, Сурхондарё, Душанбе, Кулоб ва бошқа вилоятларда ҳам учрайди, бироқ бу вилоятлардаги агроирригация ётқизиқларининг қалинлиги 50-100 см дан ортмайди.

Юқоридаги воҳа ва вилоятлар ҳудуди бирорта суғориш манбаига боғланган бўлиб, агроирригация ётқизиқларининг ранги, сув лойқаси, минерологик ва кимёвий таркиби жиҳатидан бири иккинчисидан фарқ қилади. Шунга кўра суғориладиган типик бўз тупроқлар хилма-хил механик таркибли бўлади.

Агроирригация ётқизиқларининг минералогик таркиби текширилиши натижасида, бу ётқизиқларнинг жуда ҳам хилма-хил минераллардан ташкил топганлиги аниқланган. Уларнинг таркибида типик лёссларга ва пролювиал майин заррали ётқизиқларга қараганда кварц умуман кўп, слюда ҳам кўпроқ, дала шпати эса улардагига нисбатан камроқ бўлади. Бу текширишлар агроирригацион ётқизиқларнинг минерологик тузилиши регионал характерда бўлишини очиқ-ойдин ва етарли даражада равшан қилиб кўрсатади.

Ер бетини текислаш ва тупроққа ўғит солиш натижасида тупроқнинг механик тузилиши кучли равишда ўзгаради. Бунинг орасида қумоқ оғир тупроқлар кўпроқ, ўртача қумоқ тупроқлар ҳамда соз тупроқлар камроқ тарқалади. Текширилаётган тупроқнинг яна бир хусусияти сифатида майин зарраларнинг фракцион таркибли бўлишини кўрсатиб ўтмоқ керак. Унинг таркибида чанг кам, физик соз тупроқ ва лойқа эса кўп бўлиши билан лёссимон қумоқ тупроқлардан ажралади.

Узоқ вақт давомида суғорилиб келинган ерларда майин фракциялар, айниқса лойқа кўпаяди. Бундай ҳодисанинг юз бериши берчланиш жараёнини жуда секин кучаяётганлигидан далолат беради.Узоқ вақт давомида суғорилиб келинган ерлар сувларнинг таъсири туфайли берчланиш билан бир қаторда бу тупроқларда ўтлоқ тупроқларнинг ҳам баъзи хусусиятлари пайдо бўлади. Бу хусусиятлар асосан чириндили

горизонтда органик моддалар тўпланиши ва тикланиши каби жараёнлар юз бериши туфайли бу горизонтнинг зангорсимон сув тусига киришидан иборат.

Қадимдан суғорилиб келинган бўз тупроқларнинг янги суғорила бошланган тупроқлардан яна битта фарқи уларнинг гумусли қатлами анча қалин бўлади.

Умуман, агроирригация ётқизиқлари ўрганилганда бу ҳолат ҳамма жойда ҳар хил эканлиги аниқланади. Қалин агроирригация ётқизиқли тупроқлар Тажан ва Мурғоб дарё ёйилмалари, Зарафшон ҳавзасида ва Хоразм пасттекислигида қадимдан обикор деҳқончилик мавжудлигидан дарак беради.

Бу жойларда инсон фаолияти таъсирида яра-тилган агроирригация қатламининг қалинлиги 2-3 метрга етади.

Узоқ йиллар давомида «Фарғона водийсида агроирригация ётқизиқларнинг қалинлиги 1,5 метрдан ортмайди» деган хато хулосалар мавжуд бўлиб, шунга кўра Фарғона водийсида суғориш тарихи қисқа ёки агроирригация қатлами тўпланиши учун шароит бўлмаган деган фикрлар пайдо бўлган эди.

Фарғона водийсида тадқиқот ишларини олиб борган олимлар яқин ўтмишда водий ҳудудини ҳозиргига нисбатан серсув бўлганлиги, Чуст ва Наманган шаҳарлари атрофида ўрмон ўсимликлари ўсганлигини таъкидлайдилар.

«Бобурнома» да (1993) Сирдарёнинг чап соҳилидаги ҳозир деҳқончилик қилинаётган жойлар (Мингбулоқ тумани ҳудуди) Бобур замонасида тўқайзор ва чангалзорлар билан қопланганлиги ва йиртқич ҳайвонлар овланганлиги қайд қилинган. Иқлимшуносларнинг (Скворцов, 1927, Сапожникова, 1951, Челпанова, 1963 ва бошқалар) фикрича Фарғона водийси-нинг иқлими ўтмишда сернам, йилнинг ўртача ҳарорати эса ҳозиргига нисбатан 3,5-4,0 даража паст бўлган.

Ҳозирги пахтазор, узумзор ва боғдорчилик эгаллаган тоғолди минтақасидан торфсимон ётқизиқлар топилган бўлиб, уларнинг орасида игна баргли ўсимликларнинг қолдиқлари мавжудлиги аниқланган. Игна баргли ўсимлимкларнинг қолдиқлари, фикримизча сел ҳодисаси туфайли келган бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда игна баргли дарахтлар мутлоқ баландлиги 1200 метр ва ундан юқори бўлган тоғлардагина ўсади. Фарғона водийсидаги қадимда мавжуд бўлган булоқлар, суғориш иншоатлари ва аҳоли қўрғонларининг турли қабилалари ўртасидаги урушлар туфайли вайрон этилиши, йўқ қилиб юборилиши ҳақида ёзма маълумотлар бор. Ўрганилган материаллар водий иқлимининг ўтмишда сернам бўлганлигидан ва аста-секин қурғоқчиллашиб борганлигидан дарак беради. Фарғона водийсида тарқалган агроирригация ётқизиқларнинг бир қисми нам иқлим шароитида вужудга келган экан.

Шунингдек, ўсимликлар қопламининг қалинлиги органик қолдиқларнинг кўплаб тўпланишига сабаб бўлган. Қурғоқчил иқлимнинг бошланиши, намликнинг камайиши, кўчма қумлар-нинг ва кучли шамолларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Натижада органик моддаларга бой бўлган тупроқнинг устки қатлами кўчма қумлар ва чангсимон жинсларнинг остида қолиб кетган. Қумоқ ва қумлоқ гранулометрик таркибли жинслар тарқала бошлаган. Агроирригация қатламнинг қалин-лиги юқорида таъкидлаб ўтилганидек, деҳқончилик тарихига, суғориладиган сувларнинг лойқалик даражасига, ерларнинг гипсометрик (қиялиги) ҳолатига ва ўғитлаш ҳамда суғориш техникасига боғлиқ.

Обикор деҳқончилик тарихи узоқ муддатли бўлса, агроирригация ётқизиқлари шунчалик қалин бўлади. Фарғона водийсидаги суғориш тарихини қатор босқичларга бўлиб ўрганишни Б.В.Андрианов (1955, 1967, 1970), Н.И.Базилевич ва Л.Е.Розин (1967) қуйидагича тавсия қиладилар:

1. Қуйи неолитдан бронзагача бўлган давр. Бу босқичда лиман суғориш тараққий этиб, қайир сувларидан фойдаланганлар. Сўх-мезолит, Ашкартепа, Чодак-бронза, Косонтепа эрамиздан аввалги Ш-I асрлар, Эйлатон эрамиздан аввалги I аср, Далварзинтепа-бронза ва бошқа суғориш ишлари ривожланган деҳқончилик марказлари топилган.

2. Эрамизнинг I- IУ асрлари. Бу даврда сув иншотлари қуриш бошланган, дамбалар, сепоялар ёрдамида сув чиқарилган. Мунчоқтепа (Поп, I-аср), Косонсойтепа (эрамиздан олдинги IУ- I асрлар), Эйлатон (I-аср), Марҳамат (эрамиздан олдинги I-аср ва эрамизнинг I-асри), Ахсикент (I-Х I аср), Оқтепа (Ғарбий Марғилон, У-УШ асрлар) каби маданий марказлари топилган.

Агроирригация ётқизиқлари фақат тупроқ таркибининг яхшиланибгина қолмасдан, деҳқончилик тарихини ўрганишда, табиий ландшафтларнинг ўзгариб боришида ҳамда улар ўрнида маданий ландшафтлар пайдо бўлишида муҳим ахамиятга эга. Бу тўғрисидаги дастлабки фикрларни М.А.Орлов (1934), М.А.Панков (1957), С.А.Шувалов (1967) ва бошқа тупроқшунос олимлар томонидан ўртага ташланган бўлсада, етарли даражада ўрганилмаган. Агроирригация ётқизиқлари ҳақидаги фикрлар Б.В.Горбунов (1957), Н.В.Кимберг (1964), Н.Г.Минашина (1974), В.П.Костюченко (1957), А.М.Бобоев (1989), С.Н.Рижков (1967), Г.А.Брикина (1982), А.Мақсудов (1989, 1990, 1995) ва К.М.Боймирзаев(1990,1995,2001,2003)лар томонидан ривожлан-тирилган. Шунингдек, воҳа тупроқларининг алоҳида тупроқ типи сифатида ажратилиши чуқур ўрганилди ва фанга кири-тилди. Шу билан бир қаторда деҳқончилик тарихи тўғрисидаги материаллар янги тупроқ типчаларининг пайдо бўлиши, табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариб, маданийлашиб бо-риши аниқ маълумотлар билан бойитилди. Бу соҳадаги тадқи-қотлар фақат Фарғона водийсида эмас, Зарафшон, Тажан-

Мурғоб каби Ўрта Осиёнинг кўплаб воҳаларида ҳамда Кавказ ўлкасининг Кура-Аракс пасттекислиги каби бир қатор воҳаларда ҳам олиб борилди.

Тупроқшунос олимларнинг асримиз бошларидан буён олиб борган текширишлари ҳамда «Узгипрозем» ташкилотлари материалларидан фойдаланган ҳолда ва шунингдек, шахсий тадқиқотларимиз натижасида (А.Мақсудов, К.Боймирзаев,1990) Фарғона водийси агроирригация ётқизиқларнинг қалинлигини ифодалайдиган картасини тузишга муваффақ бўлинди. Бу картани тузишда Фарғона водийсидаги агроирригация ётқизиқларнинг мураккаблиги хисобга олинган ҳолда, илгари қабул қилинган қалинлик кўрсаткичлари ўрнига қуйидаги янги градациялар (А.Мақсудов, 1990) қўлланилди ва:

- суғориладиган тупроқларнинг қалинлиги жуда юпқа бўлган (30 см) агроирригация ётқизиқлари;

- юпқа агроирригация ётқизиқлари (қалинлиги 30-50 см);

-ўртача қалинликдаги (50-100 см) агроирригация ётқизиқлари;

- қалин (100-200 см) агроирригация ётқизиқлари;

-жуда қалин (қалинлиги 200 см дан ортиқ) агроирригация ётқизиқлари ва улар остида кўмилган қатлам мавжуд бўлган суғори-ладиган маданий тупроқлар Фарғона водийсида ҳам кенг тар-қалганлиги аниқланди.

Адабиёт

1. Абдулкосимов А.А. Оазисные ландшафты Средней Азии и их морфологическая структура//Вопросы антропогенного ландшафтоведения. Воронеж. 1972. 81-88 с.

2.Абдулкосимов А.А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. -Т.: Изд-во Фан 1983. 125 с.

3. Андрианов Б.В., Базилевич Н.И., Розин Л.Е. Из истории земель древнего орошения Хорезма // Известия ВГО. -Т.: 89. вып. 6. 1967. 517 с.

4. Бобур З.М.. Бобурнаме. Записки Бабура. -Т.: 1993. 464 с.

5. Боймирзаев К.М., Максудов А. Зависимость между окультуренными ландшафтами и мощностью агроирригационных наносов // Тезисы докладов 1-делегатского съезда почвоведов Уз. -Т.: 1990. 88 с.

6. Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием. Т.: Фан. 1990. 92 с.

7. Мильков Ф.Н. Человек и ландшафты (очерк антропогенного ландшафтоведения) -М.: Мысль. 1973. 224 с.

8. Розанов А.Н. Сероземы Средней Азии. -М.: Изд-во АН. 1951.

9. Саушкин Ю.Г. Культурный ландшафт // Вопросы географии, вып.1. -М.: 1946, с. 97-106.

10. Шувалов С.А. Почвы Наманганской области // Почвы Узбекской

ССР, т.2. -Т.: 1957. с. 249-326.

ТАБИАТДАН ЭКОЛОГИК-ГЕОГРАФИК АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

А.А.Назаров
Наманган Давлат университети

Табиатдан фойдаланиш жараёни мураккаб ва мажмуалилиги билан тавсифланганлиги туфайли ресурсларни хўжалик муомала-сига киритилаётганда ҳудуднинг экологик вазиятига етарли эътибор бермаслик натижасида маълум муддатдан сўнг унинг турли тоифалардаги оқибатлари шакллана бошлайди. Баъзан бу оқибат-лар тез муддатларда, айрим ҳолларда кеч содир бўлиши натижасида атроф-муҳит деградациясининг юз бериши ва ривожланиши ҳам узоққа чўзилиши мумкин. Бунда ҳудуднинг экологик вазиятини қисқа вақтда кескин ўзгаришини ҳам содир бўлиш ёки бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Буни табиий комплексларнинг структурали динамик ҳолатининг йўналиш хусусиятларини ўрганиш билан аниқлаш мумкин.

Табиий бойликларни ўзлаштириш жараёнида юқорида тавсифланган нохуш ҳодисаларни руй бермаслигини олдини олиш мақсадида ҳамда улардан оқилона ва самарали фойдаланиш тамойилларига таяниб, хўжаликни барқарор бошқариш учун ресурсларни экологик-географик жиҳатдан асосланган ҳолда муомалага киритиш айни муддаодир. Бу борада табиатдан фойда-ланиш жараёнини экологик ва географик қонунлар ҳамда қону-ниятларга асосланган тарзда асосий тамойиллари ва услубларини ишлаб чиқиш амалий аҳамият касб этади. Лекин бу умумий методологик асос, аслида ҳар бир ландшафт ёки ландшафтлар гурухи учун илмий тамойил ва услублар тизими асосланиши лозим. Чунки ландшафтлар гуруҳи типологик хусусиятга эга бўлишидан ташқари А.Г.Исаченко, Н.А.Солнцев таъкидлаганидек уларнинг ҳар бири индивидуал ҳислатларга ҳам эга. Айниқса, бу хусусият унинг ресурсларидан фойдаланишда яхши сезилади. Тоғ ёнбағри ва тоғолди текисликлари ландшафтларининг умумий хусусиятларидан ташқари индивидуал белгиларини ҳам назарда тутиш амалий аҳамиятга молик. Адир ландшафтлари гуруҳига Фарғона водийси-даги барча адирли комплексларни киритиш мумкин, лекин ҳар бир адирни чуқурроқ ўрганиб чиқилса, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин бўлади. Бу хусусиятлар унинг ресурсларидан хўжаликда фойдаланиш жараёнида яхши сезилади. Масалан, баъзи адирларни усти қалинроқ лёссимон жинслар билан қопланган, лекин бошқаларида эса бу қатлам бутунлай ювилиб кетган, уларда рельефнинг ўйдим-чуқурлиги ҳам турлича ва бошқ.

Табиатдан фойдаланишнинг экологик-географик асослари назарий

жиҳатдан ўрганилган ҳолда мазкур ҳудуднинг табиатидан фойдаланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини тавсифлаш амалий аҳамиятга эга.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг турли муддатларга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш билан хўжалик тармоқларини истиқболда мунтазам ривожлантириш, энг муҳими барча саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳаларини хом ашё билан муттасил таъминлашга эришилади. Суғорма ва лалми деҳқончи-ликда ердан ҳамда сувдан фойдаланишда уларнинг самарадорлиги ортиб бориши муносабати билан ялпи ҳосилдорликнинг ҳам ортиши кузатилади, бу эса ўз навбатида товар маҳсулотининг йил сайин кўпайиб боришига таъсир этади. Бошқача айтганда, хўжаликларнинг иқтисодий рентабеллиги ошиб боради. Чунки авваллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида режа тузилиб, ресурсларни маълум миқдорда хўжалик муомаласига киритиш белгиланар эди. Лекин бу жараёнда табиат муҳофазаси, бойликлардан фойдаланишнинг илмий асосларга таяниш лозимлиги ва бошқа фойдаланиш тактикасига оид тартиб-қоидаларга амал қилишга жиддий эътибор берилмаган. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида турли оқибатлар кўлами катта бўлган ва кўзланган иқтисодий самарага эришилмаган.

Табиатдан мажмуали фойдаланишни келажакда маълум муддатгача мунтазам амалга ошириш жараёни мураккаб кечади. Бунда белгиланган фойдаланиш вақтига қадар у ёки бу бойлик (лар) тўғрисида умумий ва йиллар бўйича табақалашган миқдорий ўлчамлар асосида лойиҳали кўрсаткичларга эга бўлиш лозим (масалан, суғоришга сарфланадиган сув ҳажми, экинларни ўртача суғориш меъёри ва бошқ., яйлов майдони, ўртача маҳсулдорлик, майдон бирлиги ва маҳсулдорлик негизида яйлов қанча бош молга етиши ва бошқ.). Бу эса ўз навбатида мўлжалланган муддатга қадар қанча хом ашё ёки ресурслар сарфланишини ҳисоб-китоб қилишга имкон беради. Тўғри ҳисоб-китоб натижаларида истиқболда қанча бойликдан фойдаланиш имкониятлари ва бунинг режалаштирилган ҳудудда қанчалик мавжудлиги тўғрисида ахборот юзага келади. Бу хўжалик раҳбариятига режалаштириш учун жуда зарур.

Ресурслардан фойдаланиш қанчалик илмий асосланмасин ва унга риоя қилинмасин табиий комплексларнинг барқарорлик даражалари ва бошқа сабабларга кўра маълум табиий жараёнлар-нинг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши кузатилади.. Баъзан уларнинг маълум вақт мобайнида ҳудудда бирин-кетин рўёбга чиқиши, баъзиларининг йўқолиб, бошқа турларининг таркиб топиши ҳам мумкин, бу табиий географик ва геоэкологик вазиятларнинг аниқ динамик ҳолатларига боғлиқ.

Умуман табиатдан фойдаланишда унинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга.

Акс ҳолда номатлуб ҳодисаларнинг ривожланиши кўпинча ноҳуш геоэкологик оқибатларга олиб келади, чунончи, ресурсларнинг сифати бузилади, уларнинг камбағаллашуви юз беради ва бошқ.

ПАРАГЕНЕТИК КОМПЛЕКСЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

А.Абдулқосимов, Қ.Ярашев
Самарқанд Давлат университети

Парагенетик комплекслар тўғрисидаги таълимотнинг пайдо бўлиши ландшафт-типологик карталаштириш ва табиий географик районлаштириш соҳаларида кўплаб материалларнинг тўпланиши ва улар тўғрисида билимнинг такомиллашиб бориши билан узвий боғлиқ.

1950 йиллардан бошлаб табиий географик манбаларда ҳудудларни ва уларнинг таркибида мавжуд бўлган географик комплексларни типологик тадқиқ этиш тушунчаси кенг тарқала бошлади. Типологик ландшафт комплекслари Д.Л. Арманд (1952), А.Г. Исаченко (1953), Ф.Н. Мильков (1954), Н.А. Гвоздецкий (1958) ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Айниқса Қоратупроқли Марказни ландшафт-типологик карталаштиришда Ф.Н. Мильков типологик комплексларнинг таксономик бирликлар системасини ишлаб чиққан ва илмий асослаган. Бу система ландшафт типи, жой типи ва урочиша типидан ташкил топган.

Типологик комплексларни тадқиқ қилиш, уларни ажратиш, таснифлаш ва карталаштириш ишлари Ўрта Осиёда ва Ўзбекистонда ҳам ривожлана борди. А.А. Абдулқосимов (1962) Фарғона ботиғини ландшафт-типологик карталаштириш масаласи билан шуғулланиб, унинг ҳудудида адир чала-чўл, эол қумли чўл, қайирусти терраса ва тўқай жой типларини ва уларнинг характерли урочишаларини ажратган ва карталаштирган. Шунингдек Ш.Эргашев (1974) Сурхондарё вилоятининг ландшафтларини ўрганиб, уларнинг таркибида жой типларини ажратган ва карталаштирган. Ажратилган типологик комплекслар регионал комплекслардан фарқ қилиб, улар ўзининг морфологик ўхшашлик ва полигенетик хусусиятлари ҳамда ареалларининг бир-биридан ажралган, тарқоқ ҳолда учраши билан характерланади. Типологик комплексларни ўрганишда биринчи навбатда барча типга хос бўлган умумий белгиларига аҳамият берилади.

Ландшафт-типологик комплекслар назарияси билан бир вақтда ундан принципиал фарқ қиладиган бошқача йўналиш вужудга келади. Бу йўналиш Н.А. Солнцев (1948) томонидан яратилган бўлиб, у А.Г. Исаченко (1965) ишларида ҳам ўз аксини топган. Мазкур йўналишни К.А. Дроздов (1978) географик ландшафтнинг морфологик назарияси деб атаган. Бу назария бўйича табиатда географик комплексларни тадрижий

равишда мураккаблаштириб борувчи узлуксиз қатор мавжуд бўлиб, у энг қуйи морфологик бирлик – фациядан бошланиб, табиий географик районлаштиришнинг энг юқори таксономик бирликлари – зона ва ўлкагача кўтарилади. Индивидуал бирликлар қатори икки қисмга – морфологик ва таксономик бирликларга бўлинади. Булардан биринчи гуруҳи ландшафт комплексларини кўпинча типологик йўналишда ва иккинчи гуруҳи регионал йўналишда ўрганади.

1960 йиллардан тўпланган фактик материаллар ва тажрибалар асосида типологик бирликларнинг регионал хусусиятларини аниқлаш даври бошланади. Жой типларининг морфологик жиҳатдан бир хиллиги нисбий эканлиги маълум бўлди. Жой типи тўғрисидаги билимнинг такомиллашиб бориши натижасида уни бир хил бўлган қисмларга бўлиш бошланди. Бу бўлинмалар жой типи варианти, жой деган номларни олди. Масалан, А.А. Абдулқосимов (1962, 1983) Фарғона ва Сурхондарё ботиқларида ажратган ва карталаштирган адир жой типини адирли чўл, адирли чала чўл ва адирли дашт каби вариантларга бўлган. Чунки ҳар бир жой типи бошқа типологик бирликларга ўхшаш муайян жойларни синтез қилиш ва умумлаштиришнинг натижасидир. Табиийки муайян жойлар ёки вариантлар ҳудуднинг геологик тузилиши ва рельеф шаклларига боғлиқ равишда фарқланиб боради. Шундай қилиб ҳар бир муайян жой, участка, урочиша ва ҳатто фация индивидуал характерга ва регионал хусусиятларга эга. Ҳар қандай регионал комплекс табиатда такрорланмасдир, лекин уларнинг бир-бирига ўхшаш вариантлари учраши мумкин. Регионал комплекслар типологик комплекслардан фарқ қилиб, улар моногенетик, индивидуал ва ҳудудий яхлитлик характерига эга.

Табиий географик комплексларга тавсиф беришда генетик таҳлилнинг кучайиб бориши ва парагенетик комплексларни алоҳида категория сифатида ажратилиши 1966 йилдан бошланди. Бу даврга келиб ландшафтшунослик фанига амалий талабларнинг ортиб бориши, урочиша ва жой типларининг фақат ташқи хусусиятларига тавсиф бериш билан чегараланиб қолмасдан, балки уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисида ҳам маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Ф.Н. Мильков 1966 йилда бажарилган тадқиқот ишлари натижаларига таянаб табиатда парагенетик комплекслар мавжудлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Парагенетик комплекслар табиий географик комплекс таърифига тўлиқ жавоб бериб, у регионал ва типологик бирликлардан фарқли равишда ўзининг махсус ички алоқадорлик хусусиятларига эга. Парагенетик комплекслар регионал ва типологик комплекслар сингари ўзининг мустақил таксономик системасига эга, лекин бу система ҳозирга қадар тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва асосланмаган.

Ф.Н. Мильковнинг (1966) «Парагенетик ландшафт комплекслари» («Парагенетические ландшафтнўе комплексў») мақоласи эълон қилингандан кейин В.Б. Михно (1969), З.П. Бердникова (1970), Н.И. Ахтирцева (1971), В.В. Козин (1974), А.А. Абдулқосимов (1977, 1987), К.А. Дроздов (1978) ва бошқаларнинг илмий асарлари чоп этилиб, парагенетик комплекслар тўғрисидаги назария янада ривож топди.

Ф.Н. Мильковнинг (1966) берган таърифига биноан парагенетик комплекслар деб ўзининг келиб чиқишини умумийлиги билан боғлиқ бўлган, маконда ёндош жойлашган регионал ва типологик комплекслар системасига айтилади. Парагенетик комплексларга тоғ-текислик системаси, тоғоралиғи ботиқ-тоғ ёнбағри системаси, дарё водийси, кичик дарё ҳавзалари, жарлик системаси мисол бўла олади. Ана шу мисоллардан дарё водийси парагенетик ландшафт комплексига тўхталиб ўтамиз.

Водий парагенетик комплекси қайир, қайирусти террасалар, асимметрик ёнбағирлар ва дельталардан таркиб топган. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон шароитида йирик дарёларнинг қайири ландшафт нуқтаи назардан тўқай жой типини, қайирусти террасалари эса қайирусти терраса жой типини, йирик дельталар эса аллювиал текислик дельта жой типини ташкил этади. Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг йирик дарёлари одатда тоғ, тоғолди-текислик ва текислик чўл ландшафтларини кесиб ўтади. Шу билан бирга улар табиий географик районлаштиришда турли хил регионларга – ўлка, зона, провинция ва районларга тўғри келади. Шунга қарамасдан дарё водийсининг барча элементлари – қайирлар, қайирусти террасалар, асимметрик ёнбағирлар ва дельталар келиб чиқишининг умумийлиги билан ўзаро боғланган ва бир бутун водий парагенетик ландшафт комплексини ташкил этади.

Тоғоралиғи ботиқларида ва тоғолди текисликларида, жумладан Сурхондарё ботиғида бир неча жой типларини кесиб ўтган жарлик системалари учрайди. Буларнинг ҳар бири ўзининг таксономик мавқеи жиҳатидан элементар парагенетик комплексга тўғри келади. Жарлик система географик ўрнига кўра айрим ҳолатларда адир ва тоғолди текислик жой типларида жойлашган бўлса, бошқа ҳолатларда тоғолди текислик ва қайирусти терраса жой типларида жойлашган. Жарлик система урочишалар комплекси сифатида оқим сойлиги, жарлик ва конуссимон ёйилмадан таркиб топган. Ана шу урочишалардан оқим сойлиги ва жарлик биринчи ҳолатда адир жой типининг характерли урочишалари бўлса, конуссимон ёйилма эса тоғолди текислик жой типининг характерли урочишаси ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда эса оқим сойлиги ва жарлик тоғолди текислик жой типининг характерли урочишаси бўлса, конуссимон ёйилма террасаусти жой типининг урочишаси бўлиб хизмат қилади.

Демак, мазкур урочишаларнинг ҳар бирига ландшафт-типологик

нуқтаи назардан тавсиф берилса, уларни қайси ҳудудда жойлашганлигини эътиборга олиб ўша жой типи доирасида, морфологик алоқадорлик принципига асосланган ҳолда қараш керак. Парагенетик ландшафт комплекс нуқтаи назардан тавсиф беришда эса жарлик системаси таркибидаги барча урочишаларни турли хил жой типига тааллуқли бўлишига қарамасдан, уларни парагенетик принципга асосланиб танҳо парагенетик урочишалар комплекси сифатида қараш керак (Абдулқосимов, 1977, 1987).

ГЕОЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Ш.М.Шарипов
Ўзбекистон Миллий университети

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб бошқа фанлар сингари география фанида ҳам экологиялашув жараёни юз берди. Шу сабабли экологик атамалар ва терминлар география фанига жадал кириб келди. Булардан бири *экологик вазият* тушунчаси бўлиб, географияга *геоэкологик вазият* деб киритилди. Лекин, айрим ҳолларда геоэкологик вазият атамасини ўрнига геоэкологик ҳолат, геоэкологик аҳвол, геоэкологик муҳит, геоэкологик шароит каби атамалар қўлланилаётганини кўришимиз мумкин,бу эса М.Н.Заславский таъбири билан айтганда «Фанда ва айниқса таълимда битта сўзни турлича ифода этилиши унинг мазмун ва моҳиятига турлича ёндошишга сабаб бўлади».

Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун экология ва геоэкология фанларининг ўрганиш объекти бир-биридан бутунлай фарқ қилишини ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз. Экологиянинг ўрганиш объекти экосистема бўлиб, марказида ҳўжайин туриши ва қолган компонентлар унинг (ҳўжайиннинг) яшаш муҳити, омили эканлигини ҳисобга олсак, экологик муҳит, экологик (муҳитнинг) шароити, экологик (муҳитнинг) ҳолати, экологик (муҳитнинг) аҳволи каби атамаларни қўллаш балки тўғридир ва улар қайсидир маънода синонимдир. Геоэкологиянинг ўрганиш объекти геосистема бўлиб, унда барча табиат компонентлари ўзаро тенг вазнли эканлигини ва бир-бирини тақозо этишини ҳисобга олсак, юқоридаги атамаларни ҳаммасини ҳам «географиялаштириб» бўлмаслиги аён бўлади. Экологик муҳит бирон организм учун ноқулай бўлса, бошқаси учун қулай бўлиши мумкин. Геосистема эса бир бутун бўлиб, ундаги географик қонуниятларга инсон ҳам бўйсунади ва ушбу қонуниятларни боришида бошқа компонентлар сингари бир «бўғин» сифатида иштирок этади. Агарда бир бутунлик ҳамда модда ва энергиянинг алмашинуви бузилса(айниқса инсон томонидан) табиий мувозанат бузилади, оқибатда геоэкологик вазият вужудга келади ва бу барча компонентларга таъсир этиб уларнинг (турли даражада) ўзгаришига

олиб келади. А.С.Степановских(2000 й.) геоэкологик вазиятни фақатгина антропоген ҳодиса ва жараёнларга нисбатан қўллашни таклиф қилса, А.Г.Исаченко(2003 й.) табиий муҳитни экологик ҳолати сифатида талқин этади. Бизнингча, ***геоэкологик вазият*** – муайян иерархик поғонадаги геосистемаларда жамият билан табиат ўртасидаги муносабатлар сабабли табиий ҳолда барқарор ривожланаётган бир бутунлик ҳамда модда ва энергия алмашинувининг бузилишидан сўнг вужудга келган айни вақтдаги ҳолати: санитар-гигиеник шароит; табиат компонентларининг сифат ва сон жиҳатидан камайиши; табиий ландшафтларнинг бузилиши ҳамда ўзгариши ва ҳок. Бунда нафақат шу геосистемалардаги балки, қўшни геосистемалардаги антропоген салбий таъсирларнинг оқибати ҳам ҳисобга олинади. Маълумки, ифлосланган – заҳарли моддалар атмосфера, сув ва ҳайвонлар орқали ушбу геосистемага кириб келади ҳамда геоэкологик вазиятни тадрижий ўзгаришига таъсир этмай қолмайди.

Илм-фанни бош мақсади инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш экан, геоэкологик вазиятни баҳолаш ҳам шу нуқтаи назардан амалга оширилиши лозим. Биринчи галда, атмосферанинг ифлосланиши, ичимлик сувининг ифлосланиши, тупроқларнинг эрозияга учраши, ерларнинг химиявий – заҳарли элементлар ва тоғ-кон ишлари чиқиндилари билан ифлосланиши, ўсимликларнинг деградацияга учраши ва ҳайвонлар турининг камайиши, ландшафтларнинг рекреацион хусусиятларини йўқолиши ва бошқалар назарда тутилади. Демак, геоэкологик вазият деганда инсоннинг яшаш ва ҳўжалик фаолияти муҳитининг айни вақтдаги ҳолати тушунилар экан, агарда бошқа тирик мавжудот нуқтаи назаридан бўлса экологик вазият
десак тўғрироқ бўлар.

Адабиёт

1. Заславский М.Н. Эрозия почв. -М.: «Мысль» 1979.
2. Исаченко А.Г. Введение в экологическую географию С-Пб. 2003.
3. А.С.Степановских Охрана окружающей среды -М; Природа 2000.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОТАРМОҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

О.Абдуғаниев
Фарғона давлат университети

ХХ асрнинг 90 йилларидан бошлаб кўп мамлакатларда табиат муҳофазаси экотармоқ(ЭКОНЕТ)ларнинг миллий ва регионал тизимларини яратиш орқали амалга оширила бошланди. Биологик ва ландшафт хилма-хиллиги(БЛХ)ни сақлаш бўйича «Пан-Европа стратегияси»да (1993) биринчи марта дунё бўйича экологик тармоқларни

барпо этиш эълон қилинди.

Бу концепцияга қўшилган Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг ЭКОНЕТларини ягона миллий тизимга бирлаштириш ишларини бошламоқда. Бу тизим элементлари табиатдан фойдаланишни чеклаш режими бўйича тўрт тоифага бўлинади;

1) ядровий ҳудудлар (қўриқхоналар, миллий боғлар);

2) экологик қайта тиклаш ҳудудларига буюртма масканлари, ўрмон хўжаликлари, ов ва балиқ хўжаликлари ва бошқ. киритилади. Бундай ҳудудларни Фарғона водийсининг деярли барча ҳудудларида ташкил этиш мумкин.

3) экологик йўлаклар (ядровий ҳудудлар ўртасида биологик турларнинг миграцияси, модда ва энергия алмашиб туриши юз берадиган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ҳимоя зоналари ва бошқ.);

4) табиий ресурсларни сақловчи ва тикловчи ҳамда табиатдан оқилона фойдаланиш амалга ошириладиган буфер зоналар.

Фарғона водийсининг табиати сўнги 2-3 минг йиллар давомида инсон томонидан ўзгартирилиб келиниши бу ўлкада табиий ҳудудлар майдонини кескин қисқаришига олиб келди. Бундай шароитда ЭКОНЕТлар тизимини ташкил этишда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд(АЛМЭТҲ)ларни аниқлаш, ўрганиш ва танлаш муҳим аҳамиятга эга. Уларга қўйилган талаблар орасида муҳимлари:

1)табиат ранг-баранглигини, айниқса ноёб ва қимматли объектлар ҳамда уларнинг бирикмаларини сақлаб қолиш;

2)йўқолишга, бузилишга, ўзгаришга учраётган водий табиати учун типик бўлган табиий ҳудудларни муҳофазага олиш;

3)табиий ресурсларни тиклаш, муҳофаза қилиш ва бойитиш;

4)инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соғлом табиий муҳитни сақлаш ва таъминлаш;

5)туризм ва аҳолини дам олишини ташкил этиш учун қулай географик ва иқлимий шароитларига эга бўлган ҳудудларни ажратиш ва муҳофазага олиш.

Водийнинг экотармоқлар тизими табиий муҳитнинг экологик мувозанатини оптимал сақлашга ва улар турли мақсадлар учун фойдаланишга қодир бўлсин. АЛМЭТҲларнинг оптимал тизимини барпо қилишда қуйидаги геоэкологик тамойилларни эътиборга олиш муҳимдир.

1. *Ландшафт-экологик тамойили*. АЛМЭТҲларни жойлаш-тириш ва уларни яхлит тизимини барпо этишда табиатнинг бир нечта географик ва биологик қонуниятларини ҳисобга оладиган комплекс ёндашув зарур бўлади.

Дастлаб, АЛМЭТҲларни водийнинг чўл, адир, тоғ ва яйлов минтақаларининг барча табиий географик комплекслари(ТГК) бўйича танланишига эътибор берилади. АЛМЭТҲлар ўзлари жойлашган

ТГКларни таркибий қисми сифатида бир бутунликни ташкил этади ва унинг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳар қандай АЛМЭТҲлар атрофида уни ТГКлар билан боғлаб турувчи қўриқланма (оралиқ) ҳимоя зоналарини ташкил этиш мақбул бўлади. Бу чегаралар АЛМЭТҲларни салбий антрапоген таъсирдан ҳимоя қилиш билан бирга, ТГКнинг бошқа компонентлари ва кичик табиий комплекслари билан ҳам узвий алоқадорликни сақлаш имконини беради.

2. *Юқори даражадаги БЛХни сақлаб қолиш тамойили.* Кейинги йилларда БЛХ географик ва экологик Адабиётларда кенг тарқалган тушинчалардан бири бўлиб қолди. БЛХни сақлаб қолиш табиат муҳофазасини ҳозирги кундаги муаммоларидан энг муҳими деб ҳисобланмоқда. Уни сақлаб қолиш учун ҳудудларни танлашда географик қобиқда мавжуд бўлган кўплаб табиий комплекслар орасида биринчи навбатда тирик организмларнинг турларига энг бой бўлган ТГКлар, сўнгра уларга ўхшашроқ бўлган бошқа комплекслар танланади.

3. *Ноёблик тамойили*. У одатда табиий объектлар ва ҳодисаларни такрорланмаслик даражаси билан аниқланади. Лекин ноёблик даражаси макон ва замонда нисбий ва анча ўзгарувчандир. Уни турли аспектларда кўриш мумкин: географик феномен тарзида (Конугут ғори, «Ойна тош», Оқсувкон кўли, Фарғонанинг қайнар булоқлари, реликт ёнғоқзорлар); табиатнинг табиий-тарихий нодир объектлари (Бувайда қумлари); табиатда кенг тарқалган қандайдир типик табиий объектнинг ёки ҳодисанинг энг яхши намунаси (масалан, карст ғорлари ёки қадимги мореналар, Сўх водийсидаги «яшил кўприклар»).

4. *Репрезентативлик тамойили*. Унинг асосида иерархиянинг турли даражадаги ТГКлар ва объектларни эътиборли намуналарини сақлаб қолиш зарурияти ётади. Бу контекстда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд у ёки бу регионнинг табиат эталони вазифасини бажаради.

5. *АЛМЭТҲларнинг бир-бирини тўлдириш тамойили*. Водийнинг ҳудудида АЛМЭТҲлар тизими турли вазифаларни бажарувчи АЛМЭТҲлар, масалан, қўриқхоналар, миллий ва табиат боғлари, буюртма масканлари, табиат ёдгорликлари ва бошқа табиий ҳудудлардан иборат бўлсагина кўзланган мақсадга ва самарага эришилади.

Қўриқхона, миллий ва табиат боғлари, буюртма маскани, микроқўриқхона ва табиат ёдгорликлари водийнинг ўзига хос айрим ҳудудларида ташкил этилади. Уларни бир-бири билан бирлаштиришда муҳофазага олинган бошқа табиий ҳудудлар ўзига хос ”кўприк” вазифасини бажаради. Масалан, қўрикхона, миллий боғ, буюртма маскани, микроқўриқхона, табиат ёдгорликлари бир-бири билан сувни муҳофаза қилиш зоналари, муҳофазага олинган ўрмонларнинг турли тоифалари, қўриқланма (оралиқ) зоналар, курортлар, дам олиш уйлари, рекреация зоналари ва бошқалар орқали туташтирилади. Хилма-хил табиий ҳудудлар

ўз хусусиятлари билан бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Бунинг натижасида АЛМЭТҲларнинг экологик мувозанатни ушлаб турувчи, ресурсларни сақловчи ва бойитувчи, табиий муҳит яратувчи ва бошқа хусусиятларидан оқилона ва тўлароқ фойдаланиш учун қулай шароит вужудга келади.

6. *Майдон катталиги тамойили.* Экотармоқларни ташкил этишда АЛМЭТҲлар майдонини оптимал катталикда бўлишига эътибор берилади. Чунки Республикамизда ЭКОНЕТларнинг ягона тизими туманлар ва вилоятлар ҳудудидаги АЛМЭТҲлардан ташкил топади. Уларнинг майдонини катталиги кўпинча улар жойлашган туман ва вилоятларнинг майдонлари катталигига ҳам боғлиқ бўлади. Водий ҳудудида катта майдонни эгаллаган АЛМЭТҲларни ташкил этишнинг имконияти йўқ. Бу эса бу ҳудудда геоэкологик мувозанатни, БЛХни сақлаб қолишда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Илмий Адабиётларда қўриқхона, миллий боғ, буюртма масканларининг катталиги бўйича турли тавсиялар берилган. Турли мамлакатларда ташкил этилган қўриқхона, табиат боғларнинг каталиги 20-30 гектардан бир неча миллион гектаргача боради. Йирик ўтхўр ёки йиртқич ҳайвонларни муҳофазага олган қўриқхоналарнинг майдони эса янада катта бўлади. Чунки ҳайвонларнинг яшаши ва кўпайиши учун етарлича озуқа билан таминлайдиган майдон зарур бўлади. Шунинг учун қутбий ва чўл зоналарида қўриқхоналарнинг майдони миллион гектарлардан ҳам ошиқ бўлади.

Н.Ф.Реймерс ва Ф.Р.Штильмаркларнинг (1978) тавсиясига кўра қўриқхоналар учун Россиянинг тундра зонасида 1 млн га дан ортиқ, тайга ва чўллар зонасида 250 минг га ва ундан ортиқ, дашт зонасида 10 минг га, денгиз шелъфида (саёзлигида) 25-30 минг га майдон оптимал катталик ҳисобланади.

Юқорида келтирилган майдон катталиги Фарғона водийси учун мақбул эмас. Қадимдан суғорилиб келинаётган водийнинг воҳа ТГКларида АЛМЭТҲлар майдонининг катталиги вилоятлар ҳудуди маҳаллий хусусиятларини эътиборга олган холда қуйидагича белгиланиши мумкин: табиат ёдгорликлар учун 0,25-10 га; микроқўриқхоналар 10-100га; сепортер қўриқхоналар 100-2000 га; табиат боғлари 2000-10000га; буюртма масканлари 2000- 50000га; «эталон» қўриқхоналар 2000-50000 га.

Экотизимга кирувчи сепортер-қўриқхоналари ресурс ва муҳитни сақлаш ҳамда экологик мувозанатни қувватлаш ва тиклаш вазифаларини бажаради. Улар БМТнинг таснифлаш шкаласида бошқариладиган қўриқхона(резерват)ларга киритилган. Сепортер-қўриқхоналар Ўзбекистон Республикаси шароитида муҳофазаси доимий бўлган буюртма масканларига мос келади. Бу типдаги қўриқхоналардан фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур. Чунки улар ёрдамида бир томондан табиий

ҳудудлар муҳофаза қилинади, иккинчи томондан эса қўриқхонанинг айрим қисмларида хўжалик фаолиятини амалга ошириш мумкин бўлади. Бунда табиат муҳофазаси ресурслардан фойдаланиш жараёнида амалга оширилади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ АГРОИҚЛИМИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

З.Тошбоев, С.Хусанова
Жиззах Давлат Педагогика институти,
Ўзбекистон Миллий университети

География фанининг илмий муаммоси ва усули бўлган районлаштириш масаласи ҳамма вақт ўз долзарблигини йўқотган эмас. Ҳудудни доимий ва мунтазам ўрганиб, тадқиқ этишда районлаштириш усули жуда қулай ҳисобланади. Бунда асосан табиий ва иқтисодий географик районлаштириш асосий тамойил ҳисобланади.

Районлаштириш масалаларига географлар ҳар доим ҳам катта қизиқиш билан эътибор қаратиб келган. Бу масалага доир Республикамиз миқёсида охирги маротаба 2004 йил октябрь ойида «Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий амалий конференция ҳам ўтказилди.

Ушбу масалага яқиндан ёндашган ҳолда, Жиззах вилояти ҳудудини қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишда агроиқлимий районлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Вилоят ҳудудини табиий географик жиҳатдан Н.А.Гвоздецкий, (1965), А.А. Алибеков ва С.А. Нишонов (1978) лар турли хил табиий компонентларга асосланиб турлича ҳудудий ва таксономик бирликларга ажратиб районлаштирган. Иқтисодий географик нуқтаи назардан вилоят ҳудудини Қ.М.Ҳакимов ва М.Р.Ғўдалов (2003) лар районлаштириб ўрганган. Агроиқлимий районлаштириш-ҳудудни агроиқлимий шароитларнинг ўхшашлиги ва тафовутига ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳусусиятларига қараб изчил районларга бўлишдир. Агроиқлимий районлаштириш экинларни жойлаштириш ҳамда уларни турли иқлимий ҳудудларда етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиш ва маҳсулдорлигини таъминлайдиган иқлим ресурсларини табақалашган ёндашув асосида баҳолаш орқали илмий асослаб беради. Бунда асосий мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишдир. Агроиқлимий районлаштириш муайян ҳудуддаги тупроқ ва иқлим омилларини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик, ёруғлик ва намлик ресурсларини баҳолаш асосида олиб борилади. Масалан, Ўрта Осиё минтақаси ғўзага нисбатан агроиқлимий жиҳатдан районлаштирилган. Бунда ғўза ҳосили учун етарли бўлган 100

дан юқори ҳароратлар йиғиндиси асос қилиб олинган.

Жиззах вилояти миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, тупроқ иқлим шароити маҳаллий қишлоқ хўжалиги, маҳаллий тармоқлари турли жойда турлича ривожланган. Қишлоқ хўжалиги деҳқончилигида етиштириладиган техника ва донли экинлар, дуккакли экинлар, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик тармоқларини илмий асосланган ҳудудий ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бунинг асосий моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида экстенсив ишлаб чиқаришдан интенсив ишлаб чиқаришга ўтишда ҳар бир ҳудудни иқлимий жиҳатдан ўрганиш, уни баҳолашни талаб қилади. Юқоридаги фикрларимиздан хулоса қиладиган бўлсак, келгусида вилоят аграр тармоғини ривожлантиришда иқлим омилларига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ихтисослашувига эришиш лозим бўлади.

ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

В.А.Рафиқов
Ўз Р ФА Сейсмология институти География бўлими

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари аввалдан табиий ва рекреация ресурсларига бой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишилик жамиятининг илк бор босқичларида цивилизация тоғ водийларида таркиб топиб, тараққий қилган. Ўтган асрда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда тоғ ва тоғолди ҳудудларида ишлаб чиқариш кучлари кучли ривожланди, минерал хом ашёларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида атроф муҳит ифлосланмоқда, экологик вазият жиддийлашмоқда, аҳолининг саломатлиги азият чекмоқда. Табиий муҳитнинг деградацияси ресурсларни қашшоқланиши, сифатини бузилиши, нес-нобуд бўлиши, ишлаб чиқариш учун яроқсиз ҳолга келишини кучайтирмоқда. Тоғ ёнбағирларида инсон хўжалик фаолияти таъсирида фавқулодда ва хавфли табиий жараёнларни кенг миқёсда ривожланиши кузатилмоқда. Буларнинг барчаси табиатдан фойдаланиш жараёнини илмий асосланган тарзда амалга оширишни талаб қилади.

Тоғ табиат комплексларининг динамикаси, ривожланиш қонуниятлари ва уларни табиатдан фойдаланишда ҳисобга олиш.

Тоғ ва тоғолди комплексларининг ўзгарувчанлиги уларни ташкил қилган жинсларнинг таркиби, ёнбағир қиялиги, ўсимликлар билан қопланганлик даражаси, инсон хўжалик фаолиятининг характери каби омиллар билан белгиланади. Инсон кўпинча ёнбағирларнинг ландшафт ҳолати, динамик ва ривожланиш босқичларини тўлиқ ҳисобга олмасдан хўжалик фаолиятни амалга оширади. Антропоген таъсир ландшафтнинг

бугунги ҳолати, динамик ўзгарувчанлиги ва умумий ривожланиш йўналишига турлича таъзийиқ ўтказиши мумкин. Энг муҳими ресурслардан нооқилона фойдаланилганда тоғ ландшафтлари структураси ва динамик ҳолатида салбий ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Бунинг оқибатида ландшафт компонентлари ва комплекслари орасида ўзаро табиий боғлиқлик ва таъсир қонуни бузилади. Деградациянинг индикатори сифатида аввало номатлуб табиий–антропоген жараёнлар таркиб топишини кўрсатиш мумкин, кейинчалик ҳудуднинг хўжликда фойдаланиш муомаласидан яроқсиз ҳолда бутунлай чиқиб кетиши содир бўлади.

Биологик ва ландшафт хилма-хиллиги тоғ ва тоғолди табиатидан фойдаланиш маҳсулдорлигини бир неча баравар оширади, чунки хилма-хил структурага эга бўлган ландшафтлар антропоген ва табиий таъсирларга нисбатан барқарорлиги амалда тасдиқланган. Хилма-хиллик табиат қонуни жуда муҳим, ресурслардан фойдаланишда, хусусан ер, яйлов, ўсимлик, рекреация бойликларини муомалага киритишда асқотади. Ландшафтларнинг бир хиллик хусусияти номақбул жараёнларнинг катта майдонларда ривожланишига олиб келади. Хилма-хиллик қонуни ҳудудда салбий жараёнларни вужудга келиши ва тараққий қилишини тартибга солиб туради.

Табиатнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунлари ҳамда қонуниятлари кўп, уларни ўрганиш, билиш ресурслардан оптимал фойдаланишни осонлаштиради, ландшафтларнинг бузилиш йўналишидаги ривожланиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши ҳамда бойликларнинг қашоқланишини олди олинади.

Инсон хўжалик фаолиятининг тоғ ва тоғолди ҳудудида табиий жараёнларни кечишига, комплексларига, экологик вазиятга, ресурсларини ўзгаришига таъсири.

Тоғ ёнбағирлари, водийлари ва тоғолди текисликларининг табиий комплекслари гравитацион куч, катта қиялик, тоғ-водий шамоллари, ер ости ва усти сув оқими ва бошқа омиллар таъсирида мунтазам ўзгаришда бўлади. Инсон хўжалик фаолияти натижасида тоғ ёнбағирлари ва водийларида саноат корхоналарининг жойлаштирилиши муҳитнинг ифлосланишига, бузилишига, муомаладан чиқиб кетишига олиб келмоқда. Гап шундаки, юқори ёнбағирларда ишлаб чиқариш фаолиятини кўрсатаётган саноат корхоналари (Қизилқия, Хайдаркон, Сулюкта, Анзоб, Хондиза, Ингичка, Олмалиқ, Ангрен) қуйи ёнбағирдаги ер ости ва усти сувлари хавзаларини, тупроқларни, ўсимликларни, атмосфера ҳавосини, ис гази, оғир металлар, метан, азот икки оксиди, азот оксиди ва бошқа газлар билан ифлослантирмоқда. Тоғ-водий шамоллари ифлосланган ҳавони текислик ва тоғ (Оҳангарон, Сурхон, Фарғона, Чирчиқ) водийлари бўйлаб тақсимламоқда. Натижада у ерларда ер ости сувлари оғир

металлар, нефт маҳсулотлари билан ифлосланмоқда, тупроқ ва ўсимлик таркибидаги оғир металлар ионлари руҳсат этилган меъёрдан бир неча баравар кўп учрамоқда. Ичимлик сувининг ифлосланиши туфайли аҳоли орасида турли касалликлар тарқалмоқда. Тоғ ёнбағирларида ер усти ва ости сув таъсири туфайли эрозия, сурилма, сел, суффозия, қирғоқларни қулаб тушиши каби жараёнларни ривожланиши кенг миқёсда кузатилмоқда.

Ёнбағирларда хусусан дарахт ва буталарнинг қурилиш материали сифатида қирқилиши, мол боқишни нотўғри ташкил қилиниши оқибатида ўт қопламининг деградацияси эрозия (ҳар гектарда 5-20 т ва ундан кўп тупроқнинг ювилиши) ва сурилма (ҳар гектарда 3-8 та) ларнинг интенсивлашишига сабаб бўлмоқда. Натижада ёнбағирнинг ўйдим-чуқурлиги ошиб, ундан хўжаликда фойдаланиши мураккаблашмоқда.

Сурилма, ўпирилиш, суффозия ва жар эрозияси сел ҳодисаси билан биргаликда мажмуа ҳолда табиат комплексларининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳодиса кўпинча паст тоғ минтақасида ва тоғолдининг юқори қисмида устувор. Лёсс ва лёссимон жинсларнинг тарқалиши эрозия, сурилма ва селларнинг шиддат билан ҳаракатланишига яхши шароит яратади. Типик бедленд шаклини вужудга келиши нисбатан тез муддатларда таркиб топади. Натижада лёссли қия ёнбағир ўрнида кучли парчаланган янги табиий комплекс вужудга келади.

Тоғ ва тоғолди комплексларининг экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш муаммолари.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари ягона, бир-бири билан боғлиқ табиий комплекслар бўлганлиги учун модда ва энергия алмашуви ва уларнинг бир томонлама ҳаракатини ҳисобга олинса, маълум маънода бир бутун геотизим деб ҳам аташ имконини беради. Тоғолди комплекслари тоғ геотизимлари таъсирида вужудга келади, шаклланади ва ривожланади. Шу қонуниятни ҳисобга олинса тоғолди комплексларида бўладиган барча структурали-динамик ўзгаришлар тоғларда юз берадиган табиий ва антропоген функционал ҳодиса ҳамда жараёнлар таъсир миқёсига боғлиқ. Конус ёйилмаларида содир бўладиган ўзгаришлар: дағал жинслар ёки лёссимон ётқизиқларниг қалинлигини ортиши ёҳуд камайиши тоғ ёнбағирларида содир бўладиган эрозия ва селларнинг тезкорлигига боғлиқ. Фарғона водийси конус ёйилмалари этакларининг тупроғида оғир металларнинг меъёрдан бир неча ортиқ бўлиши паст тоғларнинг ёнбағирларида жойлашган саноат корхоналари (Қизлқия, Хайдаркон, Сулюкта ва бошқ.) нинг ишлаб чиқариш фаолияти билан тушунтирилади.

Тоғолдининг қуйида жойлашган аллювиал-пролювиал текисликлари (Мирзачўл, Жиззах, Далварзин)да қўриқ ерларни ўзлаштириш, уларда экинлардан мунтазам кафолатланган ҳосил етиштириш кўп ҳолларда уларнинг юқори қисмида суғорма деҳқончилик фаолиятининг характерига

боғлиқ. Агарда аллювиал-пролювиал текисликнинг юқори қисмида суғоришда меъёридан кўп миқдорда сувдан фойдаланилса грунтнинг нам ўтказиш қобилияти катталиги туфайли унинг қуйи қисмида оқимнинг ётиқ ҳаракатини сустлиги сабабли тик кўтарилиш устун бўла бошлайди ва ер бетига яқинлашади. Оқибатда намликнинг буғланиши ҳисобига тупроқ шўрланишга берилади. Ўтган асрнинг 80-йиларида Тожикистоннинг Зафаробод туманидаги ерлар ўзлаштирилиб, суғорилганда Мирзачўлдаги 50 минг га қўриқ ва қисман суғориладиган ер шўрланиш жараёнидан катта зарар кўрган.

Тоғ ва тоғолди комплексларининг экологик-иқтисодий барқарор ривожланиши аввало табиий шароитнинг қулайлиги, табиатдан фойдаланиш жараёнининг оқилоналиги экологик вазиятнинг қаноатланарли ҳолатда бўлишлиги ва бу негизда иқтисодий кўрсаткичларнинг юқорилиги каби омилларга боғлиқ. Энг муҳими табиий ресурслардан илмий асосланган ҳолда меъёрида фойдаланиш, техноген чиқиндиларни атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларига энг минимал (руҳсат этилган) миқдорда чиқаришни таъминлаш, тупроқ ва ўсимлик қопламига оғир металлар, нефт махсулотлари, пестицидлар, радиоактив моддалар билан ифлосланишини олди олинган ҳамда аҳоли саломатлиги юқори даражада сақланган тақдирда экологик барқарорликка эришиш мумкин. Қулай соғлом экологик вазият ҳудуднинг бой қтисодий потенциалини барқарор ривожланиш йўлига солиш учун имкон беради. Бинобарин, барқарор ривожланиш мураккаб динамик тизим, у кўп аспектларни қамраб олади. Базис сифатида табиий шароит, ресурслардан фойдаланиш ҳолати, экологик вазият йўналиши (аҳоли саломатлиги билан биргаликда)ни қамраб олади. Индикатор сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланшни кўрсатиш жоиз.

Одатда саноат ишлаб чиқариши кучли ривожланган ҳудудларда экологик вазият кескин ёки танг даражада бўлиши қайд қилинади. Бу ҳол ишлаб чиқариш характери, уни замонавий, дунё андозаларига мос келадиган технология билан таъминланганлиги, ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифослантириш даражалари, корхонада техноген чиқиндиларнинг тозалаш жихозларини самарадорлиги ва бошқа кўпгина омиллар таъсири билан боғлиқ. Саноат корхоналари тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг эгаларига катта даромад келтириши барчага аён. Масалани иккинчи томони шундаки, корхона ишлаб чиқариш жараёнида атроф муҳитни техноген чиқиндилар билан ифлослайди, аҳолини турли касалликларга берилишини кучайтиради, мавжуд ресурсларни қашшоқланиши ва сифатини бузилишига жиддий аҳамият берилмайди. Корхона маъмурияти олдида бу гўёки иккинчи даражали, унчалик амалий аҳамияти йўқ масала бўлиб кўринади. Агарда етказилаётган зарарларни пул ҳисобида ҳисоб-китоб қилиб чиқилса, жами

бир йиллик зарар шу муддатдаги корхонанинг барча даромадига яқинлашиб қолса керак. Бу муаммога алоҳида аҳамият берилиши, чуқур ўрганилиши ва тегишли хулоса ишлаб чиқилиши лозим. Гап ишлаб чиқаришнинг атроф муҳит ҳолати, ресурслар сифати, экологик вазиятнинг мураккаблашуви, аҳоли саломатлигига етказаётган зарари устида бормоқда. Жуда муҳим, жиддий долзарб масала, уни ижобий ҳал қилиш айни муддао.

Иқтисодиётда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам ташкилий ва ривожланишни таъминловчи такомиллашмаган қирралари кўп. «Табиат-хўжалик-аҳоли» тизимида ички зиддиятлар ва такомиллашмаган аспектларни ўрганиш йўли билан-уларни бартараф қилиш асосида оптимал тараққиёт йўлини белгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Тоғ ва тоғолди комплексларида экологик-иқтисодий барқарор ривожланишнинг муаммолари бисёр. Аввало экологик ривожланишни барқарорлаштириш лозим, сўнгра унинг негизида иқтисодий ривожланиишни барқарорлаштириш мақсадга мувофиқ. Агарда тоғ ва тоғолди комплексларида экологик-иқтисодий барқарор ривожланишга эришилса, у ҳолда текисликда шу аспектдаги тараққиёт барқарорлигида устунликка етишиш осон кечади.

Экологик-географик антропоген ўзгаришларни бошқариш, табиатдан фойдаланиш стратегияси ва устувор йўналишлари.

Инсон тоғ ва тоғолди ҳудудларида катта бунёдкорлик лойиҳаларини амалга ошириб, мавжуд ресурсларни ишга солиш асосида, ишлаб чиқариш кучларини муттасил ривожлантирмоқда. Бу йирик масштабли антропоген ўзгартиришлар (сув омборлари, селхоналар, темир ва автомобил йўллари, каналлар, гидроузеллар, тунеллар, турли муҳандислик иншоотлари) ҳудуднинг маҳаллий табиий шароити ва омиллри таъсирига мос тушса кўп йиллик барқарор функцияга эга. Демак, муҳандислик иншоотининг атроф муҳит омиллари таъсирига бардошлиги турғун бўлса, ўз навбатида унинг атроф муҳитга кўрсатадиган техноген таъсиридан уни динамик ҳолатида кескин ўзгаришлар сезилмаса, уларнинг барқарорлик функциялари узоқ вақт давом этади.

Айрим иншоотларда бу хусусият бузилиши мумкин. Натижада у табиий омиллар таъсирига берилиб, ўзининг индивидуал функцияларини бажаришдан узоқлаша бошлайди ва маълум муддатдан сўнг ўз фаолиятини тўхтатади. Чордара, Қайроққум, Дегрез ва бошқа сув омборлари эндиликда лойқа билан тўлиб қолди, фойдали иш коэффициенти жуда ҳам кичик кўрсаткичга эга. Бундай вазиятда сувнинг ҳудудда ўта тақчиллигини ҳисобга олиб, уни таъмирлаш ва сув сиғимини лойиҳадаги кўрсаткичга етказиш мақсадга мувофиқ. Бундай мураккаб гидрологик, гидроэкологик ва амалий ландшафт доирасидаги вазифани бошқариш осон иш эмас. Бунинг учун ҳар томонлама чуқур ишланган

лойиҳа тайёрланиши лозим. Бунда муҳандисли гидрологик ва экологик ҳамда ландшафт, гидроландшафт соҳалари бўйича ишларни мажмуали ҳолда амалга ошириш кўзланган мақсадга эришишга имкон беради.

Табиатдан фойдаланиш режали, босқичли, меъёрли, узоқ келажакни кўзланган ҳолда иш тутиш, илмий асосланган тарзда ресурсларни муомалага киритиш тактикаси, тежамкорлик, табиий тугалланадиган бойликларни бошқа тугалланмайдиган альтернатив варианти (шамол, қуёш энергияси ва бошқ.) бўлган тақдирда улардан кенг фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ишлаб чиқаришда кўпроқ қўллаш, рекультивацияни ўз вақтида сифатли бажариш, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни мунтазам қўллаш, атроф муҳит мусаффолигини тўла сақлаш, экологик вазиятни қулай даражада бўлишига эришиш ва бошқа тамойилларга таянади. Табиий муҳитдан фойдаланиш жараёнида уни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бир вақтни ўзида ва баъзиларини олдиндан қўллаш, ўсимликлардаги касаллик ва хашоратларга қарши қўлланиладиган заҳарли кимёвий ашёларни иложи борича биометодлар билан алмаштириш, табиатдан фойдаланишда уни ифлослантирган ва бузганлиги учун катта жарималарни қўллаш ва умуман табиатдан фойдаланиш жараёнига айрим ҳолларда солиқ солишни амалда қўллашга ўтиш ҳам аҳамиятлидир.

Тоғ ва тоғолди комплексларида табиатдан фойдаланиш стратегияси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган узоқ муддатга мўлжалланган дастурда ишлаб чиқилиши лозим. Табиатдан фойдаланиш стратегияси-ҳудуд табиати ва унинг ресурсларини узоқ муддат (5-10 йил ва ундан кўп)га қадар ишлаб чиқариш муомаласида бўлишида ундан фойдаланиш тамойиллари, усул ва услублари, меъёрий кўрсаткичлар, бойликларни оқилона муомалага киртиш, сифат ва кескин миқдорий ўзгаришларини олдини олиш, тежамкорлик ва бошқаларга тўлиқ риоя қилиш кабилар тушунилади.

Бойликлардан фойдаланишнинг устувор йўналишлари, айтайлик сувдан барча соҳаларда, хусусан суғорма деҳқончиликда меъёрга ва сифатини яхшилаб боришга беками кўст амал қилиш, суғоришда янги прогрессив технологияни босқичма-босқич қўллашдан иборат.

Тоғ ва тоғолди комплексларининг экологик-иқтисодий барқарор ривожланиши табиий муҳитнинг қаноатланарли ҳолати, ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиат муҳофазаси ва экологик вазиятни оптимал ҳолатда бўлиши, ўз навбатида аҳоли саломатлигининг юқори даражада бўлишига ижобий таъсир этади. Бндай қулай экологик муҳитда иқтисодий барқарор ривожланиш таъминланади.

МОЛГУЗАР ТИЗМАСИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ

Г.Х.Муратова
Самарқанд Давлат университети

Молгузар тизмаси жанубий Тяншан тизимига кирувчи Туркистон тизмасининг энг шимолий ғарбий тармоғи бўлиб Мирзачўлнинг жанубида жойлашган. Молгузар тизмаси шимолий ёнбағри тоғ ва тоғ олди текислиги 390 301 ва 400 шимолий кенгликлар оралиғини, 680 шарқий узунлик атрофини ўз ичига олади. Тизма Сангзор дарёси ҳавзасининг шимолий сувайирғичи ҳисобланади. Шарқда Гўралаш давонидан (2710 м) шимоли ғарбда Амир Темур дарвозасигача (Илон ўтди дараси) давом этади. Молгузар тизмаси ғарбдан (900м) шарққа томон кўтарилиб боради, энг баланд нуқтаси Шўрбел давони (2621м) деярли тизманинг марказига тўғри келади. Тизма ўрта қисмидан шарққа томон яна пасая бошлайди.

Маъмурий жиҳатдан Молгузар тизмаси Жиззах вилоятининг қисман Ғалла орол тумани ҳудуди, ҳамда Жиззах туманнинг жанубий қисмидан, Зомин туманнинг ғарбий қисмидан ва Зарбдор туманининг кичик бир қисмидан иборат. Молгузар тизмаси шимолий ёнбағридаги тоғ ва тоғ олди текисликлари шимолдан жанубга 35 км га, ғарбдан шарққа 65 км га чўзилган, ҳудуднинг умумий майдони 2 минг квадрат километрдан ортиқ. Молгузар тизмаси рекрацион ресурсларига бой ҳудуд. Молгузар тизмаси тоғ ёнбағрлари табиатининг бениҳоя гўзаллиги, ҳавосининг ўта софлиги, арчазорлари, тоғ ёнбағрларидаги боғлари, сўлим масканлари, булоқлари, қадимий обидалари, ғорлари, Билан кўзга ташланади. Улар туристик маршрутларни очишга, дам олиш зоналари барпо этиш, альпинизмни ривожлантириш учун жуда қулай имкониятларни яратишга самарали хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Молгузар тизмасининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, машҳур курортлардан қолишмайдиган ажойиб дам олиш масканларини ташкил этиш асосий масала бўлиб қолмоқда. Буни аввало илмий изланишлар ва кузатувлар асосидагина ҳал қилиш мумкин. Экологик инқироз кучайиб бораётган бир пайтда одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун санаторий-профилакторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар, болалар оромгоҳларини сонини аввало маҳаллий рекреация ресурслари ҳисобига ошириб бориш назарда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда Молгузар тоғ тизмасида бир неча иқлимий ва даволаниш масканлари фаолият кўрсатмоқда.

Жиззах ўрмон хўжалиги ҳудудлари, сойлардаги шаршаралар, қирлар бағридаги юзлаб булоқлар, сахий табиатнинг ўзига хос неъматидир. Зомин ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонлар (арчазорлар, бодомзорлар,

бутазорлар), Зомин тоғ ўрмон қўриқхонасининг ғарбий участкалари, у ердаги сойлар, оқар сувлар натижасида пайдо бўлган ажойиб ғаройиб рельеф шакллари, улкан морена тошлари кўплаб ғорлар хақиқий табиий музейлардир. Молгузар тизмаси шимолий ёнбағриларида 30 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар, оқ тирноқли айиқ, ёввойи чўчқа, бўрсиқ, олқор(тоғ эчкиси) жайра каби ҳайвонлар, кемирувчилар, калхат, қора турна бурундик, тувалоқ, тус товуқ каби қушларнинг 150 дан ортиқ турлари мавжуд. Жиззах Миллий боҳида ўрмон хўжалиги илмий текшириш институтнинг Кулсой таянч пункти ”Зомин” санаторияси, ўндан ортиқ дам олиш зоналари жойлашган.

Молгузар тизмасининг шимолий ёнбағрларида бир неча ғорлар мавжудки, улар ҳали деярли ўрганилмаган. Пишоғорсойнинг юқори қисмида оҳактошли қатламларида Пишогор ғори ҳосил бўлган. Маҳаллий ҳаваскор ўлкашунослар Пишоғор ғорининг биринчи зали 300 метр, залнинг баландлиги 10-12 метр, эни эса 8-10 метр эканлигини аниқлаганлар. Ғор ичидаги тош ўчоқлар, ёзув ва тасвирлар ҳали ўрганилганича йўқ. Молгузар тизмаси шимолий тоғ ёнбағрларида кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд. Кўп йиллик арчаёнғоқ ва бошқа ғорлар каби карст шакллари, баъзи кишиларнинг қабрлари шундай зиёратгоҳлар ҳисобланади. Шу сингари зиёратгоҳларга Равотсой ирмоғи бўлган Кўрпасой бўйидаги Парпи ота зиёратгоҳини Молгузар тоғининг юқори қисмидаги Молгузар ота зиёратгоҳини, Учқизлар қишлоғи ёнидаги тебранма улкан тошларни бошқаларни киритишимиз мумкин. Молгузар тизмасининг шимол ёнбағларида энг кўп дам олиш масканлари Зоминсой дарёсининг юқори қисмида жойлашган. Зоминсой ва Еттикечувсувсойлари бўйида ёғин нисбатан мўл, буғланиш кам, соф ва салқин шароит, тоғ ўрмонлар кенг тарқалган, тоза шифобахш ҳаво, рекреацион ресурслардан фойдаланишга катта имкониятлар яратилган. Бу ерда шаршара дам олиш маскани, Бухорои-шариф понсионати, Мирзаширин понсионати,Ўрикли понсионати, Қашқасув понсионати, еттита ўқувчилар ва болалар оромгоҳлари жойлашган. Улар ҳар йили минглаб кишиларга хизмат кўрсатмокда. Шунингдек бу масканда оналар ва болалар соғлигини тиклаш Зомин Республика саноаторияси мавжуд.

Молгузар тизмасининг ғарбий қисмида Равотсойга келиб қуйилувчи Уобсой бўйида ҳам тўртта болалар оромгоҳлари мавжуд. Уобсойнинг энг юқори қисмида”Бўстон” болалар оромгоҳи қуйироқда “Пахтакор” болалар оромгоҳи, энг қуйи қисмида Жиззах Давлат Педагогика Институтига қарашли “Бобур” болалар оромгоҳи бор. Бу оромгоҳларда ҳам ҳар йили минглаб ўқувчилар дам оладилар ва соғликларини тиклайдилар.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲУДУДИНИ РЕКРЕАЦИОН ГЕОГРАФИК БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

П.Отақулов, Р.Ҳолиқов
Фарғона Давлат университети

Вилоят аҳолисининг рекреацион эҳтиёжини тўлиқ қондириш бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг моддий имкониятларидан келиб чиқишига асосланган. Агарда биз вилоятимиз худудидаги рекреацион зоналардан дам олувчи, ҳордиқ чиқарувчи, даволанувчи, саломатлигини тикловчи, эстетик, туристик рекреацион зоналар сифатида фойдаланадиган бўлсак, у ҳолда бу фаолиятни ташкил этиш ва уни тартибга олиш мақсадида табиий шароитни рекреацион баҳолаш орқали районлаштиришга эътибор беришимиз лозим.

Фарғона вилояти ҳудудида биз қуйидаги рекреацион ҳудудларни ажратамиз:

1. Дарёлар ва сойликлар соҳилидаги рекреацион ҳудудлар. Бу ҳудудларга Сўх, Исфайрам, Шохимардонсой ҳамда Сирдарёнинг чап соҳилидаги табиий ўсимликлар билан қопланган, маданий дарахт ўсимликлари билан ихоталанган, мавсумий дам олиш (май, июн, июл-август ойлари қулай) масканларини киритамиз. Бу ҳудудлар иқлимининг мўътадиллиги, соя салқинлиги, ҳавонинг намга етарлича тўйимлилиги, қушлар ва балиқ турларининг кўплиги, магистрал шовқинли йўллардан узоқлиги билан ажралиб туради.

Бу ҳудудлар қисқа (1 кунлик) дам олишга қулай.

2. Марказий Фарғона ҳудудидаги иқлимий терапия учун мўлжалланган, даволовчи рекреацион ҳудудлар. Бунга Зилха, Акбаробод, Ёзёвон, Бўстонбува қумли массивлари, Марказий Фарғонадаги «Ёзёвон чўллари» табиий ёдгорлиги ҳудудини киритиш мумкин. Бу рекреацион зона ҳам мавсумий (асосан ёз ва кузнинг биринчи ярми) терапия учун мўлжалланган.

Бу ерда қизиган қумлик асосий даволовчи рекреацион объект ҳисобланади. Асосан таянч харакат органлари, бод, ревматизм билан оғриган беморлар учун қулай.

3. Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний дам олиш мажмуаси. Соя-салқинлиги билан асосан ҳордиқ чиқариш, эстетик рекреацион хусусиятлари билан ажралиб туради.

4. Адирлар ҳудудида жойлашган рекреацион зоналар. Чимён, Арсиф, Саткак, Аввал, Каркидон сув омбори ҳудудларини ўз ичига олиб, шифобахш сувлари, булоқлари, пляжлари билан мавсумий ва йил давомида дам олиш, даволаниш имкониятларни яратади. Арсиф, Чимён адирларида дам олиш ва даволаниш шифохоналари жойлаган. Транспорт қулайлиги яхши.

5. Тоғ олди зонасидаги рекреацион ҳудудлар. Бунга Водил, Сўх, Қувасой ҳудудларидаги 800-1200 метргача мутлоқ баландликларда жойлашган салқин барҳаво майдонлар киритилади. Бу ерларда кўплаб катталар ва болалар оромгоҳлари бор. Асаб тизими билан боғлиқ касалликларни даволаш имкониятлари ҳам катта.

6. Тоғли ҳудудларнинг рекреацион зоналари. Рекреацион фаолиятнинг кўпгина талабларига жавоб беради. Лекин Фарғона вилоятининг тоғли ҳудудлар майдонининг катта эмаслиги ва геосиёсий жиҳатдан чегаранинг ўтувчанлиги рекреционҳудудларга бориш-келиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Фарғона туманига қарашли Шоҳимардон қишлоғи ана шундай ўтувчан чегаралар орқали бориладиган рекреацион ҳудуд ҳисобланади. Шу сабали айни вақтда дам олувчиларнинг бу ҳудудга боришлари маълум даражада чегаралангандир.

Рекреацион тизимлар ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланишда рекреацион ҳудудларнинг табиий ва ресурс потенциалини ўрганишдан ташқари унинг иқтисодий томонларини ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу биринчи навбатда дам олувчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт маиший хизмат кўрсатиш каби сервисларни ҳисобга олишни тақозо этади. Масалан, рекреацион ҳудудларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ сарф харажатларни ортиб боришни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Рекреацион ҳудудларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини иқтисодий кўрсаткичлари

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб	Тан-нарх кўрсаткичи, %	Бахолаш кўрсаткичи
1. Талаб йўқ (маҳаллий манбаалар мавжуд)	-	0
2. Жуда кам талаб	1-5	1
3. Талаб катта эмас	5-10	2
4. Талаб катта	10-20	3
5. Талаб жуда катта	20<	4

Юқоридаги маълумотларга асосланиб дам олувчиларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда транспортлардан фойдаланиш муаммоларини ҳам ўрганиб чиқилади.

Рекреацион ҳудудлардан фойдаланишда дам олувчиларни нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки транспорт билан таъминлаш муаммоси ҳам маълум ечимни талаб этади, чунки қисқа кунли (1-2 кун) дам олувчиларни ўзлари билан олган маҳсулотлари етарли бўлиши мумкин. Лекин ҳафта ёки айтайлик 10 кунлик муддатга келиб дам олувчиларни албатта янги маҳсулотларга эҳтиёжи бўлади. Шунинг билан бирга транспорт кутиш, йўлдаги транспорт алмаштириш ёки ноқулай метеорологик ҳолатларда транспортда юриш ноқулайлиги ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятни қуйидагича баҳолаш мумкин:

$$\{ T = T1 + T2 + T3$$

Бу ерда Т1 – рекреацион ҳудудларга бориш ва келиш учун кетган вақт, Т2 – транспортларни алмаштириш билан боғлиқ ноқулайликлар, Т3 – ноқулай метеорологик ва бошқа ҳолатларда транспорт қатновини қийинлашуви.

Ноқулай метеорологик ҳолатларда ва баъзан дам олувчиларнинг сони кўплиги, ўтувчан чегараларнинг мавжудлиги ҳам дам олиш билан боғлиқ харажатларни орттириб юбориши мумкин. Шунинг учун Фарғона вилояти аҳолисининг турли касб ва ёшдаги гуруҳлари ўз рекреацион эҳтиёжларини қондиришда шаҳарлар яқинидаги 5-10 км радиусдаги қисқа вақтли дам олиш масканларидан фойдаланмоқдалар. Айнан шундай ҳудудларга тушаётган рекреционюклама эа экологик, тиббий-гигиеник меъёрлардан анча юқоридир. Бу эса биринчи навбатда анна шундай рекреацион ҳудудларда сервисни юқори даражада ташкил этишни тақозо этади.

ВОҲАМИ ЁКИ ВОДИЙМИ

Р.Ҳолиқов
Фарғона Давлат университети

Арид ўлкаларда инсон хўжалик фаолиятининг асосий йўналиши суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Суғорма деҳқончилик маданияти Ўрта Осиёда бир неча минг йиллик тарихга эга. Дастлабки ўзлаштирилган ҳудудлар эса дарё ва сойликларнинг қайир ва қайир усти терассаларини ташкил этиб, дастлабки сунъий суғориш каналлари орқали суғориладиган ҳудудлар воҳалар деб номланган.

Воҳа–Н.Ф.Реймерснинг «Природопользование» словар-справочниги (1990 й)да «Жазирама чўл ёки чала чўл зонасидаги ҳудуд, табиий ёки сунъий (дарё, артезиан ёки сизот сувлари билан) суғориш орқали дарахт ўсимликлари ўсиши ва деҳқончилик қилиш мумкин, инсон яшаши учун эса муҳит атрофдаги ҳудудларга нисбатан бир мунча қулай» деб изоҳланади. Реймерс воҳа атамасини кўпроқ сунъий суғориш таъсирида ҳосил қилинган маданий экинлар майдонига нисбатан қўллайди. Шунингдек воҳаларни Антарктида қирғоқларидаги қуруқликнинг қояли қисми бўлиб материк музликларидан ҳоли, совуқ ва қуруқ иқлимли шўрланган тошлоқ чўллар қиёфасига ўҳшаш ҳудудлар деб ҳам атаган.

Воҳа сўзининг луғавий маъносини тушунишда «Краткая географическая энциклопедия» (3 том, Москва, 1962)нинг 128- бетидаги таърифни аҳамияти каттадир. Унда ёзилишича воҳа лотинча – Oasis маъносини билдиради. Дастлаб Ливия чўлидаги дарахт ва ўт ўсимликлари ўсадиган ҳудудларни воҳалар деб аталган. Мазкур луғатда воҳаларни

ҳосил бўлиши табиий номланиш, сизот сувларининг юқори сатҳи билан боғлиқлиги, шунингдек дарё, кўл, каналлар орқали сунъий суғоришнинг амалга оширилиши билан боғлиқлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси(2 том, 2001 й, 504 бет)да ҳам воҳага юқоридаги мазмунга яқин ҳолда қуйидагича таҳлил берилган. Воҳа – чўл ва чала чўлларда обод қилинган ер. Воҳаларда намгарчилик қўшни районларга нисбатан кўп. Ер ости сувлари юза бўлиб, булоқлар чиқиб ётади, дарёлар вақти-вақти билан тошиб туради. Воҳалар кўпинча дарё, кўл, каналлар ва қудуқлардан сув билан таъминланади. Майдони бир неча ўн км2 дан бир неча ўн минг км2 гача бўлади, деб таъриф берилган.

Воҳалар бизнинг фикримизча суғориш таъсирида ҳосил қилинган маданий ландшафтларнинг дастлабки қиёфаси бўлиб, улардаги динамик жараёнларнинг асосида суғориш ётади. Воҳаларни агроландшафтлар деб ҳам номлаш мумкин, лекин ҳозирги агроландшафтлар замонавий техника, технология, суғориш тизимлари ва юқори агротехникага асосланган ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этади. Агроландшафтлар бошқариладиган табиий – техноген тизимлар ҳисобланади. Агроландшафтларда миграцион жараёнлар жуда кучли кечади.

Воҳаларнинг пайдо бўлиши суғориладиган худудларда бир неча минг йиллик тарихга эга. Африкада Нил, Ўрта Осиёда Сирдарё, Амударё, Зарафшон дарёлари атрофида суғориш каналлари, ариқлар ва сардоба типидаги қудуқлар атрофида дастлабки воҳалар ҳосил бўлган.

Энциклопедик ва луғавий манбаларга асосан воҳаларнинг ҳосил бўлишида нафақат сунъий суғориш жараёнлари балки табиий намланиш иштирок этади деган фикрларни айтиш ҳам жоиз бўлса, сизот сувлари ер юзасига яқин бўлган чўл ҳудудларидаги пастқамликларда ҳосил бўлган дарахт ёки бутазорни, ўтлоқли майдонларни ҳам воҳа деб аташимиз мумкин.

А.Н.Хожиматов, А.Абдулқосимовларнинг «Ўзбекистон воҳаларининг ландшафт-экологик хусусиятлари» (География ва барқарор ривожланиш. Илмий-амалий конференция материаллари, Самарқанд, 2004, 75-77 бетлар) номли мақоласида воҳалардаги табиат компонентлари ўртасидаги алоқадорликнинг янгича турдаги шаклланиши, ландшафтларнинг тузилма-тадрижий (структурали-динамик) ҳолати инсоннинг суғорма деҳқончилик фаолияти, яъни суғориш билан белгиланади дейилади. Бу фикр ҳам воҳалар суғорма деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар эканлигини исботлайди. Лекин муаллифларнинг воҳаларни ўзгариш ҳолатига кўра табақалаштиришлари жуда юзаки. Биринчидан, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятлар ҳудудларининг бутун майдонларини воҳа деб аташлари нотўғри. Чунки, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари саноатлашган, техноген фаолиятга кучли тортилган, инженерлик иншоатлари, сув

омборлари қурилган, жуда ката майдонларни шаҳарлар, қишлоқлар каби селитеб комплекслар эгаллайди. Наҳотки, биз Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа йирик шаҳарлар ҳудудини, яъни урбанизациялашган ҳудудларни ҳам воҳа деб аташимиз ёки воҳалар ҳудудига киритишимиз керак. Буниг устига кучсиз ўзгарган, кучли ўзгарган ва жуда кучли ўзгарган воҳаларни критерияси нимага асосланган. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини 2000-2500 йиллик тарихи бир бутун ҳолда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари воҳаларини даврлаштиришга асос бўла олмайдику. Ваҳоланки, Хоразм, Бухоро, Самарқанд «воҳа»лари Тошкент, Фарғона «воҳа»ларига нисбатан кучли ўзгарганми?..

Кейинги 3-5 йил ичида табиий географ олимларимизнинг аксарияти «воҳа» атамасига ёпишиб олиб, илмий мақолалар ёзмоқдалар. Бу ҳолатга биз ижобий қараймиз албатта, лекин аввало воҳа сўзининг асл маъносини билиб, унинг вақт ва макон чегарасини аниқлаб олишимиз лозим. Айрим ҳамкасбларимиз Фарғона водийсини (сувайирғичларгача майдони 78000 км2) уни турли гипсометрик баландликлардаги қисмларини, адирларини ва ҳатто Марказий Фарғонадаги ўзлаштирилмай қолган бир неча минг гектар майдонларни ҳам бита ном яъни, воҳа номи билан атайдилар.

А.Раҳматуллаевнинг «Воҳа ланшафтлари функционал бир бутун ва динамик геотизимдир» (Ўзбекистоннинг геоэологик муаммолари, конференция материаллари Самарқанд, 2004йил, 23-27-бетлар) номли мақоласида воҳа ландшафтлари бир-бутун динамик геотизимдир, деб айтади ва бу ибора маълум маънода тўғри, лекин инсон хўжалик фаолиятига тортилган айрим компонентлар, кучли ўзгарган ландшафтлар нимага асосланиб ажратилган. Айнан шу мақолада Фарғона ва Зарафшон воҳалари атрофидаги яъни ўзлаштирилган адирларни 70-80% экин майдонида эрозия жараёни кучайган деб ёзади. Агарда муаллиф Фарғона водийсини водий эканлигини табиий генетик асосларини ҳисобга олганда воҳа атамасини водийга нисбатан қўлламаган бўлар эди.

Воҳа ландшафтлари ҳақидаги қизиқарли тадқиқотлар К.М.Боймирзаевнинг илмий мақолаларида ҳам ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ўзининг «Воҳа ландшафтлари: вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари» (Фарғона водийси воҳалари мисолида) мақоласида (Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 24-жилд, 49-51 бетлар) воҳа ландшафтларига таъриф бериб, Фарғона водийсининг воҳа ландшафтларини географик жойлашиши, генетик, рельеф, тупроқ қоплами каби хусусиятларига кўра 3 гуруҳга ажратади. Бу ерда: 1. Аллювиал текисликларда жойлашган воҳалар; 2. Қуруқ дельталарда ҳосил бўлган воҳалар; 3. Тоғ олди текисликларидаги воҳа ландшафтлари.

Воҳа ландшафтлари атамаси ҳақида гап кетганда муаллиф ўз атрофидаги чўл ва чалачўл ландшафтларидан барча табиий комплекслари ва ўзига хос табиий шароити билан тубдан фарқ қилишини, воҳа

ландшафтлари аввало мунтазам суғорилиб турадиган агрокомплекслари, ирригация ва мелиорация тармоқлари, барпо этилган дарахтзорлари, аҳоли зич жойлашган селитеб комплекслардан иборат деб изоҳ беради. Шунингдек воҳа атамасини муаллиф воҳа ландшафтлари ўз атрофидаги чўл ва чалачўл ландшафтларидан барча табиий комплекслари ва ўзига хос табиий шароити билан тубдан фарқ қилади деб фикр билдирди. Шунинг билан бирга айтиш жоизки, тадқиқотчи воҳа ландшафтларини гипсометрик нуқтаи назардан классификация қилишга харакат қилган, масалан, 1.Аллювиал текисликларда жойлашган воҳалар; 2. Қуруқ дельталарда жойлашган воҳалар; 3. Тоғ олди текисликларидаги воҳалар. Мадомики, воҳаларни вужудга келиши суғориш билан боғлиқ экан таъбир жоиз бўлиб воҳа атамаси водий учун ҳам қўлланилса биринчи навбатда воҳаларни таснифлашни табиий географик асосда эмас ўзлаштириш даврлари бўйича таснифлашга тўғри келади ва айни шу ерда агроландшафтми, агроирригацион ландшафтми, ирригацион ландшафтми деган ҳар томонга бурса ҳам мос келаверадиган иборалар ёки атамаларни ҳам мантиқан асослашга имконият туғилган бўлар эди. Мазкур фикр ва мулоҳазалар билан муаллиф юқорида номлари қайд этилган ҳурматли олимларимизга ҳеч қандай шахсий муносабат эмас балки илмий мунозарани назарда тутади ва ҳолис фикр билдиришларингизни илтимос қилади.

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИДА ТАБИИЙ-ТЕХНОГЕН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ш.Ш.Шожалилов
Тошкент Ислом университети

Оҳангарон водийсида минерал ресурсларни очиқ, ёпиқ ва махсус усулларда қазиб олиш жараёнида турли хил техноген ва табиий-техноген жараёнлар шаклланади ва ривожланади.

Минерал ресурсларни очиқ усулда қазиб олиш жараёнида сурилмалар, ўпирилишлар, кўчкилар, ёпиқ усулда қазиб олиш жараёнида эса ер юзасининг чўкиши, ёриқлар ва супачаларнинг ҳосил бўлиши ва сурилмаларнинг шаклланиши кузатилади. Фойдали қазилмаларни махсус усулларда қазиб олиш жараёнида (масалан, кўмирни ер остида газга айлантириш) эса жуда йирик ва улкан сурилмалар содир бўлади. Бундан ташқари, гидротехник иншоотларнинг қурилиши ва фаолияти жараёнида ҳам сурилмалар, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилади.

Оҳангарон водийсида содир бўладиган техноген жараёнларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олиш жараёнида содир бўладиган сурилмалар; фойдали қазилмаларни ёпиқ усулда қазиб олишда содир бўладиган техноген

жараёнлар; гидротехник иншоотларнинг қурилиши ва фаолияти таъсирида содир бўладиган техноген жараёнлар; тоғ-кон саноати чиқиндилари ҳудудларида содир бўладиган техноген жараёнлар.

Фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олишда сурилмалар ва кўчкилар содир бўлади. Улар ҳосил бўлиш шароитларига кўра икки қисмга бўлинади:

а) фойдали қазилма конларини очиқ усулда қазиб олиш жараёнида тоғ ёнбағирларида содир бўладиган сурилмалар. Водийда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг мураккаблашишига ёнбағирларнинг қиялиги, сувли қатламлар, тектоник ёриқлар, карьерларнинг тоғ оралиғидаги ботиқларда жойлашганлиги таъсир этади. Бундан ташқари, мавжуд тектоник ёриқлар, карьерлар чуқурлигининг ортиши, гидрологик ва гидрогеологик шароитнинг ўзгариши, ёнбағирларда, сурилмаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши фойдали қазилмаларни қазиб олишни янада мураккаблаштириб юборади. Жигаристондаги “куйган” жинслар карьерида 1968, 1971 ва 1978 йилларда ёнбағирда содир бўлган сурилма тоғ-кон ишларини тамоман тўхтатилишига олиб келди. Мазкур сурилмада тўртламчи ва палеоген даври ётқизиқлари қатнашган (лёссимон, гиллар, оҳактошлар, қумтошлар ва ҳ.к.). Сурилмаларнинг ҳажми 1,5-2 млн.м3 бўлган. Янада йирикроқ сурилмалар, яъни ҳажми 20 млн.м3 ни ташкил қилган сурилмалар гилли жинсларда юз берди. Карьерлар чуқурлиги ортган сари ер ости сувлари сатҳи ва йўналиши ўзгариб суриш зонасини ҳосил қилади. Айниқса шу йўналишда Ангрен кўмир карьерининг Қурама тизмаси ёнбағрида йирик сурилманинг шаклланишига олиб келган. Карьер чуқурлиги ортиб борган сари сурилма ҳаракати турли даврларда жонланиб турган. Демак, карьерларнинг чуқурлиги ортиб борган сари, гидрогеологик шароитининг ўзгариши, ёнбағирлар барқарорлигини намойиши натижасида конга туташган ёнбағирларда чуқурлиги 30-50 м, ҳажми 1,5-20 млн.м3 ни ташкил қилган сурилмалар ҳосил бўлар экан;

б) карьер деворларидаги сурилмалар. Сурилмалар карьерларнинг ички қисмларида ҳам содир бўлади. Улар асосан карьерларнинг чуқурлиги сари сайин номустаҳкам жойларнинг очилиб келиши натижасида юз беради. Албатта мазкур сурилмалар тоғ ёнбағридаги сурилмаларга нисбатан ҳажми ва ўлчамлари кичикроқ бўлади, аммо улар халқ хўжалигига кўпроқ зарар етказади. Чунки улар кўмир қазиб оладиган супачаларни бузиб, транспорт йўлларини издан чиқаради.

Ангрен кўмир карьерида нисбатан йирик сурилмалар юра даври ётқизиқларида 1963, 1973, 1985, 1990, 2000 йиллари кузатилган. Мазкур сурилмалар карьернинг шимоли-ғарбий ва ғарбий қисмларида кўпроқ содир бўлади. Масалан, карьернинг ғарбий қисмида 1963 йилда ҳажми 8 млн.м3 бўлган сурилма содир бўлди. Мазкур сурилма юра даври гилли жинсларида юз берди, Оҳангарон дарёси бўйича қурилган канални ва

темир йўлни босиб қолиш ҳавфини туғдирди.

Бундай сурилмалар айрим йиллари кўмир қазиш ҳажмини 500 000 тоннага камайиб кетишига олиб келган.

Олмалиқдаги рудали карьерларда сурилмалар асосан йирик тектоник ёриқлар туташган жойларда содир бўлади. Бундай сурилмалар Қўрғошинконда, Қалмоққир ва Саричека карьерларида кузатилган. Улар ҳам фойдали қазилмаларни қазиб олиш супачаларининг катта қисмини босиб қолиб, тоғ-кон ишларини маълум вақтгача тўхтаб қолишига сабаб бўлган.

Фойдали қазилмаларни ёпиқ усулда қазиб олиш жараёнида содир бўладиган техноген жараёнлар. Минерал ресурсларни ёпиқ усулда қазиб олиш жараёнида ер юзасининг чўкиши, ёриқлар ва супачаларнинг хосил бўлиши, доирасимон ва чўзиқсимон ўпирилишларнинг шаклланиши ва сурилмаларнинг ривожланиши кузатилади.

Кўмир ва рангли металларни ёпиқ усулда қазиб олиш жараёнида шахта майдонида ер юзасининг ёппасига чўкиши кузатилади. Чўкишлар асосан бир йилдан сўнг ривожланади ва уларнинг ўлчамлари 1 м.гача боради. Ер юзаси чўккандан сўнг шахта майдони тепасида ёриқлар ва супачалар ҳосил бўлади. Рудали конларда ер пўстидаги ёриқлар вертикал жойлашган бўлса доирасимон ёриқлар хосил бўлади. Уларнинг диаметри 2-3 м.дан 20-30 м.гача етиши мумкин. Ер ости лаҳмлари ер юзасидан унча чуқурда бўлмаган тақдирда чўзиқсимон ўпирилишлар содир бўлади. Уларнинг чуқурлиги 3-4 м, кенглиги 2-3 м.гача етади.

Мазкур техноген жараёнлар ёнбағирларнинг умумий барқарорлигини кескин камайтириб юборади. Натижада шахталар жойлашган тоғ ёнбағирларида лёссли ва гилли жинсларда йирик ва улкан сурилмалар шаклланади ва ривожланади.

Йирик сурилмалар Ангрендаги 9-шахта майдонида содир бўлган. Унинг ҳажми 20 млн.м3 ни ташкил қилган. Сурилманинг қалинлиги 10-15 м. Сурилиш зонаси палеоген мантмориллант гиллари қатламларида ҳосил бўлган.

Лёссимон жинслар тарқалган жойларда ҳам шундай жараёнлар содир бўлиб туради (Кўчбулоқ кони).

Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида, яъни қалинлиги 5-15 м, чуқурлиги 100-300 м., майдонни эса 1,05 км2 га тенг кўмир қатламида ер юзаси 5 м гача чўккан.

1970 йилда эса мазкур минтақада бир қанча сурилма ёриқлари вужудга келган. Бунда ҳам кўмирни газга айлантириш натижасида мезокайназой ётқизиқлари мустаҳкамлиги сусайиб, ҳажми 600-800 млн.м3 бўлган жинсларнинг силжишига сабаб бўлган.

1973 йили апрелда Тешиктош посёлкаси атрофида, Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғида силжиш ривожлана борган бўлиб, у аҳоли

пунктларига ҳавф солган. Мазкур сурилманинг бундан кейинги ривожи эса газ қувурлари, темир йўл ва ГРЭС канали ишига тўсқинлик қила бошлаган. Лёссимон жинсларнинг юқори қисмида сурилма турли катта-кичикликдаги ёриқлар билан ажралган (Ниёзов ва бошқалар).

Ҳозирги кунда Загасон-Атчи сурилмаси бир хил йўналиш ва тезликка эга бўлган ягона комплексни ташкил этади. Ўз навбатида 7,5 йил мобайнида 14,3 м масофага силжиган мазкур сурилма дарё ўзанида баландлиги 5,8 м гача бўлган марзани шакллантириб келмоқда. Сурилма натижасида Тешиктош посёлкаси кўчирилди, Оҳангарон дарёси эса янги канал орқали бошқа жойга жилдирилди.

Жигаристон сурилмаси. Сурилма 1991 йили 4 мартда, маҳаллий вақт билан 645 да, Жигаристонсойининг чап қисмида, 60-йилларда бунёд этилган Жигаристон тўғони яқинида юз берди. Мазкур сурилма остини шундай сурилма (эски)яқинда сурилма ҳосил бўлишининг табиий шароитида ўрганилди. Бундан ташқари иш натижалари тўпланишида «Ўзбекгидрогеология» ИИБ, Гидропроект, Фунуоментпроект ва бошқа ташкилотлар маълумотларидан (топогеодезик, геологик, гидрогеологик ва инженер-геологик) фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат: Сурилманинг геологик тузилишида палеозой ва тўртламчи давр ётқизиқлари иштирок этади.

Жигаристон сойи Оҳангарон кўмир карьерининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи ҳисобланади. Сойнинг чиқиш қисмида палеозой ётқизиқлари чиқиб қолган. Жигаристон аҳоли қўрғонининг юқори қисмида тўғон бунёд этилган.

Минтақа морфоструктураси мураккаб ва ранг-баранг бўлиб, чўкинди жинсларининг палеозой интрузив ётқизиқлари алмашадиган, яъни йирик Шоугаз (Жанубий-Ангрен) регионал синиш зонаси ҳисобланади. Бу ерда Сирдарё, Мирзачўл ва Тошкент каби эрозион-аккумулятив террасалари шаклланган. Сирдарё террасаси сурилма минтақасида ва Жигаристон посёлкаси теварагида ўзгартириб юборилган бўлиб, селитеб ва агроландшафт кўринишга эга. Мирзачўл циклига икки терраса мансуб.

Сурилма юқори қисмининг қиялиги 25-350 ни ташкил қилади. Лёссимон жинсларнинг қуйи қисми юзасининг қиялиги 120 (бу сурилма сурилиш деворининг юқориси), сурилмада 250, қуйи қисми юқорисида 200. Лёссли қоплам қалинлиги юқори қисмида (сурилиши деворидан юқорида) 15-20 м, ўрта қисмида (сурилмада) 15-18 м, қуйи қисмида 10-14 м.

Сурилма асосан лёсс жинсларида юз берган. Сурилмани қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин.

1. Сурилиш девори, қиялиги 70-750, баландлиги 20 м бўлиб икки қатлам аниқ ажралиб туради. Юқори қатлам қалинлиги 0,8-1 м.ни ташкил

этиб, намлиги юқори, ғовак жинслардан иборат. Пастки қисмининг баландлиги 15-18 м, қиялик-700, жинслар қуруқ, аммо сурилиш девори юза қисми силлиқ, текис, остки қисмида сурилиш минтақаси билан қўшилиб кетади.

2. Сурилманинг юқори қисми сурилма қолдиқларидан тозаланган, сурилиш юзаси очилиб қолган, бироз майдалашган пастки поғона қиялиги 25-300 бўлиб, сурилма жинслар қалинлиги 20 м.

3. Сурилманинг ўрта қисми кенг бўлиб, силлиқланган лёсс жинслардан таркиб топган. Сурилманинг юза қисми сурилма қолдиқлари билан қопланган. Баъзи қисмлари кучли намланган.

4. Сурилманинг қуйи қисми. Мирзачўл террасасида жойлашган ва у сурилма жинсларининг бошқа қирғоққача ҳаракат қилишида таянч вазифасини ўтайди. Қиялик қарама-қарши йўналишига эга бўлиб, 5-60 ни ташкил этади. Бу эса сурилма юзасининг очилиши шу бурчак остида бўлганлигини кўрсатади.

5. Ҳолати бузилмаган ўзан олди қисми. Бу ерда лёсс қатламларининг қалинлиги 5 дан 20 м гача.

6. Сурилма тили Жигаристон ўзани яқинида жойлашган, аҳоли қўрғонлари сурилма ётқизиқлари остида қолган. Сурилманинг ривожланиши босқичида ўзан теварагида иккита вақтинчалик кўл ҳосил бўлган. Ҳозирги пайтда эса сурилманинг мазкур қисми текисланган.

7. Сурилманинг ён деворлари. Баландлик юқоридан пастга томон қисқариб боради ва ўрта ҳамда қуйи қисмларида сурилиш юзаси билан қўшилиб кетади. Ўртача баландлик 1,5-2,5 м, асосан лёсс ётқизиқларидан ташкил топади.

8. Турли даврларда сурилма қатламларининг аралашиши турли кўрсаткичлар билан тавсирланди. Бошланғич даврда унинг тезлиги 6 мм.Ғсутка бўлган бўлса, ҳозир бу миқдор нолгача тушган.

9. Сурилиш юзаси лёсс жинслари билан палеозой ётқизиқлари туташган зонага тўғри келиб, сурилма ҳосил бўлиш зонаси қиялиги 70-750, ўрта қисмда 25-350, пастки қисмда эса қарама-қарши сурилиш бўлиб, унинг қиялиги 5-80 ни ташкил этади.

Сурилма ҳосил бўлишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) геологик-тектоник: сурилма ҳосил бўлган районда фаол регионал ёриқ (силжиқ) ўтган бўлиб, у тоғ жинсларининг мувозанатига кучли таъсир кўрсатган. Бу минтақа палеозой ётқизиқларидан мезокайнизой ётқизиқлари зонасига ўтувчи полосада жойлашган. Бу минтақа фаоллигини янги сурилма яқинида жойлашган айни шундай эски сурилма кўрсатиб туради;

б) қоя морфологияси ва тоғ жинсларининг жойлашиш тавсифи. Ёнбағир сурилманинг ривожланиш минтақасида ўзининг қиялиги билан тавсифланади, лёссли ва палеозой ётқизиқлари туташган зона ҳам айнан

шундай қияликка эга;

в) гидрогеологик шароитлари. Лёсс жинсларининг палеозой ётқизиқлари билан туташадиган минтақа ёғин-сочин кўп бўлган даврларда ва ер ости сувлари кўтарилган вақтда грунт сувларининг ҳаракати области ҳисобланади. Бу эса тоғ жинслари қатламида намнинг ортиши ва сурилиши минтақасининг пайдо бўлишига олиб келади;

г) инсоннинг муҳандислик фаолияти; сурилмани юза қисми текисланган бўлиб, ўсимлик қопламининг камайишига, ёнбағир юзасининг очилиб қолишига ва намликнинг тоғ жинсларига кириб боришига сабаб бўлган. Сурилма қуйи қисмидан автомобиль йўли ўтказилган бўлиб, ёнбағирнинг қурилишида қоянинг асоси (таянч қисми) кесиб юборилган, бу эса мувозанат ҳолатининг бузилишига ва сурилманинг ҳаракатига сабаб бўлган.

Демак, минерал ресурсларни очиқ, ёпиқ ва махсус усулларда қазиб олишда турли хил техноген жараёнлар содир бўлар экан. Мазкур жараёнлар айрим йиллари фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмини камайтириб юборади, айримлари қишлоқларни бузиб юборади, айримлари аҳоли пунктларини аҳоли билан бирга босиб қолиши мумкин.

ОҚСАРСОЙНИНГ ГЕОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Зайнутдинов, М.Т. Миракмалов
Ўзбекистон Миллий университети

Нанай қишлоғидан юқорида Писком тизмасидан бошланувчи Оқсарсой Писком дарёсига келиб қуйилади. Бу дарё водийсидаги рельеф шакллари тарихий равожланиши, генезиси жиҳатидан уч қисимга бўлинади. Биринчиси-2-3 км масофада каньон кўринишига эга қуйи қисми. Иккинчиси- 3-7 кмгача ўрта қисми бўлиб, сойлар билан жуда бўлинган, тўлқинсимон рельеф кўринишига эга. Учинчи қисми қадимги қор ва музликлар иши таъсирида ҳосил бўлган амфитеатрдан иборат рельеф шаклларидир.

Геоморфологик жиҳатдан турли кўринишга эга бўлган ушбу водий кўриниши, Писком водийсининг ўнг томонидаги сойларда такрорланади. Генетик жиҳатдан ушбу водий эндоген ва экзоген кучлар таъсирида, рельефни ўсишига боғлиқ тарихий даврларда иқлим ўзгаришларини ўзида акс эттирган ҳолда ҳосил бўлгандир. Эндоген ва экзоген кучларнинг ўзаро таъсири водийда қандай кечганлигини кўриб чиқамиз.

Биринчи қисмидаги каньон кўриниши водийнинг чап қирғоғидаги Писком тектоник ёриғининг ҳаракатлари шунингдек, Асқарсой сувининг эрозион иши натижасидадир. Ёриқнинг шарқий кўтарилаётган қисми силжиқ (надвиг) кўринишида бўлиб, водийга тик тектоник юза (ёнбағир) ҳосил қилиб, тўртламчи даврда 1000 м дан ортиқ кўтарилган. Тектоник

ёриқ турли даврларда кўтарилиш тезлигига боғлиқ ҳолда водийга қараган тик ёнбағир, ёриқнинг майдалаш зонасида бўлганлиги ҳамда эрозион ва гравитацион ишлар фаол бўлганлиги учун ёриқ чизиғидан 300-800 м шарққа чекинган ва тектоник-эрозион ёнбағир кўринишига эга бўлган. Ёнбағирнинг кўп жойларида палеозой оҳактошлари очилиб қолиши натижасида улар емрилиб, нурашидан коллювиал тоғ жинслари қурумлар ҳосил қилган. Кўтарилаётган блок сувнинг йўлида тўсиқ бўлганлиги учун сув массаси асосан чуқурлатиш эрозиясини бажарган. Чап томондан келиб қўшиладиган Бикуласойгача бўлган қисмида, сувайирғичлари бир-бирига яқин келган тик ёнбағирли оҳактош қаватлари очилиб ётади. Уларнинг турли баландликлари кичик ғорлар ҳосил бўлган. Тик ёнбағир деллювиал ётқизиқлар билан қопланган бўлиб, арзимаган ташқи куч таъсирида пастга қулаб тушиши мумкин. Чуқурлатиш эрозиясидан тўпланган жинслар ва қулаб тушган тошлар таъсирида водий тагида терраса юзалари кўринмайди.

Чап ёнбағирдан Оқсарсойга қўшилган Бикуласойдан бошлаб, икки чеккасида Сирдарё циклига қарашли террасалар пайдо бўлади ва водийнинг иккинчи қисми бўлина бошланади. Водийнинг икки чеккасидаги сувайирғичлар бир-биридан жуда узоқлашади. Сувайирғичларнинг ўзанга нисбатан баландлиги 1200-1400 м га етади. Бу қисмда водийнинг ичи бир-биридан фарқланувчи уч хил рельефга эга. Сувайирғичларнинг бир-бирига яқин келган ерларида 50-70 0ли тик ёнбағир кўтарилган бўлиб, таги қурумлар билан қопланган. Қурумлар ва Оқсарсой орасида Тошкент комплексига тўғри келадиган террасалар бор. Уларнинг баландлиги пастки қисмида 30-40 м, қоялар яқинида 70-80 м гача бўлган адирлардир.

Адирларнинг пастки сувайирғич қисми унча қалин бўлмаган лёсс тоғ жинслари билан қопланган.

Чап ёнбағирдаги сувайирғичлар анча баланд бўлиб, уларнинг баландлиги 400-600 м га етади. Бу ерлар Тошкент комплексининг Угом террасаси юзасига (баландлигига) тўғри келади. Бу қисмда рельеф шаклларининг ҳосил бўлишида сувнинг эрозион ишидан ташқари, қорнинг экзорацион иши ва совуқдан нураш иштирок этган.

Оқсарсой мансабидан 7 км тепада мутлоқ баландлиги 1800 м га етганда, учинчи қисм–муз иши туфайли ҳосил бўлган рельеф шакли–амфитеатр бошланади. Амфитеатр сойда 45-60 м ли тик ёнбағир орқали кўтарилиб туради, усти теп-текис, эни 1200-1400 м, узунлиги 1500-2000 м, юза бироз шимоли-шарқий йўналишда тик ёнбағир ичига кириб боради. Бу ердаги кўчиб тушган қор уюмлари ёзда ҳам туради. Юза шунча текиски, ёнбағирлар уччала томонда кўриниб туради. Юзанинг усти морена тоғ жинслари билан қопланган, уларнинг устидаги қалин ўт қоплами бу жинсларни беркитиб туради. Қорлар эришидан оқиб ўтган

сойлар бўйида буталар учрайди. Амфитеатрнинг пастки қисмида морена тоғ жинслари унча қалин бўлмаган қумоқ (суглинистик) тоғ жинслари билан қопланган бўлиб, устида қалин бутазорлар билан қопланган. Орасида мевали, дарахтлар ҳам учрайди. Мевали дарахтлардан айниқса, олма кўп. Юза ёши жиҳатдан Тошкент комплексига тўғри келади. Генетик жиҳатдан икки хил фикр юритса бўлади; биринчидан, Q2-Тошкент комплекси давридаги тоғ-водий музлигининг экзорацион иши натижаси; иккинчидан, кар типидаги қор-музликларнинг катта ҳажмда тўпланиб, уларни емириш ишидан ҳосил бўлган.

Оқсарсойнинг геоморфологик хусусиятлари ва бетакрорлиги бу ерда талабалар билан дала амалиёти олиб бориш учун қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб берадиган жойдир.

ТИББИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ ТАМОЙИЛ ВА МЕТОДЛАРИ

Н.К.Комилова
Ўзбекистон Миллий университети

Халқ хўжалигини режалаштиришда ҳудудларни таснифловчи аниқ маълумотлар муҳим ўрин тутади. Бу ўз навбатида тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини оқилона жойлаштиришда, санитар-гигиеник ташкилий ишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тиббий географик район таснифи бу-комплекс масала саналади ва бунда бир қанча кўрсаткичларга эътибор қаратилиши лозим. Аввало, ҳар қандай тиббий географик районга ўзига хос табиий-ҳудудий мажмуа, табиат томонидан инъом этилган қатор касалликлар вужудга келиши учун макон сифатида қараш лозим. Бунда геотизимлар, уларнинг бир бутунлиги борасидаги қонуниятни англаш муҳим ўрин тутади. Геотизимлар-бу шундай табиий-географик бирликки, улар сайёравий ҳолатдан тортиб табиий географик фация кўринишигача бўлган географик тизимлардир.

Кўпгина мутахассислар геотизимларнинг биогеокимёвий таркибини таҳлил қилиш орқали кўпгина аллергик хасталикларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаганлар.

Тиббий географик районлаштириш борасидаги назарий масалаларнинг ёритилишида В.И.Вернадскийнинг хизмати катта. У ўзининг 1926 йилда яратган айрим кимёвий элементларнинг ер пўстида айланиши борасидаги қонуниятида тиббий географик районлаштиришнинг дастлабки пойдеворига асос солди. Кейинчалик 1960, 1963 йилларда олим биогеокимёвий провинциялар, яъни бошқа ҳудудлардан химиявий элементлар таркиби жиҳатидан фарқ қилувчи ўлкалар ҳақидаги назарияга асос солди. Бундай ҳудудлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан бир қаторда мазкур ҳудудларда яшовчи кишилар

саломатлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши исботланди.

Кимёвий элементлар миграцияси аҳоли саломатлигига катта таъсир кўрсатади. Айрим минтақаларда жумладан, вулқонли зоналарда тупроқ, сув ва ҳаводан фтор моддасининг, айрим микроэлементларнинг буғланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Баъзи минтақаларда йод, фтор ва бошқа элементларнинг танқислиги оқибатида ҳам кўпгина эндокрин, суяк-мускул, асаб ва бошқа тизимлар ишдан чиқиши ёки зараланиши мумкин.

Тиббий географик районлаштириш борасида таниқли тиббий географ олим Е.И.Игнатьев*нинг ҳам ҳиссаси катта. Олим ўз тадқиқотларида тиббий географик районлаштиришда географик муҳитнинг табиий омиллари, шунингдек Ер ландшафт қобиғининг ва унинг таркибий хусусиятларига алоҳида эътибор лозимлигини уқтириб ўтди.

З.И.Мартўнова фикрича, «район»атамаси умумий ҳолда-ҳудуднинг ҳар қандай ажратилган қисмидир. Олим тиббий географик районлаштиришни уч гуруҳга ажратади:

1. Ҳудудларни ареаллар кўринишида районлаштириш(масалан, касалликлар ареаллари, касаллик уйғотувчилар ареаллари, касаллик ташувчилар ареаллари);

2. Касалликларнинг тарқалишига таъсир этувчи географик муҳит омиллари асосида районлаштириш;

3. Табиий-ҳудудий мажмуалар ва уларнинг тиббий географик баҳолашга бағишланган районлаштириш.

Б.Б.Прохоров*нинг таъкидлашича, «Тиббий географик район-тиббий географик мажмуаларнинг яширин, ёпиқ тизими бўлиб, у одатда аҳолининг бир хил хўжалик тури, шунингдек касалликларнинг табиий юзага келувчи ўзига хос берк масканларидир. Бундай тизимларда барча табиий(сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами) ва иқтисодий-социал омиллар (аҳоли, саноат, транспорт) мажмуйи бошқа ҳудудларникидан бирмунча, баъзан бутунлай фарқланади».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳудудларни ландшафт хусусиятларига кўра тиббий географик районлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда қуйидаги айрим мезонларни ҳисобга олиш лозим:

-табиий ўчоғ ҳосил қилувчи айрим касалликларни ташувчи ҳайвон ва бошқа паразитлар;

---

* Е.И.Игнатьев. Содержание и методы медико-географических исследований при географическом изучении районов нового освоения Сибири и Дальнего Востока. –В кн.: Медико-географические исследования при решении комплексных географических проблем. Иркутск, 1962.

* Б.Б.Прохоров. Медицинская география и районные планировки. –В кн.: Проблемы прикладной географии. Иркутск, 1971.

-ландшафт микробиологияси ва вирусологияси;

-ўлка иқлими ҳақида махсус маълумотлар(суткалик ҳарорат тебранишлари ва бошқа метеорологик кўрсаткичлар);

-ландшафтларнинг биогеокимёвий таркибини ўрганиш ва зарурий маълумотлар тўплаш (йод, фтор, кобальт, мис ва б.элементларнинг тупроқ ва сув таркибидаги миқдорини аниқлаш);

-мазкур тиббий географик районда истиқомат қилувчи аҳолининг хўжалик-маиший ва миллий хусусиятлари ҳақида зарурий маълумотларга эга бўлиш.

Тиббий географик районлаштиришда ҳавонинг ифлословчи моддаларга, шунингдек ўлка иқлимининг айнан шу жой учун хос жиҳатларига ҳам эътибор бериш лозим бўлади. Жумладан, В.И.Русановнинг «Тиббиёт мақсадида об-ҳавони баҳолаш услубиёти»(1972) номли иши ҳам айнан шунга бағишланган.

Тиббиёт географиясининг ривожида тиббий географик районлаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, тиббий географик районлаштириш (ТГР)-тиббиёт географиясининг муҳим ва зарурий усулларидан ҳам бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ва хусусиятига кўра географик ўрнига боғлиқ бўлган нарса ва ҳодисаларни илмий асосда тизимга солишга районлаштириш деб аталади. Районлаштиришнинг бир неча хил турлари мавжуд. Табиий, иқтисодий географик районлаштириш, этнографик, иқлимий, тиббий географик районлаштириш ва бошқалар ҳам худди шундай муайян қонуниятлар асосида амалга оширилади.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Собиқ Иттифоқда тиббий географик районлаштириш масаласига қизиқиш жуда кучайиб кетди. Тиббий географик районлаштиришга бағишланган бутуниттифоқ кенгашлар мунтазам ўтказилиб турилди. Тиббий географик районлаштиришга доир катта назарий ҳамда амалий материаллар тўпланди. Жумладан, Россияда Е.И.Игнатьев (1962), А.А.Келлер, А.Гуров (1962), Б.Прохоров(1964), И.Хлебович (1967), С.И.Шелыгин, Белыкина (1968), Я.Подолян(1981) ва бошқаларнинг тиббий географик районлаштириш борасида хизматлари катта.

Таниқли тиббий географ олим В.П.Подолян Ҳиндистон ҳудудини унинг барча умумгеографик ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 10 та тиббий географик районга ажратган эди. Ушбу районларнинг географик чегаралари кўпроқ мамлакатда мавжуд иқтисодий районлар чегараларига тўғри келади. Шундай бўлсада олим асосий эътиборни минтақаларнинг аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи табиий омилларига қаратган. Умуман олганда, табиий, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа омилларнинг барчаси тиббий географик жиҳатдан баҳоланган, ҳамда районлар учун

асос қилиб олинган.

Тиббий географик районлаштириш ер юзасини аҳоли саломатлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда худудий яхлит ва ички тузилиши жиҳатидан бир бутун бўлган ҳудудларга ажратишдир. Тиббий географик районлар ривожланиш тарихи, географик ўрни, табиий ва иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлари, нозогеографик хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Ҳар бир тиббий географик район ўзига хос рельеф хусусиятлари, атмосфера циркуляциялари, гидрографик ҳолати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқ таркиби билан ўзаро фарқланади.

Тиббий географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган ғояси, услуби ва таксономик бирликлари илмий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки **тиббий географик** районлар ичидаги нозогеографик ўчоғлар, улар орасидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан теран англашни тоқозо этади. Тиббий географик районлаштириш-бу ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган табиий-ҳудудий ва иқтисодий-ижтимоий мажмуаларни кишилар саломатлиги нуқтаи-назаридан баҳолаш ҳамда шу шароитдан келиб чиққан ҳолда зарурий чора-тадбирларни қўллашдир. Муайян ҳудудни районлаштиришда тадқиқотчилар турли услублардан, жумладан: таққослаш, хариталаштириш, ландшафт таҳлили сингари услублардан фойдаланадилар.

Тиббий географик районлаштириш тиббиёт географиясининг муҳим усулларидан бири ҳисобланади. У ҳудуднинг рельеф, иқлим, тупроқ, ландшафт ва ландшафт зоналари, биоценозлар ва уларнинг инсон организмига кўрсатадиган ижобий ва салбий таъсирини белгилаб беради.

Ушбу усул ёрдамида табиий мажмуалар ва уларнинг қандай шу жой учун хос патологик жараёнларни келтириб чиқариши ҳамда мазкур ҳудудда қандай нозологик формалар учраши ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин.

Биз ўз тадқиқот ишимизда Ўзбекистон ҳудудини тиббий географик жиҳатдан районлаштирдик. Бунда республикамиз минтақаларининг табиий, иқтисодий-ижтимоий ва экологик шароитлари тўлиқ эътиборга олинди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудуди тиббий географик районларга ажратилганда унинг ҳар қайси минтақасига, қолаверса маъмурий ҳудудларига хос бўлган касаллик гуруҳлари, аҳолининг умумий касалланганлик даражаси, ўлим кўрсаткичлари ва б. ҳолатларни таққослаш мумкин бўлади. Бу эса келгусида минтақаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини янада яхшилашда, жойларда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни атрофлича ҳал этишда

устивор йўналиш бўлиши шубҳасиз.

ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РЕПИТИЦИОН ВА ДИСТАНЦИОН ТЕСТ УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Э.Турумов, Н.Файзиева
Самарқанд Давлат университети

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишнинг иккинчи босқичида муҳим стратегик вазифа таълим мазмуни ва сифатининг жаҳон андозалари даражасига кўтаришдан иборатдир. Кадрлар тайёрлашнинг сифат мониторинги ҳар бир фаннинг жумладан, география фанининг ҳам барча бўлимлари бўйича ДТМ томонидан тайёрланган тест топшириқлари жамғармаси асосидаги тест синовлари ёрдамида амалга оширилиб, таҳлили ўтказилиб келинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилларга нисбатан география фанининг самарадорлиги ошиб бормоқда. Аммо, бу кўрсатгич бошқа фанларга нисбатан паст даражада қолмоқда. Масалан, Республика бўйича 2001 йилда жавоблар самарадорлиги 38.98 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсатгич 2002 йилда 39.56 фоизни ташкил этди. Самарқанд вилояти бўйича бу кўрсатгич 2001 йилда 37.59 фоизни, 2002 йилда эса 39.03 фоизни кўрсатган. Кейинги йилларда ҳам бу ўсиш деярли паст даражада қолмоқда. Олий ўқув юртларига кириш учун география фанидан ўтказилган тест синовларида ҳар бир вариантга 36 тадан савол киритилган бўлиб, уларнинг 33 таси (91 фоизи) I ва II даражали, қолган 3 таси (9 фоизи) III даражали мураккабликдаги тест топшириқлари ҳисобланади.

ДТМнинг ахборотномасида қайд этилишича (2001-2002 й.), шунингдек кейинги йилларда ҳам география бўлимлари ичида энг паст кўрсатгич “Географик қобиқ”, “Гидросфера” ва “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” бўлимларига тегишлидир. Бунинг сабаби, битирувчиларнинг билим даражаси билан педагоглар малакаси, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг сифати кабилар ўртасида муайян даражада номутаносиблик борлигидир.

География фанидан абитуриентлар билим даражасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, умумтаълим мактабларида географияни ўқитиш жараёнида жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликларнинг асосида объектив ва субъектив сабаблар ётади.

Объектив сабабларга, дарсликлар мазмуни ва сифатининг замона талабига етарлича жавоб бера олмаслиги, замонавий таълим усулларининг қўлланилмаслиги, асбоб-ускуналар, ЎТВнинг етишмаслиги ва ҳ.к.ни кўрсатиш мумкин.

Субъектив сабаблар: ўқитувчилар малакасининг пастлиги, география фанига нисбатан ўқувчилар қизиқишининг пастлиги ва бошқалар.

Ҳозирда Республика олий ўқув юртлари қошида шартнома асосида тайёрлов бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг асосий вазифаси олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрувчи ёшларни тест синовларига тайёрлаш ва уларнинг билимини талаб даражасига кўтариш ҳисобланади.

Тайёрлов марказида 8 ой давомида ўрта таълим Давлат таълим стандартлари (ДТС)га асосан таълим йўналишининг блокларидаги 3 та фан бўйича таълим берилади. Тайёрлов марказида ўқув жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун таълим жараёнига университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари жалб этилган. Улар таълим жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишмоқда.

География фанини ўқитиш тайёрлов марказида системали ёндашув усулида ташкил этилган. Унда маъруза, амалий дарслар ва тингловчилар билимини назорат қилишда системали таҳлил қўлланилиб келинмоқда.

Ўқув йили давомида тингловчилар ўқитувчилар томонидан 3 марта аттестация ва 3 марта айнан ДТМ талабларига мос ҳолда географиядан тест синовларидан ўтиб борадилар.

Тингловчиларнинг ҳар бир аттестациядан олган баҳолари тест синовларидан олган балларига мос келиши таҳлил қилиниб борилади ва мавжуд камчиликларга барҳам берилиб борилади.

Биринчи тест синовларида (2 ойлик ўтилган дастур юзасидан) ҳар бир блокда 12 тадан савол, жамиси 36 та савол қўйилади. Уларни топширишга 1 соат вақт берилади. Тингловчилар ҳамма саволларни тўғри белгилаган тақдирда 75.6 балл тўплашади. Иккинчи тест синовларида (4 ойлик ўтилган дастур юзасидан) ҳар бир блокда 24 тадан савол, жамиси 72 та савол қўйилади. Уларни топширишга 2 соат вақт берилади. Тингловчилар ҳамма саволларни тўғри белгилаган тақдирда 151.2 балл тўплашади. IУчинчи тест синовларида (6 ойлик ўтилган дастур юзасидан) ҳар бир блокда стандарт 36 тадан савол, жамиси 108 та савол қўйилади. Уларни топширишга 3 соат вақт берилади. Тингловчилар ҳамма саволларни тўғри белгилаган тақдирда 226.8 балл тўплашади.

Ҳар бир аттестация ва тест синовларидан сўнг тингловчиларнинг олган баҳолари ҳамда тест баллари тайёрлов марказининг педагогик кенгашида муҳокама қилиниб таҳлил этилади. Ҳар бир тингловчининг ютуқлари ва камчиликлари айтилади. Аттестация баҳолари паст ва тест синовларидан энг паст балл тўплаган тингловчилар педагогик кенгаш қарори билан тингловчилар сафидан чиқариладилар (бу шартномада кўрсатилган). Шундан сўнг қолган тингловчилар янада ҳушёрроқ тортиб, кўпроқ ўқишга ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, ДТМ билан ҳамкорликда ўқув йили давомида географиядан 4-5 марта апробация тест синовлари ўтказилади. Уларнинг натижалари тингловчиларнинг билимини янада тўлиқроқ аниқлаб беради. Тингловчилар эришган ютуқларидан илҳомланиб, камчиликларини тузатишга ҳаракат қиладилар.

Ўтган ўқув йилларида ДТМ томонидан ўтказилган давлат тест синовларида география фанидан "Ахборотнома" ва "Вестник" журналларида эълон қилинмаган кўплаб саволларнинг киритилиши ёшларни саволларни қуруқ ёдламасдан, мустақил фикрлашга даъват этди. Тингловчиларимизнинг дастур бўйича ўқитилиши ва машқ тестларининг ўтказиб турилиши ҳамда ДТМ билан ҳамкорликда бир неча бор синов тест синовларининг ўтказилиши тингловчиларда тест топшириқларини ечишда кўникма ва малакани шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Пировард натижада, ўтган ўқув йилларида қабул қилиниб, ўқишни муваффақиятли тугаллаб, давлат тест синовларига тавсия этилган тингловчиларимизнинг 80% дан кўпроғи тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафига қабул қилиндилар. Уларнинг жуда кўпчилиги тўплаган баллари бўйича юқори ўринларни олиб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндилар.

Университет ректорати раҳбарлигида тайёрлов марказида Давлат Тест Маркази, вилоят тест маркази ва университет Информацион технологияларни тадбиқ қилиш ва ўқув-диагностик маркази билан ҳамкорликда тингловчи ва абитуриентларнинг географиядан билим савиясини "Диагностик" йўл орқали аниқлаш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Тайёрлов марказимизда географиядан мана шундай машқ ва дистанцион тест олиш усулларининг доимий равишда қўлланилиши тингловчиларнинг билимини чуқурлаштириш ва системага келтириш каби таълим муаммоларини ҳал қилади ҳамда улардан янада кўпроқ қисмининг ўқишга киришларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Абитуриентлар ва тингловчиларнинг тест топшириқларига берган жавобларини кенг ва чуқур таҳлил қилган ҳолда география фанини ўқитишнинг самарадорлигини кўтаришда қуйидаги таклифларни киритишни лозим топдик.

1. Республиканинг олий ўқув юртларига киришда кўп ихтисосликларда географиядан тест топширилмайди. Бу ҳол мактабларда географияни ўқитишнинг сусайишига ва ёшларнинг географиядан олган билимлари замона талабига жавоб бера олмаслигига сабаб бўлаяпти.

2. География табиий фанларнинг назарий асоси бўлиб, ўқувчиларнинг илмий дунёқараши ва мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Аксарият мутахассисликларда, жумладан тарих, математика, физика, биология,

кимё, иқтисодиёт, тиббиёт, меъморчилик соҳаларида география қонуниятлари кенг қўлланилади. Шундай экан, географиядан тест топширилиши керак бўлган мутахассисликлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу мактабларда, география умуман жамиятда фанига бўлган муносабатларнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

ТОҒ-ТЕКИСЛИК ГЕОКОМПЛЕКСЛАРИ ТИЗИМЛАРИНИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДА ЎРГАНИШ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ

Л.А.Алибеков
Самарқанд Давлат университети

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда инсон хўжалик фаолияти унинг йирик табиий комплекслари - экосистемаларида содир бўлаётган жараёнларга таъсир этиб, тоғ-текислик тизимларининг аниқ ***(реал)*** мавжудлигини, яъни тоғ ва текисликнинг бевосита алоқада ва таъсирда эканлигини кўрсатмоқда. Экологлар, географлар ва бир-бирига яқин бўлган билим соҳалари томонидан тўпланган, ҳамда муаллифнинг кўп йиллик текширишлари ва тўпланган материаллари асосида ***геопара*** - «тоғ-текислик» қўшалоқ геокомплекслари» ҳақида табиий-географик тушунча ишлаб чиқилган ва жорий этилган (таклиф этилган). Геопара - қўшалоқ табиий географик комплекслар турли даражада «баланд тоғ-текислик», «ўртача тоғ-текисликлар», «паст тоғ-текисликлар», қўшни табиий-ҳудудий комплекслар тизими (системаси) бўлиб, келиб чиқишининг умумийлиги ҳозирги модда ва энергия алмашинуви жараёнларининг умумийлиги билан боғлангандир.

Тоғ-текислик қўшалоқ геокомплексларни текшириш предмети ва услуби. Геопара тоғ ва текисликнинг ҳудудий йиғиндиси бўлиб, унда қарама-қарши табиий-ҳудудий комплекслар бевосита ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирнинг борлиги билан бир бутун тизим сифатида ривожланади ва шаклланади. Геопаранинг умумий мавжудлигининг асоси бўлиб ландшафт қобиғидаги кенг кўламдаги тектоник ва атмосферадаги ҳаракатлар хизмат қилади. Тектоник ҳаракатлар, тоғ ва текисликнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишига сабаб бўлиб, одатда тоғ тизмалари кўтарилганда қўшни майдонлар ҳам жалб қилинади. Атмосфера омили ҳам, яъни ҳаво массаларининг айланиб юриши, геопаранинг бир бутунлигини таъминлашда жуда муҳимдир. Ҳаво оқимлари туфайли, «тоғ-текислик» геопарасида жуда муҳим рол ўйновчи чангларнинг учириб олиб борилиши амалга оширилади.

Геопаранинг ишлаб туриши (функционировать қилиш) ички ва ташқи энергияларнинг заҳираси ҳисобидан амалга ошади. Геопарага энергия қуёш радиациясидан ва атмосфера циркуля-циясидан мунтазам

келади. Бу омил асосан ҳаво массаларини текисликдан тоққа ташишни таъминлайди. Лекин геопарада тоғларда моддаларнинг ҳар хил оқимларини ҳаракатга келтирувчи энг муҳим энергетик манба бўлиб оғирлик кучи хизмат қилади. Энергиянинг жуда мураккаб кетма-кет (каскад) айланиши, сув буғининг тоғ тизмаларининг юқорисига чиқишдан бошланади ва дарёларнинг ўзанларида оқим ва тоғ жинсларини майдалаш билан тугалланади. Тортиш кучи энергиясининг бир қисми текисликларда ва тоғ олдиларида ётқизиқларнинг тўпланган ер юзаси энергиясига айланади. Геопарада моддаларнинг ҳаракати, табиийки у ёки бу жараённинг давом этишига боғлиқ ва айниқса муҳимдир. У массаларнинг доимо алмашиниб туришида намоён бўлади. Тоғ-текисликнинг бир-бутунлигини кўпгина хусусиятлари унга тарихий нуқтаи назардан қаралса, яъни эволюцион жараёнларни ўрганиш предмети сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Геопарада вақтнинг ролини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки, кичик миқдор бўйича натижалар, юз минг йиллар давомида катта ландшафт ҳосил қилувчи натижаларни беради. Яъни, улар тоғ олди текисликлари (шлейфлар), деллювиаль қопламлар, конуссимон чиқиндилар, дельта чиқиндилари, флора ва фауналар кўринишида намоён бўлади. Бу натижаларнинг мураккаб бирга қўшилиши фазода кузатилаётган ландшафт ранг-баранглигини (мозаикаларининг) ташкил топишига олиб келади. Тоғ ва текисликнинг ўзаро таъсири натижасида келиб чиқиши жиҳатдан умумийликка эга бўлган ҳудудий парагенетик табиий комплекслар ҳосил бўлади.

Геопара тушунчаси билан умумий табиий ҳодисаларни боғлаш муваффақият билан амалга оширилади. Тоғ ва текислик ўртасидаги қарама- қаршиликлар ландшафт комплексларининг ривожланиши учун зарур шароитларни яратади. Таклиф этилган ушбу географик тушунча жуфт табиий қўшалоқлик («тоғлар-текисликлар») аъзоларини (улар қисмларини) ўзаро таъсир этиш механизмларининг асосларини мақсадга мувофиқ ўрганишга имкон яратади. Чунки унинг моҳияти – тоғ жинслари, сув, ҳаво, чанг, чўкинди, тузлар, органик ва тирик организмлар қисмларининг тоғ ва текислик ўртасида кўчишидан ва алмашинишидан иборат бўлади. Геопара концепциясига биноан, тоғ ва текисликлар қарама-қарши (тоғдан текисликка, текисликдан тоққа) йўналган модда, энергия ва информациялари алмашиниши билан бирлашган. Таклиф этилган услубнинг ўзига хос хусусияти тоғ-текисликнинг ўзаро таъсир этиш жараёнларининг кўрсаткичларини ёки хусусиятларини акс эттирадиган ҳар хил табиий компонентларни танлаб олиш йўли билан ўзаро боғлиқлик жараёнларини (пировордида, модда ва энергиянинг ҳаракатини) ўзаро боғлиқликда таҳлил қилишдан иборат бўлади. Натижада, тоғ ва текислик ўртасида чўзилган сабаб-

оқибат боғлиқликларининг узун занжирини тузиш мумкин (чизма).

Тоғ ва текислик ландшафтларининг ўзаро боғлиқлик механизмларини текшириш ва уни чуқур таҳлил қилиш шундай мунтазамликда (кетма-кетликда) ўтказилади: *омил-жараён-маҳсулот* (натижа). Бунда биз омил сифатида тоғ ва текислик (яъни геопарада йўналтирувчи омил бўлиб рельефдаги фарқлар хизмат қилади); жараён – улар ўртасида модда ва энергия ташишини таҳлил қилганимизда намоён бўлади. Маҳсулот, натижа эса, ҳар хил шакллардаги аккумуляциялар (тўпланишлар, ётқизиқлар), бу жараённинг тоғдан олиб чиққан конуссимон чиқиндилари, ер ости сувининг ер юзига чиқиш жойидаги шўрхоклари, маҳаллий шамоллар таъсирининг натижасида тўпланган қумлар ва бошқа кўринишдаги оқибатидир (якунидир). Натижада тоғ ва текислик ўртасида чўзилган узвий алоқаларнинг сабаб-оқибат занжирини тузиш мумкин бўлади (чизма).



ТОҒ ВА ТЕКИСЛИК ЎРТАСИДА МОДДАЛАРНИНГ АЙЛАНИБ ЮРИШИ ҚОНУНИЯТИ ҲАҚИДА

Л.А.Алибеков
Самарқанд Давлат университети

Ўрта Осиё тоғ ва текисликларидаги тўғри ва тескари алоқаларни сақлаб туришда асосий рольни моддаларнинг айланиб юриши ўйнаганлиги ўрнатилди. Муаллиф географик цикллар ғоясини ривожлантиришга уриниб Ўрта Осиёнинг ўзига хос орографик шароитига боғлиқ ҳолда маконда унга хос бўлган моддалар айланиб юриши ва унинг шаклланиш қонуниятини очишга ҳаракат қилди. Ҳозирга қадар тўпланган ва мавжуд маълумотлар Ўрта Осиё тоғ ва текисликларини бир бутун яхлит боғлаб турувчи моддалар алмашиниб туришининг биринчи маротаба умумий миқдорини баҳолаш имконини берди (чизма), унда ҳаво оқимларининг ҳаракат қалинлиги қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$M=P \cdot h \cdot V \cdot n \cdot L$$

M – умумий харажат, т/йил

P – муаллақ ҳавонинг ўртача зичлиги, г/м^3

h – ер юзасидаги ҳаво қатламининг баландлиги, м

V – ер юзаси ҳавосида шамолларнинг ўртача йиллик тезлиги м/сек

n – танланган йўналишлардаги шамоллар такрорланиши – текисликлардан тоғларга эсувчи шамоллар (ШҒ, Ш ва ШШ) ва қарама-қарши йўналишда эсувчи (ЖҒ, Ж ва ЖШ) шамоллар учун, ўртача/ йиллик

L – тоғ ва текислик ўртасидаги чегаранинг узунлиги.



Ўрта Осиё тоғ ва текислик ўртасида моддаларнинг айланиб юриши

Тоғ ва текислик ўртасида моддалар айланиб юришининг биринчи тармоғида моддалар тоғдан текисликка ҳаводаги оғирлик кучи таъсири остида сув оқими, муаллақ ва айланиб юрувчи заррачалар ва организмлардан иборат бўлган ҳамда нураган минерал моддалар оқими

шаклида сирғалиб тушади; иккинчи тармоғда эса, улар оғирлик кучига қарши текисликдан тоғларга қараб ҳаракат қилади ва шу билан бирга унда туз ва чангларни ҳаво орқали олиб борилиши муҳим рол ўйнайди. Оқимларнинг (поток) Ер юзасидаги ҳаракат турларига қараб улар чизиқли ва (юза) майдонли бўлиши мумкин. Унда биринчи ҳаракат турига дарёлар, сел, қор кўчкилари, тоғ-водий шамоллари мансуб бўлса, иккинчисига – ер ости сув оқими, турли чанг тўзон бўронлари «Афғон», «Қўқон», «Хавос» ва бошқа турдаги шамоллар мисол бўла олади. Ўрта Осиё тоғ-текислик геопарасида, табиийки, энг кучли таъсир бу ҳаво оқимидир. Тоғ ва текислик ўртасидаги моддаларнинг айланиб юришида қатнашаётганлар орасида маҳаллий циркуляция туфайли жуда катта ҳаво оқимининг қатнашаётганлиги диққатга сазовордир. Маҳаллий циркуляция туфайли тоғ ва текислик ўртасида айланма ҳаракатда қатнашаётган улкан ҳаво оқимининг қатнашиши йилига $0{,}1 \cdot 10^{14}$т ташкил қилади. Лекин шу билан бирга, тоғдан текисликка йўналган тармоқ ҳаво оқими бўғини (ичида) кечаси эсадиган шамоллар кучлироқ экан, яъни айланма ҳаракатда (даврида) тенглик (баланс) йўқ.

Атмосферадаги глобал ва регионал циркуляция жараёнлари сабабли, геопарада қалинлиги ва кучлилиги бўйича ҳаво ва сувни бир томонлама йўналишда ташиш мутлоқ ҳукмронлик қилади. Ғарб, шимоли-ғарбдан келадиган ҳаво оқими ҳаракатининг ташишининг ҳукмронлиги тоғ ва текислик ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлашга имкон беради, чунки бунда бир томондан саҳро ҳаво массасининг адвекциясини таъминлайди ва иккинчи томондан ёғин-сочинлар ҳосил бўлишига ундан кейин эса, сув оқими бўлишига имкон беради. Геопарада айланиб юрган намликнинг миқдори йилига юзлаб миллиард тонналарни ташкил қилади. Лекин табиатда ҳаво ва сув айланиб юришининг реал аҳамияти кичик ва уларнинг табиатга бевосита ва билвосита таъсир этиши билан боғлиқ бўлади. Геопарада қарама-қарши алоқаларнинг асосий манба тарқатувчиси бўлиб майда заррачалар (мелкозем) ва тузлар ҳисобланади ҳамда уларнинг иштироки геохимик ва геофизик жараёнларда муҳим рол ўйнаганлиги билан белгиланади. Ушбу айланма ҳаракатлар геопаранинг табиий шароитдаги фаолияти мустаҳкам ва барқарор ривожланиши учун зарурий шарт-шароит яратади. Минерал моддаларнинг маълум даражада ёпиқ ҳолда айланиши, Геопаранинг бир бутунлигини ва шу билан бир вақтда уни ўраб турувчи, унинг атрофидаги макондан, ҳудудлардан алоҳида ажралиб туришининг – асосий, бош омили бўлиб ҳисобланади. У тоғ ва унга туташ текисликларнинг ўзаро таъсири моҳиятини тушуниш учун жуда муҳим хулосага олиб келади. Хулоса шундан иборатки, бу ўзаро таъсирнинг (яъни, тоғ ва унга туташ текисликлар ўртасидаги) энг муҳим механизмларидан бири – тоғ ва текислик ўртасида майда тупроқ заррачаларининг (чанг шаклидаги) алмашиб туришидир.

Бу алмашиб туриш иккита тармоқдан тузилган ўзига хос шаклга эга бўлган айланиб юришдир. Булардан бири – ер усти, ҳаво тармоғи бўлиб, улар чанг бўронлари ва чанг туманлари воситаси билан фаол ҳаракат қилиб тоғ томонга йўналган бўлиб чанг заррачаларини етказиб беради ва у ерда чўкади (ёғади). Айланиб юришнинг иккинчи тармоғи – ер усти, унда бутун комплекс экзодинамик жараёнлар эол тупроқ зарраларини фаол равишда текисликка қайтаради ва бу ҳудудларни жуда интенсив равишда йилига $0{,}6 \cdot 10^9$ т. ни ташкил этган «эол» бўлмаган майда зарралар йиғиндиси билан бойитади. Шу билан бирга майда зарралар айланиб юришининг ниҳоятда ўзига хос хусусиятлари – унинг айнан беклиги бўлиб, шамол билан келтирилган турли зарралар катта қисмининг Ўрта Осиёда қолишида намоён бўлади. Ушбу кўрсатилган қонуният ҳозирга қадар илмий Адабиётларда ҳали етарли даражада баҳоланмаган ва ўрганилган эмас.

Шундай қилиб, текисликдан $2 \cdot 10^7$ ва $0{,}1 \cdot 10^9$ т туз ва чанглар ҳаво орқали тоққа ва тоғ олдига олиб борилади, у ерлардан эса ер усти сув оқимлари ёрдами туфайли яна қисман қайтиб келади ва дарёларнинг қўйи қисмида ҳамда тоғ олди текисликларида ётқизилади. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ҳудудида тўпланган туз ва чангларнинг асосий йиғиндиси чамаси, тўртламчи давр мобайнида бир неча марта қайтадан ётқизилган. Шунинг учун ҳам шўрхоклар, лёсс ва лёссимон тоғ жинсларини геопара тизимларида ёйилиб, сочилиб ётган материалларнинг мавжуд бўлишининг фақат бир шакли деб қараш мумкин. Тузлар ва чанглар йиғиндисининг бир қисми йўлда, тоғ ва тоғ олдига шамол билан олиб борилишида текисликдаги дарёларнинг террасаларида, дельталарида, Орол денгизининг ва кўлларнинг сувларида ушланиб қолинади. Ниҳоят, бирмунча моддалар шамол ҳаракати билан геопаралар ташқарисига олиб кетилади.

Тоғ-текислик геопараларидаги моддаларнинг айланиб юришининг йиғиндиси – бу муҳим табиий географик **ф е н о м е н** дир, унинг борлиги тоғ-текислик тизимини «океан-қуруқлик» тизими ва бутун ландшафт қобиғи билан бирга яқинлаштиради. Моддаларнинг тоғ-текисликда айланиб юриши мураккаб жараёнлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у ўз навбатида, уларнинг ҳар қайсиси занжирли реакция асосида қатор жараёнларга сабаб бўлади (ёки чақиради). Бу жараёнлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Узоқ муддатли жараёнлар тектоник ҳаракатлар вақтида геопараларнинг эволюциясини белгилайди ким, у вақтда тоғ ва унга туташ текисликларнинг юқорига кўтарилиши шунга мувофиқ флора, фауна, тупроқ ва бошқаларда ўзгаришлар содир бўлади, ёки тоғ тизмаларининг ва тоғ олди ботиқларининг дифференциал (ҳар хил) кўтарилишида текисликларнинг денудация маҳсулотлари билан тўлиши, шунингдек, аллювиал оқизиқларнинг йиғилиши (аккумуляцияси) ва

тоғларда эол қатламларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Қисқа муддатли жараёнлар геопараларнинг ишлаб туришини таъминлаб, моддалар кирим чиқимининг камлиги билан фарқ қилиб кенг ўткинчи (ўзгариб турувчи) полоса шаклидаги ҳаракатчан (ўзгариб турадиган) чегарага эга. Масалан, сернам ёғингарчилик йиллари сув тошқинлари ва селларнинг таъсир доираси катта бўлиб тоғлардан анча узоқ масофадаги текисликларга ҳар хил ювилган материалларни олиб боради, намгарчилик кам бўлган йиллари эса, аксинчаси бўлиб, ювилган материалларни кам масофага олиб боради ва таъсир этиш доираси ҳам анча кичик бўлади.

Моддаларнинг тоғ-текисликда айланиб юришининг айрим тармоқларини миқдорий баҳолаш, геопарада майда енгил зарра моддалар ҳаракатининг туз, муаллақ ва аэрозоллар шаклида қарама-қарши йўналишда олиб чиқиш ва олиб келиш жараёнларида етарли даражада тўлиқ табиий тенглик (мувозонат) борлигини кўрсатади. Моддаларнинг қарама-қарши йўналишда (яъни, тоғдан-текисликка ва текисликдан тоққа) бундай тенглик мувозанатдалиги, ландшафтларнинг мўътадил мавжуд бўлишини таъминлайди ва ҳар хил типдаги табиий комплекслар шу жумладан, алоҳида динамик хусусиятга эга бўлган шўрхокли чўкмалар ва баланд тоғлар ўртасидаги ҳудудий мувозанатни сақлайди. Лекин кейинги ўн йилликларда табиатга инсон хўжалик фаолияти таъсир этишнинг кучайиши натижасида тоғ-текисликда моддалар айланиб юришининг механизмлари бузилганлиги маълум бўлмоқда. Бу алоҳида мавзу.

Ўрта Осиё регионида «тоғ-текислик» геопаралари динамикасининг қонуниятларини аниқлаш, табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришнинг илмий тавсияларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Шундай қилиб, тўпланган материалларни комплекс таҳлил қилиш асосида, Ўрта Осиё тоғли районларининг муаммоларини аввалгидек текисликлардан ажратилган ҳолда эмас, балки текисликлар муаммолари билан бирга кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда тоғ ва текислик ҳудудларининг жуда кўп ҳар томонлама алоқадорликлари бутун Ўрта Осиё регионнининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг характерли хусусиятидир. Муаллифнинг кейинги йилларда чоп этган илмий ишлари (1983-2006) ана шу долзарб муаммоларга бағишланган.

ҚАШҚАДРЁ ҲАВЗАСИДА ЭРОЗИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Р.Ҳ. Ҳалимов
Самарқанд Давлат университети

Эрозион жараёнлар халқ хўжалигига зарар келтирадиган табиий офатлардан бири ҳисобланади. У топроқнинг унумдор бўлган чириндили қатламини ювилиб кетилишига, жарликларнинг ҳосил бўлишига, экин майдонларини парчаланишига, йўлларни бузилишига олиб келади ва халқ хўжалигига ката зарар етказади. М. Панков ва З. Панковани (1965) маълумоти бўйича ўртача ювилган типик бўз тупроқларда экинларнинг ҳосилдорлиги ювилмаган тупроқлардагига нисбатан 17% паст бўлади. Кучли ювилган тупроқларда эса ҳосилдорлик 2 баробар кам бўлади.

Шунинг учун ҳар бир ҳудудда ва шу жумладан Қашқадарё ҳавзасида эрозион жараёнларнинг географик тарқалишини ҳамда ривожланиш омилларини ўрганиш ва уларнинг ривожланишини олидини олиш бўйича чора тадбирлар белгилаш катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Қашқадарё ҳавзасида эрозион жараёнлар Қашқадарёнинг ирмоқлари ҳисобланадиган Жиннидарё, Оқдарё, Кичик Ўрадарё водийларининг ёнбағирларида ва бошқа жойларда ривожланган. Улар ривожланишининг асосий омиллари-жойнинг геологик тузилиши, рельефи, иқлим шароити, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси ва кишиларнинг баъзи бир нотўғри хўжалик фаолиятидан иборат.

Эрозион жараёнларнинг ривожланишида жойнинг геологик тузилишини омил сифатидаги таъсири, у ерда лёс жинсларининг кенг тарқалганлигидадир. Бу тоғ жинслари ғовак бўлиб, сув таъсирида тез ювилиб кетади. Уларнинг ғоваклиги 35-50% ни ташкил қилади (М.Ш.Шерматов, 1971) . Бу жинслар сув таъсирида ҳўлланганда, уларни физик хусусияти ўзгаради, структураси бузилади ва ҳажми кичрайиб, ўпирилмалар ҳосил қилади. Ўпирилмаларда ёмғир сувлари тўпланиб ерга сингади ва ер ости бўйлаб пастқамликка томон оқиб ташқарига чиқади ва тупроқни ювиб кетади. Бунинг натижасида тупроқ ювилиши эрозияси босқичма-босқич кучайиб бориб, катта ер ости бўшлиқлари юзага келади. Оқибатда ер ости бўшлиқлари ўпирилиб, жарликлар ҳосил бўлади. Қашқадарё ҳавзасида тупроқ ювилиши ва жарлик эрозияси ривожланишининг асосий сабабларидан бири ана шундадир. Бу дарё ҳавзасида жарликларнинг ўсиш тезлиги ўртача ҳисобда йилига 20-30 см ни ташкил қилади. Сел ёмғирлари бўлган вақтда эса, бирданига узунлиги 15-30 ҳатто 50 метр келадиган жарликлар ҳосил бўлади. Бундай ҳодисалар 1969 йили Кайнонсойнинг қўйи қисмида кузатилган.

Эрозион жараёнларнинг ривожланишига рельефнинг таъсири шундаки, жой қиялигининг ошиб бориши билан ер усти сув оқими ва

тупроқнинг ювилиши кучайиб боради. Масалан, Сўқоқсойни тўқ бўз тупроқли ёнбағирларида бир суткада 6-7 мм ёғин ёққанда тупроқнинг ювилиш қиялиги 10^0 бўлган ёнбағирларда 42 килограммни, қиялиги 20^0 бўлган ёнбағирларда эса 88 килограммни ташкил қилган (М.Б. Дашанов, Р.Г. Муратова 1960). Қашқадарё ҳавзасида $2\text{-}3^0$ бўлган жойларда ювилмаган тупроқлар тарқалган. Қиялиги $5\text{-}10^0$ бўлган жойларда кучсиз ювилган, қиялиги 15^0 ва ундан катта бўлган ёнбағирларда асосан кучли бўлган тупроқлар кузатилади.

Эрозион жараёнларни ривожланишига ўсимлик қопламининг асосий омиллардан бири сифатидаги таъсири шундан иборатки, ўсимликларнинг қалинлигига боғлиқ ҳолда, эрозион жараёнларни ривожланиш даражаси ўзгариб боради. Масалан, Сўқоқсой ҳавзасида 21 мм ёғин ёққан вақтда, ўсимлик қоплами 80% ни ташкил қиладиган жойларда, ер усти сув оқими ҳар бир гектар ердан 12 $м^3$ ни, тупроқ ювилиши эса, 26 килограммни ташкил қилган. Ўсимлик қоплами 25% бўлган жойларда эса, сув оқими 191 $м^3$ га тупроқ ювилиши эса 2349 килограммга етган (М.Б.Дошанов, 1960).

Эрозион жараёнларнинг ривожланишига иқлимни таъсири, атмосфера ёғинларининг йил давомида нотекис тақсимланишида намоён бўлади. Қашқадарё ҳавзасида ёғиннинг асосий қисми қиш ва баҳор фаслларида ёғади. Бу фаслларда бир йилда ёғадиган 277-632 миллиметр ёғиннинг 82-83% тўғри келади. Бу ёғинлар, ерга сингишга улгирмай, катта ер усти сув оқимларини ҳосил қилиб, тупроқнинг ювилиб кетишига ва жарлик эрозиясини ривожланишига олиб келади. Ер усти сув оқимлари, айниқса сел ёмғирлари ёққан вақтда жуда катта бўлади ва эрозион жараёнларни кучли ривожланишига сабаб бўлади. Масалан, 1969 йили баҳор ойида сел ёмғирлари ёғиши натижасида Кайнонсойнинг қўйи қисмида узунлиги 15 метрдан то 50 метргача бўлган бир нечта жарликлар ҳосил бўлган.

Эрозион жараёнларни ривожланишида кишиларнинг хўжалик фаолиятининг таъсири қия ёнбағирларни нотўғри шудгорлаш, ортиқча суғориш сувларининг тартибсиз қўлланилишида намоён бўлади.

Масалан, Жиннидарё водийсининг чап ёнбағрида Лўлиқишлоқни ғарбий томонида экинларнинг чеккаларида ерни қўриқлаш уватлари қолидрмасдан то дарёнинг ёққасигача шудгорлаб экилган токзорларни ортиқча суғориш натижасида, ортиқча сувлар токзор агатларидан тошиб оқиб тупроқни ювиб кетган ва 7 та жарлик ҳосил қилган. Жарликларнинг узунлиги 15 – 35 метрга тенг.

Қорабулоқсойнинг юқори қисмида Лалмикор деб аталадиган дала майдонида Қорабулоқсойдан насос ёрдамида труба орқали сув чиқариш ва трубадан ерга тартибсиз тўкилиб қолган сувларнинг жойни пастқамлигига

томон оқиб кетиши натижасида тупроқ ювилиб кетиб, 2 йил давомида узунлиги 50 метр бўлган катта жарлик ҳосил бўлган.

Оқсув дарёсининг чап ёнбағрида Ғелон қишлоғининг жанубий қисмидаги айрим жойларни яхши текисламай экин экиш ва экинларни тартибсиз суғориш натижасида, суғориш сувлари экинларни агатларидан тошиб пастга томон оқиб, тупроқни ювиб кетган ва узунлиги 3-5 метр келадиган жарликларни ҳосил қилган.

ҲИСОР ТОҒЛАРИНИНГ ГЕОМОРФОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

А.М.Маматов, Р.А.Аҳмедов
Қарши Давлат университети

“Табиат ёдгорлиги” илмий тушунчаси моҳиятан нотирик ва жонли табиатнинг диққатга сазовор, ўрганиш ва асрашга арзийдиган ноёб объектларга нисбатан қўлланилади. Бу ибора муайян жой атроф-муҳитининг барча мавжуд объектларини эмас, ўзининг бир ёки бир неча жиҳатлари билан жамоатчилик эътиборини жалб этувчи комплекс ёки улар таркибига кирган компонентларнинг алоҳидалигини ифодалаш учун ишлатилади. Одатда табиат ёдгорлиги бўлишга лойиқ объект ёки комплекс шу регион табиати учун типик, кўпинча андоза бўлиб хизмат қилиши зарур. Зотан, унда регион табиати тараққиёт тарихининг қандай кечганлигини кўрсатадиган қатор жиҳатлар бўлиши керак. Бугунги табиий шароитнинг қандай тараққий этганлиги бўйича аниқ ва мумкин қадар кўпроқ ахборотларни ўзида мужассам этган, алоҳидалик-ноёблик хусусиятига зиён етиш хавфи бўлган, агар у муҳофазага олинмаса, унинг эътиборни жалб этувчи жиҳатларига путур етиш эҳтимоли бўлган табиий объект ва участкалар давлат табиат ёдгорликлари бўла олади.

Мамлакатимизда 2005 йилнинг декабрида қабул қилинган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунда “Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат ёдгорликлари ҳисобланади. Давлат табиат ёдгорликлари қуйидаги турларга бўлинади: табиий сув объектларини сақлаб қолишга мўлжалланган гидрологик ёдгорликлар; айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар; табиат яратган рельеф шаклларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар; геологик ва минерологик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минерологик ёдгорликлар”- деб табиат ёдгорликларининг ҳуқуқий мақоми, турлари ва режими аниқ белгилаб берилган. Муҳофаза этиладиган Давлат қўриқхоналари, мажмуа буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, муҳофаза этиладиган ландшафтлар каби

давлат томонидан даҳлсизлиги қатъий қонунлаштирилган ҳудудлар қаторида

“... типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб бориш, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан” иборат вазифалар ушбу Қонунда белгилаб берилган. Ҳисор-Олой тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмини ташкил этувчи Ҳисор тизмасининг қарийб 200 км масофадаги бўлаги, Ўзбекистон доирасида жойлашган. Асосан герцин ва қисман альп бурмаланишида ҳозирги қиёфага кирган, мамлакатимизнинг энг баланд тоғи бўлмиш Ҳисор тоғлари ноёб, муҳофаза қилиниши зарур бўлган ландшафтли маскан ва табиат объектлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Бу ерда “Сурхон”, “Ҳисор” тоғ-арча ва Китоб геологик қўриқхоналари билан бирга юздан ортиқ маълум ва машҳур объектлар давлат табиат ёдгорликлари сифатида муҳофазага олинган.

Ҳисорнинг Ўзбекистон доирасидаги неандертал одамга бошпаноҳ бўлган Тешиктош манзилгоҳи, Темир дарвоза тангиси, Яккабоғдарё ҳавзасидаги “Динозавр сўқмоғи”, Ўзбекистондаги энг узун Амир Темур карст ғори, тошбитикли Зараутсой камари ва бошқалар нафақат давлат ёдгорлиги, балки Бутунжаҳон мероси рўйхатидан ўрин олса арзийди. Ҳисор тизмасининг Ўзбекистон доирасида ҳалигача табиийлигини сақлаб қолган сержило маскан ва диққатга лойиқ объектларига давлат табиат ёдгорлиги мақоми берилиб, мазкур ноёб, баъзан яккаю-ягона (уникум) табиий объектлар янада чуқур ўрганилиши, тўлиқ илмий-маърифий таърифи тузилиши регион географияси ва экологияси учун ҳаётий зарурат. Шу билан бирга ҳануз табиат ёдгорлиги мақомини олмаган, аммо табиий илмий-тарихий ва бошқа қатор жиҳатлари билан аҳамиятга молик объектларни аниқлаб, уларни асраш ва экотуризм объектлари сифатида фойдаланиш кечиктириб бўлмас вазифалардан бири. Мисол тариқасида бутун жаҳонга машҳур АҚШнинг Гранд-Каньон Миллий боғи дастлаб Миллий табиат ёдгорлиги мақомида ташкил этилганлигини эслатиш жоиз. Колорадо дарёси шу номли ясситоғлик заминига 2000 метрлар чамаси чуқурликка ўйиб кириб, 350 км узунликда дара-каньон ҳосил қилган. Бундай улкан ва дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган яккаю-ягона рельеф шакли эрозия ва карст жараёнларининг биргаликдаги фаолиятидан геологик хотира тарзида муҳофазага олинган. ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон мероси рўйхатидан ўрин олган Гранд-Каньон миллий боғи миллионлаб саёҳатчиларга табиат нақадар қудратли кучга эга эканлигини ҳис этиш, табиат қўйнида дам олиш ва ўзларининг экологик билимларини кенгайтириши учун хизмат қилаётгани бугунги кунда кўпчиликка маълум.

Гранд-Каньон сингари ақл бовар қилмас даражада ўлчамга эга бўлмаса-да, Ҳисор тизмаси релъефининг шаклланишида етакчи аҳамиятга молик дарё тангилари бу тоғларда кўпчилик бўлиб, улар дарёнинг чуқурлама эрозияси нималарга қодир эканлигидан гувоҳлик берувчи объектлардир. Шундай экан, илмий-ахборий, рекреация ва саёҳат-туризм манзиллари ҳисобланган бундай геоморфология ёдгорликлари хариталаштирилиб, аҳолининг экологик маданиятини оширишга хизмат қилмоғи мақсадга мувофиқдир.

ДАРЁ ТАНГИЛАРИГА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР МАҚОМИ БЕРИЛИШИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

А.М.Маматов, С.Т.Тўланова, Л.Н.Эрдонов
Қарши Давлат университети

Жанубий Ўзбекистон регионининг геологик-палеогеографик тараққиёти хусусида маълумот берувчи эстетик, маърифий ва туристик жиҳатлардан чинакам нодир объектлар бўлган тоғ дарёларининг тангилари табиат ёдгорлиги деб ҳимояга олинишга лойиқ. Аслида юра даврининг илиқ сувли, ўртача саёзликдаги денгизларида яшаган жонзотларнинг тошга айланишидан пайдо бўлган оҳактош заминли структураларни оқар сувлар емириб ва эритиб, бу ердаги тоғ дарёлари жуда тор ва чуқур даралар ҳосил қилган. Маҳаллий аҳоли дараларни соф туркий тилда қопчиғай (тик турган қопга ўхшаш) деб номлаганларки, рельефнинг шакл-шамойили бу атамада аниқ ифодаланган. Геология ва географияга доир илмий Адабиётларда Ҳисор свитаси- мажмуаси деб юритиладиган ушбу қопчиғайлар шаклланган оҳактош қатламлари 150 дан 350 м гача қалинликка эга. Демак, дараларнинг тик деворлари ҳам деярли шунча чуқурликка ўйиб кирган. Кенглиги 20-50 м, баъзан ундан ҳам тор, фақат осмон кўринадиган, ёриққа ўхшаш бундай даралар геологик ўтмиш жараёнларининг гувоҳлари ҳамда ҳозирги рельефнинг диққатга лойиқ объектлари сифатида ҳимояга олиниши ва давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилиниши зарур. Айниқса, дарёларнинг емирувчилик (эрозия) ва эритувчилик (карст) фаолияти яққол самарали бўлган, айни чоғда “Ҳисор” қўриқхонаси таркибида ҳимояга олинган Қалъаишерон ва ҳозирча муҳофазага олинмаган Зармас ва Лангар каби дараларда маҳобатли қиёфада бетакрорлик касб этган. Шунингдек, Кичик Ўрадарё, Торқопчиғай ва Шероботдарё ҳавзасидаги тангиларнинг кўпчилиги ҳам юра даврига мансуб оҳактош қатларида шаклланган. Маълумки, Ҳисор тоғларининг Жиннидарё, Оқсув ва Танхоздарё ҳавзалари доирасидаги қисми юқори палеозойда ҳосил бўлган чўкинди ётқизиқлар ва уларни ёриб кирган магматик жинслардан таркиб топган. Шу сабабли жуда қалин чўкинди жинс- оҳактош заминли структураларни дарёлар кесиб ўтган ҳудудларда дарё водийлари тангилар шаклида намоён бўлган. Оқсувнинг

Ҳисорак билан /илон қишлоқлари орасидаги бўлаги, Қорасув дарёси даралари типик шаклдаги тангилардир. Хусусан, Тамшушдарё Оқсувга қуйиладиган жойда ўрнашган Ҳисорак қўрғонидан юқори қисмидаги /илон қишлоғи меридианигача бўлган 30-35 км оралиқдаги Оқсувдарё водийси тик деворли, ёриқсимон дара кўринишида танги бўлганлиги учун бу дарани- уникум (яккаю-ягона) ўхшаши йўқ деса бўлади. Бу ерда девон даври оҳактош массивини дарё чуқур ўйиб кириб, кенглиги 40-60, баъзан бундан ҳам тор қопчиғайни шакллантирган. Дара деворларининг баландлиги аксари ҳолларда 190-200 м. Ўлчамлари бўйича Ўзбекистон ҳудудида танҳо бўлган бу геоморфологик объект-оҳактош қатларида кечадиган эриш-кимёвий жараён билан эрозия-геологик жараёнларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари ҳосиласидир. Чуқур ўрганилиш ва рельефнинг эътиборга лойиқ шакли ҳисобланган ушбу ноёб объект, шубҳасиз, ҳимояга олиниши зарур. Колорадо дарёсидаги Гранд-Каньоннинг Ўрта Осиёдаги андозаси бўлган Оқсув қопчиғайи-дараси нафақат табиатнинг ривожланишдан қолган бисотий мероси-ёдгорлиги, балки, Миллий боғ мақомида сақланиши–экологик тарғибот объекти бўлиб хизмат қилиши лозим. Юқорида айтиб ўтилган Оқсув, Қорасув, Лангар, Зармас ва бошқа геоморфологик ёдгорликларнинг бетакрор, ноёб объектлар эканлигини регион табиатининг бирор жиҳатини ўрганган аксар тадқиқотчилар алоҳида таъкидлаб ўтишган. “...Сувсиз (дарё ва жилғаларсиз) ясси тоғлар орасида яширинган, бир неча юз метр чуқурликдаги тангилар бир қарашда бу ер рельефида кўзга ташланадиган ҳеч нарса йўқдек туюлади. Аслида эътиборни жалб этадиган дараларнинг мавжудлиги, бу дараларни шакллантирган дарёларнинг чуқурлатма эрозия фаолияти тўхтовсиз давом этаётганлигини онда-сонда кўриниб қоладиган дарё водийлари тирсакларининг юқори қисмларигина гувоҳлик беради. ...Баъзан дарёлар тоғ қоялари орасида ҳудди тоннелсимон-қувурсимон ёриқлардан оққандек туюлади.” ХХ асрнинг 30-йилларида С.И.Клунников ва бошқа тадқиқотчилар келтирган бу таърифда Ҳисор тангилари шубҳасиз эътиборга молик геоморфологик ёдгорликлар эканлиги таъкидланмоқда. Бас, шундай экан, тоғ рельефининг бундай ноёб объектлари фақат табиат ёдгорлиги мақомида асралиши билангина чекланиб қолмай, улар регион табиатининг ранг-баранглигини ва бетакрорлигини тарғиб қилувчи туризм ва рекреация объекти сифатида хизмат қилиши лозим. Рельефнинг диққатга сазовар шаклларига давлат табиат ёдгорлиги, миллий боғ ва бошқа шу тахлит муҳофаза этиладиган муассасалар мақомида фаолият кўрсатиш тажрибаси жаҳон табиатни қўриқлаш тизимида талайгина. АҚШнинг Гранд-Каньон, Кингс-Каньон миллий боғлари, Латвиянинг Гауая, Эстониянинг Лаахема, Туркманистоннинг Кўҳитанг миллий боғларида улкан тоғ даралари, музлик олиб келган қоялар (валуналар) ва тепаликлар каби геоморфологик

объектлар муҳофаза этилмоқда. Улар саёҳатчиларга миллий боғ табиатининг ўзига хос нодир комплекслари сифатида тақдим этилмоқда. Табиатнинг эътиборга лойиқ илмий-тарихий, маданий, экологик, эстетик ва бошқа қатор жиҳатлари билан қимматли бўлган объект ва ҳудудларни муҳофазага олишда ва улар воситасида табиат қўйнида фаол дам олувчиларга намойиш этишда бундай ибратли тажрибадан фойдаланиш бозор иқтисодиёти шароитида асқотади, деб ҳисоблаймиз.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

С.И.Абдуллаев, И.Х.Жанқобилов
Қарши Давлат университети

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимини давр талабларига мувофиқ тарзда тубдан ислоҳ қилиш жараёни бормоқда. Бу соҳада таълим жараёнига рейтинг тизимининг тадбиқ этилиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рейтинг тизими таълимнинг барча босқичларида ўқув жараёнининг узвий қисмига айланади. 1993 йилдан буён рейтинг тизимида назарий ва амалий жиҳатидан катта тажрибага эга бўлинди.

Олий ўқув юртларида талабаларнинг билим даражасини баҳолаш ва назорат қилишда рейтинг тизимининг қўлланилиши мураккаб ва кўп қиррали жараён. Талабанинг ҳар бир дарсни ўзлаштириши, энг аввало, ўқитувчининг маҳорати ва талабанинг қобилиятига боғлиқ. Биргина дарсда ўқитувчи томонидан талабага нохолис қўйилган баҳо ўқитувчига нисбатан, қолаверса ўқитувчи ўқитаётган ўқув фанига нисбатан қизиқишини сўндиради. Айни шу сабабли ўқитувчи томонидан талабаларга эътиборни кучайтириш, фанларни қанчалик ўзлаштиришини назорат қилиш мақсадида талабалар билимини баҳолашнинг янги рейтинг тизими яратилди.

Рейтинг тизими талабанинг бутун семестр давомида бир меъёрда ва фаол равишда ишлашини таъминлайди, талабанинг интеллектуал салоҳиятини тўлароқ руёбга чиқаришига кўмак беради, семестр давомида талабалар билими, маҳорати, кўникмалари ва ўзлаштириш малакаларини объектив назорат қилиш ва уларнинг ўз устида ишлашини бошқариш имконини беради, мустақил ишлашнинг самарадорлигини оширади, талабалар билан яқиндан туриб ишлаш шароитини яратади, билим олишда ўзаро ошкора баҳслашув муҳитини шакллантиради, талабалар тўғрисидаги фикрни ҳар томонлама асослашда, рағбатлантириш лозим бўлган талабалар ва ўқитувчиларни аниқлашга замин яратади, талабаларда ўқишга нисбатан қизиқишни, ўқитувчиларда эса ўз педагогик бурчларига нисбатан бўлган масъулиятни оширади.

Таълим жараёнида рейтинг тизимини қўллашда фанларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки бўлғуси мутахассиснинг ўз соҳаси (ихтисослиги) бўйича етарли даражада билим ва малакага эга бўлишида нафақатгина фаннинг ўқитилиш савияси эмас, балки талабалар билимини рейтинг тизими асосида мукаммал баҳолаш, бу тизимни кундан-кунга такомиллаштириш ва уни янги, самарали шакллар билан бойитиб бориш тақозо этилади. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий қилиниши ва талабаларнинг қизиқишини кучайтиришда рейтинг жадвалини тўғри тузиш ва талабага етказиш муҳим аҳамиятга эга. Рейтинг жадвалида жорий, оралиқ ва мустақил ишларни баҳолашнинг баллари билан биргаликда бу балларни фаннинг бўлимлари бўйича тақсимланганлиги ва уни амалга ошириш муддатлари кўрсатилиши лозим. Маълумки, ҳар бир фан бўйича талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ҳамда ЖБ, ОБ, МИБ ва ЯБ турлари орқали амалга оширилади. Баҳолаш турлари ҳар бир фаннинг хусусиятларига кўра турли усулларда амалга оширилади. Шу сабабли фан ўқитувчиси томонидан ишчи ўқув дастури асосида тузиладиган рейтинг жадвалининг мукамал бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимида янги таҳрирдаги муваққат низом жорий этила бошланди. Мазкур низомга биноан муайян фан бўйича талабанинг семестр бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллдан якуний баҳолашга (ЯБ) 15 балл, жорий ва оралиқ баҳолашларга эса 85 балл белгиланган. ЖБ ва ОБ га баллар фан хасусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчининг таклифига биноан кафедра томонидан белгиланиши кўрсатилган. Аммо мустақил ишни алоҳида ёки ЖБ га қўшиб баҳолаш масаласи муваққат низомда кўрсатилмаган. Аммо ОЎМТВ нинг 2005 йил 21 февраль 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба мустақил ишни ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолиш тартиби тўғрисида “Намунавий” низом”да “талабанинг мустақил иши, муайян фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади”, деб қайд қилинган. Шунингдек, мазкур низомда талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш меъзонлари тегишли кафедра томонидан белгиланиши, мустақил ишларни баҳолаш меъзонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилиши лозимлиги, мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талабани фан бўйича якуний назоратга қўйилмаслиги, ўқув семестри якунида талабанинг мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари рейтинг

қайдномасида, талабанинг рейтинг дафтарчасида ва ўқув якунида битирувчига тақдим этиладиган диплом иловасида, қайд этилиши қайдномаларида алоҳида (илгаридагидек жорий баҳолаш бўйича тўпланган балларга қўшиб эмас) қайд қилиниши лозим.

ТОПОНИМИК ХАРИТА

Т.Нафасов, Ш.Нафасов, В.Нафасова
Қарши Давлат университети

Топонимия тизими, ойконимия, оронимия, гидронимия каби уч йирик номлар гурухи мажмуидан иборат бўлганлиги боис уларнинг барчасини бирлаштириб, ягона топонимик карта тузиш амалий, ташкилий ва лисоний-ономастик жихатдан анча мушкул. Ҳар бир топонимик микротизим, яъни ойконимик (ахоли яшаш масканлари номлари), оронимик (ер юзаси шакллари) ва гидронимик (сув объектлари номлари) микротизим учун алоҳида карта тузиш амалий жиҳатдан қулай, илмий жихатдан ишончли. Тузилган топонимик луғатларда, асосан, ойконимлар изоҳланган, республика ҳудудидаги ойконимлар лингвистик жиҳатдан анча изчил тадқиқ қилинган.

Топонимик турлар ва типлар, энг аввало, номлар таркибидаги индикаторларда намоён, индикаторлар номларни қаторларга бирлаштиради, фарқлайди, уларнинг тадрижий хусусиятини, қайси тилга мансублигини кўрсатади. Тарихий ва замонавий ойконимлар бир-биридан индикаторлари, ясаш учун хизмат қилган ясовчи қўшимчалари билан яхлит тизимини ташкил қилади, индикаторлар ва ясовчиларнинг такрорланиши ҳар бир тип топонимнинг ҳам лисоний, хам нолисоний-ижтимоий асослари ҳақида маълумот беради.

Ўзбекистоннинг тарихий топонимияси-ойконимиясида ойконимик тур ҳосил қилган индикаторлар: *кент (канд) –кат (-қат), -диз (диза / жиза), -дувон (тувон), -метан (-матон, лангар, -гирд (-кирд), -кана (-қана), -майн (-ман /-мон), ҳисор, балк (балиқ / балх), -тим.* Бу индикаторларнинг барчаси бир умумий маънога эга: қўрғон, истехком, девор билан қушалган маскан.

Ўзбекистоннинг замонавий, қисман тарихий топонимиясидаги ойконимлар таркибида барқарорлашган индикаторлар**:** *шаҳар, қишлоқ, деҳ, овул, ўба, даҳа, обод, -за (-зой), сарой, чақар, работ, равот, дувол, қарши, чим (чем), кўча, гузар, қалъа, маҳалла, қўрғон, хона, қўтон, дарча, дарбоза, чайла, капа, минор, қўра, хонака, боғ, тўп (тўпи, тўпор), туда, бозор, мачит, юрт, қўниш қсаба, чорбоғ, ер, банд, йўл.*

Зикр этилган индикаторлар фақат ойконимияга хос. Оронимлар ва гидронимларда бу индикаторлар учрамайди. Ўзбекистон топонимияси уч топонимик турга таснифланганда зикрланган индикаторли номлар

оронимияда ёки гидронимияда қайд қилинса, бу ҳолат трансонимизация натижаси деб қаралиши лозим. Топоним топонимик картада бир тур ном сифатида қайд қилиниши лозим. Албатта, бунда замонавийлик, халқоналик, маъмурийлик жараёнларини кўрсатишга тўғри келади. *Зар афшон, Андижон, Наманган* – ҳозирги шаҳар номлари. Бу номлар таркибидаги –шон, -жон, -ган (-гон), (маъноси – сув, дарё) индикаторлари тарихан гидронимияга хос, бу номлар тилда гидроним сифатида яралган, сўнгра ойконимия сатхига утган, ойконимия сатхида шаҳарнинггина эмас, вилоят, баъзан туман, махалла номларига хам айланган. Топонимлар таркибидаги индикаторларига нисбатланиб карталаштирилса ва лисоний таснифланса, уларнинг тилда кайси турга мансуб топонимлар сифатида юзага келганлиги маълум булади.

Оронимлар ва гидронимлар таркибида ойконимия индикаторлари кайд килинса, бу номлар азалда ойконим вазифасида юзага келган деб каралиши ва улар алохида топонимик тип сифатида белгиланиши лозим. Оксув, Окдарё, Корасув, Қорадарё, Корабулок номлари ҳозирги Ўзбекистон топонимиясида ҳам гидронимик, ҳам ойконимик тип ҳисобланади. Азалда гидроним булишган, гидронимлик уларнинг биринчи вазифаси, шу вазифа учун тилда юзага келган. Сўнгра сувлоқ бўйидаги аҳоли масканлари номига айланган-трансонимизация юз берган. Октепа, Қоратепа, Учтепа, Каттатепа каби номлар ороним бўлиб тилда воқеланган, даврлар ўтиши билан ойконимик вазифага ўтган.

Топонимик карта тузишда тузувчи (тилшунос, номшунос, географ, тарихчи, картограф) республика топонимик тизимининг ҳар бир туриги хос индикаторлар вазифасидаги лексемаларни, топоним ясовчи қўшимчаларни, шу вазифага ҳосланган сўзлар уясини аниқлаш, ўрганиш ва билиши талаб этилади: Жума, Чоршанба, Пайшанба, Шанба каби номлар ойконимияга хос. Касб-ҳунар сўзлари ҳам ойконимия микротизимида мавжуд. Ишлаб чиқариш, мулкчилик, маданият билан боғлиқ сўз ва ифодалар ойконимия тизимида номга ўтиши ижтимоий эҳтиёж тақозосидир. Бу тур номлар гидронимия ва оронимия учун ҳарактерли эмас.

Ўзбекистон топонимиясига хос гидронимик индикаторлар: *денгиз, дарё, руд, сув, об, кас (хас / қас), ўкув (ўгуз), жон (жом), шон, ком (гон / ган), дак , арна, ёп, жўй, жўйбор, кориз (кариз), банд, дахнга, ча (чоҳ), чашма, булоқ, хон нов, нова, шох, ариқ, қудуқ, ҳовуз, кўл, қўл, қул, жилға, сой, ёрма, солма, анҳор, наҳр, канал, қазақ (қозоқ), селхона, сувомбор, кок, гузар, кечик, сувлок, обдеҳ, дарак, тўғон, қулоқ, пойга, шоввa, шар шара, обгоҳ, сардоба, пул, кўприк, гирдоб, уйрим, бодоқ, шибар (шувар), ёғоч, новур, ўзак, ўзан, сақо, селга, чот, бандар, изма...* Зикрланган лексемаларнинг барчаси Ўзбекистон гидронимиясида турли товуш, морфема, шакл ўзгаришида мавжуд, айримлари топонимлар таркибига

сингишиб, бирикиб, бирлашиб таркибий қисмларга ажралмас даражага келиб қолган: Андижон, Наманган, Зарафшон, Бадахшон, Ардахшон, Дарвозакам ва ҳоказо.

ГЕОЭКОЛОГИЯНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

С.И.Абдуллаев, И.Х.Жанқобилов
Қарши Давлат университети

Ландшафтларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганишга доир тадқиқотларнинг кенгайишида, биосфера ва унинг айрим ҳудудларининг мавжудлиги ва ривожланишида жамиятнинг ролини очиб беришда, глобал ва регионал мониторинг тизимларини ишлаб чиқишда экологик ёндашув муҳим аҳамият касб этди. География муаммоларга экологик ёндашув амалий географиянинг бир қатор масалалари ечимида жуда самарали бўлди ҳамда экология ва географиянинг ишончли ҳамкорлигини кучайиши учун замин яратди.

География ва экологик нуқтаи-назарларнинг яқинлашувига ва улардаги ғояларнинг ўзаро бир-бирига ўтишига атроф табиий муҳитни системалар назарияси нуқтаи-назаридан талқин қилиш имконини берди. П. Клемент Слемент (1973) таъкидлаганидек, «эндиликда биз ландшафтни физикавий, кимёвий ва биологик системаларни ўз ичига оладиган динамик жараён сифатида, қисқачароқ қилиб айтганда, экосистема сифатида кўра билмоғимиз лозим».

Географиянинг экологиялашуви ҳамда географик тадқиқотларда экологик ёндашувнинг кенг қўлланилиши география ва экология оралиғида турадиган яна бир янги интегратив илмий йўналиш-*геоэкология*нинг таркиб топиши ва ривожланишига шарт-шароит яратди. Геоэкология немис географи К.Тролл томонидан 1939-йилда асос солинган ландшафт эколгиясининг тадрижий ривожланиши негизида вужудга келди. К.Тролл (1963, 1972) ландшафт экологиянинг асосий вазифаси ҳудуд бўйича экологик ўзгаришларни функционал таҳлил қилишдан иборат, деб ҳисоблайди ва ландшафт экология *(Landshaftökologie)* тушунчасининг синоними сифатида геоэкология *(Geoökologie)* тушунчасини ҳам қўллайди. Ландшафт экология бир қатор олимларнинг фикрича ландшафтлардаги табиий баланс тўғрисидаги таълимотга айланди (Бауэр, Вайничке, 1971; Resser, 1987; Boer, 1988; Neumeister, 1988).

Ландшафт экология Халқаро уюшмасининг дастурларида ландшафт экология фанлараро соҳа сифатида белгиланиб, у табиат ва жамият ўзаро таъсирининг турли жиҳатларини кўпгина фанларнинг методлари ва

консепцияларини қўллаган ҳолда ҳудудий ривожланиш режаларини асослаш учун фойдаланилиши таъкидланади.

Бир қатор америкалик олимларнинг фикрига кўра, ландшафтларни тадқиқ қилиш экологиядаги янги илмий фанни ташкил этади. Ландшафт экология маконда табиий системаларни ўрганади. Ландшафт экология ҳудудий гетерогенликнинг ривожланиши ва динамикасини, унинг биотик ҳамда абиотик жараёнларга таъсирини тадқиқ қилади (“Landscape Heterogen. and Disturb”, 1987). Р.Г. Риссернинг (1987) фикрича ландшафт экологиянинг асосий мақсади ландшафтларда кечадиган турли табиий ва антропоген жараёнларнинг сажиясини белгилашдан иборат.

Р.Ж.Боернинг фикрича, ландшафтлар экологияси географик нуқтаи-назардан қаралганда Ер юзасидаги муайян жойларда абиотик ва биотик омиллар орасидаги алоқалар тизимини ўрганадиган фан бўлиб, бу жойлар интеграл, мажмуий ҳосилалар сифатида қаралиши лозим (Boer., 1988).

XX асрнинг саксонинчи йиллардан бошлаб табиат ва жамият ўзаро таъсирини ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши сабабли «геоэкология» термини кенг қўлланила бошланди. Геоэкологик тадқиқотлар жамият ва табиат ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган ҳудудий ва тизимли уюшган ҳодисалар (табиий, табиий-антропген геосистемалар) ва жараёнларни, яъни геосистемаларнинг мавжудлиги, динамикаси ва барқарорлигини, уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишга йўналиш тутди. Шу сабабли ҳозирги геоэкология ландшафт экологияга нисбатан кенгроқ қамровга эга бўлган интеграл илмий йўналишга айланди. Ҳозирги пайтда геоэкология табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар оралиғида турадиган, жамият ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган ҳудудий ва тизимли уюшган жараёнлар ва ҳодисаларни турли миқёсларда ўрганадиган интеграл илмий йўналиш ҳисобланади.

К.М. Петров (1993) геоэкологияни географик, биологик ва социал-ишлаб чиқариш системаларнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги фандир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, глобал миқёсда геоэкологиянинг объектини географик қобиқ, биосфера ва техносферанинг уч бирлиги ташкил этади. К.М. Петровга кўра замонавий (умумий) геоэкология тор маънодаги геоэкология ёки ландшафт экологияга ҳамда муайян географик шароитлардаги инсон фаолиятининг уйғунлашиш йўлларини белгилайдиган социал экологияга ажратилади.

С.В. Лавров (1989) геоэкологик тадқиқотларнинг стратегик мақсади жамиятни ҳудудий ташкил этиш мақсадлари учун атроф муҳитни ҳудудий ташкил этишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги пайтда геоэкологиянинг айрим йўналишлари белгиланган бўлсада, унинг методологик асоси (объекти, предмети, мақсади ва вазифалари ва фанлар тизимида тутган ўрни) тўғрисидаги масала тўлиқ

ечимини топганича йўқ ва бу соҳада мунозаралар давом этган ҳолда турли мулоҳазалар билдирилмоқда, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Геоэкологиянинг *ўрганиш* объектини инсоннинг ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти кечадиган атроф муҳитни ташкил этувчи турли катталикдаги моддий тизим сифатида шакллантиради. Атроф муҳитни ташкил этувчи табиий тизимлар, шунингдек, «ландшафт экосистема» (Боер, 1988), «геоэкологик комплекс» (Макунина, 1989), «геоэкологик система» (Поздеев, 1989; Назаров, 2002) ва бошқа номланишларга ҳам эга.

Геоэкологиянинг *асосий мақсади* атроф муҳитни ташкил этувчи геосистемалардан самарали фойдаланиш мақсадида уларга инсоннинг таъсирини оптималлаштиришдан иборат. Бунда геосистемаларнинг табиий салоҳиятидан имкон даражасида кўпроқ фойдаланилган ҳолда уларда атроф муҳитнинг ҳаёти фаолиятини меъёрида бўлишини таъминлайдиган биологик ва физикавий хоссаларини сақлаб қолиш имконини берадиган экологик мувозанатни таъминлаш назарда тутилади.

Табиатдан оқилона фойдаланиш асосида табиий жараёнларни бошқаришнинг мажмуали назарияларини ривожлантириш, ландшафт-лардан самарали фойдаланиш ва экологик жиҳатдан оптималлаштириш, атроф муҳит ҳимояси масалаларини ҳал этиш, мавжуд табиий-хўжалик ва геотехникавий тизимларни реконструкция қилишга муқобил ёндашувни ҳал этиш, мақсадида илмий шарт-шароитларни чиқиш, модда ва энергия оқимларини назорат қилиш, кузатиш ва узоқ муддатли башоратларини тузиш учун мажмуали усулларни ишлаб чиқариш мақсадида ландшафт-экологик шароитларнинг ўзгаришларини мониторинги, экологик экспертизалар ўтказиш, ортиқча техноген юклама ва инсон аралашувидан ҳимояланишнинг табиий механизмини, ландшафтларнинг барқарорлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш, геоэкологик карталарни тузиш каби бир қатор амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар геоэкологиянинг *асосий вазифаларини* ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

И.У.Усмонов
СамИСИ

Табиий ресурлар ишлаб чиқаришнинг, айниқса, моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг асосини ташкил қилади. Унинг турлари орасида ер ресурслари муҳим аҳамиятга молик бўлиб, бошқа турлари ҳам у билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистон ер бойликлари ичида суғориладиган (4,2 млн.га) ерларнинг ўрни жуда катта ҳисобланади. Ердан фойдаланишда нотўғри ёндашув туфайли ернинг заҳарланиши, шўрланиши, эрозияга учраши,

заҳланиши каби оқибатларга олиб келди. Натижада тупроқ биологик мувозанатининг бузилиши юзага келди. Булар ўз навбатида экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Уларга нисбатан агротехник ҳолатни, алмашлаб экишни мунтазам адо этиш, минерал ўғит ва химикатлардан меъёрида фойдаланиш, маҳаллий ўғит (чиритилган гўнглардан) кенг фойдаланиш, айрим зўриққан ерларни табиийликка ажратиш яхши натижа беради. Кейинги вақтда қишлоқ хўжалиги оборотида бўлган қулай ерларнинг томорқаларга бериб юборилиши, сезиларли даражада ортиши, айниқса, суғориладиган ерларнинг қисқаришига олиб келди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етиштириш камайиб кетди. Ҳозир ерларнинг аксарияти фермер хўжаликларга берилган. Бундан ижобий натижалар кутилмоқда. Албатта, буларни ҳам вақти-вақти билан назорат қилиб бориш лозим.

Республикамизда ер усти тузилишига (реълеф)га қараб фойдаланиш нуқтаи назаридан қараганда тоғли ҳудудлардаги ресурслардан фойдаланишда муаммолар янада кўпроқ. Чунки бу соҳада илмий – тадқиқот ишларнинг камлиги, қолаверса, эътибор камлиги сезилмоқда.

Арчазорлар ва бошқа дарахтларнинг тартибсиз кесилиши, доривор ва озиқ-овқат учун ишлатиладиган мевалар, ўсимликлардан пала-партиш фойдаланиш ҳоллари учрайди. Ҳатто тош босди равочларни йириклаштириш мақсадида унинг тагига силитралар ишлатилиши ҳақида маълумотлар бор. Аввало уни истеъмол қиладиган инсонга, қолаверса атроф-муҳитга, зилол булоқ сувларига, тупроқ ва ўсимликларга салбий таъсир этиши аниқ. Шунинг учун сўлим, манзарали, тоза ҳаволи бундай ҳудудларимизни авайлаб – асраб, тўғри фойдаланишимиз зарур.

Мавжуд сув бойликларидан ҳам тўғри фойдаланмаслик оқтибатида, сув танқислиги туфайли Орол денгизини қуриб бориши кузатилмоқда. Сувдан тежамли, маданиятли фойдаланиш жуда зарур. Сув кўп сарфланадиган ғўза экинини кескин камайиши, унинг ўрнига сув кам талаб этадиган буғдой экинини ортиши сувни анча тежашга олиб келди. Лекин ҳамон сув омборлари, селхоналарни ҳаммаси сақланмоқда, уларни аксариятини ўз оқими ёки қайтарма оқим туфайли Амударё ва Сирдарёга оқизиш керак бўлади. Љолганларидан ҳам ҳар хил мақсадларда фойдаланиш лозим. Улардан ташқари оқава, зовур сувларидан кўллар юзага келган, буларни ҳам иложи борича тозалаб шу дарёларга қўшиш Орол сувини кўпайишини таъминлайди. Корхоналарда фойдаланиладиган сувларни қайта тозалаш эвазига фойдаланиш экологик жиҳатдан ҳам фойдали. Шунингдек, томчилатиш, ёмғирлатиш каби суғориш тизимларига ўтиш сувни анча тежашга олиб келади.

Ичимлик суви танқис бўлган ҳудудларга тоза чучук сув олиб борилиши, баъзи жойлардан мунтазам катта миқдорда ер ости сизот сувларини йиғишга тўғри келади. Албатта, булар сизот сувларининг

табиий мувозанатини бузулишига олиб келади. Бундай жойларда сурилмалар ёки чўкишлар бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун уларнинг муҳофазасига эътиборни қаратиш мақсадлидир.

Қазилма бойликлардан фойдаланишда тежамкорлик жуда зарур, чунки улар тугайдиган ва тикланмайдиган ресурслардир. Республика ҳудудлари ҳар хил фойдали қазилмаларга бой бўлсада, лекин айримларининг заҳиралари жуда кам. Масалан, темир рудаси, марганец, хромит ва бошқалар. Шунинг учун ҳам бизда метал таъминоти жуда кам. Биргина Бекобод шаҳридаги қора металлургия заводи темир-терсак эвазига ишлайди, йилдан – йилга темир-терсак йиғиш имконияти тугаб бориши оқибатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам камайиб бормоқда.

Фойдали қазилмалари қазиб олинган жойларни тўлдириш мақсадида сув қўйиш «мода» тусига айланган десак муболаға бўлмайди. Геологик жиҳатдан ҳар бир жисмнинг ўзига хос массаси мавжуд, улар ўрнини сув босиши мумкин деб кафолат бериш қийин. Бунинг устига сув ҳаракат қилиш, яъни сизиш хусусиятига эга, у шу ҳолатда бошқа жойларни тузилишини ўзгартирмай қолмайди. Шунинг учун ушбу усулни баҳридан кечиш мақсадлидир. Энг ачинарлиси, у билан боғланган ер ости сувидан фойдаланган ҳудудларда кишилик жамиятини, чорва молларини, қолаверса ўсимликларни заҳарлантирмайди, деб бўлмайди.

Фойдали қазилмаларни ўрнини очиш, қазиб олиш, ташиш, уларни саралаш натижасида қанчадан-қанча мушкул ҳодисалар юзага келади. Уларнинг кам ҳаражатли, чиқимсиз қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш керак.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон қурилиш материаллари хом ашёларга, айниқса мармар захирасига анча бой мамлакат ҳисобланади. Уларни қайта ишлаш натижасида мармар тахта (плита) шағаллар, мармар кули олинмоқда. Ваҳоланки, жаҳон амалиётида мармардан жуда кўп турли хил махсулотлар, яъни стол-стуллар, тарелкалар, тақинчоқлар, енг тугма ва бошқа тугмаларни келтириш мумкин. Тошларга, хусусан мармарга ишлов бериш амалиётини Италия давлатидан андоза олиш мақсадлидир.

Маълумки, инсон яшаш шароитида хўжалик тармоқлари ривожланишида иқлим ресурсларининг аҳамияти катта. Булар орқали қуёш радиацияси ўз нурини ерга сочиб турибди. Айрим мамлакатлар амалиётида қуёш нуридан ва шамол ҳаракатидан, энергия олиш мавжул. Лекин мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишларида таъкидланган холос. Мавжуд тугамайдиган бойликлардан энергия олиш мақсадида фойдалана бориш яхши натижа беради. Чунки асосий электроэнергия манбаи табиий газ билан боғлиқ. Унинг захирасини ҳозирги ҳолатда фойдаланиб борилса, мутахассислар фикрига кўра, 28-30 йилда тугаши мумкин экан. Кўпроқ иқлим шароити, рельеф ва сув билан боғлиқ рекреацион бойлик жойлар

республикамизда тоғ-ён бағларида талайгина. Улардан ҳам тўлиқ фойдаланмоқдамиз дейиш қийин.

Республикамиз ўсимликлар (ўрмон) ва ҳайвонат дунёси бойликларига унчалик юқори даражада бой эмас. Лекин уларни кўпайтириш учун имкониятлар мавжуд. Бунинг учун қўриқхоналар, заказникларни кўпайтириш билан бирга, уларда назорат ишларини қатъий равишда амалга ошириш зарур.

Табиий ресурслардан фойдаланишда уларни турланишига эътибор бериб фойдаланиш мақсадҳли. Тугайдиган бойликлардан тежамли ҳар хил мақсадларда фойдланиш тизимларини ишлаб чиқиш маъқул. Айниқса, тикланмайдиган бойлклардан фойдаланишда хатоликка йўл-қўйиш катта инқирозга олиб келади. Тугамайдиган бойликлардан кўпроқ фойдалана бориш яъни қуёш радиациясидан шамол кучидан энергия олиш шу куннинг муҳим муаммоларидан биридир.

Табиий ресурслардан янада оқилона фойдаланиш учун уларни иқтисодий, иқтисодий-географик баҳолаш[1] муҳим ҳисобланади. Манбаларда иқтисодий баҳолардан сонли, сифатли баҳолашни минерал бойликлар, ер, сув, ўрмон бойликларида учратиш мумкин. Лекин иқтисодий-географик баҳолаш нисбатан кенг қамровли табиий ресурсларни баҳолаш бўлиб, унинг жамланган баҳолари янги тадқиқотлардан ҳисобланади. Албатта, табиий ресурсларни аввало, иқтисодий-географик ўрни баҳосини аниқлаш зарур бўлади. Ундан кейин тарихий, сонли (миқдор) ва сифатли баҳосини, картографик, демографик, таққослаш, технологик, экологик баҳоларни кетма-кетлик асосида олиб бориб, охирида комплекс баҳоси берилади. Шунингдек, маълум табиий ресурсларга нисбатан рельеф, иқлимий шароит, сув ҳолати, аҳоли пунктлари, транспорт йўлларига узоқ-яқинлиги ва бошқалар эътиборга олинади.

Хуллас, ҳар бир табиий ресурс туридан оқилона фойдалана бориб, уларни муҳофазасига эътибор қаратиш мақсадлидир.

[1] Усмонов И. У., Усмонов Ш. И. Табиий ресурсларни иқтисодий – географик баҳолаш масалалари. Ўзбекистон география жамияти Ахбороти. 23 – жилд . Т.; 2003, 20-21 бетлар.

СЕКЦИЯ №2. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ДЕМОГРАФИЯ МУАММОЛАРИ

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ТУРЛИ ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

А.Рахматуллаев
Самарқанд Давлат университети

Республикамизда суғориладиган ерларнинг умумий майдони 4200 минг гектар булиб, шундан 20% қисмини шахсий уйлар ва томорқалар эгаллаган. Сув захиралари етишмаслигидан ўтган асрнинг 90- йилларидан кейин янги ерларни ўзлаштириш деярлик тўхтади. Аҳоли сонининг ўсиши эса йилига 400-450 минг кишини ташкил қилади. Республика ер ресурслари қўмитасининг маълумоти буйича (2001) шахсий уйлар ва томорқалар эгаллаган майдонлар 1990 йили 398,2 минг гектар, 1995 йилда 533,6 минг гектар ва 2000 йилда 584,8 минг гектар бўлган. Буни суғориладиган ерларнинг умумий майдонига нисбатан фоиз буйича юқоридаги йиллар билан хисобласак 12,4%, 16,4%, 18,2% ни ташкил қилади. Республика аҳолисининг ҳар бирига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони 1991 йили 17 сотих бўлган, 2000 йилда 14 сотихга тушган (Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари атласи, 2001). Келажакда, 2035-2040 йилларда республикамиз аҳоли икки баробар ошса хар бир кишига тўғри келадиган ер 7,0 сотихга камаяди.

Суғориладиган ер майдонларининг қисқариб бориши улардан интенсив фойдаланишни тақазо этади, бу эса ўз навбатида ер майдонига туғри келадиган антропоген юкни йилдан-йилга кучайтиради. Суғориладиган ерларда кишлоклар ва шахсий томорка ерлардан ташқари йуллар, каналлар, зовурлар, ариқлар, турли корхоналар, мувссасалар, чорвачилик фермалари ва бошқалар мавжуд. Бу объектлар турли геотизимларда анча катта майдонни эгаллайди. Баъзи аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда қишлоқлар ва томорқалар умумий хайдаладиган ер майдонининг 40-45 %ни, баъзи тупроқ шўрланиши кучли худудларда зовурлар 10-15% майдонни эгаллайди.

Ерларнинг турли қурилиш объектлари, аҳоли яшайдиган жойлар билан бандлик даражасини аниқлаш катта илмий ва амалий ахамиятга эга. Илмий ахамияти- антропоген юкни ўрганиш ҳисобига ҳудудда геоэкологик вазиятни аниқлаш, уни яхшилаш буйича тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти очилади. Амалий ахамияти эса - ердан келажакда фойдаланишни режалаштиришда, қишлоқ хўжалик тармоқларини жойлаштиришни ташкил қилиш стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам бўлади.

Қуйида Зарафшон водийси ландшафтларида суғориладиган ерларнинг аҳоли яшайдиган жойлар ва турли курилиш объектлари билан бандлик даражасини танланган таянч участкалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$K = \frac{U + \sum_{i=1}^{n} V_i}{S} \cdot 100\%; \quad (1)$$

бу ерда: K-коэфицент;
Vi- бошқа объектлар эгаллаган майдон;
S -суғориладиган ерларнинг умумий майдони;
U -уйлар ва томорқалар эгаллаган майдон;

Суғориладиган ерларни банд қилиб турган объектларни алоҳида-алоҳида ҳисоблаш мумкин. Масалан ернинг уйлар ва томорқа ерлар билан бандлик даражасини қуйидаги формула билан:

$$K = \frac{U}{S} \cdot 100\% \quad (II)$$

ирригация тўрлари билан бандлик даражасини эса куйидаги формула ёрдамида

$$K = \frac{J}{S} \cdot 100\% \quad (III)$$

аниқлаш мумкин. Бунда:
U-уйлар ва томорқалар
S-ернинг умумий майдони
J-ирригация тўрлари эгаллаган майдон

Суғориладиган ерларни ҳамда турли объектлар майдонини йирик масштабли топографик карталар, космик ва аэрофотосуратлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Биз таянч маскан сифатида иккита ландшафтнинг характерли жойларини танладик: 1) Самарқанд воҳа ландшафтининг Тойлоқ туманига қарашли маскан. 2) Хатирчи воҳа ландшафтидаги Навоий шаҳрига яқин маскан. Масштаби 1:25 000 карталарга масканлардаги қишлоқлар, йуллар, ариқлар, каналлар, зовурлар туширилди ва уларнинг майдонлари улчаниб юқоридаги формулалар ёрдамида ерларнинг бандлик даражалари аниқланди.

Самарқанд воҳа ландшафти Тойлоқ тумани буйича тузилган картада уйлар ва ҳовли томорқалар билан ернинг бандлик даражаси III-терассада 35-40%, П-террасада 20-25% I-террасада 5-7% ни ташкил қилади. Йўллар ариқлар каналлар билан бандлик коэфициенти 3-5% дан ошмайди.

Хатирчи ландшафтида Навоий худудига яқин масканда ҳам аҳоли зичлиги катта. Самарқанд воҳа ландшафтидан фарқли, бу ерда ернинг бандлик даражасида зовурларнинг ҳиссаси кескин ошади. Факат зовурлар умумий суғориладиган ер майдонининг 10-15% ни ташкил қилади. Навоий шаҳрининг шарқ ва ғарб томонларида суғориладиган ерларда зич зовур тўрлари мавжуд. Зовурлар майдони битта зовурнинг узунлиги ва энини ўлчаш йули билан аниқланилади. Зовурларнинг эни, уларнинг ёнидаги

чиқарилган гил ётқизиқ уюмлари билан бирга ҳисобланилганда 7-10 метрни ташкил қилади. Битта зовур майдони ҳисоблаб чикилгач зовурлар сонига кўпайтириш йули билан ҳамма зовурларнинг умумий майдони топилади. Шу усул ёрдамида каналлар, йуллар, дарё ва бошқа чизиқли объектлар майдонларини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Хатирчи ландшафтидаги улчов ишлар олиб борилган худудда суғориладиган ерларнинг қишлоқлар ва турли қурилиш объектлари билан бандлик даражаси Ш-террасада 30-35%, П-террасада 20-22%, І-террасада 8-15 % ни ташкил қилади.

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННО-ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ СИСТЕМ (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН)

А.Умаров, Е.К.Умаров
КК филиал САНИИРИ, НГПИ г.Нукус

Географическое исследование Республики Каракалпакстан относится к числу важнейших задач учёных в условиях Аральского кризиса. Разнообразие природы, специфика его географического положения региона и значимость его природных богатств в экономике Узбекистана вполне оправдывают такую ориентацию. Республика Каракалпакстан занимает площадь в 166, 6 тыс. км^2 т.е. более 37% территории Узбекистана, и свыше 10% всей площади Средней Азии. Здесь имеются значетельные запасы природного газа, нефти, бурого угля, поваренной соли, цементного сырья и других видов строительного материала. По современным подсчётам, на долю Каракалпакстана приходится более 20 % орошаемого земфонда и 48 % пастбищных ресурсов, а также громадные запасы бентонитового и глауконитового сырья Республики Узбекистан. Необходимо также иметь в виду, что запасы учтенного бурого угля в акватории Аральского моря составляют 7,2 млрд. тонн. Многочисленные открытия новых, месторождений природного газа на Устюрте, на высохшем дне Аральского моря, а также нефте-газо-конденсатного сырья полностью подтверждают такой прогноз.

Следует также отметить особое экономико-географическое положение Каракалпакстана на стыке железнодорожного выхода всех Среднеазиатских республик в Европу, что также обеспечивает ему выгодное положение для дальнейшего устойчивого развития производительных сил.

Однако, освоение природных ресурсов и развитие народно-хозяйственного комплекса Республики Каракалпакстан тесно связано с решением многих научно-прикладных по своему характеру экономических, социальных, технических и других проблем как

общереспубликанского, так и региональных масштабов. К их числу надо отнести задачу физико- географического и социально-экономико-географического изучения Каракалпакской части Устюрта и обсохшего дна Аральского моря.

Опыт показывает, что без необходимых исходных географических данных, характеризующих природную и социально-экономическую среду в территориальном разрезе, невозможна или крайне затруднена разработка таких проектов, как перераспределение сток амударьинских вод по отраслям народного хозяйства, создание энергетических баз в зоне производственного освоения Устюрта, новых центров промышленности в зоне влияния железнодорожной магистрали Кунград-Бейнеу и других.

Целый ряд проблем приходится решать географам при разработке концепций развития южных и северных регионов Каракалпакстана. Это касается и разработки общей стратегии освоения земельных ресурсов, оптимальной структуры хозяйства и его специализации, создание промузлов нефтегазовой промышленности, инфраструктурных объектов, систем сельского расселения и т.д. Здесь, уместно напомнить, что в разработке проектов важнейших производственно-территориальных систем ирригационно-мелиоративных, а также агропромышленных комплексов по переработке животноводческого сырья немаловажная роль принадлежат географам республики.

Важнейшей проблемой, с которой связаны многие другие географические проблемы, является задача изучения и рационализации территориальной организации производства. Проблема изучения и совершенствования территориальной организации хозяйства органически связана с проблемой районирования. Развитие производительных сил Республики не может осуществляться безотлагательно к формам размещения производства, инфраструктуры и расселения, т.е. их территориальной организациеи. Отсюда и особая актуальность исследований в области райнообразования и районирования. Работы в этом направлении проводились и ведутся многими исследователями. В настоящее время для исследований в этой области привлекаются новые методы, решение проблем поднимается на новый качественный уровень. Научно-технический, социальный и экономический прогресс изменяют состав и иерархию районообразующих факторов, а с ними и само районообразование. И прежде всего это относится к экономико-географическому положению Республики Каракалпакстан – как важнейшей географической категории. Из этого следует, что экономико–географическое положение в значительной степени индивидуализирует роль того или иного территориального образования и наряду с городами, находящими в зоне тяготения железнодорожной магистрали Кунград–

Бейнеу, выполняет функции важнейших элементов территориальных комплексов.

Сегодня развитие вширь и вглубь производительных сил Республики Каракалпакстан идет путем создания и совершенствования различных территориальных производственных структур от промузлов до агропромышленных комплексов. В связи с этим одной из географических проблем является разработка типов сельскохозяйственных предприятий и путей освоения различных районов для промышленных целей по наиболее существенным признакам. В этом отношении имеется определенный задел, однако в целом проблема еще далека от своего решения.

Одно из главных направлений исследований географов республики связано с проблемой географии населения. Важнейшей составляющей развития вширь является формирование населения на слабозаселенных или незаселенных территориях Каракалпакстана, создание соответствующих местным природным и социально-экономическим условиям сетей расселения и инфраструктурных объектов. Для Республики Каракалпакстан эта группа проблем исключительно важна.

Другая проблема, непосредственно относящаяся к географии населения - это исследование движения населения в региональном аспекте. Известно, что до недавнего времени для Республики Каракалпакстан были характерны весьма сложные процессы движения населения. С одной стороны, постоянная и все возрастающая потребность в квалифицированной рабочей силе вызывала приток специалистов, с другой, Каракалпакстан из года в год из-за Аральского кризиса, теряет большие контингенты населения, притом наиболее деятельную и трудоспособную его часть. Следствием этого является недостаток квалифицированных кадров в отраслях народного хозяйства. Интенсивная миграция порождает многие трудности в производстве и требует дальнейшего, притом самого внимательного, изучения разработки конструктивных и эффективных путей ее сокращения.

В связи с поиском путей закрепления кадров и создания благоприятных условий для оздоровления социально-экономической жизни северных районов Каракалпакстана уместно коснуться вопроса о месте, масштабе и направлении развития новых отраслей промышленности.

Несмотря на почти двух кратный рост посевных площадей орошаемых земель и столь же значительное увеличение объема сельскохозяйственного производства, снабжение продукцией населения и сырьем перерабатывающих отраслей промышленности Республики Каракалпакстан представляет собой важную проблему. Объяснение этого кроется в целом ряде причин. Одно из них состоит в том, что к настоящему времени коренным образом изменились роль и место

Республики Каракалпакстан в системе межрайонного разделения труда. Если в годы прежнего тоталитарного режима и в начальные годы независимого развития Каракалпакстан выступал на внутреннем рынке как сугубо экстенсивный сельскохозяйственный район, то позднее он во все возрастающем масштабе стал выступать как индустриально-аграрный район с интенсивной структурой производства. Если в восьмидесятых годах прошлого столетия доля аграрного сектора республики в производстве внутренней валовой продукции составляла 34 %, то в настоящее время она вышла на одно из первых мест и её удельный вес достиг почти 43 %. Именно в силу этих причин развитие агропромышленного комплекса Каракалпакстана стало актуальнейшей задачей в структуре народнохозяйственного комплекса.

Одно из направлений географических исследований предстоящего периода отводится оценке природно-ресурсного потенциала и экономических условий ведения сельского хозяйства в региональном аспекте. Каковы реальные возможности для этого? Прежде всего, оценке подлежат земельные ресурсы. Общая площадь сельскохозяйственных угодий Каракалпакстана составляет 16,6 млн.га., из них площадь пахотнопригодных земель составляет около 2 млн. га, что почти в 4,7 раза превышает существующие орошаемые площади. Одним из факторов освоения земельных угодий является распределение их между землепользователями. Из наличного земельного фонда Республики Каракалпакстан за сельскохозяйственными предприятиями закреплено 41,8%. Большая часть площади не распределена между землепользователями и представляет госземфонд, гослесфонд и т.д. Таким образом, интенсивно используемая орошаемая площадь земель составляет лишь 2,5 % от общей площади.

Большие резервы пахотно-пригодных земель размещены, в основном, в северных районах, включающих земли Джанадарьинского массива, дельты Амударьи, главным образом по руслам протоков Куанышджармы и Кегейли, включая Чимбайский массив и Даукаринскую низменность, а также земли Кунградского и Шуманайского районов по системе канала Суенли. Однако из-за снижения уровня Аральского моря рациональное использование земельных ресурсов становится очень затруднительным. Из вышесказанного следует, что Каракалпакстан располагает огромными площадями пахотно-пригодных земель, но их освоение требует крупных мелиоративных работ, в частности, строительства коллекторно-дренажной сети. Как свидетельствует практика, использование коллекторно-дренажной сети - наиболее эффективная мера. В качестве примера можно показать работу хлопкосеющих хозяйств Хорезмской области, находящихся в почвенно-мелиоративном отношении в одной зоне с Каракалпакстаном. Здесь

удельная протяженность коллекторно-дренажной сети на неблагоприятных землях доведена до 40-45 м/га, в то время как в Республике Каракалпакстан до 23-27 м/га, а в приморской части до 18-21 м/га. Это явно недостаточно для улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель. Немаловажное значение в рациональном использовании земфонда имеют структурные изменения хлопковости полей, т.е. в основу всех расчетов в решении проблем можно положить данные хлопколюцерновых севооборотов. Удельный вес люцернового севооборота в структуре посевных площадей следует довести до 26-30%, а хлопковость не должна превышать половину, что обеспечит повышение культуры земледелия.

Из сказанного следует вывод, что в территориальной структуре региональной экономики Республики Каракалпакстан ведущее место принадлежит сельскому хозяйству, в частности, хлопководству. В связи с этим пополнение регионального бюджета также связано с этой отраслью, что позволяет считать её “базовым ресурсом” сельскохозяйственного производства, так как на территории Каракалпакстана, находящегося в аридной зоне, дальнейшее нормальное функционирование аграрного сектора немыслимо без учета всего ресурсного потенциала сельского хозяйства.

В продуктивности земли синтезируется благоприятность климатических, почвенных, водных, гидрологических, мелиоративных и других условий, составляющих единую по своей структуре, сложную среду выращивания сельскохозяйственных культур. Таким образом, на практике оценка продуктивности земли стала объектом исследования множеств наука. Каждая из этих отраслевых наук исследует зависимость продуктивности земли по определенным, присущим им факторам. Так, например, географы за основу продуктивности берут показатель обеспеченности земли термическими ресурсами, солнечным освещением, атмосферной влагой; ботаники - продуктивность естественного травостоя; а экономисты делают предпочтения объемам инвестиции и т.д. Таким образом, одна из методик в основу оценки земли кладёт природные признаки, другая - объем финансовых источников. В результате наблюдается тенденция постепенного приближения оценки к практическим запросам производства. Такое направление развития методики выбора объекта для оценки земли в целях сельскохозяйственного производства является закономерным, но отнюдь не последним. Это также указывает на целесообразность разработки методики приоритетного устойчивого развития сельского хозяйства с учетом проведения количественной и качественной оценки ресурсного потенциала сельского хозяйства Республики Каракалпакстан.

Литература

1. Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века. –Т., 1999.
2. Каримов И. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. –Т., 1995.
3. Азимов Ш. Кишлок хужалигини худудий ташкил килиш асослари. Изв. ГО Узбекистана, том-18, 1997.
4. Иванов К. И. Территориальная организация сельскохозяйственного производ-ства. –М., 1974.
5. Космачев К.П. и др. Опыт разработки географических методов изучения закон-омерности формирования пространственных структур ТПК. Новосибирск 1975.
6. Салиев А., Мухамадалиев Р. Экономическая и социальная география Узбек-истана: достижения, проблемы, перспективы. Мат. Межд. НПК УзНУ, -Т., 2006.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Т. Маллабоев
Наманган Давлат университети

Шаҳарларнинг қарор топиши жамиятнинг узоқ ҳамда мураккаб тараққиётининг объектив маҳсули бўлиб, бунда табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва бошқа омилларнинг аҳамияти ғоятда катта. Дарҳақиқат, Фарғона водийсининг (табиий-географик чегарасида) атрофини баланд тоғлар билан ўралганлиги, унумдор тупроғи, сув ресурслари билан яхши таъминланганлиги ва бошқа қатор омиллари кишиларни азалдан ўрнашиб хўжалик юритиш ва аҳоли қўрғонларини пайдо бўлишига, пировардида эса уларни шаҳарларга айланишига замин яратган.

Албатта, шаҳарларнинг барқарор ривожланишида «Буюк ипак йўли»ни аҳамияти жуда катта бўлиб, водийнинг иқтисодий-географик ўрни мавқеини оширган ва унинг энг қадимий Эрша (вайроналари Андижон вилоятининг Марҳамат шаҳри яқинида жойлашган), Гуй-Шань (ҳозирги Косонсой), Ахсикет, Узгент, Куба (ҳозирги Қува) ва бошқа шаҳарларни гуркираб ривожланишига олиб келди. Водийнинг иқтисодий-географик ўрнидаги кейинги ўзгаришлар туфайли юқоридаги қадимий шаҳарлар ўз мавқеларини ҳозирги Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш ва Наманган шаҳарларига бериб қўяди.

Фарғона водийси шаҳарларининг қарор топиши, уларнинг ҳозирги иқтисодий мавқеларини шаклланишида Рус империяси ва Шўро тузуми даврлари иқтисодий-ижтимоий тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Туркистон ўлкасини руслар томонидан ишғол қилиниши (XIX аср иккинчи ярми), унинг барча табиий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан жадал фойдаланиш манфаати ётарди. Натижада, бу

жиҳатдан жуда қулай бўлган Фарғона водийсига темир йўл ўтказиш (Тошкент-Қўқон-Андижон 1898 й., Қўқон-Наманган 1911-1913 йй., Наманган-Хаққулобод-Андижон-Жалолобод 1916 й.) ва қатор қайта ишловчи фабрика ҳамда заводларни ташкил қилишдан бошланди. Ниҳоят, 1913 йилга келганда Туркистон ўлкасидаги 702 та фабрика-заводларнинг 324 таси Фарғона водийсида бўлиб, улар унинг 80 фоиз саноат ялпи маҳсулотини етказиб беради.

Таъкидлаш лозимки, Рус империяси даврида шаҳарлар тор тармоқли ривожланиб, асосан енгил ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Шунингдек, Рус империяси бошқарувини мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд шаҳарлар ёнида рус услубидаги янги шаҳарча ва шаҳарлар қад кўтарди. Шу мақсадда 1877 йили Фарғона вилоятининг ҳозирги маъмурий маркази (даставвал Янги Марғилон, 1910 йилдан Скобелев, 1924 йилдан эса Фарғона) Фарғона шаҳри ташкил топди. Шундай қилиб, 1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотига кўра, водийда 9 та шаҳар бўлиб (Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Хўжанд, Ўш, Уструшона (собиқ Ўратепа), Чуст ва Фарғона), уларда 335,2 минг киши ёки жами аҳолининг 18 фоизи яшади.

Собиқ Иттифоқ даврининг дастлабки йилларида водий шаҳарларининг иқтисодий юксалишида сезиларли ўзгаришлар бўлмади. 1897-1926 йиллар орасида қўшни Қирғизистон республикасининг Жалолобод вилоятининг маркази, шаҳар маўомини олди. 1926 йилги аҳоли рўйхати бҳйича келиб Фарғона водийсида 20 та шаҳар ва 13 та шаҳарчалар борлиги қайд этилди. Уларда 483,3 минг киши яшаб, бу шаҳар аҳолиси салмоғининг 22 фоизини ташкил этди. Шу даврдан бошлаб аҳоли қўрғонларини шаҳар ва шаҳарчага (шаҳар типидаги посёлка) айлантириш қабул қилинди.

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда водий шаҳарларининг иқтисодий базаси бирмунча мустаҳкамланди. Қарийб 40 га яқин йирик саноат корхонлари қурилиб ишга туширилди. Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Айниқса, ирригация, транспорт ва геология-қидирув ишлари кучайтирилди. Натижада, Қизил-Қия, Узган, Конибодом ва Асака шаҳарга ва бошқа қатор аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилди. 1939 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Фарғона водийсида 14 шаҳар ва 18 та шаҳарчалар қарор топди (жадвалга қаранг).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фарғона водийсига уруш майдонларидан 20 га яқин машинасозлик, кимё ва енгил саноат корхоналари кўчирилди. Шу йиллари Сулюкта, Тошкўмир, Кўк-Ёнғоқ каби «ресурс» марказлари шаҳарларга айланди. Урушдан кейинги йиллари водийнинг ёқилғи-энергетика қудрати юксалди. Тоғ олди адир ерлари ва Марказий Фарғона ўзлаштирила бошланди. Янги конлар ишга туширилди. Шўроб, Қувасой, Мойли-Сой ва Исфара шаҳарга айлантирилди. 1959

йилда Фарғона водийсида 20 та шаҳар ва 38 та шаҳарчалар бўлиб, уларда 1130,2 минг киши яшаган. Водий шаҳар аҳоли қўрғонлари орасида биринчи бўлиб Андижон, Наманган ва Қўқон шаҳарларининг аҳолиси 100 мингдан ошди ва катта шаҳарларнинг (100-250 минг аҳолига эга бўлган шаҳарлар) қудрати мустаҳкамланиб, уларнинг заминида шаҳар аҳоли пунктларининг гуруҳли ривожланиши-агломерациялари шакллана бошлади. Фарғона ва Марғилон ҳамда Хўжанд шаҳарлари заминида илк бор шаҳар агломерациялари ривожланди.

Жадвал

Фарғона водийси шаҳарларининг ривожланиши[x]

Фарғона водийси қисмлари	Й и л л а р					
	1926	1939	1959	1979	1989	2005
Фарғона водийси-жами	23 483,3	32 607,3	58 1130,2	89 2181,0	90 2752,0	94 3409,5
Шу жумладан: Қирғизистон қисми	5 55,2	9 108,9	17 278,7	24 471,0	20 572,0	22 722,0
Тожикистон қисми	4 85,9	10 112,0	21 221,4	24 390,0	15 311,0	15 417,0
Ўзбекистон қисми	14 342,2	13 386,4	20 630,1	41 1320,0	55 1869,0	54 2270,5

[x]Суратида-шаҳарлар сони, махражида шаҳар аҳолиси сони.

1959-1970 йиллар давомида Фарғона водийси ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишида кескин юксалиш бўлди. 30 яқин йирик саноат корхоналари ва бошқа иқтисодий-ижтимоий инфраструктуралар ишга туширилди. Наманган (1967), Ўш (1969) ва Сўғд (1970) вилоятларини ташкил топиши эса йирик шаҳарларнинг мавқеини янада мустаҳкамлади. 1970 йилга келиб Ўш, Фарғона ва Хўжанд шаҳарлари «катта» шаҳарлар мавқега эга бўлдилар. Қайроққум, Исфара, Ғофуров, Шўроб, Чуст, Учқўрғон, Қорасув, Қоракўл. Найман, Чоркесар, Олтинкон, Қўрғонтепа, Қува, Уйғурсой, Ҳалқабод, Қорабағиш, Бўстон, Шайдон кабилар эса шаҳар ҳамда шаҳарча маъомини олдилар ва жами шаҳар аҳоли пунктларининг сони 71 тага етиб, уларнинг аҳолиси 1617,3 минг кишини ташкил этди.

Ўтган асрнинг 70- йилларидан кейин маҳаллий табиий, иқтисодий ва ижтимоий ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида янги ишлаб чиқариш корхоналари водий аҳоли пунктлари тизимидаги йирик қишлоқ ҳамда кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилди. Шунингдек, катта шаҳарларнинг шаҳар ҳосил қилувчи таъсир доиралари кенгайиб, жойларда улардаги йирик корхоналарнинг филиаллари ташкил этилди. Шу асосда 1970-1980 йилларда водий харитасида 18 та шаҳар ва 14 та янги шаҳарча пайдо бўлди. 1971 йили эса Марғилон шаҳрининг аҳолиси 100 минг кишидан ошиб, водий катта шаҳарларининг сони 7 тага етди.

1980-1990 йиллари ва айниқса, 1991 йилдан кейинги Ўрта Осиё республикаларнинг мустақил тараққиёт йиллари Фарғона водийси шаҳарларининг иқтисодий ва ижтимоий қудрати янада мустаҳкамланди. Тўғри, Ўрта Осиё республикалари мустақил тараққиётининг дастлабки йилларидаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият (собиқ иттифоқдош республикалар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларнинг вақтинча узилиб қолиши, мамлакатлар ичкарисидаги айрим ижтимоий муаммолар ва ҳ.к.) уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этди. Бу эса водий шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини вақтинча пасайишига олиб келди. Фақатгина уларнинг мустақил тараққиётини дастлабки 10 йиллигининг охирларидан бошлаб водий шаҳарларининг иқтисодий мавқе яна мустаҳкамлана бошлади; 15 дан ортиқ шаҳарчалар (Шахрихон, Пахтаобод, Хўжаобод, Хонобод, Пойтуқ, Қорасув, Охунбобоев, Марҳамат, Хаққулобод, Тўрақўрғон, Чортоқ, Поп, Риштон, Яйпан, Бешариқ) шаҳарларга ва 24 га яқин аҳоли пунктлари эса шаҳарчаларга айланди. 2005 йилда водий шаҳар аҳоли пунктларининг сони 24 тадан ошди. Уларда 3409,5 минг киши бўлиб, жами аҳолининг 37 фоизини ташкил этади. Бу эса Фарғона водийсида урбанизация жараёнини суст ривожланганлигини кўрсатади.

Фарғона водийси шаҳарларининг бу даврдаги тараққиётининг асосий хусусияти шундаки, мавжуд Фарғона-Марғилон ва Хўжанд шаҳар агломерациялари билан бирга Андижон, Наманган ва Ўш шаҳарлари заминида ҳам шаҳар агломерациялари ривожлана бошлади. Шаҳар агломерациялари доирасида шаҳар ва шаҳарчалар билан бирга кўплаб бир-бирига яқин жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Улар ўзаро алоқада ривожланиб, ягона Фарғона аҳоли пунктлари тизимини ташкил этмоқда.

Шаҳар агломерациялари-Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш ва Хўжанд ёки ФАНЎХ давлатлараро мегалополисини (проф. А.С.Солиев ибораси) шаклланишига олиб келмоқда. Асосий шаҳар агломерациялари эса Фарғона мегалополисининг ядросини ташкил этади. Фарғона давлатлараро мегалополиси таркибидаги агломерациялар ўртасидаги алоқаларнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан Ўрта Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти доирасида тузилган ва тузиладиган битимларнинг амал қилишига бевосита боғлиқ.

ИЖТИОМИЙ РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ БИР НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

М.И.Назаров
Ўзбекистон Миллий университети

Ўтган асрнинг охирларига келиб, собиқ Иттифокдош республикаларида бўлгани каби, Ўзбекистонннинг ижтимоий ҳаётида юз берган сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар, айниқса иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳамда аҳоли ривожланишининг ижтимоий жиҳатларига бўлган эътиборнинг кучайиши ижтимоий-иқтисодий географиянинг кейинги ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Буларни энг аввало, аҳолининг ижтимоий муаммоларига, турли ҳудуд ёки минтақалар ривожланишидаги ижтимоий тенгсизлик ҳамда номутаносибликларни комплекс илмий тадқиқ қилишга бўлган эътиборнинг ортиб боришида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги даврда давлат ижтимоий сиёсатини бевосита инсон манфаатларига кучли йўналтирилганлиги ижтимоий-географик тадқиқотларнинг аҳамиятини ортишига ва ижтимоий географиянинг тезлик билан шаклланиб боришига пойдевор яратади. Аммо, шуларга қарамай, айни пайтда бевосита аҳолининг кундалик турмуш шароитлари билан боғланган социал соҳаларни аҳволи ва умуман аҳоли ижтимоий фаравонлиги ҳолатининг географик (минтақавий) манзараси ҳақида аниқ фикр юритиш қийин. Бинобарин, аҳолига тиббий, маданий, маиший хизмат кўрсатиш даражаси, аҳолининг саломатлик ҳолати, жиноятчилик, алкоголизм, гиёҳвандликнинг аҳволи, аҳолининг уй-жой шароитлари, узоқ муддат фойдаланадиган предметлар билан таъминланиши, даромад ва харажатлари даражаси ва бошқаларнинг ҳудудий масалаларини акс эттирувчи тадқиқотлар ўта долзарб. Бундай тадқиқотлар нафақат мамлакат аҳолисини қамраб олмай, балки алоҳида минтақалар, кичик ҳудудлар ва шунингдек, аҳолининг муайян ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг турмуш даражаси ва сифатини баҳолашни ҳам ўзида акс эттириши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган аҳоли ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ мавжуд ҳудудий тафовутлар, ўз навбатида, илмий асосланган ижтимоий районлаштиришни тақазо этади. Бу борада олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилганлигига қарамай, ижтимоий районлаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари тўла ўз ечимини топган, деб бўлмайди.

Ижтимоий районлаштириш– моҳиятан бу, ўзаро мос белгилар бўйича классификациялашдан иборатдир (2, 111б.). Бундай ўзаро мослик эса бир хил белгиларга эга аҳоли гуруҳлари ва уларнинг ҳудудий умумлашмаларини вужудга келтиради. Аҳолининг муайян ижтимоий

белгилар бўйича ҳудудий умумлашмаларини имкон қадар объектив ажратиш эса ижтимоий районлаштиришнинг асосий мақсадидир.

Иқтисодий районлаштиришдан фарқли ўлароқ, ижтимоий социал район бу, энг аввало, аҳоли билан боғланган ва унинг турмуш шароитларига кўра ўзаро мос белгилар бўйича ажралиб турувчи аҳоли гуруҳларининг муайян ҳудудий уйғунлигидан иборатдир.

Р. Гачечиладзе ижтимоий районларни ажратиш мезонлари сифатида қуйидаги кўрсаткичларга асосланади: 1) аҳолининг этник-маданий тафовутлари; 2) меҳнат характери; 3) ижтимоий-синфий таркиби; 4) турмуш даражаси; 5) чегара хусусиятлари; 6) шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш тарзидаги тафовутлар. Ижтимоий районлаштиришда аҳолининг этник-маданий мезони энг аввало унинг тили ва қайси динга мансублиги билан белгиланади. Муайян ҳудуд ва чегаралар миқёсида таркиб топган аҳолининг этник маданияти, яъни тили ва дини ижтимоий районларни ажратишнинг мезонларидан биридир. Шунингдек, аҳолининг меҳнат шароитлари, бандлик ва уни тармоқлар таркиби, ижтимоий-синфий таркиби (ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар) ва унинг янги ўзгаришлари (тадбиркорлар) ижтимоий районлаштиришнинг мазмунига катта таъсир кўрсатади.

Аҳолинниг турмуш даражасини ўзида мужассамлаган ва унинг моддий фаровонлиги, маданий-маиший эҳтиёжларини қондирилиши имкониятлари ижтимоий районларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, ҳар бир этник бирикма тарихан шаклланиши мобайнида муайян маъмурий ҳудудларни қамраб олади ва ижтимоий районларнинг вужудга келишига ўз таъсирини кўрсатади. Одатда баланд тоғ тизмалари, аҳоли яшамайдиган ҳудудлар ижтимоий районларни чегараси бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, аҳолининг шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қилиши, турмуш тарзи ва шароитларининг бир-биридан кескин фарқ қилиши ўз навбатида шаҳар ва қишлоқ ижтимоий районларининг шаклланишига асос бўлади. Кўпчилик кичик шаҳарларнинг турмуш тарзи қишлоқ жойлардан кўп фарқ қилмайди. Бу эса уларни қишлоқ ижтимоий районларига мансублигини белгилайди. Чунки, бундай кичик шаҳарлар аҳолисининг катта қисмини турмуш тарзида ер билан боғлиқлик кучли.

Юқоридагилар билан бирга, ижтимоий районлаштириш муайян тармоқлар бўйича ҳам амалга оширилади. Буни жиноятчилик мисолида кўриш мумкин (1, 4 б.). Шунингдек, уни тиббиёт, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ҳам бажариш жуда мухим. Ижтимоий районлаштириш аҳоли ўртасида социологик тадқиқотларни олиб боришда ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади ва бу билан у социал географияни социология билан ўзаро боғлайди.

Адабиёт

1. Габиани А.А., Гачечиладзе Р.Г. Некоторые вопросы географии преступности (по материалам ГССР). -Тбилиси, 1982.
2. Гачечиладзе Р.Г. Подход к социальному районированию (на примере ГССР) // Изв. АН СССР. Сер. геогр. 1990. №4.
3. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. Ўқув қўлланма. Т., Университет, 2003.

ТАБИИЙ-АГРАР ИМКОНИЯТЛАРНИ БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДА (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

Ю.И. Ахмадалиев
Фарғона Давлат университети

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўла фойдаланилмаётган имкониятлардан бири ҳар бир минтақанинг табиий-аграр имконияти бўлиб, у география фанининг ўрганиш обьекти ҳисобланади. *Табиий-аграр имконият (ТАИ)-ҳозир ва келажакда иқтисодий, социал-экологик вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш имконияти бўлган, маълум сифат ва миқдор кўрсаткичларида ифодаланган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланадиган табиий шароит ва ресурслар мажмуасидир.* ТАИнинг мажмуали баҳолаш ундан оқилона фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этиш учун асос сифатида анъанавий табиий ресурсларни (ер, иқлим, сув ва ҳ.к.,) баҳолашда ҳисобга олинмайдиган баъзи жиҳатларни тўлдиради.

Аввало, биринчидан, бундай баҳолаш маълум табиий яхлитликка эга бўлган, бир бутун «иқтисодий географик ҳудуд»да ўтказилади. Баҳоланувчи унсурлар (компонентлар) ва баҳолаш шкаласи шу ҳудуд учун мослаб танлаб олинади ва тузилади.

Иккинчидан, баҳолашда ҳудуднинг бир бутунлигидан келиб чиқиб, модда ва энергия алмашинуви жараёнида содир бўладиган, ишлаб чиқаришга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳисобга олинади. Тоғ ва текислик ландшафтларига эга бўлган Фарғона водийси шароитида бу омилнинг аҳамияти, айниқса, юқоридир.

Учинчидан, табиий чегаралар маъмурий бирликлар доирасида умумлаштирилади. Бу баҳолашга иқтисодий, демографик, этноэкологик маълумотларни жалб қилиш, тавсияларни аниқ бошқарув идораларига йўналтириш имконини беради.

Баҳолаш ишлари босқичма-босқич, маълум услубий кетма-кетликда қуйидагича бажарилади:

1. Табиий-аграр имконият обикор дехқончилик юритиш нуқтаи назаридан баҳоланаётгани сабабли ҳар бир хўжалик ёки туманнинг шу мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган ҳудуди аниқлаштирилади. Бунинг

учун баҳоланаётган туман ёки хўжалик ҳудуди табиий-қишлоқ хўжалик округлари доирасида тақсимлаб олинади ва улар дехқончилик қилиш ёки яйлов чорвачилигида фойдаланиш мумкин бўлган майдонларни ўзида жамлаб тузилган. Адир ва тоғ ландшафтларидаги яйловлар майдони Андижон вилоятида 17,9 минг, Наманган вилоятида 151,8 минг, Фарғона вилоятида 20,7 минг гектарни ташкил этади (Конобеева., 1985; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ..., 2000). Бу майдонларнинг ҳар бир тумандаги салмоғи ер фонди экспликацияси ва ердан фойдаланиш харитаси бўйича ажратиб олинади.

2. Маълум олинган n ҳудуднинг ТАИ ни баҳолашда шу ҳудуд учун хос бўлган миқдорий кўрсаткичлар (Q_1, Q_2,..., Q_n) танлаб олинади ва дастлабки маълумотлар матрицаси деб аталувчи жадвал тузилади.

Махсус Адабиётларда **ер ресурслари имкониятини** баҳолаш учун кўрсаткичларнинг мукаммал тизими яратилган. Ҳудуд тупроқларининг сифат кўрсаткичлари (тупроқдаги гумус, калий, фосфор миқдори, зичлиги) бонитет баллари (Q_1) орқали ҳисобга олинади ва улар иқтисодий географик тадқиқотлар моҳиятига мос тушади.

Ер ресурсларини ифодаловчи миқдорий кўрсаткич сифатида баҳоланаётган ҳудудга нисбатан суғориладиган ерлар салмоғи (фоиз ҳисобида (Q_2) олинади. Обикор дехқончилик қилинадиган ҳудудларда бу кўрсаткич ердан тезкор фойдаланиш даражасини, унинг иқтисодий имкониятини белгилайди.

Жойнинг **геоморфологик ҳолати** билан обикор дехқончилик юритиш ўртасида узвий боғлиқлик бор. Ҳудуднинг денгиз сатҳидан баландлиги (Q_3) ва рельеф қиялигига (Q_4) қараб суғориш тизимини ташкил этиш, тупроқ эрозияси, ювилиш каби жараёнларнинг боришини билиш мумкин (Рафиқов., 1976; Нигматов., 2005). Бундай кўрсаткичларнинг туман ёки хўжалик ҳудудлари бўйича ўртача миқдори олинади.

Агроиқлим кўрсаткичларидан $Q10^0C$ юқори бўлган ўртача йиллик харорат йиғиндиси (Q_5) ва Г.Т. Селянинов томонидан ишлаб чиўилган гидротермик коэффициент (ГТК, Q_6) баҳолаш ишларида кенг қўлланилади (Бабушкин, и др ., 1985).

Фарғона водийсидаги мураккаб **гидрогеологик шароит баҳолашда** ушбу кўрсаткичлар аҳамиятини ошириб юборади (Мақсудов., 1990). Суғориладиган тупроқларнинг шўрлашуви, ботқоқлашуви, каби салбий жараёнлар бевосита ер ости сувларининг сатҳи, минераллашуви ва жойнинг табиий дренаж ҳолатига боғлиқ. Баҳолашда ер ости сувларининг ўртача чуқурлиги (Q_7) ва оқимининг кетиши, яъни ҳудуднинг табиий дренаж ҳолати (Q_8) ўрганилди. Ҳудуднинг табиий дренаж ҳолати жуда яхши бўлса-5 балл; яхши- 4 балл; ўртача - 3 балл; кучсиз -2 балл ва жуда кучсиз бўлса-1 балл деб баҳоланади .

3. Танлаб олинган кўрсаткичлар учун баҳолаш шкаласи (яъни баҳолашнинг даража кўрсаткичи) маълум ҳудудий бирлик учун тузилади. Одатда табиий ресурсларни баҳолаш мақсадида тузиладиган шкалалар табиий географик бирликлар доирасида бўлади. Айрим кўрсаткичлар учун маъмурий чегаралар асос сифатида олиниши ҳам мумкин.. Баҳолаш шкаласидаги кўрсаткичларни алоҳида поғоналар ташкил этишига, улар ўртасида оралиқни (интервални) ўзаро мос бўлишига эътибор қаратилади.

4. Ўрганилаётган туманларнинг табиий - аграр ресурс турларини баҳолашда Б.И.Ишмуратов (1979), Т.М.Субботина (1993), А.М.Носонов (2001) томонидан таклиф қилинаётган усулларни обикор дехқончилик шароитига мослаган ҳолда, қуйидаги формулани таклиф қилиш мумкин:

$$ХБ_i=\frac{Q_{i1}*Q_{i1ш.б}}{Q_{1\max}}+\frac{Q_{i2}*Q_{i2ш.б}}{Q_{2\max}}+...+\frac{Qin*Q_{inш.б}}{Q_{n\max}};\ (1)$$

Бу ерда $ХБ_i$ -і-чи тумандаги табиий ресурс турининг хусусий бонитет бали;

$Q_{1,2,...n}$баҳоланаётган кўрсаткичлар сони;

Q_1max - мазкур кўрасткичнинг региондаги энг катта қиймати;

$Ш_Б$- ушбу кўрсаткичнинг регионал баҳолаш шкаласидаги ўрин- бали.

Масалан, Ёзёвон тумани ҳудуди 2006 йил 1 январь ҳолатига 40,7 минг гектар, шундан суғориладиган жами ерлар 21 минг гектар ёки 51 фоиз, тупроқларнинг бонитет бали-49. Ушбу кўрсаткичлар учун баҳолаш шкаласидаги мос баллар 2; 3, энг юқори кўрсаткичлар эса 80 (Риштон тумани) ва 68 (Учқўрғон тумани) га тенг бўлса, туманнинг ер ресурслари табиий-аграр имконияти 3,3га тенг бўлади, яъни;

$$а)\ Ер_б=\frac{51*2}{80}+\frac{49*3}{68}=3{,}3$$

Худди шу тартибда туманнинг агроиқлимий, геоморфологик ва гидрогеологик табиий имкониятлари ҳисоблаб топилади. Бу ерда ҳудуднинг мутлоқ баландлиги, рельеф қиялиги каби кўрсаткичлар учун энг юқори кўрсаткич сифатида энг катта рақам эмас, балки обикор дехқончилик учун энг қулай кўрсаткичлар олинади.

$$б)\ АИ_б=\frac{4550*5}{4600}+\frac{0{,}18*5}{0{,}18}=9{,}9;$$

$$в)\ ГМ_б=\frac{380*5}{380}+\frac{0{,}002*4}{0{,}004}=7;$$

$$г)\ ГГ_б=\frac{2*1}{10}+\frac{1}{5}=0{,}4.$$

Табиий-аграр имкониятни баҳолашда муҳим ҳисобланган ресурсларга қўшимча коэффициент бериш баҳолаш ишларини ишончлилик даражасини оширади. Бундай коэффициентлар кўрсаткичини аниқлашнинг энг тўғри усули мутахассис баҳосидир. Обикор дехқончилик қилинадиган Ўрта Осиё шароитида энг аҳамиятли ресурс суғориладиган

ер ҳисобланади. Иккинчи ўриндаги инсон томонидан бошқарилиш имконияти кам бўлган ресурс жойнинг агроиқлим шароитидир. Шунинг учун ТАИнинг якуний қийматларини олишда ҳар икки ресурс кўрсаткичлари мос ҳолда 3; 2 коэффициентга кўтарилиб, натижа қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$\text{ТАИ}_i = Ер_б * 3 + АИ_б * 2 + ГМ_б + ГГ_б \quad (2)$$

Бу ерда, ТАИ_i - і туман учун жамловчи ТАИ бали;

3; 2 -қўшимча коэффициентлар;

$ЕР_б$, $АИ_б$, $ГМ_б$, $ГГ_б$- мос ҳолдаги табиий ресурсларнинг ҳисобланган бонитет бали.

Демак, Ёзёвон туманининг жамловчи ТАИ бали 37,1 га тенг бўлади, яъни:

$$\text{ТАИ}_i = 3{,}3 * 3 + 9{,}9 * 2 + 7 + 0{,}4 = 37{,}1$$

Юқоридаги тартибда Фарғона водийсидаги 509 та ширкат ва 41 та туман ҳудудида баҳолаш ишларини ўтказиш мумкин. Баҳолаш натижаларига кўра Фарғона водийсидаги туманларнинг табиий - аграр имконияти бўйича рейтинги аниқланди ва улар 3 та гуруҳга ажратилиб баҳоланди.

Ушбу маълумотларни таҳлил этиш табиий- аграр имконият даражасини ҳудудий тарқалишдаги маълум қонуниятларни аниқлашга ёрдам беради.

Адабиёт

1. Бабушкин Л.Н., Когай И.А., Закиров Ш.С. Агроклиматические условия сельского хозяйства Узбекистана.–Т.: Мехнат, 1985.

2. Ишмуратов Б.М. Региональные системы производительных сил (географические основы географического анализа)-Новосибирск: Наука, 1979.

3. Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогеннўм воздействием. – Т.: Фан, 1990.

4. Нигматов А.Н. Геоэкологические аспекты заовраженности и техногенной нарушенности земель Узбекистана–Т.: Изд.Ўзбекистон Миллий университети,- 2005.

5. Носонов А.М. Территориальные системы сельского хозяйства (Экономико-географические аспекты исследования)- М.:Янус-К, 2001.

6. Рафиков А.А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. – Т.: Фан, 1976.

7. Субботина Т.М., Природный агропотенциал Пермской области: географический анализ, оценка, использование. Автореф. дис. канд. географ. наук.-СПб., 1993

АТРОФ МУҲИТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Н.Қ.Комилова
Ўзбекистон Миллий университети

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар муайян қонуниятлар асосида ривожланиб боради. Мазкур қонуниятларнинг бузилиши эса экологик инқирозга олиб келади.

Сўнгги йилларда фан ва техниканинг жадал тараққиёти, инсоннинг табиатга бўлган таъсирининг тўхтовсиз ортиб бориши ва шу туфайли табиий муҳитда юз бераётган қатор салбий ўзгаришлар инсон саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Табиий муҳитнинг ифлосланиши, шаҳарлашув жараёни, аҳолининг шаҳарларда ўта тиғиз жойлашуви, ижтимоий муҳитдаги салбий ўзгаришлар кишиларда қадим замонларга хос ва мос бўлмаган асаб ва бошқа турдаги касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарлашув (урбанизация) жараёнининг жадаллашуви ўз навбатида ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга ҳозирги вақтда шаҳарлар кишилар руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи шовқин марказлари бўлиб келмоқда. Маълумотларга кўра, Ер шаридаги энг шовқинли шаҳар Рио-де Жанейро бўлиб, унинг ўртача шовқин даражаси 100 дБ га яқин. Шунинг учун ушбу шаҳар аҳолисининг кўпчилик қисми эшитиш тизимларининг носозлигидан азият чекади. Албатта, мазкур ҳолат бундай шовқин марказларида яшовчи аҳолининг ўртача умр кўрсаткичларининг пасайишига ҳам олиб келади.

Дарҳақиқат, шовқин асаб тизими, эшитув аъзолари ва юрак фаолиятининг бузилишига сабаб бўлувчи асосий манба сифатида бугунги кунда, айниқса, йирик саноат ва аҳоли ўта зич шаҳарларда юқоридир.

Урбанизация жараёнининг ривожланиши, шаҳарларнинг йириклашуви, ўлкан агломерация, конурбация ва мегаполисларнинг вужудга келиши, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада мужассамлашуви ва бошқа ҳаётий жараёнларнинг жадаллашуви бундай муҳитда кишиларнинг яшашлари учун жуда катта ноқулайликлар туғдиради. Одатда, йирик шаҳарларда кишиларнинг қон босимлари юқори бўлади, улар орасида асаб таранглиги ҳоллари тез-тез учраб туради.

Европалик олимлар маълумотларига кўра, шаҳарларда шовқин туфайли аҳолининг яшаш даври бир неча йилга, аниқроғи 9-10 йилга қисқариб борар экан. Ҳозирги даврда бирор бир шаҳар йўққи унда шовқин бўлмаса. Шовқин кучи децибель билан ўлчанади. Энг паст шовқин бир децибель бўлиб, энг кучли шовқин эса 200 децибелни ташкил этади. Шовқин кучи тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Шовқин кучи 0-50 дБ бўлса меъёрий ҳолат ҳисобланади. Бунга майин мусиқа товуши, кишиларнинг оҳиста сўзлашуви, қушларнинг чуғурлашини мисол қилиш мумкин.

2. 51-99 дБли овоз қулоқларимиз учун ёқимсиз бўлиб, бунга чанг ютгич, қуритиш мосламаларининг овози киради.

3. 100-120 дБ га эга бўлган овоз инсон саломатлигига ёмон таъсир кўрсатади. Жумладан, автомобиллар, мотоцикллар, турли қишлоқ хўжалик машиналари товушларини бунга мисол келтириш мумкин.

4. Шовқин кучи 121-200 дБ гача бўлган товушлар кишилар саломатлтги учун ўта хавфли ҳисобланади. Бунда бош мияга қон қуйилиши, эшитиш аъзолари ишдан чиқиши, турли хил асабий таранглиқлар келиб чиқиши, ҳатто инсоннинг ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бизнинг республикамиз йирик шаҳарларида шовқин 70-80 дБ га етмоқда, айрим ҳудудларда эса бундан ҳам юқори.

Шовқин қишлоқ жойларга қараганда шаҳарларда кучли. Чунки, уни келтириб чиқарувчи барча манбалар (саноат корхоналари, транспорт тўрининг зичлиги) асосан шаҳарларда жойлашган. Айниқса, шаҳарлар яқинидаги аэропортлар шовқин кучини янада ортиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам аэродромлар аҳоли пунктларидан узоқроқда жойлашган бўлиши лозим.

Умуман, кишилар саломатлиги ҳақида қайғурганда ташқи таъсирлар орасида жойларнинг шовқин даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Турли хил иншоатлар (касалхоналар, мактаблар, дам олиш оромгоҳлари ва имкони бўлса аҳолининг доимий яшаш жойлари) қурилишида буни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Аҳолининг жойланиши ер юзасининг кишилар томонидан ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган, жуда узоқ вақт давом этадиган тарихий жараёндир. Аҳолининг жойланиши ҳудуднинг ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқдир. Фарғона водийсидаги суғориш тизимининг шаклланишига тўхталиб, В.В.Бартольд бу жараён аҳоли манзилгохларини тарихий ташкил топиши билан боғлиқ эканлиги ҳақида батафсил

маълумот беради (Бартольд, 1965). Фарғона водийсида пайдо бўлган дастлабки аҳоли қўрғонлари унумдорлиги камроқ бўлган адирлар минтақасида бўлган. Улар қаторига Косон, Чодак, Ахси, Ош, Аравон, Мингтепа, Қува, Ўзган, Сўх шаҳарлари киради. Бу даврдаги аҳоли манзилгоҳларини жойланишидаги ўзига хос хусусият уларнинг дарё ҳавзаларининг юқори қисмида, кичик ариқлар ёрдамида экин ерларни суғориш имконияти бўлган жойларда вужудга келганларидир.

Кейинчалик суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида Фарғона водийсида ҳам йирик суғориш каналларини бунёд этиш кузатилди. Наманган вилоятидаги Янгиариқ, Андижон вилоятидаги Андижонсой ва Шахрихонсой, Улуғнор каналларининг қурилиши билан дарё қирғоқларидан узоқда жойлашган шаҳарлар, қишлоқлар бунёд этилган.

Суғориш тармоқларининг ривожланиши оқибатида водийдаги аҳоли манзилгоҳларининг ҳозирги кўриниши XIXасрнинг охирига келиб тўлиқ шаклланди. Бундай жойланишга табиий - иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсир кўрсатган. Бутун қишлоқ жойлари географиясида бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам ҳудуднинг кичиклигига қарамасдан юқоридаги омиллар таъсирида қишлоқлар жойланишида қуйидаги ўзига хос хусусиятлар кузатилади:

1. Аҳоли манзилгоҳлари дарёларнинг қирғоқларидаги тор, узун лентасимон водийларда жойланиши Сирдарёнинг ўнг қирғоғи учун айниқса хосдир. Наманган вилоятидаги Подшоотасой, Чортоқсой, Чодаксой, Ғовасой, Косонсой дарёлари водийсидаги қишлоқлар лентасимон кўринишда жойлашганлиги шаритада қайд этилган.

2. Водийдаги барча дарёлар адирлар халқасидан чиққандан сўнг конуссимон ёйилмалар ҳосил қилган. Бундай ёйилмаларнинг типик вакили сифатида Сўх конуссимон ёйилмаси мисол бўла олади. Исфара, Сўх, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Аравонсой, Оқбура, Мойлисой, Норин каби дарёларни адирлар халқасидан чиқиш жойларида аҳоли манзилгоҳлари конуссимон ёйилмаларда бир текис жойлашган.

3. Конуссимон ёйилмаларда бир текис жойлашган қишлоқларда савдо-маданий алоқаларининг йўлга қўйилиши билан ҳар бир ёйилманинг *«марказий манзилгоҳи»* шаклланган. Учинчи типдаги аҳоли манзилгохлари суғориш тармоқлари билан бир қаторда «марказий манзилгоҳ»га нисбатан жойлашганлигини кўриш мумкин. Бундай марказлар вазифасини Бешариқ, Қўқон, Олтиариқ, Марғилон, Асака, Андижон, Избоскан, Учқўрғон, Косонсой, Чуст каби шаҳарлар бажарган. Одатда марказий манзилгохнинг конуссимон ёйилманинг ўрта қисмида жойлашганлиги унинг иқтисодий омиллар (савдо маркази, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув, транспорт тугуни) таъсирида йириклашиб кетган.

4. Адирорти ботиқлари, тоғли ҳудудлар ва Марказий Фарғонадаги чўлли ландшафтларда якка ҳоллардаги йирик қишлоқлар шаклланган. Ҳозирда туман марказлари вазифасини бажарадиган бундай аҳоли манзилгоҳларига Мингдон, Чимён, Арсиф, Ойим, Бўз, Поп, Сўх, Ёзёвон, Мингбулоқ кабилар киради.

5. Фарғона водийсининг ўзига хос табиий ва иқтисодий шароити таъсирида юқоридаги 4 та ўзига хос хусусиятли қишлоқлар гуруҳи шаклланган. Минтақада йирик суғориш каналларининг қурилиши оқибатида бу қишлоқларнинг жойланишида катта ўзгаришлар кузатилмайди. Фақатгина конуссимон ёйилмаларнинг этакларида тартибсиз жойлашган қишлоқлар камайиб, улар ўрнига суғориш тизимига мос келувчи, лентасимон кўринишдаги қишлоқлар бунёд этилди. Масалан, Жанубий Фарғона каналининг қурилиши билан Мархамат туманидаги Тўпқўрғон, Тўрткўл, Шўрқақир, Бешюзтаноб, Мирзахўжа, Оқмактаб, Қизил қамчин қишлоқлари ўрнида, суғориш ариғи қирғоғида лентасимон кўринишдаги Шукурмерган қишлоғи бунёд этилган. Умуман олганда, Фарғона водийсидаги қишлоқлар ўзига хос, бетакрор манзарани акс эттиради. Улар, одатда, ариқ ва каналлар бўйида бир-бирига туташиб кетган ҳолда, занжирсимон жойлашган. Шу сабабдан кўпгина қишлоқлар топоними «ариқ», «жўй», «сой» каби қўшимчалар билан боғлиқ (Қораев., 1998).

Қишлоқ аҳоли қўрғонларини жойлаштиришни режалаштириш ҳар бир даврда алоҳида талаблар билан амалга оширилади. Охирги 50-60 йил давомида қишлоқларни жойлаштириш ва йириклаштиришда маданий-маиший соҳани ривожлантириш, аҳолини турмуш тарзини кўтаришга асосий эътибор қаратилди.

Бугунги кунга келиб, қишлоқ аҳоли қўрғонларини жойлаштириш ва йириклаштиришга қўйиладиган талаблар ўзгарди (Бекмуродов..., 2006). Ҳозирги қишлоқларни жойлаштиришга қўйиладиган талабларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, саноатдан фарқ қилиб, кенгроқ майдонни эгаллайди, ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ердан фойдаланиш турига қараб (яйлов, суғориб деҳқончилик қилиш...) аҳоли қўрғонлари жойлаштирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқларни ортиқча йириклаштириш меҳнаткашларни иш жойларига (далага) етказиш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга сабаб бўлади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинлари устидан бўладиган (доимий) агротехник назоратни олиб бориш қийинлашади. Ушбу ҳолат аҳоли қўрғонларини жойлаштиришда биринчи навбатда ҳисобга олиниши зарур.

2. Қишлоқда шаклланаётган кўп укладли иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари учун мос келувчи турар жой

массивларини яратиш лозим. Фермер хўжаликлари ривожланган хорижий мамлакатлар ва республикамиздаги мавжуд тарихий тажрибани ўрганган ҳолда аҳоли қўрғонлари ва вақтинча истиқомат жойларини яратиш тизимини шакллантириш бугунги куннинг асосий тамойилига айланмоқда.

3. Тарихан шаклланган қишлоқлар функциясини батафсил ўрганиш асосида янги ташкил этилаётган қайта ишловчи саноат тармоқлари (тегирмон, ойжувоз, концерва цехлари) ва савдо шахобчаларини жойлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4. Қишлоқ ҳудудларида ягона аҳоли қўрғонлари тизимини яратиш, марказий аҳоли қўрғони атрофида бошқа кичикроқ қўрғонларни бир текисда жойлашувини таъминлаш, маданий-маиший ва коммуникация тизими тармоқларини ташкил этишда қурилиш, санитар-гигиена, экология ва бошқа мезонларнинг бажарилишини таъминлаш зарур.

5. Қишлоқ уйларини қуришда жойнинг табиий-иқлим ва агродемографик шароитини ҳисобга олиш, демографик босим юқори, суғориладиган ерлар миқдори етишмайдиган шароитда бир қаватли, сифатсиз қурилиш материалларидан уй қуришни чеклаш, қонун хужжатларига, демографик босимни ҳисобга олувчи қурилиш мезонларини киритиш лозим.

6. Янги мезонларни ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини жойлаштиришда ҳар бир район учун мос келувчи истиқболи режалар тузиш.

Фарғона водийсида урбанизация даражаси паст,қишлоқ аҳолиси жами аҳолининг 65-70 фоизини ташкил этади. Шунинг учун қишлоқ жойларда ер ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини жойланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб уни ҳар томонлама тадқиқ этиш иқтисодий геграфия фанида муҳум амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Адабиёт

1. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч., Т.3. - М.: Наука. 1965.

2. Бекмуродов А.Ш., Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 2-қисм. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатлар ва фермерлик ҳаракати.- Т.: ТДИУ. 2006.

3. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари.. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2005.

МИГРАЦИОН ФАОЛЛИК-МАМЛАКАТЛАР ТАРАҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ў.Якубов, Х.Ниёзов
Термиз Давлат университети

Миграция жараёни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнингбарча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатувчи ва ўз навбатида аҳоли жойлашувидаги муҳим муаммолар билан боғлиқ аҳолининг ҳудудий ҳаракатидир.

Бугунги кунда аҳоли миграцияси демография, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, социология, статистика, этнография каби қатор фанларнинг тадқиқот объектига айланди. З.Х.Райимжонов таъкидлаганидек, -«инсоният тарихи бу миграция тарихи билан чамбарчас боғлиқ». Меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси бир неча юз йиллар илгари бошланиб бу даврлар оралиғида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Албатта бу буюк географик кашфиётлар ва унинг оқибати бўлмиш халқаро меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар миграция жараёнининг шу даражада ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, Америка қитъасининг этилиши ёки Африка материгидаги маданларнинг ўрганилиши Европа, Африка, Америка қитъалари бўйлаб миграция жараёнларининг фаоллашувини келтириб чиқарди. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида аҳоли миграцияси асосан сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлди. Бу даврда аҳоли миграциясига таъсир этувчи бошқа омиллар четда қолди.

Аҳоли миграциясига оид тадқиқотлар кўлами 1960 йилларда анча кенгайди. Бу даврда меҳнат ресурсларининг халқаро аралашуви ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги омиллардан бири сифатида майдонга чиқди ва у иқтисодий ўсиш ўрсаткичларига таъсир этиши ҳамда унинг сабаби сифатида давлатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш даражасидаги тафовутлар эканлиги илмий асосланди.

Неоклассик ёндошув тарафдорлари фикрига кўра, «ҳар бир киши ўз меҳнати орқали яратган маҳсулотни олади ва истеъмол қилади», улар фикрича эммиграция қабул қилувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ижобий ўзгаришларни содир этади. Эммиграция қилинадиган давлат эса ўз ҳолича қолади ёки ҳар қандай ҳолатда унинг иқтисодиётида салбий ўзгариш бўлмайди. Бироқ, неокейнсчилар меҳнат ресурслари, айниқса, юқори ихтисослашган яъни сифатли ишчи ёки хизматчилар эмиграцияси юз берган давлатлар иқтисодиётида салбий ўзгаришлар ҳам бўлишни тан олдилар.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга асосланган аввалги тизимда меҳнат ресурсларининг ички миграциясига ҳам режалаштирилган иқтисодиётнинг таъсири юқори бўлади. Айниқса 70-йилларда қишлоқларни шаҳарларга тенглаштиришга қаратилган сиёсат оқибатида

миграциядаги эркин ҳаракат издан чиди. Аслида шаҳар ва қишлоқлар ортасидаги тафовут доимо мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Масалан ўша даврда ташкил қилинган шаҳар типидаги аҳоли пунктлари (соҳта шаҳарлар) бугунгача шаҳарга айланиб улгурмади. Чунки шаҳарлардаги саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши учун малакали ва сифатли меҳнат ресурсларига эҳтиёж доимо сақланиб қолади. Бу тўғрисида 70-йилларда В.И. Переведенцев., Ж.А. Зайончковская., Т.И.Заславскаялар ўз тадқиқотларида изоҳ бериб ўтишган. В.И.Переведенцев: - «Қишлоқи аҳолиси – шаҳар ёшларига нисбатан таққосланганда, шаҳар ишчиларининг ўрнини тўлдириш учун бироз билимсизроқ, аммо ҳозирда ишлаётган ишчиларга нисбатан анча уқувли» - эканлигини таъкидлаган.

90-йиллардан бошлаб Дунё мамлакатларида аҳолининг ҳам ички, ҳам ташқи миграциянинг фаоллашуви Европа, собиқ Иттифоқ ва бошқа минтақаларда аҳолининг ҳудудий қайта тақсимланишига сабаб бўлди. Масалан Югославиянинг беш давлатга парчаланиб кетиши ва ҳарбий уришлар оқибатида 2,5 млн.дан ортиқ кишининг қочоқлар қаторига қўшилишига сабаб бўлди. Шу йиллар давомида 125 млн. дан ортиқ киши ўз юртидан ташқарида яшаганлиги қайд этилган. Европада саноатнинг энг оғир тармоқларида иммигрантлар ишлашади. Масалан Францияда қурилишида банд бўлганларнинг 1/4 қисми ва афтомобилсозликда банд бўлганларнинг 1/3 қисми, Швейцарияда қурилишида банд бўлганларнинг 2/5 қисмини иммигрантлар ташкил этади.

Албатта, бугун саноат ёқи иқтисодиётни ташқаридан ишчи кучи ёллаш орқали сифатли меҳнат ресурслари билан таъминлаш ёки иқтисодиётни барқарорлаштириш мумкин эмас. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг ичидаги малакали мутахассислардан самарали фойдаланишга қаратилади.

XX асрнинг иккинчи ярмида бир неча юз минглаб зиёлиларнинг халқаро меҳнат миграциясига келиб қўшилиши – «ақлли идрокли одамлар» («Утечка мозгов» ёки «Brain drain») нинг бошқа юртларга ўтиб кетиши одатий ҳол бўлиб қолди. Масалан, 80-йилларнинг бошида Буюк Британияда араб мамлакатларини 600 га олим, 45 мингдан ортиқ университет маълумотига эга бўлган киши ишлаган. Баъзи маълумотларга кўра бу даврда АҚШдаги миллий академия аъзоларининг 1/4 қисми, Нобель мукофоти совриндорларининг 1/3 қисмини хорижий мутахассислар ташкил этган.

Бугунги кунга келиб, реэммиграция масаласида кўпгина Ғарб мамлакатлари фаол тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Масалан, Германия, Франция, Нидерландия каби давлатлар реэммиграцияга юналтирувчи дастурларни ишлаб чиққан. Бироқ, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида меҳнат ресурсларини экспорт ёки импорт қилишга ихтиёж

мавжуд. Масалан илмий прогнозларга кўра, 2005 йилга бориб, Россия аҳолиси ҳозирги 147 млн. дан 134 млн. кишигача камайиши оқибатида Россияда 11 млн., Қозоғистонда 6 млн. киши (меҳнат ресурслари) га эхтиёж ортади.

Меҳнат ресурслари экспорти ва импортидан самарали фойдаланиш ва унинг сифатига эътибор қаратиш-чет эл валютаси ёки тажрибаси кириб келишининг асосий манбаларидан биридир.

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ В КОНТЕКСТЕ ЭКОЛОГИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ

А. Умаров
КК филиал САНИИРИ, г.Нукус

Взаимоотношения общества и природы отражают целый ряд взаимосвязанных проблем, решение которых приобрело особую актуальность, огромную народно-хозяйственную значимость на современном этапе развития производительных сил Узбекистана, так как экологически обоснованная организация производительных сил - неотъемлемая часть общей программы совершенствования общественного производства, непременное условие решения важнейших социальных проблем.

Являясь одним из важнейших факторов развития общества, необходимым условием воспроизводства населения, природная среда, в свою очередь, по мере вовлечения ее компонентов в общественное производство, подвергается все более интенсивному воздействию, обуславливающему значительные изменения в ней.

В последние десятилетия в связи с активизацией хозяйственного воздействия человека на окружающую среду экологические проблемы стали особенно актуальными. Научно-техническая революция не только расширила сферу взаимодействия общества с природой, но чрезвычайно усложнила связи в системе “Триада”. Наряду с огромным благотворным влиянием научно-технической революции в известной мере проявляются и ее негативные стороны.

В нашей стране проблеме урегулирования взаимоотношений общества с природной средой уделяется пристальное внимание буквально с самых первых дней после приобретения Независимости. Президент И.Каримов подписал ряд законов и постановлений, имеющих основополагающее значение для рационального использования природных ресурсов и охраны окружающей среды с точки зрения концепции устойчивого развития. Характерно, что еще в первом государственном документе Республики Узбекистан предусматривались

мероприятия по защите природных ресурсов от возможного загрязнения. Да и в дальнейшем практика независимого демократического Узбекистана дает немало примеров того, как развитие производительных сил, освоение новых территорий происходили без ущерба для природной среды.

В основных документах экономического и социального развития Республики Узбекистан, утвержденных на сессиях Олий Мажлиса в качестве одной из основных задач ускоренного развития производительных сил страны намечено усилить охрану природы и осуществить переход к рациональному природопользованию. В этой связи Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов пишет : "... если принять во внимание относительно высокий прирост населения, ускоренные процессы урбанизации и отвода плодородных земель под развитие городов, жилищное строительство, создание новых предприятий, сети инженерных и транспортных коммуникаций, то в ближайшие годы, уже на рубеже XXI века, проблема обеспеченности земельными ресурсами может еще больше обостриться".[2]

Данная проблема особенно актуальна для районов интенсивного поливного земледелия и относительно высокого прироста населения, где высокая техногенная и антропогенная нагрузка на окружающую природную среду создает социальную и экологическую напряженность. В этой связи предусматривается расширение и углубление экономико-географических исследований по экологизации общественного производства и усилению социальной направленности решаемых макроэкономических задач на основе применения разнообразных методов, специализирующихся на проверке объективности отражения в тех или иных решениях закономерностей развития от простых описательных до интегральных систем, типа "природа - население - хозяйство - природа"[3], с целью определения путей повышения эффективности территориальной организации производства, включая вопросы рационального использования пространственных сочетаний ресурсов и охраны окружающей среды. По утверждению М.Д.Шарыгина, методологическая основа "Триадной" концепции должна в значительной мере опираться как на мировоззренческую диалектику, так и на теоретическую географию.[1] Связь между ними должна прослеживаться по линии обмена географической информации.

Высокие темпы роста производства, развития научно-технического прогресса ставят проблему сочетания бурного роста производительных

---

[2] Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия стабильности и гарантии прогресса. Ташкент, 1997, стр.113.

[3] Здесь по утверждению З.М.Акрамова, А.А.Рафикова, К.Т.Турсунова и др."Триада" обозначена четырехзначной цепочкой и тем самым установлена обратная связь с природной средой. Материалы ГО РУз. часть 1. Ташкент, 1995, стр.6, и том-19. Стр. 9-11, 26-28.

[1] Шарыгин М.Д. Введение в теоретическую географию. Пермь 1984, стр.75.

сил с гармоничным развитием природы, постоянно усложняют задачи оптимизации в экологических системах. Поэтому концепция ограниченного развития производительных сил является совершенно неприемлемой и противоречит развитию человеческого общества. В то же время, бесспорно, что при инерционном развитии экологических систем дальнейшее воспроизводство производительных сил неминуемо приведет к невосполнимому дефициту основных видов природных ресурсов и, наряду с этим, к недопустимо высокому уровню загрязнения окружающей природной среды.

В недалеком будущем будет успешно решена проблема вредных выбросов и сбросов, но выявятся противоречия иного характера, возникнут новые проблемы. Как отмечал академик С.С.Шварц, любые меры предосторожности и любой уровень совершенствования производства лишь ослабляют степень воздействия человека на природу, но не ликвидируют опасность ухудшения природной среды.[1] Итак, проблема решается, но проблема остается. Задачей общества является не “победить” природу, а добиваться оптимизации эколого-экономических систем.

Тесные взаимосвязи качественно различных процессов обусловили необходимость рассмотрения процессов взаимодействия общества с окружающей природной средой как функционирования единой эколого-экономической системы. При этом функции и структура эколого-экономической системы в первую очередь определяются набором основных элементов, в неё входящих. Так, М. Лемещев выделяет как важнейшие составляющие элементы этой системы: природу, человека, общество и производство.[2] В то же время Ю.Г.Саушкин предлагает ограничиться наряду с природой лишь общественным производством и отказаться от включения в систему человека или общества, так как она широко включает в себя различные надстройки.[3] На наш взгляд, здесь особых противоречий нет. Ведь мы рассматриваем в системе в качестве ее элементов не просто объекты сами по себе, а лишь определенные характеристики, свойства реального объекта. Следовательно, и указанные объекты можно включить в понятие “общественное производство” в той мере, в какой они непосредственно с ним связаны или его определяют. Критерий в более широком плане оптимальности взаимодействия общества и среды И.В.Комар, в частности, рассматривает как осуществление этого взаимодействия на каждом этапе развития производительных сил с наименьшими затратами общественного труда, при одновременном наиболее полном, всестороннем использовании

[1] Шварц С.С. Экология человека: Новые подходы к проблеме “Человек и природа” Москва, 1986, стр.96.
[2] Лемещев М.Я. Программно-целовой подход в управлении окружающей средой. Москва, 1986, стр.63.
[3] Саушкин Ю.Г. Экономическая география: история, теория, методы, практика. Москва. 1973, стр.88.

извлекаемых из природы веществ и обеспечении нужных человеку полноценных свойств и качеств окружающей среды.[1]

Эколого-экономические системы носят ярко выраженный пространственный характер и обладают признаками, по которым их можно рассматривать как географические системы интегрального типа. В рамках территориальных эколого-экономических систем определяются тесные связи между более частными территориальными структурами, и прежде всего природно-пространственными (экосистемами), территориально-производственными и территориальными системами расселения. При этом необходимо подчеркнуть, что именно экономическая география, используя свои традиционные и новые методы исследования, сможет сказать свое веское слово в отношении анализа рассматриваемых взаимодействий и прежде всего в пространственном аспекте.

Как справедливо было отмечено на IV-V съездах Географического общества РУз, охрану природы нельзя противопоставлять развитию производительных сил; в то же время развитие производства, производительных сил требует обязательного учета экологических принципов и факторов. Поэтому дальнейшее развитие общественного производства немыслимо без экологизации всех его звеньев, так как последняя с научно-техническим прогрессом, является его обязательным требованием.

Экологизация производства предусматривает внедрение малоотходных и замкнутых технологий, организацию использования отходов одних предприятий другими, а также утилизацию отходов потребления.

Наряду с традиционным направлением рационального использования ресурсов имеется система природоохранного направления, осуществление которого ставит своей целью прежде всего поддержание необходимых для жизнедеятельности человека и общественного производства стандартных условий, устранение возможности истощения природных ресурсов. Поэтому природоохранная деятельность в сфере общественного производства не ограничивается лишь очисткой выбросов, а подразумевает утилизацию самых различных элементов как в промышленных, так и сельскохозяйственных предприятиях. Следует отметить, что по мере развития общественного производства и роста производственных фондов должны увеличиваться специализированные фонды для устранения негативных последствий хозяйственного воздействия.

[1] Комар И.В. Рациональное использование природных ресурсов и ресурсные циклы. Москва, 1985. стр.53.

Начинаясь с так называемых “экологических кризисов” местного (локального), регионального характера, последствия индустриального развития и урбанизации стали приобретать глобальное значение (например, антропогенное загрязнение окружающей среды, изменение теплового режима и геохимических свойств почв и т.д.). Даже в ряде развитых стран развитие производительных сил вошло в весьма сильный конфликт с природной средой, чрезвычайно обострилась экологическая ситуация. Поэтому экологические аспекты хозяйственного развития затрагивают не только так называемую природоохранную среду, но и рассматривают экологические аспекты территориальной организации производительных сил, в первую очередь, в увязке процессов природопользования с другими сторонами экономического и социального развития регионов.

Указанные вопросы являются одним из основных предметов исследования современной экономической географии, играющей весьма существенную роль в разработке общей эколого-географической концепции, на которой должно базироваться решение проблем природопользования. В связи с этим следует подчеркнуть, что выдающийся русский ученый Н. Н. Баранский в свое время отмечал необходимость активного участия экономико-географов в решении вопросов оптимизации взаимодействия между обществом и природной средой: “... исследование влияния пространственных различий в природной среде на пространственные различия в производственном направлении хозяйства... является коренной задачей экономической географии”.[1] При этом эффективность экономико-географических разработок будет в значительной степени зависеть от того, насколько они опираются на результаты физико-географических исследований, на данные, характеризующие "технологию" природной среды. При широком внедрении экологических подходов именно экономическая география сможет стать тем мостом, который связывает ландшафтно-экологические исследования и работы в области размещения производства.

В связи с этим нами в настоящей работе сделана попытка обозначить ряд научно-теоретических и практических проблем, в большинстве случаев находящихся на стыке социальной и экономической географии, ресурсной географии и природопользования, а также региональной экономики. При этом, мы стремились отразить тесную взаимосвязь и переплетение социально-экономических и экологических проблем региона с вопросами экологического обоснования и геоэкспертизы размещения производства.

Происшедшие в последнее время крупные преобразования в экономике, коренной перелом хозяйственного механизма, особенно на

[1] Баранский Н.Н. Экономическая география. Экономическая картография. Москва, 1976. стр.273.

региональном уровне, потребовали пересмотра позиций по ряду вопросов экономического районирования, развития социальной сферы и совершенствования территориальной организации производительных сил в регионах. Это настоятельно требует углубления исследований проблем развития и размещения производительных сил в новых условиях хозяйствования. Кроме того, для современного периода характерен ряд моментов в размещении производства, среди которых - усиливающаяся поляризация прироста трудовых ресурсов в региональном разрезе, вызывающая необходимость дифференцированного подхода к социально-экономическому развитию различных территорий. Достигнутые уровни добычи минерального сырья, топлива, их ограниченность, а кое-где их сокращение, выдвигают на первый план задачу их экономии и интенсивного использования. Поэтому решение размещенческой задачи предполагает необходимость системного, комплексного подхода, который заключается в разностороннем учете всех факторов региональной организации хозяйства.

Как известно, страны Средней Азии, в том числе и Каракалпакстан, в течение долгих лет занимались земледелием. В годы централизованного государства громадные территории осваивались для орошаемого земледелия. Спрос на сельскохозяйственные продукты осуществлялся, в основном, путем освоения и расширения орошаемых земель, заложив в основу экстенсивные методы ведения производства.

Взгляды на окружающую нас среду по сохранению её богатств измерялись политической и экономической стороной, имелось в виду только получение выгоды. Если бы этого не было, не обострялась бы экологическая обстановка, как сейчас и не возникло бы бедствие глобального масштаба – Аральский кризис.

А некоторые количественные изменения, происшедшие в сельском хозяйстве, в основном, достигнуты путем расходования в большом количестве минеральных удобрений, что отрицательно повлияло на механические свойства почв и мелиоративное состояние орошаемых земель. Ошибочные взгляды, допущенные в те годы на использование природных ресурсов по системе «природа – население – хозяйство», ограниченные только количественным измерениями, привели к опасному бедствию регионального масштаба.

Предвидя и правильно оценивая это, Президент Республики Узбекистан в выступлениях по этому поводу на Генеральной Ассамблеи ООН сказал, что Аральский кризис сегодня является не только региональным, но и относится к проблемам глобального масштаба. Для разрешения этой задачи Президент отметил, что важно иметь в виду измерения связей между природой и обществом не только по количеству, но и по качеству. В соответствии с этим, на этапе углубления

экономических реформ путём изменения взглядов на окружающую природу, необходимо оценивать наше богатство – природные ресурсы - интегральным способом, их количественные и качественные стороны.

ОИЛАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ТАРАҚҚИЁТИ

Ҳ.М.Назарова
Ўзбекистон Миллий университети

Оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси никоҳдир. Никоҳ арабча «уйланиш» маъносини англатади. Никоҳ - эркак билан аёл оила қуришининг тарихан шаклланган ва қонун ёки дин томонидан мустахкамланган шакли. Никоҳ-оила муносабатларини ўрганиш мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва демографик ривожланиш йўлларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 2005 йилда 184 мингта янги оила ташкил топди. 1991-2005 йиллар оралиғида республикада 2 млн. 784 мингдан ортиқ оила қурилди. Янги ташкил этилган оилаларнинг 64 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Янги ташкил этилган оилалар сони йиллар мобайнида бир текисда ўзгармади. Чунончи, 2005 йилга келиб никоҳдан ўтувчиларнинг мутлоқ сони ва 1000та аҳолига тўғри келадиган никоҳлар сони қисқарди. Чунончи, 1991 йилда республикада 270,3 мингтадан ортиқ оила қурилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб 32,0 фоизга камайди. Худди шунингдек, шаҳар ва қишлоқ жойларида ҳам оила қурувчилар сони 1991-2005 йиллар орасида мос равишда 35,3 вам 30,0 фоизга қисқарган. Умуман, 1991 йилда ҳар 1000та аҳолига нисбатан 12,9 та никоҳ қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 7,0 ни ташкил этди. Демак, янги оилалар ташкил этилиши кейинги 15 йил ичида мутлоқ сонда 88,3 мингтага, ҳар 1000 киши ҳисобига эса 5,9 тага камайди. Никоҳга кирувчилар сонининг камайиши республиканинг барча минтақаларида ҳам кузатилади.

Никоҳ эркинлиги ажралиб кетиш эркинлигини ҳам кўзда тутади. Никоҳни рўйхатга олиш каби ажралишни расмийлаштириш ҳам давлат назорати остида туради. Оиланинг ижтимоий-демографик тараққиётини тадқиқ этишда ажралиш сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, вақт ўтиши билан ташкил топган оилаларнинг бир қисми òóðëè ðèë сабаблар туфайли, маълум бир қисми эса эр ёки хотиннинг вафоти туфайли ажралади.

2005 йилда республикада 16,4 мингта оила ажралди. Уларнинг 59,7 фоизи (9,8 минг) шаҳар жойларида қайд этилган. Умуман, республиканинг 1000

та аҳолисига 0,6 та оиладан ажралиш тўғри келди. Бу кўрсаткич 1991 йилда 2,8 тани ташкил этган.

1991-2005 йиллар мобайнида республикада жами 333,6 мингдан ортиқ никоҳ аҳди бекор қилинди. Бу рақамни шу давр ичида тузилган никоҳлар сонига таққослаб кўрсак, сақланиб қолган никоҳлар сони 89 фоизни, ажралган оилалар эса 11 фоизни ташкил этди.

Оила ажралишлари энг кўп Тошкент шаҳрида ҳамда Тошкент, Навоий, Сирдарё вилоятларида кузатилади. Бу минтақаларда ажралишнинг умумий коэффициенти 1-2 промиллега тенг. Ушбу ҳудудларда ажралиш сонининг катта бўлишида бир қанча омиллар мавжуд. Хусусан, аҳоли орасида европа халқларининг улуши юқорилиги ва бу миллатларда ажралиш коэффициенти маҳаллий миллатларга нисбатан юқори бўлиши, шунингдек аҳолининг маълумотлилик даражасининг ортиб бориши ва х.к.лар.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, оилада ажралишлар асосан 20-34 ёш орасида кўп учраган. Оиладан ажралган эркакларнинг 40 фоизга яқини, аёлларнинг эса 50 фоиздан ортиғи 20-29 ёш îðàñèääагиларга тўғри келган. Шунингдек, катта кўрсаткични 30-39 ёш орасидагилар ташкил этди.

2005 йилда тузилган ҳар 1000 та оилага, ўша йилнинг ўзида 89 та оила (шаҳарда бу кўрсаткич 147,8 қишлоқда эса 56,0) бекор қилинган. Аммо бундан 2005 йилда ташкил топган оилаларнинг 89 таси ўша йилиёқ бекор бўлган экан деган хулосани бермайди. Бекор қилинган никоҳ аҳдларининг 90 фоизини бир неча йил аввал никоҳга кирган оилалар ташкил этди. Ажралган оилаларнинг учдан бир қисмидан ортиғи 0-4 йил муқаддам тузилган оилалар, 28 фоиздан ортиғини 5-9 йил, 28,2 фоизини 10-19 йил муқаддам оила қурганлар, 9 фоизга яқинини эса 20 ва ундан ортиқ йил аввал тузилган оилалар ташкил этган.

Ажралган оилалар сабабини ажралиш даражаси юқори бўлган Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ҳамда Юнусобод туман судларига фуқаролар томонидан никоҳни бекор қилиш учун келиб тушган 882 та даъво аризалари мисолида ўрганилиб, тахлил этилди.

Ажралишга даъвогар оилалар миллий таркибига кўра қуйидагича тақсимланди. Эр-хотин ўзбек миллатига мансуб бўлганлар 41,5 фоизни, эр-хотин рус миллатига мансуб оилалари эса 31,2 фоизни ташкил этган. Айтиш жоизки, аралаш миллатдан ташкил топган оилаларда ҳам нисбатан ажралиш юқори.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ажралган оилаларнинг ҳар бештадан биттаси ёш оилаларга (0-4 йил) тўғри келди. Никоҳ даврининг биринчи беш йили ичида энг кўп ажралиш никоҳнинг учинчи йилига тўғри келган. Оилаларнинг учдан бир қисмига яқини 5-9 йил муқаддам

тузилган эр-хотинлик иттифоқининг бузилиши ташкил этди. Шунингдек, катта кўрсаткич 10-14 йил муқаддам тузилган никоҳларда кузатилди.

Ажралган оилаларни болалар сонига кўра ўрганиш ҳам муҳим илмий аҳамият касб этади. Тадқиқ этилган оиларнинг ярмидан ортиғи 1 фарзандли оилаларга, 31 фоиздан ортиқроғи 2 фарзандли оилаларга тўғри келди. 3 ва ундан кўп фарзандли оилар нисбатан кам. Фарзанди бор оилаларнинг ҳар бирига ўртача 1,6 та бола тўғри келди.

Оиладан ажралиш сабаблари орасида энг катта кўрсаткични эр-хотин дунёқарашининг мос келмаслиги, яъни характерларининг бир-бирига зид эканлиги ташкил этди. Ушбу сабаб билан ўрганилган оилаларнинг ҳар учтадан биттаси ажралиб кетган.

Кейинги йилларда аҳоли орасида маънавий-аҳлоқий меъёрларнинг бироз сусайиши натижасида ýр ёки хотин бир-бирига ҳиёнат қилмоқда. Ўрганилган оилаларнинг 12,1 ôîèçè ҳиёнат сабабли ажралишган. Бундай оилаларнинг учдан икки қисмидан ортиғи эркаклар томонидан содир этилган, 30 фоизи эса аёллар томонидан қилинган.

Оилани моддий жиҳатдан таъминлаш асосан эркакнинг зиммасига юклатилган. Бироқ, баъзи ота-оналар хеч қаерда ишламайдиган, бирор касбни эгалламаган, ҳатто ўзини ҳам моддий жиҳатдан таъминлай олмайдиган фарзандини уйлантириб кўймоқдалар. Бундай ҳолат эса ёш оилаларнинг дастлабки йилидаёқ иқтисодий тангликни келтирмоқда. Оқибатда, турли хил жанжал ва низоларнинг келиб чиқишига ҳамда ажралишларга сабаб бўлмоқда. Ажралган оилаларнинг 10 фоизи ана шундай оилаларни ташкил этди.

Оилаларнинг бузилишига кейинги йилларда тобора авж олиб кетаётган ичкилик ва гиёҳвандлик ҳам сабаб бўлмоқда. Ажралган оилаларнинг 18,7 фоизи эркакнинг спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйгани сабабли рўй бермоқда.

Оила аъзолари орасида ўзаро хурмат, одоб масалаларининг кўтарилиши ҳам ажралишга сабаб бўлмоқда. Судларга тушган даъво аризаларининг 8,4 фоизида қайнона-келин ва бошқа оила аъзолари ўртасида ўзаро хурмат йўқлиги ва улар бир-бирларига рақиб сифатида қарашлари кўрсатилган.. Ана шундай носоғлом оила мухитидаги холат бора-бора эр-хотин ажралиши билан якунланган.

Баъзан қайноналар, ёш келинга жуда катта маъсулият юклайдилар. Янги келин ҳамма вақт ҳам келинлик вазифаларини тўлиқ бажара олмаслиги ва рўзғор юмушларидаги тажрибасизликлари, баъзан қайнона-келин муносабатларининг зиддиятлашивуга олиб келади. Натижада, бундай холат ёш оилаларнинг ажралиб кетишига сабаб бўлади. Жумладан, биз тадқиқ этган оилаларнинг 6,1 фоизини ана шундай қайнона-келин ўртасидаги зиддиятли келишмовчиликлар ташкил этди.

Оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини кўтаришда биринчи навбатда оиладаги маънавий муносабатни, яъни бир оилада яшовчилар орасида меҳр-оқибат, одоб-аҳлоқ, инсоний туйғуларни ошира бориш керак. Шунингдек, янги ташкил этилаётган оила мустаҳкам ва барқарор ривожланишида ёшларни оилавий хаётга тайёрлашни мактабдан бошлаб ўргатиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТАШҚИ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

З.Ў.Рўзиқулов
Ўзбекистон Миллий университети

Халқаро муносабатлар глобаллашуви шароитида ҳамда Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий трансформация даврида аҳолининг ташқи миграцияси фаоллашди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳолининг ташқи алоқаларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу борада Каримов И.А. шундай ёзади. "*Ёшлар хорижга чиқсин, ўқисин, ишлаб малака орттирсин. Қолаверса, ўша ёқларда ҳам ўз корхоналарини очсин. Ҳамма ерга, пахтага ёпишиб олгани билан косамиз оқармайди. Дунёдаги илғор мамлакатлар тажрибаси, ишлаб чиқариш ва деҳқончилик маданиятини ўша ерларнинг ўзида ўрганиб келиш ҳамда уларни ўлкамизда жорий этишни йўлга қўйиш лозим"*[1].

Ўзбекистонда миграцияни тартибга солишнинг бош ҳуқуқий асоси Конституцияда кўрсатилган. 28-моддада *"Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир"* деб белгиланган.

Ўзбекистонда миграцияни тартибга солувчи аниқ бир давлат сиёсатини акс эттирувчи Концепция мавжуд бўлмасада, бу соҳани тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар имзоланди, миллий қонунчилик яратилди, Президент ва Хукуматнинг 50 дан ортиқ ҳуқуқий-норматив хужжатлари қабул қилинди[2].

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 242.

[2] Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясига қўшимча қуруқликда, денгизда ва ҳавода мигрантларни ноқонуний олиб кетишга қарши Баённома 2000 йил 15-ноябрь, Олий Мажлис 2001 йил 28 июлдаги Қарори; Меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик ва меҳнат-мигрантларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида Битим (МДҲ) 1994 йил 15-апрель, Олий Кенгаш 1995 йил 18-сентябрдаги Қарори; "Фуқаролик тўғрисида" Қонун 1992 йил; Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартиби тўғрисида Низом 1995 йил 6-январдаги 8-сонли, Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида 1996 йил 21-ноябрдаги 408-сонли ва бошқалар.

Баъзан, илмий Адабиётларда ёки оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг амалдаги мамлакатга кириш-чиқиш тизими талаблари, инсон ҳуқуқларини чеклаши тўғрисида маълумотлар учрайди. Бизнинг фикримизча, кириш-чиқиш тизимидаги чекловлар, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт” талабларига мос[1]. Яъни, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ва аҳлоқини сақлаш учун ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш мақсадида, маълум бир шахснинг мамлакатга кириш-чиқиш бўйича ҳуқуқи чекланиши мумкин[2].

Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ўрни ва миллий манфаатларидан келиб чиқиб айрим давлатлар фуқаролари учун виза тартиботини соддалаштирган[3].

Ташқи миграция динамикасига монанд тарзда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, фан-техника тараққиёти, маданий-маънавий юксалиш каби ижобий жиҳатлар билан биргаликда, Ўзбекистон манфаатларига зид бўлган ноқонуний миграция, одамлар трафиги, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби муаммолар ҳам миграциянинг таркибий қисми эканлиги ташвишли ҳол.

XX асрда иммиграция сиёсатининг асосий мақсадларидан бири – бу арзон ишчи кучига эга бўлиш эди[4]. Бизнинг фикримизча, XXI асрда иммиграция сиёсатининг асосий тамойили – юқори касб малакали мигрантларни саралаб олиш, яъни “селекция” тамойилидир.

Ташқи миграция тартибга солинмаса ижтимоий салбий оқибатлар кузатилади. Жумладан:

- интеллектуал ресурслар давлатни тарк этади, мигрантлар касб-квалификацияси деградацияга учрайди;
- аҳолининг қайта тикланишига зарар етади[5], “қалбаки никоҳ миграцияси” авж олади, мигрантларнинг соғлиги заифлашади;
- иқтисодий-ижтимоий ҳимоясиз эмигрантлар инсоний қадрсизланади;
- геокриминоген вазият ёмонлашади, мафкураси Ўзбекистон манфаатига зид бўлган хорижий ташкилотлар ҳаракати жонланади ва бошқалар.

Сўнгги йилларда одамлар трафиги, туризм, жиноятчилик географияси бўйича бажарилган айрим илмий ишлар миграция

[1] Олий Мажлисининг 1995 йил 31-августдаги 127-I сонли Қарори билан ратификация қилинган.
[2] Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: Сборник международных договоров (Составитель Пулатов Ю.С.) –Т.: Шарқ 1995. С.38.
[3] Германия, Япония, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Испания, Италия, Франция, Швейцария ва бошқ.
[4] Денисенко М.Б., Ионцев В.А., Хорев Б.С. Миграциология. - М.: МГУ, 1989. -Б. 86.
[5] Социал-иқтисодий география термин ва тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1990. Б. 25.

муаммоларига қисман алоқадор[1]. МДҲ давлатларида бу борада ўнлаб илмий ишлар бажарилган[2], янги қонунлар қабул қилинган. Миграция масалалари бўйича вазирлик мавқеида қўмита ёки хизмат шаклида давлат органлари ташкил этилган.

Хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда миграциянинг ижтимоий - географик хусусиятларни инобатга олиш зарур. Мисол тариқасида, миграция сальдоси мусбат бўлган Россиянинг миграция қонунчилигини, миграция сальдоси манфий бўлган Ўзбекистонга тадбиқ этиб бўлмайди.

Ўзбекистон манфаатлари йўлида ташқи миграциясини тартибга солишга йўналтирилган қуйидаги таклифлар мавжуд:

- миграция соҳасига оид миллий қонунчиликни шакллантиришда миграциянинг ижтимоий-географик хусусиятларини инобатга олиш;
- эммигрантлар имкониятидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;
- Ўзбекистон фуқаролари бўлган меҳнат мигрантларининг хорижда ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш;
- одамлар трафиги ва ноқонуний миграциянинг салбий оқибатларини кенг жамоатчиликка етказиш, мигрантларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маҳаллий янги иш ўринларини яратиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ташқи миграцияси нафақат аҳолининг ташқи алоқалари мазмуни англатади, балки иқтисодий-ижтимоий соҳалар манёври учун асосий дастаклардан бири ҳамдир. Шу сабабли ташқи миграциясини тартибга солишнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий механизмини илмий асосда ташкил этиш давр талабидир.

АМУ – БУХОРО МАШИНА КАНАЛИ: АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИДАГИ АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА.

И.Ш.Аллаёров
Бухоро Давлат университети

Аму – Бухоро машина канали (АБМК) нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ўзига хос бўлган энг йирик гидротехник иншоот.

[1] Хамраева Ш.Х. Аёллар трафиги (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари: Дис. ... ю.ф.н. –Т.: ТДЮИ 2004. 145 б.; Дустов У.Н. Ўзбекистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Дис. ... ю.ф.н. –Т.: ТДЮИ 2004. 151 б. ва бошқ.

[2] Серова И.И. Международно-правовые механизмы противодействия нелегальной миграции. Автореф. … к.ю.н. –Киев: НАН У 2003. 17 с.; Суворов А.В. Политологический анализ динамики миграционных процессов населения Республики Казахстан. Автореф. … к.п.н. Алматы: КНПУ 2003 30 с.; Абакирова А.М. Государственно-правовое регулирование миграционных процессов в Кыргызской Республике. Автореф. … к.ю.н. Бишкек: НАН КР 2004 25 с. ва бошқалар.

Каналнинг дастлабки тармоғининг (Аму – Қоракўл) ишга туширилганига 44 йил бўлди (1962, июн). АБМК бош қисми Туркманобод (Чоржўй) кўпригидан 12 км юқоридан бошланиб, 13,8 км масофада Туркманистон ҳудудидан оқади. «Двойник» сув тақсимлагичидан эса у Аму – Қоракўл, Аму – Бухоро-1 (1965 йил), Аму – Бухоро-II – навбатлари (1975 йил), Ёмонжар каби тармоқларга бўлинади. Сўнгги йилларда қурилган Жондор (1979 йил) «Дўстлик», Ўртачўл каби каналлар ҳам АБМК нинг тармоқлари бўлиб, Бухоро, Жондор, Қоровулбозор, Қизилтепа ва бошқа туманларнинг экин майдонларини сув билан таъминлайди. АБМК тармоқларининг асосий қисми чўл бағридан оқади ва унинг суви кетма – кет жойлашган хўплама насослар орқали турли баландликларга (жами 120 м дан ортиқ) кўтарилиб берилади. Канал бош қисмида 350 $м^3$/сек. гача сув оқизиш имкониятига эга. Ҳозирги кунда канал орқали 4,5 – 5 $км^3$ Амударё суви Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларига оқизилмоқда.

АБМК қурилиши Бухоро – Навоий вилоятлари халқ хўжалигининг ривожланишида ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда янги даврни очиб берди. Бухоро вилоятида суғориладиган майдонлар 1960 йилда 191 минг га бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 273,7 минг га га етди. Суғориладиган майдонлар 82,7 минг гектарга кўпайди. Вилоят аҳолиси 1970 йилда 934 минг киши бўлса, 2005 йилга келиб 1,5 млн кишидан ортди.

Аму – Бухоро машина канали сувларидан 44 йилдан ортиқ фойдаланиш натижасида унинг таъсир зонасидаги ҳудудларнинг, айниқса чўл зонаси табиий шароити ва аҳоли географиясида қатор ўзгаришлар содир бўлди, Қоровулбозор, Ўртачўл, Маликчўл, Хўжадавлат, Қутчи, Жилвон, Варахша, Мохонкўл ва бошқа янги воҳалар бунёд этилиб, бу ерларда янги аҳоли манзилгоҳлари, маиший хизмат шахобчалари вужудга келди. Қуйида шуларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бундан қирқ саккиз йил муқаддам Амударё сувини вилоятимиз томон оқизиш учун Аму – Бухоро машина канали қурилиши муносабати билан Амударё бўйидаги Бош тўғон ёнида чоғроққина қўрғонча дунёга келди. Халқ тилида у Головной, дея аталади. Қарийб ярим аср вақт мобайнида, бу қўрғончада ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари аҳил – иноқ яшашади.

«Двойник» сув тақсимлагич иншооти ҳудудида ҳам 20 га яқин қозоқ ва ўзбек оилалари яшайди. Улар давлат томонидан қурилган уйларда истиқомат қилади. Аҳоли асосан сув, ўрмон хўжаликлари, балиқчилик ва қамишдан турли ўлчамдаги плиталар (уйларнинг устини ёпиш, девор қилиш, безаш ва ҳ.) тайёрлайдилар.

Хужамсайёд аҳоли манзилгоҳи АБМК I навбатининг ўнг соҳилида, Олот шаҳридан 30 км атрофида бўлган масофада воҳага яқин жойлашган. Бу жойда ҳам асосан қозоқ миллатига мансуб 10 дан ортиқ оила яшаб

келмоқда. Улар ҳам сув хўжалиги, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланади.

Мохонкўл мавзеси 1979 йилдан кенг миқёсда ўзлаштирила бошланди. Мавзе Жондор тумани марказидан 20 км жануби – ғарбда Зарафшоннинг энг қуйи оқимида жойлашган. 1980 – 1982 йилларда асфальт йўл, бетон ариқлар чиқарилиб, электр тармоқлари тортилди. Мохон чўлларини ўзлаштириш ва бу ерга сув келтириш учун катта маблағлар сарфланди. Қилинган ишлар ўз самарасини бермади. Чунки, чўлда одамларнинг муқим яшашлари учун шароит яратилмади. Одамлар тележка, автомашина ва бошқа воситалар ёрдамида қатнаб ишладилар. Бу қўшимча қийинчиликларга олиб келди. Суғориладиган майдонларда зовур тизимининг етишмаслиги оқибатида тупроқ тез шўрланиб, ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Мавзеда ўзлаштирилган майдон 10070 га бўлиб, шундан 1000 гектар атрофида пахта экилади. Бу ердаги барча хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан ўзини қопламаганлиги сабабли 2002 йилда Мохонкўл фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилиб, барча ерлар 36 та деҳқончилик ва 4 та чорвачиликка ихтисослашган фермерларга бўлиб берилди.

Ҳозирги кунда 214 хўжалик бўлиб, барча аҳоли 900 га яқин кишини ташкил этади. Йиғим – терим мавсумида эса кўмакчилар билан 1000 – 1200 кишигача кўпаяди. Бу ерга ишлаш учун Қоракўл туманининг яқин қишлоқларидан ва Жондор туманидан аҳоли келади. Бу ердаги энг яқин қишлоқ Янгимозор қишлоғи бўлиб, бу ерда мактаб, болалар боғчаси, тиббий хизмат кўрсатиш шахобчалари бор. Аҳоли учун газ, ичимлик суви Яккатут ёнидан (Бўрибоғи) ташиб келтирилади.

1973 йилдан бошлаб эса Ўртачўл мавзесини (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани) ўзлаштиришга киришилди. 1979 йилда Ўртачўл канали қурилди. Канал ўз сувини АБМК дан олади. Узунлиги 27 км, максимал сув сарфи 24 $м^3$/сек. га тенг. Ҳозирги кунда ўзлаштирилган 8000 га ер 275 та фермер хўжалигига бўлиб берилган. Ўртачўл мавзеси Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини деб юритилади, у ерда жами 742 та аҳоли яшайди. Мавзеда 1 та мактаб – интернат, №27-сон «Булбулча» болалар боғчаси жойлашган. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Янги мавзеларда аҳолини муқим яшаши ва ишлаши учун қуйидаги ишлар амалга оширилмоғи лозим:

Аҳолининг талаблари асосида инфратузилмалар (транспорт, йўл хўжалиги, уй – жой, соғлиқни сақлаш, сув, энергетика таъминоти, алоқа, маъориф ва ҳ.) тизимини оқилона жойлаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ СИФАТИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Т.Бердиқулова

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнини бевосита жамият давомийлигини таъминловчи омил сифатида қараш ўринлидир. Жамиятнинг муттасил ривожланиб бориши эса инсонлар фаолияти учун зарур бўлган соғлом яшаш муҳитига боғлиқ равишда рўй беради. Инсонлар яшаш муҳитининг меъёрий вазиятда эмаслиги аҳолининг ҳам миқдорий, ҳам сифатий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Аҳоли сифатий ривожланишининг энг муҳим таркибий қисми эса аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими ҳамда ўртача умр давридир. Бу жараёнларга ҳозирги кунда энг кўп таъсир этувчи ҳолат экологик мувозанатнинг бузилишидир. Бунинг натижасида атроф табиий муҳитда салбий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги ҳаммага аён. Бу эса масаланинг ҳудудий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди. Экологик муҳитнинг турли зарарли моддалар билан ифлосланиши ва бу моддаларнинг инсон организмида турли касалликларни келтириб чиқариши, ҳатто ўлим ҳолатларига сабаб бўлишини энг долзарб масалалар қаторида кўриш ҳар бир ҳудуд учун ҳам муҳимдир.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан бири Қашқадарё вилояти аҳолисининг табиий кўпайиш динамикасига назар ташласак, сўнгги йилларда асосан табиий кўпайиш жараёнида пасайишни кузатиш мумкин. Бунга сабаб қилиб бир қанча омилларни келтириш мумкин. Туғилишнинг камайиб бораётганлиги оилаларда тўрт, бешинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилишининг қисқариб бориши ҳамда аёлларнинг 30 ёшдан кейин фарзанд кўришни чеклаши ҳам сабаб бўлмоқда. Аёлларнинг оилада фарзандлар сонига бўлган муносабатининг ўзгаришига ижтимоий-иқтисодий омиллар билан бирга атроф-муҳит ҳолатининг тобора бузилиб бораётганлиги ҳамда бунинг оқибатида аҳолида турли касалликларнинг учраши ҳам маълум даражада таъсир қилмоқда.

Вилоятда экологик мувозанатнинг бузилиши кўп жиҳатдан йирик нефт-газ саноати корхоналари фаолиятига ҳам боғлиқдир. Чунки, корхоналардан ҳар хил чанглар, олтингугурт, углерод, азот оксидлари, фторли бирикмалар ва бошқа зарарли моддалар ажралиб чиқади. Бу моддаларнинг аҳолига бўлган таъсири оқибатида кўплаб касалликлар тобора ривожланмоқда. Булар қаторига қон айланиш тизими, нафас олиш органлари, овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари, эндокрин тизими, иммунитет ва модда алмашинувининг бузилишидан юзага келган касалликлар киритилади. Вилоятда бу касалликлардан касалланган аҳоли сонининг ўзгариб боришини қуйидагича таҳлил қилиб кўрамиз.



Манба: Здравоохранение в Узбекистана 2003. Статистик тўплам. –Т.,2004.

Аҳоли таркибида экологик омиллар туфайли касалликлар тури ва миқдорининг кўпайиб бориш ҳолатининг салбий оқибатларидан энг ачинарлиси бу касалликлардан аҳолида ўлим ҳолларининг учрашидир. Аҳолида касалликлар туфайли ўлим ҳоллари аҳолининг ёш, жинсий таркибига, меҳнат ёшидаги аҳоли миқдорига бўлган таъсири оқибатида мавжуд меҳнат ресурсларига ва бошқа шу каби жараёнларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бу эса иқтисодиётда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда айрим муаммоларни келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади.



Манба: Демографический ежегодник Узбекистана 2003. Т.,2004.

Ҳозирда аҳоли сиёсатининг асосий мақсади унинг сифатий ривожланишини ташкил этишдан иборат бўлиб, бу борада анча ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўтган “Сиҳат-саломатлик йили”, жорий “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастурининг ижроси бўйича Қашқадарё

вилоятида ҳам аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга ишлар амалга оширилди. Вилоятда Соғлиқни сақлаш тизимидаги олиб борилаётган барча хайрли ишлар аҳолининг сифатий ривожланиши, унинг соғлом яшаш муҳитида фаолият юритиши учун амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлигига хавф солаётган муаммолар ечимига доир ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар мазмун моҳиятига, самарадорлигига кўра мукаммалликни талаб қилсагина кутилган натижаларга эришилади.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

У.А. Худойбердиев
Ўзбекистон Миллий университети

Ижтимоий ҳимоя тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг Ижтимоий хавфсизлик тўғрисидаги қонунда қўлланилган. Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида ушбу тушунчага халқаро мақом берилди. АҚШ, Канада, Швейцария каби мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг кўпгина масалалари ҳал этилган, лекин ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд. Шунга қарамай, мазкур тажрибадан фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас.

Турли мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими уларнинг иқтисодий қудрати, демократик тараққиёти, унинг аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қилади.

Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизими XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошланди. 90-йилларга келиб унинг мазмун ва моҳияти ўзгаргандан сўнг ижтимоий муҳофаза бозор иқтисодиёти тамоийлари асосида ва амалдги ислоҳотларга мос равишда янгидан шакллантирилди. Бу ўринда миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод ва анъаналарнинг барча ижтимоий муносабатлар тикланишининг ижтимоий ҳимоя тизимига муҳим янгилик бўлиб қўшилди.[1]

Ижтимоий ҳимоя кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишни таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи, тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқароларга ғамхўрлик. Унинг асосий мақсади - аҳоли фаровонлиги оширишни таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси даромадлари жиҳатида кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражаси ва инсон тараққиётини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

[1] ЎзМЭ 4-жилд, 89-91б.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- эркин ижтимоий ва иқтисодий фаолиятни таъминлаш;
- аҳолини иш билан банд қилиш, касб танлаш шароитини яратиш;
- ўқиш ва билим олишни фуқароларнинг даромадларига қараб кафолатлаш;
- фуқароларнинг ўз иқтисодий фаолиятида даромад олишини таъминлаш;
- истеъмолчилар ҳимоясини товарлар ва хизматлар сифатини ошириш ҳисобига таъминлаш;
- аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмларига нафақалар, турли хил имтиёзлар бериш;

Шу билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган тадқиқотлардан кўриниб турибдики, жамият ва табиат муносабатлари ривожланиб борган сари Дунё миқёсида ҳам Республикамиз миқёсида ҳам бу борадаги камчиликлар, муаммолар шулардан келиб чиққан ҳолда янгидан-янги вазифалар юзага чиқиб келмоқда. Шулардан бири сифатида ижтимоий ҳимоянинг дунё мамлакатларида ҳудудий жиҳатларининг кам ўрганилганлигидир. Чунки, аксарият ҳолларда ижтимоий сиёсат бутун бир мамлакат миқёсида олиб борилади, аммо мамлакат бўйлаб ижтимоий ҳимоянинг белгиловчи мезонлари ҳисобланган аҳолининг яшаш шароити ҳамда аҳолининг сони, зичлигининг иш ўринларига мутаносиблиги ҳолатларининг турли-туманлиги кузатилади. Бундай вазият эса шу ҳудуднинг табиий шароити, ресурслари, атроф муҳитнинг ифлосланганлик даражаси, транспорт тизимлари билан таъминланганлиги, қолаверса тупроқ, ўсимлик шароити каби бевосита боғлиқ бўлган омиллар таъсирида юзага келади.

Масалага кенгроқ тўхталадиган бўлсак, мамлакатимизнинг Сирдарё вилоятидаги ер ости сувларининг кўтарилиб кетишидан қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш қийинлашиб бораётган ҳудудлар аҳолиси, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида Орол денгизи қуришининг салбий таъсири бевосита мавжуд ҳудудлар аҳолиси алоҳида назарда тутиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож. Ёки аксинча, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти ва Фарғона водийсида аҳоли зичлигининг муттасил ортиб бориши каби жараёнларнинг сабаблари ҳам ижтимоий ҳимоя тадбирларини белгилашда мезон бўлиб хизмат қилиши лозим. Ҳатто, аҳоли миграциясининг характери уни ишчи кучига талаб катта бўлган ҳудудларга тўғри йўналтириш ҳам бу жараён билан бевосита боғлиқ. Масалан, аҳоли зич бўлган Тошкент шаҳрига бутун мамлакат бўйлаб аҳолининг кўчиб келишга интилиши, шаҳарга рўйхатдан ўтишга баъзи бир таъқиқлар қўйишга сабаб бўлган. Демак бу ҳол мамлакат бўйлаб аҳолининг яшаш шароити бир хил эмаслигини, иш ўринлари билан таъминлашда катта тафовутлар борлигини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, хар бир жой, давлат ва минтақа аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш бевосита ҳудудийлик хусусиятига эга. У ижтимоий муҳофазанинг мазмун ва моҳиятини дифференциал тарзда амалга оширишни таъминлашда бош меъзонлардан бири бўлиб хисобланади.

ҲУДУД ИҚТИСОДИЙ РИВОЖАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

К. Қурбонов. З. Тошбоев, С Усмонова
Жиззах Давлат Педагогика институти

Жамият тараққиётини белгиловчи омилларни ўрганувчи бошқа фанлар қатори иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ҳам хал қилиниши лозим бўлган ҳозирги замон долзарб муаммолари мавжуддир. Улардан бири ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришдир.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун энг аввало жой, ер, майдон керак. Бироқ, бунинг учун ҳар қандай жой ҳам тўғри келавермайди. Бу эса ҳар бир ҳудуднинг ривожланишини географик омилларини етарлича ўрганиб тахлил қилишни тақозо этади.

Шу ўринда биз Жиззах вилоятининг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутувчи ишлаб чиқаришни жойлаштиришга таъсир кўрсатувчи омилларга эътиборимизни қаратмоқчимиз.

География ўрин омили. Жиззах вилояти республикамизни деярли марказида жойлашган бўлиб, Катта Ўзбек Тракти вилоят ҳудудидан ўтганлиги иқтисодий жиҳатдан етакчи бўлган Тошкент ҳамда Самарқанд иқтисодий районлари яқин ва қўшничилиги, ҳамда ҳудудий имкониятнинг етарлилиги-ер фондининг катталиги билан белгиланиши мумкин (Ҳудуди Республиканинг 4.7% ини ташкил этиб вилоятлар ичида 4-ўринда, умумий ер фонди 2121 млн. га) Ушбу омил кўрсаткичлари бўйича имкониятлар чекланмаганлигини кўриш мумкин.

Табиий омилларга энг аввало рельеф, қазилма бойликлар, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси киради (А.Солиев. И.Сафаров)

Ер усти тузилишининг нисбатан текислиги қишлоқ хўжалиги саноат ва транспорт, аҳоли пунктлари учун қулай. Тоғли ҳудудларда эса тоғ ўрмонларидан, рекреация мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тоғларнинг жануб томонда жойлашганлиги, ҳаво массаларини тўсиб, ёғин миқдорининг кўпайишига сабаб бўлади.

Қазилма бойликлар бўйича Жиззах вилояти бошқа вилоятларга қараганда бироз имконияти чекланган. Вилоятда полиметалл, олтин, мармар конлари, ғишт, черепица, хом ашёси цемент хом ашёси заҳиралари топилган.

Иқлим омиллари. Йиллик ҳароратлар йиғиндиси 4000-6000 ^{0}C, қуёшли кунлар 2800-3000 соатга, вегетация даври 220-230 кунгача давом этади. Бу қишлоқ хўжалиги учун жуда қулай имконият. Лекин ёғиннинг текисликларда 200-400 мм, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда 400-800 мм атрофида ёғиши, намлик ва сув заҳираларини чеклайди.

Сув ресурслари. Қишлоқ хўжалигида Сирдарё, Сангзор, Зоминсув, Зарафшон ҳавзасига қарашли Туятортар канали сувидан фойдаланилади. Мавсумий сувларни йиғиш мақсадида, Зомин, Жиззах, Қоровултепа. Илончи сув омборлари қурилган. Кейинги вақтларда зовур, дренаж тармоқларидан оқизилган ташлама ва сизот сувлардан Арнасой ботиғида Тузкон кўли, 2300 км кв майдонда Айдар-Арнасой кўллар тизими вужудга келди. Бу эса ҳудуд микроиқлимига маълум миқдорда ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Вилоятнинг экин экиладиган ерларида ишлов бериш ва суғориш натижасида маданий бўз тупроқлар вужудга келган. Бу тупроқлар анча унумдор лекин ўз вақтида агротехник тадбирлар амалга оширилиб турилмаса иккиламчи эрозияга мойил.

Ўсимлик қоплами. Тупроқ, иқлим шароитидан келиб чиқиб, текислик ва тоғларда, ўсимликнинг чорвачилик учун озуқабоп, доривор ва маданий турлари жуда кўп тарқалган.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш уларни кўпайтириш мақсадларида Нурота тоғ ёнғоқ давлат қўриқхонаси, Нурота биосфера резервати, Зомин давлат қўриқхонаси, Зомин халқ боғи ташкил қилинган.

Ижтимоий-иқтисодий омилларга аҳоли ва меҳнат ресурслари, транспорт, илмий техника, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси кабилар мансуб. Аҳоли бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи ҳам истеъмолчи эканлиги, унинг барча демографик кўрсаткичлари-сони, ўсиши, зичлиги, ёш ва жинсий таркиби, интеллектуал салоҳияти ҳисобга олинади (А.Солиев, И.Сафаров). Вилоят аҳоли сони бўйича республикада 10-ўрин ва жами республика аҳолисининг 40% ини ташкил қилади. Аҳолиси сўнгги 30 йил ичида салкам 3 баробар кўпайган. Йиллик кўпайиш 25-30 минг киши. Урбанизация даражаси –30%. Табиий ўсиш ҳар 1000 кишига 20,6 кишини ташкил этади.

Вилоят аҳолиси табиий ўсиши юқорилиги, ёшлар сонининг кўплиги, билим, малака даражасини ҳамда малакали кадрлар таъминоти нуқтаи-назаридан ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари битирувчиларнинг доимий иш ўринлари билан таъинлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мехнатда банд аҳоли 423 минг киши бўлиб, умумий аҳоли сонининг 42% ни ташкил этади. Вилоятда ижтимоий соҳалар: соғлиқни сақлаш, маориф, аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга ишлаб чиқаришда банд бўлганлик салмоғини оширишни талаб этади.

Транспорт омили. Вилоят республиканинг марказий қисмида жойлашганлиги туфайли қуруқлик траспортининг барча турлари-автомобил, темирйўл, қувур, ҳаво транспортлари мавжуд бўлиб, уларнинг моддий техника баъзаси мустаҳкамланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Катта Ўзбек Трактининг вилоят ҳудудидан ўтганлиги ва текислик ҳудудининг катталиги транспорт омилининг қулайлигини белгилайди.

Ҳозирги кунда инфраструктура тизимининг мавжудлиги ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Кўп ер ости ва ер усти қурилмалари, электр узатувчи шоҳобчалар, турар жой, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этиш янги ишлаб чиқаришни қўшма корхоналарини ўзига жалб қилиш билан бирга, ҳорижий мамлакатлардагидек, саноат паркларининг вужудга келишига замин яратади.

Юқоридаги фикрларимизга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши учун табиий ва иқтисодий географик ўрин, ҳамда даврий ўзига хос ислоҳотларга асосланиш муҳим ҳисобланади ва албатта катта иқтисодий самара беради.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИГА ЭКОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

С.А.Усмонова, К.Қурбонов
Жиззах Давлат Педагогика институти

Инсониятнинг биосферадаги жараёнларга таъсири ўтган асрда юқори босқичга етди. Хозирги авлод кўз ўнгида маҳаллий ва минтақавий экологик инқироз вазиятлари кузатилмоқда.

Бундай мураккаб даврда экологиянинг илмий-назарий, амалий, маданий ва маърифий аҳамиятлари тобора ортиб бормоқда.

Атроф муҳит ҳолатини тўғри баҳолаш, зарур тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш иқтисодий ва экологик билимларнинг ривожланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ.

Атроф муҳит ҳолатини кузатиш - назорат қилиш, маълумотлар тўплаш, ўзгаришларни тўғри ва ишонарли баҳолаш имконини беради.

Бу вазият Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланиши учун ҳам тегишлидир. Атроф муҳит ҳолатини тўғри ва ишонарли баҳолаш келажакда юз бериши мумкин бўлган экологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш имконини беради.

Ғарбда 1970 йилда ижтимоий-экологик тушкунлик вазияти юзага келди. Уларнинг фикрича, хозирги ўсиш суръатлари ва табиатга тажоввуз сақланиб қолса XXI асрнинг биринчи ярмида экологик инқироз муқаррар. Экологик инқирознинг олдини олиш учун улар ижтимоий - иқтисодий

суръатларини минтақавий ёки жаҳон миқёсида чегаралашни секинлаштириш зарурлигини таъкидлаган эдилар.

Бунга қарши Динолик мувозанат башоратлари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш суръатларини секинлатиб, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ўстириш учун шароитлар яратишни таклиф қиладилар.

Иккала цўналиш вакиллари вазият мураккаблиги ва инсониятнинг имкониятларига ортиқча баҳо бериб юбормасликка чақирадилар.

Демографик концепцияларда баъзи олимлар (Д.Медоуз, М.Месарович, А.Кинг, А.Эрлих ва бошқалар.) аҳоли сонининг ўсиши тарафдорларидирлар.

Б.Коммонер, Б.Уорд, Р.Дюбо ва бошқалар табиатни муҳофаза –илиш масалаларини атроф муҳитни ифлосламайдиган технологиялар яратиш ва ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишни таклиф этадилар.

Ижтимоий экологик башоратлар инқирознинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ва Ўрта Осий минтақасида келажак ижтимоий – экологик ўзгаришларни кун, йил олдинги мўлжалланган башоратларни ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтиришда экологик вазиятни ўрганиш муҳим рол ўйнайди. Халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари, айрим худудларнинг иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини асослаш жараёнида экологик назорат ва экологик хавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Экологик экспертиза ҳаёт муҳити, инсон соғлиги, ва табиий ресурсларга белгиланган нормативлардан ортиқ даражада салбий таъсирларнинг олдини олиш мақсадида, ўтказилади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик шароитни яхшилашда табиатдан фойдаланишни амалга оширишда иқтисодиётнинг аҳамияти беқиёс. Иқтисодий услублардан фойдаланиб халқ хўжалигига етказилаётган экологик зиённи баҳолаш мумкин.

$$З_{хх} = З_1 + З_2 + З_3 + З_4$$

Бу ерда $З_{хх}$ – халқ хўжалигига зиён

$З_1$ – аҳоли ўртасида касалликларнинг ортиши орқали зиён;

$З_2$ - қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалигига етказилган зиён;

$З_3$ – коммунал, турар жой, маиший хўжалик зиёни;

$З_4$ – саноат, транспорт, ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари зиёни.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон янги иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнида табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос иқтисодий механизми шаклланмоқда. Табиатдан фойдаланиш

иқтисодиётнинг амалиётга татбиқ қилиниши инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни мувозанатга келтиришда муҳим рол ўйнайди.

Турли мамлакатларда экологик вазият, табиатдан фойдаланиш хусусиятлари кўп жиҳатдан аҳолининг экологик саводхонлик даражаси, экологик маданиятига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунида экологик таълим ва тарбиянинг узлуксиз концепцияси ишлаб чиқариш бўлиб давлат миқёсида ўтказилаётган турли тадбирлар бунга яққол мисолдир.

XXI аср – аср экология асри бўлиши шубҳасиздир. Ҳар бир инсон она сайёрамизга зиён етказмасдан ўзгартириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва яшаш муҳитини сақлашдек муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозимдир.

ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Д. Ш. Явмутов
Бухоро Давлат университети

Ер ўз вазифаси ва аҳамиятига кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим пойдевори ҳисобланади. Ҳозирги кунда агросаноат мажмуаси шаклланишида ер ресурсларининг аҳамияти ўсиб бормоқда ва қишлоқ хўжалиги таъсир доирасидан ҳам четга чиқди. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёсини яратиш нафақат қишлоқ хўжалигида, балки иқтисодиётнинг бошқа бир қатор тармоқлари мажмуаси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга, ер ўз ҳосилдорлигини ошириш йўлида бевосита ёки билвосита бутун агросаноат мажмуасининг ривожланишини белгилаб беради. Бундай шароитда ер ресурслари нафақат қишлоқ хўжалигининг, балки бутун агросаноат мажмуасининг етакчи ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади.

Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг жануби-ғарбида, асосан Қизилқум ва қисман Қарши чўлларида жойлашган.

Вилоят ҳудуди 40,2 минг км^2 дан иборат бўлиб, асосий майдонини қумли, гипсли, қум-чағилли, тошлоқ чўллар эгаллайди. Иқлимий жиҳатдан у чўл зонасида жойлашганлиги боис деҳқончилик билан шуғулланиш ва уни ривожлантириш сув ресурслари билан бевосита боғлиқдир. Вилоят ҳудудида табиий оқувчи дарё ва сойлар йўқ. Истеъмол қилинувчи барча сув қўшни ҳудудлардан олинади. Шу сабабдан вилоятда суғорма деҳқончиликни юритиш ва уни ривожлантириш анча мураккабдир.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида жами ер фонди 4193705 гектар бўлиб, шундан 232494 га ерда суғорма деҳқончилик қилинади. Бу ерларни суғориш учун йиллик ўртача 4626 млн. м^3 сув сарфланади. Шундан 68,2 %

и, яъни 3158 млн. $м^3$ сув вегетация даврига тўғри келади. Суғорма деҳқончиликни юритишнинг асосий сув манбаи- Аму-Бухоро машина канали ҳисобланади.

Вилоят ер ресурслари қуйидаги таркибга эга:экин ерлари-199381 га (4,75 %); кўп йиллик дарахтзорлар-21904 га (0,52%); бўз ерлар-5690 га (0,13%); яйловлар-2674186 га (63,76%); томорқа ерлар-57726 га (1,37%); боғ ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари-299 га (0,007%); мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар-4082 га (0,09%); ўрмонзорлар-205595 га (4,9%); бутазорлар-45388 га (0,1 %); қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар- 979454 га (23,35%).

Маълумки ер ресурслари ичида иқтисодий жиҳатдан энг аҳамиятлиси – бу суғориладиган ерлардир. Бироқ улар ҳудуднинг бор йўғи 6,59 %и яъни 274201 га майдони (01.01.05 й ҳолатда) ни ташкил этади. Бироқ бу ерлардан фойдаланишда иқтисодий-ижтимоий ва табиий-экологик муаммолар мавжуд. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. 1. Ерларнинг шўрланиш даражаси юқори. Мавжуд суғорма ерларнинг 90,8 % майдони (248891 га) турли даражада шўрланган. Шундан 70,7 % и (21173 га) кучли , 28,2 % и (77273 га) ўртача ва 54,1%и (148478 га) кам шўрланган бўлса, 0,7 %и (1967 га) жуда кучли шўрланган тупроқлардан иборат. Бундан ташқари бу ерлар сув ва шамол эрозиясига чалинган. Бундай ерлар 2004 йили мавжуд суғорма ерларнинг 0,7 % ни ташкил этади. 3. Вилоят ҳудудида хўжаликлараро суғорма сувнинг тақсимланишида муаммолар мавжуд. Канал ва ариқларнинг бош ҳамда ўрта қисмларида жойлашган хўжаликларда сув етарли бўлса, каналларнинг қуйи қисмидан сув олувчи чекка хўжаликларда сув танқислиги кузатилади. Бундай ерлар орасида ҳосилдорлик 10-15 ц/га гача фарқ қилиши кузатилмоқда. 4. Зах қочириш тизимида камчиликлар бор. Хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги зовурлар самарадорлиги паст. Янги ўзлаштирилган ерларда бундай тизимлар деярли ташкил этилмаган.Ҳозирда жами 6406 км. лик зовурлар тизимидан фойдаланилмоқда. Суғориш ерларида зовурларнинг ўртача зичлиги 0,023 км/ га ни ташкил этади холос. 5. Вилоят аҳолисининг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аҳолининг йиллик ўсиш даражаси 1,5% ни ташкил этади. Муаммо шундаки, аҳолининг асосий қисми (деярли 95%и) вилоят ҳудудининг ўзлаштирилган қисмида – воҳаларда яшайди. Аҳолининг ер участкасига бўлган талаби ортиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдонининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. 1998 йили 1 гектар суғориладиган ерга ўртача 5,2 киши тўғри келган. 2005 йилда бу рақам 6,4 кишини ташкил этди. Агар 1998 йилда аҳоли жон бошига ўртача 0,13 га ҳайдалма ер тўғри келган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич ўртача 0,11 га/кишини ташкил этди.

Юқорида кўрсатилган омиллар таъсирида вилоятда юзага келган ердан фойдаланишдаги муаммолар ўз навбатида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай оқибатларни нисбатан камайтириш ва олдини олиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

- тупроқларнинг минераллашув даражасини пасайтириш учун зовур тармоқларининг ФИКни ошириш лозим. Бунинг учун уларда ўз вақтида тозалаш-реконструкция ишларини амалга ошириб бориш, асосан ёпиқ зовурларни қўллаш;
- суғориш ишларини самарали ташкил қилиш, сув тақсимлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда жарима тизимини қўллаш;
- шамол эрозиясини камайтириш мақсадида ер майдонлари атрофида ва воҳалар чегарасида яшил белбоғлар ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб қолаётган ерларни фойдаланишга киритиш чораларини кўриш;
- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, кредит бериш шартлари ва тўловларини пасайтириш;
- жойларда деҳқон ва фермерларнинг хуқуқий, иқтисодий ва экологик саводхонлигини ошириш чора-тадбирларини кўриб бориш лозим.

Адабиёт

1. Каримов.И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.:, 1997 й.
2. Бухоро вилояти. Статистик маълумотлар тўплами. 2006.
3. “География фанининг назарий-амалий муаммолари” Республика илмий назарий-амалий конференцияси материаллари. Бухоро, 2006. 224 б.
4. Назаров. И.К. «Абиогенные потоки в аридных геосистемах: оптимизация природопользования». –Т.: «Фан», 1992 г. 100 стр.
5. Назаров И.К., Явмутов. Д.Ш. “Геоэкологический аспект управления водно-солевым режимом озер низовье р. Зарафшан”. Тезисы докладов Международной конференции «Водные ресурсы Центральной Азии и их рациональное использования ». Душанбе,2001г.
6. Национальный доклад о состояние окружающей среды и использование природных ресурсов в Узбекистане. «Чинор-ЕНК». –Т.: 2005. -132 С.
7. Таджиев.У. Т. Явмутов.Д.Ш. «Методы борьби с засоленными почвами Бухарского вилаята» I Меж.конф. почвоведов Таджикистана. Душанбе. 2001.
8. Қаюмов.А.А. ва бош. “Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” (Ўқув қўлланма). Университет, -Т.: 2005. 228 б.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЕР РЕСУРЛАРИ СИФАТИНИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

З.Бекманова
Тошкент Давлат Педагогика университети

Қуйи Амударё қадимий суғорма деҳқончилик районларидан бири ҳисобланади. ХХ-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пахта ва шоли экиладиган майдонлар кенгайтирилди, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш экстенсив йўл билан олиб борилди. Худудда янги қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштирилиши йирик суғориш тизимларини шакллантиришни талаб қилади. Буни фақат худуднинг асосий сув манбаи бўлган Амударё сувларини ишга солиш орқали йўлга қўйиш мумкин. Амударё хавзасида янги суғориладиган ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида йирик ирригация тизими шаклланди. Бунинг натижасида Орол денгизига бориб қуйилаётган сув миқдори кескин камайди. Денгиз майдони 66000 км^2 27000 км^2 гача қисқариб кетди. Орол денгизи сатхи пасайиши ва шунга боғлиқ ҳолда Амударё хавзасидаги ер усти ва ер ости сувлари меъёрининг ўзгариши натижасида ер ресурслари сифатининг ўзгариши кузатилди. Денгиз сатхи пасайишининг давом этиши Қорақалпоғистонда ер ресурслари сифатини салбий томонга ўзгаришини бош омилига айланди. Шу билан бирга ер ресурслари сифатининг ёмонлашуви табиий муҳитга антропоген таъсирнинг ўсиши билан фаоллашди. Шу сабабдан Қорақалпоғистон ер ресурслари сифатининг ўзгариш омилларини икки йўналишда, яъни табиий ва антропоген омиллар таъсирини таҳлил қилиб чиқиш зарур.

Ер ресурслари сифатининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи табиий омиллар денгизнинг қуриши билан боғлиқ ҳолда грунт сувлари сатхи ва унинг кимёвий таркиби, шамол эрозияси, тақирларнинг ҳосил бўлиши қурғоқчилик, антропоген омиллар эса ерларнинг шўрланиши, грунт сувлари сатхи кўтарилишидан ботқоқлашиш, суғориш ва бошқалардан иборат.

Ер ресурслари сифатининг ёмонлашуви ерларни ўзлаштириш ва суғориш учун кетадиган сарф-харажатнинг ошишига сабаб бўлади, ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини мураккаблаштиради.

Орол денгизи сатхининг пасайиши худуднинг литологик – геоморфологик тузилиши ва гидрогеологик хусусиятларига боғлиқ холда табиий шароитнинг ўзгаришига турлича таъсир кўрсатади (А.А.Рафиқов, 1984). Грунтда туз тўпланиш, грунт сувлари сифати ҳам худуднинг рельеф, литологик, гидрогеологик каби хусусиятларига боғлиқ. Денгиз сатхининг пасайиши билан таъсир даражаси ошиб бораётган табиий омиллар қаторида антропоген омиллар таъсирининг кучайиши ерлар сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Қорақалпоғистон ҳудуди рельефи асосан турли ёшдаги аллювиаль-дельта текисликларидан иборат бўлиб гидрогеолоигк хусусиятига кўра оқимсиз худуд ҳисобланади. Худудда грунт сувлари шаклланишининг асосий манбаи ирригация тизимлари ва суғориш ҳисобланади. Қорақалпоғистонда суғориладиган ерларнинг асосий қисмида грунт сувлари сатҳи 1 метрдан 3 метргача ўзгаради. Грунт сувлари кимёвий таркибига кўра ҳар ҳил бўлиб гидрокарбонат – хлоридсульфат таркибли грунт сувлари йирик каналлар ва Амударё бўйларида, хлорид сульфат таркибли грунт сувлари қадимий суғорма дехқончилик ерларида тарқалган. Ҳозирда денгиз сатхи пасайиши билан грунт сувларининг кимёвий таркиби ўзгариб хлор, натрий, магний элементларининг миқдори ошган.

Дарё оқимининг ўзгариши грунт сувлари меъёрининг ва таркибининг ўзгаришига олиб келди. Дельтанинг денгиз бўйи қисмларида грунт сувлари сатҳи пасайиши ва минераллашиш даражаси ошиши кузатилди.

В.А.Попов маълумотига кўра 1990 йилларда грунт сувларининг сатҳи 5-6 метр атрофида, минераллашиш даражаси 2-3 г/л атрофида бўлган. Ҳозирги кунга келиб эса грунт сувлари сатхи 5-8 метргача пасайди, минераллашиш даражаси 10 г/л гача ошди. Грунт сувлари сатҳи ва кимёвий таркибини ўзгариши тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига ва ўсимликларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Суғориладиган ерларда грунт сувлари бошқа ерларга қараганда ер бетига яқин жойлашган. Бу эса ҳароратнинг кўтирилиши билан буғланиш жараёнида тупроқлардан туз тўпланишига сабаб бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ерлар сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Қорақалпоғистонда суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида грунт сувларининг сатҳи қуйидагича: 3620 га ерда грунт сувлари сатҳи 0,5 метрдан 1 метргагача, 365288 га ерда 1 метрдан 2 метргача, 99810 га ерда 2 метрдан 3 метргача, 13628 га ерда 3 метрдан 5 метргача, 23229 га ерда 5 метрдан пастда жойлашган. Бундай шароитда суғоришга ва коллектор дренаж тизимларига алоҳида эътибор қаратиш орқалигина ерлар сифатининг ўзгаришига қарши курашиш мумкин.

Ер ресурслари сифатининг ўзгаришида шамол эрозиясининг ҳам таъсири катта. Қорақалпоғистон ҳудудида шамол эрозияси кенг тарқалган. Шамол эрозияси кўпроқ қумли, қумоқли, енгил қумоқли таркибли тупроқларда кузатилади. Бундай тупроқлар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 40%ни ташкил қилади.

Тупроқлар ҳосилдорилигининг пасайишига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири шўрланиш ҳисобланади. Қорақалпоғистон ҳудудида тарқалган тупроқларнинг деярли ҳаммаси у ёки бу даражада шўрланишга учраган. Қорақалпоғистоннинг суғориладиган ерлари тупроқларининг

27,3% кучсиз, 37,4% ўртача, 35,3 % кучли даражадаги шўрланишга учраган. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси Мўйноқ, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот ва Тахтакўпир туманарида юқори бўлиб, уларда кучли даражада шўрланган тупроқлар 43-86% ни ташкил қилади.

Табиий ва антропоген омиллар таъсирида сифати ўзгараётган ерларнинг холатини яхшилаш учун қуйидаги тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

1. Мелиоратив тадбирлар.
2. Агротехник тадбирлар.
3. Эрозияга қарши кураш тадбирлари.

Бу тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда биринчи навбатда мелиоратив тадбирларни амалга оширишга харакат қилиш керак. Чунки ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмаса бошқа тадбирлар орқали тупроқларнинг ҳосилдорлигини кўтариш анча қийин кечади.

АНГРЕН ШАҲРИ ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

Ф. К.Бозоралиев
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

Ҳозирги даврда шаҳарларни ривожлантириш, уларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, шаҳарлар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий негизи саналади. Шаҳарларнинг иқтисодий тараққиётини, энг аввало улардаги моддий ишлаб чиқариш, саноат тармоқларининг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятлари белгилаб беради. Мамлакатимиз шаҳарларининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз шаҳарлар географиясида Тошкент вилояти ўзига хос аҳамиятга эга. Вилоят шаҳарлар тизимининг шаклланганлиги, саноат салоҳиятининг юқорилиги ва бошқа бир қатор хусусиятлари билан республикамиз минтақалари ичида алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда вилоятда 16 та шаҳар ва 18 та шаҳарча мавжуд.

Тошкент вилояти шаҳарларининг вужудга келиши ва тарихий шаклланиш жараёни ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусият шаҳарларнинг географик ўрни, саноат тармоқларининг тузилиши ижтимоий тараққиёти билан белгиланади. Вилоятдаги шаҳарларнинг аксарияти аввало кичик қишлоқлар ўрнида мавжуд табиий бойликларни ишга солиш натижасида вужудга келган. Жумладан, вилоятнинг Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл каби саноат шаҳарларининг пайдо бўлиши юқоридаги шарт-шароитлар билан боғлиқ.

Ангрен шаҳри Тошкент вилоятидаги йирик иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Ангрен Ўзбекистоннинг йирик ёқилғи саноати марказларидан бири бўлиб, 2006 йил 60 йиллик тўйи нишонланди.

Ангрен шаҳри таркибига 1997 йил Тошкент вилояти ҳокимиятининг 20 октябрда чиқарилган 232 сонли қарорига асосан Янгиобод шаҳри, Красногорск ва Чиғириқ қўрғонлари қўшилди. Улардаги аҳоли билан бирга олинганида 2000 йилнинг май ойидаги маълумотига кўра Ангрен аҳолиси бир юз олтмиш бир минг икки юз кишини ташкил этган. Шундан етмиш икки минг етти юз нафари эркаклар, саксон саккиз минг беш юзтаси аёллардир. Шаҳар бўйича бир квадрат км га ўртача 1055 киши тўғри келади. Шаҳардаги халқ хўжалиги соҳасида ишлаётганларнинг умумий сони (2000 йилги маълумотга кўра) эллик бир минг кишини ташкил этади. Шундан саноат корхоналарида 14200, қурилиш соҳасида 900, транспорт хизматида 3200, алоқа тармоғида 300, савдо, умумий овқатланиш, моддий таъминот ва тайёрлов муассасаларида 1900, уй-жой бошқармаси, коммунал хўжалик ва маиший хизматда 1500, соғлиқни сақлаш соҳасида 2500, халқ таълими муассасаларида 8500 , маданият ва санъат соҳасида 600, геология қидирув соҳасида 500, банк ва молия тизимида 400, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида 2300, бошқарув тизимида 300, кичик корхона ва тадбиркорлик соҳаларида 3200, бошқа соҳаларда 107 00 киши меҳнат қилмоқда.

Ангрен аҳолисининг 61,7 фоизини ўзбеклар, 18,5 фоизини тожиклар, 11,6 фоизини рус, 4,2 фоизини татар, 2,4 фоизини корейс, қолган 1,8 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этадилар. Ангрен шаҳрида умумий аҳолининг 38,2 фоизини доимий яшовчи 25 ёшгача бўлган ёшлар эгаллайди. Бу Ангрен саноаткор ёшлар ва талабалар маскани эканлигини англатади. Шу боис, шаҳарда меҳнат резервлари юқори кўрсаткичга эга. Шаҳар ҳокимлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, шу кунларда инвесторлар кўмаги, кичик бизнес, касаначилик ва эркин тадбиркорликни бошқа фаолият турлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Аҳоли сони фақат табиий кўпайиш ҳисобига эмас, миграцион ҳаракатлар натижасида ҳам ўзгаради. Ангрен шаҳрида энг юқори миграцион ҳолат 2001 йилда кузатилган. Ушбу йили миграция 1970 киши қатнашган. Бироқ шунга қарамасдан миграция қолдиғи манфий кўрсаткичга эга бўлган, яъни кўчиб келганларга нисбатан кўчиб кетувчилар салмоғи юқори бўлган. Ангрен шаҳрида механик ҳаракат, табиий ҳаракатдан сезиларли устунлик қилади. Миграцион жараённинг юқори бўлиши эса асосан туб жой аҳолиси бўлмаган миллат вакилларининг кўчиб кетиши билан боғлиқ.

Табиийки шаҳарларнинг ихтисослашуви, бажарадиган вазифасини аниқлашда бош мезон қилиб аҳолининг бандлик таркиби олинади. 2006

йил Ангрен шаҳри миқёсида унитилмас йиллардан бири бўлди. Ушбу йил шаҳарнинг 60 йиллик тўйи нишонланди. Ангрен шаҳар туғруқхонаси қайта реконструкция қилинди ва янги асбоб – ускуналар билан жиҳозланди. 1-чи сон касалхона асосий биноси қайта таъмирланди. Бир неча мактаб бинолари капитал таъмирдан чиқарилди, 15-мактаб биноси қайта қурилди. Иситиш тизимлари, электр тармоқлари таъмирланди. Шаҳарга табиий газ 5/3 ; 4/5; 6/4 даҳаларига етиб келди. Ангрен шаҳрида ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд. Эндиликда шаҳарда мавжуд ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, шунингдек малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, экологик вазиятни барқарорлаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

АНГРЕН ХУДУДИДАГИ ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ БИР ТОМОНЛАРИ

М. Исакова, М.Алиева
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

Маълумки, Ер инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим ўрин эгаллайди ва унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Президент И.А.Каримов бошчилигида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида чуқур ислоҳотлар Республикамиз ер ресурслари ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳам амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ангрен шаҳрининг салкам 2500 га ер майдонини саноат чиқитлари эгаллаб ётибди. Бу майдон шаҳар майдонининг 13,9% ини ташкил этади.

Ер ресурсларига салбий таъсир этувчи омилларга тоғ-кон саноати фаолиятидаги портлатиш, бурғулаш, қазиш билан бирга кимё, энергетика соҳасидаги чиқиндиларнинг ердаги ҳосилдор тупроқларга етказаётган зарари ниҳоятда катта. Бундан ташқари, тоғ ён бағирларида кўчки ва сурилмалар, эрозион жараёнлар кучайишига олиб келмоқда.

Кўмир қазиб олиш жараёнидаги кераксиз тоғ жинсларини «отвал» сифатида чиқариб ташлаш оқибатида биргина Ангрен кўмир кони корҳонасида 2000 га дан ортиқ ер майдони бузилган. Уларни қайта ишлаш эса кейинги йилларда умуман натижасиз қолмоқда.

Ангрен ИЭСининг кул-қурим чиқиндихонаси 82 га ер майдонини эгаллаб, шу кунгача йиғилган кул- қурумнинг ҳажми 4 млн 100 минг тоннадан ошиб кетган ва бу ерлардан қишлоқ хўжалигида ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланишга имкон бермаяпти.

Худди шундай муаммо янги Ангрен ИЭСида ҳам мавжуд бўлиб, чиқиндихонаси 42 га ер майдонини эгаллаган ва тўпланиб қолган кул-қурумнинг хажми салкам 4,0 млн тоннагача етади. 2000 йилда эса бор йўғи 56,1 минг тонна чиқит қайта ишлашга жўнатилган. Чиқиндихонанинг 95% и тўлган.

Ангрен кўмир конининг ҳавзасидан сув аралаш чиқариладиган ҳар хил чиқиндилар сақловчи омборхона эгаллаган ер майдони 220 га ни ташкил этади.

Шаҳар саноат корхоналари ер ресурсларидан фойдаланиш мобайнида ҳам ҳудуднинг экологик ҳолатига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб, яроқсиз ерларни рекультивация қилиш бирмунча йўлга қўйилган. Жумладан Ўзбекрезинотехника ИЧБ си 2 га ер майдонини, АРУ 3,6 га майдони қайта тиклади. 9 шахта томонидан мўлжалланган 5,0 га майдон рекультивациянинг 1 босқичига тайёрлаб қўйилди. Аммо, шаҳардаги асосий ер ресурсларини бузган Ангрен кўмир конида 10 га ер майдонни қайта тиклаш ишлари режалаштирилганича қолди. Буни Ер ости газ корхоналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Рекультивация шаҳримиз худудидаги энг асосий экологик муаммолардан бири, шаҳримиздаги очиқ ва ёпиқ тарздаги конлар эрозион жараёнларининг сурилмаларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Дукентсой, Қорабоғсой, Кучбулоқсой атрофидаги худудларда табиий ва сунъий эрозион жараёнлар кучайган. Бу ҳудудларда рекультивация ишлари вақтида олиб борилмаса аҳоли пунктларига ҳам хавф солиш мумкин.

Ангрен шаҳри худудидаги корхоналар тамонидан бажарилган рекультивация ишлари

№	Корҳоналар номи	Режада га минг сўм ҳ. да	Амалда га минг сўм.ҳ. да	Изоҳ
1	Анрен кўмир кони	10/3 млн 407 м	10/3 млн 407 м	Рекультивациянинг техник босқичи.
2	Ангрен олтин кони	3/600	3/3 млн 560 м	Рекультивация нинг биологик босқичи ҳам тўлиқ адо этилган
3	Янги Ангрен ИЭСи	2/360	2,2/320	Техник босқич.
4	Ангрен кўмир техтранс	3/300	3/300	Техник босқич.
5	9 шахта	3/300	3/300	Уйилган ерларни текислаш.
6	Ер ости газ	2,3/1000	Бажарилмади конденсат кўли қурилмаган	
7	Шарқий Қурама ГРЭ	2/350	Бажарилмади.	
8	Янгиободни соғломлаштириш дирекцияси	25,6	25,6 млн сўмлик иш бажарилган	

Ангрен шаҳар минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қумитаси маълумоти 2004 й.

Мустақил республикамиз олдида табиатни муҳофаза этиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби буюк ва олижаноб вазифалар турибди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бузилган релефни қайта тиклашни ўз вақтида амалга ошириб бебаҳо меросимиз бўлган ер ресурсларини келажак авлодларга қолдириш бизнинг бурчимиздир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРНИ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Т.Ж.Жумаев, А.Б.Абдулкасимов
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иқтисодий географик ўрин категорияси фақат иқтисодий географияга тааллуқли бўлиб рус олими Н.Н.Баранский киритган ва назарий асосини яратган. Ҳозирги вақтда иқтисодий географияда яхлит иқтисодий географик ўрин (И.Г.Ў.) таълимоти шаклланган ва ривожланган. Бу соҳада Н.Н.Баранский, И.М.Маергойз, Ф.Рацек, Ю.Г.Саушкин, Е.Е.Лейзерович, Я.Г.Машбиш ва бошқаларнинг илмий татқиқотлари катта аҳамиятга эга. Иқтисодий географик ўрин И.Г.У. таълимотида унинг таърифи ва хусусиятлари таҳлили ва ўрганиш схемалари, баҳолаш кўрсатгичлари ва салоҳияти, муҳим компонентлари ва бошқалар асослаб берилган. Ўзбекистонда мамлакатнинг иқтисодий географик ўрни хусусиятлари З.М.Акрамов, Э.А.Ахмедов, О.Б. Ота-Мирзаев, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, Р.Й.Махамадалиев ва бошқаларнинг илмий ишларида таърифланган. Лекин Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий географик ўрин хусусиятлари ва улардан фойдаланиш муаммолари мазкур йўналишдаги таълимот нуқтаи назаридан етарли ўрганилмаган. Шу муносабат билан ушбу маърузада мамлакатимизнинг иқтисодий географик ўрнини махсус комплекс ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланиш муаммоларига эътиборни қаратиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Ҳозирги вақтда фанда шаклланган таърифларга кўра иқтисодий географик ўрин объектларнинг иқтисодий ва ижтимоий макондаги ўрнини ва уларнинг бир-бирига нисбатан, шунингдек чегараларга (давлат, маъмурий ва бошқа чегаралар) нисбатан ўрнини билдиради. Унинг асосий ғояси иқтисодий объектларга нисбатан маконий (ҳудудий) муносбатлар тизими бўлиб, у ўрганилаётган объектлар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Обеъктнинг кўплаб хусусиятларини унинг иқтисодий-географик ўрни белгилаб беради. И.Г.Ў. тарихий ўзгарувчанлиги, салоҳият ва имконият характерига эгалиги (ундан фойдаланиш ва унинг имкониятларини амалга ошириш зарурати) билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг иқтисодий-георафик ўрни мамлакатнинг иқтисодий ижтимоий ривожланиши ва иқтисодиётининг ҳудудий структурасининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва географик ўрни, уларнинг ҳар бири ва айниқса, мажмуаси ўз мазмуни ва моҳиятига кўра ғоят мураккаб ва ҳар томонламалиги билан алоҳида ажралиб туради. У ўз аҳамиятига кўра кўплаб турли элементлардан таркиб топган. Бу элементларнинг барчасининг муҳимлиги билан бир қаторда Ўзбекистоннинг ҳозирги дунё сиёсий ва иқтисодий картасидаги яхлит ўрни яна ҳам муҳимроқдир. Шу ўринларда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтиш ўринлидир: “Амударё ва Сирдарё орлиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай жўғрофий-стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу йўлда кесишади’’.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказий қисмида ички материк чўллари зонасида континентал ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ташқи иқтисодий алоқаларга катта аҳамият берилмоқдаки, улар ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, хўжаликнинг ҳудудий структурасини такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашиб бориши Ўзбекистоннинг дунё сиёсий ва иқтисодий картасида эгаллаган иқтисодий- географик ўрнининг янги жиҳатларини илмий баҳолашни талаб қилади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-географик ўрнини таърифлаш ва баҳолашда унинг айрим турлари транспорт-географик, энергетик-географик, бозор-географик, ички географик билан бир қаторда интеграл ўрнини ҳисобга олиш муҳимдир. Мамлакатнинг интеграл ўрнини учта даражада- қўшничилик, минтақавий ва дунё миқиёсида ўрганиш керак. Қўшничилик ўрни таҳлилида бевосита қўшни мамлакатлар (биринчи доирадаги қўшнилар) ва билвосита қўшнилар (қўшниларнинг қўшнилари, иккинчи доирадаги қўшнилар) ҳар томонлама тўла ҳисобга олиниши керак. Агар бевосита қўшничиликда қўшнилар ҳудудига бошқа давлатларнинг воситачилигисиз, транзит хизматларисиз, бориш мумкин бўлса, иккинчи доирадаги қўшниларга энг кам (минимал) воситачилар орқали борилади.

Ўзбекистон бешта давлат билан бевосита (Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон) ва олтита давлат билан билвосита (Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Озарбайжон)

қўшни бўлиб, улар, ўз моҳиятига кўра, мамлакатимиз учун яқин ташқи макро минтақани ташкил этади. Бу макро минтақадаги мамлакатлар Ўзбекистон учун турли нуқтаи назардан муҳимдир. Бевосита қўшниларнинг тўртаси (Афғонистондан ташқари) собиқ СССР таркибидан ажралиб чиққан мустақил давлатлар (постсоциалистик) бўлса, Афғонистон ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига киради. Улар "иккинчи" доирадаги қўшниларга чиқишга имкон беради. Иккинчи доирадаги қўшнилар орқали эса дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларига чиқилади.

Ўзбекистон учун иқтисодий-географик ўринни аҳамиятини унинг ички географияси янада оширади. Мамлакатимизнинг барча субеъктлари вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикаси (Тошкент шаҳридан ташқари) чет мамлакатлар билан чегараланади. Бунда олтита вилоят (Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Наманган, Андижон) бир мамлакат, тўрт вилоят (Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё) ва Қорақолпоғистон Республикаси иккита мамлакат, иккита вилоят (Тошкент, Сурхондарё) – учта мамлакат билан чегарадош. Ўзбекистон ҳудуди орқали кўплаб мамлакатлар Европага, шунингдек Хитой ва Японияга транзит билан чиқишлари мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодий географик ўрнининг кўрсатилган жиҳатлардан кенг фойдаланиш машинасозлик ва кимё саноатини устун даражада ривожлантиришга, автомобиллар, электроника маҳсулотлари, тўқимачилик саноати учун жиҳозлар, қишлоқ хўжалик машиналари, органик синтез маҳсулотлари ва бошқалар экспортини кўпайтиришга имкон беради.

Халқаро иқтисодий алоқалар ва интеграция жараёнларининг кучайиб бориши шароитида чегара районлари ва вилоятларининг иқтисодий-географик ўрни алоҳида қизиқиш уйғотади. Интеграция ушбу районларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Интеграциялашувчи мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари жараёнида мазкур районлар алоқа зоналари ҳоссаларига эга бўладилар. Бу зоналар иқтисодий интеграциянинг натижаси сифатида ўзига хос кўприк вазифасини бажариб, ўз навбатида интеграция жараёнлари ривожланишига ёрдам беради.

Бу ерда мамлакатлар қўшничилигининг афзаллиги чегарадошлик характеридаги ўзига хос афзалликлари билан боғланиб кетади. Мамлакатимизнинг иқтисодий географик ўрнидан тўлароқ фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларни ўрганиш ва ечимини топиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга:

- мамлакатнинг барча минтақаларининг иқтисодий георафик ўрнидан иқтисодиётни ривожлантириш омили сифатида оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, айниқса чегарадош минтақаларда алоҳида

«алоқалар (ҳамкорлик) зоналарини» барпо этиш ва улардан мамлакатнинг иқтисодий географик ўрнини яхшилаш мақсадида фойдаланиш;

- мамлакат ва унинг минтақаларининг интеграл иқтисодий-георрафик ўрни билан бир қаторда ИГЎ нинг энг муҳим компонентлари транспорт-географик, саноат-географик, агро-географик, бозор-географик, рекреация-географик ўринларидан оқилона фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш ва яхшилаш;
- мамлакат пойтахти ва пойтахт минтақаси давлат чегаралари, чўл (саҳро), суғориладиган (антропоген) текислик, тоғ зоналари, вилоятлар ва уларнинг қўшниларининг табиий-ресурс, аҳоли, иқтисодий салоҳияти (умумдавлат бўйича ҳиссаси), асосий ёқилғи-энергетика, металлургия, озиқ-овқат базаларига ва бошқаларга нисбатан иқтисодий-географик ўрни хусуситяларини комплекс ўрганиш ва уларнинг натижаларидан амалиётда фойдаланиш;
- мамлакатнинг транзит функциясини кучайтириш ва трансконтинентал магистралларини ривожлантириш;
- қўшни ва дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро фойдали асосларда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва улардан мамлакат аҳолиси фаровонлиги йўлида фойдаланиш.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳ.Мирзааҳмедов
Наманган

Иқтисодиётнинг эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришда турли тармоқларга чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш, айниқса етакчи соҳаларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтириш ва бунинг асосида иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўлларини белгилаб олиш жуда муҳимдир.

Хориж сармояларини иқтисодиёт тармоқларига кириб келиши учун бир қанча зарурий шарт шароитлар бўлиши лозим ва уларни бир сўз билан **инвестиция макони** деб аташ мумкин.

Бинобарин, инвестицияларни жалб этишга ва инвестиция маконини шаклланишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт ҳолати;
- ижтимоий-иқтисодий барқарорлик;
- техникавий, ижтимоий-ташкилий, психологик омиллар;
- тадбиркорлик фаолиятининг қай даражада ривожланганлиги;

- хуқуқий маконнинг мавжудлиги;
- маданият, маънавият ва умуман инвесторлар ўз маблағини йўналтириш учун эътиборга оладиган ҳамда улардан хулоса чиқарадиган бошқа омилларни ўз таркибига олади.

Шу билан бирга, иқтисодий сиёсатни олиб бориш, давлат бошқариш органларини инвестиция жараёнларини тартибга солиш, иқтисодиётда давлатнинг аралашуви, халқаро битимларда иштирок этиш ва жамиятдаги мафкуравий қарашлар инвестиция маконининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Инвестиция сўзи немисча «Investition», лотинча «Investio», яъни «қамраб олмоқ» сўзларидан олинган бўлиб, унга қатор хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан турлича таъриф берилган. Умуман олганда, инвестиция капитални узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган ҳаражатлар йиғиндисидир.

Шу жиҳатдан чет эл инвестициялари хорижий инвесторлар томонидан йўналтириладиган турли кўринишдаги капитал маблағлар бўлиб, у хорижий сармоядорларнинг бошқа мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқлар) даромад олиш мақсадида муайян муддатга қўйиладиган капитали ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантиришда асосан қуйидаги мезонлар ҳал қилувчи рол ўйнайди:

- молиявий тақчил соҳаларни қўллаб қуватлаш;
- устувор тармоқларни ривожлантириш;
- меҳнат ресурслари кўп ҳудудларда қўшимча иш жойларини ташкил қилиш ва ҳ.к.

Хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётига турли кўринишларда жалб этилади. Ҳолбуки, мамлакат учун инвестицион маблағларга бўлган эҳтиёжларни қондиришнинг самарали йўлларидан бири бевосита хорижий инвестицияларни (БХИ) киритиш хисобланади. Чунончи иқтисодиёт тармоқларига БХИлар жалб этилган такдирдагина бу тармоқлар босқичма-босқич ривожланади ва ўз навбатида, бундан қатор қуйидагича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самараларга эришилади:

- мамлакатда ишсизликнинг олдини олинади ва ишсизлар камаяди;
- хом ашё ва бошқа ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш даражаси, қайта ишлаш имкониятлари кенгаяди;
- эскирган ишлаб чиқариш қувватлари базаси янгиланади ва товар-хизматларнинг сифати яхшиланади;
- импорт қилиниши лозим товарлар ва хизматлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, валюта захиралари тежалиши билан бирга валюта даромадлари кўпаяди;

- давлатлараро иқтисодий яқинлашув, сиёсий музокаралар стратегик ҳамкорлик қилишга асос яратилади ва ҳ.к.

Қулай инвестиция маконини шакллантиришга эришишда нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналиши ва тузилмасини тўғри танлаш ҳам зарур. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарини танлаш зарурки, уларда тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олиши назарда тутилиши керак. Айнан ана шундай ҳолатда инвестициянинг қисқа вақтда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестиция жараёнини жонлантириш учун туртки берилиши кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратади. Хусусан, экспортга лаёқатли қазилма саноати тармоқлари (нефт, газ), катта илмий техник имкониятларга эга тармоқлар (самолётсозлик, машинасозлик, электротехника), маънавий ва жисмоний эскирган ҳамда техник жиҳатдан ҳали такомиллашмаган (йўл транспорти, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва озиқ овқат) тармоқларнинг ҳар бирига мос бўлган инвестициялаш стратегиясини қўллаш мумкин бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда қўшма корхоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Зеро, ҳозирги кунга келиб бу корхоналар учун етарли иқтисодий ҳамда ҳуқуқий инфраструктура яратиб берилди. Бугунги кунда республикада Молия вазирлигида руйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарни сони Ўзбекистондаги инвестиция муҳитининг ижобийлиги хақида фикр билдиришга асос бўлади.

2005 йилда Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар 3806 та бўлиб, шундан 2627 таси фаолият юритмоқда. Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг 52 фоизи саноат тармоғида, 20,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 4,2 фоизи транспорт ва алоқа, 2,6 фоизи эса қишлоқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади. Мазкур қўшма корхоналарнинг ҳудудий мужассамлашуви иқтисодий районлар бўйича нотекис тақсимланган бўлиб, ихтисослашуви эса ҳудудий меҳнат тақсимотига асосланади.

1995-2005 йилларда хорижий инвестицияларни минтақалар бўйича тақсимланиши таҳлил қилинганда, сармояларни ўзлаштириш бўйича ўзгаришлар кузатилади. Ушбу ҳолат, албатта, вилоятларнинг инвестицион жозибадорлиги ва инвестицион сиёсатга боғлиқ. Бу давр мобайнида Тошкент ва Фарғона вилоятларига киритилган хорижий инвестициялар улушини ошганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Самарқанд вилоятига 1995 йилда жамига нисбатан 3,8 фоиз хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса 2000 йилда 9,8 фоизни ташкил этган. 2005 йилда бу кўрсаткич 2,3 физга қисқарган.

2005 йилда, жами хорижий инвестициядаги Бухоро вилоятининг улуши 4,1 фоизга етган, олдинги йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,2 фоизга кўпайган. Қолган вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида худди шундай ўзгаришлар кузатилади.

1995 йилда биргина Тошкент шаҳрига жамига нисбатан 8,3 фоиз хорижий инвестиция жалб қилинган бўлиб, бу кўрсаткич Наманганда 7,9, Навоийда 7,9, Самарқандда 3,8, Андижон вилоятида эса 72,4 фоизни ташкил этган. Бошқа вилоятларга жалб қилинган хорижий инвестициялар Тошкент шаҳри кўрсаткичлари билан таққослаганда икки марта кам. Наманган вилоятига 2000 йилда 9,4 фоиз хорижий инвестиция киритилган бўлса, 2005 йилда 2,2 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро сифат стандартларига мос келади. «УзДЭУавто», «УзКейсМаш», «СамКочАвто», «УзБАТ», «Дойче Кабель АГ Ташкент», «Green World», «Оқсарой тўқимачи LTD», «Хобас Тапо» каби ҚКлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг ИСО 9001 стандартига мослиги ҳақида сертификат олган.

Умуман олганда, иқтисодиётда хориж сармоялари иштирокини кенгайтириш ва қўшма корхоналар фаолиятини яхшилаш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

- инвесторларга республика инвестиция муҳити тўғрисида ахборот бериш тизимини ривожлантириш;
- қўшма корхоналар ташкил этишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- қаттиқ қопламали автомобил йўллари ва бошқа инфраструктура шахобчалари билан таъминлашни янада яхшилаш;
- халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотлар билан алоқаларни яхши йўлга қўйиш;
- минтақаларнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб қўшма корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги барча тадбиркорлик фаолиятларига имтиёзлар бериш ва б.

Ушбу масалалар ечими Ўзбекистонга хориж сармояларини кўпроқ кириб келишига, улар иштирокидаги корхоналарнинг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишига туртки беради.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИНТАҚА ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Жумаханов
Наманган

Демографик вазият мураккаб ижтимоий, иқтисодий, географик ва сиёсий жараён бўлиб, у мамлакат аҳолиси сонининг ўсиши, унинг мабалари бўлмиш табиий кўпайиш, аҳоли миграцияси ва жойлашиши, урбанизация, аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби, оила таркиби, меҳнат ресурслари ва иш билан таъминланиш даражасини ўзида акс эттиради. Демографик вазият ва жараёнларга қатор табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Чунончи, транспорт ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари демографик вазият кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан ҳисобланаади. Бу ва шунга ўхшаш шарт-шароитлар мамлакатнинг турли минтақаларида бир хил эмас.

Наманган вилояти ҳудудини ташкил этган тоғ ва адирлар муҳим хўжалик аҳамиятига моликдир. Бу ерда 20 га яқин дарё ва мавсумий сойлар бор. Мавжуд сув ресурслари қадимдан суғорма дехқончиликни ривожлантириш ва аҳоли жойлашувининг асоси бўлиб хизмат қилган. Бироқ, Наманган вилояти Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан сув билан таъминланганлик даражаси анча юқори бўлишига қарамай, Фарғона водийсининг бошқа қисмларига қараганда дарё ва сойларининг камсувлиги билан ажралиб туради. Чодаксой, Резаксой, Ғовасой, Косонсой, Намангансой, Подшоотасой, Чортоқсой Наманган ҳудудидаги тоғ дарё ва сойларидир. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда демографик вазияти ва жараёнларининг шаклланишида тегишли табиий-географик имкониятлар мавжуд. Шу жиҳатдан вилоят республиканинг бошқа минтақаларидан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, кейинги 10 йилда вилоятдаги аҳоли сонининг ўсиши республика кўрсаткичларига нисбатан юқорироқ хусусиятга эга. 2004 йил маълумотларига кўра, Наманган вилоятида 2079,0 минг киши яшайди. Унинг 62,6 фоизи қишлоқларга тўғри келади. Вилоят майдони республика ҳудудини 2,0 фоизини ташкил қилган ҳолда бу ерда мамлакат аҳолисининг 7,6 фоизи истиқомат қилади. Бинобарин, вилоятда аҳоли зичлиги юқори бўлиб, у ҳар бир кв. км.га 279 кишини ташкил этади. Бу эса вилоятда демографик сиғимнинг нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Наманган вилояти ва умуман Фарғона иқтисодий райони бутун Ўзбекистон Республикаси демографик жараёнларининг ривожланишида қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Энг авввало бу ерда аҳоли сонининг ўсиш суръати бирмунча юқори. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, 1991 йили вилоят аҳолиси 1557,8 минг кишини ташкил этган

бўлса, 2002 йилда у 1986,4 минг, 2004 йилда эса 2079,0 кишига кишига етди ёки 13 йил давомида 133,4 фоизга ўсди. Вилоятда туғилишнинг умумий коэффициенти 2004 йилда 19,1 промиллега тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич Фарғона вилоятида 20,9 ва Андижон вилоятида 19,8 промиллени ташкил қилади (республикада 20,5 промилле). Геодемографик жараёнларнинг республикадаги вазияти шундан далолат берадики, туғилиш баъзи минтақаларда аста-секин пасайиб бормоқда. У Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида юқори. Наманган, Жиззах ва Бухоро вилоятлари эса бу борада ўртача мавқега эга. Айни вақтда туғилиш коэффициенти Тошкент, Фарғона ва Навоий вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида бирмунча паст.

Демографик вазиятнинг яна бир омили ўлим кўрсаткичидир. Наманган вилоятида ўлим жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга. Шуни таъкидлаш лозимки, ўлимнинг умумий сони ва унинг даражалари йиллар давомида гоҳ ўсиб, гоҳ камайиб борган. Масалан, 1970 йилда жами ўлганлар сони 4795 кишидан (5,6 промилле) 2004 йилга келиб 8716 (4,2 промилле) га етди.

Аҳолининг табиий кўпайиш коэффициенти 2004 йил республикада 15,5 ‰ ни ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Наманган вилоятида 14,9 ‰ га тенг бўлган ва бир йиллик аҳоли кўпайиши 30,3 минг кишига етган. Бу эса вилоятда табиий кўпайиш республика ўртача кўрсаткичларидан бирмунча паст эканлигини кўрсатади. Аҳолининг ўсиш суръати айниқса Косонсой, Чуст, Наманган, Янгиқўрғон туманларида юқори. Ушбу туманларда туғилиш даражаси ҳам бироз юқори.

Барча вилоятларда бўлганидек, Наманган вилояти аҳолиси ҳам нотекис жойлашган. Чунончи, зичлик кўрсаткичи шаҳар аҳоли манзилгоҳларида қишлоқ жойларга нисбатан юқори. Туманлар таркибида Наманган, Тўрақўрғон, Уйчи ва Норин туманларида аҳоли зичлигининг юқорилиги ва, аксинча, Поп ва Мингбулоқда унинг бирмунча пастлиги кузатилади .

Олиб борилган демографик таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят аҳолисининг ўсиши ва жойланиши вилоят иқтисодий салоҳиятини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунончи, аҳолини умумий миқдор кўрсаткичи, энг аввало, истеъмол омили сифатида намоён бўлса, шунингдек, унинг меҳнатга лаёқатли қисми ишчи кучи мазмунида эътироф этилади.

Аҳоли ва меҳнат ресуридан фойдаланиш авваломбор ҳудуднинг урбанизация даражаси ва шаҳарлар тўрида ўз ифодасини топади. Айнан шу томондан ёндашганда Наманган вилоятининг урбанизация кўрсаткичи республика даражасига деярли мос тушади; 2004 йил маълумотларига кўра, Наманган вилояти шаҳар жойларида унинг 37,4 фоиз аҳолиси яшаса,

мамлакатда бу кўрсткич ўртача 37,8 фоизга тенг. Вилоятда ҳозирда 8 та шаҳар ва 11 та шаҳар типидаги посёлка ёки шаҳарча мавжуд (жадвал).

Жадвал

Наманган вилояти шаҳар жойларининг таркибий тузилиши (2002 й).

Турли босқичдаги шаҳарларнинг аҳоли сонига кўра гуруҳланиши	Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг		Аҳоли сони	
	Сони	фоизда	Минг киши	фоизда
5 минггача	4	22,3	8,5	1,1
5,1-10,0 минггача	2	11,1	12,3	1,6
10,1-20,0 минггача	4	22,3	58,8	7,6
20,1-50,0 минггача	6	33,3	222,7	28,6
50,1-100,0 минггача	1	5,5	64,6	8,3
100,1-250 минггача	-	-	-	-
250 мингдан ортиқ	1	5,5	410,6	52,8
Жами шаҳар ва шаҳарчалар	18	100,0	777,5	100,0

Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бу ерда асосан кичик ва ўртача катталикдаги шаҳарлар шаклланган.

Наманган вилояти шаҳарлари таркибида 1990-2004 йилларда жиддий ўзгаришлар юз бермаган. Кўрилаётган даврда энг кичик шаҳарлар 1 тага, 20-50 минглик гуруҳ 4 тадан 6 тага кўпайган. Чуст шаҳри эса ўртача катталикдаги шаҳар мақомига эга бўлган. 2004 йил маълумотларига биноан, кичик шаҳарларда жами шаҳар аҳолисининг 10,3 фоизи, «ярим ўрта» шаҳарларда 28,6 фоизи, Чуст шаҳрида 8,3 фоиз ва Наманган шаҳрида эса 52,8 фоизи яшайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳоли сони Чортоқ ва Чуст ва Косонсой шаҳарларида юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шу ўринда, Наманган шаҳри аҳолиси сонинг ниҳоятда тез кўпайиб боришини айтиш жоиз (ушбу ҳолатни проф. А.Солиев «Наманган тезлиги» ёки «Наманган сири» деб баҳолаган). Бинобарин, сўнги йилларда Наманган бу борада Андижон ва ҳатто мамлакатимизнинг «иккинчи шаҳри» Самарқанддан ҳам ўзиб кетди; ўсиш суръати 1991-2004 йилларда 133,4 фоизни ташкил қилди. Вилоят шаҳар аҳолисининг ўсиши, энг аввало, бу ердаги туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқорилигига боғлиқ. Чунончи, 410,6 минг аҳолига эга бўлган Наманган шаҳрида 2004 йилда туғилиш 18,4 промилле, ўлим 4,4 промилле ва табиий кўпайиш 14,0 промиллега тенг бўлган. Бу эса йирик шаҳарлар учун анча юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Наманган вилояти шаҳар манзилгоҳлари орасида шаҳарчалар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан , Поп туманида улар 5 та: Олтинкон, Навбаҳор, Чоркесар, Уйгурсой, Халқобод. Шунингдек, Уйчи ва Тўрақўрғон туманларида ҳам иккитадан шаҳарча мавжуд. Вилоят шаҳар жойларидан Жомашуй, Уйчи, Янгиқўрғон, Тошбулоқ кабилар туман

маркази вазифасини бажарадилар. Ушбу ҳолат айнан шу ҳудудларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконитининг мавжудлигидан далолат беради.

Меҳнат ресурсларини ҳудудий демографик тизим сифатида тадқиқ этилганда уларнинг таркибини ўрганиш катта аҳамиятга эга. 2004 йил маълумотларига кўра, вилоятда 1005,8 минг меҳнат ресурси ёки аҳолининг 48,4 фоизи меҳнатга яроқли ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг 66,9 фоизи, яъни 673,2 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришда банд. Расман қайд этилган ишсизлар сони 9,4 минг кишини ташкил этгани ҳолда ишсизлик даражаси 0,9 фоизга тенг.

Меҳнат ресурсларининг салмоғи айниқса Наманган шаҳри ҳамда Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Уйчи ва Наманган туманларида юқорилиги билан ажралиб туради.

Демографик вазиятга таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири транспорт инфраструктурасидир. Транспорт инфраструктурасининг ривожланишида темир, автомобил ва ҳаво йўллари транспорти муҳим аҳамиятга эга. Наманган вилоятида темир йўларининг умумий узунлиги 138 км; шунингдек, асосий темир йўл билан саноат корхоналарини боғловчи темир йўллар ҳам мавжуд. Вилоят ҳудудида Ровустон, Оқтош, Чуст, Поп, Учқўрғон, Чортоқ ва Хаққулободда йирик юк ортиш ва тушириш станциялари мавжуд.

Юк ташиш ҳажмида автомобил транспортининг ҳиссаси юқори. Жумладан, Андижон вилоятида жами ташилган халқ хўжалиги юкларининг 91,3 фоизи Фарғона вилоятида 85,7 фоизи автомобил транспортига тўғри келса Наманган вилоятида бу кўрсаткич 86,7 фоизга тенг (2001 й.).

Шаҳарлар ва транспорт тизимининг биргаликда жойлашуви минтақада агломерацияини вужудга келишининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Наманган, Учқўрғон, Хаққулобод шаҳарлари Наманган саноат тугуни ва агломерациясини ҳосил қилади.

Вилоятда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда Ангрен-Поп автомобил йўлининг кенгайтирилиши, халкаро ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди Бунинг натижасида водийнинг транспорт географик мавқеи тубдан ўзгаради ва қадимгидек шарқ томонга ҳам йўл «очилади». Бу эса аҳолининг ҳаракатчанлигини таъминлашга имконият яратади.

Шу билан бирга вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юқори малакали ишчи кучларининг аҳамияти катта. Малакали ишчи кадрлар билан таъминлашда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Ҳозирда вилоятда 64 та колежлар бўлиб уларда 58,5 минг ўқувчи бор. Мазкур касб-хунар

коллежлари иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилган . Айни вақтда вилоятда учта олий ўқув юртлари бўлиб, улардаги талабаларнинг умумий сони 10 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Бу эса иқтисодиётни малакали мутахасислар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Г.Н ЧЕРДАНЦЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ХИССАСИ

А.А.Қодиров
Бухоро Давлат университети

Ҳар қандай соҳа, жумладан, фан соҳаси ўзининг шаклланиш ва тарақиёт тарихига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамизда иқтисодий географиянинг география фанлари тизимида шаклланиши ва ривожланиши ҳам ўз тарихига эга. Географиянинг мазкур тармоғини шаклланишида маҳаллий олимлар билан бир қаторда рус ва шўро олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Ана шу олимлардан бири, шубҳасиз, Глеб Никаноровичч Черданцевдир.

Г.Н.Черданцев 1885 йил 4 августда Омск шаҳрида таваллуд топган. Тақдир тақозоси билан уларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келган ва у шу ердаги гимназияга ўқишга кириб, уни олтин медал билан якунлайди. Сўнгра Санкт – Петербургда Политехника институтида, Германияда Мюнхен университети ҳамда Франкфурт-на-Майнеда социал ва коммерал фанлар академиясида таҳсил олади. 1909 йилда Политехника институтини тугатиб, Туркистон генерал - губернаторлигининг сув ҳуқуқи масалаларига бағишланган «Водное право Туркестана в его настояҳем и проектах ближайшего будуҳего» мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу иш худди шу ном билан 1911 йилда Тошкентда нашр этилди. Бу олимнинг илмий изланиш йўлидаги биринчи мукаммал асари эди. Ана шу илмий иши учун унга иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Г.Н.Черданцев Туркистонда сувдан фойдаланиш масалаларини чуқур танқидий таҳлил қилган, ўлканинг иқтисодий аҳволи ва ўша даврдаги вазиятдан келиб чиқиб, сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳукуматга тавсия этган эди.

Г.Н.Черданцев қисқа муддатда Одессада божхона хизматида бўлгач 1915 йилда Тошкентга қайтади ва Туркистон ўлкаси ер ва мулк давлат бошқармасида фаолият кўрсатади. Шу даврда у Ўрта Осиёнинг иқтисодиёти хусусан қишлоқ хўжалиги ва ирригация тармоқларини чуқур ўрганиб чиқади. 1917 йилда Г.Н.Черданцев Туркистон ўлкаси бошқарувининг ёқилғи масалалари бўйича муовини этиб тайинланади ва у ўлканинг энергетика ресурслари ҳамда саноат ва транспорт тармоқлари тараққиётини тадқиқ этади. Олимнинг Ўрта Осиё бўйича етук мутахассис

бўлиб етишувида унинг юқорида таъкидлаб ўтилган лавозимларда нафақат мансабдор шахс, балки ўз соҳасиниг талабчан тадқиқотчиси сифатида ёндашганлиги туртки бўлса ажаб эмас.

Г.Н.Черданцевнинг илмий-тадқиқотчилик, жамоатчилик ва педагогик фаолияти унинг Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)ни ташкил этиш даврида олиб борган ташкилотчилик ишлари билан давом этди. Бу олий таълим муассасаси дастлаб Тошкентда 1918 йилда Туркистон Халқ университети номи билан ташкил этилган эди. Кейинчалик давлат университети мақоми берилди ва унинг факультетлари негизида Ўрта Осиёда 15 га яқин олий таълим муассасалари вужудга келди. Мазкур университетнинг биринчи ректори этиб Г.Н.Черданцев тайинланган эди. У шу даврдаги фаолияти натижаси бўлган «К истории первых лет Туркестанского университета» (1918-1922) асарини ёзди 1922 йилда «Наука и просвеҳение» журналининг №2 сонида эълон қилди. Худди шу йилда Г.Н.Черданцевнинг Ўрта Осиё ҳудуди иқтисодиёти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган «Среднеазиатский экономический район» монографияси нашр этилди.
Г.Н.Черданцев 1921-1923 йилларда Туркистон ўлкаси давлат режалаштириш қўмитаси раиси ўринбосари, 1923-1924 йилларда эса ўша даврдаги Хоразм Халқ Совет республикаси давлат режалаштириш қўмитаси раиси лавозимларида ишлади. 1924 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқ давлат режалаштириш қўмитасида фаолият кўрсатди. Айнан шу даврда олим ўзининг икки йирик иқтисодий географик асарлари «Ўрта Осиё республикалари» (1928)) ва «Қозоғистон» (1930) монографияларини нашр эттирди. 1936 йилда собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси президиуми Г.Н.Черданцевга олиб борган мажмуали илмий тадқиқотлари учун ҳимоя қилмасдан иқтисод фанлари доктори илмий даражасини берди. Бу ўша давр фанида олимнинг эътиборга молик илмий тадқиқот олиб борганлигидан ва юксак илмий иқтидорга эгалигидан далолат берар эди.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Г.Н.Черданцев Ўзбекистон Фанлар Академиясида В.М.Четиркин, Ю.Л.Пославский, К.Н. Бедринцев каби олимлар билан бирга республикани қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан районлаштириш масалалари билан шуғулланди. Шунингдек, Фанлар Академияси тизимидаги Иқтисодиёт илмий тадқиқот институтида республикамизни электрлаштириш масалалари, Қорақалпоғистонда иқтисодий тадқиқотлар тарихи масалалари, Ангрен тоғ -кон саноат мажмуи муаммолари ва республикамизда шўро тузумига қадар ўтган даврда иқтисодий фанлар тараққиёти масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Ушбу тадқиқотлар натижаси ўлароқ 1950 йилда олимнинг «К истории экономических исследований Каракалпакстана» асари чоп этилди. Г.Н.Черданцев республикамиз ҳудудини комплекс ўрганиш мақсадида уюштирилган – тадқиқот экспедициялари

ташкилотчиси ва раҳбари сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Айниқса унинг Фарғона водийси ҳудудида ўтказилган илмий-тадқиқот экспедициялардаги иштироки муҳим ўрин эгаллайди.

1943 йилда собиқ Иттифоқ Фанлар Академиясининг Ўзбекистон филиали негизида Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкил этилган. Г.Н.Черданцев ушбу илмий муассасанинг мухбир аъзоси этиб сайланди.1955 йилда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Г.Н.Черданцевни «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони билан тақдирланди. 1956 йилда республикамиз фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимлар: физик У.Орипов, биолог Қ.З.Зокиров, файласуф И.М.Мўминов, ҳуқуқшунос Х.С.Сулаймонова каби таниқли олимлар билан бирга Г.Н.Черданцев Ўзбекистон Фанлар Академиясининиг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди (Муҳитдинов,1995).

Г.Н.Черданцев умрининг охирги йилларини таълим тизими учун карталар тузиш ҳамда педагогика институтлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга бағишлади. У педагогика институтлари талабалари учун нашр этилган 3 томлик «Собиқ Иттифоқ географияси» ўқув қўлланмаси муаллифларидан бири эди. Шунингдек, олимнинг сўнгги асари «Иқтисодий география» ўқув қўлланмаси унинг шогирдлари томонидан ўлимидан сўнг 1961 йилда нашр этилди.

Ушбу мақола Г.Н.Черданцевнинг республикамизда иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланиши давридаги фаолиятига бир назар, холос. Бинобарин, мазкур мавзу йўналиши янада жиддий изланишларни талаб этади.

Адабиёт

1.Преображенский А.И. Глеб Никанорович Черданцев (1885-1958) Экономическая и социальная география .М.: Просвещение,1987.

2. Солиев А., Маҳамадалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари, –Т.: 2005.

3. Ўбекистон Миллий энциклопедияси.IX жилд,-Т.: 2005.

ЧЎЛ ШАРОИТИДА ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Мавлонов

Бухоро Давлат университети

Йирик шаҳарлар ва улар негизида агломерацияларнинг вужудга келиши ҳозирги замон урбанизациясининг энг муҳим кўрсаткичидир. Шу боис шаҳар агломерацияси кенг тарқалган мамлакатлар юқори урбанизациялашган ҳисобланади. Гарчи Ўзбекистон шаҳарлашув даражаси юқори бўлган давлатлар сирасига кирмасада, унда бир нечта шаҳар агломерациялари шаклланган. Бундай агломерацияларга Тошкент,

Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона-Марғилон кабиларни киритиш мумкин. Мусулмон оламининг муқаддас шаҳарларидан бири бўлган Бухорои Шариф атрофида ҳам ўтган асрни 70-йилларида шаҳар агломерацияси вужудга келди.

Республикамиздаги ушбу шаҳар агломерациялари турли хил табиий шароитларда ҳосил бўлган. Масалан, Ўзбекистондаги энг йирик саналган Тошкент агломерацияси қулай географик ўринда, табиий ресурсларга бой ҳамда арзон гидроэнергия заҳиралари мавжуд ҳудудда жойлашган. Фарғона-Марғилон эса дарёнинг конуссимон ёйилмасида, интенсив деҳқончилик зонасида шаклланган. Водийнинг ер-сув ресурсларига бойлиги унда меҳнатталаб тармоқларни ривожланишига олиб келган. Маҳаллий аҳолининг миграцион фаолиятини кучсизлиги, уни водийда кўплаб тўпланишига сабабчи бўлган. Натижада, бу агломерацияда катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш ва аҳоли манзилгоҳлари тўпланган.

Шарқда «Қуббат-ул Ислом» номи билан машҳур – Бухорои Шариф атрофидаги агломерациянинг шаклланиши ҳам ўзига хос. Асосан Бухоро воҳаси доирасида ўринлашган мазкур агломерация, юқоридагилардан фарқ қилиб чўл шароитида, суғорма деҳқончилик зонасида вужудга келган. Чўл минтақасидаги агломерациялар ривожланиши айрим минтақавий хусусиятларга эга. Бундай **чўллик хусусиятларига** қуйидагиларни киритиш мумкин.

❖ Чўл шароитида жойлашган минтақалар, жумладан, Бухоро агломерациясида ичимлик суви масаласи ўта муҳимдир. Маълумки, чўл зонасида барқарор иқтисодиётнинг ривожланишини белгилайдиган омиллардан бири сув ресурсларидир (чўлнинг чўл бўлишини сабаби ҳам сувсизликдир). Қолаверса, ўлканинг бой маданий тарихи, энг аввало, сув манбалари ва суғориш деҳқончилигининг қадимдан тарғиб этилганлиги билан бевосита алоқадордир. Шу сабабдан Бухоро агломерацияси аҳолисининг жойлашиши асосан сув ресурслари ва уларнинг ҳудудий таркиби билан белгиланади.

❖ Одатда, чўлли минтақаларда аҳоли ва ишлаб чиқариш тугунсимон ёки нуқтасимон жойлашади. Буни чўллардаги воҳалар кўриниши ҳам исботлайди. Воҳаларнинг бу шаклда жойлашуви асосан сув манбалари – қудуқ ва булоқларга боғлиқ. Агар ҳудудга бирор томондан сув келтирилган бўлса, у ўша томонга бироз чўзилган бўлади. Тадқиқот объектимиз ҳисобланган Бухоро агломерацияси шимоли-шарқий йўналишда ядродан, яъни агломерация марказидан 45-50 километрга кенгайган. Бунинг сабаби– агломерацияга шу томондан Зарафшон дарёси кириб келади. Аксинча, сув ресурслари чекланганлиги боис агломерация жанубга атиги 10-15 километрга чўзилган. Тоғ олди зонасида ривожланаётган Тошкент агломерациясининг жойлашуви ўзгача бўлиб, у

лентасимон шаклни эслатади. Пойтахт– Тошкент агломерацияси Чирчиқ дарёси бўйлаб 150 километрдан ортиқроқ масофани эгаллаган.

❖ Арид минтақалардаги агломерацияларнинг яна бир ўзига хос жиҳати уларда аҳоли зичлигининг пастлигидир. Бундай ноқулай табиий муҳитда, одатда, аҳоли сийрак жойлашади. Шу боис, уларнинг демографик салоҳияти айниқса, аҳоли зичлиги паст бўлади. Жумладан, Бухоро агломерациясида, 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра, 680,3 минг киши яшаб, уни ҳар бир кв. км.га ўртача 136 киши тўғри келган. Бу кўрсаткич Тошкент, Андижон, Фарғона-Марғилон агломерацияларига нисбатан бир неча мартага кам.

❖ Чўл зонасидаги агломерацияларда “йўлдош” шаҳарлар сони ҳам кўп бўлмайди. Чунки қаттиқ иқлим шароити манзилгоҳлар сонини кўпайишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун бўлса керак бундай шаҳар агломерацияларда “йўлдош” манзилгоҳлар кам. Масалан, ўрганилаётган объектда йўлдошлар сони 6 та, қўшни Навоий агломерациясида эса бор йўғи учта. Айни пайтда Ўзбекистоннинг табиий шароити қулай бўлган Тошкент (27), Самарқанд (12) ва Фарғона-Марғилон агломерацияларида (11та) улар нисбатан кўпроқ. Бу эса ушбу агломерацияларнинг етуклилигидан ва иқтисодиётини барқарорлигидан далолат беради.

❖ Шунингдек, чўл ҳудудида жойлашган минтақалар, жумладан Бухоро агломерациясининг ҳам хўжалиги, айниқса саноатнинг тармоқлари етарлича ривожланмаган. Агломерацияда фақатгина ёқилғи (нефт – у ҳам бўлса мустақиллик йилларида шаклланди), озиқ-овқат ва енгил (тўқимачилик) саноат бирмунча ривожланган. Қолган саноат хусусан, “илғор учлик” (машинасозлик, кимё, электроэнергетика) тармоқлари деярли мавжуд эмас. Бундай ҳолат агломерациянинг етарлича тараққий этмаганлигини ва уни иқтисодиётининг заифлигини кўрсатади.

Хуллас, биз чўл шароитидаги шаҳар агломерацияларидан бири-Бухоро агломерациясининг баъзи бир чўллик хусусиятларига тўхталиб ўтдик. Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси арид зонаси учун хос бўлиб, уларнинг айримлари ҳал қилувчи кучга эга. Айниқса, сув ресурсларининг аҳамияти беқиёсдир. Қолаверса, Бухоро агломерациясига ўхшаш тоза ичимлик суви асосан ташқи ҳудудлардан, ҳатто қўшни давлатлардан кириб келадиган минтақаларда сув масаласи ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Шу сабабли мавжуд сув ресурсларидан янада тежамли ва самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун агломерациядаги сувдан фойдаланувчи барча мижозларни сув ўлчагич қурилмалари билан таъминлаш шарт. Шаҳарлар аҳолиси ва корхона-муассасаларида ичимлик суви тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, халқнинг экологик маданиятини юксалтириш ҳам ижобий натижа беради. Ана шундагина Бухоро агломерацияси шаҳар ва қишлоқларида тоза ичимлик суви исрофгарчилиги олдини олишга ҳамда сувдан оқилона фойдаланишга

эришиш мумкин. Сув ресурсларини етарли бўлиши чўл шароитида агломерацияларни бир хил меъёрда ривожланишининг гаровидир.

ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИДА ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Абдуназаров, О.Абдуллаев, Ш.Алланов
Термиз Давлат университети

Қайта ишлаш саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, улар ўртасида маълум фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, қайта ишлаш саноати анча кенг қамровли, у нафақат енгил ва озиқ-овқат саноатини, балки ўндирувчи саноатдан ташқари қолган барча тармоқларни ўз ичига олади.

Айни вақтда енгил ва озиқ-овқат саноати асосан халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Аммо бундай маҳсулотлар қисман оғир саноатда ҳам яратилади. 2005 йил маълумотларига кўра, истеъмол молларининг 42,8 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига, 6,8 фоизи-ароқ, вино ва пивога, 50,4 фоизи ноозиқ овқат товарларга тўғри келади (шундан 12,3 фоизини енгил саноат маҳсулотлари ташкил қилади).

Демак, енгил ва озиқ-овқат саноати тахминан барча истеъмол молларининг 3/5 қисмидан кўпроғини беради. Истеъмолга йўналтирилган маҳсулотларнинг қолган қисми оғир саноатда (асосан машинасозлик ва кимё саноатида) яратилади. Ушбу тадқиқотда қишлоқ хўжалиги хом ашёси асосида истеъмол молларини ишлаб чиқаришга тўлиқ ихтисослашган айнан енгил ва озиқ-овқат саноати ўрганилади.

Истеъмол молларини ишлаб чиқариш енгил саноатда, энг аввало, турли хил газламалар, тикув ва трикотаж, қисман пойафзал маҳсулотларидан ташкил топади. Мазкур маҳсулотлар, энергия ишлаб чиқариш цикли қоидасига мувофиқ, бевосита қишлоқ хўжалик хом ашёсидан эмас, балки унинг бирламчи қайта ишланишига асосланади. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг кўпчилиги эса (вино, консерва, пиво, гўшт ва сут маҳсулотлари, ун саноати) тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ. Шу боис ушбу тармоқнинг энергия ишлаб чиқариш циклидаги бўғинлари унча кўп эмас, яъни бу жараён «қишлоқ хўжалиги-енгил саноат» га қараганда қисқароқ.

Аммо таъкидлаш жоизки, баъзи енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ўртасида маълум технологик алоқалар мавжуд. Чунончи, ўсимлик ёғи (озиқ-овқат) кўпроқ пахта чигити (енгил саноат), пойафзал (енгил) қисман гўшт комбинатлари чиқиндиси (озиқ-овқат саноати) асосида ишлаб чиқарилади. Бинобарин, агроиндустриал энергия ишлаб

чиқариш циклининг юқори қаватларида енгил ва озиқ-овқат саноати яна ўзаро «учрашишади».

Ёрма (комбикорм) саноати ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ. Бироқ, унинг маҳсулоти, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари чиқиндилари (шелуха, кунжара, шрот ва ҳ.к) билан бирга яна қишлоқ хўжалигига «қайтади» ва чорвачиликда истеъмол маҳсулоти сифатида фойдаланилади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш саноати негизида истеъмол молларини ишлаб чиқариш мураккаб таркибга эга ва у, бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларида яратилган агроиқтисодиёт маҳсулотларига асосланади (1-чизма). Шу ўринда унутмаслик лозимки, истеъмол моллари нафақат қайта ишлаш саноатида, балки бевосита қишлоқ хўжалигида, яъни аҳолининг шахсий хўжаликларида ҳам тайёрланади.



1-чизма. Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати ва истеъмол молларини ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик.

Маълумки, аҳолининг икки томонлама функцияси, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишдаги демоцентрик принцип (Солиев, Қаршибоева, 1999) хусусан енгил ва озиқ-овқат саноатида яққол кўзга ташланади. Сабаби, бу саноат тармоқлари асосан истеъмол молларини ишлаб чиқариш билан тавсифланади ва шу билан бирга улар, бошқа саноат тармоқларига қараганда, кўп меҳнат талаб ҳисобланади. Демак, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва

жойлаштириш бир вақтнинг ўзида икки омил-ишчи кучи ва истеъмолчи нуқтаи назаридан ташкил этилади.

Мазкур саноат тармоқларининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги билан ва у эса бевосита табиий, аниқроғи-агроиқлимий шароитлар билан алоқадордир. Шу сабабли енгил ва озиқ-овқат саноатлари бироз «табиийроқ» бўлиб, уларга ихтисослашган мамлакат ва минтақалар иқтисодиёти кўпинча эволюцион йўл билан ривожланиб боради. Собиқ Иттифоқ республикалари-ҳозирги, мустақил давлатларнинг янги, яъни бозор муносабатларига ўтиш хусусиятлари ҳам сезиларли даражада уларнинг саноат ишлаб чиқариш таркибига боғлиқ бўлди; горизонтал алоқалар асосида ривожланувчи оғир саноат тармоқларида ўтиш жараёни бирмунча муаммоли кечган бўлса, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳаллий шароит ва ресурсларига таянганлиги сабабли катта қийинчиликларга учрамади. Қолаверса, мазкур саноат тармоқларининг ижтимоий вазифалари (функцияси) ҳам катта. Бу эса бевосита бозор муносабатларини шакллантиришда, талаб ва таклиф мувозонати ҳамда рақобат муҳитини вужудга келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ўтиш даври учун олдинга сурган 5 асосий тамойилидан биттаси мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтиш даврининг бу принципи икки асосий омилдан келиб чиқади. Биринчидан, бозор муносабатларини шакллантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, энг аввало, истеъмол молларини етарли ва сифатли ишлаб чиқаришни, аҳоли эҳтиёжини тўла ва мунтазам қондириб боришни тақозо этади. Бу борада рақобатбардош маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш асосида маҳаллий бозорни тўлдириш, четдан халқ истеъмол молларини мумкин қадар камроқ сотиб олиш кўзда тутилади. Иккинчидан эса, ижтимоий мақсадларни амалга ошириш республикамизда кечаётган демографик жараёнлар хусусиятидан келиб чиқади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ ЎСИШИ ВА ЖОЙЛАНИШИ

А.Сатторов, Х.Абдуназаров
Термиз Давлат университети

Сурхондарё вилоятида демографик жараёнлар Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларидан фарқ қилади. Бу ерда шаклланган демографик вазият фақат қўшни Қашқадарё вилоятига ўхшайди, холос. Чунки, бу ҳар икки минтақа республикада кузатилаётган аҳоли ўсиш суръатининг пасайиш жараёнида энг орқада бормоқда.

1979 йил аҳоли рўйхати маълумотларига биноан, Сурхондарё вилоятида 895 минг киши яшаган, 1989 йилга келиб у 1248 минг кишига етган. Вилоят маъмурий жиҳатдан 14 қишлоқ туманларидан иборат, уларнинг аҳоли сони ва 1989-2005 йиллардаги демографик ривожланиши 1-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатадики, вилоят аҳолиси юқорида қайд этилган йилларда 149,4 фоизга ўсган. Аҳоли сонининг тадрижий ўсиши хусусан Шеробод, Денов, Қизириқ ва Шўрчи туманларида юқорироқ, Бойсун ҳамда Узун туманларида бу ҳолат пастроқ бўлган.

Бойсун туманидаги бундай ҳолат асосан унинг бир қисм ҳудудидан 1993 йилда янги Бандихон тумани ташкил этилганлиги туфайли юз берган. Худди шундай сабаб оқибатида Сариосиё тумани аҳолиси миқдори камайган (унинг таркибидан Узун тумани ажралиб чиққан).

Ҳозирги вақтда, Термиз шаҳрини ҳисобга олмаганда, вилоятнинг ҳар бир қишлоқ туманига 124,6 минг кишидан аҳоли тўғри келади. Бу жиҳатдан энг катта туман Денов бўлиб, унда 284 минг киши истиқомат қилади. Қолган туманларнинг аҳолиси 150 минг кишидан ошмайди, Ангор, Бойсун, Термиз ва Қизириқ туманларида аҳоли сони 100 минг кишидан кам. Вилоятнинг энг кичик-Бандихон туманига атиги 38 минг киши тўғри келади.

Аҳоли зичлиги бўйича Денов тумани ажралиб туради. Бу кўрсаткич Бандихон ва Ангор туманларида ҳам анча юқори. Айни вақтда ҳудуди жиҳатдан энг йирик бўлган Бойсун ва Сариосиё туманларида аҳоли жойланиши вилоят ўртача кўрсаткичидан 2,5-4 марта паст (Жадвалга қаранг). Бу икки-асосан тоғли туманлар майдони 7,63 минг кв.км ёки Сурхондарё умумий майдонининг 1/3 қисмидан ортиқроғини ташкил этади, аҳоли сони эса 234 минг киши. Майдони бўйича Шерабод ва Қумқўрғон ҳам нисбатан катта; уларнинг жами майдони 5 минг кв.км.га яқин (вилоятнинг умумий майдони 20,1 минг кв.км). Шу билан бирга энг кичик туманлар-Ангор ва Бандихон ҳудуди 0,4 ва 0,2 минг кв.км-ни ташкил этади, холос.

Жадвал

Сурхондарё вилояти аҳолисининг ўсиши ва жойланиши

Т.р.	Туманлар	Аҳоли сони, минг киши ҳисобида					1989-2005 йил-ларда ўсиш, %	Зич-лик 1 кв.км киши (2002 йил)
		1989	1992	1996	2000	2005		
1	Ангор	65,1	72,2	82,1	88,1	92,7	142,4	237,6
2	Бандихон	-	-	27,1	32,2	38,4	141,7	192,0
3	Бойсун	69,7	76,2	75,4	80,5	85,3	122,4	22,9
4	Денов	186,7	207,6	240,0	264,7	284,0	152,5	378,6
5	Жаркўрғон	101,4	112,5	129,2	142,2	153,6	145,4	134,7
6	Музрабод	69,1	76,6	86,4	93,7	100,5	164,7	135,8

7	Олтинсой	77,1	85,0	97,1	109,2	119,2	154,6	212,8
8	Сариосиё	190,2	117,4	130,6	141,9	149,0	78,3	37,9
9	Термиз	54,4	59,3	66,1	73,2	78,6	144,5	91,3
10	Узун	-	92,9	108,0	117,7	125,0	144,8	76,6
11	Шерабод	85,7	95,4	112,5	124,4	139,6	162,9	51,1
12	Шўрчи	97,3	107,5	124,6	138,1	148,9	153,0	175,1
13	Қизириқ	51,9	61,.5	68,1	74,2	79,8	153,7	228,0
14	Қумқўрғон	108,4	119,3	128,0	143,1	155,3	143,3	70,2
15	Термиз шаҳри	91,9	101,3	107,2	113,1	119,2	129,7	-
	Сурхондарё вилояти	1247,8	1380,8	1578,4	1736,7	1804,0	144,6	89,7

Изоҳ: Бандихон туманида аҳоли ўсиши 1996-2005 йиллар ва Узун туманида 1992-2005 йиллар бўйича ҳисобланган.

Жадвал Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистонда энг паст урбанизациялашган минтақадир. Бу ерда 8 шаҳар ва 7 шаҳарча мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида 361 минг киши ёки вилоят жами аҳолисининг 19,4 фоизи яшайди. Вилоят маркази Термиз-катта, Денов-ўрта шаҳарлар гуруҳига киради, қолган барча шаҳар ва шаҳарчаларнинг аҳолиси 50 минг кишидан ошмайди; Жарқўрғон, Шўрчи, Бойсун ва Шерабод шаҳарларининг ҳар бирида 20-25 минг кишидан аҳоли яшайди, энг кичик шаҳарча-Ҳурриятда эса 4 минг кишига яқин аҳоли бор.

Вилоят аҳолисининг бундай ҳудудий таркиби ва ўсиши хўжалик тармоқларини жойлаштириш, истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Албатта, Сурхондарёда аҳолининг нисбатан тез ўсиши бундай маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришни тақозо этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ҲУДУДИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

А.А.Қаюмов, Б.А.Солиев
Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистонни сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда геокриминоген вазиятга оид масалаларни ҳал этиш долзарб ижтимоий муаммолардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари

асарида «Жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳатлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради» деб таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, геокриминоген вазият турли мамлакат ёки минтақаларда содир этилаётган жиноятларга таъсир этувчи шарт-шароит ва омилларни, криминоген вазиятнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганади. Геокриминоген вазият жиноятчиликнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш билан бирга, айни пайтда унинг ҳудудларда йилнинг турли мавсум ва вақтларида содир этилишини, жиноят содир этган шахсларнинг социал-демографик таркиби ҳамда алоҳида турдаги жиноятларнинг шароит ва сабабларини ҳам тадқиқ этади.

Ўзбекистонда рўйхатга олинган жиноятлар сони ва унинг географик жиҳатлари ўзига хосдир. Рўйхатга олинган жиноятлар сони турли йилларда турлича бўлган. Чунончи, Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврда, хусусан 1985-1990 йиллар мобайнида рўйхатга олинган жиноятлар сони 25 фоизга кўпайган бўлса, 1990-1995 йилларда бу кўрсаткич 1,3 мартага камайди. Бироқ, кейинги 5 йилликларда, яъни 1995-2000 йилларда рўйхатга олинган жиноятлар сони 10,3 фоизга, 2000-2005 йиллар орасида эса 8,1 фоизга ошган[1].

Рўйхатга олинган жиноятлар сонини ҳар 10 000 та аҳолига нисбатан олинганда, кўйидагилар маълум бўлади: 1985 йилда ҳар 10 000 та аҳолидан 39,4 таси жиноят содир этган. Бу рақам 1990 йилда 43,0 кишини ташкил этди. 1990-1995 йиллар орасида 10 000 та аҳолига тўғри келган жиноятлар сони 13,6 тага камайди. Бироқ, бу кўрсаткич 2000 йилда яна кўтарила бошлади ва 2005 йилда 30,3 кишига етди.

Ўзбекистон ва МДҲ давлатларидаги геокриминоген ҳолатни таққослаш натижасига кўра, 2001 йилда Россияда ҳар 10000 кишига тўғри келган жиноятлар сони 206 тага тўғри келади[1]. Бу кўрсаткич 1998 йилда Украинада 115, Белорусияда 120,5, Қозо-ғистонда 94, Қирғизистонда 73,5, Туркманистонда 30,2 ва Тожик-истонда 21,8, Ўзбекистонда эса 29 тани ташкил этган[2]

Ўзбекистонда қайд этилган жиноятларнинг географик жиҳатлари шундан иборатки, жами содир этилган жиноятларнинг ҳар тўртасидан бири Тошкент шаҳрига тўғри келади. Шунингдек, нисбатан юқори кўрсаткич Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам кузатилади. Умуман, Ўзбекистон ҳудудидаги криминоген ҳолатни 4 гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга республика ўртача кўрсаткичидан деярли 3

[1] Народное хозяйство Узбекитана в 1990 г. -Т. -с.15; Узбекистан в цифрах 2000-2005 гг. Статистик ежегодние. –Т. с.68-69.

[1] Женщины и мужчины России. Статистический сборник. – М., 2002.

[2] ЮНИСЕФ (2000 год). Молодежь в меняющемся обществе// Государственная политика по отношению к молодым правонарушителям.- Детский фонд ООН Исследовательский центр «Инноченти». с. 108

марта ортиқ, жиноятчилик даражаси жуда юқори бўлган Тошкент шаҳри киради Иккинчи гуруҳга жиноятчилик даражаси анча юқори бўлган Сирдарё, Тошкент, Навоий вилоятлари киради. Учунчи гуруҳни республика кўрсаткичидан 0,9-0,7 марта кам бўлган, жиноятчилик даражаси паст ҳудудлар Самарқанд, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро вилоятлари ташкил этди. Тўртинчи гуруҳ эса жиноятчилик даражаси паст бўлган Наманган, Андижон, Сурхондарё, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Биринчи ва иккинчи гуруҳларга кирувчи минтақаларда жиноят содир этишнинг кўплигига, биринчидан аҳоли миллий таркибининг турличалиги бўлса, иккинчидан, миграция жараёнининг интенсивлиги, учинчидан, саноат тармоғининг анча ривожланганлиги ва урбанизация даражасининг юқорилиги, тўртинчидан, аҳоли орасида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка рўжу қўйилингани ҳамда миллий урф-одат ва қадриятларга аҳоли эътиқодининг сусайиб кетганлиги ҳамда жиноят содир этишга қулай шароит борлиги таъсир кўрсатган.

Жиноятларни содир этишда аҳолининг миллий таркибида мавжуд фарқлар кузатилади. Чунончи, ўзбек, тожик ҳамда туркман миллатига мансуб аҳоли орасида асосан гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этиш нисбатан юқори бўлса, рус. татар, қозиқ миллатлари орасида эса кўпроқ ўғрилик, безорилик, босқинчилик, ҳаётга қарши жиноятларни содир этилиши кузатилди.

Аҳолининг шаҳар ва қишлоқ жойларида жойланиши ҳам ўз навбатида геокриминоген вазиятга таъсир қилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг салмоғи 36,3 фоизни, қишлоқ аҳолиси эса 63,7 фоизга тенг. Аммо, шаҳарларда қишлоқ жойларга қараганда жиноят содир этиш 6-7 марта кўпроқ содир этилади. Чунки, шаҳар жойларида аҳоли зич жойлашган ҳамда бу ерда миллий таркиби турлича бўлган аҳоли кўп қаватли уйларда яшайди. Бу эса кўпинча ўзаро муносабатларда ўзига хос қийинчиликларни келтиради. Қишлоқ ижтимоий муҳитида эса барча бир-бирини яхши таниганлиги сабабли жиноят қилиш, ўғирланган нарсаларни яшириш ёки сотиш каби ҳодисалар қийинроқ кечади.

Шаҳар ва қишлоққа хос бўлган жиноят турлари мавжуд бўлиб, шаҳар жойларида асосан шахсий квартираларда содир этиладиган ўғрилик, босқинчилик, талончилик, гиёҳвандликка оид жиноятлар, қасддан баданга шикаст етказиш каби жиноятлар кўпроқ учраса, қишлоқларда эса асосан тақиқланган экинларни етиштириш, уни сотиш, чорва молларини ўғирлаш кўпроқ учрайди.

Жиноят содир этган шахсларнинг жинс таркибини таҳлил қилиш геокриминоген вазиятнинг асосан эркаклар учун хослигини кўрсатади. Жумладан, статистик маълумотлар кўрсатишича, республикада содир

этилаётган жиноятларнинг 88,5 фоизи эркакларга, 11,5 фоизи хотин-қизларга тўғри келади. Бу кўрсаткич Россияда 82,5 ва 17,5 фоизларни ташкил қилади.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, ҳар бешта судланган шахслардан бирининг ёши 18-25 ёки 25-30 ёшдагилар ташкил этади; уларнинг ярми эса 30-50 ёш орасидагиларга тўғри келади. Айни вақтда 50 ва ундан юқори ёшда жиноят содир этиш анча кам (6 фоиз атрофида). Умуман, республика аҳолисининг криминоген фаоллиги 18-35 ёшдагиларда кузатилади. Айни вақтда судланганларнинг атиги 4 фоизидан ортиқроғи 13-17 ёшдагиларга тўғри келади

Жиноий фаолиятда минтақалардаги демографик, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг ва маънавий-мафкуравий ҳолатнинг таъсири сезиларли даражада юқори. Шу ўринда ҳар хил функционал типдаги шаҳарларга хос бўлган жиноят турларини ўрганиш, шунингдек қишлоқ жойларига тегишли геокриминоген ҳолатни аниқлаш амалий аҳамият касб этади.

Фуқароларни жиноятчиликка ундайдиган салбий омиллар мажмуини ҳудудга хос хусусиятлар (масалан, гиёҳвандлик жиноятини) орқали ўрганиш, маҳаллий шароитда жиноятчиликни олдини олишнинг умумижтимоий, махсус криминоген ва ҳудудий-ташкилий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳудудларда аҳолининг бандлик даражасини кўтариш асосида геокриминоген вазиятни яхшилашга эришилади. Мамлакатда бошқариш осон бўлган ўрта бизнесни ривожлантириб бандлик муаммоларини маълум даражада ҳал этиш мумкин. Кичик ва ўрта шаҳарларда меҳнатни кўп талаб қилувчи саноат корхоналарини (асосан енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат), корхоналарини очиш ҳам ижобий ишлар сирасига киради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ

И.А. Ҳасанов, М.Ж. Болтаев
Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистонда туризмнинг ҳозирги аҳволи, унинг мавжуд табиий, экологик, тарихий ва маданий объектлари, республикада сайёҳлик тизимини таркиб топтириб келаётган «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда туризм фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ташкилотлар ҳақида Адабиётларда, матбуотда етарлича маълумотлар келтирилган. Шунинг учун биз қуйида қисқача Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, муаммолар таҳлилига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ҳозирги кунда туризм Ўзбекистонда ҳам оммавий тус олмоқда. 1992 йилда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг тузилиши, Ўзбекистонни 1993 йилда Жаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлиши, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси» ҳақида қабул қилган фармони, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» қонунни қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури» тўғрисидаги фармони, шунингдек, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон ўзининг туристик ресурслари бўйича Марказий Осиёда олдинги, дунёда ноёб туристик салоҳиятга эга бўлган 10-15 та давлатлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг худудида ҳар хил тарихий даврларга мансуб 4 мингдан ортиқ бетакрор архитектура, тарихий ва табиат ёдгорликлари мавжуд.

Республикамизда туристларни жалб қилувчи асосий омил, энг аввало, унинг мафтункор табиатидир, табиатининг хилма-хиллиги, иқлими, об-ҳавосининг йил давомида туризмни ривожлантириш учун қулайлигидир. Аммо таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг туристик имкониятларидан етарли даражада тўлиқ фойдаланилмаяпти, аҳолиси туризмнинг барча соҳаларига тўлиқ кириб борганича йўқ. Бундан қуйидаги рақамлар ҳам далолат беради: 2003 йилда кичкинагина Словакияга 25 миллион, Прага шаҳрига 10 миллион, Петербургга 3 миллион атрофида турист ташриф буюрган бўлса, Ўзбекистонга бор-йўғи 230 минг, 2004 йилда 261,6 минг, 2005 йилда 241 минг турист келган, холос. Уларнинг асл мақсади Ўзбекистон тўғрисида умумий маълумот олиш, Буюк Ипак йўлидаги маданий-тарихий обидалар билан танишиш ҳамда табиат қўйнига саёҳат қилиш, альпинизм билан шуғулланиш ва ов қилиш бўлган.

Ўзбекистоннинг саёҳлик бозорида 2005 йилда шу соҳада фаолият юритиш учун лицензияга эга бўлган атиги 408 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 326 таси хусусий фирмалардан иборат бўлган. Шу йили республикамизда турли мулкчилик шаклларига асосланган умумий ҳисобда атиги 14 минг кишига мўлжалланган 168 та меҳмонхона фаолият кўрсатган.

Ўзбекистонда туризмнинг бундай паст даражада бўлиши аввалambор ҳудудимизнинг материк ичкарисида, ёпиқ ҳавзада, ривожланган мамлакатлардан анча узоқда жойлашганлигига, инфраструктуранинг яхши ривожланмаганлигига боғлиқдир. Меҳмонхоналарда яшаш тўловининг қатор хорижий мамлакатларга нисбатан анча қимматлиги, «Ўзбекистон

ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хизматининг ҳам қимматлиги туризмни ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатга туристларни жалб этиш, туристик объектларни жаҳон миқёсида реклама қилиб танитиш, туризм бизнесини иқтисодиётимизнинг даромадли тармоғи даражасига кўтариш, унинг замонавий турларини ривожлантириш ва республикамизни халқаро туризм марказларидан бирига айлантириш соҳасида ҳам кўпгина ишларни амалга ошириш талаб этилди. Бундай ишларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ўзбекистон аҳолисини чет элга, айниқса Европа мамлакатларига, чет элликларни Ўзбекистонга келишлари учун виза олишни соддалаштириш лозим;

2. Республикада туризмнинг экстермал, фермерлик каби янги йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Сайёҳлик маданиятини жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантириш ҳамда меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга эришиш.

Ҳозир меҳмонларимиз ҳақида Интернетда маълумот жуда оз, улар бўйича дунё тўлиқ тасаввурга эга эмас. Ваҳоланки, интернет туристик бозорда янгилик, у қаерда, қайси жойда дам олишни белгилашда муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Петербургга туристларнинг кам келишини сабабларидан бири унинг 400 та меҳмонхонасида жойни Интернет орқали «брон» қилиш фақат 25-30 тасида йўлга қўйилган. Парижда эса 800 та меҳмонхонада, Римда 450 та меҳмонхонада, Берлинда 210 та меҳмонхонада жойни мурожаат қилинган заҳотиёқ брон қилиниб мижозга шу вақтнинг ўзидаёқ тасдиғи ҳақида маълумот берилади. Бундай тезкорлик, ҳозиржавоблик туристик бизнесининг ютуғини, обрўсини таъминлайдиган омилдир. Ўзбекистонда ҳам бундай ҳозиржавоблик тўлиқ жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

4. Чет эллик туристлар учун тиббий кафолатни тўлиқ йўлга қўйилиши, республикамизда туризм соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш устувор ишлардан бири бўлиш керак. Шунингдек, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиб, янги сайёҳлик бозорларини ўзлаштиришни кўзда тутишимиз лозим. Бунда сайёҳлик бозорида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистондаги 408 та корхонанинг мавқеи юқори бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон аҳолисини ҳам чет элда дам олишини тегишли даражасида таъминлаш лозим. Масалан, Қозоғистон туристик ассоциясининг берган маълумотларига кўра, бу қўшни давлат аҳолисидан фақат Туркиянинг ўзида 2004 йилда 60 минг, 2005 йилда 100 минг га яқин, 2006 йилнинг октябрь ойига қадар 120 мингдан ортиқроқ киши бўлиб қайтган. Қозоғистонликлар бошқа кўплаб давлатларда ҳам дам олишни хуш кўрадилар.

Юқоридаги чора-тадбирлар амалга оширилса, мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланилса, Ўзбекистонда ҳам туризм миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бирига айланиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИНИ ЖОЙЛАШУВИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ф. А. Эшбоева
Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратишни республиканинг ёқилғи-энергетика мажмуасиз тассавур этиб бўлмайди. Зеро, мамлакат иқтисодиётини тараққиёти унинг ёқилғи-энергетика ресурслари билан чамбарчас боғланган. Бунда нефть ва газ саноатининг аҳамияти катта. Мазкур саноат тармоғи энг аввало нефть ва газ конларини қидириш, нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш ва транспортировка қилиш фаолиятини ўзида мужассам этган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган нефть ва газ салоҳиятига кўра қуйидаги минтақалар вужудга келган: Бухоро-Хива, Устюрт, Сурхондарё, Жанубий - Ғарбий Ҳисор ва Фарғона.

Ўзбекистонда жами 194 та углеводород хомашё конлари очилган. Шундан 98 таси газ ва газ конденсатли, 96 таси нефть, нефть газ ва нефть конденсатли конлардир. Жами конларнинг 47% ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда, 35% ўзлаштиришга тайёрланган, қолганларида эса разведка ишлари давом этмоқда, мавжуд нефть ва газ ресурслари 1 триллион АҚШ долларидан кўпроқ қийматга баҳоланмоқда.

Жами очилган нефть ва газ конлари ичида иккитаси (Газли ва Шўртан) ўта ноёб гуруҳга, 17 таси йирик Учқир, Қандим, Жанубий Кемачи, Денгизкўл, Ўртабулоқ, Хаузак, Кўкдумалоқ, Зеварди, Алан, Қултоғ, Памук-Бухоро-Хива минтақасида), Одамтош, Гумбулоқ, Жанубий Тандирчи-Жанубий-Ғарбий Ҳисор минтақасида, Гажак- Сурхондарё минтақасида ҳамда Шохпахта –Жанубий Устюрт минтақасида) гуруҳга, 8 та ўрта (Шимолий Муборак, Жанубий Муборак, Қулбешкак, Даяхотин, Оққум, Умид ва Шимолий Нишон –Бухоро Хива минтақасида, Жарқоқ-Жанубий-Ғарбий Ҳисор минтақасида) гуруҳга мансуб.

Ўрганилган конлар ичида Углеводород хом ашёсининг заҳирасига кўра биринчи ўринни майда (7,3%) конлар, иккинчи ўринни (14,4)-ўртача конлар, учинчи ўринни (10%) – йирик ва тўртинчи ўринни (1,3%) – уникал конлар ташкил этади. Шунинг билан бирга конлар ҳудудий жиҳатдан ҳам турлича тақсимланган. Жумладан, 66,9% нефть ва газ конлари Бухоро –Хива минтақасида, 17,5% Фарғона минтақасида, 7% Сурхондарё, 5,7% Жанубий –Ғарбий –Ҳисор ҳамда 3,2% Устюрт минтақасида жойлашган.

Уникал ҳисобланган Газли ва Шўртан конлари заҳираси мамлакатда аниқланган барча конларнинг 35,4% ни ташкил этади. 1985 йили эса Кўкдумалоқ нефть ва газ конденсатли кон очилди. Уларнинг барчаси ҳам Бухоро-Хива нефть ва газ минтақасида жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудида нефть ва газ саноатининг вужудга келишида қуйидаги ҳусусиятлар кўзга ташланади. Жумладан, ушбу саноатни вужудга келишида дастлаб Фарғона минтақаси етакчилик қилган бўлса, ҳозирга келиб, Бухоро –Хива минтақаси асосий ролни ўйнайди. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида илк нефть Чимён кони 1900 йили очилган ва 1904 йилда ишга туширилган. Фарғона минтақаси 80 йилларнинг бошига қадар нефть қазиб олиш бўйича етакчилик қилди. Аммо, 1985 йили Кўкдумалоқ конининг очилиши билан Бухоро -Хива минтақаси республикада нефть ва газ етказиб берувчи етакчи минтақага айланди.

Нефть ва газ қазиб олишнинг тадрижий ўсишида жуда катта ўзгаришлар кўзга ташланади. Жумладан, 1913 йили Ўзбекистон ҳудудида жами 13 минг тонна нефть қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 1940 йилда - 119 минг тоннани ташкил қилди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон нефть ва газ саноатида катта ютуқларга эришди. Жумладан, нефть қазиб олиш ҳажми 2004 йили 9602,7 минг тоннани такил этиб, 1992 йилга нисбатан 2,2 мартага кўпайди. Ўзбекистон нефть ва нефть маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжини қондириш имкониятига эга. Жами қазиб олинган табиий газнинг 84% мамлакатнинг ички эҳтиёжлари учун сарфланса, қолган 16 % четга экспорт қилинмоқда.

Ҳозирги кунда республикада ўртача 11 миллион тонна нефть қайта ишлаш қудратига эга бўлган Фарғона, Олтиариқ ва Қоравулбозор нефтни қайта ишлаш заводлари мавжуд. Шунингдек, Муборак, Шўртангаз газни қайта ишлаш корхоналари ишлаб турибди. Булар ўз навбатида республикамизда нефть ва газ кимё саноатини шаклланиши ва ривожланишига шароит яратди. Шунингдек, Ўзбекистон нефть ва газ саноати секторида хорижий сармоянинг киритилиши асосида 10 та йирик қўшма корхона ҳам вужудга келди. Улар жумласига қуйидагилар киради: “Уз Малоил” (Малайзия билан), “Уз-Тексако” (АҚШ), “Фармой” (АҚШ), ”Бентонит” (АҚШ), “ Нефтегазтранс” (АҚШ), “Кўкдумалоқ” (АҚШ), “Сервисный центр UZ -DR” (Голландия), “Узволгабурмаш” (Россия), “Джаркурганнефтепереработка” (Россия), “Игилик” (Россия).

Ҳозирда республикада нефть ва газ саноатини “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси бошқармоқда. Сўнгги йилларда ушбу соҳада хориж сармоясини жалб этишга ҳам ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўзида Россиянинг “Газпром” компаниясининг Ўзбекистонга киритадиган сармояси жами 1,5млрд долларни ташкил этмоқда.

Сўнгги йилларда Фарғона минтақасининг хом ашё салоҳиятини пасайиши кузатилади. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхоналари эса асосан республиканинг Қашқадарё вилояти ҳудудидан қазиб хомашёни қайта ишлайди. Бу ўз навбатида хомашёни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ўртасида муайян ҳудудий тафовутларни вужудга келтиради.

Адабиёт

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т. “Ўзбекистон” 1997

2.Каримов И. А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молявий барқарорлик тўғрисида. Т.: “Ўзбекистон” 2005.

3.Долимов Т. Н., Шоёқубов Т. Ш., Троцкий В. И., Ганиев И. Н. Геология и полезные ископаемье Республики Узбекистан. Т. “Университет” 1998.

4.Экономическое обозрение. №10 (62) 2004. 65стр.

5.Ўзбекистон нефть ва газ илмий -техник журнали № 4 2005.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА КОНСЕРВА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Х.Абдуназаров

Термиз Давлат Университети

Сурхондарё вилоятида консерва саноатини ривожлантириш-нинг кенг имкониятлари бўлсада, лекин у республикамизнинг Қашқадарё, Фарғона водийси вилоятлари ва Тошкент шаҳрига қараганда суст ривожланган. Ваҳоланки, бу ерда мазкур саноатни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Бироқ, ҳозирги имкониятлардан фойдаланишда ҳам баъзи муаммолар юзага келган. Жумладан, бу саноат корхоналарининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш зарур. Тармоқга қарашли консерва заводларига асосан ширкат хўжаликлари қошида оилавий ижара пудрати усулида ташкил этилган полиз, сабзавотчилик бригадалар ва қисман фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етказиб берилмоқда. Аммо, ушбу хом ашё миқдори қайта ишловчи корхоналар учун етарли эмас. Чунки, вилоятдаги мавжуд ширкат ва деҳқон фермер хўжаликлар асосан пахта ва буғдой етиштиришга ихтисослаштирилган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги ислоҳотлар шароитида тузилаётган деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам асосан пахта ва буғдой етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Вилоят деҳқончилик тармоқларида етиштирилаётган сабзавотнинг асосий қисми, яъни 95,3 фоизи, полиз маҳсулотларининг 94 фоизи аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилаётган бўлса,

асосий деҳқончилик хўжаликларининг (ширкат ва деҳқон фермер) сабзавот экинларини етиштиришдаги ҳиссаси 4,7 фоизни, полиз маҳсулотлари етиштиришдаги ҳиссаси 6 фоизни ташкил этади холос (2005 й.). Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, аҳоли шахсий томорқа хўжаликлари вилоятнинг маҳаллий ички истеъмол бозорларини ҳам тўлиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Таҳлил қилинаётган йилда аҳоли шахсий томорқа хўжалигининг узум етиштиришдаги ҳиссаси 25 фоизни, ҳўл мева етиштиришдаги улуши 63 фоизга тенг бўлган. Демак, келажакда консерва саноати корхоналарини сабзавот, полиз ҳамда ҳўл-мева маҳсулотлари билан таъминлаб турувчи хўжалик субъектлар ролини ошириб бориш, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида деҳқончилик саноат интеграциясини чуқурлаштириш зарур.

Тармоқ корхоналарини хом ашё ресурслари билан таъминлашда қуйидаги муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик субъектлари (ширкат, фермер) билан қайта ишловчи корхоналар ўртасида барқарор ҳуқуқий хўжалик шартномаларни тузишга эришиш;
- қайта ишловчи корхоналар қошида ёрдамчи хўжаликлар ёки ихтисослашган деҳқон фермер хўжаликларни ташкил этиш (ишлаб чиқаришнинг хўжалик-корхона шаклига ўтиш);
- ҳар йили буғдой экинларидан бўшаган суғориладиган ерларга режа асосида полиз ва сабзавот экинларини экишни жорий қилиш ва бу борада вилоятнинг республикамизнинг бошқа ҳудудларига қараганда имкониятлари катталигини ҳисобга олиш (агроиқлим ресурслари, шу жумладан, ижобий фойдали ҳарорат йиғиндисининг юқорилиги, вегетация даврининг узунлиги).

Айни вақтда тармоқга қарашли корхоналарда ишлаб чиқариш ускуналарининг эскириши ишлаб чиқарилаётган консерва маҳсулоти сифатининг пасайишига, шунингдек, бутловчи қисмларни (шиша идиш, қопқоқ ва этикетка қоғозлар) республикамизнинг бошқа вилоятларидан олиб келиниши маҳсулот таннархининг юқори бўлишига олиб келмоқда. Бинобарин, тармоқнинг ривожланишини қўшма корхоналар қуриш асосида йўлга қўйиш ва ушбу корхоналар таркибида бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи замонавий цехларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнининг мавсумий муддатини узайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи истеъмол бозоридаги талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Ҳозирги вақтда вилоят консерва саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган консерва маҳсулотлари ички истеъмол бозорларида ва корхона омборларида туриб қолмоқда. Бунинг

бир қанча сабабларини мисол қилиб кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Чунончи;

- консерва маҳсулотларининг маиший уй-рўзғор шароитида тайёрланиши ва истеъмол қилиниши;
- Сурхондарё вилоятида урбанизация даражасининг пастлиги, аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилиши, шу боисдан консерва маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси йирик шаҳарлар аҳолиси эканлиги;
- корхоналарда ишлаб чикарилаётган консерва маҳсулотлари сифатининг пастлиги ва таннархининг юқорилиги унинг ташқи ва ички бозорда рақобатга чидамсизлиги;
- шунингдек, тармоқ корхоналарида истеъмол бозорини ўрганиш ҳамда унинг хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтиришда маркетинг хизматини йўлга қўйиш қониқарли даражада ташкил этилмаганлиги шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, келажакда тармоқни хорижий инвестиция ёрдамида ривожлантириш минтақа иқтисодиётининг юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

ТОШКЕНТ АГЛОМЕРАЦИЯСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТИПЛАРИ ВА ИХТИСОСЛАШУВИ

С.Таштаева
Ўзбекистон Миллий университети

Йирик пойтахт шаҳарлар ва уларнинг атрофларида шаклланган агломерациялар мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва геосиёсий ҳаётида «бошқарувчи» рол ўйнайди ва уларнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеини белгилаб беради. Шу жиҳатдан агломерацияларнинг мамлакат халқ хўжалиги тизимида қандай функцияларни бажаришини ўрганиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шаҳарларнинг функционал типлари асосан уларнинг ўлчамига-катта ёки кичиклигига боғлиқ бўлади. Агломерацияларнинг функциялари кўп ҳолларда марказий шаҳар функцияси билан белгиланади, қолган йўлдош шаҳарлар эса унга «ёрдамчи» ёки тўлдирувчи вазифаларни бажаришади.

Тошкент агломерацияси- йирик, “миллионер” шаҳар негизида вужудга келган бўлиб, унинг республика пойтахти, етакчи иқтисодий район ва вилоят маркази эканлиги унда кўплаб тармоқлар ва фаолият турларининг тўпланишига сабаб бўлган.

Республиканинг мустақилликка эришиши 2 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган миллий пойтахт шаҳар зиммасига янада улкан «давлат вазифалари»ни юклади. Ўтиш даврида агломерацияда бозор муносабатларига хос муҳит шаклланди: иқтисодиёт тармоқларида

ўзгаришлар содир бўлди, йирик саноат ишлаб чиқариши ўрнини кичик ва ўрта корхоналар эгаллади, ердан фойдаланишга бўлган муносабат ўзгарди, бозор талабларига мос келувчи янги тармоқларнинг роли ортди, пойтахт шаҳарнинг халқаро миқёсда геосиёсий ва бошқарув мавқеи ошди.

Саноат асосий шаҳар ташкил қилувчи омиллардан бири бўлиб, 90-йилларда унинг ҳиссасига халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 39 фоизи тўғри келган. Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Киев, Минск, Баку, Новосибирск шаҳарлари қаторида турган. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил, озиқ-овқат саноати каби тармоқларга ихтисослашган бўлиб, унинг бу сектордаги салоҳияти нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё доирасида етакчи бўлган.

Ҳозирги кунда ушбу тармоқда банд бўлган аҳоли ҳиссаси 20 фоизни ташкил этмоқда. Саноат тармоқлари таркибида ҳам маълум даражада ўзгаришлар юз берган, жумладан, машинасозлик, кимё, енгил саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми пасайган, озиқ-овқат, полиграфия, тиббиёт саноати ҳиссаси ортган. Шунга қарамай, шаҳар саноати машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноатига ихтисослашган ҳолда ривожланмоқда.

Айни пайтда шаҳарнинг сиёсий-маъмурий ва илмий-маданий соҳаси тез ривожланиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг улуши ортди (20-35 %). Бу ерда давлат ва хўжалик бошқаруви аппарати, Фанлар Академияси, кўплаб илмий текшириш институтлари, конструкторлик-лойиҳалаш ташкилотлари, бозор инфратузилма шохобчалари, ўнлаб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жойлашган, улар соф пойтахтлик функциялари: ташкилий, маъмурий-бошқарув, лойиҳалаш, илм-фан ва кадрлар тайёрлаш, ҳамда қайта тайёрлаш каби вазифаларни бажармоқда.

Тошкент-барча транспорт тармоқларини бирлаштирувчи асосий транспорт тугуни. Халқаро, республика миқёсида, шаҳарлараро юк ва йўловчилар ташишда транзит темир йўл, ҳаво ва автомобил йўллари шу ердан ўтади. Шаҳарнинг бундай қулай транспорт-географик ўрни савдо-сотиқнинг ривожланишига ҳам имкон беради . Шаҳар азалдан савдо маркази сифатида вужудга келган. Йирик бозорлар, дўконлар, савдо шохобчалари республика учун хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳрининг яна муҳим вазифаларидан бири – Марказий Осиёда энг ривожланган агломерация маркази эканлигидир. Шаҳарнинг кўп функциялилиги, қатор тармоқ ва меҳнат турларининг мавжудлиги атрофидаги аҳоли манзилгоҳларини ўзига тортиб туради. Бу ердаги шаҳарлар асосан марказий шаҳарга хизмат қилувчи ёки уни тўлдирувчи вазифаларни ўтайди. Уларни бажарувчи функцияларига кўра қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

Махсус саноатга ихтисослашган шаҳарлар-Чирчиқ, Янгийўл;

Курорт ва рекреация шаҳарлари: Чорбоғ, Ғазалкент, Искандар;

Маъмурий марказлар-Келес, Қибрай, Тўйтепа ва б;

Агроиндустриал шаҳарлар-Дўстобод, Чиноз, Оққўрғон ва б;

Илмий марказлар-Улуғбек.

Агломерация ядроси (маркази) ва йўлдош шаҳарлар ўзлари бажарадиган функциялар бўйича аҳоли алоқалари орқали чамбарчас боғланган. Аммо ишлаб чиқариш алоқалари суст ривожланган бўлиб, кооперация, ихтисослашув даражаси анча паст. Бундай алоқалар хусусан ҳозирги ўтиш шароитида ўзига хос хусусиятларга эга. Сабаби, бу даврда йирик саноат корхоналари ривожланишида маълум қийинчиликлар вужудга келди. Бу эса, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришини ижтимоий ташкил этиш шаклларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Агломерациянинг йўлдош шаҳарлари кичик шаҳар ва шаҳарчалардан иборат бўлиб, энг катта йўлдоши ўзидан 13 марта кичик (Чорбоғ, Янгиҳаёт, Янги Чиноз каби шаҳарчаларда бор-йўғи 4-5 минг киши яшайди.). Улар асосан бир функцияли бўлиб, айримларининг функциялари ҳатто аниқ шаклланмаган. “Йўлдош” шаҳарларнинг кўпчилиги туман марказлари вазифасини бажаради.

Тошкент шаҳрида хилма хил соҳа ва тармоқларнинг мавжудлиги, илмий-маданий салоҳиятининг кенглиги нафақат атрофидаги, балки бошқа вилоятлардаги аҳолини ҳам ўзига тортади. Шаҳарга республиканинг турли минтақаларидан келган аҳолини рўйхатга қўйишдаги чеклашлар ва шаҳар ичида уй-жой нархларининг ошиб бориши туфайли шаҳарга яқин жойлашган қишлоқ ҳудудлари ўзгариб бормоқда. Бу эса йирик шаҳарнинг худудий жиҳатдан янада кенгайиб, уни қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминловчи ерларни ўз «домига» тортишига олиб келади. Шу ўринда айтиш лозимки, шаҳар ичида «ким ошди» савдосига мувофиқ ерлардан тартибсиз ,хўжасизларча фойдаланиш, дуч келган ерга турли йўналишдаги объектларни қуриш яқин келажакда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин.

Агломерация табиий ресурсларга-ер, сув, айниқса минерал ресурсларга бой эмас. Унинг асосий бойлиги-қулай иқтисодий ва транспорт географик ўрни, юқори урбанизациялашган пойтахтлик муҳити, илмий-техник салоҳияти, малакали кадрларнинг тўпланган, қулай инвестиция маконининг мавжудлигидир. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда пойтахт ва йўлдош шаҳарларни функционал такомиллаштириш, кичик шаҳар ва шаҳарчаларда бозор талабларига мос келувчи соҳаларни (нозик машинасозлик, туризм, кадрлар тайёрлаш ва ижтимоий инфраструктурани) ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда агломерацияларда ўзига хос бозор муҳити шаклланиб бормоқда. Турли соҳалардаги эркин рақобат, ер ресурсларидан фойдаланиш, кичик шаҳар ва шаҳарчаларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, ягона меҳнат бозоридан самарали фойдаланиш каби

муаммоларни изчил ҳал этиш аҳоли жойлашувининг ҳудудий тизими бўлган шаҳар агломерацияларига янгича ёндошувни тақозо этади.

ДАВЛАТНИНГ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СИЁСАТИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Қосимов
Ўзбекистон Миллий университети

Жаҳон иқтисодиётида жадал ривожланиб, унда ўз ўрнини муносиб эгаллаб турган туризм соҳаси олдида бугунги кунда ўз мавқеини сақлаб қолиш, қолаверса, ўсиш суръатларини янада ошириш каби долзарб вазифалар турибди. Мазкур вазифаларни бажаришда жаҳон тажрибасидан маълумки давлатнинг таъсири ва книнг шу соҳада юритаётган сиёсати муҳим рол ўйнайди. Айниқса бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги ривожланаёган мамлакатларда давлатнинг аҳамияти катта ҳисобланади.

Давлат туризм соҳасини бевосита туризм вазирлиги ёки миллий туристик ташкилотлар ёрдамида тартибга солиб туради. Шунингдек, бу борада бошқа хил дастаклар ҳам мавжуд бўлиб, улар орқали таъсирини ўтказади ва ўзининг инфратузилмаси, халқаро сиёсатини яхшилаб боради.

Давлат туризмга 2 хил йўл билан таъсир кўрсатади: талаб ва фойда ёки таклиф ва нархлар орқалидир.Талабларни бошқаришда давлат восита сифатида маркетинг ва бошқа хизмат турларини бажаради.

Туризмда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун аввалambор аниқ ўйланган ва ишлаб чиқилган режа ҳамда туризм бозорини яхши ўрганган бўлиши керак. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг тавсиясига биноан тадбирлар уюштириш лозим. Унда давлатнинг имиджини кўрсатиш муҳим саналади.

Давлат имиджини кўрсатишнинг турли хил усуллари мавжуд. Улар орасида турли хил рекламалар, брошюралар, видеослайдлар, ярмарка-кўргазмалар орқали ва ўз ходимларини чет элларга хизмат сафарларига жўнатиш, чет элликларни хизмат доирасида қабул қилиш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг нархлар ва туристик хизматларга таъсирини кўриш мумкин. Асосий диққатга сазорвор жойлар, йирик авиакомпаниялар, баъзи ҳолларда ҳатто меҳмонхоналар ҳам давлат ихтиёрида бўлади. Шу билан бирга ижтимоий-инфраструктура ва транспорт алоқаси бевосита давлат тасарруфида бўлади. Шунингдек, у турли механизмлар орқали туризм индустрияси ва инфроструктурасини шакллантиришда билвосита ҳам иштирок этади. Масалан, валюта назорати, яъни валюта айир бошлашни чеклаш туристлар валютани қиммат баҳода айирбошлашга сабаб бўлади, натижада саёҳат харажатлари қимматлашиб кетади; давлат, бундан ташқари, талабга туроператорлар, туристик ташкилотларга, лицензия ёки сертификат беришни чеклаш билан ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатнинг нархларни тартибга солиш сиёсати бозор иқтисодиёти шароитига хос эмас, бироқ миллий компанияларни тез фурсатда келажакни уйламаган ҳолда мўмай даромад ишлаб шу билан бирга давлат обрўсига путур етказиб қўйишини олдини олиш учун ҳам зарур ҳисобланмоқда. Давлат нархларни назорат қилиш орқали туристларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши ҳам мумкин, яъни уларни юқори харажатлардан асраб қолиш имкониятларини яратиб беради.

Талабларни тартибга солишда давлатлар турли хил йўл тутишади. Баъзилари туристларнинг келишини чеклаб қўйишади, визаларни бериш камайтирлиб, манзарали жойлардаги меҳмонхоналар қурилишига рухсат берилмайди ёки экологияни асраш мақсадида ёпиб қўйишади. Талабни бошқариш учун давлат таклифни кўриб чиқади, шу мақсадда туризм бозори тадқиқ этилади ва тегишли таҳлил қилинади. Туризм соҳасига инвестиция жалб қилишда асосан давлат асосий ролни бажаради. Умуман олганда эса, туризм соҳасига молиявий ёрдам ёки субсидияларни давлат киритади. Лекин унинг қай даражада эканлиги ва самараси туризмни мамлакат иқтисодиётида ўрни билан боғлиқдир. Бу вазиятда давлат чет эл инвесторларини жалб қилишда фаол иштирок этади.

Тан олиш керакки, туризмга сармоя киритиш жуда нозик масала ва тез ҳолда куйиб қолиши ҳам мумкин ва бу вазиятда давлат кафолати муҳим аҳамиятга эга. Шунга ўхшаш ҳолларга тушиб қолмаслик учун турли хил заёмлар, имтиёзлар, узоқ муддатли кредитлар ажратиш йўлга қўйилади. Масалан, Греция ва Партугалияда имтиёзли заёмлар бериш йўлга қўйилган. Франция, Италия, Буюк Британия асосий эътиборни субсидияларга қаратган. Испанияда эса импорт товарга қўшимча қиймат солиғини пастлигини келтириб ўтиш мумкин.

Туризм соҳасига кириб келаётган халқаро инвестициялар бевосита халқаро ташкилотлар ёрдамида кириб келади. Жумладан, Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банкининг бу борадаги асосий йўналишлари нормал ҳаёт даражасида ривожланиб келаётган давлатларда туризм инфраструктурасини шакллантиришга қаратилган.

Бу борада Европа Иттифоқининг ёрдами катта. Европа минтақа ривожланиш фонди Иттифоқнинг суст ривожланган давлатларига ёрдам кўрсатишга қаратилган. Бугунги кунда фонд (1975 й. тузилган) Европа қишлоқ жойларида туризмни янада ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларга ҳомийлик қилиб келмоқда. Ушбу фонднинг грантлари 40 йилга мўлжалланган бўлиб, аввалига 10 йилда йилига 1% миқдорида борилади. Булар қаторига Европа инвестицион банкини киритиш мумкин. Ушбу банк улар сўнгги пайтларда Ла-манш тунелининг қурулиши, Париждаги Диснейленд, Германиянинг Франкфурт, Мюнхен ва Гамбург шаҳарлари аэропортларини кенгайтиришга маблағ ажратди.

Хусусий секторни шакллантириш ва ривожлантиришда давлат, албатта, фаол рол ўйнайди. Аммо шунга қарамай, суст бозор иқтисодиёти шароитидаги давлатларда давлат аралашуви вазиятни ёмонлаштириб қўйиши ҳам мумкин. Мамлакатимизда ҳам туризмни янада ривожлантиришда давлат таъсири сезилиб туради. Ҳукумат томонидан қатор қарорлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва унинг амалиётда қўлланилишини кузатишимиз мумкин. Чунончи, 1999 йил 20 августда «Туризм» тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши, қолаверса, барча туристик ташкилотлар, муассасалар, агентликлар фаолиятини назорат қилиб турувчи «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил этилиши сўзимизнинг исботидир.

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРИННИНГ МИНТАҚАЛАР ҲОЛАТИНИ БЕЛГИЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Н.И.Сафарова
Тошкент Давлат педагогика университети

Минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида уларнинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) муҳим ўрин тутади. ИГЎнинг қулайлиги иқтисодий ривожланишнинг тезлашувига кенг йўл очади. У айрим сабабларга кўра ноқулайлашиб қолса, тараққиётда қийинчиликлар, инқирозлар юз бериши шубҳасиздир.

Минтақалар ИГЎнинг ҳолатига хилма-хил географик омиллар таъсир қилади. Улар мавзу юзасидан олиб борилган кўп сонли илмий ишларда қайд қилинган ва асосланган. Биз илмий тадқиқотларимиз жараёнида Ўзбекистон ва унинг минтақаларига хос еттита алоҳида омиллар мажмуасини ажратдик. Табиийки, у омилларнинг ҳар бири минтақаларимиз ИГЎ ҳолатларининг шаклланишида у ёки бу тарзда иштирок этади.

Ана шулардан бири иқтисодий географик омилдир. У ҳар қандай минтақа ёки алоҳида ҳудуд, мамлакат ИГЎга, бошқа омилларга нисбатан тўғридан тўғри таъсир эта олиши ва энг муҳими, таъсир даражасининг юқорилиги, ҳамда серқирра йўналишлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Амалда минтақалар ИГЎнинг шаклланишида қатнашадиган барча алоҳида омиллар мажмуаси ҳам ўз ички йўналишларига эга ва улар ўзига хос таъсир ва ҳаракат механизмларига эгадирлар.

Қуйидаги чизмада минтақалар ИГЎга таъсир этувчи иқтисодий географик омилларнинг асосий йўналишлари алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда ишлаб чиқилди. Унда мавзуга алоқадор асосий омилларни ҳисобга олишга ҳаракат қилинди.

Чизмада келтирилган асосий омиллар уч гуруҳга ажратилди. Уларнинг:

Минтақа ИГЎни белгилашда иқтисодий географик омилларнинг ўзаро таъсири ва ҳаракатлари схемаси



- «А» гуруҳи минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига дахлдор бўлган табиий географик имкониятлар йўналишларини;

-«В» гуруҳи минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи моддий ишлаб чиқариш йўналиш ва соҳаларини;

- «С» гуруҳи минтақалар тараққиётига таъсир этувчи асосий илмий-маънавий имкониятларини ўз ичига олади.

Минтақлар ИГЎнинг қулай-ноқулайлик ҳолатини белгилашда унинг табиий шароити имкониятлари, турли табиий бойликлар билан таъминланиш даражаси, ундаги экологик ҳолат ва унинг муҳофазаси каби масалалар муҳим ўрин тутади.

Минтақалар ИГЎнинг қай даражадалиги, унинг жамият моддий бойликларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар мажмуасининг имкониятларига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, минтақалар ИГЎ ҳолатларини келтириб чиқаришда «А» ва «С» гуруҳлари унсурлари асосан ёрдамчи ва «С» гуруҳ унсурлари эса етакчи йўналишлар сифатида қатнашадилар.

Албатта, қулай табиий шароит ва табиий ресурслар ҳар қандай минтақа ИГЎни жозибали бўлишга олиб келади. Аммо, қачонки ундаги бирон муҳим минерал бойликни ўзлаштириш бошлансагина шаҳарлар пайдо бўлади, йўллар ва куприклар қурилади, йирик янги корхоналар иш бошлайди. Асосий корхона ва транспорт тугунларига хизмат қилувчи нафақат ишлаб чиқариш, шуни билан бирга социал-ижтимоий ва алоқа инфратузимлари ривож топа бошлайди. Экология ва табиат мониторинги, уни соғломлаштириш чоралари кўрила бошлайди. Ноишлаб чиқариш ва туризм, ўқув-спорт-соғломлаштириш соҳаларини ривожлантириш ишлари кучайиб боради.

Юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатадики, ИГЎ ҳолатларини шакллантиришда алоқада бўлган иқтисодий географик омилларнинг барча йўналишлари ўзларича алоҳида эмас, балки бир-бирлари билан чуқур боғланган ҳолатда ҳаракат қилади.

ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ПРОБЛЕМЫ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ ВЫСОКОУРБАНИЗИРОВАННОЙ СРЕДЫ

Р.Д.Артыкбаев
Национальный университет Узбекистана

В настоящее время около половины мирового населения (48 % в 2006 г.) проживает в городских поселениях. Продолжается дальнейшая концентрация населения в крупных и крупнейших городах, особенно в «городах-миллионе-рах». Крупнейшие города представляют собой *высокоурбанизированную среду*, в которой складывается своеобразная геодемографическая ситуация.

В Центральной Азии самым большим городом, как по территории, так и по численности населения остается столица Узбекистана Ташкент (четвертый в масштабе СНГ и Балтии и третий в масштабе ЕврАзЭС). В настоящее время в Ташкенте насчитывается 2135,7 тыс. постоянного (2154,3 тыс. наличного) населения (на 01.01.2005 г.), что составляет 8,2 % всего; 36,3 % городского населения РУз. Здесь сконцентрированы 9,2% трудовых ресурсов и 11,2% занятого населения республики. Численность трудовых ресурсов за последние 5 лет выросло на 52,7 тыс. и составило 1323,6 тыс. человек. Характер и интенсивность демографических процессов в Ташкенте резко отличается от таковых в других территориях республики. Здесь наблюдаются самые низкие в масштабе Узбекистана показатели рождаемости и естественного прироста при высокой занятости населения. Аналогичные различия можно выявить и при анализе процессов брачности и разводимости. Огромная территория Ташкента, состоящая из 11 городских районов, имеет значительные внутригородские

различия, как по численности населения, так и по интенсивности демографических процессов (что наглядно отражает приведенная ниже таблица).

Демографическая ситуация в исследуемом городе оказывает определенное влияние на решение проблем занятости, безработицы. Особую социально-демографическую группу в составе населения представляет учащаяся молодежь в возрасте от 15 до 18 лет. Эта группа представлена старшеклассниками и выпускниками школ, которым в недалеком будущим предстоит вступить в ряды экономически активного населения.

Республиканским Центром изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» с 22 по 29 апреля 2005 года был проведен *социологический опрос* выпускников 11-х классов школ во всех городских районах Ташкента. Было опрошено 390 респондентов в возрасте от 15 до 18 лет.[1] В ходе опроса предполагалось выяснить планы выпускников на будущее после сдачи выпускных экзаменов и окончания школы. Результаты опроса показали, что сохраняется престиж высшего образования и его стремятся получить абсолютное большинство выпускников 11-х классов (88,2%). Среди респондентов 5,1% выразили желание после окончания школы пойти работать.

Таблица

Демографические показатели населения г. Ташкента в 2005 году*

№	Территории	Среднегодо-ваяя числен-ноность населения в 2005 году, тыс. человек	Коэффициенты			
			рождае-мости, ‰	смерт-ности, ‰	брачности, ‰	развод-имости, ‰
	г. Ташкент городские районы:	2147,4	16,1	8,0	6,7	2,0
1	Бектемирский	29,5	13,8	7,5	5,4	3,1
2	Мирзо Улугбекский	237,4	14,7	9,7	5,4	3,3
3	Мирабадский	123,3	19,1	9,2	4,9	2,1
4	Сабир Рахимовский	287,0	18,2	6,3	3,4	1,3
5	Сергелийский	151,5	17,4	10,6	6,1	2,1
6	Учтепинский	228,6	15,5	8,0	3,1	1,7
7	Хамзинский	205,7	12,7	8,6	6,4	2,2
8	Чиланзарский	215,5	13,2	8,3	11,0	2,0
9	Шайхантаурский	267,8	21,5	5,5	11,7	1,3
10	Юнусабадский	288,5	14,7	8,4	6,5	2,0
11	Яккасарайский	112,4	12,1	7,0	9,4	1,4

*Таблица составлена по материалам Главного управления статистики г. Ташкента.

[1] Автор принимал непосредственное участие в подготовке и проведении данного социологического опроса.

Основное приложение своих способностей пожелавшие работать выпускники школ столицы хотели бы направить в такие сферы, как торговля, коммерция, посредничество (48,3%), ремонт и обслуживание автотранспорта (13,8%), промышленное производство (10,3%), система общепита - кафе, бары, рестораны (10,3%), шоу-бизнес – дискотеки, концерты (6,9%), сфера бытового обслуживания (6,9%), авиация (3,5%).

Современное высшее образование предлагает выпускникам школ богатый выбор новых, ранее не востребованных профессий, что рельефно проявляется в таком крупнейшем городе-мегаполисе, каким является Ташкент. Среди новых специальностей, которые были названы выпускниками школ столицы, наиболее популярны профессии, связанные с новыми информационными технологиями (32,0%), модельера-дизайнера (1,7%). Стоит обратить внимание на такой факт: 6,1% выпускников отказались ответить на поставленный вопрос, а 59,9% затруднились с ответом. Это может быть связано с незнанием, малой осведомленностью о новых профессиях на рынке образовательных услуг. В докладе приводится подробный анализ результатов данного социологического опроса, показывающий необходимость активизации и совершенствования профессиональной ориентации молодежи в плане ее подготовки к сознательному и свободному выбору профессии в соответствии с призванием, способностями, образованием и с учетом общественных потребностей.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ (МЕКСИКА ВА ИНДОНЕЗИЯ МИСОЛИДА)

Б.Эсанов
Ўзбекистон Миллий университети

Иқтисодий районлар ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш асосида вужудга келади. Иқтисодий районлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш кучларини тўғри ташкил этиш, мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини самарали олиб боришдан иборат. Шу маънода хорижий мамлакатларда иқтисодий районлаштириш тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, Мексикада иқтисодий районлаштириш тажрибаларини олиб кўрадиган бўлсак, профессор А.Бассолье Баталья – иқтисодий районлаштириш бўйича мутахассис – Мексикани 8 та асосий иқтисодий районга ажратади ва ушбу районлар таркибида 104 та подрайонларни, мамлакатнинг чекка ҳудудларида, яъни аҳолиси зич бўлмаган ҳудудларда эса 4 та “махсус” районларни белгилайди.[1]

[1] Angel Bassols Batalla. La division economica regionalde Mexico. Mexico, 1967, p.160.

Ушбу давлатда расман “иқтисодий зона” номи билан 5 та иқтисодий район ажратилади. Улар қуйидагилар: Шимолий Тинч океани, Шимолий, Марказий, Жанубий Тинч океани ва Мексика қўлтиғи қирғоғи. Бундай районлаштиришдан асосий мақсад статистик маълумотларни тартибга солиб туриш, Мексика ва хориж Адабиётларида статистик маълумотлардан қулай фойдаланиш ҳисобланади.[1]

Мексика Статистика бош бошқармаси 1933-1937 йилларда турли хил масштабларда иқтисодий районлар тўрини ишлаб чиқиш ишларини олиб борган. Бу районлар тўрини тузишда асосан 15 та кўрсаткич таҳлил қилинган (жойнинг баландлиги, ёғингарчилик миқдори, коммуникация билан таъминланганлик даражаси, саводсизлик ва б.). Таҳлиллар натижасида 8 та иқтисодий зоналар ажратилган. Мазкур мамлакатнинг иқтисодий районлаштириш ишлари бўйича маълумотлар таниқли Мексика иқтисодчиси Эмилино Аланис-Патиньо ҳисоботида берилган.[2]

Ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосида мамлакатнинг йирик иқтисодий районлари ўртасида хўжаликнинг фарқланиш жараёни бошланади. Уларнинг маълум қисмларида ихтисослашиш чуқурлашади.

Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларидан бири Индонезияда ҳам иқтисодий районлаштириш тажрибалари тўпланган. Бу мамлакатда иқтисодий районлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилган:

I.Ява минтақаси;

1.1.Ғарбий Ява; 1.2.Марказий Ява; 1.3.Шарқий Ява.

II. Суматра минтақаси;

2.1..Шимолий Суматра; 2.2..Ғарбий Суматра; 2.3.Шарқий Суматра; 2.4.Жанубий Суматра.

III.Калимантан минтақаси;

3.1. Ғарбий Калимантан; 3.2. Жанубий Калимантан; 3.3.Шарқий Калимантан.

IV.Сулавеси минтақаси;

4.1.Шимолий Сулавеси; 4.2..Жанубий Сулавеси.

V.Молукка ороллари;

VI.Кичик зонд ороллари;

VII.Ғарбий Ириан.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Индонезияда 7 та йирик ва 12 та подрайонлар (кичик районлар) ажратилган. Маълумки, Индонезия ороллардан ташкил топган мамлакат ҳисобланади. Шу боис ҳам ушбу мамлакатда иқтисодий районларни белгилашда ҳар бир орол иқтисодий

[1] П.Джеймс. Латинская Америка. Перев.с.англ. М.,1949,стр.145.

[2] E.Alanis Patino. Las divisions territorials segun la geografia economica. Memoria del Segundo Cogreso de Ciencias Socials, vol iv. Mexico, 1946, стр. 63-106.

район сифатида қаралган. Албатта, шу билан бирга иқтисодий районлар ажратишда турли хил кўрсаткичлар ҳам асос қилиб олинган.

Хорижий мамлакатларда иқтисодий районлаштириш тажрибаларини ўрганиш шундан далолат берадики, давлатни районлаштириш орқали маълум минтақаларда ихтисослашишнинг чуқурлашуви ва шу орқали миллий иқтисодиёт ривожланишининг жадаллашувига эришиш имкониятлари вужудга келади.

НАСЕЛЕНИЕ СТРАН ЕВРАЗЭС В ПРОШЛОМ, НАСТОЯЩЕМ И БУДУЩЕМ

Р.Д.Артыкбаев, Б.С.Умаралиев
Национальный университет Узбекистана

В современных условиях глобализации всех сторон общественной жизни вопросы социально-экономической интеграции стран СНГ и Балтии приобретают особую актуальность, ибо все эти страны сталкиваются с одинаковыми проблемами, во многом обусловленными общими чертами и особенностями относительно недавнего исторического развития.

Узбекистан, как суверенное государство, является членом не только многочисленных международных, но и региональных организаций (напремер, СНГ, Трассека, Шанхайская организация сотрудничества, Исламская конференция и др.). На встрече лидеров организации Евразийского Экономического Сотрудничества (сокращенно - ЕврАзЭС), проходившей в январе 2006 года в Санкт-Петербурге, Узбекистан был принят в эту региональную организацию. К союзу России, Белоруссии, Казахстана, Киргизии и Таджикистана присоединилась и наша республика, поскольку данный шаг в направлении дальнейшей интеграции отвечает не только экономическим, но и геополитическим и другим интересам Узбекистана[*]. В настоящее время страны ЕврАзЭС занимают огромную территорию в Европе и Азии (около 20,8 млн. кв. км.), где проживают почти 206 млн. человек

Самым обобщающим геодемографическим показателем любого региона или государства служит численность населения. Хронологическое изменение данной величины зависит как от естественного, так и от миграционного прироста населения. С этих позиций огромный научный и познавательный интерес приобретают вопросы рядов динамики численности

населения стран, входящих в организацию ЕврАзЭС (см. таблицу). Для анализа нами выбраны данные за 1990 год (т.е. до получения суверенитета), за 2006 год (современный период) и двух прогнозов

[*] Аргументы и факты, 2006, № 4, с.2.

численности населения (за 2025 и 2050 гг.), выполненные экспертами ООН в 2004 г. и скорректированные в 2006 г. с учетом новейших тенденций естественного и миграционного движения населения этих стран.

Таблица

Динамика численности населения стран ЕврАзЭС**

№	С т р а н ы	Численность населения, млн. человек				Темпы роста, в процентах		
		1990* год	2006 год	2025г. (прогноз ООН)	2050г. (прогноз ООН)	1990-2006гг. годы	2006-2025гг. годы	2006-2050гг. годы
1	Россия	148,0	142,3	130,0	110,3	96	88	75
2	Белоруссия	10,3	9,7	9,4	8,5	94	97	88
3	Казахстан	16,7	15,3	16,0	15,2	92	105	99
4	Киргизия	4,4	5,2	6,6	8,2	118	127	158
5	Таджикистан	5,2	7,0	9,3	11,1	135	133	159
6	Узбекистан	20,3	26,2	33,0	37,5	129	126	143
	Всего по странам ЕврАзЭС	204,9	205,7	204,3	190,8	129	126	143

* Данные за 1990 год – на начало года, остальные – на середину года.

** Таблица рассчитана на основе источников: Демографический ежегодник СССР. 1990.М.:Финансы и статистика, 1990, 639с.; Carl Haub. 2006 World Population Data Sheet. 1875 Connecticut Ave., NW, Washington, DC 20009.

Первое, что привлекает внимание исследователей - это большие вариации в численности населения стран ЕврАзЭС (от 5,2 млн. в Киргизии до 142,3 млн. человек в России). Ранжирование в порядке убывания современной численности населения таково: Россия, Узбекистан, Казахстан, Белоруссия, Таджикистан, Киргизия. Как свидетельствуют статистические материалы, характер воспроизводства населения в отдельных странах неодинаков и даже диаметрально противоположен: если в Таджикистане, Узбекистане и Киргизии и в обозримой перспективе будет наблюдаться постоянное увеличение населения, то Россия и Белоруссия испытывают процессы депопуляции (т.е. уменьшение численности населения). В Казахстане вслед за заметным уменьшением численности населения наступит период некоторого роста, однако во второй четверти XX1 века население все-таки будет уменьшаться. Рост населения в Казахстане за 2006-2025 гг. связан со структурными факторами и положительным сальдо миграции в эту страну. Впрочем, суммарная численность населения стран ЕврАзЭС, как видно из вышеприведенной таблицы, также уменьшается.

Еще более рельефные различия выявляются при сравнении показателей рождаемости, которая, пожалуй, во многом определяет характер воспроизводства населения. Здесь вариации таковы: коэффициент рождаемости в Белоруссии – 9, в России – 10, в Казахстане –

18, в Киргизии – 21, в Узбекистане – 23, а в Таджикистане – даже 30 промилле. В отношении смертности также территориальная дифференциация: максимальный коэффициент смертности зафиксирован в Российской Федерации –16‰, а минимальный – в Узбекистане и Киргизии - 7‰. Конечно, нельзя при анализе смертности игнорировать особенности половозрастной структуры населения.

Показатели младенческой смертности во всех странах ЕврАзЭС заметно отличаются от аналогичных показателей развитых стран – они здесь более высокие (в Таджикистане, например, рассматриваемый коэффициент максимальный и составляет 89 ‰, в России – 11 ‰. Для сравнения: в 2005 г. в Израиле – 4 ‰, в Сингапуре – самый минимальный в мире лишь 2‰). Показатель младенческой смертности, являясь важнейшим демографическим показателем, в то же время выступает и индикатором уровня социально-экономического развития, степени развития и доступности системы здравоохранения, экологической ситуации, особенностей демографического, поведения и т.д. В настоящее время (2005г.) средняя продолжительность жизни составляет: в Таджикистане – 64, в России – 65, в Казахстане – 66, в Узбекистане – 67, в Киргизии –68 и в Белоруссии –69 лет. Таким образом, у стран организации Евразийского Экономического Сотрудничества имеются в перспективе значительные резервы для достижения более низкого уровня младенческой смертности и высокой продолжительности жизни.

По уровню урбанизации страны ЕврАзЭС относятся к высокоурбанизированным (в Российской Федерации доля городского населения составляет 73%, в Белоруссии –72 %), среднеурбанизированным (Казахстан –57%), слабоурбанизированным (Узбекистан – 36 %, Киргизия – 35 %, Таджикистан – 26 %). Более того, в некоторых странах (напремер, в Узбекистане) наблюдается уменьшение доли городского населения за счет более быстрого роста сельского населения по сравнению с городским населением, и миграционных процессов.

За последние 15 лет в анализируемых странах миграционные движения населения заметно активизировались Причин здесь много: и исторических, и экономических, и культурных, и этнолингвистических. Особенно активными они были в 1989 – 1993 годы, когда из России, Белоруссии, центральноазиатских стран наблюдался существенный отток населения в страны дальнего зарубежья (в США, Канаду, Германию, Израиль, Грецию и т.д.). Именно в эти же годы наблюдается максимум оттока русскоязычных жителей из Центральной Азии в Россию, Украину, Белоруссию. В результате этого удельный вес русскоязычного населения во всех центральноазиатских странах заметно сократился (рельефнее это проявилось в Казахстане). В этот период активизировались и

миграционные перемещения людей между центральноазиатскими государствами. В настоящее время Россия, Белоруссия и Казахстан имеют положительное, а Таджикистан, Киргизия и Узбекистан - отрицательное сальдо миграции. Это оказывает существенное влияние на проблемы территориального перераспределения трудовых ресурсов, следовательно, и на вопросы занятости и безработицы.

Вступление Узбекистана в организацию Евразийского Экономического Сотрудничества, несомненно, будет способствовать решению многих социально-экономических проблем республики, в том числе и проблем занятости трудоспособного населения, поскольку в ее рамках организации в перспективе возможен свободный поток товаров, услуг, инвестиций и людей.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

О.Мухамедов
Ўзбекистон Миллий университети

Аҳоли ўртасида ўлим ҳолатининг пасайиши, шунингдек, гўдаклар ўлимининг камлиги ва ўртача умр кўриш даврининг ошиб бориши мамалакат ривожланганлак даражасидан дарак беради. Бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимида янги ислоҳатларнинг қабул қилиниши ва амалдаги ижроси давр талаби бўлиб, сўнгги йилларда республиканинг барча минтақаларида, шу жумладан Самарқанд вилоятида ҳам шифохоналар, амбулатория-поликлиника хизматини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Вилоятда 1996 йилда жами шифохоналар сони 135 тани ташкил этган бўлса, 2000 йил 106 та, 2004 йилга келиб 96 тадан иборат бўлди. Улардаги ўринлар сони ҳам юқоридагиларга мос равишда 17455; 14635 ва 14238 тага ўзгарган. Шифохоналар сонининг 1996-2004 йиллар давомидаги ўзгаришини туманлар миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Оқдарё туманида 4 тадан 1 тага, Булунғур (4-2), Жомбой (6-1), Иштихон (6-5), Каттақўрғон (7-6), Нуробод (10-9), Пастдарғом (6-3) ва Самарқанд (9-3) туманларида ҳам қисқарган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қўшработ туманида жами 6 та шифохона мавжуд бўлиб, уларда ўринлар сони 320 тани, Нуробод туманида 9 та шифохона ва ўринлар сони 380 тани ташкил этса, Жомбой туманида эса битта шифохона 390 ўринга эга (2004 й.). Бундан кўриниб турибдики, тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этилиши кўп жиҳатдан аҳоли жойлашувига бевосита боғлиқ. Нуробод ва Қўшработ туманлари майдонининг катталиги, аҳоли зичлигининг пастлиги, табиий шароити, шунингдек, рельеф тузилишидан келиб чиққан ҳолда

инфраструктура тизимининг яхши шаклланмаганлиги мазкур ҳудудларда шифохоналар миқдори нисбатан кўпроқ ва уларда ўринлар сонининг эса кам бўлишига олиб келган. Аксинча аҳолиси зич, обикор деҳқончилик ривожланган Самарқанд, Оқдарё, Пастдарғом туманларида шифохоналар сони кам, лекин улардаги ўринларнинг кўплиги билан алоҳида ажралиб туради.

Вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшаганлиги туфайли (74,3%), тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда аҳоли учун қулай ва кам харажат бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг (ҚВП) фаолиятини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади. 2000 йилда вилоят бўйича жами ҚВПлар сони 350тани ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб улар 311 тага тушиб қолди. Жумладан, Булунғур туманида 16 тадан 15 тага, Жомбой (23-21), Каттақўрғон (19-11), Қўшработ (20-18), Нуробод (21-14), Пастдарғом (42-23), Пахтачи (21-18), Тайлоқ (18-13) ва Ургут (46-36) туманларида ҳам уларнинг сони бироз камайган.

Кейинги йилларда ҚВПларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва фаолиятининг кенгайиши, транспорт инфратузилмасининг яхшиланиши натажасида бир-бирига яқин масофада жойлашган врачлик пунктларининг бирлашиб кетиши кузатилмоқда. Айрим ҳолларда ҚВПлар сонининг камайишида малакали тиббий ходимларнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлади.

Такидлаб ўтиш жоизки, айни вақтда хусусий шифохона ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачларга давлат томонидан кўплаб имтиёзларнинг берилиши аҳоли саломатлигини яхшилашда ижобий самара бермоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тиббиёт ходимларининг маълумоти ва тоифалари муҳим ўрин тутади. 1999 йилда вилоят бўйича жами шифокорлар (врачлар) 8104 тани ташкил этган, 2004 йилда улар 8203 тадан иборат бўлди. Ўрта тиббиёт ходимлари эса мазкур йилларда 25469 тадан 23780 тага тушиб қолди. Ушбу кўрсаткични ҳар 10000 аҳолига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, кўрилаётган даврда шифокорлар 30,3 дан 28,6 га, ўрта тиббиёт ходимлари эса 95,4 дан-83,0 га ўзгарди. Чунончи, бу вақт ичида аҳоли сони ҳам бирмунча ўсган.

2004 йилда ҳар 10000 аҳолига тўғри келадиган шифокорлар сони Жомбой (18,1), Самарқанд (17,7), Иштихон (17,3) ва Булунғур (17,0) туманларида нисбатан юқори, Каттақўрғон (10,5), Нуробод (10,7) ва Қўшработ (12,9) туманларида эса бироз камроқ. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари бу жиҳатдан анча олдинги ўринларни эгаллайди (35,8-32,5).

Ўрта тиббиёт ходимларининг тақсимланишига кўра, Пайариқ (105,0), Нарпай (93,7), Оқдарё (86,0) туманлари етакчи ҳисобланса, Иштихон (51,4), Каттақўрғон (53,6) ва Самарқанд (58,7) туманларида бу

ҳолат анча паст. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳудудлар бўйича врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг миқдори бирмунча фарқ қилади, жумладан уларнинг малака тоифалари ҳам турлича.

Ўринлар сони кўп ва комплекслашган шифохоналарда малакали врачлар, ўрта тиббиёт ходимлари бирмунча кўпроқ фаолият кўрсатади. Бундай шифохоналар одатда вилоятнинг катта шаҳарларида жойлашади (Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- шифохоналар, амбулатория-поликлиника ва ҚВПлар хизматини яхшилаш;
- хусусий шифохоналар ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачларга имтиёзлар яратиш;
- тиббиёт ходимларининг малака оширишини тўғри йўлга қўйиш;
- ҚВП ларни акушер-гинеколог, стоматолог каби мутахассислар билан таъминлаш ва шошилинч тез тиббий ёрдам флиалларини ташкил этиш.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ушбу вазиятларни ҳисобга олиш кишилар саломатлигининг яхшиланишида, ўлим ҳолатларининг камайиши ва ўртача умр кўриш даврининг узайишида муҳим аҳамиятга эга.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЖОЙЛАНИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Н.Ембергенов
Ўзбекистон Миллий университети

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг катталиги жиҳатидан вилоятлар орасида энг йириги ҳисобланади. У маъмурий жиҳатдан 14 та туман, Нукус ва Тахиатош шаҳарларига ажратилган. Мазкур ҳудудда 12 шаҳар ва 14 шаҳарча мавжуд. Туманлар ўзининг жойлашган ўрни, табиий шароити, аҳолисининг сони ва бошқа демографик жиҳатлари билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу боис географик илмий тадқиқотларда мазкур туманлар алоҳида районларга ажратилади. Ушбу муаммо билан Т.Таджимов, Е.Умаров, А.Қурбониёзов ва Г.Ходжаевалар шуғулланишган.

Кўпчилик фикрича, Қорақалпоғистон туманларини географик жойлашган ўрни ва демографик нуқтаи назардан 5 та районга ажратиш мумкин. Улар:

-Марказий район, унинг таркибига Кегайли, Қонликўл, Нукус, Хўжайли, Шуманай туманлари ҳамда Нукус ва Тахиатош шаҳарлари киради. У ҳудуди энг кичик, аҳолиси энг кўп ва зич район ҳисобланади. Бу ерда республика маркази-Нукус шаҳри ҳам жойлашган. Жанубий район

таркибини Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманлари ташкил этади. Мазкур район Қорақалпоғистон Республикасининг жанубида жойлашган бўлиб, миллий таркиби бўйича ҳам бошқа районлардан бироз фарқ қилади. Ғарбий районга маъмурий жиҳатдан Қўнғирот тумани киради ва у ҳудудининг катталиги бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Шимолий-шарқий район Қораўзак, Тахтакўпир ва Чимбой туманларини ўз ичига олади. Шимолий (Денгиз бўйи) районига эса маъмурий жиҳатдан фақат Мўйноқ тумани киради. У майдонининг катталиги бўйича иккинчи, аҳолисининг сони жиҳатидан энг охирги ўринда.

Ажратилган иқтисодий районлар юз бераётган демографик жараёнларга кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди 166,5 минг км^2 бўлиб, унинг 44,8 фоизи Ғарбий районга, 22,8 фоизи Шимолий районга, 18,3 фоизи Шимолий-шарқий, 10.2 фоизи Жанубий ва 3.4 фоизи Марказий районга тўғри келади.

Қорақалпоғистон аҳолиси 1570 минг киши бўлиб, у районлар бўйича нотекис тақсимланган. Аҳоли сони жиҳатидан Марказий район биринчи, яъни 42,0 фоиз, зичлиги 1 км^2 га 120 киши, Жанубий район 37,3 фоиз, зичлиги 32,7 киши, Шимолий-шарқий район 11,7 фоиз, зичлиги 6 киши, Ғарбий район 7,2 фоиз, зичлиги 1,5 киши ва охирги ўринда Шимолий район -1,8 фоиз, зичлиги 0,7 кишини ташкил этади.

Қорақалпоғистон аҳолиси 1979-1992 йилларда ўртача145,0 фоизга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Марказий ва Жанубий районларда 150,0 фоизга, Ғарбий ва Шимолий-шарқий районларда 135,0 фоизга, Шимолий районда 112,0 фоизга ўсган. 2005 йилга келиб эса, аҳолининг ўсиши 1992 йилга нисбатан анча сусайди. Таҳлил қилинаётган йиллар оралиғида аҳоли 120,0 фоизга ортган бўлса, Жанубий районда130,0 фоиз, Марказий, Ғарбий ва Шимолий-шарқий районларда 115,0 фоиз, шимолий районда эса 108,0 фоизга ўсган. Умуман, 1979-2005 йилларда мазкур ҳудудда аҳоли сони 173,0 фоизга ошган. Бу кўраткич Жанубда 193,0 фоиз, Марказда 173,0 фоиз, Ғарбда 154,0 фоиз, Шимолий-шарқда 147,0 фоиз ва Шимолий райнда 120,0 фоизга ортган .Шунга мос ҳолда аҳоли зичлиги ҳам ошиб борган.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда шаҳар аҳолиси 48,7 фоизга, аҳоли сони 765 минг кишига етган. 1979-2005 йиллар мобайнида шаҳар аҳолиси 191,0 фоизга ошган. Унинг 59,0 фоизи Марказий, 20,0 фоизи Жанубга, 10,0 фоизи Шимолий-шарққа, 9,0 фоизи Ғарбга ва Шимолга 2,0 фоизи тўғри келади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси районларида демографик вазият бир-биридан кескин фарқ қилади. Аҳолининг ўсишида Жанубий район ўртача кўрсаткичдан анча юқори, Марказий район бу кўрсаткичга тенг, бошқа районлар, айниқса Шимолий район анча паст. Аҳолининг бундай ўсишига кейинги йиллари туғулишнинг камайиши

билан бир қаторда миграция жараёни ҳам таъсир этмоқда. Ташқи миграция асосан Қозоғистон ва Россияга, ички миграция шимолий районлардан марказга ёки Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари йўналишида бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби -Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг оқибатида келиб чиқаётган экологик вазиятнинг салбий томонга ўзгаришидир. Мазкур жараёнлар тўғридан-тўғри инсон саломатлигига, ерларнинг ишдан чиқишига олиб келмоқда. Ушбу муаммоларни илмий асосда ҳал қилиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАР

М. Байманова
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришиш кўп жиҳатдан саноатнинг ривожланишига боғлиқ. Шу сабабли иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларда саноатни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланишида сифат ўзгаришларига эришилди. Ҳозирги пайтда саноат халқ хўжалигининг юздан ортиқ тармоқларни бирлаштирган етакчи, ривожланаётган соҳасидир. 1995-2003 йилларда республикамизда саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши 136,0%ни ташкил этди. 2004 йилга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 9,4%га, 2005 йилда эса, мос равишда, 7,3%га ошди. Саноатнинг ЯИМ таркибидаги улуши 2002 йилдаги 14,0% ўрнига 2005 йилда 20,7 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг улуши ошиб бормоқда. Агарда 1991 йилда жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 10,0%и нодавлат секторига тўғри келган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 70,6%га етди, кичик тадбиркорликни мос равишда 2,0%дан 16,6%га ортди. Аҳоли томонидан мамлакатда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг истеъмоли 60,0%дан 90,0%га, экспортда саноатнинг улуши 38,0% дан 50,2% га ўсди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчи тармоқлар ёқилғи-энергетика (21,1%), енгил (20,0), рангли металлургия (14,9%), озиқ-овқат (12,4%) ва машинасозлик (12,1%) тармоқлари ҳисобланади.

Охирги йилларда республикамиз саноатида ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий жараёнлар ҳам кузатилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиш суръатларининг ўсишига қарамасдан ЯИМда саноатнинг улуши етарли эмас. 2000-2004 йилларда саноатнинг

ЯИМдаги улуши 20,0%дан паст бўлди, фақатгина 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 20,7%га етди.

2001 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариш ҳажмида қайта ишлаш тармоқларининг, хусусан, машинасозлик ва озиқ овқат тармоқлари улушининг қисқариши кузатилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, асосан, саноатнинг хом ашё ишлаб чиқарадиган тармоқларида-ёқилғи, рангли ва қора металлургияда ўсди. Республикамиз саноатининг хом ашёга йўналтирилганлик даражаси 50,6%га яқиндир. Ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич 33,0%ни ташкил қилади.

Республикамиз саноатининг барқарор ўсишига қуйидаги муаммолар тўсиқ бўлмоқда:

- қайта ишлаш саноатининг тўла қувват билан ишламаётганлиги;
- қайта ишлаш тармоқлари корхоналарида асосий капиталнинг маънавий ва жисмоний эскирганлиги. Бу тармоқ корхоналари асосий фондларининг жисмоний эскириши ўртача 53,2%ни ташкил қилади;
- саноатнинг умумий ҳажмида машинасозлик улушининг пастлиги;
- моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги. Республикамиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сиғими кўрсаткичлари жаҳон даражасидан 2,0-2,5 марта юқоридир;
- маҳсулотларнинг янги рақобатбардош турларининг кам ўзлаштирилаётганлиги ва бошқалар.

Юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун мамлакатимизда саноатни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Унда асосий эътибор саноатдаги таркибий ўзгаришларга қаратилди. Саноатнинг тармоқ таркибини ўзгартириш бўйича амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида 2010 йилга келиб ЯИМ таркибида саноатнинг улушини 30,0% дан ошириш кўзда тутилган. Бунинг учун саноатнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10,0% дан юқори бўлиши зарур, хусусан, 2006 йил учун бу кўрсаткич 9,0% даражасида режалаштирилган. Саноатнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш 2010 йилга келиб унда хом ашё тармоқлари улушини 2003 йилдаги 43,3%дан 38,4%гача пасайтиришни, қайта ишлаш тармоқларининг улушини эса 46,7%дан 61,6%га оширишни таъминлайди.

Таркибий ислоҳотлар жараёнининг муҳим вазифаларидан бири саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришдир. Республикамиз саноати ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркибида номутаносибликлар мавжуд бўлиб, саноат корхоналари, асосан, мамлакатимизнинг юқори ривожланган ҳудудларида-йирик ва ўрта шаҳарларда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларига саноат ишлаб чиқаришининг атиги 10%га яқини тўғри келади. Булар, асосан, пахта тозалаш корхоналари, унча катта бўлмаган ҳунармандчилик ишлаб чиқаришлари ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта

ишлаш корхоналаридир. Қишлоқ аҳоли пунктларида саноатни оқилона жойлаштириш бу худудларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилиши ва таркибини такомиллаштириш учун замонавий ишлаб чиқариш яхши ривожланмаган аҳоли пунктларида маҳалий хом ашёни қайта ишлайдиган йирик корхоналарнинг филиалларини, кичик корхоналарни ва микрофирмаларни ташкил этишга устиворлик бериш, бу жараёнга хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш зарур.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Т.Хайитов, Л.Н.Эрдонов
Қарши Давлат университети

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, республика президенти И.А. Каримов асосий эътиборни халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга қаратди. Аҳоли даромадларини ошириш тўлов қобилиятини ўсишига таъсир қилиб, ишлаб чиқариш тўғридан-тўғри рағбатлантирилади ва иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакат иқтисодиёти учун ушбу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатади. Қарорга асосан 2006-2010 йиллар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Унда анъанавий хизмат турлари билан бирга янги истиқболли-юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг каби хизмат турлари ривожлантирилади.

Қарорда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 % га етказиб 2010 йилгача банд бўлган аҳоли сонини 1,6 мартага кўпайтириш бўйича асосий йўналиш ва чора-тадбирлар мажмуи белгилаб берилди.

«Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш тармоғи иқтисодиётнинг энг тез ривожланадиган соҳаси бўлиб, айнан шу соҳа ортиқча ишчи кучларнинг катта қисмини ўзига жалб қилиши мумкин» деган эди давлатимиз раҳбари И.А. Каримов. Қашқадарё вилоятида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини қўйидаги асосий йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

-Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш учун шарт-шароитлар яратиш. Бунинг учун расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиб, хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш;

-Қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар биринчи навбатда коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан оқилона фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

-Анъанавий хизмат турлари билан бирга янги истиқболли хизмат турларини янада ривожлантириш;

-Вилоятда корхоналар бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

-Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;

Мазкур дастурнинг амалда бажарилиши натижасида 2010 йилга бориб қуйидагилар ривожланади:

- хизматлар соҳасининг иқтисодий ўсиши ҳисобига унинг улуши ортади ва қўшимча янги ишчи ўринлари яратилади;
- қишлоқ жойларда умумий овқатланиш шахобчалари ташкил этилади ва замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларни иссиқ овқат ва буфет махсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланади ва янгилари ишга туширилади. Қишлоқ жойларда сервис хизматини ривожлантириш ва қўшимча ишчи ўринларини яратиш кўзда тутилади;
- улгуржи ва чакана савдони ривожлантириш бўйича ҳудудий янги савдо базалари ташкил этилади;
- транспорт хизматларини ривожлантириш ва янги йўналишлар очиш, йўналишлар қамровини кўпайтириш;
- алоқа, электрон ахборот ва телекоммуникация хизматларини ривожлантириш, АТСларни рақамли станцияларга тўлиқ алмаштириш;
- қишлоқ хўжалик соҳасида зооветеренария, сунъий урчитиш шахобчалари сонини ошириш;
- молия, банк хизматлари бўйича лизинг, суғурта, аудитор, бухгалтерия ҳисобини яратиш хизматлари;
- маиший хизматлар бўйича пойафзал тайёрлаш ва уни таъмирлаш, соат таъмирлаш, маиший электрон ва электр асбобларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш кимёвий тозалаш хизматларини ривожлантириш;
- таълим соҳасида компьютерда ишлашга ўқитиш, болалар спорт муассасалари ва секциялари, болалар, ногиронлар, қарияларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар;
- соғлиқни сақлаш, санатория ва курорт хизматлари жадал ривожланишини амалга ошириш;
- туризм соҳасида фаолият кўрсатиш, меҳмонхоналар қуриб янгидан ишга тушириш. Хорижий сайёҳларга хизмат турларини

кўпайтириш, буклетлар, туристик-карталар тайёрлаш. Сайёҳлар учун янги йўналишлар очиш.

Қашқадарёда иккита қадимий шаҳар -Соҳибқирон юрти Шаҳрисабз ва Қарши юбилейларининг мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилиши Амир Темур давлатчилиги тарихи ва маданиятига бўлган алоҳида ҳурмат ва эътибор намунасидир. Қарши шаҳрида 30 дан ортиқ юбилей объектлари, шу жумладан 10 тарихий ёдгорликда қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Насаф, Ўзбекистон, Амир Темур шоҳкўчалари ва шаҳар ички йўллари бугунги замон талабларига жавоб берадиган даражада қайта реконструкция қилинди. Электр энергияси, алоқа, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминоти коммуникация иншоатларини янгилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Шаҳар кўчаларидаги 15,7 км ичимлик суви қувурлари, иккита сув иншоати, 17 км табиий газ тармоқлари таъмирдан чиқарилди. 13 маҳаллада янги ичимлик сув қувурлари, 12 та маҳаллада табиий газ тармоқлари тортилди. Шаҳар телефон алоқа тармоқлари рақамли замонавий АТСлар ҳисобига 1100 рақамга кенгайтирилди. Қарши шаҳридан ўтувчи Қашқадарё қирғоқларида чўмилиш ҳавзалари, истироҳат боғларида катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Қаршининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО дастури доирасида ўтмоқда. Шу муносабат билан Қарши регистонининг XIV асрда қурилган Сардоба, Қарши қалъаси, XIX аср бошида барпо этилган Бекмир мадрасисини ўз ичига олувчи Одина мажмуаси келгусида Қаршининг тарихи ва маданий-маънавий мероси ҳамда қадриятларини ўрганадиган ва тарғиб этадиган маданий-маърифий марказга айлантиради. Мажмуада «Қашқадарё ҳунармандлари» кўргазма музейи ташкил этилади. Қарши Сардобаси тўла таъмирланиб «Сардобалар тарихи» музейига айлантирилмоқда. Унга вилоятдаги сардобаларнинг жойланиш картаси ҳам киритилади.

Қарши шаҳри дунё сайёҳлари учун очилмаган қўриқдир. Юбилей олдидан 10 га яқин сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилди. Сайёҳлар учун «Тонг», «Насаф Травия», «Очинлстар Шаҳрисабз» меҳмонхоналари замонавий услубда таъмирланди ва бир неча хусусий меҳмонхоналар қурилди. Қарши шаҳри юбилиейининг ўтказилиши хорижий сайёҳлар учун янги саҳифалар очиб бой таъсуротлар қолдиради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚРИМ – ТАТАР МИЛЛАТИНИНГ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРИ

М.А.Юлдашева
Ўзбекистон Миллий университети

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина мамлакатлар кўп миллатли, кўп маданиятли ҳисобланади. Шулар жумласига Ўзбекистон Республикасини

ҳам киритиш мумкин. Республикамизда 136 миллат ва элат[1] вакиллари елкама – елка, тинч – тотув истиқомат қилади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа ҳусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади.”[2]

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида ўзбек халқининг асосий маънавий – ахлоқий хусусиятлари унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлади. Ўзбек халқи урушнинг аянчли йилларида ўз юртларидан айрилганларни ўз бағрига қабул қилиб, уларга ғамхўрлик кўрсатди. Шунинг учун ҳам Иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинган турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳисоблайди.

Эвакуация қилинган рус, украин, белорус, яҳудий, арман, немис, грек, латиш, молдаван, швед, поляк миллатлари қаторида мажбуран кўчирилган қрим-татар миллати ҳам бор эди.

1944 йил 18 май 180 минг қрим – татарларига “Ватан хоини”, “сотқин” деган асоссиз айблар қўйилиб, бу ишга собиқ СССР ички ишлари вазири Л.Берия ҳамда унинг ёрдамчилари – Б.Хаблов ва И.Серов раҳбарлик қилишган. Қрим – татарлардан жами 35 минг киши 275 оила ёки 151604 киши Ўзбекистонга кўчирилди.[3]

1944 йилнинг 12 августида Давлат мудофаа қўмитасининг махсус фармонига мувофиқ Қрим ярим оролига 17 минг хўжалик ёки 51 минг киши кўчириб келтирилиши мўлжалланган, шундан 14 минг хўжалик (42 минг киши) РСФСР вилоятларидан, 3 минг хўжалик (9 минг киши) Украинадан кўчирилиб, бўшаб қолган уйларга жойлаштирилган.[4] 1944 йилнинг 10 октябрида фармон тўла бажарилган. 1944 йилдан 1956 йилга қадар қрим – татарлар алоҳида назорат қилиниб, улар вақти – вақти билан давлат текширувидан ўтиб турар эдилар. 1956 йилдан КПСС нинг XX съездида барча ўз юртидан ноқонуний равишда кўчирилган халқларнинг тарихий ватанларига қайтарилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1957 йилнинг 9 январида эса Қрим – татар халқининг ҳам ўз юртига кўчириш тўғрисида партия қарори эълон қилинди. 1967 йилнинг сентябрида яна бир қарор қабул қилинди. Аммо бу қарорлар қоғозда қолиб кетди.

1987 йил собиқ Марказда (Москва) “Ватанга қайтиш махсус комиссияси” иш бошлади. Ярим миллион қрим – татарларидан бир йилда бир ярим минг киши ўз Ватанига қайтди, холос. Қайтаётганларнинг кўпи

[1] И.А.Каримов. Ўзбекистон умумий уйимиз.Т, 2001. 199 б.
[2] И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 1997.
[3] Ф.Н.Бугай. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40 годах. История СССР, 1989, №6, с. 40.
[4] ССС тарихи хрестоматияси, 1991, 2 жилд, 514-515 бетлар, Шарқ юлдузи, 1992, 2 сон, 4 бет.

ихтиёрий равишда кетдилар. Лекин, бир йилда ўз юртига қайтиш меъёрлаштирилиш асосида 350 оила қилиб белгилаб қўйилган эди.

Қрим – татар халқлари бу юртда ўзлигини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилди. Қрим – татар тилида “Ленин байроғи” рўзномасининг нашр қилиниши, татар “Хайтарма” ансамблининг ташкил этилиши ва фаолияти қрим–татарларнинг миллий ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида қрим – татар адабиёти кенгаши очилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педогогика Институтида “Қрим–татар тили ва адабиёти” кафедраси ташкил этилди. 1980 йилдан бошлаб бу тилда “Йилдиз” ойномаси нашр этила бошлади. Аммо, ўз юртидан зўрлик йўли билан кўчирилган қрим – татар халқлари она – тили, урф – одатлари, маданиятидан бир қадар ажралди. Қрим ярим оролида анъанавий қишлоқ хўжалик тармоқлар издан чиқди, топталди, шунингдек, ўзбекларнинг ҳам миллий ғурури камситилди. 1979 йилда қрим – татарлар сони 117 600 кишини, 1989 йилда эса 188 800 кишини ташкил этишарди.[1] 2002 йилга келиб эса улар сони тахминан 123 000 кишини ташкил этади.[2]

Мустақиллик даврига келиб, қрим – татар каби таҳқирланган халқларнинг ўз ҳуқуқини тўла англаши, эркин ривожланиши, она юртига қайтишининг имкониятларини амалга ошириш янада ривожланди.

Адабиёт

1. Каримов И.А. Ўзбекистон умумий уйимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2001.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолотлари. -Т.: Ўзбекистон 1997.

3. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. –Т.: 1998.

4. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. -Т.: Университет, 2004.

ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Ҳ.Маматқулов, Т.Ж.Жумабоев
Самарқанд Давлат университети

Охирги йилларда республикамиз географик илмий Адабиётида шаҳар агломерацияларига бағишланган қатор мақолалар чоп қилинди. Бу, албатта, ижобий ҳолат, чунки шаҳар агломерациялари ҳозирги замон

[1] Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш, 1989 й, IV том. УзССР аҳолисининг миллий таркиби. Тошкент. 1990. 51-56 бетлар.
[2] Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари. Тошкент – 2003.

урбанизация жараёнининг маҳсули ва уларнинг ташкил топиши ва ривожланишини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Лекин шаҳар агломерацияларига бағишланган мақолаларни ўрганиб шундай фикрга келиш мумкинки, баъзи муаллифлар Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг ўзига хос хусусиятларига эътибор бермасдан индустриал ривожланган мамлакатлар билан бир қолипда кўришаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, Ўзбекистондаги алоҳида агломерацияларга бағишланган илмий тадқиқотларда республикамиз шаҳарларининг ўзининг теварак-атрофидаги ҳудуд билан алоқасини ўрганишда унинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари ташкил топиши ва ривожланишига бағишланган биринчи илмий тадқиқот О.Ота – Мирзаевнинг Фарғона – Марғилон агломерациясига бағишланган ишидир. Шундан кейин Тошкент, Самарқанд агломерациялари ўрганилди ва бошқа шаҳарларнинг ўзининг атрофи билан биргаликда ташкил қилаётган агломерациялашув жараёни ўрганилмоқда (Наманган, Бухоро, Андижон ва бошқалар).

Ўзбекистонда шаҳар агломерацияларига бағишланган баъзи илмий мақолаларда шундай хулоса кўзга ташланадики, муаллифлар шаҳар агломерацияси деганда йирик шаҳар ва унинг атрофидаги кичик шаҳарлар ёки шаҳарчаларни тушинишади. Масалан, бир илмий мақолада Ўзбекистондаги шаҳар агломерациялари аҳолисининг 68,6 фоизи марказий шаҳарларга, 34,1 фоизи йўлдош шаҳарларга тўғри келади деб айтилган. Наҳотки Ўзбекистондаги шаҳар агломерациялари худудида қишлоқ аҳолиси бўлмаса? Ўзбекистондаги барча шаҳарлар қишлоқ аҳоли жойлари билан ўралганки, марказий шаҳардан йўлдош шаҳаргача бўлган майдонлар бўш жойлар эмас, балки қишлоқлар кетма-кет жойлашган. Шунинг учун ҳам шаҳар агломерациялари таркибида қишлоқ аҳолиси ҳиссаси кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ва илмий тўпламларимизни талабалар, магистрантлар, ёш тадқиқотчилар ўқишини ҳисобга олиб шаҳар агломерациялари тўғрисида умумий фикрларни айтишни лозим топдик. Аввало кўпчиликка маълум бўлсада, шаҳар агломерацияси тушунчаси тўғрисида-аҳоли жойлашуви бундай тизимларининг номланиши бутун дунёда бир хил эмас. Шаҳар агломерацияси ибораси билан биргаликда баъзи мамлакатларда конурбация ва бошқа иборалар қўлланилади. Лекин, кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан МДҲ мамлакатларида ва Ўзбекистонда шаҳар агломерацияси иборасини қўллаш қабул қилинган. Агломерация сўзи лотинча Agglomerare-қўшиб олмоқ (присоединять, прибавлять) иборасидан олинган бўлиб, унинг моҳияти тўғрисида, яъни қандай ҳудудлар шаҳар агломерациялари қаторига қўшилиши тўғрисида бир хил фикр йўқ. Бироқ ҳозирги вақтда кўпчилик тадқиқотчилар шаҳар

агломерацияларига тахминан қуйидагича таъриф берадилар: шаҳар агломерациялари бир марказий шаҳарнинг ўзининг теварак-атрофидаги аҳоли жойлари билан ўзаро интенсив меҳнат, маданий – маиший рекрация ва бошқа алоқалар орқали бир хил ҳаётга киришиб кетишидир. Эътибор берамиз, ўзининг теварак-атрофидаги аҳоли жойлари билан (фақатгина йўлдош шаҳарлар билан эмас). У ёки бу шаҳарнинг теварак-атрофи билан интенсив алоқасини ўрганиш эса умумий эмас, балки хусусий (индивидуал) тадқиқот ўтказишни талаб қилади, чунки ҳар бир шаҳар агломерацияси делемитациясини алоҳида, умумий ”шаблон”ларсиз амалга ошириш лозим.

Бутун дунёда шаҳар агломерациялари чегараларини аниқлашда “изохрон” услуби (методи)дан фойдаланилади. Шундагина ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар агломерацияларининг ташқи чегараларини белгилаш ва чегара ичидаги интенсив алоқаларни ўрганиб, шаҳар агломерациясининг ҳолатига баҳо бериш мумкин. Шунинг учун алоҳида шаҳар агломерацияларининг радиуси бир хил эмас. Нью-Йорк агломерацияси радиуси бир мил, Москва агломерацияси радиуси 100-120 км Тошкент агломерацияси радиуси 70-80 км бўлса, Самарқанд агломерацияси радиуси 35-45 км ва ҳ.к. Албатта, битта мақола доирасида шаҳар агломерацияларининг иқтисодий-географик хусусиятларини тўлиқ ёритиш қийин, ўйлаймизки, бу муаммоларга қизиқувчи ёшларимиз, муҳтарам олимларимиз А.С Солиев, О.Б.Ота-Мирзаев, Т.И.Раимов ва бошқаларнинг илмий ишларига мурожаат қиладилар.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МЕВА-САБЗАВОТ КИЧИК МАЖМУАСИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Х.Исроилова
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

Бозор иқтисодиёти барча тармоқлар қатори мева-сабзавот кичик мажмуига ҳам ўзига хос талаблар қўяди. Бу талабларнинг асосийси мажмуадаги барча маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўғинлар бозор талаби доирасидаги товарларни истеъмолчига таклиф этиш орқали ўз харажатларини қоплаши ва даромад кўриши лозим. Бунда агросаноат интеграцияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Агросаноат интеграцияси агросаноат тизимлари пайдо бўлишига олиб келади. Тизим ҳосил қилувчи омиллар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий –демографик, илмий-техник, ташкилий-хуқуқий, биологик ва табиий шарт-шароитларни ўз ичига олади. Улар муттасил ўзгариб туриши билан биргаликда табиий шарт-шароитлардан ўз барқарорлиги билан ажралиб туради.

Агросаноат интеграцияси негизини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш муаммоларининг аҳамияти, ушбу омиллардан фойдаланишда, уларни мувофиқлаштириш зарурати туфайли ортиб боради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ва қайта ишловчи саноат ўртасидаги узвий боғлиқлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятлар доирасида ягона мақсадни кўзлайди; ҳар бир бўғин пировард тайёр маҳсулот етиштириш ва уни юқорироқ баҳода сотиб даромад олишдан манфаатдор бўлади. Ушбу интеграция жараёнига савдо қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам киради. Агросаноат интеграцияси қулай шарт-шароитларини яратиш орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги муносабатлар тизими узвий боғлашга эришишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигининг агросаноат мажмуи бошқа тармоқларига боғлиқлиги бозор муносабатлари ривожланиб бориши давомида кучая боради. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аксарият ҳолларда тез бузилувчи ва ташишга чидамсиз бўлиб, маҳсулотни истеъмолига қулай вақт ва кўринишда самарали етказиб беришга имкон бермайди.

Айниқса, ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларининг қайта ишланган ҳолда бозорга чиқарилиши масаласи муҳимлиги, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиш мавсумийлиги ва транспортда ташишга ноқулайлиги соҳада интеграция жараёнини объектив заруратга айлантиради. Агросаноат интеграциясида тармоқлараро алоқалар бирмунча соддалашади, яъни ташқи алоқалар билан ички алоқалар боғлиқлиги кучаяди. Натижада, ташқи алоқалар ички алоқалар билан уйғунлашади ва уларнинг ишончлилиги ортади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида саноат ишлаб чиқариши билан интеграцияланиш жараёни қишлоқ хўжалик меҳнати мавсумийлигини юмшатади. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналар ташкил этиш ривожланган моддий-техника базаси, қулай темирйўл тармоғи бўлишини, сув, электр энергияси, газ таъминоти каби шароитлар мавжудлигини талаб этади.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини уйғунлаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитни шакллартиришнинг муҳим омили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, шу жумладан, мева-сабзавот кичик мажмуасини ихтисослаштириш ҳисобланади. Чунки, ихтисослаштиришдан асосий мақсад иқтисодий минтақаларнинг табиий-иқлим шаритларидан мева-сабзавот мажмуаси тайёрланган хом ашёлардан фойдаланишни кенгайтириш ва қайта ишлашни самарали, чиқиндисиз бўлишини таъминлаш орқали нобудгарчиликка йўл қўймаслик, ҳар бир

минтақа республика миқёсида мева-сабзавот бозорлари барқарор тўйинишини таъминлаш ҳисобланади.

Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи сифатида «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ширкат хўжаликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ҚСХВ) ширкат хўжаликлари, вазирлик тасарруфидаги бошқа хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари фаолият юритишмоқда. Тайёрлов ташкилотларига ҚСХВ ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзбекбирлашув» қошидаги ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ўзаро келишилган ҳолда тузилган маҳсулот сотиш уюшмалари киради. Бу уюшмалар махсус ташкилот сифатида рўйхатдан ўтган ва маҳсулот сотувчилар, маҳсулот сотиб олувчилар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб туради.

Ҳозирда республикамизда мева-сабзавот етиштириш учун шарт-шароитлар мавжудлигига қарамасдан етиштирилаётган сабзавотнинг 5,6%и, меванинг 13,7%и, узумнинг 22,6%и қайта ишланмоқда.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш хом ашё ишлаб чиқаришнинг бир ерга жамланиши, қайта ишловчи корхоналарга хом ашё етказиб берувчи ҳудудлар тарқоқлигининг кичиклашишига олиб келади. Натижада, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари нафақат жойлашган ўрни, балки технология жиҳатидан ҳам бир-бирига яқинлашади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик бирлашмалар, мажмуаларда саноат асосида бирлаштириш интеграциянинг энг оқилона шаклларидан бири сифатида намоён бўлади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШИДА ЎЛИМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

З.Н.Тожиева, Ғ.Х.Бердиев
Ўзбекистон Миллий университети

Фарғона вилоят республикамизда ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик шарт-шароитга эга бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. Вилоят аҳоли сони 2006 йилда 2878,5 минг кишини ташкил этган ҳолда мунтазам кўпайиб бормоқда. Минтақа аҳолисининг кўпайишида аҳолининг такрор барпо бўлиши муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, вилоят демографик вазиятида туғилиш ҳам, ўлим жараёни ҳам ҳамиша ижобий хусусиятга эга бўлган. Жумладан, 2005 йилда вилоятда 14,7 минг киши вафот этган, ўлимнинг умумий коэффициенти 5,1 промиллени ташкил этган. Шундан вилоят қишлоқ ҳудудларида жорий йилда 9,6 минг киши (ўлимининг умумий

коэффициенти – 4,6 промилле) вафот этган бўлса, шаҳар жойларида бу кўрсаткич 5,1 минг киши (6,3 промилле) ни ташкил этади.

Ўрганишлардан маълумки, ўлимнинг ўсиш суръати ўтган 2005 йилга нисбатан 108,1 фоизга, туғилиш эса 96,4 фоизга тенг бўлмоқда. Маълумотларга кўра, келажакда вилоят қишлоқ ҳудудларида ҳам аҳоли ўлимининг умумий коэффициентинининг кўтарилиши кутилмоқда, чунки мустақиллик йилларида туғилишнинг кескин камайиши яқин йилларда аҳоли ёш-жинс прамидасида қариялар салмоғининг ошишига ва бу ўлимнинг ортишига олиб келиши мумкин.

Республикада бўлгани сингари вилоятда ҳам қишлоқ аҳолиси орасида шаҳарга нисбатан аҳоли ўлими кўрсаткичи пастдир. Бунининг асосий сабаби шаҳар жойлардаги экологик вазият ва ундаги ўзгаришлар ҳамда шаҳар турмуш тарзининг мавжудлигидир. Фарғона вилояти деганда фақат Фарғона (Қиргули), Қўқон (Химгородок) ва Қувасой каби саноат районларини эмас, балки адир бўйида, ҳавоси тоза, тиниқ ариқ ва сойлар ёқасида, турли хил мева-чевалару, узумзорлар билан ўралган сўлим қишлоқлари ҳам тассаввур этилади. Бундай экологик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қулай қишлоқларда аҳоли ўлими албатта паст кўрсаткичга эга бўлади. Кўп ҳолларда санитария ҳолатининг ёмонлашуви оқибатида турли хил касалликларининг тарқалиши аҳоли ўлимининг ортишига олиб келади. Вилоятда аҳоли ўлими нафақат ҳудудий, балки аҳолининг жинсий ва ёш таркиби бўйича турлича кечади. Масалан, 2004 йилда қишлоқ ҳудудларида эркаклар орасида ўлимнинг умумий коэффициенти 4,5 промилле бўлган бўлса, аёлларда 4,2 промиллени ташкил этган. Шаҳар жойларда эса бу рақам мос равишда 6,1 промилледан 5,4 промиллегача ўзгаради.

Фарғона вилояти бўйича аҳоли ўлими умумий коэффициентининг энг юқори кўрсаткичи (Фарғона шаҳрида – 7,3 промилле ва Қўқон шаҳрида – 6,1 промилле) йирик шаҳарларда кузатилади. Қишлоқ туманларида ҳам бу жараённинг бориши бирмунча ижобий дейиш мумкин. Туғилиш даражаси энг юқори бўлган Бувайда туманида аҳоли ўлими, аксинча, энг паст кўрсаткичга эга, яъни – 3,9 промиллега тенг. Аслида, Бувайда туманига биз юқорида таърифлаган “сўлим водий” иборасини ишлатиб бўлмайди. Чунки, туман Марказий Фарғона чўлларига анча яқин, гидрографик жиҳатдан Сўх дарёсининг “мансаби” ҳисобланади. Бу туманга ёндош жойлашган Боғдод ва Учкўприк туманларида ҳам ўлим кўрсаткичи ижобийдир (4,1 ва 4,4 промилле). Айни вақтда Олтиариқ туманида аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти вилоят ўртача кўрсаткичидан паст – 4,1 промилле. Бу туман вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик жиҳатидан бошқа туманлардан анча олдинда туради. Қолаверса, аҳоли ўлимининг камлигига ҳудуднинг табиий-

экологик жараёнлари билан биргаликда, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳам кучли таъсир этади.

Ўрганишлардан маълумки, минтақадаги “Қўқон шамоли” аҳолининг такрор барпо бўлишига салбий таъсир қилади, шунинг учун бўлса керак Ўзбекистон туманида аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти 5,1 ‰ га тенг бўлса, Фурқат, Данғара, Бешариқ туманларида мос равишда, 4,8; 4,7 ва 4,6 промеллени ташкил этади (2004 йил).

Ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти, одатда, ҳар бир ёш гуруҳида содир бўлаётган ўлим ҳоллари ва омилларини ўрганишга хизмат қилади ва у ўлим жадвали тузишда фойдаланилади. Фарғона вилоятида 0-4 ёш гуруҳида ўлим 5,4‰ бўлса, республикада 4,6 промиллени ташкил этган. Гўдаклар ўлимининг юқорилиги бу ёш гуруҳида ўлимнинг ўсишига олиб келган. Кейинги ёш гуруҳларида ўлим кўрсаткичлари бир-бирига анча яқин. Фақат 85 ёшдан юқори ёшлилар ўртасидаги ўлим Фарғона вилоятида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, республикада 170,5 ‰ бўлгани ҳолда вилоятда эса бу 195,5 промиллени ташкил этган.

Аҳоли гуруҳидаги ўлим жараёнини ўрганишда гўдаклар ўлими, яъни бир ёшгача (0-12 ой) бўлган болалар ўлими ҳам жуда аҳамиятлидир. Чунки, кўп ҳолларда гўдаклар ўлими бир мунча кўпроқ бўлиб, ўлимининг умумий коэффициенти юқори бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам гўдаклар ўлими алоҳида ҳисобланади. Республикада кейинги йилларда гўдаклар ўлими камайиб бормоқда, лекин Фарғона вилоятида бу жараённинг даражаси ҳали ҳам юқори. Вилоятда гўдаклар ўлими 1996 - 2003 йилларда (23,2-20,0 промилле) бир -оз камайган бўлсада, умуммамлакат ўртача кўрсаткичидан (16,4) юқорилиги жуда катта демографик ва тиббий муаммодир.

Аҳоли ўлим даражасини ўрганишда оналар ўлимини мукаммал ўрганиб бориш зарур. Одатда, оналар ўлимига ҳомиладорликнинг охириги (28 хафтадан кейин) ҳамда фарзанд туғилгандан кейинги (6 хафта) даврда содир бўлган аёллар ўлими киритилади. Фарғона вилоятида оналар ўлими республика кўрсаткичига нисбатан ҳар доим ижобий бўлиб келган. Масалан, 1996 йилда оналар ўлими республикада ҳар 100 минг тирик туғилган болаларга нисбатан 20,7 та, бўлса, Фарғона вилоятида эса бу рақам 8,6 тага тенг бўлган. Сўнгги йилларда республикада бўлгани сингари Фарғона вилоятида ҳам оналар ўлими кўпайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаблардан бири -оналарнинг фарзанд кўриш даврида турли хил касалликлар билан касалланиши, туғиш мумкин бўлмаган ҳолда туғиш каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг демографик вазиятида акс этмоқда. Бу эса минтақа келажак тараққиётини белгилашда унинг демографик вазиятига,

хусусан аҳоли саломатлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратишни зарур қилиб қўяди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОИЙ- ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Мажидова
Ўзбекистон Миллий университети

Мамлакатимизнинг қудратли ишлаб чиқариш салоҳияти мужассамланган пойтахт вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўтиш даврига хос ўзгаришлар кузатилади. Бинобарин, сўнгги йилларда вилоятда бозор иқтисодиёти муносабатларини жадал шаклланиб бориши, мулкчиликнинг ривожланиши ва бошқалар ўз навбатида аҳолининг ижтимоий- демографик ривожланишида ҳам баъзи бир ўзгаришларга сабаб бўлади. Буларни аҳоли сонининг ўсиш суръатларининг бирмунча пасайишида, аҳолининг такрор барпо бўлиш ва миграция жараёнларида ҳам кузатиш мумкин.

Вилоят аҳолисининг ижтимоий-демографик ўзгаришлари ҳудудий жиҳатдан шаҳар ва қишлоқ жойларда турлича кечади. Ушбу жараёнлар кўпроқ шаҳар жойлар аҳолисида кучли, аксинча қишлоқ аҳолиси ўзгаришлари сустроқ.

Мавжуд статистик маълумотларга кўра, 1.01.2006 йил ҳолати бўйича Тошкент вилояти аҳолиси сони 2 млн. 467 минг кишини ташкил этиб, у 2000 йилга нисбатан 104,9% га ўсган. Ҳозирда вилоят аҳолисининг 39,3%ни шаҳар аҳолиси ташкил этади. Айтиш жоизки, ушбу кўрсаткич 2000 йил 40,4% тенг бўлган. Кейинги йилларда эса, шаҳар аҳолиси салмоғининг пасайиш ҳолатини кўриш мумкин.

Вилоят аҳолиси ўсишининг асосий омили бу туғилиш бўлиб ҳисобланади. Бунда қишлоқ аҳолисининг роли катта. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг миграция жараёнларидаги иштироки суст. Аксинча, шаҳар аҳолисида туғилишнинг ҳажми қишлоқ аҳолисига нисбатан анча кам ва Айни пайтда унинг миграция жараёнларидаги иштироки юқори.

Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқ туманларда 2000-2006 йиларда аҳоли сонини ўзгаришларини таҳлил қилиш асосида Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Охангарон, Янгийўл шаҳарлари аҳолиси 101,0-103,1 % га ўсганлиги кузатилади. Аксинча Чирчиқ шаҳрининг аҳолиси қисқарган. Бундай ҳолатни Янгиобод шаҳри, Красногорск, Нуробод шаҳарчалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг деярли барчасида миграциянинг салбий натижалари кузатилади.

Таҳлил этилаётган давр мобайнида вилоятнинг барча қишлоқ туманларида аҳоли сонини ортганлигини кўриш мумкин. Айниқса, аҳоли сонини юқори ўсиш суръатлари пойтахт- Тошкент шаҳрига туташ жойлашган Зангиота (112,4%), Тошкент (109,0%) туманларида юқори. Шунингдек, ушбу кўрсаткич Қибрай туманида 106,0% , Янгийўл туманида 106,6% га тенг. Аммо, Қуйичирчиқ (102,2%), Бўстонлиқ (102,5%), Пскент (103,4%) туманларида ўсиш суръатлари нисбатан паст.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз хукумати томонидан аҳолини ижтимоий ривожланиши масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Буни таълим тизимини такомиллаштириш, физкултура ва спортни ривожлантириш ва бошқалар мисолида кўриш мумкин. Ушбу масалаларга айниқса қишлоқ жойларда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларда замонавий мактаблар тизимини барпо қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. 2005 йил ҳолатига кўра Тошкент вилоятида жами 890 та мактаб, 5 та лицей, 73 та коллеж, 540 та болалар боғчаси, 515 та кутубхоналар фаолият юритган. Улар вилоятнинг шаҳар ва қишлоқ туманлари бўйича турлича тақсимланган.

Аҳоли саломатлигини сақлашда эса 104 та касалхона, 454 та амбулатория- поликлиника муассасаси, 224 та қишлоқ врачлик пункти, 13 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та шаҳар врачлик пункти, 104 та фельдшерлик- акушерлик пункти, 445 та дорихона муассасалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ривожланишида унинг турмуш шароитлари муҳим аҳамиятга эга. Бунда уй-жой, табиий газ, ичимлик суви таъминотининг аҳволи қандай даражада эканлиги муҳим. Вилоятда 2005 йили ўртача ҳар бир яшовчига 14,1 уй-жой тўғри келди. Табий газ билан таъминланиш 87,6% га тенг, бу кўрсаткич қишлоқ жойларда 80,7% ни, ичимлик суви билан таъминланиш ҳолати барча туманларда ҳам яхши эмас. Бу борада шаҳарлар ҳамда Зангиота, Қибрай, Тошкент туманларида аҳвол бирмунча яхши; табиий газ таъминотини аҳволи Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пскент, Охангарон, Паркент, Чиноз туманларида, 39,2% дан 70,1% гачани ташкил қилади.

Юқоридагилар ўз навбатида, вилоятнинг айниқса қишлоқ жойларида аҳолининг ижтимоий турмуш шароитлари билан боғлиқ бўлган соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилишини талаб қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИНИНГ ТАБИИЙ ВА МИГРАЦИОН ҲАРАКАТИДАГИ АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР

У.Позилова
Ўзбекистон Миллий университети

Охирги йилларда республикада ҳамда унинг пойтахти –Тошкент шаҳрида туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиш кўрсаткичларида қисқариш жараёнлари кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистон бўйича туғилиш коэффициенти, ҳар 1000 киши аҳолига нисбатан, 1989 йилда 26,1, ўлганлар 6,6 ва табиий кўпайиш 19,5 кишини ташкил қилган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткичлар, юқоридагиларга мос ҳолда, 29,8; 6,4; 23,4 ва 2005 йилда эса 20,3 ; 5,4; 14,9 га тенг бўлган. Тошкентда 1989 йилда туғилганлар 20,5, ўлганлар 7,8 ва табиий кўпайиш 13,7 промиллега баробар бўлган. 1995 йилда қисқариш жараёни кузатилган ҳолда, туғилганлар 17,7, ўлганлар 9,2, табиий кўпайиш 8,5 ва 2005 йилда бу кўрсаткичлар 15,6; 8,6; 7,0 промиллени ташкил этди.

Шаҳар ҳудудидаги геодемографик жараёнларни туманлар даражасида таҳлил қиладиган бўлсак, 2005 йил маълумотларга кўра, туғилишнинг энг юқори коэффициенти Шайхонтохур туманида кузатилган (20,6 промилле). Ўртача кўрсаткичдан сал юқори бўлган Бектемир, Собир Рахимов, Сирғали, Учтепа туманларида эса у 18,6; 18,3; 17,8 ва 15,3 промиллега тенг бўлган. Қолган маъмурий бирликларда ва, айниқса Яккасарой туманида туғилиш кўрсаткичи жуда паст -10,4 промилле. Бу маълум даражада туманлар аҳолисининг ёш ва миллий таркиби билан боғлиқ.

2005 йилда табиий кўпайиш Тошкент бўйича ўртача 1000 аҳолига 7,0 кишини ташкил этди. Шу билан бирга Шайхонтохур ва Собир Рахимов туманларда мазкур кўрсаткич 14,7; 11,6, Бектемир, Учтепа ва Сирғали туманларида юқоридагиларга мос равишда, 9,4; 6,8; 5,1, Яккасарой туманида эса энг минимал, яъни у атиги 3,9 промиллега баробар бўлди.

Умуман олганда, 1990-2005 йилларда табиий кўпайиш даражаси шаҳар бўйича 2 мартадан кўп қисқарди. Хусусан кескин тафовут Хамза, Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туманларида қайд этилди, Шайхонтохур туманида эса жиддий ўзгариш кузатилмади. Бундай фарқ, энг аввало, туғилиш даражаси билан боғлиқ. Чунончи, туғилишнинг умумий коэффициенти Яккасарой туманида энг кичик (10,5 промилле) ва, айни вақтда, у Шайхонтохур туманида бошқа туманларга қараганда энг катта-20,6 промиллени ташкил этди.

Тошкент шаҳри демографик ривожланишини таҳлил қилар эканмиз, аҳолининг ўсишига маълум даражада миграция омили таъсир қилганини ҳам кўришимиз мумкин. Бу омил хусусан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда сезиларли бўлди. Охирги кўзга кўринган миграция

оқими 60-йилларда кузатилган. Масалан, Тошкентдаги 1966 йилда бўлган зилзиладан кейин шаҳарни тиклаш учун кўп миқдорда қурувчилар (ўша пайтдаги иттифоқдош республика ва шаҳарлардан) келиб қатнашган. Улардан анча қисми шаҳарда доимий яшаш учун қолиб кетган. Бироқ, кейинчалик ташқи миграциянинг аҳоли ўсишига таъсири камая бошлади ва ҳатто унинг қолдиғи Тошкент учун манфий тус олди. Бундай ҳолат русийзабон ва бошқа миллат вакилларининг юртларига кўчиб кетиши билан изоҳланади.

Тошкент шаҳрининг соф "миграцион йўқотишлари" 1991-2005 йилларда табиий кўпайишни деярли "ютиб" юбормоқда. Жумладан, 1989-2005 йилларда шаҳардаги миграция вазиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, пойтахтга келувчилар ва кетувчилар сонида қисқариш жараёни кузатилмоқда. Аммо, шунга қарамасдан, миграция қолдиғи ҳамон манфий бўлмоқда. Масалан, 1991 йилда келганлар сони 52,4 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг сони 21,9 минг кишига тушиб қолди, ёки у деярли 2,5 мартага қисқарди; 1991 йилда кетганлар сони 64,7 минг кишини, миграция қолдиғи минус 12,4 минг кишини, 2005 йилда эса, шунга мос равишда, 32,1 ва минус 10,2 минг кишига тенг бўлди. Энг катта манфий миграция сальдоси 1994 йилда кузатилган Тошкент шаҳаридан шу йили 77,9 минг киши кўчиб кетган.

Тошкент шаҳри аҳолиси миграция ҳаракатларида ҳудудий тавофутларни кузатиш мумкин. Аҳолининг миграцион алмашув натижаларига кўра, Тошкент шаҳрида 1991 –2005 йилларда миграциянинг энг ката манфий кўрсаткичи М.Улуғбек, Сирғали, Хамза, ҳамда Чилонзор, туманларида кузатилган. Уларнинг ҳиссасига 1995 йилда миграция ҳаракати балансининг деярли ярмидан кўпи тўғри келган. Шунингдек, миграция жараёни Юнусобод, Яккасарой, Миробод туманларида ҳам бир мунча фаол, қолган туманларда миграция алоқаларининг натижалари демографик шароитга у қадар катта таъсир кўрсатмаган.

2005 йилда мигрантларнинг миллий таркиби бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, келганлар ичида ўзбекларнинг улуши сезиларли ёки жами келганларнинг 77,7 фоизига баробар бўлди: руслар 7,6, татарлар 3,4, корейслар 3,0 фоизни ташкил қилди. Кўриниб турибдики, ўзбеклар асосан республика ички миграциясида фаол қатнашмоқда. Қолган ўринларни татарлар, корейслар, украинлар, еврейлар, қозоқлар эгаллайди. Кўчиб кетганлар ичида энг катта улушни руслар (42.6 фоиз), ўзбеклар (27,5 фоиз), татарлар (9,6 фоиз), корейслар (5,1) ва қозоқлар (4,8 фоиз) эгаллайди. Айтиш жоизки, пойтахт учун 2005 йилда миграция қолдиғи яна манфий тус олди. Тошкентга шу йили келганлар сони 21915 киши кўчиб кетганлар 32130 кишини, миграцион қолдиқ -10215 кишига баробар бўлди.

Шундай қилиб, мустақиллик йиллиарида Тошкент шаҳри демографик вазиятида ҳам ўзига хос ўтиш даври юз бермоқда. Бу даврда

аҳоли сонининг ўсиши табиий ҳаракат натижаларининг қисқариши ва миграция қолдиғининг манфий тус олиши билан боғлиқ бўлди.

ҚИШЛОҚЛАР ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

М.Махмудов
Ўзбекистон Миллий университети

Туризм шиддат билан ривожлананаётган ҳозирги даврда жаҳон туризм бозорида Осиё мамлакатларининг мавқеи ҳам ошиб бормоқда. Бу ўринда, энг авволо, Жануби- шарқий Осиё мамалакатлари Тайланд, Индонезия, Малайзия, Хитой кабиларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар ўзининг экотуристик салоҳияти жиҳатидан етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистоннинг ҳам экотуристик салоҳияти халқаро донор ташкилотлар томонидан ўрганилиб, яқин келажакда уларни ривожлантириш ва молиялаштириш режалари ишлаб чиқилмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларидан 11 та экотуристик районлар (қишлоқлар) ажратиб олинди, шулардан 3 та қишлоқ Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Улар Тошкент вилоятидаги Чимён, Хумсон ва Бричмулла қишлоқларидир.

Танлаб олинган ушбу ҳудудлар дарё бўйларида ва тоғ ёнбағирларида жойлашганлиги сабабли, тоғ туризмини ривожлантириш учун энг қулай макон сифатида олинди. Мазкур қишлоқларнинг туристик имкониятларини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва тегишли чора-- тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ҳозирда ARCADIS, MOT MACDONALD, MNT consalting каби халқаро компаниялар шуғулланмоқда. Лойиҳани молиялаштиришни эса Европа Иттифоқи ташкилоти ўз зиммасига олган. Шу боис бу ҳудудларда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, алоқа воситалари тизими (халқаро телефон, факс, интернет) фаолиятини кучайтириш, қишлоқларни энергоманбалар билан узлуксиз таъминлаш, санитария ва тиббий хизматлар тури ва сифатини яхшилаш, уларни замонавий асбоб - ускуналар билан жиҳозлаш талаб этилади.

Танлаб олинган қишлоқларни ободонлаштиришда маҳаллий аҳоли хизматига таяниб кўчаларни тартибга солиш, ёритиш ва йўлларни таъмирлаш зарур. Чимён, Хумсон қишлоқлари Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари чегараларига яқин бўлганлиги туфайли маҳаллий аҳоли таркибида қозоқ, қирғиз миллати вакиллари кўпчиликни ташкил қилади. Бричмуллада эса аксинча аҳолининг аксарият қисми (95%) этник тожиклардан иборат. Шунинг учун мавжуд шароитдан келиб чиққан

ҳолда, уй ва кўчалар ўзбек, қозоқ, қирғиз ва тожик миллий безаклари асосида безатилса, келган сайёҳларда ҳудудга янада қизиқиш ортади. Албатта, бунда халқаро донор ташкилотларнинг молиявий кўмаги ҳам зарур бўлади.

Хумсон, Чимён, Бричмулла қишлоқларига бу даражада катта эътибор қаратилишидан кўзда тутилган мақсад, келажакда ўзгача ташқи кўринишга эга бўлган, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни очиқ табиат ҳамда тоза ҳавода мароқли дам олишини таъминловчи марказлашган туристик ҳудудни ташкил қилишдир. Бинобарин, ҳозирда ҳам бу қишлоқларда бир қанча инфратузилма шакллари мавжуд. Аммо, шунга қарамай, дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар фаолиятини яхшилаш ва меҳмонлар учун кичик- кичик хизмат кўрсатиш шаҳобчалар сонини кўпайтириш лозим. Бунда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам катта ижобий натижалар беради.

Маълумки, баҳор, ёз ва қиш фаслларида тоғ ёнбағирларида дам олувчилар кўп бўлади. Шунинг учун дам олувчилар кўпроқ саёҳат қиладиган жойларда биохилма- хилликни сақлаш, фауна ва флора дунёсига инсон ва ҳайвонлар (сигир, қўйлар ва отлар) томонидан кўрсатиладиган таъсирни камайтириш лозим. Булардан ташқари, аҳоли муқаддас жойлар деб билган Хумсон қишлоғидаги “Бўстонлиқ бува” ва “Қирқ кокил” каби жойлар, табиат ёдгорликлари жойлашган ҳудудлар, шаршара, булоқлар атрофини муҳофаза қилиш ёки унча катта бўлмаган кўриқхоналарни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай туристик объектлардан бир қанчаси аниқланганидан сўнг, маҳаллий аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда маршрутлар дастурини ишлаб чиқиш имконияти туғилади.

Ушбу қишлоқларда яшовчи аҳолининг асосий қисми чорвачилик ва деҳқончиликдан даромад олади. Шу билан бирга аҳоли таркибида ишсизлар сони ҳам оз эмас (25%) ташкил қилади. Мазкур омилларни ҳисобга олиб, маҳаллий тадбиркорларга кенг йўл очиб берган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи (асал, бодом, ёнғоқ, сут маҳсулотлари ҳамда мева резаворларни қайта ишловчи) кичик цехлар ёки миллий ҳунармандчилик устахоналари фаолиятини шакллантириш зарур. Жумладан, сувенир учун ясаладиган ҳунармандчилик маҳсулотлари - эгарлар, юганлар, қамчилар, ўзбек ҳамда тожик каштачилиги наъмуналари ва миллий кўринишдаги кийимлар тикиш, кулолчилик, ёғочлардан турли кўринишга эга буюмлар ясаш, уларни сайёҳларга сотиш орқали ҳам кўпчилик аҳоли иш билан таъминланади ва айни вақтда катта даромад олинади.

Таъкидлаш жоизки, Чимён, Хумсон ва Бричмуллага дам олиш учун келган саёҳатчилар фақатгина экологик туризм билан чегараланиб

қолмасликлари керак. Улар саёҳат, экскурсиялардан сўнг маҳаллий аҳолининг яшаш шароити ва турмуш тарзи билан яқиндан танишишлари учун бу қишлоқларда маданий туризмни ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳар учала қишлоқда тарихий музейларни ташкил этиш ёки саёҳатчилар учун миллий анъаналар, таом ва кийимларни намойиш қилиш, фестиваллар, турли кўнгил очар тадбирларни йўлга қўйиш зарур. Айниқса, дам олувчилар учун қирғиз, қозоқ ва тожик миллати вакилларининг урф-одати, анъаналарини томоша қилиш қизиқарли бўлади. Бунинг учун маҳаллий аҳоли онгига туризм маданиятини сингдириш, меҳмонларни кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари тўғрисида турли учрашувлар ўтказилиб, маслаҳатлар бериш лозим. Энг асосий масала - ушбу қишлоқларда маҳаллий ташаббускор гуруҳларни тузиш асосида юқоридаги мақсадларга эришиш имкони туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, яқин келажакда Хумсон, Чимён, Бричмулла қишлоқларини туризмга ихтисослашган ҳудудга айлантириш мумкин. Натижада, бу ҳудудлар кенг тармоқли замонавий меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, сиҳатгохлар жойлашган, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган, миллий анъаналар тикланган ва маҳаллий ҳамда хорижий саёҳатчиларни ўзига жалб этадиган замонавий кўринишдаги жойга айланади. Бунда, албатта, юқорида таъкидланган халқаро донор ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимиятнинг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга бу қишлоқларда туризмнинг ривожланиши ўзига хос тажриба, синов вазифасини ҳам бажаради. Бинибарин, айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар асосида бундай туристик маконларни янада кўпайтириш имконияти яратилади.

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР АСОСИДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Н. Ражабов
Тошкент иқтисодиёт университети

Табиий ресурслар, хусусан ёқилғи – энергетика, турли хил минерал хом ашёлари ҳар қандай мамлакат миллий иқтисодиётининг шаклланиши муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида бир томондан, юксак даражада ривожланган давлатлар (“постиндустриал” мамлакатлар) замонавий техналогия, ахборот тизими ва интеллектуал салоҳият билан ажралиб туришса, иккинчи томондан, йирик ёқилғи-энергетика, айниқса бой нефть ва газ заҳираларига эга мамлакатлар ажралиб туришади.

Таъкидлаш жоизки, табиий шароит ва ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш негизида ишлаб чиқариш тармоқларини ҳудудий

ташкил этиш иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт фанларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бежиз эмаски, анъанавий иқтисодий география дастлаб айнан табиий шароит ва ресурслар билан боғлиқ хўжалик тармоқларини (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва тоғ-кон саноати) ўз қамровига олган. Бинобарин, ҳозирги даврда ҳам табиий ресурсларга баҳо бериш, хусусан ўлканинг ҳудудий бирикмаларига эътибор бериш ушбу фаннинг долзарб муаммолари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш ва жойлаштиришда табиий ресурслар олиш муҳим ҳисобланади. Маълумки, мамлакатимиз ёқилғи, айниқса табиий газ ҳамда турли хил минерал ресурсларга бой. Улардан самарали фойдаланиш мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодиётини мустаҳкамлашда, бу борадаги хавфсизлик ва мустақилликни таъминлашда ката аҳамиятга эга.

Албатта, республика табиий ресурслари унинг ҳудудлари бўйича бир текис тақсимланмаган. Бу хусусда энг аввало, Навоий, Тошкент. Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ажралиб туради. Шу боис мазкур минатақаларда иқтисодиёти кўпроқ ёки қисман айнан мавжуд минерал хом ашё ва ёқилғи ресурсларига асосланган. Масалан, Навоий вилояти саноати рангли металлургия, қимматбаҳо ва ноёб металларни қазишга ихтисослашганю Бу ерда яъни, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ва Мурунтовда тоғ-кон саноатининг йирик ва халқаро аҳамиятга эга бўлган корхоналар жойлашган. Айнан шу асосда, манзилгоҳлари “ресурс шаҳарлар” сифатида тилга олинади.

Қашқадарё вилояти хусусан, нефть ва табиий газ заҳиралари бўйича республикада етакчи ҳисобланади. Бу ерда мамлакатимизда дастлабки газ кимё мажмуаси шаклланган (Шўртан ва Муборак шаҳарлари). Вилоятнинг нефть конлари негизида (Кўкдумалоқ) Бухоро вилоятида (Қоровулбозор) нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилган. Ушбу корхона Фарғона шаҳридаги турдош завод билаг бирга мамлакатимизнинг ёнилғига бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Тошкент вилояти, шунингдек Сурхон воҳаси, Бухоро минтақаси ва Қорақалпоғистон Республикасида рангли металлар, кўмир, қисман нефть, турли хил тузлар ва қурилиш металлари хом ашёси мавжуд. Шу асосда республикамизнинг саноат марказлари (Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон, Газли, Зафаробод, Қўнғирот ва бошқалар) вужудга келганю Шунингдек, Самарқанд, Жиззах ва Наманган вилоятларида ҳам айрим минерал ресурслар ва қурилиш материаллари хом ашёлари аниқланган ва улардан фойдаланилмоқда. Айни вақтда Сирдарё ва Хоразм вилоятлари иқтисодиёти омиллар аҳамияти деярли йўқ.

Таҳлиллар шуни кқрсатадики, бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакат иқтисодиётини тиклаш ва мустаҳкамлаш кўпроқ ундирувчи саноат зиммасига тушди. Шу боис 1991-2006 йиллар давомида ушбу саноат гуруҳига кирувчи тармоқларнинг республика ялпи саноат маҳсулотидаги ҳиссаси мунтазам ошиб борди ва ҳозирги кунда у 40 фоиздан ортиб кетди. Фақат ёқилғи-энергетика мажмуининг улуши ялпи саноат маҳсулотининг 1/5 қисмидан кўпроғини ташкил этади. Шунингдек, рангли металлургия ҳам анча яхши ривожланган. Аммо, қора металлургия учун мамлакатимизда коксланувчи кўмир ва саноат заҳираларига эга бўлган темир руда конларининг йўқлиги сабабли у фақат битта, яъни тўлиқ циклига эга бўлмаган Ўзбекистон (Бекобод) металлургия комбинатидан иборат.

Ҳозирги даврда республикамиз раҳбарияти ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва улар иқтисодиётини саноатлаштиришга устувор аҳамият бермоқда. Шу нуқтаи назардан келажакда ундирувчи саноат тармоқларининг нисбий кўрсаткичлари бироз пасайиши ва қайта ишлаш саноати ҳиссасининг ошиб бориши кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, республика саноатини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишда табиий ресурслар катта аҳамият касб этади. Бундай имкониятлардан фойдаланишда барқарор ривожланишга таъсири ҳамда технологик муаммоларга ҳам эътибор кўрсатиш мақсаддан холи эмас.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ТРАНСПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ

Э.Э. Йўлдошев
Ўзбекистон Миллий университети

Фаргона вилояти ҳудудини ҳалқоро темир ва автомобил йўллари кесиб ўтади. Қўқон йирик транспорт тугуни хисобланади. Бу ерда Фарғона – Андижон – Ўш , Наманган хамда Исфара йўналишларига хар хил йўллар кетади. 2005 йил вилоятдаги умумий фойдаланишда бўлган барча турдаги транспорт воситалари билан 62,5 млн. тонна юк ташилди. Агар ўтганйилга таққослайдиган бўлсак ўсиш суръати 109,7 % ни ташкил этади. Юк айланмаси 2841,1 млн тонна км ни ташкил этади. Шу жумладан автомобил транспортига 54,4 млн тонна юк ташилиб юк айланмаси эса 1518,1 млн тоннани ташкил этади. Вилоятда йил давомида барча турдаги транспорт воситаларида 427,4 йўловчи ташилган.

Вилоятда транспорт турлари бўйича таққослайдиган бўлсак автомобил транспорти сезиларли даражада олдинги ўринда туради. Юк ташишдан тушган даромад 5460 млн сўмни , йўловчи ташишдан тушган даромад эса 5704,9 млн сўмдан иборат. Вахоланки 2004 – йилда юк ташишдан тушган даромад 5100 млн сўмни , йўловчи ташишдан эса 5301,4 млн сўм бўлган. Вилоятимизда хусусий транспорт эгалари кўпайиб

бормоқда. Улар томонидан 13,5 млн тонна юк ташилди ёки ўтган йилга нисбатан юк ташиш 11,2 % га ортди, юк айланма обороти 589 млн тонна /км ни ташкил этади ва ўтган йилни шу даврига нисбатан 26,2 % га ошди.

Кейинги ўринда турувчи темир йўл транспорти бўлиб 2005 йилда 8,1млн тонна юк ташилди. Юк ташишдан келган даромад 38 млн сўмни ташкил этди. 2004 – йилда 29млн 600 минг сўм бўлган. Ўсиш суръати 128,4 % га тенг.

Кўрсаткичлар	2005 - йил	2004 – йил	Ўсиш суръати (%)
Жами ташилган юк, млн /тн	62,5	56,9	109,7
Юк айланмаси млн т /км	2841,1	2584,1	109,9
Юк ташиш даромади, млн сўм	43467,9	34704,1	125,3
Йўловчи ташилди, млн	427.4	389.9	109.6
Йўловчи ташиш айланмаси, млн . йўл/км	3423.2	3201.8	106.9
Йўловчи ташишдан тушган даромад млн сўм	5704.9	5301.4	107.6
Автомобил транспорти учун			
Юк ташилди млн тонна	54.4	48.8	111.3
Юк айланмаси млн тонна/км	1518.1	1209.1	125.5
Юк ташишдан тушган даромад млн сўм	5460	5100	107.1
Шу жумладан шахсий транспорт орқали:			
Юк ташилди, минг тонна	13491.5	12130.1	111.2
Юк айланмаси млн т / км	589.0	466.6	126.2
Йўловчи ташилди млн йўловчи	178.0	144.4	123.2
Йўловчи айланмаси млн йўл/км	2266	2080.1	108.9
Хаво транспорти			
Юк ташиш даромади млн сўм	7.9	4.1	195.2
Йўловчи ташиш, минг йўловчи	48	35	136.1
Темир йўл			
Юк ташилди млн т	8.1	8.1	100.5
Юк айланмаси, млн т/км	1323.0	1375	96.2
Юк ташиш даромади, млн сўм	38000	29600	128.4

Навбатдаги транспорт, яъни хаво транспортидан йўловчи ташишда келаётган даромад 2004 - йил 112,2 млн сўмни , 2005 – йилда эса 157,3 млн сўмни ташкил этган. Юк ташишда хам 2005 – йил 157,3 тонна , йўловчи ташишда эса 48000 кишидан иборатдир. Вилоят транспорт ташкилотларинингш йўловчи ташиш айланмаси 3423,2 млн йўловчи – км ни ташкил этди, ёки ўсиш суръати 106,9 % га тенг бўлди.

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 2004 – йилга нисбатан 2005 – йилда Фарғона вилоятида юк ва йўловчи ташишдан келаётган ялпи даромаднинг миқдори ошган. Шу жумладан вилоят иқтисодиётини

ривожлантиришда юк ва йўловчи ташишнинг ўрни беқиёсдир. Чунки вилоят иқтисодий жихатдан мухим магистрал йўлда жойлашган. Бу йўл вилоят учун катта ахамиятга эгадир.

Адабиёт

1. Солиев.А.А ва бошқалар, Минтақавий иқтисодиёт., Т-2003.
2. Солиев.А.А, Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати //марузалар матни., 2000.
3. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборотномаси., Т-2005, 3-4 чорак.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ЎСИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

З.Н.Тожиева, А.Сатторов
Ўзбекистон Миллий университети, Термиз Давлат университети

Мамлакат ижтимоий ва иқтисодий салоҳияти аҳоли сони ва унинг жойланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барқарор тараққий этишида аҳоли сони муҳим аҳамиятга эга бўлсада, аҳолининг ўзи ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга таъсир этмасдан қолмайди. Шу боисдан ҳар қандай худудни иқтисодий ва ижтимоий таҳлил қилишда даставвал аҳоли сони ва унинг динамик ўзгариши баҳоланади.

Сурхондарё вилояти аҳоли сонига кўра республикамизда еттинчи ўринда туради. Унинг аҳолиси 1 январ 2006 йил маълумотига биноан 1932,8 минг киши бўлиб, шундан 80,3 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Мамлакатимизда ўзининг демографик салоҳияти, аҳолининг ўсиш сурати бўйича ҳамиша энг юқори ўринда бўлиб келган ушбу минтақа жами, республика аҳолисининг 7,2 фоизини мужассамлаштиради. Вилоят аҳолисининг сони йилдан йилга фақат табиий кўпайиш ҳисобига муттасил ўсиб бормоқда.

Юқори суръатдаги аҳолининг мунтазам кўпайиб боришини қуйидаги маълумотлар янада яққол ифодалайди. Жумладан, охирги аҳоли рўйхати маълумотида (1989 йил) Сурхондарё аҳолисининг умумий сони 1272,2 минг кишига тенг бўлган, ундан кейинги 10 йил давомида эса умумий аҳоли сони 450,9 минг кишига ортди ёки 135,4 фоизга ўсди; ўртача йиллик кўпайиш суръати 3.05 фоизни ташкил қиган. Бироқ, шу давр мобайнида аҳоли умумий сонига келиб қўшилаётган мутлоқ миқдорда йилдан - йилга камайиш кузатилмоқда. Масалан, минтақа умумий аҳолиси сонига 1992 -1993 йиллар 51.8 минг киши қўшилган бўлса, бу кўрсаткич 2005-2006 йилларда 37,9 минг кишидан иборат бўлди. 2005 йилдаги аҳолининг йиллик ўсиш суръати 101,6 фоизга баробар бўлган ҳолда, қишлоқ аҳолисиники 101,8 фоизга ўсди.

Аҳолининг ўсиш даражаси борган сари камайсада, аммо вилоят умум аҳолиси ва қишлоқ аҳолисининг кўпайиши жами республика кўрсаткичидан (101,5 фоиз) ҳамон юқоридир. 1989-2006 йилларда мамлакатимиз қишлоқ аҳолисининг нисбий ўзгариши 139,3 фоиз бўлганда, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич юқори, яъни 151,5 фоиз даражасида қайд этилган. Тадқиқот объектида аҳоли сонининг бундай тез суръатларда ўсиб бориши мазкур ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишига таъсир қилади.

Мустақиллик йилларида вужудга келган ижтимоий- иқтисодий вазият аҳолининг оиладаги фарзандлар сонига бўлган муносабатини кескин равишда ўзгартирмоқда. Натижада, қишлоқ жойлардаги аҳоли ўртасида ҳам ўртача ва кам болаликка ўтиш анъанаси кириб бормоқда. Бу эса фақат табиий ҳаракат ҳисобига ўсаётган қишлоқ аҳолисининг мутлоқ кўпайишининг борган сари камайишига олиб келмоқда. Аммо, шунга қарамасдан, Сурхондарё вилояти аҳоли сонидаги ўсиш кўрсаткичларининг юқорилиги бўйича нафақат Жанубий иқтисодий районда, балки республикамизда ҳам алоҳида ажралиб туради. Бундай минтақавий демографик ривожланишда вилоят қишлоқ аҳолисининг роли беқиёсдир.

Тадқиқот обеъктида қишлоқ аҳолиси улушининг катталиги ва доимо кўпайиб бораётганлиги Жанубий иқтисодий район демографик вазиятини белгилаб бермоқда. Дарҳақиқат, аҳолининг миқдорий ўзгариши ва жойланиши ўрганилаётган минтақа маъмурий бирликларидаги аҳоли билан боғлиқ узоқ тарихий жараёнлар ва уларга таъсир қиладиган ижтимоий –иқтисодий, географик ҳамда демографик омиллар тизимида вужудга келади. Булар ичида айниқса демографик ва географик омилларнинг тизимида алоҳида келтириб ўтиш жоиздир.

Чунончи, аҳоли ривожланиши ва жойланишида демографик жараёнларнинг қуйидаги икки ҳолати муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, биринчи ҳолатда аҳоли кўпайишида унинг табиий ҳаракати ижобий бўлиб, меҳаник харакати суст бўлади. Иккинчи ҳолатда тадқиқ этилаётган давр оралиғида четдан аҳолининг кўчиб келиши жадал бўлиши билан биргаликда, унинг табиий ҳаракати нисбатан паст кўрсаткични ташкил этади. Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолиси сонининг даврий ўзгариши ва жойланиши учун биринчи ҳолат хос десак муболаға бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, минтақа аҳолиси таркиби, тузилиши ва ривожланишида табиий ҳаракат таъсири яққол сезилиб туради.

Сурхондарё вилояти аҳолиси кўпгина хусусиятларига кўра, яъни ўсиши ва кўпайиши бўйича ўзига хос ҳудудий фарқ қилади. Чунончи, 1989-2006 йилларда вилоятнинг Шўрчи, Шеробод, Олтинсой, Денов ва Жарқўрғон туманлари қишлоқ аҳолиси 1,5-1,6 мартага ошди. Мазкур туманлар қишлоқ аҳолисининг ўсиши юқори эканлиги билан вилоятда алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, айнан ушбу туманлар қишлоқ

аҳолиси миқдорига кўра анча устунликка эга. Улар орасида демографик салоҳияти бўйича Денов тумани юқори кўрсаткични ташкил этади. Чунки, бу туман қишлоқ аҳолиси 216,4 минг (2006 йил) кишидан иборат бўлиб, вилоят жами қишлоқ аҳолисида унинг улуши 14,2 фоизга тенг. Айни вақтда, Бандихон тумани аҳолисининг мутлоқ миқдорига кўра вилоятда аҳоли сони кам бўлган туман ҳисобланади. Бу туманнинг аҳолиси 39,6 минг кишидан иборат бўлиб, Сурхондарё қишлоқ аҳолисидаги ҳиссаси 2,6 фоиз, холос. Ангор, Бойсун, Қизириқ, ва Термиз туманларининг ҳам аҳолиси 100 минг кишига етмайди. Ўрганишлар натижасига кўра, вилоятнинг 14 туманидан 8 тасида ўртача йиллик ўсиш суръати ҳамиша юқори бўлиб келмоқда. Буни асосан географик ва демографик омиллар билан боғлаш мумкин. Вилоятнинг ҳудуди ғарб ва шимоли – ғарб ҳамда қисман шарқ томондан баланд тоғлар билан ўралганлиги, ўрта қисми жануб йўналишида очиқ ва текисликдан иборатлиги аҳоли жойланишида ўзига хос кўриниш ҳосил қилган. Шу сабабдан айнан Сурхон-Шеробол водийсида жойлашган туманлар аҳолисининг кўпайиш даражаси устун бўлган ҳудудлар гуруҳига киради. Аҳоли сонининг кўпайиш суръатлари текислик ва чўл туманларида паст бўлган бўлса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларда эса, аксинча, ҳамиша устун бўлган. Бироқ, Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолисининг ўсиш даражаси асосан чўл ва текислик туманларида катталиги билан тавсифлидир.

ХАЛҚАРО БОЗОРДА МИЛЛИЙ ТУРИЗМ

А.Н.Саттаров
Ўзбекистон Миллий университети

Халқаро туризм бозори муаян тижорат мақсадларини амалга оширишга шарт-шароит яратувчи мезонларни белгилаш имконини беради. Бундан кўзланган мақсад, бир томондан янги туристик бозорларни ва мижозларни жалб қилиш, иккинчи томондан эса, эски мижозларни сақлаб қолишдир. Миллий турмаҳсулотни халқаро бозорда ўтказишга доир турли хил чор-тадбирлар биринчи навбатда бевосита, келажакда потенциал мижоз бўлиши кутилаётган кенг омма учун йўналтирилади. Турли хил маркетинг тадбирлар, туристик маҳсулотлар халқаро бозорда мутахассислар воситачилигида амалга оширилади. Қуйидаги учта асосий тамойил тур маҳсулотни бозорда ўтказилишига хизмат қилади: жумладан, аниқ мақсад йўналишида ишни давом эттириш, янги режаларни мўлжаллаш, фаолиятни мувофиқлаштириб бориш. Ҳақиқатдан ҳам, бозорни эгаллашга доир тадбирлар ушбу йўналишга доир ишларни узлуксиз равишда олиб борилгандан кейингина ижобий натижалар бера бошлашини Ғарб тажрибасидан кўриш мумкин. Тур маҳсулотлар ўтказилиши, воситалари якка тартибда бошқа чора-тадбирлардан

ажратилган ҳолда қўлланилиб турилиши ушбу воситалар таъсирчанлигини анча камайтиради. Тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистоннинг туристик маҳсулотларни халқаро бозорда ўтказишнинг қуйидаги асосий усулларини таъкидлаш мумкин:

- Маҳсулот сотувини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тегишли шароитлар яратиб бериш;
- Жамоатчилик билан алоқани кучайтириш ва тўғридан тўғри ахборотлар бериш
- Реклама-ташвиқот ишларини янада кучайтириш.

Милиий маҳсулотни кенг оммага танитишда реклама асосий ўрин тутади, масалан, Европанинг туризми ривожланган давлатларида (Франция, Италия, Испания) реклама учун маркетинг тадбирларига ажратилган маблағнинг асосий қисм сарф қилинади. Аксарият туристик ташкилотлар ундан сотув ҳажмини ошириш мақсадида фойдаланишади, ушбу мақсадлар учун сотувдан келиб тушган фойдаларнинг ўртача 5-15% и сарфланади. Халқаро туризм соҳасида рекламанинг қуйидаги асосий турлари ажратиб кўрсатилади: жумладан, ахбарот тарзидаги, чорловчи (қиёсий) ва эслатма реклама. Ахбарот тарзидаги рекламадан бошланғич талабни вужудга келтириш учун янги туристик маҳсулотлар тўғрисида истеъмолчиларга маълумот бериш мақсадида фойдаланилади. Саёҳатда туристлар янги таассуротлар олишни, ўзларининг шаҳри ҳудудида ва малакатида мавжуд бўлмаган ноёб нарсаларни кўришни исташади. Масалан, америкаликларга замонавий бинолар қурилган шаҳарларни бориб кўришни таклиф этиш бефойда. Аксинча, уларни тарихий жойлар ўзига тортса, европаликларни эса, Ўзбекистон ҳунармандалари яратган ноёб буюмлар қизиқтиради:

- агарда реклама қилинаётган тур ёки маҳсулот ёки турмаршрут нархи арзонлиги билан ажралиб турса, Ушбу ҳолларда бу хусусиятни сарлавҳада акс эттиришга ҳаракат қилиш лозим;
- рекламада фақат аниқ фактлардан фойдаланинг ва умумлаштиришдан узоқроқ юринг, фақат аниқ далилларгина мижозни маҳсулот билан олдинроқ танишмасдан туриб, уни харид қилишга ундаши мумкин;
- реклама қилинаётган тур маҳсулот ундан кўзланган мақсадга мос келиши лозим. Ноўрин эълон обрўингизни тушуриб юборади ва хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланадиган ўртамиёна имиджга эга бўлишингизга олиб келиши мумкин.

Туризм соҳаси тўғри ташкил қилинган тақдирда реклама тури учун компанияга сарфланган 1 АҚШ доллари 4 АҚШ доллари миқдорида фойда билан қайтиши жаҳон тажрибасидан ўтган, Мисрда ўтказилган халқаро семинарда бу ҳақда таъхкидалаб ўтилган эди. Ўзбекистоннинг туристик маҳсулотини халқаро бозорда ўтказишда сотувни қўллаб-қувватлаш катта

аҳамиятга эга. Сотувни қўллаб-қувватлаш бу маҳсулотни ёки хизмат харид қилинишини рағбатлантирувчи қисқа муддатли чора-тадбирлар амалга оширишидир. Рағбатлантирувчи чора-тадбирлар туризм хизматлари сотувини енгиллашитириш ва тезлаштириш мақсадида коммуникациянинг бошқа воситаларини ишга солиш демакдир: Биринчи гуруҳга туроператорлар, тур агентларнинг туристик маҳсулотлар тўғрисидаги билимларини оширишга йўналитирилган барча чора-тадбирлар (танишув турлари, ташрифномалар, брошюралар, кўргазмали материаллар ва ҳ.к) киради. Туроператорлар брошюра ва ташрифномалардан сотувни амалга оширишда ёрдам берувчи қўшимча материал сифатида фойдаланилади. Ўзбекистон турмаҳсулотини сотаётган турагентлик ваколатхонасида кўргазма материали афишалар, кичик деворий кўргазмалар, халқ ҳунармандчилиги предметлари ва рангли расмлар кўргазмасининг ўтказилишидир. Иккинчи гуруҳга, мижозларга йўналтирилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

- тўғридан-тўғри почта алоқаси (маҳсулотни сотиш хатлар ёзиш) уларга потенциал мижозлар номига жўнатилган брошюра ва танишув ташрифномалари илова қилинади;
- мавсумдан ташқари вақтларда меҳмонхоналардаги хоналарнинг ижара хақи вақтинча камайтирилгани хақида махсус таклифлар билан мурожаат қилиш;
- туристик гуруҳлар учун махсус чегирмаларни киритиш.

Мамалакатимизга келаётган туристларни ташишда Ўзбекистон “Ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси устуворликка эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу миллий компания нархларини табақалаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилишини такидлаб ўтиш лозим. Хозирги вақтда Ўзбекистонга келувчи туристлар оқими ҳар жиҳатдан халқаро туроператорлар фаолиятига боғликдир. Агарда туроператор ва турагент ўртасидаги фарқлар аниқ таснифланадиган бўлса, амалиётда, хусусан Ўзбекистон туризм соҳасида туристик корхоналарнинг ушбу иккита шакли ягона бирлик сифатида тушунилади. Бу туризм индустрияси учун нормал ҳолатдир. Турагент назарий жиҳатдан туроператордан шуниси билан фарқланадики, у туроператорлар ва алоҳида олинган туризм корхоналари (меҳмонхоналар, траспорт корхоналари ва ҳ.к.)нинг дастурий тўпламларининг воситачилик хизматларини кўрсатади. Туристик маҳсулотни ўтказишдан ташқари турагентликларнинг муҳим вазифаси мижозни ахборот билан таъминлаш бўлажак сафар ва унинг ташкиллаштириш юзасидан маслаҳатлар беришдан иборатдир. Бутун Жаҳон Туристик ташкилоти олиб борган тадқиқотларга кўра, четга чиқаётган туристлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Европа туроператорлари доир бир неча устуворликни таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Германия ва Буюк Британия сотув агентликларида ёрдамида кенг

ривожланган ҳолда, Франция, Испания ва Италияда ҳам ушбу услубга алоҳида аҳамият берилмоқда. Юқорида қайт этилганларни ҳисобга олган ҳолда, турмаҳсулотлар кам сотилаётган бозорларда туроператорларга нисбатан юритиладиган муносабатларда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мумкин:

- янги ҳамкор туроператорларни Ўзбекистонга янада юқори баҳо беришга ишонтириш, туристлар қизиқишларини ўрганган ҳолда махсус маршрутлар, дастурлар тузиш;
- халқаро йўналишлар сони кескин ошганлиги ва дунёнинг бир қанча шаҳарлар билан ҳаво алоқаси ўрнатилганлиги Ўзбекистоннинг бу соҳада катта имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Миллий маҳсулотни халқаро бозорда муваффақиятли ўтказиш учун битта сотув тармоғини ўзи камлик қилиши , маҳсулотни сотишга доир ишлар, агарда улар маҳсулотни ўтказишга доир бошқа ҳатти-ҳаракатлар билан қўшиб олиб борилмаса, кутилган натижага олиб келмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Туризмни ривожлантириш орқали иқтисодиётни яхшилаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш , янги иш жойларини барпо этишга катта имкониятлар очилади. Бутун дунёнинг Ўзбекситонга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда, бу қизиқиш айниқса тарихий обидаларга , халқ ҳунармандчилигига ва миллий анъаналарга қаратилган. Шундан фойдаланган ҳолда , миллий туристик бозорда маҳсулотнинг халқаро бозорда сотувини яхшилаш тақазо этилади.

Адабиёт

1.Норчаев А, Қурлимуродов Ф. Халқаро бозорда миллий туризм - Ўзбекситон иқтисодий ахборотномаси №1/2 2001 й. 52-53 б.

2.http//.www.tez.tour.uz

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – БАНДЛИК МУАММОСИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ

А.Хатамов
АндМИИ

Мамлакат иқтисодиёти босқичма-босқич юксалиб бораётган ҳозирги даврда меҳнат ресурсларининг бандлиги масаласи ғоят долзарб масала бўлиб қолмоқда. Аҳоли сонининг ўсиши 10-15 йил илгариги даврга нисбатан бир оз пасайган бўлсада, аммо у ҳамон жадал ортиб бормоқда. Бу ҳол Андижон вилояти учун ҳам хосдир. Вилоятда 01.01.2006 йил маълумотига кўра 2379,6 минг аҳоли истиқомат қилган бўлиб шундан 70,5 фоизи қишлоқ жойларида, 29,5 фоизи шаҳарларг тўғри келади. Жами аҳолининг 1309 мингтаси ёки 55,0 фоизи меҳнатга лаёқатли аҳоли саналади. Бу эса Республикамиз меҳнат ресурсларининг 8,5 фоизи демак. Демографик таҳлилларнинг кўрсатишича 2010 йилга бориб вилоятнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолиси сони 1311,1 минг кишига етади ва

ўртача йиллик ўсиш суръати 1,3 фоизга тенг бўлиб қолади. Бу рақамлар яқин келажакда ҳам вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб қолишидан далолат беради. Бу муаммони бартараф этиш учун вилоят ҳокимлиги, республика ҳукумати қатор тадбирлар кўрмоқдалар. Бугунги кунга келиб халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган аҳоли сони 953,1 минг кишини ташкил этаётган бўлса, уларнинг 688,1 мингтаси ёки 72,2 фоизи моддий ишлаб чиқариш тармоқларида, 265 мингтаси ёки 27,8 фоизи номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд. Шу билан бир қаторда вилоятда расман ишсизлар сони 936 тани ташкил этди.Вилоят бўйича жами аҳолининг 70,5 фоизи қишлоқ жойларида яшаши ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганлиги натижасида бир талай аҳоли ишсиз қолаётганлиги эътиборга олинса, кўпроқ эътиборни қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга қаратиш кераклиги ўз-ўзидан аён бўлади. 2005 йилда яратилган янги ишчи ўринлари 48220 тани ташкил этган бўлса, уларнинг 38958 таси қишлоқ жойларига тўғри келиши бу масала ечимига катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади.

Қишлоқ жойларида фермерчилик харакати, кичик тадбиркорликни ривожлантириш кўплаб янги иш жойлари барпо қилишга катта ёрдам бермоқда. 2005 йилда кичик тадбиркорликни ривожлантириш жараёни иқтисодиётни босқичма-босқич тузилмавий янгилаш, уни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хусусий секторнинг ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилди.

Қулай иш муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссасининг ошишига, янги иш ўринларининг ташкил этилишига, иш билан бандлик кўрсаткичининг ошишига ва иқтисодиётнинг ушбу муҳим йўналишида сифат ўзгаришларини амалга оширилишига сабаб бўлди. 2005 йилда республикамиз бўйича ҳам, унинг кўпгина минтақаларида ҳам кичик тадбиркорликнинг фаолият юритаётган субъектлари сони ҳам, иш билан бандлик даражасининг ошганлиги ҳам кузатилди. У жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 65,0 фоизини ташкил этди.

Республикамиз Президенти «...фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобигагина ғоят кескин муаммони-аҳолини, айниқса ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз»,-деганида нақадар ҳақ эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда (И.А.Каримов. 1997, 198-бет).

Андижон вилоятида аҳолининг ўта зич ўрнашганлиги (1кв. км. га 553 киши) ва аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшаши эътиборга олинса бу минтақа учун бандлик муаммоси ўта кескин эканлиги аён бўлади. Бу борада жиддий тадбирлар ҳам кўриляпти. Чунончи, вилоятда

кичик бизнесни ривожлантиришнинг 2005 йил дастури ишлаб чиқилган эди ва унда қўйилган вазифалар ошириб бажарилди. Жумладан, кичик бизнес субъектларини ташкил этиш йиллик режаси 2740 та белгиланган бўлса, амалда улар 3082 та ташкил этилди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳам кичик тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, у қурилишда 74,8 %ни, пуллик хизматлар кўрсатишда 73,1 %, чакана товар айланмасида 42,2 %, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 4,3 % ни ташкил қилди.

Вилоят бўйича аҳоли бандлигини яхшилаш борасида кўрилаётган сай-харакатларга қарамай янги ишчи ўринлари яратишга келажакда ҳам катта ахамият берилиши зарур. Чунки, меҳнат ресурсларининг сони анча тез ортиб боряпти ва янги ишчи ўринларини яратиш эса, аксинча ундан орқада қолмоқда. Бизнинг фикримизча, келажакда ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун бутун вилоятда, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришга кўпроқ эътиборни қаратиш керак. Бунинг учун:

– барча худудларда янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

– иш жойларида ҳодимларга бўлган муносабатни яхшилаш, уларни моддий ва молиявий томондан рағбатлантириш ишларини қайта қуриш;

– жойлардаги меҳнат биржалари фаолиятини кучайтириш, ишсизларни касбга йўналтириш ишларини фаоллаштириш;

– барча хоҳловчиларга ёлланиб ишлаши учун тенг шарт-шароитлар яратиб бериш;

– иш билан банд бўлмаган ортиқча ишчи кучини чет мамлакатларга, айниқса, иқтисодий ривожланган давлатларга эскпорт қилиш ёки ёлланиб ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш;

– қишлоқларда «ортиқча» бўлиб қолаётган ишчи кучларини халқ хўжалининг бошқа тармоқларига, биринчи навбатда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириш;

– деҳқон-фермер хўжаликлари сонини кескин кўпайтириш ва уларнинг фаолияти учун шарт-шароитларни яхшилаш;

– қишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар тизимини кенгайтириш;

– қишлоқларда азалдан шуғулланиб келинган маҳаллий ҳунармандчилик, касаначилик фаолиятини кенгайтириш;

– қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш;

– чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш орқали қишлоқ хўжалигида ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этишни кенгайтириш;

– маҳалла фуқоролар йиғинларининг ишсизликни бартараф этиш бўйича фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш ва ҳ.к.

СОВРЕМЕННЫЕ ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ КАРАКАЛПАКСТАНА

Г.А.Ходжаева, Н.Ембергенов
Каракалпакский государственный университет,
Национальный университет Узбекистана

В настоящее время в Каракалпакстане сложилась сложная демографическая ситуация, которая непосредственно отражается на социально-экономическом развитии республики. На эту ситуацию постоянное внимание обращает Президент И.А.Каримов. Одним из фундаментальных положений, разработанной им собственной модели перехода национальной экономики страны на рыночные отношения является всесторонний учет главных отличительных черт и условий развития Узбекистана. Он отмечает что: "одна из важнейших особенностей специфическая демографическая ситуация в республике"[1].

Надо отметить, что демографическая ситуация - это комплексная социально-экономическая и географическая категория, в которой находят отражение самые разнообразные экономические, социальные, географические и экологические процессы.

Демографическая ситуация в правильном комплексном понимании представляет собой многоплановый социально-экономический процесс, который тесно взаимосвязан с уровнем, характером и особенностями экономического и социального развития страны на каждом конкретном ее историческом этапе. Эта взаимосвязь особенно ярко проявляется в Каракалпакстане в настоящее время в условиях перехода к рыночной экономике, когда в республике сложилась критическая экологическая и сложная социально-экономическая обстановка, при которой население нуждается в социальной защите со стороны государства.

На это направлен один из пяти принципов социально-экономических реформ страны, выдвинутых президентом. Он гласит: "реализация сильной социальной политики с учетом демографической структуры населения"[2]. С этой точки зрения глубокий анализ современной демографической обстановки Каракалпакстана имеет важное научное и практическое значение.

В настоящее время в республике проживают 1575,0 тысяч человек. Из них городское население составляло 767,9 тыс чел., а сельские 807,1 тыс чел. Это соответственно составляет 48,8 % на 51,2%.

---

[1]И.А.Каримов Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. Т. "Узбекистан,1992, с.11.

[2] И.А.Каримов Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т."Узбекистан" 1993, с.237.

В связи с односторонной специализацей народного хозяйства Каракалпакстана, преобладает сельское население. Основным фактором роста населения всегда было его естественное движение. Однако, как и в других регионах, так и здесь в последние годы отмечается снижение общих коэффициентов рождаемости.

Численность населения республики за счет миграции не увеличивается, как это было прежде, а сокращается. Однако, миграционная убыль населения полностью покрывается за счет естественного прироста, который обеспечивает и сегодня абсолютный рост численности населения республики.

В современном демографическом процессе находят отражение также экологический, медико-биологический и другие факторы.

Начиная с 60-х годов в Каракалпакстане нарушается экологическое равновесие, происходит высыхание Аральского моря. Усыхание такого огромного водоема за короткий период не наблюдалось нигде в мире. В связи с усыханием Аральского моря и опустыниванием дельты Амударьи на обсохшем дне моря образовалась огромная соляная пустыня площадью около 30 тыс км^2. В дельте реки площадь солончаков увеличилась в 3-4 раза.

Одним из важнейших аспектов повышения качества населения Каракалпакстана, как главной цели национальной и региональной политики народонаселения является улучшение состояния и укрепление его здоровья. Высокая рождаемость населения республики, которая сохранялась здесь длительное время и была характерна для нескольких демографических поколений в условиях формирования и развития экологического кризиса, связанного с усыханием Аральского моря, сопровождалась ухудшением здоровья женщин, детей и всего населения Каракалпакстана.

Специальные медицинские обследования здоровья женщин репродуктивного возраста, проведенного в республике показали, что основная их масса страдает различными заболеваниями, в том числе хроническими.

Особую тревогу вызывает высокий уровень заболеваемости матерей и женщин детородного возраста экстрагенитальными болезнями, анемией, что обусловливает высокую материнскую смертность. Некоторые итоги диспансеризации показывают, что в Каракалпакстане 80 % женщин страдают анемией. Уровень заболеваемости в Каракалпакстане составляет 76 %. Заболеваемость в Приаралье туберкулезом, раком пищевода, болезнями органов пищеварения, крови и кровеносной системы (297,1 чел. на 10000 чел.) в несколько раз выше средних показателей по Узбекистану.

В республике наблюдается высокая материнская и детская заболеваемость. Как показали предварительные исследовании

Каракалпакского НИИ клинической и экспериментальной медицины АН РУз, отмечается тотальная анемия беременных (98,8 %)[1].

В связи с экстремальными условиями внешней среды в совокупности с несбалансированным питанием и низким социально-экономическим уровнем развития у большей части населения Каракалпакстана наблюдается выраженный дефицит клеточного иммунитета (иммунодефицит).

В данной ситуации проблема регулирование рождаемости населения Каракалпакстана приобретает исключительно актуальное значение. Оно будет способствовать оздоровлению каракалпакской нации и всего населения республики.

До недавнего времени население Каракалпакстана не регулировало рождаемость, в своей основной массе оно было ориентировано на многодетность. Однако, в настоящее время демографическое поведение и особенно, репродуктивные установки коренного населения республики резко изменились, что связано с ухудшением экологической обстановки и экономической ситуации в условиях перехода к рыночной экономике.

Геодемографическая закономерность в городах и городских поселках Каракалпакстана не прослеживается. При рассмотрении показателей рождаемости, смертности и естественного прироста по группам людности городских поселений республики мы не обнаруживаем определенных тенденций, что говорит о влиянии на процессы естественного воспроизводства населения в городских поселениях Каракалпакстана самых разнообразных и противоречивых факторов.

В Каракалпакстане в настоящее время отмечается определенная внутриреспубликанская территориальная дифференциация в процессах естественного воспроизводства населения, в основе которой лежат различия в экологической обстановке и социально-экономических условий. Общей же тенденцией последних лет является резкое снижение рождаемости, естественного прироста населения и сохранение высоких показателей смертности, в том числе детской и материнской смертности, что требует проведения в Каракалпакстане активной научно обоснованной социальной и демографической политики.

Социальная политика является важнейшим разделом общенациональной государственной политики, в составе которой выделяются также национальная экономическая политика, внешняя политика, политика национальной безопасности, научно-техническая, экологическая политика и др.

При этом сама социальная политика представляет собой сложную систему, состоящую из целого ряда элементов как отраслевых политик, в

[1] Атаниязова О.А. и др. Вестник Каракалпакского отделения АН РУз 1994, с.7

том числе национальная политика образования, здравоохранения, семейная, молодёжная политика, собственно национальная политика, направленная на совершенствование межнациональных отношений в стране и др.

В этой большой системе социальной политики Узбекистана особое место и роль принадлежит национальной политике народонаселения, т.к. в центре её внимания стоит сам человек. При этом если стратегической целью общенациональной государственной политики Республики является национальное возрождение страны, то задачей национальной политики народонаселения выступает качественное развитие её населения.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ АЛОҚАЛАРИГА МИГРАЦИОН НАЗАР

Ж.Б. Турғунбоев
Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон –Россия ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилиб, борган сари ривожланиб бормоқда. Буни олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолат беради. Ўзбекистон-Россия алоқалари нафақат расмий доирада, балки иккала давлатлар аҳолиси ўртасида ҳам тобора ривожланмоқда. Ушбу ҳолатни мазкур давлатлар аҳолиси ўртасидаги миграцион алоқалар кўламида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон – Россия ўртасидаги миграция алоқалари бошқа давлатларга қараганда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, 1989 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги миграцион алмашинувга жами ташқи мигрантларнинг 40 % дан ортиқроғи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич сўнги йилларда янада кўтарилганини кузатиш мумкин, яъни, 2001-2002 йилларда бу кўрсаткич 60 % дан ортиқроқни ташкил этган. Агарда бунга норасмий миграцияни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, юқоридаги улушнинг янада катталашиши аниқ. Масалан, социологик тадқиқот натижаларига кўра, четда ишлаш учун кетган Ўзбекистон фуқароларининг аксарият қисми (1/2) Россияда эканлиги қайд қилинган.

1989 йилдан 1999 йилнинг 1 январигача Ўзбекистондан Россияга 729,9 минг киши кўчиб кетган бўлса, Россиядан Ўзбекистонга 198,0 минг киши кўчиб келган ва миграция қолдиғи -532,0 минг кишини ташкил қилган. Мигрантлар ичида руслар энг катта гуруҳ бўлиб, 350 минг кишини ташкил этса, кейинги ўринларда татарлар – карийиб 70 минг, украинлар – қарийиб 10 минг, озарбайжонлар – қарийиб 14 минг, корейслар – қарийиб

10 минг, немислар – қарийиб 5 минг нафарни ташкил этади. Кейинги ўринларни арманлар, яҳудийлар ва бошқа миллат вакиллари эгаллайди.

Ўзбекистон – Россия миграция алоқалари ўзбеклар бошқа этник гуруҳларга нисбатан энг ҳаракатчан (мобильный) гуруҳ бўлган, яъни 1989-1999 йиллар мобайнида Россияга Ўзбекистондан 43,5 минг ўзбеклар кўчиб кетган бўлишса, ўз навбатида Россиядан Ўзбекистонга 47,4 минг ўзбек кўчиб келган.

Ўзбекистоннинг Россия билан миграция алоқаларида фақатгина икки миллат вакиллари билан ижобий миграцион сальдо кузатилган. Булар ўзбеклар (+3837) ва қозоқлар (+367) дир.

Маълумотларга кўра, Россияга кетишнинг энг юқори чўққиси 1994 йилга тўғри келади. Биргина 1994 йилнинг ўзида Ўзбекистон – Россия ўртасидаги миграция қолдиғи -126,3 минг кишини ташкил этган. Солиштириш учун, 1998 йил бу кўрсаткич -38,6 минг кишини, улардан -24,8 минг нафарини руслар ташкил этганлигини айтиб ўтиш лозим.

2001-2003 йилда Ўзбекистондан Россияга кетганлар 151,5 минг кишини, келганлар эса 9,4 минг кишини ташил этган бўлса, миграция сальдоси -142,1 минг кишини ташкил этган.

Ўзбекистон ва Россия давлатлари аҳолиси ўртасидаги миграция алоқалари миқёси бундан кейин ҳам етакчи мавқеда қолиши кутилади. Бунга асосий сабаб- иккала давлатда ҳам этник жиҳатдан мазкур давлатларга тааллуқли бўлган миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари бошқа Европа миллати вакилларининг аксарият қисмининг Россияга интилишларини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали потенциал мигрантлар салмоғининг улканлигидан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг ягона иқтисодий маконда жойлашганлиги ва ҳар иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг мунтазам кенгайиб бораётганлиги ҳам яқин келажакдаги миграцион жараёнлар интенсивлигига катта таъсир этади.

Ҳозирги кунда Роосиянинг демографик инқирозни бошдан кечираётганлиги ва меҳнат ресурсларининг етишмаслик муаммосининг пайдо бўлганлиги ҳаммага маълум. Аксинча, Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ижобийлиги ва маълум миқдорда ортиқча меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ҳам сир эмас. Бу эса иккала давлатнинг бу борада ҳакорлик қилиш истиқболлари кенглигидан далолат беради.

Адабиёт

1. Демографический ежегодник Узбекистана 1991-2003. -Т., 2003.
2. Зайончковская Ж.А. Развитие внешних миграционных связей России // Социол. журн. – М., 1995. –N1. –с. 29-44.
3. Alikhan Aman, Population migration in Uzbekistan. T., 2000.
4. Population migration in Uzbekistan/ United Nations High Commissioner for Refugees.–T., 1997, 102 p.

№3 СЕКЦИЯ ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ ВА ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ

КЛИМАТИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ И УСЛОВИЯ ОБИТАНИЯ ДРЕВНЕГО ЧЕЛОВЕКА НА РАВНИНАХ СРЕДНЕЙ АЗИИ В ГОЛОЦЕНЕ

Г.Н. Трофимов, Ю.Г. Трофимова
Национальный Университет Узбекистана

Широкое распространение в ныне безводных пустынях Средней Азии речных наносов и достаточно плотное заселение этих районов древним человеком (рис. 1) убедительно свидетельствуют о том, что в прошлом природные условия этих территорий были иными. В первую очередь это касается климата, стока рек и состояния озер.

В начале прошлого столетия возник и долго доминировал тезис о неизменности климатических условий равнин Средней Азии в прошлом, по крайней мере, в течение всего голоцена (примерно 10 тыс.л.н.). Этот тезис был выдвинут С.П.Толстовым и активно поддерживался А.С.Кесь и другими его последователями [5, 10]. Миграции древнего населения в архаичные времена и в средневековье были обусловлены, по их мнению, социальными, а не природными факторами, причем основная роль отводилась войнам, феодальным усобицам и пр. Роль социальных кризисов, в процессах расселения и миграции населения, в это время проявляется со всей очевидностью, однако, столь же очевидно, что ранее, с мезолита и практически до позднего неолита, объяснить миграции древнего человека только социальными причинами невозможно.



Рис. 1. Памятники каменного века равнин Средней Азии (по С.П.Толстову и А.В.Виноградову)

Более поздние исследования А.В.Виноградова привели его к выводу, что «на земле найдется немного аналогичных среднеазиатским равнинам районов, где жизнь человека, история заселения и освоения была бы столь тесно (столь остро) обусловлена динамикой природной среды» [3]. В пользу этого вывода, он приводит хорошо известные в археологии, факты: 1) все достаточно хорошо изученные палеолитические находки в среднеазиатских пустынях относятся к мустьерской эпохе (не позднее 40 тыс.л.н.); 2) верхнепалеолитические памятники (около 15-10 тыс.л.н.) на этой территории практически неизвестны; 3) в конце мезолита и, особенно в неолите (10-8 тыс.л.н.) происходит “демографический взрыв”, когда в той или иной степени, заселяются все земли пустынь Кызылкумов, Каракумов, Муюнкумов, Северных Каракумов (северное Приаралье), плато Устюрт и др.; 4) лишь с конца III тысячелетия до начала новой эры (2 тыс.л.н.) археологические материалы свидетельствуют о существенном оттоке населения из этих пустынных районов. Нужно, наверное, добавить, что характер миграционных процессов при этом носит не локальный характер, а проявляется весьма масштабно по всей территории равнин Средней Азии.

Основным фактором расселения древнего человека в пустынях Средней Азии являлась водообеспеченность. Всегда источниками воды были долины и дельты рек – Амударьи, Сырдарьи, Зарафшана, Кашкадарьи, Сурхандарьи и др. Водность же этих и других рек определялась климатическими условиями региона. Добавим, что в силу этих же условий современные солончаки и сухие впадины пустынь, судя по характеру расселения древнего человека, были обводнены, а русла древних рек не оставались постоянными.

Известны последовательно функционирующие дельты Амударьи – Акчадарьинская, Присарыкамышская и Приаральская, Сырдарьи – Жанадарьинская, Кувандарьинская и Казалинская дельты, Зарафшана – северная (Эчкиликсай и Дарьясай) и южная (Гуджайли, Махандарья, Тайкыр) дельты и др. Основной причиной плановых изменений древней гидрографической сети равнин Средней Азии было изменение водности рек, которая, в свою очередь, зависела от климатических условий. Вслед за реками мигрировал и человек.

Изменение основных климатических показателей равнин Казахстана и Средней Азии-температуры воздуха и атмосферных осадков, для последних двух тысяч лет, исследовали, на основании спорово-пыльцевого анализа остатков древней растительности, Т.А.Абрамова и А.Н.Варущенко [1].

Качественную климатическую шкалу для голоцена предложил геоморфолог Э.Д.Мамедов, в которой приведено последовательное

чередование аридных (жарких и сухих) и плювиальных (относительно влажных и прохладных) эпох [7].

На основании воднобалансовых расчетов для ряда древних водоемов равнин Средней Азии (Аральского моря, озер Сарыкамыш и Лявлякан, солончака Барсакельмес и др.) были восстановлены и сопоставлены с данными предыдущих исследователей среднегодовые температуры воздуха и годовые суммы осадков на равнинах Средней Азии за последние двадцать тысяч лет (рис. 2).



Рис. 2. Изменение а -среднегодовых температур воздуха и б-годовых сумм атмосферных осадков за последние двадцать тысяч лет

Какие можно на основании этого сделать выводы об изменениях климата в прошлом? Прежде всего, видно, что температуры воздуха, изменяясь в достаточно широких пределах, всегда были ниже современных, т.е. вплоть до наших дней прослеживается положительный тренд температур воздуха. Годовые осадки увеличивались более чем в два раза в плювиальные (влажные) эпохи и уменьшались в 8-10 раз в засушливые периоды, по сравнению с современными значениями.

Шунингдек, геодезик ишлар амалиётида рақамли нивелирларни қўллаш кенгайиб бораётгани туфайли Йўриқномада [2] кўрсатилган нивелирлаш технологиясида рақамли нивелирларнинг конструктив, экспулатацион ва метрологик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Адабиёт

1. ГОСТ 10528 – 90. Нивелиры. Общие технические условия.
2. Инструкция по нивелированию I, II, III и IV классов. -М., Недра, 1990.
3. Dini dritte Generation der Digitalen Nivelliere Dini 12, Dini 12T, und Dini 22//Allg-Vermessungs- Nachr.-2000.-N1.35-36.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КАРТАЛАРИ ВА УЛАРНИ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

А.К.Сайидов
Ўзбекистон Миллий университети

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, унинг иқтисодиётида, сиёсатида, бошқарув ва кадрлар тайёрлаш тизимида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Қатор янги олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув муассасалари ташкил қилиниб, уларда янги соҳалар ва йуналишлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Ислом университети, Тошкент молия институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқалар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 63 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларда турли мутаҳасисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Баъзи олий ўқув юртларида иккинчи мутаҳассислик бўйича ҳам кадрлар йўлга қўйилган. Олий таълим тизими мураккаб ва кўп тармоқли бўлиб, мамлакатимизда олий таълимни ҳар томонлама ривожланиши, мамлакатимиз аҳолисини маданий савиясини оширишга қаратилган бўлиб, бунга мамлакат даромадининг анчагина қисми сарфланмоқда.

Республикамизда бу соҳани ривожланаётгани, янги мутаҳассислар тайёрланаётганлиги, мутахассис тайёрлашни ташкил қилиш ва вилоятлар буйича жойлаштиришни режалаштиришда картографик усулдан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Олий ўқув юртлари бўйича яратилган карталар бу соҳани янада чуқурроқ ўрганишни ва керакли маълумотларни кўргазмали тасвирда олиш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари карталарини яратиш анча мураккаб жараён бўлиб, унда қандай маълумотлар ва қайси усулда тасвирланишини билиш учун бу сохада яратилган карталарни тахлил қилиш билан, уларнинг мазмунлари ҳозирги замон талаб даражасида эмаслиги кузатилмокда. Айниқса карталар масштабида тасвирланган кўрсаткичларни сифати ва жиҳозланишидаги камчиликлар сезиларлидир. Масалан, 1982-1985 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси, География бўлими томонидан чоп этилган 2 қисмлик атласни 2-қисмидаги «Олий ўқув юртлари картаси» (1:7500 000 масштабда) 1980-81 йилги маълумотлар асосида тузилган. Картада картограмма усулида вилоятлар буйича хар 10000 аҳолига тўғри келадиган талабалар сони кўрсатилган. Олий ўқув юртлари талабалари сони эса белгилар усулида пунсонда берилган. Олий ўқув юртларидаги соҳалар бўйича тайёрланаётган мутахасислар доирада сигментларга бўлиниб турли рангларда ажратилиб берилган. Картанинг масштаби маълумотларни кенгроқ тасвирлаш имкониятини бермайди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультети жамоаси томонидан яратилиб 1999 йилда Москвада чоп этилган атласдаги республикамизни олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими юртлари картасида картограмма усулида ҳар 10000 кишига тўғри келадиган талабалар сони вилоятлар бўйича 5 та поғонада берилган . Ярим доирада (картодиограммада). доиранинг юқори қисмида олий ўқув юртлар сони вилоятлар бўйича рақамда кўрсатилиб , рангда олий таълимни ўқув жараёни кундузги ва кечгига бўлиб тасвирланган. Доирани пастки қисмида эса ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларини сони рақамда берилган, Унда хам рангда кундузги ва кечки ўқув жараёни кўрсатилган. Диаграммаларда Республика бўйича талабалар ва ўқувчилар сони ҳамда уларни миллий таркиби берилган. Тошкент шахридаги маълумотлар алохида белгида кўрсатилиб, картографик жихозланиш қоидалари бироз бўлсада бузилган. Хар иккала картада ҳам бу соха етарли даражада очиб берилган деб бўлмайди . Масалан, бу карта учун танланган масштаб жуда кичик бўлиб керакли маълумотларни ҳаммасини сиғдириб бўлмайди. Карта мазмуни жуда саёз ва кам. Жиҳозланиш даражаси жуда паст, ундан ташқари картада 2 та соҳа қўшилиб берилган, улар тўғрисида етарли маълумот олиб бўлмайди.

Юқоридаги карталарни тахлили асосида йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, йирикроқ масштабда 2 та карта яратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Биринчисида Олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар сони, мутахасислиги, уларда ишлаётган ўқитувчи-профессорлар сони, шунингдек, уларни замонавий дарсликлар, ўқув қуроллари билан қай даражада таъминланганлигини кўрсатувчи карта яратиш лозим.

Мазкур карталарда олий таълим муассасалари ва уларни фаолияти ўз аксини топмоғи лозим: олий ўқув юртларининг сони; мутахассислар тайёрлаш; профессор-ўқитувчилар сони, шу жумладан илмий даражаси борлар; илмий ходимлар сони, шу жумладан фан докторлари ва фан номзодлари; мавжуд аспирантура ва аспирантлар сони; аспирантурага қабул қилинганлар сони, шу жумладан диссертация ҳимоя қилганлар ва бошқалар.

Бу карталар режалаштириш ташкилотларига, ҳукумат бошқарув ташкилотларига, айниқса олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентларга ва ниҳоят мамлакатимиздаги бу соҳа билан қизиқувчи хорижлик меҳмонлар учун зарур манба бўлиши мумкин. Мазкур карталар Ўзбекистон Миллий университети география факультети жамоаси томонидан яратилиши мумкин.

ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ХАРИТАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Д.Ғ.Мўминов
Қўқон Давлат Педагогика институти

Инсон хаёти ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқ. У ташқи муҳитнинг барча омиллари, табиат ва жамиятнинг ҳар томонлама ўзаро мажмуали таъсири остида яшайди. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда табиатдан, хусусан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш хўжалик тараққиётининг асоси хисобланади. Табиатдан тўғри фойдаланиш эса геоэкологик ҳолатни тўғри баҳолашга асосланади. Табиий ресурсларни геоэкологик ҳолатини аниқлашда табиий-ҳудудий, табиий-техноген ва демографик ҳусусиятлари ҳисобга олинади.

Ер ресурсларини ўрганишда уларни ер турларига ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Ерларни геотопологик асосда ер турларига ажратиш тавсия қилинади. Бунда ернинг жойлашиш хусусиятлари асосий омил бўлади. Ер турининг ҳар бирида ернинг жойлашиши унинг вертикал ва қиялиги каби хусусиятларига қараб аниқланади. Бундан ташқари ландшафтнинг бошқа унсурлари ва уларнинг ўзгариш даражалари ҳисобга олинади. А.Алибеков концепциясида тоғ ва адирли худудларнинг ўзлаштирилишига бутун экологик муҳитнинг боғлиқлиги таъкидланган. Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигида асосан пахта етиштиришга қаратилган, яъни бу ерда ердан фойдаланиш типологиясида худуднинг хусусияти кўринмайди. Бу ерда ланшафт-картографик таҳлил учун қишлоқ хўжалиги унсурларининг ер турларига таъсири – хайдалганлиги, ўзлаштирилганлиги ҳисобга олинади. Бундай ёндашиш А.Т.Исаченко ишларида кўрсатиб ўтилган. Бундай ёндашиш натижаси ер турларини баҳолаш хариталарини тузишга ва шу билан бирга ҳудудни табиий-қишлоқ хўжалик районлаштиришга олиб келади.

Ҳозирги экологик шароитларни тасвирлайдиган хариталар орасида баҳолаш хариталари асосий ўрин тутади. Лекин ҳозир бундай ер турининг экологик шароитини баҳолайдиган хариталар Ўзбекистонда тузилмаган. Агроишлаб чиқариш хариталарида асосан тупроқ кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Тупроқнинг экологик ҳолатини ва ер сифатининг ўзгариш динамикасини аниқлаш учун тупроқни экологик баҳолаш ўтказилади. Экологик-географик аспектда ер ресурсларини ўрганишнинг мақсади антропоген парометрларнинг ланшафтларга таъсирини аниқлашга илмий ёндашишдир.

Антропоген таъсирини баҳолаш ер турининг геоэкологик ҳолатини ўрганиш ёрдамида ўтказилади. Бунинг учун антропоген таъсир кўрсаткичлари сони ва ер турининг табиий ҳимояланиш даражаси ҳисобга

олинади. Ҳозирги пайтда бундай кўрсаткичларни баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган (Ахмадалиев, 1993 йил). Бунинг учун икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади. Биринчидан, ердан фойдаланиш хариталари ёрдамида ер турининг худудий тузилишидаги ўзгаришлар ўрганилади. Иккинчидан, табиий ер турига бошқа элементлар ва энергиянинг киритилиши ҳисобга олинади. Ҳудуднинг ўзгарувчанлигини ўрганиш учун экологик гомоген майдонлар таснифланади. Иккинчи гуруҳ мезонларни тавсифлаш учун агроирригацион, агрокимёвий, агротехник, агродемографик босимлар кўрсаткичлари ишлаб чиқилади. Ҳар бир таъсирни баҳолаш учун ўртача 5 балли шкала тузилади. Қишлоқ хўжалик босимини баҳолаш йиғиндиси интеграл кўрсаткич орқали ҳисобланади.

Турли сифат кўрсаткичларни умумлаштириш, ернинг геоэкологик ҳолатининг умумий зўриқишини аниқлашга имконият беради. Бунинг асосида эса ернинг геоэкологик жихатдан зўриқиш харитаси тузилади. Бу эса ер ресурсларига қишлоқ хўжалик босими параметрларини аниқлашга имконият яратади.

Ер турининг чидамлилигини аниқлаш учун картографик усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Худуднинг сув эрозиясига чидамлилигини аниқлаш учун тупроқнинг эрозияга чидамлилиги, сув ўтказувчанлиги, қиялиги каби хусусиятларини кўрсатувчи хариталардан фойдаланилади. Бу ерда суғоришнинг бошқа таъсирлари (шўрланиши, иситилиши) ҳам кузатилади. Мана шу омиллар кузатилиши асосида ер турининг ирригацион таъсирларга чидамлилиги харитаси тузилади. Бу харитани ерларнинг геоэкологик ҳолатининг зўриқиш даражасини кўрсатувчи харита билан умумлаштирилса худуднинг “муҳим” нуқтаси аниқланади. Кучсиз ерлар ва кучли ирригацион босимли ерлар учун баланс-контур усули ёрдамида ишлов бериладиган **е**рларни муҳофаза қилиш ва ишлов беришда кўлланиладиган усул ва воситалар аниқланади ва керакли кўрсатмалар берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштиришда ерларни баҳолаш харитаси кенг қўлланилади. Алоҳида хариталарда тупроқ ҳолати ва хусусиятларининг кўрсатилиши билан бирга ерларнинг иқтисодий баҳосини берилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг сифатини ва миқдорини ошириш учун махсус тадбирлар тузишга имкон беради.

Фарғона водийси ҳудудининг геоэкологик жиҳатдан зўриқиш даражаси харитаси ишланган. Унда Фарғона водийси 14та қишлоқ хўжалиги районларига ажратилади. Шундан 11таси деҳқончилик районлари. Бу районлар ер фондида экологик гомоген гуруҳлар салмоғи ажратиллди. Ер фондидаги бу гомоген гуруҳларга таъсир этувчи қишлоқ хўжалиги антропоген босим турлари ажратилади. Қишлоқ хўжалиги антропоген босими таъсирида ҳудуднинг ҳўжалик жихатдан зўриқиш даражаси ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида ер ресурсларидан

фойдаланиш меёрлари ишлаб чиқилади. Бу билан ерлардан оқилона, тўғри фойдаланишга эришиш мумкин.

Адабиёт

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Алибеков Л.Н. Новые подходы к сопряженному изучению горных и равнинных ландшафтов (например Средней Азии). География и природные ресурсы. -1982. №3, с.29-37.

3. Ахмадалиев Ю: Ер ресурсларининг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2000, №1, 53-55-б.

4. Башкин В.Н: Агрохимическая нагрузка на ландшафты. Природа. -1989. №2, с.28-34

5. Мирзалиев Т.М., Мухитдинов Ш.М, Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекской ССР. –Т.: Фан. 1990.

ЎҚУВ АҲОЛИ КАРТАЛАРИ ВА УЛАРНИ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Н.Н.Латипов

Ўзбекистон Миллий университети

Умумтаълим мактабларда география фанини ўрганишда аҳолишуносликка катта эътибор берилади. 8-9 синфларнинг география дастурларида аҳоли мавзуси анча кенг ёритилган. Чунки ҳамма ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар, аҳолини сони, зичлиги, ёши, миллати ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлиб республикамизни ижтимоий-иқтисодий географиясини ўрганишда бу мавзуга-алоҳида эътибор қаратилади. Республикамизда мактабларида география фанини 8-9 синифларда аҳолишунослик билан боғлиқ бўлган мавзулар мактаб ўқувчилари учун етарли бўлиши зарур.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий географиясни ўрганишда 8-синф учун чоп этилган «Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтсодий географик атласдаги» аҳоли карталари ўқувчиларга ёрдам беради. Лекин, турли йилларда чоп этилган географик атласлардаги аҳоли карталарини ва алохида нашр қилинган деворий аҳоли карталарни бир-бирларига таққослаганда, уларни мазмуни, масштаблари, ишлатилган усуллари ва жиҳозланиши ҳар хиллиги кўзга ташланади. Ўзбекистонни ўқув атласларидаги аҳоли карталарини таққослаш билан уларни ютуқлари ва камчиликларини аниқлаш билан келажакда яратиладиган аҳоли карталарини янада мазмунли ва талаб даражасида бўлишига ёрдам бериши мумкин.

Бунинг учун биз 3 та Ўзбекистони ўқув атласларидаги аҳоли карталарини ва битта масштаби 1:1500000 бўлган Ўзбекистонни аҳолиси

тасвирланган деворий картани таҳлил қилиш натижасида қуйдаги маълумотлар олинди.

Республикамиз аҳоли карталари мазмунидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлар бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, 1998 йилги атласдаги аҳолини зичлиги картада, қишлоқ аҳолисини зичлиги 7 та пағонада берилиб, энг кўпи 1кв. кмга 200 кишидан ортиқ деб берилиб, энг ками 1 киши, шаҳар ва шаҳарчалар эса 5 та хар ҳил катталикдаги пунсонда берилиб ранг орқали шаҳар ва қишлоқлар бир-бирларидан ажратиб берилган ва 103 та ахоли пунктлари кўрсатилган. Диаграммаларда республикада аҳоли сонини ўсиши, аҳолини миллий таркиби, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, эркак ва аёллар миқдори (фоиз ҳисобида) берилган. Бу атласда аҳоли картасига қўшимча қилиб алоҳида, меҳнат ресурслари картаси ҳам берилиб унда меҳнатда яроқли аҳоли солмоғи 5 га бўлиб 44-46, 46-48, 48-50, 50-52 ва 52-54 (фоизда) кўрсатилган. Шу билан бирга картадиаграммада меҳнат ресурслари вилоятлар бўйича берилган. Диаграммаларда банд аҳолини мулкчилик шакли, иқтисодиёт тармоқлари бўйича кўрсатилган.

2005 йилги 8-синф Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтсодий атласдаги аҳоли картаси (масштаби 1:4000000) 6 йил кейин нашр қилиниб, унда қуйидаги кўрсаткичлар берилган: аҳоли зичлиги (шаҳар ва қишлоқ ахолиси) умумийлаштириб берилиб 5 та поғонада тасвирланган бўлиб энг кўпи 1кв.кмга 400 дан ортиқ аҳоли, энг ками 10 тадан пастлиги берилган. Шаҳарлар эса 7 та ўлчамдаги пунсонда берилиб шаҳарчалар ҳам 2 та ўлчамли пунсонда кўрсатилган. Шу билан бирга баъзи қишлоқлар ҳам тасвирланган. Бу картада картадиаграммада вилоятлар бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолиси берилган. Диаграммаларда Республика бўйича аҳолини миллий таркиби, ёши бўйича 3 гуруҳга бўлиниб (0-15 ёши, 16-59, 60 дан катталар) берилган.

Бу картага қўшимча врезкада 1:10 000 000 масштабда меҳнат ресурслари картаси берилган. Меҳнат ресурслари (фоиз ҳисобида) картограмма усулида 4 та кўрсатгичда (55 дан кўп, 54-55, 52-54 ва 52 кам) берилган, картодиограммада вилоятлар бўйича меҳнат ресурслари акс эттирилган. Диаграммада аҳолини иқтисодиёт тармоқлари бўйича (фоиз ҳисобида) тақсимланиши кўрсатилган.

Юқоридаги карталар таҳлили шуни кўрсатадики, карта муаллифлари ёки карта яратувчилар, дарслик билан боғланиш кераклигига эътибор бериш зарур. Шу билан бирга Атласлардаги ўқув карта масштабларини танлашга ҳам эътибор бериш керак эди. Натижада 1999 йил атласдаги аҳоли картаси 1:6 000 000 масштабда берилиб уни ўқилиши жуда қийин бўлиб ўқувчиларни картадан фойдаланишини қийинлаштиради.

Деворга осиб ишлатиладиган “Ўзбекистон аҳоли картаси”да ҳам юқоридаги камчиликлардан ҳоли эмас. 1:1 500 000 масштабли деворий

картада тасвирланганидан кўпроқ маълумот бериш ҳам мумкин эди. Шу билан бирга танланган картограмма ранги бутунлай бу мавзуга тўғри келмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки география бўйича ўқув атласлардаги берилаётган аҳоли картасига қўшимча “Меҳнат ресурслари” картасини бериш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз, чунки бу картадаги маълумотлар: аҳолини иш билан таъминлаш даражасини, нафақахўрлар сонини, миграция жараёнларини кўрсатиб ахоли тўғрисидаги зарур маълумотларни беради.

ТУРИСТИК КАРТАЛАРНИ ТУЗИШДА КОСМИК СУРАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ш.Ш.Ходжикулов
Ўзбекистон Миллий университети

Қадим замонлардан то ҳозирги давргача инсонлар ер юзаси ва унда бўлаётган жараёнларни кузатиб уларни ўрганиб келишган. Улар ер юзасини тадқиқ қилишда турли услублардан фойдаланишган. Аэрокосмик суратлар пайдо бўлгунга қадар улар анъанавий услубдан, яъни ер юзасини турли асбоблар билан ўлчаб ҳисоб китоб қилишган. Топографик картани сифати ва ишончлилиги унинг масштабига, аниқлигига, замонавийлигига ва сифатли нашр этилишига боғлиқдир. Аммо ҳар доим ҳам юқоридаги омиллар орасидаги боғликликлар бир бирига тўғри келавермайди. Картани масштаби қанча йирик ва мазмуни аниқ бўлса у шунча тез эскиради. Топографик карталарни катта ҳудуд учун анъанавий усулларда янгилашга эса кўп вақт, оғир меҳнат ва моддий ҳаражат сарф бўлади. Бу ҳолда космик суратлар яқиндан ёрдам бера олади. Сунъий йўлдошдан олинган ерни сурати кам вақт сарфлаб керакли жойни замонавий тасвирини бера олади.

Аэро суратлар тарихига тўхталадиган бўлсак, ер юзасини ўлчашда фазодан туриб ерни суратга олиш XIX асрга тўғри келади. Космонавтика соҳасида эришилган ютуқлар натижасида картографияга янги, жойни масофадан туриб тадқиқ қилиш атамаси кириб келди. Бу ўз навбатида картография соҳасида жуда катта қулайликларга олиб келди. Жойни масофадан туриб тадқиқ қилиш усулини анъанавий усулга кўра афзаллиги: унда керакли жойдан кўплаб маълумотлар олиш, жойни маълум даврдаги турли жараёнлар динамикасини кузатиш тахлил қилиш, қисқа вақт оралиғида турли мавзули карталарни тузиш ва янгилаш ва бошқалардан иборат. Жойни масофадан туриб тадқиқ қилиш усулидан олинган маълумотлар ёрдамида атроф мухитни илмий ва амалий масалаларини ўрганиш ва ечишда, геология, қишлоқ хўжалигида, ўрмон хўжалигида, туризм ва бошқа соҳаларда фойдаланиш ўз самарасини

бермоқда. Хозирда бутун дунёда IKONOS, NOAA, LANDSAT, SPOT, IRS, RADARSAT, ERS, КВР-1000, МКФ-6, ТК-350 йўлдош аппаратларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бу соҳани туризм мисолида олиб кўрадиган бўлсак, ҳозирги вақтга келиб ғарб давлатларида космик суратлардан махфийликни олиб ташланиши ҳар бир туристга ўзига зарур бўлган ҳудудни космик суратини маълум бир суммага бемалол сотиб олиб у жой тўғрисида керакли тассавурга эга бўлиши ва маълумотлар йиғишга имкон беради. Ҳар бир турист ўзи борадиган жой тўғрисида етарлича тассавурга эга бўлиши учун у кўплаб изланишлар олиб боришни талаб қилади. Бу ерда унга космик суратлар ва мавжуд топографик карталардан фойдаланиб тузилган туристик карталар ёрдам бериши табиийдир.

Баъзи мамлакатларда туризм соҳасида шуни ҳисобга олган ҳолда турли сайтлар ва дастур таъминоти йўлга қўйилган. Уларга мисол қилиб ривожланган давлатлар пойтахтларини, туристик шаҳарларни космик суратлар асосида тузилган электрон ГИС карталарини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистонда дунёга номи кетган қадимий шаҳарлар кўп. Уларни бутун дунёга танитиш ва туристларни жалб қилиш ўз навбатида иқтисодий жиҳатдан ҳам жуда самарали ҳисобланади. Тўғри ҳозирги кунда кўплаб туристик фирмалар бу соҳада керакли ишларни бажармоқдалар. Аммо ҳозиргача туристлар учун мўлжалланган космик суратлар асосида тузилган электрон карталар республикамизда йўқ. Бундай карта тузиш учун биринчи навбатда космик суратлар ва дастур таъминоти керак. Улар техник параметрлари бўйича турлича бўлади: муддати, орбита баландлиги ва қиялиги, тезлиги, спектрал каналлари, радио тўлқинлар узунлиги, панхроматик ва мультиспектрал режимдаги хатоликлар, кадр ўлчами ва бошқа параметрлар.

Дастурлар таъминоти кўп ва хилма хилдир. Уларга мисол қилиб ERDAS IMAGING, Arcscene, IDL, ENVI, IAS ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Яқин кунда Интернет тизимида берилган Тошкент шахрини космик суратларидан фойдаланиб ва ArcGIS дастури ёрдамида Тошкент шаҳрини туристик план схемасини яратиш кўзда тутилмоқда.

Адабиёт

1. www. Geo eye. com
2. www. Dataplus. ru
3. www. Sovzond. ru

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АТЛАСИ ТАРКИБИДАГИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ж.М.Низомов
Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон Миллий атласи мазмуни бўйича комплекс атлас ҳисобланиб, бошқа ўқув ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган атласлардан мавзуларга бойлиги, юқори даражада аниқлиги ва кўп маълумотлилиги билан ажралиб туради.

Ушбу мақола атласнинг иккинчи жилдида бериладиган автомобил йўллари карталарини яратишга қаратилган. Транспорт турлари ичида автомобил йўлларининг ўрни катта бўлиб, бир томондан, юк ташиш ҳажми ва йўловчилар сони, юк оқими йўналишлари ва автотранспорт воситаларининг ривожланиши, иккинчи тарафдан эса, мавжуд барча автомобил йўлларининг ўтказувчанлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва уларнинг қаерда жойлашганлигига ҳамда Ўзбекистон бўйича аҳоли пунктларининг жойлашуви ва аҳолининг миграциясига боғлиқдир.

Ўзбекистонда ва яқин хорижда транспорт хариталарини тузиш бўйича етарли тажриба орттирилган.

Масалан, 1978 йилда чоп этилган Молдавия Республикаси атласида Автомобил йўллари картаси мазмунан анча бой ҳисобланади. Унда автомобил йўллари аҳамиятига кўра 3 типга бўлиниб, йўллардаги км ли белгилар, АЁҚШ (автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари) лар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш жойлари ҳам ўз аксини топган.

Атласда автобуслар қатнови картаси бўлиб, унда автобусларнинг мамлакатлараро, мамлакат ичидаги ва маҳаллий маршрутлари кўрсатилган. Бир жойга тегишли диаграммалар усулида район марказларидаги юк ва йўловчи ташиш бирлашмалар фаолияти тўғрисида маълумотлар берилган.

1961 йилги Арманистон Республикаси атласидаги Транспорт картасида тасвирланган ажойиб бир ҳусусият дарҳол кўзга ташланади. Унда изолиния билан ҳудудларнинг темир йўл ва автомобил йўлидан қанча масофада жойлашганини билиб олиш мумкин. Рангларнинг тўқлашиб бориши шу ҳудуднинг транспорт йўлидан қанча масофа олисда эканини билдиради. Автомобил транспортида юк ташиш даражаси чизиқли белгиларда кўрсатилган.

1985 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси атласининг 2-жилдининг 101-108 бетлари Транспорт ва иқтисодий алоқаларга бағишланган бўлиб, автомобил транспортига тегишли карталардан Транспорт тўри, Автобуслар қатнови, Юк ташувчи автотранспорт

карталари киритилган. Ушбу карталар ўзларининг мазмундорлиги ва аниқлиги билан ажралиб туради.

1999 йилги Ўзбекистон географик атласидаги Транспорт картаси 1: 6 000 000 масштабда тузилган бўлиб, унда автомобил йўллар 3 га (халқаро, давлат ва вилоят аҳамиятига эга бўлган йўллар) бўлиб берилган. Хажмига кўра йирик, ўрта ва майда транспорт тугунлари белгилар усулида тасвирланган.

Бевосита автомобил йўллари соҳасига оид бўлган, ҳайдовчилар, туристлар, кенг китобхонлар оммаси учун чоп этилган Автомобил йўллари атласларига “Казахстан и Средняя Азия” (1982, 1987 йй), “Автомобильные маршруты” (1981 й), Атлас автомобильных дорог СССР (1986 й) ва Минскда нашр қилинган Атлас автомобильных дорог стран СНГ+Европа(2004 й) атласларини киритиш мумкин. Юқорида санаб ўтилган атласлар ундан фойдаланувчилар учун қулай ва йўлга оид маълумотларнинг берилганлиги фойдаланувчига қийинчилик туғдирмайди. Бироқ, бу атласларнинг аксариятида географик асос элементларига кам эътибор берилган, яъни шу йўл ўтаётган ҳудуднинг (чўл, ўрмон, ботқоқлик, тоғли минтақа) ҳусусиятлари тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Бизнинг фикримизча, Автомобил йўллари атласи карталарида релъеф берилса, ундан фойдаланувчиларга ориентир олишда ва муаййян шароитда автомобилни эҳтиёткорлик бошқаришга ёрдам берган бўлар эди.

Биз автомобил йўллари карталарига қуйидаги 3 та асосий карталарни киритишни лозим деб топдик. Улар: Автомобил йўллари картаси, Автобуслар қатнови картаси, Юк ташиш ва юк айланмаси карталаридир.

“Автомобил йўллари” картасида аввалгилардан фарқли ўлароқ автомобил йўллари чекасидаги тарихий ва диққатга сазовор табиий объектларни, бозорларни, телефон хизмати объектларини, автомобилларни газ билан таъминлаш шахобчаларини кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Автобуслар қатнови” картасида мустақилликгача ва мустақилликдан сўнг йўлга қўйилган янги шаҳарлараро ва шаҳар атрофидаги автобус маршрутлари ва уларга оид барча маълумотлар ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда.

“Юк ташиш ва юк айланмаси” картасини республика бўйича юк айланмаси ва юк ташиш ҳажмига тегишли маълумотлар билан янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОН КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИК ТАЪЛИМ

С.С.Салоҳиддинова, И.Ў.Абдуллаев
Ўзбекистон Миллий университети

Инсоният график тасвирларни ёзувдан олдин ихтиро қилганлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Археологик қазилмалар даврида топилган сопол идишлардаги ва турли ғорларнинг деворларидаги ориентир сифатида чизилган оддий картографик тасвирлар бундан далолат беради. Ўтган минг йилликлар бу график тасвирларни турлича ўзгартирди - қоялардаги расмлар қўлёзма қоғоз карталарга, кейинчалик печат формаларга, кўп рангли полиграфик маҳсулотларга, бугунги кунга келиб эса, аэрокосмик суратларга, электрон видеотасвирлар ва рақамли карталарга алмашди.

Рақамли электрон карталарнинг тузилиши билан уларни телекоммуникацион тармоқлар орқали тарқатиш ишлари бошланди. Бу ишларни бажариш бевосита ЭҲМлар билан боғлиқ экан, тарқатилаётган карталар компьютер хотирасида камроқ жой эгаллаш керак эди. Рақамли карталарнинг иккилик саноқ системасида сақланиши уларнинг компьютер хотирасидан кам жой эгаллашига сабаб бўлди ва бу муаммони ҳал қилди. Карталарни тарқатишда телекоммуникацион тармоқларнинг танланиши ҳам бежиз эмас. Телекоммуникацион тармоқлар бугунги куннинг долзарб масаласи бўлган жамиятни ахборотлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар информацион ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, эркин ва оператив маълумот алмашинувини, барча билим соҳалари ва ҳар қандай макон даражасида фойдаланувчилар орасидаги мувофиқликни йўлга қўйиш имконини беради. Юқоридаги ишларнинг амалга оширилиши билан картографияда янги соҳа - телекоммуникацион картография вужудга келди. Олдинги рисолаларимизда («Телекоммуникацион картография» Географиянинг долзарб муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). Самарқанд-2006, 133-бет) айтиб ўтганимиздек, телекоммуникацион картографиянинг ривожланиши билан рақамли электрон карталарни турли хил маълумотлар базаси асосида энг замонавий дизайн усулларини қўллаган ҳолда телекоммуникацион тармоқларнинг ўзида тузиш имконияти мавжуд. Телекоммуникацион картография ва географик таълимнинг алоқасини изоҳлаш учун тарқатилаётган карталардан фойдаланувчиларни ҳамда қандай мақсадларда фойдаланаётганларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Телекоммуникацион тармоқларнинг типик вакили сифатида шаклланиб улгурган глобал тармоқ - INTERNET системаси бугунги кунга келиб халқаро алоқа, турли хил илмий, ўқув маълумотларини узатиш воситасига айланиб бўлди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, телекоммуникацион тармоқларнинг абонентлари, яъни

фойдаланувчиларининг ярмидан кўпи илмий ва ўқув муассасаларининг ҳиссасига тўғри келади, кейинги ўринларни эса тор доирадаги фойдаланувчилар эгаллашади. Бундан кўриниб турибдики, телекоммуникацон тармоқларда телекоммуникацион картография орқали карта тузишнинг интерактив (диалогли режим) воситаларини ишлаб чиқиш, карталарни тарқатиш, таҳлил қилишнинг истиқболлари ва зарурияти таълим соҳасида беқиёс мавқега эга.

Телекоммуникацион тармоқларда берилаётган карталардан қуйидаги мақсадлар учун кенг фойдаланилади:

1. Ўқув мақсадлари учун - бу ерда бошқа ўқув воситаларидан фарқли ўлароқ карталар ўзининг такрорланмас хусусияти билан ажралиб туради, яъни карталарсиз инсон ўзи яшаб турган атроф-муҳитни ва унга таъсир қилишини самарали ўрганиш имкониятига эга эмас.
2. Турли хил маълумотларни олиш учун - бунда карталар картографик тадқиқот усуллари ёрдамида таҳлил қилинади.
3. Ўрганилаётган жой тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш учун.
4. Ориентир сифатида - масалан Тошкент шаҳридаги Германиянинг DAAD маркази офисини манзил бўйича (Врачлар малака ошириш институти биносида жойлашган) қидириб топишдан кўра, ушбу марказнинг Web - саҳифасида берилган карта орқали осон мўлжал олиб ва тез топиш мумкин.
5. Мавжуд карталардан фойдаланиб зарур бўлган карталар тузиш учун.
6. Назарий билимларни карта билан таққослаб моделлаштириш, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш учун.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, телекоммуникацион картографиянинг ривожланиши бошқа соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни қуйидагиларда:

- карта тузиш жараёнининг ғарбда машҳур бўлган «безбумажные технологии», яъни қоғозсиз технологияларга кириб бориши;
- дарс ўтиш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш, яъни мультимедиа таълимини ривожланиши;
- бугунги кундаги таълимнинг замонавий йўналиши бўлган масофадан туриб ўқитиш тизимининг ривожланиб бораётганлигида кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, телекоммуникацион картография ўқувчиларга эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хулоса чиқаришларига ўргатиб, таълим жараёнида ўқувчини асосий фигурага, ўқитувчини эса билим олиш ва тарбияланишга шароит яратиб берувчи шахсга айлантиради.

Адабиёт

1. Алисов Н.В. «География мировой телекоммуникационной связи», - Вестн. Моск. Ун-та. География. 1996. №3

2. Берлянт А.М. «Картография и телекоммуникация» М., 1998.

3. Young F.R. The evolutionary need of the “Geomatican-Cartographer”. Cartography (Austral), 1993, v.22, №2.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ЎЛКАШУНОСЛИК АТЛАСИ: МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ ВА АХАМИЯТИ

Б.Ҳ.Калонов, Ю.Б.Рахматов
Навоий давлат педагогика институти

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан таълим-тарбияни ислох қилиш, миллий кадрларни тайёрлашни замон талабалари даражасига кўтариш мақсадида 1997 йил 27 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар асосида таълим соҳасида бир қатор ижобий ислоҳотлар, ўзгаришлар амалга ошириб келинмокда.

Умумий ўрта таълим муассасалари учун география фанидан тузилган давлат таълим стандарти ва унга асосан ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастурлари ва дарсликларида ўз ўлкасининг географиясини чуқур ўрганишга катта эътибор берилган.

Янги дастурни амалга ошириш учун ҳамма фанлар қатори география фани бўйича ҳам дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлаш, дарс жараёнида илғор педагогик ва информацион технологиялардан фойдаланиш ишларини кенг йўлга қўйиш бугунги кунинг долзарб масалалардан биридир.

Маълумки география дарсларини атласлар, карталар, глобуслар ва ёзувсиз карталарсиз тасаввур қилиш қийин. Афсуски, ҳозирги кунда картографик асарлар етарли эмас. Шу боис, ўқув ўлкашунослик атласларини яратиш республикамиз географлари ва картографлари олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги вақтда Навоий давлат педагогика институти география кафедрасининг ташаббуси билан Ўзбекистон миллий унверситети ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар махкамаси ҳузуридаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси тасарруфидаги “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси ҳамкорлигида Навоий вилоятининг ўқув атласи нашр қилиш режалаштирилган. Атласнинг кириш қисмида вилоятга оид зарур маълумотлар, шунингдек вилоятнинг сиёсий-маъмурий ва табиий карталари берилади. Мазкур карталар орқали ўқувчилар вилоятнинг сиёсий-маъмурий бўлиниши ҳамда ер юзасининг рельефи, фойдали қазилмалари билан танишадилар. Бу ўқувчиларга атласнинг бошқа бўлимларидан фойдаланишга катта ёрдам

беради. Атласнинг биринчи қисмида вилоят табиий-географиясининг асосий компонентлари(геоглогияси ва тектоникаси, иқлими ва агроиқлим ресурслари, ички сувлари ва ирригация тизими, ерларнинг мелоратив ҳолати, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси карталари билан биргаликда ландшафт, табиатни муҳофоза қилиш ва экологик карталари берилади. Иккинчи бўлимда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасига тегишли карталар, яъни аҳолисининг сони, зичлиги, аҳолининг табиий ўсиши, меҳнат ресурслари, ишсизлик даражаси, саноат, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоқлари, транспрот, социал-ижтимоий соҳа карталари берилади. Учинчи бўлимда тарихий ва маданий ёдгорликлар, дам олиш жойлари, археологик ҳамда туристик карталари берилади. Атлас карталарни тузишда картографик, рақамли ва Адабиёт манбаларидан фойдаланилади. Ўйлаймизки вилоят ўқув ўлкашунослик атласининг яратилиши келажакда ўқувчиларга ўз ўлкасини чуқур ўрганиб олишга катта ёрдам беради.

КАРТАЛАР – ГЕОГРАФИК МАВЗУЛАРНИНГ МОДЕЛИ

Ғ.Р.Пардаев
Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да таълим жараёни самарадорлигини ошириш асосида ёшларни мустақил хаёт ва фоаолиятга тайёрлаш, янги жамият қурувчи онгли авлодларни етиштиришга эришиш мумкинлигига эътибор қаратилган.

Таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ўқитувчининг тажрибасига, моддий-техник базанинг салоҳиятига, ёшларнинг фаоллигига ва маъсулиятни англаш қобилиятларига боғлиқ. Шунингдек, янги педагогик технология усулларидан ижобий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, шундагина ёшларнинг билим қобилияти ва фаоллиги ортади, дунёвий қарашлари кенгаяди.

Ҳозирги кунда география таълимини такомиллаштиришда географик мавзуларга оид моделлардан фойдаланиш, ҳамда географик мавзуларни мустақил равишда моделлаштириш мухим аҳамиятга эга бўлиб, улар асосида талабаларнинг малака ва кўникмалари шаклланади, билиш қобилияти ортиб боради.

Моделлаш билим объектлари (табиий ходиса ва жараёнлар) уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш; мавжуд предмет ва ходисалар (жонли ва жонсиз тизимлар, муҳандислик конструкциялари, физик, кимёвий, биологик, географик ва ижтимоий жараёнларнинг ҳамда турли объектлар)нинг моделларини ясаш ва ўрганиш демакдир. Моделлаш асосида тадқиқот объекти билан унинг модели ўртасида ўхшашлик, мувофиқлик ётади(ЎЗСЭ 7-жилд;308-309-бетлар).

Моделлаш изланиш, ижобий ёндошув орқали амалга оширилади. География таълимида тайёр моделлардан яъни турли хилдаги расм-схема, диаграмма, формула, план(тарх), карта-схема ва карталардан, глобус, теллурийдан кенг фойдаланилади.

Моделлашда ҳозирги кунда компьютердан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда талаба ҳам кўради, ҳам тасаввур қилади, фикрлайди,қонуниятларни тўғри англайди. Бунда талаба кўп ёзиб ўтирмайди, тўғри саволларга аниқ жавоб топади.

Тайёр моделга турли хилдаги – умумий ва мавзули карталарни киритиш мумкин. Карталардан ижобий фойдаланилса, яъни саволлар тўғри ва аниқ изчил қўйилса, олинган маълумот мазмуни дарслик ёки ўқув қўлланмаси мазмуни самараси даражасини бериши мумкин. Талаба картанинг математик элементларини, картанинг, глобусдан фарқини, картадаги шартли белгиларни яхши тушуниб етгандагина, қўйилган саволларга аниқ ва тўғри жавоб беради.

Картографик моделлардан фойдаланишда мавзулар буйича аник ва тизимли саволлар қўйиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Умумий ер билими» курсидаги «Қуруқлик рельефи» мавзуси ўтилганда «Ер пўстининг тузилиши ва дунёнинг табиий карталари»дан фойдаланилади. Бунда биз қуйидаги саволларни беришни лозим деб биламиз.

1. Шартли белгилар асосида паст текислик, текислик, ясси тоғлик, баланд тоғларни аниқланг.
2. Дунёнинг табиий ва ер пўстининг тузилиши карталарини таққосланг.

А) Қадимги платформалар ўрнида қайси рельеф шакли ривожланган?

Б) Қадимги бурмаланиш областларида қайси рельеф шакллари мавжуд?

В) Ўрта бурмаланиш областларида қайси рельеф шакллари тарқалган?

Г) Янги бурмаланиш областларида рельефнинг қайси шакллари вужудга келган?

Д) Харакатдаги вулқонлар ер пўстининг қайси қисмларига хос?

Шунингдек, «Иқлим минтақалари ва табиат зоналари» мавзусини ўтишда «Дунёнинг иқлим минтақалари ва областлари» хамда «Дунёнинг табиат зоналари» карталаридан фойдаланилади. Бунда ўқитувчи томонидан минтақа ва зона атамаларининг тушунчалари қисқа холда аниқ баён этилади. Минтақа ва зоналарга ажратиш борасида миқдорий кўрсаткичлар мисол тариқасида берилади. Сўнг мавзу мазмунини тўлиқ баён этмасдан, талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва такомиллаштириш хамда мавзуга оид тўғри фикр ва

мулохазалар чиқаришлари учун саволлар тизимини эътиборга хавола қилинади. Жумладан:

1. Иқлим минтақалари ва областлари қандай миқдорий кўрсаткичларга кўра ажратилган?
2. Иқлим минтақаси ва областларини ажратишда нималарга эътибор берилади?
3. Турли иқлим минтақа ва областлари бир – бирларидан нималар билан фарқланади?
4. Иқлим минтақалари ва областлари нечта?
5. Қайси иқлим минтақасида иқлим областлари кўп ва нима сабабдан?
6. Дунёда нечта табиат зонаси мавжуд ва б.?

Талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ва фаоллигини оширишда иқтисодий ва ижтимоий географик карталардан хам самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда хам тўғри, аниқ ва изчил қўйилган саволлар ижобий ахамиятга эга бўлади. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» мавзусини ўтишда «Қишлоқ хўжалиги» картасидан фойдаланилади ва саволлар асосида мавзу мазмуни ёритилади. Чунончи;

1. Қишлоқ хўжалиги ихтисослиги бўйича худудларни белгиланг.
2. Қишлоқ хўжалиги ихтисослиги турларини аниқланг.
3. Эгалланган майдонларига кўра донли, техник, картошка ва сабзовот, полиз, ем – хашак экинлари экилган вилоятларни тартиб билан белгиланг.
4. Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида қора кўл ва хисор қўйлари кўп.
5. Вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалиги, ўсимликчилик, чорвачилик махсулотларини фоиз хисобида тартиб билан белгиланг ва бошқалар.

Карталаштирилган моделларни тахлил қилиш самараси биринчи навбатда манбалардан (картадаги шартли белгилар, схемалар, диаграммалар ва бошқалар) етарлича фойдаланиш, саволларни тўғри ва изчил қўйиш орқалигина амалга оширилади. Айниқса, мавзули карталардан фойдаланилганда мавзу мазмуни, ходиса ва жараёнлар моҳияти, атама ва иборалар, қонуниятлар тушунчаси пухта ўзлаштирилади. Мавзуларнинг мақсади, моҳияти тўғри аниқланади, сабаб ва оқибатлар, боғланишлар тўғри талқин қилинади, талабанинг мустақил фикрлаш қобилияти, ишчанлиги ортади. Шунингдек карталаштирилган моделлар асосида илмий услубий ишларга қизиқиш, аниқ хукмлар чиқариш, бахолаш ва башорат қилиш имкониятлари даражаси ортиб боради.

РУС ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ ТУРКИСТОН БЎЛИМИНИНГ КАРТОГРАФИК ФАОЛИЯТИДАН

З.А.Саидбобоев
Ўзбекистон Миллий университети

1897 йилда Тошкентда Рус Географик жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилди. Бўлим ўлканинг географик тадқиқотлари билан бирга карталар тузиш ишларини ҳам олиб борган. Бўлим ташкил этилгунча қадар ҳам рус олимлари томонидан ўлканинг табиий шароити, бойликлари, аҳолиси ва маиший ҳаётини ўрганиш борасида йирик муваффақиятларга эришилган эди (1).

Улар фақат илмий муаммоларни ҳал қилибгина қолмай, балки рус ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшганлар.

Бўлим аъзоларининг орасида топографлар бўлиб, улар Туркистон Ҳарбий-топографик бўлими, Тошкент астрономик ва табиий обсерваториясида ишлар эдилар. Уларнинг кўплари Рус Географик жамиятининг Туркистон бўлими бошқарувида иштирок этишиб, унда нутқ ва маърузалар ўқишарди.

Улардан П.К.Залесский (1874-1916) ўз ҳаётининг кўп қисмини ўлкадаги ана шу жамиятнинг илмий фаолияти билан боғлади. Дастлаб у топографик, сўнгра 1879 йилдан астрономик ишлар билан шуғулланди. Унинг раҳбарлигида ўлкадаги 700 та географик пунктнинг координаталари аниқланди. Бунинг учун эса 46 та экспедиция уюштирилган.

Ушбу координаталар кейинроқ ўлканинг карталарини тузиш учун манба бўлиб хизмат қилди. П.К.Залесский томонидан уюштирилган бир неча экспедициялар айнан бўлим илтимоси ёки унинг молиявий ёрдами ҳисобига амалга оширилган. Масалан, 1897 йилда Бўлим бошқаруви П.К.Залесскийни узоқ тоғли Шуғнон ва Рошанга экспедиция уюштириши учун пул ёрдами берган. Экспедиция натижасида 8 пунктнинг географик координаталари аниқланади.

Бўлимнинг бюджетидан карталар тузиш ва шу каби ишлар учун анчагина маблағ ажратиб турилган. Масалан, бўлим ташкил этилган 1897 йилда умумий маблағи 2624 рубл, 89 тийинни ташкил этган бўлса, унинг 57 рубл 55 тийини карталар тузиш, нашр этиш ва картографик асбоблар сотиб олишга сарфланган (2). 1898 йилда 613 рубл 25 тийинни (3) ташкил этгани эса йил сайин ушбу соҳага катта эътибор билан қаралганлигидан дарак беради.

Россиялик олимлар Ўрта Осиё географияси ва картографиясига оид маълумотларни ҳам қайта ишлаб чиқдилар. Чунки улар амалда ўлканинг тақдирини ҳал қилар эди.

«Ҳеч бир давлат Россиячалик Ўрта Осиёнинг катта қисми билан алоқа қилиш ва уларга аралашиш мақсадида кўп маблағ жалб қилмаган» (4) лигининг асосий сабаби эса чор ҳукуматининг жалб қиладиган маблағлари келгусида икки баравар фойда билан қайтишни жуда яхши тушунганлигидадир.

Хулоса сифатида шуни таъкидалаш ўринлики, XIX асрнинг охири-XX аср бошларида Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими фаолияти подшо маъмурияти томонидан молиялаштирилиб турилган. Шунингдек, мазкур маълумотларни ўлкани географик ва картографик ўрганиш борасида қўйилган дастлабки муҳим илмий қадамлар деб баҳоласа ҳам бўлади.

Бўлим томонидан яратилган карталар ўз даврининг юксак илмий асосларини ўзида мужассамлаштиргани билан изоҳланади.

Рус Географик жамиятининг Туркистон бўлимининг картографик фаолиятини ўз даври шароити анча чеклаб турган. Россия ҳукумати чекка ўлка ҳисобланган Ўрта Осиёнинг ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ўрганиш ва ривожлантириш билан қизиқмади, балки ундан мустамлака мақсадларида фойдаланишга уринди. Бўлим фаолиятининг ўзи ҳам ўлкадаги ҳарбий маъмурият томонидан қаттиқ назорат остига олинганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Адабиёт

1. Донцова В.Н. Некоторое итоги научной деятельности Туркестанского отдела Русского Географического общества в дореволюционный период (1897-1917 гг.) // Труды САГУ. Вып. XXXI. Географические науки. –Т.: Изд-во САГУ. 1952.

2. Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Т.I. Вып. I. - Т.: Типо-Лит. Бр. Порцевых. 1898.

3. Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Т.I. Вып. II.-Т.:Типо-Лит. Бр. Порцевых. 1900.

4. Обзор главнейших и географических открытий в пятилетие с 1848 по 1853 г. Составленным К.О.Свенске. Т. I. - СПб., 1855. -С. 160.

РЕКРЕАЦИЯ КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШ ТАЖРИБАСИДАН

Р. Усмонова, И.Ҳусанов, Х.Жумаев
Қарши давлат университети

Қашқадарё вилояти ландшафт картасини яратиш ўзига хос тарихга эга бўлиб, географ олимлардан Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когайлар томонидан дастлабки майда масштабли (1:1000 000) харита (1964,1965,1982) лар илк бор тайёрланган ва нашр қилинган. Кейинчалик эса кўпчилик географ тадқиқотчилар томонидан ҳудуднинг ўрганилиши натижасида ўрта масштабли картрлар Қашқадарё вилоятининг баъзи бир қисмлари учун

тегишли ҳолда тайёрланди. Масалан, С.А.Нишонов (1965 й) вилоятнинг барча қисми учун, И.А.Ҳасанов (1982 й) Қарши чўли учун ландшафт карталарини яратди. 1992 йилда чоп этилган «Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси»да ҳам Қашқадарё вилоятининг ландшафтлари ўз аксини топган. Рекреация карталари Қашқадарё вилоятининг ландшафт картасини анъанавий ва космик суратларни таҳлил қилиш усулидан фойдаланилган ҳолда тузиш мумкин. Натижада ушбу картанинг самарадорлигини ошириш ва ҳозиргача юз берган барча ўзгаришларни ҳисобга олиб, унинг маълумотлар сиғимини кенгайтириш имконини беради. Қашқадарё вилояти ҳудудидаги ландшафт ҳосил қилувчи омилларнинг ҳамда ландшафтларнинг горизонтал ва баландлик минтақаланишининг хусусиятларини ўрганиш, картографик материалларни таҳлил қилиш, дала шароитларида олиб борилган кузатишлар бу ҳудуднинг ланд-шафтларини типологик жиҳатдан тасниф қилиш ва 1:200 000 масштабдаги ландшафт картасини тузиш имконини берди. Ушбу ландшафт харитаси асосида Қашқадарё вилоятининг рекреация тизими ўрганилиб, рекреация картасини яратиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Рекреация картасини яратишда ландшафт картаси асос бўлиб унга рекреация тизимларини мос ҳолда ўз ҳолига жой-лаштириш асосида амалга оширилади. Шунингдек, картада умумгеографик асос, яъни гидрография тармоқлари, маъмурий чегаралар, аҳоли яшаш пунктлари, темир ва автомобиль йўллари ва бошқа инфраструктура коммуникациялари туширилади. Картада қўшимча тарзда табиатнинг диққатга сазовор жойлари (ғорлар, қоялар, даралар, чўққилар, довонлар, музликлар, булоқлар, шаршаралар, табиатнинг ноёб обидалари), гидрография тизимлари, (дарё, кўл, сув омборлари, сунъий каналлар, йирик селхоналар), музликлар, маданий тарихий ёдгорликлар, йирик халқ хўжалик корхоналари, географик, биологик қўриқхоналар; рекреация муассасалари (санаторийлар, курортлар, дам олиш уйлари, сайёҳлик ташкилотлари ва базалари мотеллар, кемпинглар); ҳудудининг хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилганлик турлари (урбанизациялашган жойлар, шаҳарларнинг яшил минтақалари, қишлоқ хўжалик ерлари, қўриқхоналар, заказниклар); дам олиш турларининг минтақалари санаторий-курорт, шаҳар ташқарисидаги оммавий дам олиш, саёҳатлар уюштириш мумкин бўлган, спорт саёҳатлари, альпнизим ва бошқалар) тушурилиши керак.

Ушбу юқорида кўрсатилган географик асослар ва рекреация тизимига кирувчи объектлар маълум тартиб ва мазмундаги шартли белгилар билан кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бизнингча дам олиш турларининг минтақаларини турли ранглар билан кўрсатилганлиги макул. Ландшафт комплекслари эса контурлар ва унга мос келувчи рақам ва унинг тартиб рақами қолган объектлар маълум шакллардаги белгилар

